




Хусан ЭРМАТОВ

НОБЕЛЬ МУКОФОТИ СОВРИНДОРЛАРИ



Адабиёт

Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент – 2011

УДК 06,068

66.77

Э80

ББК 66.77

ISBN 978-9943-03-344-3

© **Хусан Эрматов,
Ғафур Ғулом номидаги
нашриёт-матбаа
ижодий уйи, 2011 й.**

МУКОФОТ ТАРИХИГА БИР НАЗАР

Нобель мукофоти илғор илмий тадқиқотлар, инқилобий кашфиётлар ёки маданият ёхуд жамият тараққиётига қўшилган улкан хизматлар учун тақдим этиладиган энг нуфузли мукофотлардан биридир. Мукофот билан алоҳида шахслар тақдирланади, фақатгина Тинчлик мукофоти бундан мустасно. Тинчлик бўйича Нобель мукофоти расмий ва жамоат ташкилотларига ҳам берилиши мумкин. Бир шахс фақат бир марта Нобель соҳиби бўлиши мумкинлиги белгилангани ҳолда тарихда бу қоидадан бир неча бор чекинилган ҳолатлар учрайди. 1968 йилдан буён мукофотни бир вақтнинг ўзида уч кишидан ортиқ шахсларга берилмаслиги ҳам қоида сифатида киритилди. Номзод унга мукофот берилиши эълон қилинган вақтда ҳаёт бўлиб (бу одатда октябрь ойига тўғри келади), шу йилнинг 10 декабрига қадар оламдан ўтган бўлса, унга ушбу мукофотни вафотидан сўнг бериш мумкин, бу ҳақидаги қарор 1974 йилда қабул қилинган.

Нобель мукофотлари Альфред Нобель васиятномасига биноан таъсис этилган.

Нобель ўзи ким эди? Альфред Бернхард Нобель 1833 йилнинг 21 октябрь куни Швеция пойтахти Стокгольмда таваллуд топган. Альфред Эммануэль ва Андриетта Нобелларнинг учинчи ўғли эди. 1842 йилнинг куз ойларида Нобеллар оиласи Санкт-Петербургда кўчиб келишган. Бўлажак олимнинг отаси бу ерда торпедолар тайёрлаш бўйича иш бошлайди. 1849 йилда Альфред ўқиш учун Европа ва Америкага йўл олади. У Дания, Германия, Италия, Франция ва кейин АҚШда бўлади. Бу сафар қарийб икки йил давом этади. Россияга қайтгач, Альфред оилага тегишли, Россия армиясининг ҳарбий буюртмаларини амалга оширадиган фабрикаларни бошқариш билан шуғулланади. Бу ишлар инқирозга юз тугач, отаси билан Швецияга қайтишга мажбур бўлган Альфред портловчи моддаларни ўрганишга киришади, айниқса, нитроглицеринни хавфсиз ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланиш уни кўпроқ қизиқтирарди.

1868 йилда Нобель динамитга патент олади. Ўз кашфиётини тарғиб қилар экан, у портловчи модданинг имкониятларини намойиш этар, унинг қандай ишлаши ҳақида маърузалар қиларди. Натижада Нобель кашфиётига кундан-кун кўпроқ одамлар қизиқиш билдира бошлайдилар.

Альфред динамит ва бошқа портловчи моддалар ишлаб чиқариш, шунингдек, Бокудаги нефть майдонларини очиш ишларидан катта мол-мулкка эга бўлган.

1888 йилда мухбирлар хатоси билан Альфред Нобелнинг ўлими ҳақида хабар берилган. Бу олим учун жуда оғир таассурот қолдиради. Уни журналистлар «қонга ботган миллионер», «динамит қироли» дея таърифлашган эди. Бундан таъсирланган олим тарихда «дунёвий миқёсдаги жиноятчи» сифатида қолмаслик учун жиддий ўйлаб қолади.

Нобель 1889 йилда Бутунжаҳон тинчлик конгрессида қатнашади.

У 1896 йилнинг 10 декабрь куни стенокардия хуружидан вафот этган. Олим Стокгольмдаги Норра қабристонига дафн этилган.

Нобелнинг 1895 йилнинг 27 ноябрь куни ёзилган васиятномасида шундай сўзлар бор эди: *«Менинг барча кўчмас ва кўчириб бўладиган мол-мулким васийларим томонидан тез пулга айланадиган қимматликларга йўналтирилган, шу йўл билан топилган маблағлар ишончли банкка жойлаштирилган. Ушбу қўйилмалардан келадиган даромадлар уларни ҳар йили йил давомида инсониятга энг катта фойда келтирган кишиларга мукофотлар тарзида тақсимлайдиган фондга тегишли бўлиши лозим...»*

Кўзда тутилаётган фоидалар қуйидаги беш йўналишга тенг равишда бўлинади: биринчиси – физика соҳасида энг муҳим кашфиёт ёки янгилик яратганлар, иккинчиси – кимё йўналишида энг муҳим кашфиёт яратган ёки бу фанни мукаммаллаштиришга ҳисса қўшганлар, учинчи бўлак – физиология ёки тиббиёт соҳасида энг катта муваффақият қозonganлар, тўртинчиси – гоёвий йўналишида энг нодир адабий асар яратган ва бешинчиси – миллатларни жипслаштириш, қўлиқни бартараф этиш ҳамда мавжуд армиялар сонини қисқартириш ва тинчлик ҳаракатларини амалга оширишга ҳисса қўшганлар учун... Менинг алоҳида истагим шундан иборатки, мукофотларни беришда номзодларнинг қайси миллатга мансуб эканлигига эътибор берилмасин».

Шундай қилиб, Нобель васиятига кўра, ушбу мукофот фақатгина беш йўналишда таъсис этилган. Булар:

Адабиёт (1901 йилдан эътиборан, Швецияда берилади);

Физика (1901 йилдан Швецияда тақдим этилади);

Кимё (1901 йилдан буён Швецияда берилади);

Физиология ва тиббиёт (1901 йилдан эътиборан, Швецияда берилади);

Тинчлик (1901 йилдан эътиборан, Норвегияда топширилади) бўйича Нобель мукофотларидир.

Бундан ташқари, Швеция банки ташаббуси билан 1969 йилда Иқтисодиёт йўналишидаги Нобель мукофоти ҳам таъсис эгилди. Ушбу мукофотни тақдим этиш шартлари ҳам илгаригилари билан бир хил. Шундан сўнг, Нобель жамғармаси бошқаруви номинациялар сонини кўпайтирмасликка қарор қилди.

Шуни таъкидлаш лозимки, фаннинг кўпгина тармоқ ва соҳалари Нобель мукофоти билан қамраб олинмаган. Айтишларича, Альфред Нобель дастлаб соҳалар рўйхатини тузганда, унга математикани ҳам киритган эди. Аммо кейинроқ, унинг ўрнига Тинчлик мукофотини

ёзади. Бунинг аниқ тафсилоти маълум эмас. Асосий сабаблардан бири сифатида ўша пайтда Швецияда математика соҳасининг етакчиси бўлган Миттаг-Леффлер номини келтиришади, уни Нобель Стокгольм университети учун ҳадеб хайрия сўраб келавергани учун ёқтирмай қолган. Бошқа бир тахминга кўра, Нобель ёқтириб қолган Софья Ковалевскаянинг уни ташлаб, Миттаг-Леффлери танлагани бунга сабаб бўлган. Яна бир эҳтимол шуки, Нобель мукофот учун соҳаларни танлар экан, уларнинг инсониятга аниқ ва кўринарли фойда келтиришини мақсад қилиб олган, математика бўйича натижалар эса кенг жамоатчилик назарида бундай тоифага кирмайди.

Иқтисодиёт бўйича Нобель мукофоти билан боғлиқ харажатлар Нобель меросига дахлдор бўлган жамғармадан ажратилмайди. Шунинг учун ҳам, уни ҳақиқий даражада нобелча, деб ҳисоблаш баҳсли масаладир. Иқтисодиёт бўйича Нобель мукофоти соҳиби ҳар йили 12 октябрда эълон қилинади. Барча мукофотлар эгаларига 10 декабрда топширилади.

Нобель мукофоти соҳиби бўлган шахслардан «Нобель маърузаси» билан чиқиш қилиш талаб этилади. Бу маъруза шу номдаги жамғарма томонидан алоҳида чоп этилади.

Энди Нобель мукофоти билан бериладиган маблағлар ҳақида. Нобель жамғармаси 1900 йилда мустақил ноҳукумат ташкилоти сифатида ташкил этилган бўлиб, унинг бошланғич капитали 31 миллион Швеция кронаси ёки бугунги нархларда 1,5 миллиард кронани ташкил этар эди. Илк мукофотлар 150 минг кронадан берилган. Ҳозирги вақтга келиб жамғарма капитали 2 миллиард 966 миллион Швеция кронаси ёки 450 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб мукофот миқдори эса 10 миллион Швеция кронасини ташкил этмоқда. Шундай қилиб мукофот:

2003 йилда – 1,35 миллион АҚШ доллари;

2004 йилда – 1,32 миллион АҚШ доллари;

2005 йилда – 1,3 миллион АҚШ доллари;

2008 йилда эса – 1,399 миллион АҚШ долларига тенг бўлди.

Мукофотларни топшириш маросими

Мукофотни топшириш маросимига тайёргарлик йил давомида кўплаб ташкилотлар томонидан олиб бориладиган катта жараёндир. Октябрь ойида лауреатлар аниқланиб якуний тасдиқланади ва эълон қилинади. Мукофот соҳибларини аниқлашни Швеция Қироллиги фанлар академияси, Швеция академияси, Қироллик институтининг Нобель ассамблеяси ҳамда Норвегия Нобель кўмитаси амалга оширади. Мукофотларни топшириш маросими ҳар йили 10 декабрь куни икки мамлакат – Швеция ва Норвегия пойтахтларида ўтказилади.

Стокгольмда Швеция қироли физика, кимё, физиология ва тиббиёт, адабиёт, иқтисодиёт йўналишлари бўйича мукофотларни топширади.

Тинчлик бўйича Нобель мукофоти эса Осло университетига Норвегия қироли ва қироллик оиласи аъзолари иштирокида эгаларига тақдим этилади. А. Нобель корпорациясига тегишли корхоналар фаолиятдан олинадиган даромадлардан келиб чиқиб, ҳар йили ўзгариб турадиган пул мукофотидан ташқари, лауреатларга Нобель расми туширилган медаль ҳамда диплом ҳам берилади.

Нобель зиёфати

Нобель мукофотларини топшириш тадбирларида ташкил этиладиган кечки овқат алоҳида ўрин тутати. Бундай банкет илк бор мукофотнинг биринчи топширилиш маросими ўтказилган кун – 1901 йилнинг 10 декабрида бўлиб ўтган эди. Ҳозирги вақтда бу тадбир шаҳар бошқармасининг Мовий залида ўтказилади. Унга 1300–1400 нафарга яқин меҳмон таклиф этилади. Улар қатъий тарзда фраклар ва кечки либосларда бўладилар. Таомномани тайёрлашда «бошқарма қовоқхонаси» (бошқарма қошидаги ресторанча)нинг ошпазлари ва «Йил ошпази» унвонига эга бўлган пазандалар иштирок этишади. Сентябрь ойида таомноманинг уч хил варианты бўйича тайёрланган овқатлар ва пишириқлар Нобель кўмитаси аъзолари томонидан таътиб кўрилиб, улардан кечки базм дастурхонига тортиладиганлари келишиб олинади. Фақат десерт, яъни музқаймоққина олдиндан маълум бўлади. Аммо унинг ҳам қайси хилидан тортилиши 10 декабрнинг оқшомига қадар озчиликни ҳисобга олмаганда, сир тугилади.

Нобель банкети учун дастурхон элементлари ҳам махсус ишлаб чиқилган дизайн асосида танланади. Ҳар бир дастурхон ва қўлсочиқ четига Нобель портрети тўқиб солинган. Идишлар қўлда тайёрланган, ликопчалар четига Швеция амбир услубига мувофиқ, кўк, яшил ва тилларанг чизиқлар тортилган. Биллур фужер оёқлари ҳам худди шу рангларда бўёқланган. 1991 йилда Нобель мукофотининг 90 йиллигига бағишланган банкет учун 1,6 миллион долларлик идиш товоқларга буюртма берилган эди. Бунга 6760 та бокал, 9450 дона пичоқ ва санчқилар, 9550 та тарелка ва ... ажабки, бир дона чой учун чашка кирган. Чашка малика Лилиана учун, чунки бу хоним кофе ичмайди. Аммо, ушбу чашканинг ликопчасини кимдир ўғирлаб кетган.

Залда столлар математик аниқликда териб чиқилади, Сан-Ремодан жўнатиладиган 23 000 дона гул эса зални безаб туради. Хизматдаги официантларнинг ҳар бир ҳаракати лаҳзалик даражада аниқлаштириб чиқилади. Мисол учун, музқаймоқнинг тортилиш жараёнини олинг, биринчи официантнинг патнис билан эшик олдида пайдо бўлишидан, охиригисининг столни тарк этишигача бўлган вақт тўппа-тўғри уч дақиқани ташкил қилади, қолган таомларни дастурхонга тортиш учун эса, икки дақиқадан вақт кетади.

Соат миллари 19:00 га етганда қирол ва қиролича бошчилигидаги фахрий меҳмонлар зинадан Мовий залга тушиб келадилар, бу пайтда барча таклиф этилганлар залда ҳозир бўлишади. Швеция қироли Нобель мукофоти соҳиби бўлган аёлнинг қўлидан тутиб олган бўлади, агарда аёл киши мукофотга лойиқ топилмаган бўлса, физика йўналишидаги лауреатнинг рафиқаси қўлидан тутиб кириб келади. Биринчи қадаҳ жаноби олийлари учун, иккинчиси Альфред Нобель хотираси учун кўтарилади. Шундан кейингина, таомнома сири ошкор этилади. Таомнома ҳар бир ўриндиққа илова қилинган картага майда ҳарфлар билан нашр этилган бўлиб, унда тилларанг нақшларда Нобелнинг ён томондан олинган сурати туширилган. Кечки овқатга дунёнинг энг машҳур муסיқачилари таклиф этилади, масалан, 2003 йилда унда Ростропович ва Магнус Линдгрэнлар ўз санъатларини намойиш этиш шарафига муяссар бўлишган.

Банкет музқаймоқ тановули билан якунига етади. Соат 22:15 да Швеция қироли тилларанг залда рақснинг бошланишига ишора қилади. Соат 1:30 да меҳмонларга рухсат берилади. 1901 йилдан буён тадбирда тортилган таомларга Стокгольм шаҳар бошқармаси ресторанида буюртма бериш имконияти яратилади. Бундай овқатланишнинг нархи икки юз долларга яқин туради. Ҳар йили 20 мингга яқин меҳмон худди шундай буюртма беради ва ҳар гал одатга кўра, охириги тадбирга тайёрланган таомларга талаб катта бўлади.

Нобель концерти

Ушбу концерт мазкур ҳафталик доирасидаги асосий тадбирлардан биридир. Бу маросим Европада йилнинг энг эътиборли муסיқий тадбирларидан бири ҳисоблана, скандинавия мамлакатлари учун энг муҳими саналади. Унда замонанинг энг кўзга кўринган мумтоз санъат усталари иштирок этадилар. Унга тайёргарлик бир неча ой олдин бошланади. Барча тадбирлар декабрь ойининг биринчи ярмида ўтказилади. Нобель концертига машҳур швед скрипкачиси Михаил Казиник экспертлик қилади. Ушбу тантанали тадбир ҳар йили 31 декабрь куни бир қатор халқаро телеканаллар орқали намойиш этилади.

Нобелни танқид...

Мукофот билан боғлиқ танқидий фикрлар ҳам талайгина. Биринчидан, Нобелнинг васиятномасига мувофиқ, мукофот у тақдим этиладиган йилда эришилган натижалар, яратилган янгилик ва кашфиётлар учун берилиши белгилангани ҳолда, кўп ҳолларда бунга амал қилинмаганига гувоҳ бўлиш мумкин.

Иккинчидан, кўпгина олимлар ўзлари яратган кашфиётлар «вақт синови»дан ўтиб мукофотга тақдим этилишига етиб келмай, оламдан кўз юмадилар. Қолаверса, битта илмий мактаб вакилларига мукофотни

бир неча бор тақдим этиш тенденцияси ҳам кузатилмоқда. Бунда ҳам адолат тамойиллари бузилишини кўриш мумкин.

Нобель тарихи билан боғлиқ яна бир ҳолат шундан иборатки, кўпгина номинантлар бериладиган пул маблағлари одамларнинг ўлимига олиб келган ишлаб чиқариш орқасидан топилганини рўқач қилиб мукофотни олишдан бош тортишган, бунда улар динамитни назарда тутишади.

Тинчлик мукофотидан бошқа Нобель мукофотлари бир кишига фақат бир марта берилиши мумкинлиги белгилаб қўйилгани ҳолда, тарихда бу қоида ҳам бузилганига гувоҳ бўлдик. Ўтган бир асрдан ортиқ вақт давомида тўрт киши икки мартадан Нобель лауреати бўлишган. Булар Мария Склодовская-Кюри физика бўйича 1903 ва кимё бўйича 1911 йилда, Лайнус Полинг кимё йўналиши бўйича 1954 йилда, Тинчлик мукофотига 1962 йилда, Жон Бардин физика бўйича икки бор 1956 ва 1972 йилларда, Фредерик Сенгер эса кимё йўналишидаги мукофот билан 1958 ва 1980 йилларда тақдирландилар. Ташкилотлар ҳақида гап кетганда, Халқаро Қизил хоч қўмитасининг уч марта — 1917, 1944 ҳамда 1963 йилларда, БМТнинг қочоқлар бўйича олий комиссари бошқарувининг икки бор — 1954 ва 1981 йилларда Тинчлик бўйича Нобель мукофотига сазовор бўлганликларини таъкидлаб ўтиш жоиз.

2010 йилнинг 1 январь ҳолатига 762 нафар эркак ва 40 нафар аёл Нобель мукофотига сазовор бўлгани қайд этилган. Аёллар орасидан биринчи бўлиб ушбу мартабага Мария Кюри лойиқ топилган. Бахтни қарангки, Мария Кюрининг қизи Ирен Жолио-Кюри ҳам кимё бўйича 1935 йилда Нобель мукофотига сазовор бўлади. 2009 йилда бир йўла беш нафар аёл Нобель лауреатларига айландилар, улар орасида Элинор Остром иқтисодиёт йўналишида бу мукофотга лойиқ топилган биринчи аёлдир. Маълумки, 107 нафар ёзувчи, сиёсатчи ва файласуфлар Адабиёт соҳасидаги Нобель мукофоти билан тақдирланишган.

Қайси мамлакат олдида?

Қайси мамлакатдан неча нафардан фуқаро Нобель мукофотига лойиқ кўрилгани ҳақидаги маълумотлар ҳам кишини бефарқ қолдирмайди. Агар алифбо тартибида назар ташлайдиган бўлсак, қуйидаги статистикага дуч келамиз: 2010 йилгача Австралиядан 7, Австриядан 13, Аргентинадан 4, Бангладешдан 1, Фуқаролиги бўлмаган шахслардан 1, Бельгиядан 9, Буюк Британиядан 101, Венгриядан 4, Шарқий Тимордан 2, Вьетнамдан 1, Ганадан 1, Гватемаладан 2, Германиядан 89, Грециядан 2, Даниядан 14, Мисрдан 4, Исроилдан 9, Ҳиндистондан 4, Эрондан 1, Ирландиядан 5, Исландиядан 1, Испаниядан 6, Италиядан 16, Канададан 9, Кениядан 1, Хитойдан 5, Колумбиядан 1, Коста-Рикадан 1, Мексикадан 3, Мьянмадан 1, Нигериядан 1, Нидерландиядан 18, Норвегиядан 8, Перудан 1, Покистондан 1, Фаластиндан 1, Польшадан 7, Португалиядан 2, Россиядан 5, Сент-Люсиядан 1, собиқ Иттифоқдан 15, АҚШдан

291, Тринидад Тобагодан 1, Туркиядан 1, Финляндиядан 3, Франциядан 52, Чехиядан 1, Чехословакиядан 1, Чилидан 2, Швейцариядан 22, Швециядан 29, ЖАРдан 8, Югославиядан 1, Жанубий Кореядан 1, Япониядан 16 нафар фуқаро Нобель мукофотига сазовор бўлишган.

Адабиёт бўйича Нобель мукофоти соҳиби бўлган 107 нафар ёзувчи, шоир ва сиёсатчиларнинг қайси мамлакатнинг фуқаролари эканини аниқ белгилаш ҳам бугунги глобаллашиб кетган даврда, тўғриси, унча осон иш эмас. Мисол учун, Бродскийни олайлик, миллати жиҳатидан яҳудий, АҚШ фуқаролигидаги ижодкор ўзини рус адабиётчиси, деб ҳисоблайди. Назаримизда, бу борада яратилган асарларнинг қайси тилда эканлиги кўпроқ аҳамият касб этса керак.

Шу жиҳатдан қаралса, 2010 йилгача Нобель мукофотига сазовор бўлган ёзувчиларнинг 26 нафари инглиз тилида ёзган, бу жами лауреатларнинг 25 фоизини ташкил қилади. 13 нафар ёки 12.5 фоизи француз тилида битилган, 13 лауреат ёки 12.5 фоиз ёзувчи немис, 10 фоизи испан, 6 фоизи италян ва швед, 5 фоизи эса рус тилида ижод қилинган асарлардир.

Инглиз тилида ижод қилувчиларнинг мутлоқ кўпчилиқни ташкил этиши табиий. Чунки жуда кўпгина давлатларда бу тил давлат мақомига эга. Француз ва испан тилларининг бу борадаги устунлиги ҳам изоҳ талаб қилмаса керак. Шу билан бирга рус ёзувчилари ўз вакилларининг камлигидан рози эмасликларини баён этадилар.

Адабиёт, адабиёт ва яна адабиёт...

Француз шоири Арман Сюлли-Прюдомнинг вафот этганига юз йилдан ошди. Агарда бир тарихий воқеа бўлиб ўтмаганида, уни ҳеч ким эсламаслиги ҳам мумкин эди. Ҳозирга келиб, ҳатто ўз ватанида ҳам унутилаёзган шоир адабиёт бўйича Нобель мукофотига биринчи бўлиб лойиқ кўрилган эди. Бу 1901 йилда, ҳали дунёда асарлари энг кўп ўқиладиган ёзувчи Лев Николаевич Толстой завқ-шавқ билан ижод қилиб турган маҳалда бўлиб ўтганди. Йўқ, шоирга бу мукофот ноҳақ берилди, деган фикрни айтмоқчи эмасмиз, албатта. Сюлли-Прюдом кўп қийинчиликлар кўрган ва, шу билан бирга, муносиб умр кечирган ижодкор ҳисобланади. Ночор ҳаётига қарамай, у Франциянинг энг маълумотли кишиларидан бирига айланади. Ўзининг фалсафий поэзиясида инсонпарварликни тарғиб қилади. Шоир прусслар армияси Парижни ишғол қилган вақтда шаҳарни ҳимоя қилиш учун қўлига қурол олади. Унинг қандай инсонлиги асарларига ҳамоҳанг тарзда амалга оширган ишлари билан ҳам аҳамиятли. Прюдом Нобель мукофоти учун олган пулларининг катта қисмини ёш шоирларни рағбатлантиришга сарфлаган.

«Ясная поляналик чол» — Толстойни шундай аташарди, Нобель мукофотини рад этган, деган тахминлар ҳам йўқ эмас. Солженициннинг ёзишича, Толстой *«қандайдир кerosин сотувчи адабиёт мукофотини таклиф этадими, бу қандай гап бўлди?»*, деб киноя ҳам қилган. Бу

қанчалик рост гап? Толстой мукофотни 1906 йилда рад этган, бунга шубҳа йўқ, бироқ 1901 йилда, ҳали эндигина таъсис этилаётган, атрофида жанжаллар бошланмаган бу мукофот ҳақида «отахон»нинг эшитганига ҳам шубҳа қиласан киши.

Швеция академияси котиби Карл Вирсен Толстойнинг ўлмас асарлар яратганини тан олгани ҳолда, унинг номзодига мутлақо қарши бўлган. Ул жанобни Толстойнинг *«цивилизациянинг барча шаклларини инкор этиб, улар ўрнига ҳамма мавжуд маданиятлардан узилиб қолган примитив яшаш тарзини қабул қилишга ундагани»* таассуфлантирган эди.

Албатта, швециялик олим Лев Николаевичнинг асарларини ўта вулгар талқин этган. Хулласи калом, янги, йигирманчи асрнинг эрта тонгида адабиётдаги энг йирик шахс дея Сюлли-Прюдом тан олинди. Ҳа, айнан шундай бўлди.

Бошқа таҳлилчилар бу қарорни Швеция академиясининг «евроцентризм»и билан боғлашади. Айнан ўша Вирсеннинг таърифича, Нобель мукофоти Европанинг энг кучли ва салоҳиятли ёзувчиларини уларнинг кўп йиллик ва адабиётга келтирган ўзига хос ишлари учун рағбатлантирувчи мукофот сифатида таъсис этилган.

Шуниси қизиққи, аслида бу Альфред Нобельнинг васиятларига зид гап. *«Менинг қатъий тилагим шуки, — деган эди Нобель, — мукофот миллати ва келиб чиқишидан қатъи назар, энг кучлиларга тақдим этилиши керак».*

Ҳа, кўпчилик шундай бўлишини кутган ҳам эди, мисол учун, айнан ўша Вирсеннинг қирқдан ортиқ ватандоши ҳам 1902 йилнинг январида Толстойга ноодатий жанрдаги мактуб жўнатганлар қаторида бўлди. Бу мактубнома ва бир вақтнинг ўзида эътирознома ҳам эди.

«Нобель мукофоти илк бор тақдим этилаётгани важдидан биз қўйида имзо қўйган швециялик ёзувчи, рассом ва танқидчилар Сизга ўз эҳтиромимизни билдириб... Гарчи ўзингиз шахсий дунёингиз билан бу каби мукофотларга интилмаган бўлсангиз-да, сизнинг тимсолангизда нафақат замонавий адабиётнинг патриархини, балки бугунги кунда ҳаммадан олдин кўз олдимизга келаётган улкан сўз санъаткорларидан бирини кўраимиз».

Бундай мурожаатлар оқимидан сўнг, Лев Николаевич ҳам ўз фикрини билдириш ва жавоб ёзишни лозим топди. Ўзининг қисқагина мактубида, жумладан, шундай деб ёзганди:

«Қадрли ва ҳурматли биродарлар! Нобель мукофоти менга тақдим этилмаганидан хурсандман. Бу биринчидан, мени ҳар қандай моддийликлар каби зулм келтириши мумкин бўлган пулларни сарф қилишдек оғир ташвишдан халос қилади, иккинчидан, менга таниш бўлмаган, бироқ ниҳоятда қадрли бўлган шунча шахслардан ҳамдардлик ва хайрихоҳлик мактубларини олганим менга катта шараф ва мамнуният бағишлайди».

Толстой, эътибор берган бўлсангиз, гарчи жуда ҳам истамаётгандек кўринса-да, ўзи айтмоқчи, ана шундай «бош оғриги», яъни ўзига ёқмайдиган пулларни қандай қилиб тақсимлаш масаласини ўйлаб кўришга маънан тайёр эди. Бу, қайсидир даражада унинг 1901 йилги

Нобель мукофотини инкор этмаганига ишора беради. 1906 йилда эса ҳолат бошқача эди. Россия академияси Нобель мукофотига номзодини тавсия қилиб Стокгольмга мактуб жўнатганида, Толстой бунинг олдини олиш учун жиддий киришади. Асарларини фин тилига таржима қилувчи яқин оғайниси Арвид Ярнефельдга хат ёзиб, ундан ўзининг Швециядаги алоқаларини ишга солишни ва иложи борича, мукофотнинг унга берилмаслигини сўрашини илтимос қилади. «*Бу мени ундан воз кечишдек ниҳоятда ноқулай аҳволга солиб қўяди*», дейди у.

Ярнефельд бу илтимосни уддалайди чоғи, 1906 йилги Нобель мукофоти яна бир нотаниш италян шоири Кадучига берилади. Келинг, бир оз мушоҳада қилиб кўрайлик. Мукофот Толстойга нима бериши мумкин эди? Ҳеч нарса! Толстой ўзининг юксаклиги билан бу мукофот обрўсини кўтарган ва унга муносиб бўлиши мумкин бўлганларга ҳам жуда катта мезонни белгилаб қўйган бўлар эди. Биласизми, бу чўққи етиб бўлмас маррага айланиб қолиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмасди. Аммо бу адабиёт олами ва жараёнлари учун жуда муҳим бўлган ўлчовларни ҳам белгилаб берган бўларди. Яна бир гап. Нобель мукофотидан воз кечганлар бўлди. Мисол учун, Жан-Поль Сартр ундан ўзи воз кечган бўлса, Пастернакни ундан воз кечишга мажбур қилишди. Бироқ ушбу тақдим этилмаган мукофотлар Нобель йилномасида сақланиб қолган, унинг ҳисоботига ҳам киритилган. Толстойнинг исми эса у ерда қайд этилмаган, фақат миш-мишлар ва тахминлар бор ҳоло.

Шундай қилиб, адабиёт йўналишидаги Нобель мукофоти тарихи, кўплаб таҳлилчилар хулосаларига кўра, муайян хатолар билан бошланган. Бу эса маълум даражада мукофотнинг ҳозирги давргача ҳам бир қадар субъектив, айни вақтда бир қадар баҳсли бўлиб қолишида роль ўйнамоқда.

Фактлар ўжар бўлади. 1901 йилдан 1991 йилгача – тўқсон йил мобайнида бутун бошли Осиёдан Нобель мукофотига икки нафаргина ёзувчи муносиб топилгани кишини ўйлантириши табиий. Ахир ушбу давр мобайнида Европа ва АҚШдан етмишдан ортиқ ижодкор бу мартабага лойиқ кўрилган. Аслида ҳам, Осиё халқлари адабиёти шунга лойиқми? Мана, масала! Ахир Осиёда кўп асрлик, мингйиллик анъаналарга эга бўлган Япония, Хитой, Ҳиндистон, Эрон ва бошқа мамлакатлар бор.

Умуман, Нобель мукофоти, хусусан, адабиёт йўналиши ҳақида гап кетар экан, лауреатларнинг кўпчилигини ташкил этувчи Европа ва АҚШ ёзувчилари ҳақидаги мулоҳазалар катта ўрин тутати. Бу борада ҳаммаси рисоладагидек кўринади. Аммо бу, бир қарашда шундай. Энг аввало, швед академикларининг доимий диққат эътиборида бўлиб келган скандинавия мамлакатлари адибларини олайлик, бу эътибор шунчалик бўлдики, тўқсон йилда берилган 88 та мукофотнинг 14 таси, яъни, ҳар олтинчиси шу минтақаликларга теккан. Булар шведлар, данияликлар ва норвеглардир. Майли, экспертларни ҳаддан ортиқ эҳтиросларга берилишганига ҳам тўхталиб ўтирмаймиз, уларнинг «ўзларига яқин» бўлганларнинг имконият ва даражаларини чинакамига ошириб

юборганликлари шак-шубҳасиз, бунинг ҳеч ким инкор этмайди. Бошқа бундан-да аҳамиятли, муҳим бўлган важлар, эътирозлар ҳам бор. Қанчалар ҳайратланарли ва мантиққа зид бўлмасин, бутун скандинавиялик ижодкорлар орасида сўзсиз буюк ёзувчи саналмиш Ибсен бу рўйхатда йўқ. Ахир у мукофот ўз эгаларини топа бошлаганидан сўнг ҳам, беш йил яшаган эди. Унинг тан олинмаслиги сабабларидан бири сифатида ёзувчининг антилиберал бўлганлигини кўрсатишади. Таҳлилчилар Толстойдек адабиёт йўлбарсининг шведлар томонидан муносиб баҳоланмаганини уларнинг Европага ён босишлари билан баҳолашса, Ибсен билан боғлиқ бу ҳолатни ўта очиқ тарафкашлик билан баҳолашади.

1912 йилда оламдан ўтган йирик швед ёзувчиси Стриндберг номзодининг рад этилиши ҳам ниҳоятда ажабланарли. Тадқиқотчи А. М. Илюкович бу мавзудаги китобида шундай ёзади: «*Стриндберг мукофотга реал номзод бўла олмаслигининг сабаби, у ўта мураккаб шахс бўлиб, етарли даражада ҳурматга сазовор эмас эди*».

Муаллиф, шу билан бирга, Стриндбергнинг тўла асосланган раддиясини келтиради: «*Келинг, санъатни муҳокама қилишга киришган, ammo уни тушунмайдиган магистрлардан узоқ бўлайлик. Агар лозим бўлса, Нобель пулларидан, одамлар айтмоқчи, динамит пуллардан ҳам воз кечамиз*».

Шу ўринда академикларнинг скандинавиялик яна бир оғир табиатли адиб Кнут Гамсунга мукофотни лозим топишганини таъкидлаб ўтиш ўринли. Бу масалада қарийб йигирма йил баҳслашилди, қизиғи, экспертлар кейинчалик бу қарорларидан пушаймон ҳам бўлишган.

Ёзувчининг маҳорати муайян даврдан кейин ўзининг ҳақиқий баҳосини топиши мумкинлигини эътиборга олиб, ўтган асрнинг биринчи ярмида мукофот соҳиби бўлган ва айна шу даврда Европа ва АҚШда яшаган ҳамда аксарият европа тилларида ижод қилган, бироқ мукофотга лойиқ топилмаган ёзувчиларни таққослаш учун келтириб ўтайлик.

Лауреатлар ва лойиқ топилмаганлар кетма-кетликда келтирилади:

Перл Бак – Шервуд Андерсон

Хасинто Бенавенте – Бертольт Брехт

Пауль Гейзе (Хейзе) – Поль Валери

Карл Гьеллеруп – Томас Вульф

Грация Деледда – Федерико Гарсиа Лорка

Йоханнес Йенсен – Жеймс Жойс

Жозуэ Кардуччи – Эмиль Золя

Эрик Карлфельдт – Хенрик Ибсен

Гарри Синклер Льюис – Франц Кафка

Габриэла Мистраль – Жозеф Конрад

Фредерик Мистраль – Маргарет Митчел

Хенрик Понтониддан – Роберт Музиль

Владислав Реймонт – Марсель Пруст

Франс Силланпя – Райнер Мария Рильке

Арман Сюлли-Прюдом – Френсис Скотт Фицджеральд

Сигрит Унсет – Марк Твен

Вернер фон Хейденстам – Герберт Уэллс

Карл Шнитцелер – Роберт Фрост

Рудольф Эйкен – Олдос Хаксли

Хосе Эчегарай – Томас Харди (Гарди)

Бугун ушбу рўйхатнинг иккинчи томонида турганларнинг ижоди уларнинг лауреатликка эришган замондошлариникига қараганда, замон синовидан муносиб ўтганлиги ва тан олиниши инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқатдир. Ҳа, уларнинг ҳам ҳар бири ўзича, ўзига хос йўли, йўналиши, истеъдоди билан из қолдирган. Аммо рўйхатнинг чап томонида ўтган қирқ беш йилда юксак мукофотга эришган йигирма лауреат бор эди. Буни унутиб бўлмайди.

Дарвоқе, бу билан академиянинг барча қарорлари баҳсли эди, деган фикрни айтиш ниятимиз йўқ. Асло. Кнут Гамсун, Герхарт Гауптман, Жон Голсуорси, Редьярд Киплинг, Сельма Лагерлёф, Томас Манн, Роже Мартен дю Гар, Морис Метерлинк, Южин О'Нил, Луизи Пиранделло, Ромен Роллан, Генрик Сенкевич, Анатолий Франс, Бернард Шоулар адабиёт нуктадонлари эди, шубҳасиз. Аммо минг афсуски, бундай сўзсиз муносиб деб баҳоланаётганлар ўша 45 йиллик танловнинг учдан бирини ташкил этяпти, холос. Бу фактдан швед экспертлари ҳар уч қарордан бирини тўғри қабул қилган, деган ниҳоятда ўжар матълумот юзага келмоқда...

Қанча баҳлашилмасин, адабиёт билимдонлари юқоридагилардан ташқари, Гийом Аполлинер, Грэм Грин, Теодор Драйзер, Дэвид Лоуренс, Уистен Оден, Жорж Оруэлл, Торнтон Уайдлер, Мигель де Унамуно, Роберт Пенн Уоррен кабиларнинг ҳам четлаб ўтилганини таассуф билан тилга олишади.

Шуниси эътиборга молики, кўпгина мукофот соҳиблари ушбу мукофотни тақдим қилиш маросимларида ўзларидан кўра, муносиброқ бўлган ёзувчи ва шоирларнинг исмларини келтириб ўтганлар. Мисол учун, Льюис Синклер буюк Шервуд Андерсоннинг бу мартабага муносиб топилмаганидан ўз таажжубини яшириб ўтирмаган. Испаниялик шоир Хуан Рамон Хименес биринчилик тожини ўзидан анча ёш бўлган ватандоши Федерико Гарсиа Лорканики, деб ҳисоблашини билдирган. Томас Манн Жозеф Конрадни ўзидан баланд қўйган. Франциялик Франсуа Мориак драматург Август Стриндбергни Нобелсиз қолдиргани учун шведлардан норози ҳам бўлган.

Иосиф Бродский мукофотни олар чоғида шундай деган эди: «*Мен бу ерда мендан аввал мукофот олганлардан эмас, балки муносиб бўла туриб ололмаганлардан хижолат тортмоқдаман*». У шу ўринда Осип Мандельштам, Марина Цветаева ва Анна Ахматовалар номини келтириб ўтади.

Рус ёзувчилари орасида Бунин биринчи бўлиб Нобель мукофотига сазовор бўлган эди. У большевикларнинг қонли қўзғолонини қоралаб Францияга чиқиб кетади. Буниннинг хотини Вера Николаевна ўз кундаликларида турмуш ўртоғини 1922 йилда Ромен Роллан Нобель

мукофотига тавсия этганини ёзади. Иван Алексеевичнинг Грасс шаҳридаги камтарона хонадонидагилар бундай муваффақиятнинг амалга ошишига ишонишдан ҳам қўрқишар эди, аслида. Кейинги ўн бир йил мобайнида бу ҳодиса унутилаёзганди ҳам. 1933 йилнинг 9 ноябрь кuni ёзувчи уйда «*бетайин кино томоша қилиб ўтирар*» экан, Стокгольмдан кўнғироқ бўлади...

Бунинга Нобелни бериш масаласини кўмитадагилар жуда аниқ талқин билан баҳолашган эди: «*рус классик прозаси анъаналарини ривожлантиришдаги юксак маҳорати учун*». Нобель мукофоти кўмитасидагилар учун Буниннинг фуқаролигини кўрсатиш масаласи ҳам бош оғриги бўлди. Бу жуда галати ва таҳқирли, ҳақоратомуз эди: миллати йўқ, Францияда яшайди. «*Без национальности*» деган иборани яна қандай таржима қилиш мумкин?

715 минг француз франки миқдоридаги чек Бунинга умрининг охирига қадар маза қилиб яшаш ва ижод қилиш имкониятини берар эди, албатта. Бироқ адиб бу пулларни кўзига қарамай сарфлади. У маблағнинг катта қисмини четда юрган муҳтож ҳамкасбларига ёрдам сифатида тарқатди. Қолганлари ҳам кейинчалик унга фойда берган эмас.

Мукофот ва сиёсат

Мутахассислар аксарият ҳолатларда мукофотни кимга бериш ёки кимга бермаслик мафкуравий ёндашувлар, гоёвий қарама-қаршилик ва сабаблардан келиб чиқиб ҳал этилган, деган фикрни ҳам олға суришади. Пётр Вайл шундай дейди: «*Ҳар қандай зиёлилар жамияти каби Нобель мукофоти кўмитаси ҳам сўл эътиқод тарафдорлари вакилларидан ташиқил топган. Сўл, деганда мен албатта Европача атамашуносликдан келиб чиқдим. Айнан мана шунинг учун ҳам йиғирманчи асрнинг энг буюк ёзувчиларидан бири Борхес Нобель мукофотига сазовор бўла олмади. Ҳамма гап шунда эдики, у коммунистларни янчиб ташлагани учун Пиночетнинг кўлини сиққан ва таҳсин айтган эди. Ажаб, Борхесни унинг буюклиги ҳисобига ҳамма тушунди, Пиночетни эса ҳеч ким кечирган эмас*».

Беш нафар Нобель мукофотига муносиб топилган собиқ иттифоқ ёзувчиларидан тўрт нафари у ёки бу даражада мамлакат раҳбарияти ва сиёсати билан қарама-қаршиликда бўлган пайтда эътироф этилган, Бунин ва Бродскийлар муҳожирликда кун кўришган бўлса, Солженицин ватанида диссидент ҳисобланар эди. Пастернак айнан хорижда яшаган чоғида яратилган романи учун бу мукофот билан тақдирланган. Мана шу важлардан келиб чиқиб, бир гуруҳ танқидчилар мазкур ёзувчиларга мукофотнинг берилишини сиёсий сабаблар билан боғлашади. Албатта, бунга қарама-қарши фикрлар ҳам бор. Асосли эътирозлардан бири шундаки, Солженицин 1970 йилда лауреат бўлган. Бу вақтда ҳали «ГУЛАГ архипелаги» ёки «Қизил занжир» асарлари йўқ эди. Стокгольм академиклари собиқ иттифоқ адабиётшуносларининг ушбу сўз санъаткорининг илк асарлари юзасидан билдирилган ҳаяжонли қарашларига асосланишган. Александр Солженицин бир сафар

мукофотни Шолоховга беришлари ҳам аслида сиёсий сабаблар эвазига бўлган, деган эди. «Буни Пастернакка аввалроқ мукофот беришгани учун мувозанат сифатида қилишган», дейди Солженицин. Мстислав Ростропович эса шундай дейди: «Бундай муносабат ҳар нарсадан кир излайдиган сиёсатдонларнинг ишидан бошқа нарса эмас».

«Улуғ шоир» Пастернакни номзодлардан бири сифатида қўмита олти марта – 1946 йилдан то 1950 йилгача ҳар йили ва 1957 йилда яна бир бор кўриб чиқади. Бироқ мукофот унга берилмайди. 1958 йилда адабнинг «Живаго» романи Италияда эълон қилингангина, тарози палласи унинг фойдасига тош босди.

Пастернакка ушбу мукофот расман *«замонавий лирик поэзия ва буюк рус эпик романчилиги анъаналарини давом эттиришдаги улкан ютуқлари учун»* тақдим этилган. Ажабки, бу романни адабиёт мутахассислари «буюк проза»га лойиқ кўрадилар, деб айтиш қийин. Кейин яна машмашалар, ҳукумат томонидан сиқувга олишлар давом этди ва ниҳоят, шоир бу воқеалардан сўнг икки йил ўтиб-ўтмай, аччиқ қисматига битилгани – бандаликни бажо келтириб қўя қолди.

Шу ўринда яна бир маълумотни келтириб ўтиш жоиз. Ўта сиёсийлаштирилган замонларда, иккинчи жаҳон урушигача рус ёзувчиларидан Дмитрий Мережковский ўн марта – 1914, 1915 ва 1930–1937 йилларда, Горький тўрт бора – 1918, 1923, 1928, 1930 йилларда, Бунин беш марта – 1923, 1930–33 йилларда, Бальмонт 1923 йилда, Шмелев 1931, 1932 йилларда мукофотга номзод қилиб кўрсатилган эдилар. Улар орасида Бунин Нобель мукофотига сазовор бўлган илк рус ёзувчиси бўлиб қолди.

«Адабиёт соҳасидаги Нобель мукофотини халқ муҳокамасидаги мукофот деб аташ жоиз, — дейди рус журналисти Дмитрий Волчек. — Ўзини ўйланг, мисол учун, химия ёки физика соҳасидаги мукофотга сазовор бўлган ишни ким ҳам муҳокама қилар эди. Уяққол кўриниб турган иш. Бироқ адабиёт — бошқа масала, ёзувчилар, уларнинг асарлари бобида бундай абсолют ҳулоса қилиш қийин».

Дарҳақиқат, мукофотга номзод бўлган ёзувчи ва асарлар жуда қизғин муҳокамалардан ўтади. Тиниб-тинчимас ёзувчиларга бу ҳақида гап очиб кўринг, нақ балога қоласиз. Улар шунақанги эътирозларни қалаштириб ташлашадики, асти қўяверасиз. Норозигарчиликларни, тарафкашликларни айтмайсизми? Айниқса, мукофотга муносиб топилган ёзувчининг асарларини ўқимаганлар қаттиқроқ баҳс қиладилар. 2008 йилги мукофот соҳиби Леклезioni олайлик. Унга нисбатан жуда кўп эътирозлар бор. Россия матбуотида эълон қилинган баъзи фикрлар кишини ўйлантириб қўяди. Улар танқид қилишда тортиниб ўтиришмайди. Мисол учун, ўз номини кўрсатмаган муаллифлардан бири шундай ёзди: *«Нобель мукофоти қўмитаси, мана нечанчи бор, мукофотни ҳали букмекерлар рўйхатида ҳам бўлмаган ёзувчиларга бериб, муносиб адабларни четлаб ўтмоқда».* Бу билан муаллиф мукофотни бутунлай шубҳа остига қўяётгани ҳақида ўйлаб ҳам ўтиргани йўқ.

Французларда эса мутлақо бошқача қараш бор. Улар Леклезioni бундан бир неча йиллар олдиноқ Нобелга муносиб деб топишган. Қатор йиллар мукофот соҳибларини эълон қилиш санаси арафасида француз матбуотида Леклезioni энг муносиб номзод сифатида тан олиб мақолалар эълон қилинган.

Ҳар нима бўлганда ҳам, булар адабиёт билан умрини боғлаган, унинг сир-синоати ва кучидан бохабар кишиларнинг фикрлари. Биз бу ўринда бирон бир хулоса қилишни ҳар кимнинг ўзига қолдирганимиз маъқул. Аммо ҳақиқат шундан иборатки, мукофотга сазовор бўлган ёки асарлари тавсия этилган ёзувчиларни билмаслик, уларнинг ижодларидан бохабар бўлмаслик ўша эътирозларнинг бош омиллари бўлиб қолмоқда. Буни энг кўп эътироз билдирувчи россияликларнинг ўзлари ҳам кўп ҳолларда тан олишади. Мисол учун, аксарият лауреатларнинг асарлари бу мукофотга сазовор бўлганларидан кейингина бошқа мамлакатлардаги китобхонга етиб келган. Бу энди, олайлик, қўмита ёки бирон кенгашнинг имкони етадиган иш эмас. Нафсиламбрини айтганда, агар шу маънода баҳс кетса, бизнинг жуда катта маънавий меросимиз орасидан ушбу мукофотнинг, керак бўлса номини ҳам улуғлаб қўя оладиган адабиёт намуналари мавжудлигини, албатта, ғурур билан таъкидлаб ўтишимиз мумкин.

Мисол учун, агар замон тафовути бўлмаганда, мир Алишер Навоий бобомизнинг улкан мероси, бебаҳо шеървати бу мукофотнинг мавқеини бир неча баробарга ошириб юборган бўлмасмиди? Ёки, Бобурни олинг, Машрабчи? Инсон руҳиятини тан-танигача очиб беролган яна қандай устунроқ адабиёт бор экан дунёда. Миллатнинг кўзгудаги аксини яратиб қўйган, унинг тарихи, маданиятини бутун улуғворлиги ва моҳияти билан очиб кўрсата олган Қодирийчи? Тарихий мавзулардаги жуда салоҳиятли ва кўламли асарлар ярата олган Чўлпон ёки Ойбекчи? Ана шундай мулоҳазалар кишини ўйлантиради, албатта. Бироқ, юқорида айтганимиздек, ушбу мукофотни рад этганлар ҳам йўқ эмас. Ҳа, мукофот мукофот билан, у хом асарни кучли қилиб қўймайди, у ёзувчининг салоҳиятини ошириш қудратига ҳам эга эмас. Бироқ, нима бўлганда ҳам, биз Нобель мукофотига сазовор бўлган ёзувчиларни рад эта олмаймиз.

Шу маънода, ҳар бир ватандошимизнинг кўнглида вақти келиб ўзбекистонлик ижодкорларнинг ҳам ана шундай улкан меҳнатлари дунё жамоатчилиги олдида янада баралла эътироф этилиши, Нобель ва шу каби бошқа мукофотларга муносиб топилишига бўлган орзу, ният яна бир бор жунбишга келган бўлса не ажаб.

Мазкур китобда ўтган бир асрдан ортиқ вақт давомида адабиёт бўйича Нобель мукофоти лауреати бўлган ижодкорларнинг таржимаи ҳоллари, яратган асарлари, уларга билдирилган фикр-мулоҳазаларни тўплаб сиз азиз ўқувчига етказишга интилдик. Ўйлаймизки, бу адабиёт ихлосмандларини беътибор қолдирмайди.

Ҳусан Эрматов



РЕНЕ СЮЛЛИ-ПРЮДОМ




Француз шоири Рене Сюлли-Прюдом (Рене Франсуа Арман Прюдом) 1839 йилнинг 16 март куни Парижда таваллуд топган. Рене икки ёшга тўлмасидан отаси вафот этган, оқибатда онаси Кейо ва опаси билан бобосининг уйига кўчиб келишади. Саккиз ёшидан Бонапарт лицейида математика, классик тиллар ҳамда французча шеър тузилишини жиддий ўрганadi. Лицейни тамомлагач, муҳандис бўлиш истагида Политехника институтига тайёргарлик кўради, ammo кўзидаги хасталик сабаб бу режасидан воз кечишга мажбур бўлади.

Рене фабрикада идора ходими сифатида ишга жойлашади, у кечкурунлари фалсафа соҳасига оид китоблар мутолаа қилар, шеърлар ёзарди. Унинг илк шеърий тўплами 1865 йилда олам юзини кўрган. У китобига «Сюлли-Прюдом», дея имзо қўяди, бу отасининг тўлиқ исми эди. Тўплагма нуфузли танқидчи Шарл Огюстен Сент-Бев юқори баҳо берган. Ордан бир йил ўтиб ношир Альфонс Лемер ўзининг «Замонавий Парнас»* тўпламига Сюлли-Прюдомнинг шеърларини ҳам киритади. Мазкур китоб романтика мактабининг лирик эҳгиросларига қарши чиққан «парнас»чи ёш шоирларнинг адабий манифестига айланиб кетади. Лемер бу муваффақиятдан сўнг Сюлли-Прюдомнинг биринчи тўпلامي қайта нашр этиш билан бирга унинг янги сонетлар тўплами — «Синовлар»ни ҳам чоп этди.

Уч йил давомида шоирнинг антик афсоналар йўлидаги «Авгий отхонаси», «Италия лавҳалари», «Ёлгизлик» китоблари босмадан чиқади. Ушбу асарларда жавобсиз қолган муҳаббат, шунингдек, илм-фан билан дин орасидаги қарама-қаршилиқлар мавзулари қаламга олинган. Холасининг қизига уйланмоқчи бўлган ёзувчи рад жавобини олгач, бир умр ёлгиз яшашга қарор қилади.

* Парнас — Грециядаги тоғ номи; юнонлар эътиқолига кўра, унда санъат, адабиёт ва фан илоҳлари яшаган эмиш, шунингдек, бу сўз шоирлар, шеърийнинг рамзий номи ҳамдир.



1870 йилда Рененинг бошига оғир мусибат тушади. Бир неча кун ичида онаси, буvasи ва холасидан айрилади. Ўша йилнинг июль ойида эса Франция-Пруссия уруши бошланади ва адиб кўнгиллилар сафида урушга йўл олади. Парижнинг Прусс кўшинлари томонидан узоқ вақт қамал қилиниши оқибатида бошидан ўтказган қийинчиликлар Рененинг шундоқ ҳам заиф бўлган саломатлигини янада оғирлаштиради.

Франция пойтахти қамалдан озод этилганидан сўнг эса у оёғидан айрилади. Даволаниш йилларида шоир ватанпарварлик мавзуида шеърлар ёзади ва 1870 йилда уларни «Ҳарбийдаги хотиралар» номи билан нашр эттиради.

Сюлли-Прюдомнинг Лукреций шеърятти таъсирида ёзилган «Адолат» достонида диалог усули қўлланилган бўлиб, адолатни ташқи дунёдан эмас, инсоннинг қалбидан, ички оламидан ахтариш лозим, деган ғоя илгари сурилади. 1888 йилда шоир «Бахт» деб номланган тўрт минг сатрдан иборат эпик достонини ёзиб тугатади. Мазкур поэмада инсон бахтга, илм-фанга интилиши, саховатли бўлиши ва фидойилиги билангина эришиши мумкин, деган фикр туради. Француз адабиётига шоирнинг гуманистик ғоялари таъсири ҳақида сўз юритиб, асли француз бўлган америкалик тадқиқотчи Жан Альбер Беде шундай дейди: *«У позитивизм тарафдорларининг пессимизми билан узоқ муддатга зулматга гирифтор қилинган шеърятни ёруғликка олиб чиқди ва яна шундай дея ўргатди: бахтга изтироблар, фидойиликлар ва биродарларча меҳр-муҳаббат орқали эришиши мумкин...»*

1901 йилда Сюлли-Прюдом адабиёт йўналишида биринчи Нобель мукофоти билан тақдирланди. **«АДАБИЁТДАГИ МИСЛСИЗ ЮТУҚЛАРИ, АЙНИҚСА, ЮҚОРИ ИДЕАЛИЗМИ, БАДИЙ МУКАММАЛЛИГИ, ШУНИНГДЕК, КИТОБЛАРИ ЯҚҚОЛ НАМОЁН ЭТИБ ТУРГАНИДЕК, САМИМИЯТ ВА ИСТЕЪДОДНИНГ ҲАЙРАТЛАНАРЛИ ТАРЗДА УЙҒУНЛИГИГА ЭРИШГАНИ УЧУН»** дейилади мукофотни бериш ҳақидаги қарорнинг преамбуласида. Албатта, мукофотнинг Сюлли-Прюдомга берилиши энг муносиб номзод сифатида Толстойни мўлжал қилиб турган адабиёт олами учун қутилмаган иш бўлди.


Табрик сўзида академия аъзоси С. Д. Вирсен адибнинг *«Синчковлиги ва кузатувчан ақли билан инсон қалбига йўл топа олгани ва шу билан Альфред Нобель назарда тутган адабиётнинг «идеал анъаналари» деган иборасини амалда бошқа ёзувчиларга нисбатан яққолроқ намоён этгани»*га алоҳида урғу берди. Бу вақтда шоирнинг ўзи бетоб эди ва у тақдирлаш маросимида иштирок эта олмади. Лауреатлик дипломи Франциянинг Швециядаги элчисига топширилди.

Жиддий хаста бўлган шоир «Эркин танлаш психологияси» деб номланган сўнгги асаарида танлаш эркинлиги табиатга жо бўлган ва шундай бўлгани маъқул, деган хулосани илгари суради.

Сюлли-Прюдом 1907 йилнинг 7 сентябрь куни Париж яқинидаги Шатн-Малабри шаҳрида жойлашган вилласида вафот этди.

Бир пайтлар адабий ва академик давраларда ниҳоятда катта ҳурматга сазовор бўлган ёзувчи бугун ҳатто Франциянинг ўзида ҳам одамларнинг эътиборидан қолган. Шоирнинг баъзи шеърларини таржима қилишади, антологияларга киритишади, аммо бугунги кунда адабиётшунослар унинг ижодига аҳамият беришмайди. Сюлли-Прюдомни кўпроқ Нобель мукофотидан қолган маблаглари ҳисобидан Франциядаги ёш шоирларга таъсис этган адабий мукофотнинг асосчиси сифатида танишади.

ТЕОДОР МОММЗЕН



Теодор Моммзен 1817 йилда Данияга тегишли бўлган Шлезвиг шаҳрида тугилган. Теодор Киль университетининг юридик факультетига таҳсил олган, шу ерда юридик фанлари доктори диссертациясини ёқлаган. 1844—1847 йилларда илмий иши юзасидан Италия бўйлаб сафарда бўлади ва илмий раҳбари, машҳур эпиграфчи Боргезидан фойдаланиб лотин ва умуман итальян ёзувлари билан алоҳида гайрат ва шижоат ила шугулланади. Италия ва Германиядаги нуфузли нашрларда чоп этилган филология ва археологияга оид турли

мақолалари Теодорнинг бу машғулотларга қанчалик берилиб кетганидан далолат бериб турар эди.

1847 йилда у ўз мамлакатига сиёсий жараёнларга аралашиб кетади ва Шлезвигнинг Германияга қўшилишини тарғиб қила бошлайди. 1848—1849 йилларда ана шу сиёсий жараёнларда фаол қатнашгани учун Гаупт ва Отто Янлар билан бирга Лейпциг университетининг юридик кафедраси профессорлигидан бўшатилади. 1852 йилда у Цюрих университетига Рим ҳуқуқи кафедрасига раҳбар этиб тайинланади. Кейин Бреславлдаги худди шу номадаги кафедрага ўтади. 1857 йилда уни Берлин университетига қадимий тарих кафедраси профессорлигига таклиф этишади, бир вақтнинг ўзида Моммзен Берлин фанлар академиясининг аъзоси ҳамда котиби бўлиб ишлайди. 1873 йилда Теодор Прусс депутатлари палатасига сайланади ва миллий-либераллар партиясига аъзо бўлади.

Аслида, Моммзенга мутлақ олим сифатида қараш керак. У нафақат ўзининг капиталистик қарашдаги бир қатор асарлари билан филология, тарих ва ҳуқуқ фанларига улкан ҳисса қўшди, балки фаннинг ўзи унинг ташаббуслари ҳамда режалари орқали бебаҳо материаллар билан

бойиди ҳам. 1887 йилда олимнинг 70 йиллик юбилеи муносабати билан унинг илмий ишлари тўплами тузиб чиқилган. Аслини олиб қараганда, олимнинг илмий ишлари баҳосини беришга бир кишининг салоҳияти ҳам камлик қилади. Моммзеннинг докторлик фаолиятига эллик йил тўлиши муносабати билан Берлин фанлар академияси йўллаган табрикда *юбилярининг қадимги тарих, археология, эпиграфия, филология, юриспруденция ва ўрта асрлар тарихи борасида қилинган илмий ишлари кўламини, ҳатто бутун бир авлод олимлари ҳам уддалай олмаган бўлар эдилар*, дейилади. Шу нарса ҳам ҳақиқатки. Моммзен томонидан мумтоз тарих фойдасига яратилган илмий мерос ҳам жижҳатидан ва албатта, аҳамияти жиҳатидан ҳам бу соҳада иш олиб борган замондошлари авлодининг қўшган ҳиссаларидан ортиқ ва муҳимроқ ҳисобланади, буни бутун Европа фани тарихига қўшилган фақуллодда ўзига хос мерос, деб баҳолаш мумкин.

Моммзеннинг меросида энг биринчи аҳамият касб этувчи соҳа бу эпиграфия йўналишидаги ишлардир. Жумладан, унинг 1850 йилда нашр этилган «*Die unteritalischen Dialekte*» асарида, ҳали бу соҳани ўрганишнинг куртаклари нишона бераётган даврда у жуда кўп итальян лаҳжаларини йиққан ва улар бўйича тушунтиришлар берган. 1952 йилда яратилган «*Inscriptiones regioi Neapolitani latinae*» асари рим дунёсининг барча мамлакатларидаги лотин ёзувларини нашр этишга, бу билан эса Берлин академиясининг бу борадаги ишини бир неча қадам олдинга силжишига олиб келган. Моммзеннинг ғояси ва режаси билан бошланиб, унинг раҳбарлиги ҳамда иштирокида тайёрланган ва 1863 йилда эълон қилинган ўн тўрт томлик илмий асарлар туркумида юз мингдан ортиқ лотин ёзувлари қамраб олинган. Бу илмий ишлар тарих, филология, археология ва қадимги дунё каби кўпгина фанлар оламида кескин бурилишларга олиб келди.

Моммзеннинг «Рим тарихи» асари дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинган ва етти марта қайта нашр қилинган. Асар 1854–1856 йилларда дастлаб уч томда босмадан чиққан бўлиб, Римнинг то империяга ўтишигача бўлган даврини ўз ичига олган эди. Асар Моммзенни бениҳоя машҳур қилди. Асарда унинг беқиёс истеъдоди, кенг фикри, ифодадаги ноёб қирралари намоён бўлган. Асар юзасидан йўллаган табригида Берлин академияси бу ишни ижодий ва илмий фаолиятнинг ҳайратланарли кўриниши сифатида баҳолайди.

Албатта, ҳамма ижобий жиҳатлари билан бирга «Рим тарихи» кўпгина баҳсли ва субъектив фикрларга ҳам эга эди. Мисол учун, этруск қабилаларининг Рим маданиятига таъсирини инкор этиш илмий жиҳатдан хато фикр, албатта. Иккинчи томондан, кучли ҳокимият тарафдори бўлган Моммзен орадан ўттиз йил ўтгач, уч томликдан кейин тўлдирилган бешинчи томда Рим провинцияларининг аҳволини империянинг додиоклетиан даврига хос қилиб тасвирлайди. Бу ўринда таҳлилчилар муаллиф ўз субъектив фикрига кўпроқ ўрин берганига

этибор қаратишади. «Рим давлатчилиги ҳуқуқи» (1871–1889 йилларда яратилган) илмийлиги нуқтаи назаридан «Рим тарихи»га нисбатан анча баланд туради. Соф илмий, муфассал ва чуқур ёндашувлар билан тайёрланган ушбу асар, биринчи навбатда, юрист, филолог ва тарихчи бўлмиш Моммзеннинггина салоҳияти етадиган асар сифатида тан олинади. Унинг зеҳни ҳайратланарли тарзда баландлиги шундаки, қайси соҳада бўлмасин, кенг қамрови ва муаммога чуқур кириб бориши, қадимги дунё ва, умуман, изланишларининг мукамаллиги билан ажралиб туради.

Моммзенда Рим тарихини яратиш борасида жуда катта илмий салоҳият бўлганлигини унинг «Рим тадқиқотлари» асаридан ҳам англаш мумкин. Диагестнинг матнларини танқидий таҳлил қилган Моммзен Берлин академиясининг эътирофига кўра, юриспруденцияга пойдевор қўйган. Унинг кучли филологик илми итальян лаҳжаларини ўрганаётгани ва бу борадаги асарларини эълон қилаётганидагина эмас, балки рим ёзувларини тайёрлаганида ҳам ярқ этиб кўзга ташланган эди. Бу ёзувлар ҳар қандай давр учун ҳам қадимий ва энг қадимийлардан ҳисобланади. Унинг асарлари ва айрим ёзувларга берган шарҳ ва тушунтиришлари филология соҳасида муҳим аҳамият касб этади. Аммо шуларнинг ҳаммаси бўлиб ҳам Моммзеннинг илмий салоҳияти учун бу тадқиқотлар камлик қилгандек, у қадимги дунёга туташ бўлган ўрта асрлар тарихига кириб боради. Бу борада унинг Кассиодор* хроникаларига оид асари катта эътироф қозониб олимларнинг ўзига хос баҳосига эга бўлди.

Қизиғи шундаки, бундай ноёб истъёдол эгаси, мушоҳада кўлами кенг олимнинг илмий ва адабий мероси ҳақида фикр айтиш, мулоҳаза билдириш осон эмас, унинг бу меросини баҳолаш эса ундан-да мушкул вазифа.

1902 йилда Швеция академияси «*улкан илмий ва адабий асарлари учун*» Теодор Моммзенга адабиёт соҳасидаги Нобель мукофотини беришга қарор қилди. У ёзувчи, шоир эмас эди. Аммо унинг умри давомида яратган асарлари тил бойлиги ва ўзига хос услублари билан адабиётнинг ёрқин намуналаридир. Қолаверса, у адабиёт учун бебаҳо манба бўлган қадимий ёзувлар, энг қадимги тиллар ва лаҳжалар, сўзлар, ёзувларнинг маъно-мағзани билан шуғулланган.

Буюк олим 1903 йилнинг биринчи ноябрь санасида, 86 ёшида оламдан кўз юмди.

* Магн Аврелий Кассиодор (487–578 й.й.) римлик машҳур ёзувчи ва олим, Буюк Теодорих қироллиги пайтида давлат арбоби бўлган.

БЪЁРНСТЪЕРНЕ БЪЁРСОН



Норвегиялик шоир, драматург, ёзувчи ва журналист Бъёрнстърне Мартиниус Бъёрнсон христиан динидаги асосий протестанлик мазҳабларидан саналмиш лютеранлик мазҳабига сигинадиган Педер ва савдогарлар оиласининг қизи Элиза Бъёрнсонлар хонадониди олти ўғилнинг биринчиси бўлиб дунёга келган. Бъёрнсон беш ёшга кирганида оила тоғлар бағридаги жиккаккина қишлоғини тарк этиб гарбий Норвегиядаги хушманзара Ромсдал туманига кўчиб кетишади ва ота-онаси бўлажак шоирни соҳил бўйи шаҳри ҳисобланмиш Молладаги мактабга ўқишга беришади.

Ёш бўлишига қарамай, Бъёрнсон шеърлар ёзиб турар, қўлёзма газета чиқарар ва ҳатто, сиёсатга ҳам катта қизиқиш билан қарарди.

1849 йилда Бъёрнстърне Христианиа, яъни ҳозирги Осло шаҳрига келиб, университетнинг кириш имтиҳонларига тайёргарлик кўра бошлайди. У шу вақтда Генрик Ибсен ва бошқа кўзга кўринган ёзувчилар билан танишишга мушарраф бўлади. Бўлажак ёзувчи 1852 йилдагина университетга қабул қилинади. Бироқ, шуниси қизиқки, кейинги йили балогат ёшига етгач, машғулотларга боришни тўхтатади ва шаҳарнинг сиёсий ҳамда адабий ҳаётига киришиб кетади. Икки йил мобайнида турли газеталарда театр янгиликларига шарҳлари, танқидий мақолалари эълон қилинган, шунингдек, Бъёрнстърне Норвегия миллий театрини тузиш масаласида ҳам қизгин иш олиб борган. Бир сўз билан айтганда, Бъёрнсон тез фурсатда мамлакатнинг етакчи маданият арбобига айланади.

1854 йилдан Ослодаги «Моргенбладет» деб номланган тонгги газетада театр танқидчиси сифатида иш бошлаган ижодкор икки йил ўтиб «Иллюстререт Фолькебладет» журналига муҳаррирлик қилади. У томонидан ёзилган халқ эртаклари илк бор айнан мана шу нашрда эълон қилинган. 1856 йилнинг ёз фаслида Бъёрнсон Швецияга боради ва айнан мана шу сафар унда жуда катта таассурот қолдиради. У Швеция қиролларининг қабрлари, миллий кийимлар ва қурол-яроғлар кўринишидаги тарихни ўз кўзи билан кўриб ниҳоятда таъсирланади. Ўз ватанининг тарихини қайтадан тиклаш гоёси билан илҳомланган Бъёрнсон «Қандай қилиб шоир бўлдим?» номли очерк ёзади. У пьесаларида ўз аждодларининг қиёфаларини яратишга аҳд қилади. Бу гоёнинг ортида бир сўз билан айтганда, Норвегия халқининг миллий гурурини тиклаш мақсади турар эди.

Бъёрнсон 1857 йилда Берген шаҳрида ташкил этилган янги «Норска театр» театрининг директори этиб тайинланади. 1858 йилда актриса

Каролина Реймерсга уйланади. Улар бир неча фарзанд кўришган. Ёзувчининг ўғилларидан бири Бьёрн таниқли артист ва режиссёр бўлиб етишган бўлса, қизи Берглют Ибсеннинг ўғли Сигурд билан оила қурган. Театрда фаолият юритиш билан бирга Бьёрнсон шеърлар, пьеса ва қиссалар ёзар, газета чиқариш билан шуғулланар ва албатта, сиёсат бобида ҳам фаол эди. 1859 йилда ёзилган «Биз бу заминни севамиз» деб номланган шеъри кейинчалик Норвегиянинг давлат гимнига айланди.

1859 йилда Ослога қайтиб келгач, Бьёрнсон «Афтенбладет» дея номланган кундалик кечки газетани бошқара бошлайди, вақти келиб ушбу нашр янги либерал партиянинг органига айланади. Аммо унинг либерал ва ислохотчи сифатида олға сурган ғоялари шу қадар мангиқсиз эдики, охир-оқибат, тез орада бош муҳаррирлик лавозимидан кетишга мажбур бўлади. 1860—1863 йилларда адиб чет элда яшайди, аниқроғи, кўп вақтини Италияда ўтказди, Ослога қайтгач эса «Христания театер» театрига директор этиб тайинланади.

Адиб то 1873 йилгача асосан шеърлар, қўшиқлар, эртақлар, қисса ва пьесалар яратган. Уларнинг аксарияти тарихий мавзуларда эди. Худди Ибсендаги каби, уларнинг асосий қаҳрамонлари деҳқонлар ва ўрта асрлардан ҳикоя қилувчи Норвегия дostonларининг қаҳрамонлари эди. Адибнинг 1859 йилдаги «Арне» ва 1860 йилда чиққан «Шўх йигит» каби лирик қиссалари услуб жиҳатдан халқ оғзаки ижодига ўхшаш бўлиб, замонавий жамиятда деҳқонларнинг турмуш тарзи ҳақида ҳикоя қилади ва ижобий руҳда яқун топади. Обрўли даниялик танқидчилардан бўлмиш Георг Брандес бир очеркида «Шўх йигит» ҳақида шундай ёзади: *«Асар кишидан ғамгинликни ҳайдайдиган ва норвегияликларга хос доноликка етаклайдиган саррин шаббодага ўхшайди...»*

Бьёрнсоннинг илк сахна асари сифатида «Жанглор орасида» пьесаси тан олинади. Ун иккинчи асра Норвегияда бўлиб ўтган драматик воқеаларни тасвирлаган ушбу асардан кейин кетма-кет — «Оқсоқ Гульда» (1858), «Қирол Сверре» (1861), «Золим Сигурд» (1863) ва «Мария Стюарт Шотландияда» (1864) драмалари пайдо бўлади. Ўрта асрлардаги тахтга интилган сирли номзод ҳақида ҳикоя қилувчи «Золим Сигурд» трилогияси ижодкорнинг пьесалари орасида энг кучлиси сифатида тан олинган. Асар Норвегия дostonлари йўлида ижод қилинган ва уни Ибсеннинг «Тахт учун кураш» асари билан тенг баҳолашади.

1860 йиллар охирига келиб, Бьёрнсоннинг назм бобидаги ижоди ўз чўққисига эришди, десак муболаға бўлмайди. Унинг «Шеърлар ва қўшиқлар» (1870) тўпламига кирган асарларининг кўпчилигига куй басталанган. Брандеснинг таъбири билан айтганда *«табиатнинг бетакрор ва гўзал баёни»* сифатида ном қозонган «Арнлют Геллине» деб номланган ўн беш қўшиқдан иборат шеърий дostonи ҳам шу йили нашрдан чиққан.

1873 йилдан 1876 йилгача Римда истиқомат қилган ёзувчи фольклор ва тарихий мавзулардан кечиб энди ижтимоий танқид мавзуларида ижод қила бошлайди. Норвегиянинг сиёсий ва маданий жиҳатдан мустақил бўлишини сидқидилдан истаган Бьёрнсон «пан скандинавизм»

гоясига қўшилади ва тинчлик ҳамда фуқароларнинг халқаро ҳуқуқлари учун курашга киришади. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, адиб гарчи христиан динини энг ҳаётбахш дин, дея тан олса-да, Исо пайгамбарга нисбатан билдириладиган илоҳий тасаввурларни инкор этар ва лютеранлик черковини табиатнинг тадрижий ривожланишини тушунмасликда айблар, инсоннинг гуноҳига жуда катта эътибор қаратиш ҳамда абадий азоблар бериш билан жазолаш борасидаги қарашларини очикдан-очик танқид қилар эди.

Бьёрнсоннинг бу қарашларидан сўнг норвегиялик диндорлар уни бидъатчиликда айбладилар. Балки, ёзувчининг кўп йиллар давомида чет элларда, жумладан, АҚШда яшашига ҳам шу сабабдир. 1893 йилга келиб драматург Норвегиядаги фермалардан биридан кўним топади. У бу ердан тез-тез Дания, Франция, Германия ва Италияга бориб келарди. Шуниси эътиборлики, Бьёрнсон норвегиялик ижодкорлар орасида биринчи бўлиб жиддий ижтимоий муаммолар ҳақида пьесалар яратган драматург бўлди ва бу билан Ибсен бошлаган жанрни янада ривожлантириш сари қадам қўйди. Адиб ўзининг «Банкротлик» асарида илгари жиддий драмалар учун тақиқланган мавзу – биржа чайқовчилари фаолиятини кўтариб чиқади. 1875 йилдаги «Муҳаррир» пьесасида журналистик шов-шув оқибатлари баён этилади. Орадан икки йил ўтиб драматург янада қалтисроқ мавзуга қўл уради: у ҳам комедия, ҳам мелодрама кўринишларини омухта қилган ҳолда монархия ва черков ақидаларини танқид қилади.

Танқидчилар Бьёрнсон муаммоли пьесаларининг энг сараларини ўн тўққизинчи асрнинг саксонинчи йилларида яратган, деб ҳисоблайдилар. «Бизнинг имкониятимиздан баланд» (1886) драмасида ўз хотинини атайлаб қутқариб қолмаган мутаассиб руҳонийнинг қиёфасини очар экан, муаллиф бу билан ахлоқ ва умуминсоний қадриятлар диний мутаассибликдан баланд туриши лозимлигини уқтирмоқчи бўлади. Ушбу драма бутун Европа театрларида катта муваффақият билан қўйилган, унинг Нью-Йоркдаги постановкасида бош қаҳрамон ролини Патрик Кэмпбелл ўйнаган.

Ёзувчининг 1889 йилда нашр этилган «Оллоҳ йўлидан бориб» романи реалистик йўлда яратилган. Унда муаллиф илм-фан ва дин ўртасидаги зиддиятни кўрсатишга ҳаракат қилган. Умуман, инглиз танқидчиси Эдмунд Госсенинг эътирофи этишича, адибнинг ушбу ва «Байроқлар шаҳар ва гаванлар узра ҳилпирайди» романлари деталарнинг аниқлиги ва кузатувга бойлиги билан алоҳида ўрин тутди.

1903 йилда Швеция академияси Бьёрнсонни *«мусаффо жўшиқинлиги ва бетакрор қалб тозаллиги билан ҳар доим алоҳида ажралиб турувчи шегрияти ва эпик ҳамда драматик истеъдоди учун»* адабиёт бўйича Нобель мукофоти билан тақдирлашга қарор қилади. Ўзининг Нобель маърузасида Бьёрнсон *«ҳақиқий ёзувчи яхшини ёмондан ажрата олиши керак»*лиги ҳақида гапириб шундай деди: *«Яхши, шу билан бирга*

аҳмоқона гояларимиз ҳар доим ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ўз ролини ўйнаб келган; улар бизнинг илмга бўлган ташналигимиз, интилишимизнинг бир қисмидай гап, улар бизнинг ҳаётий энергиямизга қувват беради... Ҳар қандай санъатнинг мақсади эса ушбу гояларни акс эттиришидир».

1910 йилда драматург ўзининг сўнгги «Узум гуллаганда» асарини эълон қилади. Адиб орадан бир йил ўтиб, Париж шаҳрида, 77 ёшида оламдан ўтади. 1919 йилда унинг тўққиз томлик асарлари тўплами нашр этилган.

Асли норвегиялик бўлган, Америкада яшовчи танқидчи Ялмар Йорс Бойесен ёзувчи ижодига шундай баҳо берган эди: «У норвегиялик афтодаҳол деҳқондаги миллий улугворликни кўра олган, миллатнинг қалбига қулоқ тутиб унинг сирли эҳтирослари овозини эшитган. У овоз бериб қўшиқ куйлар экан, ҳар қандай скандинавиялик бунда ўзининг овозини эшитгандек бўлади...» Ўз вақтида уни Ибсен билан таққослашган бўлишса-да, бугун уни драматургдан кўра, кўпроқ шоир ва ёзувчи сифатида яхши билишади. «Бьёрнсоннинг шеърларидаги куч, — деб ёзган эди инглиз танқидчиси Жеймс Уолтер Макфарлейн — улардаги самимийлиги, ҳиссиётларнинг оддийлиги ва табиийлигида...»

Нобель мукофотига сазовор бўла олмаган Ибсен билан таққослаб инглиз танқидчиси Брайан В. Даунз шундай ёзади: «Келажак Ибсен асарлариники, чунки у адабиёт оламидаги алоҳида олам эди, Бьёрнсон ҳақида бундай дея олмаймиз. Бироқ унинг асарлари ҳам эътиборга моликдир».

Мана шунақа гаплар...

ФРЕДЕРИК МИСТРАЛЬ



Франциялик шоир Фредерик Мистраль 1830 йил 8 сентябрда мамлакат жанубидаги Рона водийсида жойлашган Мейан қишлоғида таваллуд топган. У бадавлат ер эгаси бўлмиш Франсуа Мистраль ва унинг иккинчи хотини Делед Пулиналарнинг яқка фарзанди эди. Оилада французчадан анчагина фарқланадиган провансаль тилида сўзлашишарди. Фредерикни Авиньондаги пансионга жўнатишга қарор қилишади. Бу ердагиларнинг масхаралашларига қарамай, Фредерик атайлаб ўз тилида гапиришини қўймас, ҳатто Вергилиянинг биринчи қисмини провансалга таржима ҳам қилган. Шуниси қизиққи,

ўқитувчи бўлиб ишлайдиган устози Жозеф Руманиль ҳам провансалча шеърлар ёзиб, бу тилнинг қайта тикланишини орзу қиларди.

1847 йилда қишлоғига қайтиб келган болакай шу тилда тўрт қўшиқдан иборат дoston яратади. Ёш шоирнинг интилишлари, қобилияти ва истеъдодини илғаган отаси уни ҳуқуқдан сабоқ олиш учун Эксан-Провансга юборади. 1851 йилда дипломини қўлига олган Фредерик ўзини адабиётга бағишлашга аҳд қилади ва кейинги йили биринчи дostonини эълон қилади. 1854 йилда Руманиль ва бошқа бир қатор адабиётчилар XII—XIII асрларда гуллаб-яшнаган провансаль адабиётининг аънаналарини тиклаш учун бирлашадилар. Улар ўзларини «фелибрлар», яъни провансаль шоирлари дея атаб, «Прованс альманахи» йилномасини чиқара бошлашади, мазкур журналда дастурий мақолалар чоп этиларди, унинг адади вақти келиб ўн минг нусхагача етган.

1859 йилда олам юзини кўрган «Мирейо» поэмаси Мистралнинг провансаль адабиётига қўшган илк ҳиссаси бўлди. 748 еттиликдан иборат ушбу дostonида муаллиф севган кишисига турмушга чиқишига отасининг розилигини ололмаган ёш қизнинг тақдирини очиб беради, асар қаҳрамони уйдан қочиб Ронадаги Ля-Камарг оролида жойлашган Уч Мария черковидан бошпана топади.

Парижда истиқомат қилувчи провансаль ёзувчиси Адольф Дюма Мистралдан француз шоири Альфонс де Ламартига «Мирейо»дан бир нусха олиб келишини илтимос қилади. Таниқли ижодкор Фредерико ижодидан озгина хабардор бўлиб улгурган ва «*Буюк шоир туғилди!*» дея эҳтиросли баҳо ҳам берган эди. Нафсиламбрини айтганда, бу пайтга келиб худди шундай фикрга бир қатор таниқли ёзувчи ва танқидчилар ҳам қўшилишиб бошлаганди. Жумладан, Стефан Малларма Мистрални «*Сомон йўли гавҳарларидан бири*», дея эътироф этгани фикримизнинг исботи бўла олади. 1864 йилда Шарл Гуно томонидан саҳналаштирилган «Мирейль» операсининг премьераси бўлиб ўтади, мазкур операга Мистралнинг асари асос қилиб олинган эди.

Икки ой Парижда бўлган шоир ўзининг илгари бошлаб қўйган «Календо» дostonини ёзиб тугатади. 1875 йилда унинг «Олтин оролар» шеърий тўплами дунёга келади. Орадан бир йил ўтгач, қаҳрамонимиз дижонлик Мари Ривьерга уйланган.

Мистраль кўп вақтини фелибрга бағишлайди, йиғилишларни бошқаради, ёзишмаларни юритади, провансалча ёзилган китобларга сўзбошилар тайёрлайди, шу билан бирга, ушбу тилнинг имлоси ва грамматикаси устида ишлайди. У 1880 йилдан 1886 йилгача даврда «Фелибр бойликлари» деб номланган француз-провансаль луғатини чиқаради. Буни луғатгина деб бўлмасди, чунки унга шева, фольклор, аънава ва қарашларнинг барча бойликлари жамланган эди.

1884 йилда шоирнинг Авиньонда папа бошқарувининг сўнги кунлари ҳақидаги «Нерто» дostonи нашрдан чиқади. Мистраль ягона драмаси — «Қирол Жано»ни 1890 йилда эълон қилган. 1897 йилда чиққан «Рона ҳақида дoston»ида муаллиф Рона дарёси ва унинг қирғоқлари бўйлаб жойлашган шаҳарларни мадҳ этади.

1904 йилда «*халқ руҳиятини ҳаққоний кўрсатиб берган шеъррий асарларидаги мусаффолик ва оригиналлик учун*» Мистраль адабиёт соҳасидаги Нобель мукофоти билан тақдирланади. Мукофотни Мистраль билан бирга Хосе Эчегарайга ҳам беришган. Ўз табрик сўзида академия аъзоси Вирсен тўпланганларга Альфред Нобелнинг ушбу мукофотга қўйган мезонини, яъни «идеализм» сўзини яна бир бор эслатар экан, «*бутун ҳаётини миллат руҳи, она тили ва адабиётини тиклаш ишига бағишлаган инсонни рад этиб бўлмаслиги*»га эътибор қаратади. Мистраль бу вақтда касал эди ва у мукофотни топшириш тадбирига бора олмади, анъанавий маъруза ҳам тайёрлагани йўқ.

Ёзувчининг сўнгги икки асари — «Мистраль эсдаликлари» ҳамда «Зайтун йиғими», яъни провансаль фольклори мавзусидаги шеъррий тўпلام 1906 йилда китобхонга тақдим этилган. У ўз маблаглари ҳисобидан Арлатен музейини ташкил қилади, провансаль халқи маданиятини кўз-кўз қилувчи бу муассасага гуллар, турли тошлар ва археологик экспонатлар тўплайди. Мейандаги черков қўнғироғига битилган ёзувларни ўрганиш чоғида шамоллаган шоир бронхит касаллигини орттирган эди.

Фредерик Мистраль 1914 йилнинг 25 март куни, 83 ёшида оламдан кўз юмади.

Мистрални Роберт Берне ва Вальтер Скотт каби ёзувчилар қаторига қўяр экан, инглиз адаби Ричард Олдингтон «*У замонавий провансаль адабиётини шу қадар қудрат билан, кўламли ва яққол намоён этадики, унга тенг келадиганини топиш қийин*», дейди. Франциялик тарихчи ва ёзувчи Андре Шамсоннинг таъкидлашича, «*Мистралнинг провансалча шеърларини ўқир эканмиз, цивилизация гарчи умрбоқий бўлмаса-да, у ҳеч қачон йўқолиб кетмаслигига амин бўламиз*».

ХОСЕ ЭЧЕГАРАЙ-И-ЭЙСАГИРРЕ

Испаниялик драматург Хосе Эчегарай-и-Эйсагирре (Мария Вальдо Эчегарай-и-Эйсагирре), яъни Эчегарай Хосе 1832 йилнинг 19 апрель куни Мадридда таваллуд топган. У уч ёшга тўлганида Эчегарайлар оиласи Ўрта ер денгизи қирғоғида жойлашган собиқ Мавритания қироллиги ҳудудидаги эски провинциал шаҳарча — Мурсияга кўчиб келишган. Хосе мургаклигиданоқ ноёб истеъдоди билан ном қозонган. Отаси Мурсия университетиде грек тили бўйича профессор бўлиб ишлар экан, тенгқурларидан анча олдинга кетган Хосе барча кучини



грек ва лотин тилларини ва шу билан бирга, тарих фанини ўрганишга бағишлайди. У ўн тўрт ёшида фалсафа фанлари бўйича бакалавр даражасига етишади ва Мадридга қайтиб келади. Пойтахтдаги техника билим юртида математикадан чуқур билим олади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, у ушбу билим даргоҳини ҳам муддатидан олдин, 1853 йилда тугатади. Қатор йиллар муҳандис бўлиб ишлаган Эчегарай ўзи ўқиган билим юртида метаматикадан дарс бериш ҳуқуқига эга бўлади ҳамда амалий ва назарий математикадан талабаларга сабоқ бера бошлайди. Кўп ўтмай бир қатор илмий мақолалари ва рисоаларини эълон қилиб, бу даврда ушбу йўналишда Испаниядаги энг кўзга кўринган мутахассислардан бирига айланади.

Ўзини адабиётга бутунлай бағишлашдан олдин Эчегарай ўз кучини сиёсатда обдон синаб кўрган. 1868 йилда қиролича Изабелла иккинчи тахтдан ағдарилади ва инқилобдан кейин Эчегарай жамоат ишлари вазири этиб тайинланади. Орадан бир йил ўтиб, ҳокимият тепасидагилар билан тобора яқинлашган Эчегарайни савдо вазири этиб тайинлайдилар. 1869 йилда у парламентга сайланади, бир қатор расмий лавозимларда хизмат қилади, молия вазири бўлиб ишлаган кезларида эса Испания банкни таъсис этишда фаол қатнашади.

1874 йилда Бурбонлар династияси ўз ҳукмронлигини тиклагач, Эчегарай бир муддат чет элга кетишга мажбур бўлади. У Париждан қўним топади ва ўзини бутунлай адабиёт ва театр оламига бағишлашга қатъий қарор қилади. Ўша йилнинг охирида Мадридга қайтиб келиб, илк саҳна асари – «Чек дафтари» пьесасини эълон қилади. Эчегарай ушбу асарига Хорхе Айсека-и-Эйсагирро, дея имзо қўйган.

Эчегарайни ниҳоятда сермаҳсул ижодкорлар сафига қўшиш мумкин. Чунки у йилига камида бир, бўлмаса, икки-учта пьеса яратар ва эълон қилар эди. Шу сабаб ҳам Эчегарай умри давомида, аниқроғи ижодий ҳаёти давомида бутун испан театрларини ўзининг кўплаб пьесалари билан таъминлаб ҳам улгурган. Эчегарайнинг машҳурлиги ва асарларининг оммабоплиги бир қатор омиллар билан боғлиқ эди. Биринчидан, у ўз асарларида испан театрининг мумтоз намунаси бўлган Педро Кальдерон де ла Барка* асарлари йўналишидан нусхалар олган. Бу пьесалар ўша даврда Испанияда кенг шўҳрат қозонган ва ниҳоятда оммабоп саналар эди. Иккинчидан, Эчегарай омманинг олий даражадаги мелодрамага бўлган катта қизиқишини ҳисобга олар эди.

Учинчидан, унинг пьесаларида инсон шаъни, садоқати, муҳаббати каби мавзулар замонавий талқинда ўз ифодасини топар эди.

Олтмишдан ортиқ пьесаларининг ярмига яқини шеъррий йўлда ёзилган. Мисол учун, «Қасоскорнинг завжаси» деб номланган романтик драмаси ҳам шу йўлда ёзилган. 1874 йилда эълон қилинган мазкур

*Педро Кальдерон де ла Барка (1600–1681) – испаниялик драматург ва шоир, икки юздан ортиқ драматик асарлар яратган.

асар драматургга тезда шуҳрат олиб келади. Орадан бир йил ўтар-ўтмас, унинг навбатдаги «Найза сопида» пьесаси янада омадли чиқади.

1877 йилда Эчегарай ўзининг «Жиннилик ва муқаддаслик» асарини эълон қилади. Асарда дон Лоренц ҳаёти қаламга олинган, асар қаҳрамони ниҳоятда қайсар, ростгўй, ҳақиқатпараст бўлиб, охир-оқибат уни атрофлагилар «жинни» дея атай бошлайдилар. Айнан мана шу пьесаси 1895 йилда инглиз тилига таржима қилинган, Эчегарайни жаҳон адабий жамоатчилиги ҳам эътироф эта бошлайди. Мисол учун, Бернард Шоу Эчегарайни Фридрих Шиллер, Виктор Гюго ва Вердилар мактабининг вакиллари қаторида кўраётганини билдиради, у драматург асарларида айнан мана шу мактабга хос бўлган ранг-баранглик, бўёқлар хилма-хиллиги, гўзаллик ва қаҳрамонликнинг кўр тақдир зарбаларига қарши матонат ва айниқса, қайтмас ирода билан курашиши борлигига ишора қилади.

Эчегарай ижодига хос бўлган айна ўзига хосликлар эвазига ҳам у испан адабий жамоатчилигининг юксак эътирофига сазовор бўлади. Кейинроқ, яъни 1892 йилда яратилган «Дон Жуаннинг ўғли» пьесасидан сўнг адиб асарларида реализм устуворлик касб эта бошлайди. Ибсеннинг «Арвоҳ» асари таъсири остида яратилган ушбу драмада ўғил ўз отасининг енгилтак ҳаётига қарши туради. Асар зиддиятли фикрларни келтириб чиқарди. Жумладан, адабиётчиларнинг аксарияти уни жиддий танқид қилган. Аммо улардан фарқли ўлароқ, Шоу мазкур пьесага ижобий баҳо бериб, бу билан ижодкор Ибсеннинг «Арвоҳ» асари мавзусини ўзига хос тарзда ривожлантирганини таъкидлайди.

Шу билан бирга, Шоу ўз фикрини қуйидагича давом эттиради: *«Альвинг хоним ҳам, Мандерс ҳам испан драмаларида шу пайтагача мавжуд бўлмаганилиги ҳолати, енгилтак ота эса Ибсен пьесасида умуман йўқлиги, Эчегарайда эса, аксинча унинг сал бўлмаса бош қаҳрамон даражасида кўрилатгани шундан далолат берадики, «Арвоҳ» мавзуси бу ўринда янги талқинда, шу билан бирга илгариги ахлоқини сақлаб қолган ҳолда пайдо бўлган...»*

Эчегарайнинг «Буюк Галиот» асари унинг энг донг чиқарган пьесаси бўлди, унинг мавзуси бегуноҳ кишилар тақдирига зарба бўлиб тушаётган миш-мишларнинг бузғунчи кучи ҳақидадир. Санъатшунос Федерико де Ониснинг тадқиқотларида шундай жумлаларни учратиш мумкин: *«ушбу пьесалар... драмалар моҳиятини билдирувчи анъанавий мавзу ва зиддиятларни маҳорат ва самарадорлик билан баён этган...»*

1894 йилда Эчегарайни Испания қироллик академиясига аъзоликка сайлашганида унинг ўзи айна шон-шуҳрат чўққисига эришган давр эди. Аммо кўп ўтмай, испан адабиёти оламида янги авлод ёзувчилар гуруҳи пайдо бўлди. «1898 йил авлоди» деб номланган бу жамоа ўзлари йиғлоқи деб атайдиган ва эскирган адабий услубга, шунингдек, ижодкорлардаги, хусусан Эчегарай ижодидаги Ибсенга тақлидгўйликка, француз натуралистларининг испан адабиётига таъсирига қарши кураша

бошлайди. Бундан ташқари, Эчегарайни испан халқининг ҳаёти билан боғлиқ долзарб муаммоларга эътибор бермаганликда ҳам айблай бошлайдилар.

1904 йилда «испан драматургияси анъаналарини қайта тиклашдаги улкан хизматлари учун» Эчегарай адабиёт соҳасидаги Нобель мукофоти билан тақдирланди. Вирсен ўз сўзида Эчегарай қадимги испан драматургларига хос тарзда ўз ижодида бой тасаввурот ва чархланган бадиий дид бирлигини уйғунлаштира олганлигини таъкидлади. Мукофот соҳибининг ўзи тақдимот маросимида иштирок эта олмаган.

Эчегарайга Нобель мукофотининг берилиши испан адабиёти навқирон авлодининг катта норозиликларига сабаб бўлган бўлса-да, кейинги авлод танқидчилари драматург ижодининг испан драматургияси ўтмиши ва замонавий босқичларини ўзаро боғлашдаги ўрнини тан оладилар.

Эчегарай асарларини Луизи Пиранделло ижоди билан таққослаб тадқиқ қилган америкалик олим Вильма Ньюберри «*Пиранделло Эчегарайнинг бир қатор асосий ғояларини қабул қилганлиги боис замонавий театрда инқилобий ўзгаришлар ясай олди*», дейди. Бу жуда юксак баҳо эди, албатта. Ньюберрининг таъкидлашича, ҳар икки ёзувчи бизни қуршаб турган реал борлиқни шубҳа остига қўйишиди, театрдаги театр услубидан фойдаланишиди, драмадаги зиддиятни унинг саҳнавий ечими билан боғлашди, ижодий жараёни таҳлил қилишга интилишиди. Улар романтизмни сатирик кинояга йўналтириб бу билан танқидчиларнинг бу йўналишга берилиб кетишда айбашларидан устун келишиди...

Эчегарай Хосе Мадридда 84 ёшида вафот этди.

ГЕНРИК СЕНКЕВИЧ



Поляк адиби Генрик Адам Александр Пий Сенкевич 1846 йилнинг 7 май куни Польшанинг Окжей шаҳарчасида таваллуд топган. Мазкур шаҳар ҳозирги вақтда Литва ҳудудига киради. Адиб тугилиб, вояга етган оила литвалик ва поляклардан таркиб топган ва 1775 йилда дворянликка эришганди. Генрикнинг отаси Йозеф Сенкевич 1831 йилдаги Польша кўзғолонида қатнашганлардан бўлиб, у авлодан-авлодга ўтиб келаётган катта мол-мулк эгаси ҳам эди. Онаси Стефания Чецишовск шаҳрида туғилган.

Генрик мактаб ёшига етганида иқтисодий жиҳатдан ночорлашиб қолган оила мол-мулкни сотиб, Варшавага кўчиб кетишга мажбур бўлади. Сенкевичлар оиласи серфарзанд бўлиб, Генриктан ташқари уларнинг яна бир ўгли ва тўрт қизи бор эди.

Генрик ниҳоятда интилувчан бола бўлиб, поляк тили ва адабиётини чуқур ўрганган. У Вольтер Скотт ва Александр Дюма романларидан ўзгача таъсирланиб улғайган. Бир оз муддат таниқли поляк оилаларидан бирида уй ўқитувчиси бўлиб ишлагач, 1866 йилда Варшава университетига ўқишга киришга муваффақ бўлади. Дастлаб у ҳуқуқ ва тиббиёт йўналишида, кейинчалик ихтисослигини ўзгартириб тарих ва адабиётдан таҳсил ола бошлади.

Худди шу даврда поляк адабиётидаги янги таъсирчан адабий йўналиш тарафдорлари замонавий мавзулардаги реалистик йўналишдаги асарларга эмас, балки Польша тарихини кўкларга кўтарувчи қаҳрамонлик руҳидаги романларга устувор аҳамият қаратишади. Гарчи бу воқеликлар Сенкевичга бевосита алоқадор эмасдек туюлса-да, уларсиз ёзувчининг китобхонда миллий ўзликни англаш туйғусини уйғотишга бўлган ҳаракатлари самара бермас эди, албатта.

1871 йилда ўзини ғариб ҳис этган бўлажак адиб ҳали имтиҳонлардан ўтмасдан ва диплом ишини ҳам ёқламасдан университетни ташлаб кетишга мажбур бўлади.

Кейинги йили унинг талабалик йилларида ёзилган «Беҳуда уриниш» романи нашрдан чиқади. Камчиликлардан холи бўлмаса-да, роман ўша пайтдаги поляк адабиётида етакчи ёзувчилардан бири ҳисобланган Юзеф Игнаций Крашевский томонидан ижобий баҳоланади.

Генрик бадиий ижод билан бирга қатор даврий нашрлар учун мақолалар ёзар, яъни журналистик фаолият билан ҳам шуғулланар эди. Кейинчалик бу газеталар Сенкевични Вена ва Париждаги, шунингдек, Остенддаги ўз вакили этиб тайинлашади.

1875 йилга келиб унинг журналистика соҳасидаги истеъдоди польшалик зиёлилар даврасида эътироф этилади. Кейинги йили у польшалик муҳожирлар қувғин ва азобларга дучор этилмайдиган, эркин яшаш ва меҳнат қилиш имконига эга бўлган Калифорнияда поляклар жамиятини тузиш учун АҚШга сафарга чиқади. Варшавадаги «Газета Польска» нашри Қўшма Штатлардаги ҳаёт тарзи ҳақида мақолалар юбориши шарти билан унинг бу мамлакатга сафари йўл харажатларини қоплашга розилик билдиради. Ёзувчи бир йил давомида Америка Қўшма Штатларида бўлади, албатта у ўзининг бош мақсади бўлган поляклар жамиятини тузишга муваффақ бўла олмайди, ammo ваъдага биноан тайёрлаган туркум репортажлари ва кейин алоҳида китоб ҳолида чоп этилган «Йўлдан мактублар» тўплами катта шухрат қозонади.

Адиб 1878 йилда Европага қайтиб келади, Франция ва Италия бўйлаб саёҳатга чиқади. Сенкевич ўз маърузалари билан чиқишлар қилар, репортажлар ёзар, унинг Америка сафаридан тайёрланган новеллалари Варшавадаги даврий нашрларда тез-тез чоп этилар ва бу ижодий ишлари охир-оқибат ёзувчининг жамоатчилик наздида психологик очерк устаси сифатидаги қиёфасини шакллантиришга катта ҳисса қўшади.

Сенкевич 1879 йили Италияда бўлган чоғида асли поляк бўлган Мария Шеткевич билан танишади. Орадан икки йил ўтиб улар оила қуради. 1879 йилда Варшавага қайтиб келгач, Сенкевич янги кундалик газетага муҳаррир этиб тайинланади ва энди кенг кўламда беллетристик асарлар яратишга ҳаракат қила бошлайди.

1884 йилда адибнинг «Олов ва шамшир» романи чоп этилади. Романда ўн еттинчи асрда польшаликларнинг қўзғолончи украинлар билан кураши тасвирланган. Радикал руҳдаги танқидчилар Сенкевични узоқ тарихга муккасидан кетганликда айблаган бўлсалар-да, асар кўпгина китобхонларга ўзининг тарихий ҳақиқатга уйғун ва мослиги билан маъқул тушади. Адабиёт ихлосмандлари романни мутолаа қилиб, Сенкевични ўша даврдаги поляк адабиётининг кўзга кўринган намоёндалари қаторида тилга ола бошлашади.

«Тошқин» (1886) ва «Пан Володиевский» (1888) романлари «Олов ва шамшир» романи билан биргаликда трилогияни ташкил этади ва бу билан маълум даражада муаллифга бериладиган баҳо ҳам аниқ бўлади, энди у тарихий романлар устаси сифатида эътироф қозонади.

Давр руҳини яратиш мақсадида ёзувчи XVII аср тарихи билан дахлдор манбаларни чуқур ўрганиб чиқади, тарихчилар билан маслаҳатлашади, романда тилга олинган тарихий воқеалар бўлиб ўтган жойларни бориб кўради. Бу албатта, ўз натижасини бермай қолмайди. Асарнинг тарихий аҳамияти, адибнинг ҳақиқатни соф ҳолда ёритиш борасидаги интилишлари трилогиянинг ҳам адабий, ҳам илмий аҳамиятини оширади. 1897 йилда инглиз танқидчиси Эдмунд Госсе трилогия ҳақида шундай ёзган эди: *«...китоб нафислиги ва заковатлигидан кўра, кучлилиги ва кенг қамровлилиги билан таассуротлидир. Трилогия зирқиратиб оғритадиган меланхолия билан тўйинган.... Бу кенг қиррали ишда босиқлик ва вазминлик бор, ҳиссиётлардан фарқлаш зарур бўлган туйғу бор...»*

1882 йилда Мария Сенкевич ўғил фарзанд кўради, болага Генрик Иозеф дея исм қўйишади. Орадан бир йил ўтиб қизалоқ Ядвига дунёга келади. Иккинчи фарзанди туғилгач, Мариянинг соғлиги бирдан ёмонлашади ва 1885 йилда у сил касаллигидан вафот этади.

Бу йилларда Сенкевич кўп вақтини сафарларда ўтказди. 1891 йилда Марказий Африкага, Мисрга саёҳат қилади. Аммо бу сафар унинг асарларига боғлиқ эмас эди. Чунончи, унинг кейинги, «Ақидаларсиз» (1891), «Поланецкийлар оиласи» (1895) романларидаги воқеалар асри охирида Польшада рўй берган бўлиб, асарлар муаллифнинг илгариги новеллалари билан руҳий уйғунлик касб этади. 1894 йилда ёзувчи ўзининг ашаддий мухлисаси бўлган Мария Романовская исмли ёш қизга уйланади. Аммо улар тезда ажрашишади.

Бу воқеалардан кейин Сенкевич ўзининг Польша тарихи билан боғлиқ иккита кенг қамровли асари устида жиддий иш бошлайди. Улардан бири «Йўл бўлсин» асари император Нерон даврида христиан

диниға мансуб аҳолиға етказилган қийноқ ва азоблар ҳақида бўлса, иккинчиси – «Салб юриши қаҳрамонлари»да полякларнинг XIV–XV асрлар оралиғида Тевтон рицарларига қарши кураши ҳақида ҳикоя қилади. Асарлардаги воқеалар Италияда бўлиб ўтгани боис, Сенкевич ўзининг одати ва таомилдан кечмаган ҳолда бўлиб ўтган тарихий воқеаларни синчиклаб ўрганadi, Италияға бориб ўша машҳур ҳодисаларға манзил бўлган ҳудудларни эринмасдан кўздан кечиради. Воқеалар тарихда алоҳида ўрин тутар ва қайсидир даражада уларнинг якуни кўплаб римликлар ва христиан диниға мансуб аҳолининг яшаб қолиши имконини яратгани билан ҳам аҳамиятли эди. Биринчи роман 1916 йилда фақатгина Америка Қўшма Штатларининг ўзида бир ярим миллиондан ортиқ нусхада чоп этилиб, сотувға чиқарилган. Бу эса романнинг адиб ижодидаги энг кучли асарларидан бири эканлигини англатади. Мазкур асар ҳақида тез фурсатда француз ҳамда италян тилларида иккита фильм суратға олинади. Роман ҳам Польшада, ҳам ундан ташқарида танқидчилар томонидан юқори баҳоланади, асарни ҳатто Рим католик черковининг папаси Лев XII ҳам алоҳида эътироф этади.

Натижада Сенкевич ўз ватанида шунчалар обрў ва ҳурмат қозонадики, унинг эллик йиллик таваллуд кунига ватандошлари обуна йўли билан Кельц шаҳри яқинидан катта мол-мулк сотиб олишиға етарли маблағ йиғишади.

Сенкевич 1905 йилда холаваччаси бўлган Мария Бабская билан оила қуради. Шу йили адиб «Шон-шуҳрат майдонида» деб номланган романини ёзиб тугатади. Бу унинг илк тарихий трилогиясининг давоми эди.

1905 йили Швеция академияси аъзолари кўпчилик овоз билан Сенкевичға адабиёт соҳасидаги Нобель мукофотини бериш ҳақида қарор қабул қилади. Бу қарорға қисқа ва лўнда шундай изоҳ берилади: «*Эпос соҳасидаги улкан хизматлари учун...*»

Вирсен мукофотни топшириш маросимидаги сўзида «*Унинг ижоди чегарасиздир ва шу билан бирға чуқур мулоҳазали. Агар унинг адабий услуби ҳақида тўхталадиган бўлсак, бу бадиий камолотнинг намунаси*» деган эди.


Сенкевич Нобель маърузасида ҳар бир миллат ўз адиблари, шоирларига эгаллиги ҳақида гапирadi. Шундан келиб чиқиб, «*Нобель мукофоти нафақат муаллиф, балки уни тақдим этган, унинг ўғлони бўлган халқ учун ҳам юксак шарафдир. ...Польшани хароб бўлган, эзиб ташланган деб кўп бор айтишди, ammo бугун унинг яшовчанлик қобилияти ва улкан муваффақиятининг исботиға эға бўлиб турибмиз*», – дейди у ўз сўзида.

Биринчи жаҳон уруши бошлангач, Сенкевич бетараф Швейцарияға келиб яшайди. Оғир хасталиғиға қарамай, Польшанинги бу мамлакатдаги Қизил хоч жамиятида фаолият юритади.

Адиб 1916 йилда Вева шаҳрида вафот этди. Орадан саккиз йил ўтгач, ватандошлари унинг хокини Польшага олиб келдилар.

Ҳали ҳаётлиги чоғида Сенкевич турли мамлакатлар адабий танқидчиларининг юқори баҳоларига сазовор бўлган эди. Жумладан, «Замонавий романнавислар ҳақидаги очерклар» китобида америкалик тадқиқотчи Уильям Фелпс Сенкевични «*реалистик йўлдаги роман усталари орасида энг буюклардан бири*», дея таърифлайди.

ЖОЗУЭ КАРДУЧЧИ



Италиялик шоир ва танқидчи Жозуэ Кардуччи 1835 йилнинг 27 июль куни мамлакатнинг Тоскан музофоти шимолигарбида жойлашган Валь-ди-Кастелло шаҳарчасида таваллуд топган. У Италиянинг бирлашишга оз муддат қолгунига қадар фаолият юритган махфий миллий ташкилот аъзоси, касби бўйича шифокор Микел Кардуччи оиласида уч фарзанднинг тўнғичи эди. Микел Кардуччининг сиёсий қарашлари, кескин феъл-атвори, ёрқин тарзда клерикализм*га қарши туриши Тоскандаги консерватив тарзда фикрлайдиган аҳолига маъқул келмас эди, шу боис

ҳам Кардуччилар тез-тез у ердан бу ерга кўчиб яшашга мажбур бўлишарди. Охир-оқибат, оила Ливорно шаҳри жанубида жойлашган Больери шаҳарчасида кўним топиб, шу жойда тўққиз йилга яқин яшаб қолади. Италияда рўй берган инқилоб, шунингдек, ота Кардуччининг қизиққон характери оқибатида оила 1848 йилдан 1849 йилгача бир йил мобайнида уч марта яшаш жойини ўзгартиришга мажбур бўлган.

Мактабда бўлажак шоир жуда яхши ўқир, айниқса, бадиий китобларни айрича қизиқиш билан мутолаа қиларди. Италиян адабиёти классикларидан Александро Мандзонининг «Маҳкум этилганлар» романи, Байрон ва Шиллернинг шеърий асарлари ёш китобхонда адабиётга меҳр пайдо қилган бўлса ажаб эмас. Мактабда таҳсил олар экан, Жозуэ айни вақтда тарихий мавзуларда шеърлар ҳам машқ қилар, «Илиада»нинг тўққизинчи кўшиғини таржима қилган, мактабдош дўстлари ва муаллимлар ҳақида энгил ҳажвий шеърлар ёзган, шунингдек, «Онамга» каби бир қатор лирик асарлар ҳам яратган.

1853 йилда у Пизандаги нуфузли мактабда ўқиш учун стипендияга эга бўлади. Пизанда ўқишнинг биргина маъқул ва ўзини оқлайдиган

*Клерикализм – жамиятнинг ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаётида черков ва рухонийларнинг бирламчи аҳамият касб этишини мақсад қилган сиёсий йўналиш.

жиҳати — бу ерда у тарихчи Эркол Скарамуччи юритадиган адабий тўғаракка қатнаш имконига эга эди. 1854 йилда шоирнинг отаси Челле мерига кўполлик билан муомала қилгани учун ишдан бўшатилади. Бу воқеа оиланинг иқтисодий аҳволи яна оғирлашишига сабаб бўлади ва рўзгор тебратиш учун пул топиш илинжида Жозуэ Италия шоирларининг диний, ахлоқий ва ватанпарварлик мавзусидаги шеърлари антологиясини тузиш билан шуғулланади. Шоир бу билан ўз китобхонларининг маънавий ва ватанпарварлик руҳиятига кўтаринкилик бағишлашни ҳам ният қилган эди, албатта.

Ўша пайтда Кардуччининг дўсти Пьетр Туар «Иловалар» журнаlinesи чиқарди. Кардуччи ушбу нашрга ҳам ўз мақолалари билан қатнашиб турарди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, мазкур журнал атрофида бир қатор истеъдодли ижодкорлар бирлашганди. Кўп ўтмай, Кардуччи мазкур гуруҳдаги етакчи шахсга айланади. Бу жамоага аъзо бўлган адаблар италян шеърлятини ўзлари айтмоқчи, романтизмнинг зарарли таъсиридан сақлаб қолишни мақсад қилиб олишган эди.

Пизандаги мактабни тугатгач, Кардуччи Сан-Миньято-аль-Тедеско деб номланган шаҳарчадаги гимназиялардан бирида биров муддат муаллимлик қилади. Ёш шоир клерикализмнинг ниҳоятда ашаддий душмани бўлиш билан бирга, табиатан қизиққон ҳам эди ва шу ваздан у тез орада маориф вазиридан ҳайфсан олади, охир-оқибат Арещцодан ўрин олиш мақсадига ета олмади. Кардуччи Флоренцияга кўчиб кетади ва 1857 йилда илк шеърйй тўплами — «Қофиялар» китобини эълон қилади. Ушбу тўплам 1880 йилда «Ўсмирлик илҳомлари» номи билан қайта нашр этилган. Унга киритилган шаклан соната ва балладалар чуқур ватанпарварлик туйғулари билан йўғрилган эди.

1857—1858 йиллари шоир оғир синовларни бошидан кечиради. 1857 йилда иқтисодий томондан қийналиб қолган акаси Данте ўз жонига суиқасд қилиб вафот этади, орадан бир йил ўтмай, отаси ҳам бандаликни бажо келтиради. Кўп ўтмай, тақдир унга яна кулиб боқади. 1859 йилда у Эльвира Меникуччига уйланади, бир оздан кейин Пистойдаги олий мактабда грек тилидан дарс бера бошлайди, бир неча ойлар ўтиб, Болон университетида италян адабиёти кафедрасининг профессорига айланади. Бу даража унинг оиласи — хотини, бир ўғли ва уч қизини боқишга етарли маблағ топиш имконини берарди. Шоир умрининг охиригача мана шу илм даргоҳида фаолият юритади.

Олтмишинчи йиллар бошида шоир республикачилар ҳаракатида фаол қатнашади ва бир муддат университетдан кетишга мажбур бўлади. 1867 йилда эса кафедрадан ҳам кетишига бир баҳя қолган. Унинг 1865 йилда эълон қилинган «Иблисга» номли можароли поэмаси изсиз кетмади. Бу пантеистик* ва антиклерикал асарда инсон тафаккури ва тараққиётнинг христианларга хос илоҳиёт устидан ғолиб келиши куйланган эди. Мазкур

*Пантеизм — олам, яъни табиат ва Оллоҳ айнан ўхшаш деган ғояни илгари сурувчи таълимот.

поэма эълон қилинган, Кардуччи республикачилар партиясидан парламент аъзоси этиб сайланади, ammo бир қатор расмий сабаблар боис ўз вазифасини амалга ошириш имконига эга бўла олмайди.

Шоир 1878 йилда ўзининг уч томлик «Бадавий қасидалар» асарининг биринчи томини нашр эттиради. Асарда грек ва лотин шеърлятидаги кўҳна ва қадимийлик, қофиявий шаклларга хослик тадқиқ этилган. «Бадавий қасидалар» ўзида тарихий мавзуни сингдиргани боис, 1861–1887 йилларда яратилган лирик асарлардан иборат «Янги шеърлар» китоблари Кардуччининг энг яхши, ижодидаги энг сара асарлари дея баҳоланади. Шу билан бирга, шоирнинг шу йиллар мобайнида яратган «Енгил ва жиддий», «Вазн ва эподалар», «Қофия ва ритмлар» тўпламлари ҳам адабий жамоатчилик эътирофига эришган. Унинг шеърларини итальян шеърлятининг хоҳ антик шаклига, хоҳ анъанавий ўлчамларига қиёслашларидан қатъи назар, шоир уларда романтик дабдабаликдан ва тумтароқликдан қочади ва бу асарларда мумтоз услубга қатъий риоя этилганини кўрамыз.

Кардуччи шеърлятни ўзи учун улуг мартаба деб билган эди ва шу маънода ҳам у устувор даражада, ўзи ижод қилган шеърлий асарлари билан шоир сифатида кўз олдимизда гавдаланади, ammo шуни алоҳида таъкидлашга тўғри келадикки, унинг шоирлик мероси нисбатан олиб қараганда, жуда катта эмас. Кардуччининг ўттиз томдан ортиқ асарлар тўпламининг бор-йўғи тўрт томинигина шеърлий асарлар ташкил қилади. У асосан адабиётшунослик ва сиёсат борасидаги турли мавзуларда монографиялар, илмий ва баҳсли мавзуларда эсселар ёзганига гувоҳ бўламыз.

Кардуччи умрининг охириги йилларида Италиядаги миллий шоир даражасида хурматга эришади. У ниҳоятда ҳайратланарли тарздаги нотик ҳам эди уни мамлакатнинг энг ўқимишли, даврининг етакчи зиёлиларидан бири сифатида эъзозлаб, хурмат қилишарди. 1890 йилда шоирнинг сенатор бўлишини, бир томондан, унинг шоирлик мартабасига йўйишган бўлса, иккинчи томондан, унинг кексайганида монархга айланишини шоирнинг сиёсий қарашлари ўзгарувчан бўлганидан кўришади, ҳатто умрининг охириги йилларида Италиянинг Африкадаги экспансия сиёсати тарафдори бўлганини ҳам унинг қатъиятсиз одам бўлганидан, деб билалдилар.

Нобель мукофотида Кардуччининг номзоди илк бор 1902 йилда тавсия этилган ва ўтган йиллар давомида ҳам у асосий даъвогарлардан бири бўлиб келган эди, шу боис ҳам унинг 1906 йилда бу мукофотга лойиқ топилишида бир қарашда ҳайратланарли сабаб йўқдек эди. Шоирга Швеция академияси аъзолари бу мукофотни тақдим этиш ҳақида қарор қабул қилар эканлар, уларнинг шарҳи қуйидагича бўлади: *«нафақат чуқур билим ва танқидий идрокки, балки энг аввало, асарларидаги шоҳ асарларгагина хос бўлган ижодий қувват, услубнинг янгилиги ва лирик кучнинг мужассамлиги учун...»*

Вирсен Кардуччининг таржимаи ҳолини Италия сиёсий ҳаёти тарихининг узвий қисми, дея баҳолайди. Унинг ибораси билан айтганда, *Кардуччидаги ўзига хос мажусийлик католикларга хос чиқимлар, ортиқча сарф-харажатларга нисбатан унинг муносабатини кўрсатар эди, бунини зинҳор-базинҳор христианликни инкор этиш, дея талқин этиб бўлмайди*. Вирсен Кардуччини *антик адабиётни пухта эгаллаган, билимдон ва ўқимишли тарихчи адабиётчи*, – дея таърифлайди. – *Кардуччи, Данте, Петраркалар адабиётининг чуқур билимдонидир. У Петраркадаги қадимийликка хос бўлган ғоялар ва инсонпарварликка садоқат билан ёндашади*.

Хасталиги сабабли шоирнинг ўзи мукофотни топшириш талбирида қатнаша олмаган. Орадан бир йилга яқин вақт ўтгач, 1907 йилнинг 16 февраль куни Нобель мукофоти соҳиби, машҳур италян шоири ва танқидчиси Жозуэ Кардуччининг юраги уришдан тўхтади. Ҳозирги вақтга келиб, унинг асарларини асосан адабиётшунослар мутолаа қилади ва улар яқдиллик билан Кардуччи асарларининг ҳаётийлиги ва универсаллигини эътироф этишади. Бир сўз билан айтганда, унинг ижоди ўн тўққизинчи асрдаги Рисоржименто, яъни ўз олдига Италиянинг сиёсий бирлигини мақсад қилиб олган ҳаракат билан чамбарчас боғлиқдир.

ЖОЗЕФ РЕДЬЯРД КИПЛИНГ

Инглиз шоири ва ёзувчиси Жозеф Редьярд Киплинг 1865 йилнинг 30 декабрь куни Бомбей шаҳридаги Санъат мактабининг директори, профессор Жон Локвуд ва Алиса Киплинглар оиласида таваллуд топган. Редьярднинг отаси касбига кўра ҳайкалтарош ва безакчи эди, онаси эса маҳаллий журналларга мақолалар ёзиб турарди.

Киплинг олти ёшга етгач, Ҳиндистонда яшайдиган инглизларнинг ўша даврдаги мавжуд анъанасига кўра, синглиси билан Англияга ўқишга юборилади. Улар хусусий пансионда яшашар, байрам кунлари эса тоғаси, рассом Эдуард Берн Жонсларникига боришарди. Болалигида пансион хўжайини томонидан қанчалар сиқувга олингани Киплингнинг 1888 йилда чиққан «Қоп қора ювош одам» ҳикоясида, шунингдек, 1890 йилда эълон қилинган «Чироқ ўчди» романи ҳамда 1937 йилда чиққан «Таржимаи ҳол»ида ўз ифодасини топган.

1878 йилда бўлажак шоир Девон*даги ўқув юртига жўнатилади. Бу билим юртида зобитларнинг болалари нуфузли ҳарбий академияларга



*Девон – Англиядаги графлик номи.

ўқишга кириш учун тайёрланарди. У директор Берн Жонс, шунингдек, Уильям Морислар иштирок этадиган эстетика тўғарагига аъзо бўлган эди. Бошида Жозеф бу ердаги талабаларнинг уришқоқлигидан зала бўлган бўлса, кейинроқ билим юрти унга ёқиб қолади. У бу ҳақида ўзининг 1899 йилда эълон қилган «Пўлатчалар ва К» ҳикоялар тўпламида батафсил ёзган. Бу ўқув даргоҳи Оксфорд ёки Кембриж университетларига кириш учун йўлланма бермас, боз устига Киплингнинг кўзи яхши кўрмаслиги унинг ҳарбий академияларда таҳсил олишига имкон бермасди. Оқибатда, бўлажак шоир шу ерда таҳсилни тугатишига тўғри келади.

Ўғлининг билим юртида ўқиб юрган кезларида ёзган ҳикояларидан завқланган отаси унинг учун инглиз тилида чиқадиغان «Фуқаролар ва Ҳарбийлар газетаси»дан иш топади. Ун бир йил Англияда яшаган Киплинг 1882 йилда Лахорга, Ҳиндистонга қайтиб келади.

Жозефнинг иш фаолиятида, шунингдек, унинг инглиз-ҳинд жамияти билан яқин ҳамкорлигида болалигида ўрганган ҳинд тили ниҳоятда қўл келади. У газета учун мунтазам шеър ва ҳикоялар ёзиб беради.

Киплингнинг биринчи шеърый тўплами — «Департамент кўшиқлари» китоби эса 1886 йилда чоп этилган. Китоб жуда оз нусхада нашр этилганиданми, жуда тез тарқаб кетади ва ўша йилнинг ўзидаёқ уни қайта нашр этишади.

«Тоғлардан оддий ҳикоялар» деб номланган тўплами 1888 йилда эълон қилинади. «Ҳиндистон темир йўллари кутубхонаси» учун Киплинг 1887—1889 йилларда бешта қисқа ҳикоялар тўпламларини тайёрлайди. Саёҳатчилар учун мўлжалланган ушбу китоблар нафақат Ҳиндистоннинг ўзида, балки ўша даврдаги бутун Англия империясига кирувчи мамлакатлар бўйлаб катта шухрат қозонади.

1889 йилда Киплинг Англияга қайтар экан, Оллоҳободдаги маҳаллий газета билан йўл очерклари ёзишга шартнома тузади. Адиб ота юртида машҳурликка эришади, уни Чарлз Диккенснинг адабий меросхўри сифатида эътироф этишарди. Унинг «Ҳиндистон темир йўллари кутубхонаси» туркуми учун ёзган тўпламлари Англияда 1890 йилда нашрдан чиқади ва танқидчилар уни олқишлар билан қарши оладилар.

Киплинг Лондонда америкалик ношир Уолкотт Бейлстир билан ҳамкорликда ижод қила бошлайди. Бейлстир 1892 йилда терлама кассаллигидан вафот этгач, Киплинг унинг синглиси Каролинага уйланади. Шу йили босмадан чиққан тўпламига шоирнинг машҳур шеърларидан «Мандалей» ҳам киритилган эди.

Ёш оила Браттльборога кўчиб келгач, улар икки фарзандли бўлишади. Вермонтда шоир икки томлик шеър ва ҳикоялар тўплами — «Беҳисоб эрмаклар» ва «Етти қирғин» китобларини чиқаради. 1897 йилда олам юзини кўрган «Жасур денгиз сайёҳлари» китоби Англия балиқчиларига бағишланган.

Вермонтдаги ҳаётдан қониқмаслик, қолаверса, қайноғалари билан яхши чиқишмаслиги оқибатида Киплинг Қўшма Штатларни тарк этиб, оиласи билан Англияга қайтиб келишга мажбур бўлади ва бу мамлакатда тез орада адабиёт оламидаги илгариги нуфузини тиклаб олади.

Унинг газеталарда эълон қилинган шеърлари, шунингдек, миллий бойликлардан бошбошдоқлик билан фойдаланишга қарши бонг урувчи «Сўнгги муножот» асари чоп этилади. Киплингнинг энг кучли романи «Ким» 1901 йилда нашрдан чиққан.

1898 йилда шоир оиласи билан Нью-Йоркда бўлган чоғида ўзи ва катта қизи ўпкасини шамоллатиб қўйишади. Бунгача уларнинг оиласида яна бир фарзанд – ўғил ҳам туғилган эди. Шоирнинг қизи касалликдан вафот этади ва ижодкор бу йўқотишдан жуда огир мусибатга тушади. 1899 йилда Киплинг бир неча ой Жанубий Африкадаги армия газетасида таҳрирчи ҳамда сиёсий ва ҳарбий маслаҳатчи вазифасини бажариш билан машғул бўлган.

1902 йилда Жозеф Суссекс* графлигидан ҳовли сотиб олади ва умрининг охиригача шу ерда истиқомат қилади. «Ана шулар ҳақидаги эртақлар» ва «Простаково тепалигидаги пари» асарлари шу йили пайдо бўлган бўлса, болалар учун қадимги Англия тарихидан ҳикоя қилувчи тўплами 1906 йилда чиққан.

1907 йилда Швеция академияси «*Кузатувчанлиги, ёрқин фантазияси, улғувор ғоялари ҳамда мислсиз ҳикоя маҳорати учун*» Жозеф Киплингга адабиёт бўйича Нобель мукофотини бериш ҳақида қарор қабул қилади. Гарчи Стокгольмга ташриф буюрган бўлса-да, адиб анъанавий маъруза билан чиқишни маъқул топмайди.

Бу вақтга келиб ижодкор жами бўлиб ўн уч томлик ҳикоялар, тўртта роман, болалар учун учта китоб, бир қанча йўл ҳикоялари тўп-ламлари, очерклар, газета мақолалари ва юзлаб шеърый асарлар яратиб улгурган эди. 1907 йилда у бир йўла Оксфорд, Кембриж, Эдинбург ва Дарем университетларининг фахрий докторлиги унвонлари билан ҳам тақдирланади. Бундан ташқари, ижодкорга Париж, Страсбург, Афина ва Торонто университетларининг мукофотлари ҳам тақдим этилади.

Нобель мукофоти билан тақдирлангач, Киплинг ижодида пасайиш кузатилади. Биринчи жаҳон уруши вақтида у ягона ўғлидан жудо бўлади, бу пайтда у хотини билан Қизил хоч жамиятида хизмат қиларди. 1917 йилда унинг «Энг хилма-хил мавжудотлар» номли тўплами нашрдан чиқади. Урушдан сўнг адиб кўп жойларда бўлади, жумладан, ҳарбий комиссия таркибида бир қатор шаҳарларни кезиб чиқади. 1922 йилда Францияда бўлиб ўтган ана шундай сафарлардан бирида у Англия қироли Георг бешинчи билан танишиб қолади. Шуни айтиш жоизки, бу танишув узоқ йиллар давом этган дўстликка айланган. Киплинг бу йиллари Консерваторлар партиясининг ўнг қанотига қўшилади, 1923

*Суссекс – Англия жанубидаги графлик.

йилда эса «Улуг уруш даврида ирландиялик гвардиячилар» китобини чиқаради. Мазкур асар ўгли хизмат қилган полк ҳақида эди. 1926 ва 1932 йилларда унинг яна икки китоби босмадан чиққан.

1915 йилга келиб адибни безовта қила бошлаган ошқозон касаллиги охир-оқибат ярага айланади ва 1936 йилда у ичакка қон қуйилиши оқибатида оламдан кўз юмади.


Киплинг Вестминстер аббатлигидаги шоирлар бурчагига дафн этилади. Унинг «Ўзим ҳақимда баъзи нарсалар» номли таржимаи ҳол асари вафотидан кейин бир йил ўтиб олам юзини кўради.

1890 йилда Оскар Уайльд Киплингни «даҳо» дея атаган бўлса, Генри Жеймс Киплингга «инглиз Бальзаки»ни кўришини ёзган эди. 1907 йилдан бошлаб танқидчиларнинг адиб ижодига бўлган қизиқишлари пасайиб боради.

Қирқинчи йилларга келиб Киплинг ижоди танқидчилар томонидан қайта таҳлил қилинади. Элиот «Фейбер энд Фейбер» нашриётида унинг шеърӣ китобини нашр эттирганидан сўнг шоир ижодига бўлган қизиқиш қайта тикланади. Элиот ўз хулосаларида шундай ёзади: *«Маҳоратда Киплинг классиклардан ҳам ўтади... Унинг шеърлари орасида ўз олдига қўйилган мақсадини амалга ошира олмаганлари йўқ»*.

Элиотнинг фикрича, Киплингнинг энг катта ютуги унинг *«одамларни тушунишга мажбур қилишида»* эди. Ҳинд танқидчиси Нираду Чандури адибнинг «Ким» романи ҳақида ёзар экан, шундай эътироф этади: *«Киплинг Ҳиндистон тўғрисида инглиз тилидаги энг зўр романнигина эмас, умуман, инглиз адабиётидаги энг яхши романлардан бирини ярата олди»*.

РУДОЛЬФ КРИСТОФ ЭЙКЕН



Немис файласуфи Рудольф Кристоф Эйкен 1846 йил 5 январь куни Голландия чегараси яқинидаги Аурих шаҳарчасида таваллуд топган. Унинг отаси Баккер Эйкен почта идорасида хизмат қилар, онаси Ида Мария Гиттерман ҳам ўқимишли аёл эди.

Эйкен болалигидаёқ хасталикка чалинади, боз устига отаси ва укасининг вафоти унинг мургак қалбига қаттиқ таъсир қилади. Оилани боқиш илинжида онаси уйнинг бир нечта хоналарини ижарага берарди. Барча умидлари ўғлидан бўлиб, қанчалар оғир ва қийин бўлмасин, у Рудольфнинг яхши ўқишини таъминлашга эришади.

Аурихдаги гимназияда таҳсил олар экан, Эйкен дастлаб математикага, кейин мусиқага қизиқади, аммо ўқитувчиси Вильгельм Рейтернинг таъсири

билан дин ва фалсафани чуқур ўргана бошлайди. У мумтоз фалсафа ва қадимги тарихни ўрганиш учун Геттинг университетига ўқишга кирганида ҳали жуда ёш эди. Университетда файласуф Герман Лотц маърузаларига қатнар, аммо унинг рационалистик қарашларини қабул қила олмасди. Кейинроқ, Берлин университетига Аристотелнинг издоши бўлган бошқа олим — Адольф Тренделенбург* билан яқиндан танишади. Ушбу буюк муаллим Эйкенда фалсафа, тарих ва дин ўртасидаги ўзаро уйғунликни тушунтириб берган эди. Тренделенбург ўз идеализми билан Эйкен ижодига ҳам катта таъсир кўрсатган.

Геттингенда фалсафа докторлиги даражаси берилгач, у беш йил давомида ушбу олий мактабда дарс беради. 1870 йилда Аристотель ҳақида иккита рисола чиқаради. Кейинги йили эса Базель университетига кафедра мудирлигини қабул қилади. Унинг «Аристотель тадқиқотлари услуги» асари 1872 йилда эълон қилинган.

Орадан икки йил ўтгач, Эйкен Йена университетига фалсафа профессори сифатида иш бошлайди ва бу ерда то 1920 йилгача фаолият юритади. Унинг «Замонавий фалсафанинг фундаментал тушунчалари» китоби илм-фан соҳасида катта қизиқишга сабаб бўлади. Муаллиф ўз асарида турли фалсафий тушунчаларнинг тарихий асосларини таҳлил қилиб берган. Эйкен ушбу китобни 1908 йилда «Замонавий мантиқнинг асосий оқимлари» номи билан қайта нашр эттиради ва фалсафанинг тарихий тараққиётини фалсафий ғоялари билан боғлайди.

Файласуфнинг 1890 йилда чоп этилган «Инсон ҳаётининг муаммолари буюк мутафаккирлар назарида» деб номланган асари ҳозирда ҳам ўтмишдаги улуг файласуфларнинг ҳаёт ҳақида қарашлари нуқтаи назаридан ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Бироқ шунини қайд этиш жоизки, 1890 йиллардан бошлаб Эйкен фалсафа тарихи билан қизиқмай кўяди, у «Маънавий ҳаёт учун кураш»(1896), «Диннинг моҳияти»(1901) ва «Дунёни англашнинг асосий жиҳатлари»(1907) асарларида ўзининг мафкуравий, диний ва ахлоқий ғояларини илгари сура бошлайди.

1908 йилда Эйкен *«мантиқ қуввати, кенг дунёқараш, жонлилик ва ишончлилик билан сўғорилган моҳиятни топшига бўлган жиддий изланишлари ва бу орқали ўз қарашларини ҳимоя қилгани ва ривожлантиргани учун»* адабиёт йўналишидаги Нобель мукофоти билан тақдирланади. Адабиёт бўйича бундай нуфузли мукофот билан файласуфнинг тақдирланиши кўпчилик учун кутилмаган ҳол бўлади, албатта. Швеция академияси аъзоси Харальд Нерпе шу муносабат билан сўзлаган нутқда Альфред Нобель мукофотини *«ғоявий йўналишидаги мислсиз асарлар учун» таъсис этгани ҳисобга олинса, академиянинг мазкур қарорини маъқуллаган бўлар эди. Ахир ўттиз йилдан ортиқроқ вақт ўтибдики, профессор Эйкен фалсафанинг турли соҳаларида жиддий тадқиқотлар олиб бормоқда»,* — деди. Эйкен ўзининг «Натурализм ёки идеализм» деб номланган Нобель

*Адольф Тренделенбург (1802–1872) немис файласуфи.

маърузасини орадан бир йил ўтгач эълон қилади. «*Натурализм, — дейди у, — одамнинг табиат билан боғлиқлигига ишончдир*».

Уруш вақтида Англияни қоралаб чиққан файласуф мазкур мамлакат раҳбариятини «ёвуз эгоизм»да айблаиди, Германия халқи бу уруш учун жавобгар эмаслигини ўқтиришга ҳаракат қилади.

1882 йилда Ирен Пассовга уйланган Эйкеннинг бир қизи ва икки ўгли бор эди. У 1926 йилда Йенада вафот этади.

Танқидчилар, файласуфлар, кўпинча Эйкенни замонавий фан эришган кўплаб ютуқларни эътиборга олмаганликда айблашади, шу билан бирга, унинг издошлари ҳам талайгина бўлиб, улар файласуфни ўз даврининг йирик мутафаккири ва мафкурачиси сифатида эътироф этадилар. 1913 йилда эълон қилинган «Рудольф Эйкен. Ҳаёти ва фаолияти» китобида Мейрик Бут шундай ёзади: «*Эйкенда интеллектуал жиҳатдан чуқур билим, ўткир ҳиссиёт ва қайғудош бўла олиш маҳорати жамулжам эди...*» Бугун ҳам замонавий файласуфлар Эйкен асарларига бот-бот мурожаат қиладилар.

СЕЛЬМА ОТТИЛИАНА ЛОВИЗА ЛАГЕРЛЕФ



Сельма Оттилиана Ловиза Лагерлеф 1858 йилнинг 20 ноябрь куни жанубий Швециянинг Вермланд провинциясида дунёга келган. Оилада беш фарзанднинг тўртинчиси бўлиб туғилган қизалоқнинг уч ёшида оёғи ишламай қолади ва қарийб бир йил давомида юра олмайди. Ушбу касаллик асоратлари оқибатида қолган умри давомида у оқсаб юришга мажбур бўлган.

Ўқитувчи бўлишни орзу қилган Сельма Стокгольмдаги аёллар учун олий Қироллик педагогика академиясига ўқишга киради. 1882 йилда академияни тугатар экан, унинг бошига огир мусибат тушади, отаси вафот этади, қолаверса, бу вақтга келиб оила ўз қарзлари ҳисобига уйдан ҳам айрилади. Бу Сельма учун катта йўқотиш эди.

У Швеция жанубидаги Ландскрон шаҳрида қизлар мактабида ўқитувчи бўлиб ишга жойлашади ва тез орада ўз ўқувчиларида катта таассурот ва ҳурмат орттиради. Вермланднинг кўркам табиати ва манзаралари уни ижодга илҳомлантиради. У роман ёза бошлайди ва асарининг илк қисмларини «Идун» журнали томонидан эълон қилинган адабиёт танлови комиссиясига жўнатади. Журнал муҳаррири унга бош мукофотни тақдим этибгина қолмай, балки романни тўлиқ ҳолда журналда чоп эттиришни ҳам таклиф қилади. Бу пайтда Сельманинг

дугонаси, баронесса Софи Альдеспаре унга молиявий мадад бера бошлаганди. Таклифдан руҳланган Сельма таътил олиб «Йёсте Берлинг ҳақида сага» романини ёзиб тугатади. Роман ўша пайтда Скандинавия ёзувчиларига хос бўлган реализм йўналишида эмас, балки романтик услубда ёзилган эди. Унда Байрон асарларига монанд бўлган қаҳрамоннинг саргузаштлари ҳақида ҳикоя қилинади. Дастлаб асар яхши кутиб олинмайди, даниялик таниқли танқидчи Георг Брандес олқишлагач эса ниҳоятда катта шуҳрат қозонади. У асарда *романтик принципларнинг қайта уйғонганига* юксак баҳо берган эди.

Кўп ўтмай иккинчи асарига киришар экан, Сельма ишни ташлайди. Бир оз фурсат ўтиб, унинг «Кўринмас занжирлар» номли ҳикоялар тўплами нашрдан чиқади. 1894 йилда ёзувчи Софи Ўлкан билан танишади ва улар яқин дугонага айланишади. Қирол томонидан ажратилган стипендия ва Швеция академиясининг молиявий ёрдами туфайли Сельма энди ўзини бутунлай адабиёт ва ижодга бағишлаш имкониятига эга бўлади. Сицилияга саёҳат вақтида у ўзининг навбатдаги асари «Антихрист* мўъжизалари» учун материаллар тўплайди. Ушбу китоб асосан Сицилияда кечадиган воқеалар ҳақида бўлиб, муаллиф унда социализмга киноя билан қарайди.

Адибнинг навбатдаги асари «Қуддус» деб номланган икки томлик роман бўлиб, унда Фаластинга келиб қўним топган швециялик фермерлар тақдири ҳақида ҳикоя қилинади. Бу асарнинг муваффақият қозонишига сабаб унда ички хотиржамлик истаган швециялик деҳқонларнинг ички олами, уларнинг руҳий кечинмалари чуқур очиб берилганидир. Мазкур китоб шунчалар шуҳрат қозонадики, Сельма кўп ўтмай, Морбаккадан уй-жой сотиб олади, 1904 йилда Швеция академиясининг олтин медалига ҳам сазовор бўлади.

Орадан икки йил ўтиб, адибанинг болалар учун мўлжалланган «Нильс Хольгерсоннинг Швеция бўйлаб ғаройиб саёҳати» деб номланган машҳур романи эълон қилинади. 1907 йилда ёзувчи болалар учун аталган навбатдаги романи «Ботқоқлик устидаги ферма қизи» китобини эълон қилади. Ушбу икки асарда деҳқонларнинг камтарона ва оддий турмуши кўрсатилиб, шу билан бирга, уларнинг инсон сифатида улкан орзулар билан яшаши, кенг ҳаёлот дунёси акс эттирилган. Ушбу асарлар одми яшайдиган, меҳнатнинг орқасидан кун кўрадиган одамлар ҳам ҳаётда улуг орзулар билан яшашини очиб берган. Ёзувчининг ютуғи ва муваффақияти эса мазкур асарлар халқ оғзаки ижоди йўлида, халқона руҳда, халқ тили билан унинг дилидагисини баён этиш услубида битилганидир.

1909 йилда Сельма Лагерлеф «*барча асарларига хос бўлган юксак идеализм, ёрқин тасвирлаш маҳорати, қаҳрамонлар руҳиятига чуқур кириб*

*Антихрист – Христиан дини эсхатологияси (охир замон, гуноҳларни ювиш ва тобутдаги ҳаёт ҳақидаги қарашлар тизими)даги образ, Исо Масихнинг душмани маъносини беради.

бора олганлиги» учун Нобель мукофоти билан тақдирланади. Уни табриклаш учун сўзга чиққан Швеция академияси аъзоси Клаэс Аннерстедт «Йесте Берлинг ҳақида сага» романига баҳо берар экан, жумладан шундай деган: «Йесте Берлинг ҳақида сага» нафақат замонамизнинг носоглом ва олчоқ реал ҳаётини кўрсатгани билан, балки фавқулодда оригиналлиги билан ҳам ажралиб турадиган ажойиб романдир».

Бу юксак мартабага лойиқ топилганидан кейин Сальме она юрти Вермланд ҳақида, ватанининг афсоналари, туғилган гўшасини англатувчи қадриятлар ҳақида ёзади. У кўп вақтини феминизм*га бағишлайди. 1911 йилда Стокгольмда бўлиб ўтган халқаро аёллар конференциясида нутқ сўзлайди. 1924 йилда аёллар конгресси делегати сифатида АҚШда ҳам бўлади. 1924 йилда у Швеция академиясига аъзо этиб сайланади. Шундай қилиб, у ўтган асрнинг йигирманчи йилларида Швециянинг етакчи ёзувчилари қаторидан ўрин олади. Бу вақтга келиб у бир қатор автобиографик руждаги китоблар чиқаради. Шулардан бири ўз ёшлигини хотиралар асосида яратилган «Морбакка» асари бўлди. Унинг бир қанча романлари кинолаштирилди ҳам.

Иккинчи жаҳон уруши олдиан Германияда нацистлар уни норд шоираси дея олқишлашади. Бу унинг эътиқодини ўзгартира олмади, албатта. Кўп ўтмай, у немис ёзувчилари, маданият намояндаларига нацистлар таъқибидан қутулишга кўмак бера бошлагач, ҳукумат уни кескин қоралаб чиқади. Ўлимидан бир йил аввал Лагерлеф немис шоираси Нелли Заксга Швецияга виза расмийлаштиришга ёрдам беради. Бу Закснинг нацистларнинг ўлим лагерларига тушиши ва, охир-оқибатда, ўша ерда ўлиб кетишидан халос қилиш билан баробар эди. Иккинчи жаҳон урушидан ниҳоятда таъсирланган Лагерлеф ўзининг Нобель мукофоти билан олган олтин медалини Швецияда ташкил этилган Финляндияга ёрдам миллий фондига хайрия қилади.

Лагерлеф узоқ давом этган касаллик оқибатида 81 ёшида вафот этган.

Швецияда фавқулодда катта ҳурмат ва шон-шухрат қозонган Сельма хорижда ҳам катта эътирофга сазовор бўлган эди. Бироқ баъзи танқидчилар унинг ижодига нисбатан кескин фикрларни ҳам билдиришган. Мисол учун, инглиз ёзувчиси Виктория Сэвил-Уэст Сельма Лагерлеф ҳақидаги монографиясининг кириш қисмида шундай ёзади: *«Лагерлефнинг сагалар, афсоналар бобидаги маҳоратига гап йўқ, бироқ ружият, психология, шунингдек, соф маиший ҳаётни тасвирлаш бобидаги ёзувчилик маҳоратига келганда, булар унинг энг кучли томонлари эмас эди».*

Бундан ҳам кескинроқ гапни швециялик бастакор Хуго Альфен айтган: *«Лагерлефни ўқиш худди буларнинг бари ўнгида содир бўлишини ёки тушидалигини билмай испанларнинг соборида ғамгин ва зулмат ичида ўтириш билан баробар».*

*Феминизм — аёлларга тўла фуқаролик ҳуқуқларини бериш мақсадини илгари сурувчи ижтимоий-сиёсий ҳаракат.

ПАУЛЬ ЙОХАНН ЛЮДВИГ ФОН ХЕЙЗЕ

Немис шоири ва ёзувчиси Пауль Йоханн Людвиг фон Хейзе 1830 йилнинг 15 март куни Берлинда таваллуд топган. Унинг отаси Берлин университети ўқитувчиси, филолог Карл Людвиг Хейзе, онаси ўқимишли оиланинг қизи Юлия Заалинг эди.

Хейзелар хонадонида таниқли олимлар, ёзувчи ва рассомлар тез-тез бўлиб туришар ва улар орасида кейинчалик Паулнинг устозига айланган тарихчи-санъатшунос Франц Куглер ҳам бор эди.

Хейзе Берлин университетидида мумтоз адабиёт ва филологияни чуқур ўрганеди, учинчи босқичдан бошлаб Бонн университетидида роман филологиясидан сабоқ ола бошлайди. 1852 йилда Берлин университети дипломини олгач, Италияга ўқишни давом эттиришга кетади. Айнан мана шу сафари ёзувчида бир умр Италия табиатига ва Данте, Бокаччо, Жакомо Леопарди каби италян ёзувчиларининг асарларига ўчмас муҳаббат уйғотган. У Италияда шеърлар, пьесалар ва ҳикоялар ёза бошлаган.

1854 йилда қирол Максимилиан II Хейзегга катта стипендия тайинлаб Мюнхенда яшаш ҳамда қироллик таъминотида бўлишга таклиф этади. Ёзувчининг асосий иши қирол ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган зиёлилар муҳитида иштирок этиш эди. Умрининг охиригача иқтисодий жиҳатдан таъмин этилган Хейзе устозининг қизи бўлган Маргарет Куглерга уйланади. Улар тўрт фарзанд ўстиришган. Ёзувчи қолган умрини Мюнхендаги вилласида оиласи билан ўтказди.

Ёзувчининг 1855 йилда босилган «Арабиата» ҳикоясидаги воқеалар Соррентода бўлиб ўтади. Ҳикоя дастлаб паромда ишлайдиган йигитнинг изҳорини рад этиб, сўнг ўзи унга ошиқ бўлиб қолган балиқчи қиз ҳақида. Ушбу асар романтик кайфият, жанубликларга хос характерлар, қорақўз қизнинг гўзаллиги баёни, воқеалар занжирининг равонлиги билан яққол ажралиб туради.

Кейин кетма-кет «Марион»(1855), «Треплилик қиз»(1858), «Андреа Делфин»(1859) ва «Онамнинг қиёфаси»(1859) нашр этилди.

1864 йилда адибнинг дўсти, шоир Эммануэль Гайбел Максимилианнинг вориси бўлмиш Людвиг II нинг ғазабига учрайди, Хейзе бунга норозилик билдириб, саройга бормаи қўяди, аммо Мюнхендан кетмайди.

Биринчи хотинининг вафотидан тўрт йил ўтиб, ёзувчи Анна Шубертга уйланади.

Қисса ва ҳикоялардан ташқари, Хейзе кўплаб драматик асарлар ҳам яратган. Унинг 1866 йилда эълон қилинган «Ганс Ланга» тарихий



пьесаси ва 1899 йил театрлар сахнасига олиб чиқилган «Мариа Магдалина» драмалари ўз вақтида анчагина машҳур бўлган.

1873 йилда ёзувчи «Аср болалари» романини эълон қилади. 1875 йилдаги «Жаннатда» ҳамда 1892 йилдаги «Мерилин» романларида асосан ахлоқий мавзулар кўтарилган.

Хейзеннинг ўзи ёзган шеърлари бутунлай унутилиб кетилган, аммо унинг Александро Мандзони, Леопарди ва бошқа бир қатор шоирларнинг асарларидан қилган таржималари китобхонга яхши таниш.

Ўн тўққизинчи асрдаги Ибсен, Эмил Золя каби ёзувчилар асарларида натурализмнинг устуворлиги сабаб, танқидчиларнинг ёш авлоди Хейзе китобларидаги романтизм ва экзотикани оғир қабул қиларди. Ёзувчи ўзининг анча кейин яратган асарларида реализм элементларидан фойдаланган, бироқ у умуман олиб қараганда, ўзининг романтизмга ва ҳиссиётлар оламига бўлган эътиқодига содиқ қолди, борлиқни натуралистик кўз билан акс эттиришни истамади.

1910 йилда Хейзе «*лирик шоир, драматург, романнавис ва бутун дунёга машҳур ҳикоялар муаллифи сифатидаги ўзининг давомли ҳамда самарали ижодий ҳаётида намоён бўлган бадиияти, идеализми учун*» немис адиблари орасида биринчи бўлиб адабиёт соҳасидаги Нобель мукофоти билан тақдирланади.

Мукофотни топшириш маросимида Вирсен немис ёзувчисини «*замонавий Германиянинг энг ажойиб шоири*» сифатида эътироф этади. Хасталиги сабаб, Хейзе тақдирлаш тадбирига бора олмайди ва мукофот Германиянинг Швециядаги элчиси граф фон Пуклерга топширилади.

Айнан 1910 йилда Хейзе Мюнхеннинг фахрий фуқароси унвонига ҳам сазовор бўлади.

Хейзе ҳайратланарли тарзда самарали ижод қилган адиблардан ҳисобланади. Ҳикояларининг ўзи йиғирма тўрт томни ташкил этади, шунингдек, олти романи, олтимишга яқин пьеса ва тўққизта шеърлий тўплами, таржималари... Аммо шуниси эътиборга моликки, унинг адабиёт оламидаги шон-шухрати узоқ давом этмади, вафотидан кўп ўтмай, у қарийб унутилди.

Инглиз танқидчиси Э. К. Беннет шундай ёзади: «*Гарчи Хейзеннинг ҳикоялари энгил ўқилса-да, уни бу жаҳрга қандайдир оригиналлик ёки ўзига хослик олиб кирган, деб айтиш жуда қийин...*»

Америкалик бошқа адабиётшунос Генри Стэффорд Кинг эса бу фикрга қўшилмайди, у Хейзеннинг аёллар образларини яратишдаги маҳоратига эътибор қаратади. Кинг адибнинг китоблари «*нафақат эскирмаган, балки улар энг замонавийдир*», дейди. Немис тадқиқотчиси Кристиан Ульман шундай ёзади: «*Хейзени қайта ўқиб чиқиш зарур, чунки унинг китоблари нафақат мукаммал, балки улар ўн тўққизинчи асрнинг энг улғу ёзувчиларидан биринчи асарлари ҳисобланади, уларда инсон ҳаёти Оноре де Бальзак ва Готфрид Келлер сўнналарига хос тарзда ёритиб берилган*».

МОРИС МЕТЕРЛИНК

Морис Метерлинк 1862 йилнинг 29 август куни Белгиянинг Гент шаҳрида бадавлат хонадонда тугилган. Унинг отаси нотариус эди, онаси зодагон юристнинг қизи бўлган. Болакайга Морис Полидар дея исм қўядилар. Вақти келиб, у Морис Полидар Мари Бернар Метерлинк — бельгияликларнинг фахрига айланган драматург ва ҳикоянавис бўлиб етишади.

Морис иезуитлар коллежида таҳсил олади. Болакай аввал бошдан адабиётга, шеъриятга қизиқарди, аммо ота-онаси унинг Гент университетида ҳуқуқшунослик йўналишида ўқишини талаб қилишади. 1885 йилда университет дипломини олган Морис ҳуқуқшунослик соҳасида малака-



сини ошириш учун Парижга йўл олади, аммо унинг бу муаззам шаҳарда ўтказган олти ой вақти тўла-тўқис адабиётга багишланади. У Парижда шоирлар — Стефан Мал ва Вилье де Лиль-Аданлар билан танишишга муваффақ бўлади. Декадентлик* оқимиغا мансуб ёзувчи Жорис Карл Гюисманснинг маслаҳатига амал қилиб, XIV аср фламанд мистикаси намояндаларидан бири бўлган Ян ван Раусбрукнинг «Маънавий нироҳнинг безаги» китобини ўқиб чиқади. Мазкур китобни 1891 йилда француз тилига таржима ҳам қилади.

Гентга қайтиб келгач, Метерлинк юрист бўлиб ишлаш билан бирга адабиётдан ҳам узоқлашмайди. 1866 йилда Парижда чиқадиган «Плеяда» журналида унинг «Бегуноҳларнинг ўлдирилиши» ҳикояси босилиб чиқади. Орадан уч йил ўтиб, унинг бир йўла икки китоби — «Иссиқхоналар» шеърий тўплами ва «Малика Мален» эртақ-пьесаси босилиб чиқади. Мазкур саҳна асарига нуфузли француз танқидчиси Октав Мирбо ўзининг «Фигаро»да босилган тақризида «*Малика Мален*» «*ноёб асар*», дея баҳо беради, унинг муаллифини эса Шекспирга тенглаштиради. Машҳур танқидчининг бу қадар юксак эътирофи Метерлинкка кучли таъсир қилади ва оқибатда у ҳуқуқшуносликни тарк этиб, ўзини бутунлай адабиётга багишлашга аҳд қилади.

1890 йилда эълон қилинган «Таклиф этилмаган аёл» пьесаси драматургнинг ўлим ва ёлғизлик мавзусидаги илк асаридир. Адибнинг кейинги «Кўрлар» пьесасида ҳам бу мавзу қаламга олинади. 1891 йилда адибнинг «Етти малика» эртаги пайдо бўлди. Унда етти маликани

*Декадентлик — латинча «decadentia» сўзидан олинган, пасайиш, қулаш маъноларини билдиради, XIX аср охири — XX аср бошида адабиётдаги модернистик йўналиш.

ўлим уйқусидан уйғотиши зарур бўлган шаҳзода ҳақида ҳикоя қилинади. Шаҳзода ўз вақтида етиб келади ва барча маликаларни қутқаради, ammo ўз севгилисини қутқаролмайди. 1892 йилда эълон қилинган «Пелеас ва Мелисандра» драмасида охири вой бўлиб яқун топган жиноий эҳтирослар тарихи қаламга олинган. Дарвоқе, айнан мана шу номда 1902 йилда Клод Дебюссининг операси ҳам пайдо бўлган.

1894 йилда драматург кўғирчоқ театрлари учун учта асар яратади. Булар «Оловуддин ва Паломид», «Ана, ичкарида» ва «Тентажилнинг ўлими» пьесаларидир. Драматургнинг кўғирчоқ театрларига мурожаат қилишининг боиси — жонли актёрлардан фарқли ўлароқ, кўғирчоқларнинг рамзлар ролига кўпроқ мос келиши эди.

У актриса ва кўшиқчи Жоржетта Леблан билан йигирма уч йил бирга яшайди. Леблан иродаси бақувват, ўқимишли аёл эди, у Метерлинкнинг ҳам котибаси, ҳам театр ишлари бўйича вакили бўлиш билан бирга, унинг вазифаси адибнинг хотиржамлигини таъминлаш ва бегоналардан асраб-авайлаш эди.

1896 йилда драматург Парижга кўчиб кетади. Бу йилларда Метерлинк бир қатор эссе ва трактатлар яратадики, бу кичик асарлар адибнинг «Шикастанафслар хазинаси», «Донолик ва тақдир», «Асаларилар ҳаёти» тўпламларидан жой олади. «Асаларилар ҳаёти»да муаллиф бу ноёб жонзотнинг фаоллиги ва инсоннинг феъл-атвори ўртасидаги ўхшашликни тадқиқ қилгандек бўлади.

1908 йилда илк бор Станиславский томонидан Москва Бадиий театрида сахнага олиб чиқилган «Кўк қуш» пьесаси Метерлинкнинг энг машхур асари ҳисобланса ажаб эмас. Ушбу сахна асари Лондон, Париж ва Нью-Йорк театрларида ҳам ўйналган. Унда муаллиф ўзининг 1890 йилларда яратган асарларидаги рамзли эртақ йўлидан боради ва шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, пьеса нафақат эртақ фантазиялари балки киноя ҳамда қочиримларга бойлиги билан ҳам шуҳрат қозонган.

1911 йилда Швеция академияси Метерлинкни *«кенг қиррали адабий фаолияти, айниқса, тасаввур кўлами ҳамда шеърини фантазияси бойлиги билан алоҳида ажралиб турувчи драматик асарлари учун»* адабиёт соҳасидаги Нобель мукофоти билан тақдирлашга қарор қилди.

Швеция академияси вакили Вирсен ўз маърузасида драматургнинг «Аглавенна ва Селизетта» асарига алоҳида урғу беради. Метерлинкнинг ўзи хасталиги сабаб мукофотни топшириш тадбирида иштирок эта олмайди. Мукофотни Бельгиянинг Швециядаги элчиси Чарлз Ваутерсга топширадидлар. Биринчи жаҳон уруши вақтида ёзувчи Бельгия фуқаролиқ гвардиясига ёзилишга ҳаракат қилиб кўради, ammo ёши катта бўлгани учун унга қабул қилинмайди. Шу боис драматургнинг ватанпарварлик интилишлари унинг Европа ва Америка Қўшма Штатларидаги тарғибот маърузалари билан амалга ошди, дейиш мумкин.

Шу йилларда унинг Леблан билан муносабатлари бузилади ва улар урушдан кейин ажрашишади. 1919 йилда адиб «Кўк қуш» асарида роль

ижро этган актриса Рене Даонга уйланади. Умрининг сўнги йилларида кўпроқ мақолалар ёзиш билан машғул бўлади. 1927 йилдан 1942 йилгача бўлган давр мобайнида унинг ўн икки томлик асарлари нашр этилади.

1939 йилда нацистлар Германияси бутун Европага таҳдид қила бошлагач, Метерлинк Португалия диктатори Антонио Салазар шафелиги остида шу мамлакатга кетишни маъқул топади, вақти келиб, Португалия ҳам Гитлер босқинига дуч келиши хавфи пайдо бўлгач эса, АҚШга боришга қарор қилади. Улар бутун уруш давомида океан ортида яшайдилар ва ўзларининг Ниццадаги хос уйларига 1947 йилда қайтиб келишади.

Адиб 1949 йилнинг 6 май куни юрак хуружидан вафот этади.

Метерлинк нуфузли Нобель мукофотидан ташқари, Глазго университетининг фахрий докторлиги, Португалиянинг Яков қиличи орденларига сазовор бўлган. 1932 йилда Бельгия қироли драматургга граф унвонини берган.

Метерлинкнинг саҳна асарлари ҳалигача дунёнинг турли мамлакатлари театрлари репертуарларидан жой олиб келмоқда. У абсурд театр санъатининг илк асосчиларидан бири ҳисобланади. Унинг пьесалари, айниқсан, Сэмюэль Беккет ижодига қатта таъсир кўрсатган.

«Метерлинк ҳеч нарсага чақирмайди ва ҳеч қандай ҳукм ҳам чиқармайди, — деб ёзган эди 1967 йилда адабиётшунос Жоанна Пагаки Козофф, — унинг санъати ҳеч қачон тарғиботга айланмайди, чунки улар фундаментал қадриятларга асосланган ва сиёсату руҳиятдан ҳоли туради».

Танқидчи Веттина Кнап ўзининг «Морис Метерлинк» монографиясида таъкидлашича, адибнинг тез-тез эртақ жанрига мурожаат қилишига сабаб — эртақ ижтимоий фикрнинг энг чуқур ва энг оддий ифодаси, у инсоний ҳиссиётлар уйғотади...

ГЕРХАРТ ИОГАНН РОБЕРТ ГАУПТМАН

Немис драматурги ва романнависи Герхард Иоханн Роберт Гауптман 1862 йилнинг 15 ноябрь куни Оберзальцбрунне, яъни ҳозирда Польшанинг Шавно-Здруй шаҳрида, Силезиядаги машҳур курортда таваллуд топган. У Роберт Гауптман ва Мария Штреллерлар оиласида тўрт фарзанднинг энг кенжаси бўлиб дунёга келади.

Герхард қишлоқ мактабида лотин тилини ўрганади, кейин Польшанинг ҳозирда Врошлав деб аталадиган, ўша пайтда эса Германиянинг Бреслау шаҳридаги гимназияда таҳсил олади. Аммо болакай машғулотларга қизиқмас, унинг учун мактаб, кейинчалик гимназия «азоб» манзили эди.



У ўн бешга кирганида бобосининг қарамоғидаги ер-мулкка бориб, бир йил мобайнида фермерлик ишини ўрганади. Орадан ўттиз йил ўтгач, Гауптман ўша кунлар ҳақида шундай ёзган эди: *«Мен айнан ўша пайтда аслида ким эканлигим, қўлимдан нима келади-ю ва қандай ҳуқуқларим борлигини англаб етдим. Мен мустақил фикрлашни, қатъиятли бўлишни, зарур пайтда керакли қарорлар қабул қилиш ва дунёга ўз нуқтаи назарим билан қарашни ўргандим, бир сўз билан айтганда, ҳозирда нимага эга бўлсам, ҳаммаси ўша пайтда пайдо бўлган...»*

1880 йилда Герхард Бреслаудаги академиянинг ҳайкалтарошлик синфига ўқишга киради. У Йена университетининг тарих факультетига ўқиган чоғида таниқли немис биологи ва файласуфи Эрнст Геккел билан яқин бўлиб қолади. Геккел ўз навбатида Гауптманни Чарлз Дарвин ғоялари билан таништиради. Буюк олимнинг назариялари Европа адабиётида реализмни ривожлантиришда катта роль ўйнаганини алоҳида қайд этишнинг ҳожати бўлмаса керак.

1883—1884 йилларда Римда ҳайкалтарошлик сирларини эгаллар экан, Гауптман антик давр санъатига алоҳида қизиқиш билан қарайди ва мана шу ёндашуви сабаб бўлиб, Прометей ҳақидаги афсоналар асосида эпик-романтик поэма яратади.

1885 йилда Гауптман Мария Тинеман исмли гўзал ва бадавлат қиз билан никоҳдан ўтади. Илк йиллари Мария қайлиғига катта миқдорда иқтисодий ёрдам бериб турган. Улар энди Берлин яқинидаги Эркнер шаҳрида яшай бошлайдилар. Герхард бу жойда илғор фикрловчи зиёлилар муҳитига тушиб қолади ва мана шу муҳит таъсирида Маркс, Толстой, Золя ва Ибсен асарларини кунт билан ўқиб чиқади.

Натурализм Франция ва бошқа скандинавия халқлари адабиётига қатъий сингишиб кетган бўлса-да, Германияда ҳали тарқаб улгурмаган эди. Бу пайтда немис адабиётида романтизм устувор аҳамият касб этарди.

1889 йилда бир гуруҳ немис ёзувчилари ва тапқидчилари «Озод саҳна» номи билан театр-студия ташкил қиладилар ва бу ерда дастлаб Ибсеннинг «Шарпалар» пьесаси, кейин Гауптманнинг биринчи саҳна асари «Тонг олдидан» драмаси саҳналаштирилади. Мазкур пьеса силез шеvasида ёзилган бўлиб, унда жуда тезлик билан бойиб кетган ва яна шундай тезликда инқирозга учраган деҳқон оиласининг фожиали тарихи қаламга олинган. Немис тилида ёзилган илк натуралистик драма ҳақиқатни беаёв очиб ташлагани ва жонли халқ тилида яратилгани билан оммани ҳайратда қолдирган эди. Энди адабий жамоатчилик Гауптманга драматургияда пайдо бўлган жиддий истеъдод соҳиби сифатида қарай бошлайди.

Адибнинг «Ярашув тантанаси» (1890) ва «Ёлғизлар» (1891) пьесаларида Ибсеннинг таъсири сезилиб туради. Силезлик тўқувчиларнинг 1844 йилда бўлиб ўтган иш ташлашлари тарихи реалистик йўлда қаламга олинган «Тўқувчилар» пьесаси драматургга ҳақиқий шуҳрат келтиради. Унда

иштирок этувчи қаҳрамонлар ижобий ва салбий қилиб кўрсатилмайди, шу билан бирга муаллиф улар устидан маънавий ҳакамлик ҳам қилмайди.

1893 йилда яратилган кир юувчи аёл ҳақидаги ҳажвий комедия ҳам натуралистик йўлда ёзилган. Бироқ, навбатдаги «Ханнел мсьрожи» пьесасида натурализмдан воз кечиб, рамзлар ва фантазиялар йўлини танлаган муаллиф бу билан томошабин ва танқидчиларни ҳайратда қолдирган эди. Ушбу асарда ўн тўрт яшар хўрланган қиз тақдирини акс эттирувчи насрда ёзилган натуралистик саҳналар, бу қизнинг орзуларини намоён этувчи шеърий бандлар билан ўрин алмашиб туради.

Қисқача айтганда, драматург ўзининг кейинги бир қатор асарларида, жумладан, «Флориан Гейер» (1896) пьесасида яна натурализм йўлини танлайди ва асарда 1524–1525 йиллардаги деҳқонлар урушининг кенг тарихий манзарасини яратади.

Айни вақтда ижодкор оиласида нохушликлар пайдо бўлади. 1900 йилда ёш скрипкачи ва актриса Маргарет Маршалк драматургдан ўғил кўради. Кейинги йили ёзувчи Агнетендорфда уй қуради. Ўша пайтда уч нафар фарзанди бўлган Гауптман 1904 йилда биринчи никоҳини бекор қилиб, Маршалкга уйланади, улар ўша уйда истиқомат қила бошлайдилар.

Машҳурлиги сўниб, ижодий қуввати ҳам пасайиб бораётганидан таъби хира бўлган Гауптман 1907 йилда Грецияга йўл олади. Унинг «Греция кўшиғи» (1908) асари йўл дафтари шаклида ёзилган бўлиб, бу амалда муаллифнинг христианлик дини ва антик маданиятга хос мажусийлик ўртасидаги зиддиятни англашга бўлган интилиши эди. Унинг кейинги икки романи «Девона Эммануэль Квигт» (1910) ва «Буюк она ороли» (1912) да ҳам ушбу мавзу кўтариб чиқилган.

1912 йилда Гауптман «*энг аввало, драматургия санъатидаги самарали, ранг-баранг ва мислсиз фаолиятига эътироф белгиси сифатида*» адабиёт соҳасидаги Нобель мукофоти билан тақдирланган. Швеция академияси аъзоси Ханс Хильдебранд ўз сўзида Гауптманнинг иқтидори ҳақида мақтовларни ёғдирар экан, унинг «*инсон руҳиятига чуқур кириб бора олиши... Шу билан бирга пьесаларидаги реализм кишини сўзсиз янги ва яхши ҳаётга, яхши яшаш ҳақидаги орзуларнинг рўёбига олиб бориши*»ни эътироф этди.

Нобель мукофоти кўмитасига бу юксак эътироф учун миннатдорлик билдирар экан, Гауптман жумладан шундай дейди: «*Мен ҳамма учун тинчлик орзусини назарда тутмоқдаман, ахир санъат ва фан ҳам, охир-оқибат, шунга хизмат қилади, шунга интилади*».

«Учинчи рейх» даврида Гауптманнинг пьесалари кам қўйиларди. Аммо шуниси эътиборлики, нацистлар ҳукумати 1942 йилда драматургнинг тўлиқ, яъни 17 томлик асарлари тўпламини нашр қилиш учун маблағ ажратади. Бу йилларда драматург «Буюк туш» фантастик поэмасини ёзиб тугатади. Кейинчалик адиб «Атридлар» драматик тетралогиясини эълон қилади. Мазкур шеърий асар атридлар ҳақидаги афсоналар асосида яратилган бўлиб, унда грек афсоналаридаги шафқатсизлик иккинчи жаҳон уруши даҳшатлари билан тенглаштирилади.


1945 йилда иттифоқчи кучлар Дрезденга бостириб кириб, шаҳарнинг кулини кўкка совуришди. Драматург бу шаҳарни ниҳоятда севарди ва бу ҳолатдан огир изтиробга тушади.

Герхард Гауптман 1946 йилнинг 6 июнь куни Агнетендорфдаги уйида вафот этади.

Афсуски, вафотидан сўнг Гауптманнинг шўхрати ҳам сўниб боради, бугунга келиб унинг пьесалари фақатгина Германияда қўйилади, бошқа мамлакатларда унинг асарлари камдан-кам саҳнага олиб чиқилади. Танқидчи Жон Гасснер шундай ёзади: *«Унинг кейинги йигирма беш йил мобайнида ёзган пьесалари ҳеч қандай аҳамият касб этмайди. Ҳозирга келиб унинг ҳатто энг муҳим саналган пьесалари ҳам сохта туюлади, Германиянинг ўзида ҳам, ундан ташқарида ҳам».*

Гауптманнинг ашаддий ихлосмандлари эътирофига кўра, унинг энг муваффақиятли асарлари илк пьесалари саналади. Шу билан бирга адибнинг библиографи Хью Гартен драматург асарларига баҳо бериб шундай хулоса қилади: *«Гауптман улуғ Европа анъаналарини ривожлан-тирган, ўз қаҳрамонларининг бутун ранг-баранглигини намойиш эта олган ҳақиқий инсонпарвар ижодкорлардандир».*

РОБИН ДРОНАТ ТАГОР



Улуғ ҳинд адиби, шоир, файласуф ва жамоат арбоби, оташин ватанпарвар Робин Дронат Тагор ўз ижодий фаолияти давомида кўплаб ҳикоялар, қисса ва романлар ҳамда ажойиб шеърят намуналарини яратади. «Ҳалокат», «Хонадон ва жаҳон», «Сўнгги дoston», «Гора» каби бадиият жа-воҳирлари шулар жумласидандир. Тагор-нинг ижодий мероси жуда бой. У элликдан ортиқ шеърый тўплам, ўн иккита роман, юздан ортиқ ҳикоялар ва кўплаб саҳна асарлари билан жаҳон адабиётига улкан ҳисса қўшган буюк ижод соҳибидир.

Тагор халқаро Нобель мукофотига сазовор бўлган илк осиеликдир. У Валий-

лик, яъни Гуру мақомига ҳам етишган эди.

Робин Дронат Тагор 1861 йилнинг 6 май куни Бенгалия пойтахти Калькуттада, таниқли ва бадавлат оилада ўн тўртинчи фарзанд бўлиб дунёга келган. Отаси Махариши Дебен Дронат Тагор браҳман бўлиб, Ҳиндистондаги муқаддас қадамжоларни тез-тез зиёрат қилиб турар эди. Онаси Сарада Деви Робин Дронат ўн тўртга кирганида оламдан ўтган. Онасидан айрилгач, ўсмир йигит ўзини ёлғиз ҳис қилади.

Робин Дронат саккиз ёшидан шеър ёза бошлаган, аввал уйда ўқиган, кейин хусусий мактабларда, жумладан, Калькуттадаги Шарқий семинарияда, Бенгалия академиясининг педагогика билим юртида таҳсил олган. Ушбу билим юртида бенгал тарихи ва маданиятини чуқур ўрганган.

1873 йилда отаси билан Шимолий Ҳиндистон бўйлаб саёхатга чиққан ўсириги олам гўзаллиги, кўп асрлик маданий меросдан ҳайратга тушади. 1878 йилда Тагорнинг «Шоирнинг тақдири» достони нашр этилади. Ўша йили у ҳуқуқдан сабоқ олиш учун Англияга, Лондон университети коллежига боради. Бироқ бир йилдан кейин диплом ололмай, Ҳиндистонга қайтиб келади ва бир муддат Калькуттада яшайди.

1883 йилда Мриналини Девиға уйланади. Улар икки ўғил ва уч қизли бўлишган.

Шоирнинг илк шеърый тўпламлари «Оқшом қўшиқлари» 1882 йилда, «Тонгги қўшиқлар» 1883 йилда нашр этилган ва айтиш мумкинки, бу китоблар Тагорнинг шоирлик истиқболига пойдевор бўлган эди.

1890 йилдан Робин Дронат отасининг истаги билан Шарқий Бенгалиядаги Шелайхо қўрғонида жойлашган оила мол-мулкни бошқара бошлайди. У бу ердан оқиб ўтувчи Падма дарёси устида қурилган уй ва хос ҳовлида яшарди.

Шоирнинг 1893—1900 йилларда яратган шеърларида асосан қишлоқ манзаралари ва одатлари устуворлик касб этган. Улар орасида 1894 йилда эълон қилинган «Олтин қайиқ», 1900 йилдаги «Бир лаҳза» тўпламларини айтиб ўтиш мумкин. Ўша пайтлар ҳақида шоирнинг ўзи шундай ёзган эди: «*Буленинг адабиёт оламидаги ҳаётимнинг энг самарали пайти бўлган...*»

1901 йилда Тагор Калькутта яқинидаги Шангиникетонга, хонадоннинг шу ердаги мол-мулкига кўчиб келади ва беш нафар ўқитувчи билан бирлашиб мактаб очади. Бунинг учун унинг хотини барча қимматбаҳо буюмларини, ўзи эса асарларини нашр қилиш ҳуқуқини сотишига тўғри келади. Бу даврда адиб ижодий фаолиятини ўқитувчилик билан қўшиб олиб боради, нафақат шеър, балки романлар, ҳикоялар, Ҳиндистон тарихи ҳақида китоблар, педагогика мавзuidaги ўқув дарсликлари ва мақолалар ҳам ёзади.

1902 йилда унинг хотини оламдан кўз юмади, адибнинг «Хотира» деб номланган китоби ушбу оғир қайғу ва мусибат туйғусини ўзида акс эттирган. 1903 йилда шоирнинг бир қизи сил касалидан, 1907 йилда эса кенжа ўғли вабо хасталigidан вафот этишган. 1912 йилда Тагорнинг катта ўғли Америка Қўшма Штатларига, Иллинойс университетига қишлоқ хўжалиги соҳасида ўқиш учун кетган экан, шоир ҳам у билан бирга йўлга тушади. Сафар давомида Лондонда тўхтаб, ўзи инглиз тилига ўтирган шеърларини инглиз рассоми ва адабиётшуноси Уильям Ротенстайнга кўрсатади. Улар бир йил аввал Ҳиндистонда танишишган эдилар. 1912 йилда Ротенстайннинг кўмагида «Ҳиндистон жамияти» нашриётида адибнинг «Бахшида қўшиқлар» китоби чоп этилади ва шундан кейин Тагор Англия ва Қўшма Штатлардаги китобхоналар ўртасида кенг танилади.

1923 йилда адабиёт соҳасидаги Нобель мукофоти соҳиби бўлган ирландиялик шоир ва драматург Уильям Йейтснинг ўша пайтдаги норасмий котиби бўлган Эзра Паунд Тагор шеърларининг *«Ғарбона турмуш тарзи, шаҳарлардаги ғала-ғовур, тижорий адабиёт шовқини, реклама гирдоби ичида одамнинг калласидан чиқиб кетадиган ҳамма нарсани эсга соладиган юксак донолиги»*ни эътироф этган эди. Мухлислари Тагорни Ҳиндистон халқининг афсонавий овози сифатида кўрган. Аслида эса шоир мазкур мамлакат аҳолисининг бир қисмигина тушунадиган бенгал тилида ёзар эди.

1913 йилда Робин Дронат Тагор *«шоирона тафаккури ҳайратли тарзда намён бўлиб турган, ўз эътирофига кўра, ғарб адабиётининг бир бўлагига айланиб қолган ҳиссиётларга тўла, асл ва гўзал шеърятни учун»* адабиёт бўйича Нобель мукофоти билан тақдирланади. Швеция академияси аъзоси Харальд Йерне тақдирлаш маросимида академия аъзоларига шоирнинг, айниқса «Бахшида кўшиқлар»и катта таассурот қолдирганини қайд этди. Олим шоирнинг асосан 1913 йилда таржима қилиниб, нашрдан чиққан асарларига тўхталди ва шеърларидаги умуминсоний мантиқни эътироф этиб, уни *«Шарқ ва Ғарбни яқинлаштирган фигура»* дея атади.

Тагорнинг ўзи бу пайтда Америка Қўшма Штатларида эди ва шу сабаб талбирда қатнаша олмади. У юборган телеграммасида *«узоқдагиларни яқин, бегоналарни қадрдон қиладиган кенг феъллик»* учун мукофот кўмитасига ўз ҳурматиини изҳор этади. Мукофотни Англиянинг Швециядаги элчиси қабул қилиб олади. Мукофотнинг пул маблағларини шоир Визва-Бхаратидаги мактабига сарфлайди, мазкур ўқув даргоҳи биринчи жаҳон урушидан сўнг бепул татлим берувчи университетга айлантирилган эди.

Тагорни кўпчилик шоир сифатида яхши билса-да, у кўплаб пьеса ва ҳикояларнинг ҳам муаллифи эди. Унинг «Қурбонлик», «Почта» каби сахна асарлари, илк бор инглиз тилида 1913 йилда олам юзини кўрган тўпламларига киритилган кўплаб ҳикоялари асосан бенгал деҳқонлари ҳаётига бағишланган.

Сўнгги ўттиз йил давомида Тагор Европа, Шимолий ва Жанубий Америка, Яқин Шарқ бўйлаб сафарларда бўлади.

Унинг 68 ёшида чиза бошлаган расмлари Мюнхен, Нью-Йорк, Париж, Москва шаҳарлари ва дунёнинг бошқа мамлакатларидаги кўرғазмаларда намоён этилган.

Тагор Ҳиндистоннинг тўрт университети, Оксфорд университетининг фахрий докторлиги унвонига сазовор бўлган.

У 1941 йил 7 август куни узоқ давом этган касалликдан сўнг саксон ёшида Калькуттада вафот этади.

Адибнинг адабий котиби Амии Чакраварти шоир *«асарларининг оддий бенгалликларга маъқул келгани ва улар бу шеърларни ўзлариники сифатида қабул қилганликлари»*дан хурсанд бўлганини таъкидлайди. *«Узоқ ҳинд қишлоқларида, гарчи муаллифнинг кимлигини билишмаса-да, шоир*

шеърларини қўшиқ қилиб куйлашарди, бор овозда ўқишарди, паромдагилар, пода боқувчилар, қишлоқ хўжалигида ишловчилар унинг шоирлик истеъдодини кўп асрлик маданий бойликнинг бир қисми сифатида қабул қилишарди...», дея қайд этади Амии Чакраварти.

Фарблик тадқиқотчи Мэри Лейго Тагор ҳақидаги рисоласида шундай ёзади: «Биринчидан, Тагор асарларининг инглиз тилига (албатта, адабнинг ўзидан бошқалар томонидан қилинган таржималар) ўгирилган вариантлари уларнинг асл моҳияти ва гўзаллигини тўлалигича етказиб бера олмайди, иккинчидан, унинг илк шеърӣ асарлари ва охирги китоблари инглиз тилига умуман таржима қилинмаган ва уларни фақатгина бенгал тилида сўзлашувчи китобхон билади, холос».

Ҳиндистонлик тадқиқотчи Кришна Крипалани шундай ёзади: «Тагорнинг энг асосий буюклиги унинг ҳинд маданияти ривожига қўшган тurtкиси билан изоҳланади. У ўз халқида ўз она тилига, маданий ва маънавий меросига бўлган ишончни пайдо қилди...»

Ушбу мулоҳазаларга яна шуни қўшимча қилиш мумкинки, Робин Дронат Тагор нафақат ҳинд маданияти ва адабиётига, балки умумбашарият маданияти ва жаҳон адабиётига катта ҳисса қўшган буюк сиймодир.

РОМЕН РОЛЛАН

Франциялик романнавис ва публицист Ромен Роллан 1866 йилнинг 29 январь куни Франция жанубидаги Кламси деб аталадиган мўъжазгина шаҳарчада истиқомат қилувчи бадавлат хонадонда таваллуд топган. Отаси Эмиль шаҳардаги эътиборли кишилардан бири бўлиб, адвокатлик қилар, онаси Антуанетта Мари Куро эса тақводор аёл эди ва айнан онасининг истаги билан Роменнинг яхши жойда ўқишини мақсад қилган оила 1880 йилда Парижга кўчиб келади.

Болалигида онаси пианино чалишга ўргатар, шу боис у мусиқани, айниқса, Бетховен асарларини айрича севиб қолган эди. Кейинчалик, Буюк Людовик лицейида ўқиган чоғларида Вагнер асарларини ҳам шу қадар иштиёқ билан мутолаа қилади. 1886 йилда йигит анчагина нуфузли ҳисобланган Эколь нормаль Сюперьер*га ўқишга киради ва олим бўлиш орзусида тарихни ўргана бошлайди. Бунининг онаси жуда ҳам истаган эди ва у 1889 йилда тарих ўқитувчиси дипломини қўлига олади.



*Эколь нормаль Сюнерьер – Францияда олий таълим соҳасидаги давлат муассасаси, «Олий нормаль мактаб» деб юритилади.

1889–1891 йилларда Ромен стипендия бўйича Римга боради ва Эколь француз, яъни Париждаги олий мактабда тарихни чуқур ўргана бошлайди, бироқ вақт ўтиб, унда илмий изланишларга қизиқиш сўнади ва Шекспирнинг тарихий пьесалари таъсирида Италиядаги тикланиш даври воқеалари ҳамда шахслари ҳақидаги тарихий драмалар туркумини яратишга киришади.

Римда бўлажак адиб немис қизи Мальвидо фон Мейзенбург билан танишади. У Лайош Кошут, Жузеппа Мадзини, Фридрих Ницше ва Рихард Вагнер каби ўн тўққизинчи аср машҳур кишиларининг дўсти ва ишончли вакили ҳам эди. Мальвидонинг идеалистик фалсафа ва немис романтизмга бўлган қизиқиши Роменнинг дунёқарашига сезиларли таъсир кўрсатган.

Роллан 1891 йилда Парижга қайтиб келади. У энди пьесалар ёзар ва тадқиқот ишлари билан банд эди. 1892 йилда Клотильда Бреалга уйланади. Ўша йили ёш келин-куёв Римга қайтиб келади ва Роллан Жан Батист Лили ва Александро Скарлаттининг опера санъати ҳақида диссертациясини ёзишга киришади.

1893 йилда Парижга қайтган Ромен ижод қила бошлайди. Икки йилдан сўнг у Сорбоннда муסיқа соҳасига оид диссертациясини муваффақиятли тарзда ёқлайди ва шахсан унинг учун ташкил этилган муסיқашунослик кафедрасига раҳбар этиб тайинланади.

Шундан кейин, қарийб ўн етти йил давомида Роллан Сорбоннда ва яна икки билим юрти – Ижтимоий тадқиқотлар мактаби ва Эколь нормаль Сюперьерда адабиётга бўлган қизиқишни муסיқа ва тасвирий санъат соҳасига оид маърузалар ўқиш билан бирга олиб боради. Шу йилларда католик шоир Шарл Пеги билан танишади ва унинг журналида илк асарларини чоп эттиради.

Роллани кўпроқ маданиятлар тарихи, айниқса, унинг табири билан айтганда, бу тарихнинг «қаҳрамонона» давлари қизиқтирар, шунданми, у алоҳида мавзуларда эмас, бутун туркум асарлар яратишга киришар ва кўпинча, уларни охирига етказмай тўхтатиб қўярди. Мисол учун, Италиянинг тикланиш даври мавзусида бошланган пьесалар туркуми қўлёзма ҳолича қолиб кетади. Иккинчи – «Эътиқод фожиаси» туркумига уч пьеса киритилади. Булар: «Авлиё Людовик» (1897), «Аэрт» (1898) ва «Ақлнинг голиб келиши» (1899)дир. Кейинги туркумларга адиб нафақат пьесаларини, балки таржимаи ҳол асарлари ва романларини ҳам кирита бошлади.

«Эътиқод фожиаси» трилогиясига кирган уч тарихий пьесада санъат ва ижтимоий ҳаёт уйғунлаштирилган. Муаллиф мазкур драмалари билан ўз ватандошларига ўша пайтдаги Франция жамиятида етишмаган эътиқод, ишонч ва умидни жо этишга ҳаракат қилган. Бироқ, бу трилогия француз театр муҳитига катта ўзгариш кирита олгани йўқ, ўша вақтда мамлакатда тор фикрли мелодрама устун эди. Аслида шу ҳолат худди Толстой каби Ролланда ҳам халқ театри ташкил этиш ҳақидаги фикрни

уйғотган эди. У Толстойни кўқларга кўтарар ва адиб билан хат ёзишиб турарди. Драматург оммани қахрамонона сахнавий кўринишлар билан тарбиялаш мумкин, деб ўйларди.

Роллан 1903 йилда Морис Поттешенинг «Халқ театри» мақоласига муносабат билдириш асносида ёзган «Икки ҳафталик кундаликлар»ида ўн тўққизинчи асрнинг саксонинчи йилларидаги пессимизм ва материализмга қарши фикр билдиради. Мазкур манифест бироз муддат ўтиб «Халқ театри» номи билан китоб бўлиб чиқади. Унда муаллиф тарихий воқеалар асосида оммани илҳомлантирадиган, завқлантирадиган янгидан-янги пьесалар яратиш зарурлиги ҳақида мулоҳаза юритади.

Ромен Роллан Шекспирнинг тарихий хроникалари руҳида Франция инқилобига бағишланган туркумларни яратади. Учта шундай пьеса «Инқилоб театри» туркумини ташкил этади. Мазкур училик 1909 йилда бошланган бўлса, орадан ўттиз йил ўтиб, «Робеспьер» билан якун топди. Натурализм адабиётда устувор йўналиш бўлиб турган ўша пайтда яратилган бу асарлар эътибор қозона олгани йўқ. Улар Германияда биринчи жаҳон уруши поёнига етгач, Францияда эса ўттизинчи йилларда катта шуҳрат топади.

Роллан, шунингдек, ҳаёти ва ижоди китобхон учун ўрнак бўлиши мумкин бўлган машҳур кишиларнинг таржимаи ҳоллари туркумини яратишга қарор қилади. Унинг биографи Уильям Томаснинг эҳтимолчи, «*мушкул аҳволга тушганида илҳом манбаи бўлиб хизмат қилгани учун миннатдорлик белгиси сарфатида*» адиб «Бетховеннинг ҳаёти», яъни энг омадли чиққан ва илк таржимаи ҳол асарини ёзганди.

1901 йилда адиб хотини билан ажрашади ва бироз муддат умидсизликка берилади. 1905 йилда Микеланжелонинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги китобни тугатиб, бу йўналишда ишни давом эттирмасликка аҳд қилади, чунки у буюк кишиларнинг тақдири китобхонга завқ бериши даргумон, деган хулосага келган эди. Аммо, барибир Роллан кейинчалик Гендель, Толстой, Рамакришна, Вивеканандларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида асарлар яратган.

Ўн томлик, 1904–1912 йиллар мобайнида ёзиб тугатилган «Жан-Кристоф» романида прототиби Бетховен бўлган даҳо мусиқачининг тақдири қаламга олинган. Шунингдек, асарда йигирманчи асрдаги Европанинг кенг манзараси акс эттирилган. Австриялик ёзувчи Стефан Цвейгнинг тасдиқлашича, «Жан–Кристоф» Ролланнинг таржимаи ҳол жанридан кўнгли совигани оқибатидир. «*Чунки, – дейди у – тарих унга тасалли бера олмаслигини англаб етди, у санъатга томон юз бурди...*»

1915 йилда адиб асосан «Жан-Кристоф» романи, расман эса «*адабий асарларидаги юксак ғоялар, турли инсонлар қиёфасини акс эттиришидаги ҳаққонийликка бўлган садоқати ва муҳаббати учун*» адабиёт йўналишидаги Нобель мукофоти билан тақдирланди. Уруш туфайли мукофотни топшириш маросими ўтказилмай қолиб кетади ва ўз-ўзидан ёзувчи Нобель маърузаси билан чиқиш ҳам қилмаган.

1934 йилда адиб Мария Кудашевага уйланган ва орадан тўрт йил ўтгач, Швейцариядан Францияга қайтиб келади. У иккинчи жаҳон уруши вақтида ҳам нацизмга қарши курашувчилар сафида туради. Нацистлар қўлида ҳалок бўлган фан ва санъат намояндаларининг оилаларига ҳамдардлик билдириб ёзилган ва Сорбоннда ўқиб эшиттирилган мактуби адибнинг вафотидан уч ҳафта аввал ёзилган эди.

Ромен Роллан 1944 йилнинг 30 декабрь куни вафот этади.

Унинг дўсти Мари Доруа шундай ёзади: *«Мен Ромен Роллан билан фахрланаман. Шунингдек, «Жан-Кристоф» билан ҳам гурур туяман. Аммо Ролланнинг ижодкорлигидан кўра, инсонийлиги менга кўпроқ ёқади... У йўл кўрсатувчи маёқ эди, кимки иккиланса ёки ёлғизликда йўлни босиб ўтишга кучи етмаса у йўл кўрсатарди...»*

Кўпгина танқидчилар Роллан ижодини муносиб баҳолай олмаган. Чунки, унинг айрим сўз ва иборалари бутун асар моҳияти ва мақсадидан кам бўлмаган мазмун ва моҳият касб этарди.

Адибнинг кейин ёзган асарлари ҳақида тўхталар экан, инглиз романнависи Форстер шундай ёзади: *«Роллан ёшигида уйғота олган умидларни оқламади...»*

«Агар «Жан-Кристоф» асари бўлмаганида, — деб ёзади адибнинг биографи Старр, — Ролланни адиб ва ёзувчи сифатида эмас, балки инсоннинг қадр-қиммати ва эркинлиги учун толмас ва қатъиятли курашчи, янада адолатли ва инсонпарвар жамият қуриш тарафдори бўлган инсон сифатида эслаган бўлар эдилар...»

Ҳар не бўлганда ҳам, Ромен Роллан дунё адабиётида эътирофга сазовор сиймолардан саналади.

КАРЛ ГУСТАВ ВЕРНЕР ФОН ХЕЙДЕНСТАМ



Швециялик шоир ва романнавис Карл Густаф Вернер фон Хейденстам 1859 йилнинг 6 июль куни мамлакат жанубидаги Веттер кўли қирғогида жойлашган Эльсхаммар шаҳрида таваллуд топган. Отаси Нильс Густав фон Хейденстам ҳарбий муҳандис, онаси Магдалена Шарлотта Рюттершельд эса маҳаллий аҳоли вакиллари билан бирининг фарзанди бўлган. Вернер болалигида нимжон бўлиб, йилнинг асосий вақтини Стокгольмда ўтказар, ёзда эса оиласидагилар билан Эльсхаммарга борар ва у ерда кўпроқ китоб ўқиш билан машғул бўларди.

Ўрта ер денгизининг иқлими боланинг саломатлигига фойда беради, деган илинж-

да ота-онаси Вернерни чет элга жўнатишади. Яқин Шарқ, Греция ва Италия бўйлаб саёҳат қилар экан, ўспирин йигит жанубдаги халқларнинг кўп миллатли муҳитини тезда шууридан ўтказиш имконига эга бўлади. Кейинчалик адиб ўз эсдаликларида: *«провинциал университет аудиториясида антик адабиётни ўқиш ўрнига Афина Акрополи бўйлаб сайр қилардим, замонавий христиан маданиятини ўзимга сингдириш машғулотларида ўтириш ўрнига бутун онгу шууриمنى Шарққа бурдим»*, — дея ёзган эди.

Адиб 1880 йилда Швецияга қайтиб келади ва Эмилия Улгга уйланади. Унинг ўз келажаги ҳақида қатъий қарори шаклланмаган, аммо узоқ саёҳатлар бўлажак ижодкорда санъат оламига сўнмас қизиқиш уйғотган эди. Отаси Вернерни ўқиш учун Парижга жўнатади. Ёш оила дастлаб Римга, кейин Парижга йўл олади. Бўлажак адиб бу ердаги нафис санъат мактабида Жан Леон Жером раҳбарлигида мусаввирлик билан шуғулланади.

1886 йилнинг ёз фаслига келиб драматург Август Стриндберг билан яқиндан танишиш шарафига муяссар бўлади. Стриндберг Вернердан бир неча ёш катта ва ўша пайтда ёзувчи сифатида танилиб қолган эди. Улар узоқ суҳбатлар қуришар, ижодий режаларини муҳокама қилишар ва шу билан бирга Швеция адабиёти ва маданиятининг келажаги ҳақида фикрлашар эди.

Биринчи хотини вафот этгач, Вернер дастлаб Ольга Вибергга уйланади, бироқ бу никоҳ аввал бошдан бахтсизликка юз тутди ва улар тезда ажрашиб кетдилар. 1900 йилда шоир ўзидан қарийб йигирма ёш кичик бўлган Гретта Шеберг билан никоҳдан ўтган.

1887 йилда она ватанига қайтиб келган Хейденстам илк шеърый тўплами «Зниэрат ва саёҳат йиллари» китобини чоп эттиради. Китоб уни кенг ўқувчилар оммасига танитади. Тўпلامдан ўрин олган шеърларида Ўрта ер денгизи бўйлаб қилинган саёҳатлар нафаси уфуриб турар, улар шарқона руҳ ва болаларча мусаффо тасаввурлар билан тўйинган эди. Стефан Бьорк ёзганидек, *«унинг дostonлари, ривоятлари ва шарқона лавҳаларида устун бўлган маънавий қадриятлар, улардаги эҳтиросли, завқлантирувчи бўёқлар китобхонда улкан қизиқиш уйғотди»*. Айни пайтда китобдаги шеърлар ёрқинлиги, ранг-баранг ифодалилиги билан ўша даврдаги ғамгин натуралистик адабиётга нисбатан ўқувчида кўпроқ қизиқиш уйғотар эди.

Кейинги ўн йил мобайнида шоир кўплаб асарлар яратади. «Энди-мион», унинг кетидан «Уйғониш» рисоласи дунё юзини кўради.

1892 йилда яратган «Ганс Альенус» деб номланган, наср ва назмда ёзилган романи қаҳрамони Фаустга ўхшаб ҳаётнинг мазмунини топишга интилади.

Шоир иккинчи «Шеърлар» тўплами эълон қилинган, швед адабиётидаги стакчи ижодкорга айланади. Америкалик танқидчи Альрик Густафсон хулосаларига кўра, *«Хейденстам шеърларида кўтаринкилик кучли, ҳаётга чуқур завқ-шавқ мужассам... Шеърлар шоирнинг ўтмиш*

ҳақидаги хотираларида, *Швециянинг қаҳрамонларча тарихига эҳтиромиди асос топган инсонпарварлик билан лиммо-лим эди...*»

Унинг «Карл XII нинг уруши» деб номланган энг машҳур асарида Швеция тарихига қизиқиш, янги миллий ғоя яратиш истаги яққол намоён бўлган. Асар 1897–1898 йилларда яратилган бўлиб, унда мавзу жиҳатдан ўзаро боғланган ҳикоялар орқали Европада ўз ҳукмронлиги даврида кучли давлатчилиқни шакллантирган Карл XII нинг аскарлари ҳақида ҳикоя қилинади. Карл образини муросасиз, ўзини қурбон қилишга шай бўлган қаҳрамон сифатида тасвирлар экан, муаллиф уни маънавий идеал сифатида кўради. Асардаги ушбу персонажи орқали муаллиф шоир Густафсоннинг фикрича, *«билвосита XIX–XX асрлар мобайнида Швеция маданиятидаги материализмни қаттиқ танқид қилган»*.

Хейденстамнинг «Муқаддас Биргитта зиёрати» (1901) романи, «Фолкунглар шажараси» деб номланган икки томлик романи, «Шведлар ва уларнинг доҳийлари» (1908–1910) насрий дostonлари Швеция ўтмишига бағишланган бўлиб, чуқур идеализм ва ватанпарварлик руҳида ёзилган.

1915 йилда нашр этилган «Янги шеърлар» тўплами Хейденстам Швециянинг бтакорр шоири эканлигини яна бир бор намоёиш этади. 1895–1910 йиллар мобайнида қатъий мумтоз анъаналарда ёзилган ушбу шеърларда танқилчилар ёрқинлик ва аниқликни, мужассамликни кўрдилар, уларда ижодий куч-гайрат уфуриб турарди.

1916 йилда Швеция академияси *«Жаҳон адабиётини янги даврининг кўзга кўринган вақили»* сифатида Вернер Хейденстамни адабиёт бўйича Нобель мукофоти билан тақдирлаш ҳақида қарор қабул қилади. Бу пайтда биринчи жаҳон уруши давом этаётгани сабабли мукофотни тантанали топшириш маросими ўтказилмайди. Швеция академияси учун расман тайёрланган таҳлилий очеркида танқидчи Свен Седерман шоирни *«ўтган асрнинг охирида Швеция шеърятини қайта тиклаган ўзига хос ижодкорлар орасидаги энг ёрқин юлдуз»*, дея таърифлайди.

Хейденстам Нобель мукофоти билан тақдирланганидан сўнг, вафотидан анча кейин, аниқроғи 1941 йилда чоп этилган «Каштанлар гуллаганда» деб номланган, болалик йиллари ҳақидаги хотираларини ҳисобга олмаганда, бошқа биронта янги асар яратмаган.

Йигирманчи йилларда Веттерн кўли бўйидаги Эвралида шаҳарчасида ўзига уй қурган шоир мана шу манзилда умрининг охиригача осойишта ва беташвиш кун кечиради. У 1940 йилнинг 20 май куни 80 ёшида оламдан кўз юмган.

Тадқиқотларда ёзилишича, ўз даврида Швециянинг энг зўр шоири бўлган Хейденстамнинг китобларини бугунги кунда ҳам ўқувчилар катта қизиқиш билан мутолаа қилади, деб бўлмайди. Уни ҳозирда адабиёт тарихи билан шугулланувчи мутахассисларгина замонавий Швеция шеърятини ва прозасига қўшган улкан ҳиссаси нуқтаи назаридан эслаб туришади, холос...

КАРЛ АДОЛЬФ ГЬЕЛЛЕРУП

Даниялик драматург ва ёзувчи Карл Адольф Гьеллеруп 1857 йил 2 июнь кунни Роһольтда Анна Фибигер ва Карл Адольф Гьеллеруплар оиласида дунёга келади. Болакай уч ёшга тўлганида отаси вафот этган. Карлни онасининг амакиваччаси, илоҳиётшунос ва шоир Юханс Фибигер Копенгагенга олиб кетади, умуман болакайнинг келажагида унинг катта таъсири бўлган. Чунки Карл ҳам айнан Юханснинг шоғирди сифатида шеърлар ёза бошлаган.

Мақтабни тугатиб Копенгаген университетининг диншунослик факультетига ўқишга кирган Карл бу ерда Дарвин таълимотини чуқур ўргангани, шунингдек, йирик танқидчи ва адабиётшунос олим Георг Брандеснинг кескин адабий назариялари билан танишади.

Гьеллеруп гарчи илоҳиёт бўйича диплом олган бўлса-да, университетни атеист сифатида тугатган. Талабалик йилларида унга Гёте, Кант, айниқса, Шиллер каби немис адабиётининг улкан намояндалари жуда катта таъсир кўрсатган. У Шиллернинг шеърларини ўзи учун ўрнат деб биларди.

1878 йилда чоп этилган «Идеалист» романи адибнинг ҳажми жиҳатидан унча катта бўлмаган, бироқ босмадан чиққан илк асари бўлди. Элигон таҳаллуси билан эълон қилган ушбу асарида муаллиф ҳудожўйлик ва черковни рад этувчи ўзбошимча интеллектуал ўспиринни тасвирлаган. «Германияликларнинг шоғирди» романида ўзи каби эътиқод инқирозини бошидан кечираётган ёш йигит образи гавдалантирилган.

Рихард Вагнернинг «Нибуленг халқаси» асари руҳида яратилган «Брунхильд» шеърый драмаси адибнинг эътиборга молик топилган дастлабки асарларидан биридир. Унда грек драматургчиси, Шекспирга хос шеърыйт услуби ва қадимги исланд «Эдда»ларига хос бўлган аллитератив шеърыйт унсурларини учратиш мумкин.

1885 йилдан 1887 йилгача Дрезденда истиқомат қилган шоир «Тамир» драматик достонини ёзиб тугатади ва шу йили мусиқачи Феликс Беникснинг собиқ хотини ва Брандеснинг холаваччаси бўлган Анна Каролина Хойзингерга уйланади.

Гьеллерупнинг кейинги асарлари — «Хағбард ва Сигне» (1888)га данияликларнинг халқ афсонаси асос қилиб олинган бўлса, «Минна» (1889) ишқий роман. Уша йили шоир «Менинг севгим китоби» деб номланган шеърый тўпланини ҳам эълон қилган.



Гьеллеруп вақти келиб Ибсен асарларига ўхшаш замонавий драмалар яратишга ҳаракат қилади. Қишлоқ мактаби ўқитувчисининг бахтсиз севгиси ва ўзига суиқасд қилиши ҳақидаги «Герман Бандель», тоғ қишлоғида яшовчи севишганлар фожиаси ҳақидаги «Вуторн», ҳукуматнинг порахўр ва сотқин амалдори ҳақидаги «Жаноби олийлари» асарлари шулар жумласидандир. «Вуторн» драмаси Копенгагендаги Дагмар театрида юз мартадан ортиқроқ ўйналган.

1892 йилда оиласи билан Дрезденга келиб жойлашган адиб, ўз ибораси билан айтганда, унинг учун «ҳақиқий ифода воситаси» бўлган немис тилида ижод қила бошлайди.

Протестант мазҳабидаги руҳонийга ҳақоратнома сифатида ёзилган «Рухоний Морс» (1894) ва Даниядаги қишлоқда яшовчи гуноҳига иқрор бўлган қотил ҳақидаги «Тегирмон» (1896) асарларини муаллиф немис адабиётига тааллуқли дея атаган.

1917 йилда Нобель мукофотини тақдим этиш масаласида сиёсий омиллар муҳим ўрин тутган. Гарчи, биринчи жаҳон урушида Швеция бетараф мамлакатлигича қолган бўлса-да, унинг Германия билан яқинлиги турлича баҳолаб келинади. Дания, Норвегия ва Швеция қиролларининг ўзаро учрашуви скандинавия халқларининг бирлигини мустаҳкамлашга қаратилган эди. Швециянинг бетарафлигини яна бир бор намойиш этиш ва Дания билан дўстона алоқаларини тасдиқлаш мақсадида Швеция академияси бир йўла икки нафар даниялик ёзувчига — Гьеллеруп ва Хенрик Понтоппиданга Нобель мукофоти беришга қарор қилди. Гьеллеруп «*серқирра шеърий ижоди ва юксак идеаллари учун*» бундай юксак мартабага лойиқ кўрилган. Уруш муносабати билан мукофотнинг тантанали топшириш тадбири ўтказилмайди. Шуниси эътиборга молиқки, Гьеллерупга Нобель мукофоти берилгани ҳақидаги хабарни данияликлар ҳам катта ҳаяжон билан кутиб олгани йўқ, чунки уларнинг аксарияти адибни немис ёзувчиси, деб ҳисоблар эди.

Карл Адольф Гьеллеруп 1919 йилда Дрезден яқинидаги Клоцше шаҳрида оламдан ўтган.

ХЕНРИК ПОНТОППИДАН

Даниялик романнавис Хенрик Понтоппидан 1857 йилнинг 24 июль куни Ютланд ярим оролидаги Фредерисии шаҳарчасида таваллуд топган. Асли даниялик зиёлилар авлодидан бўлган Динес Понтоппидан ва Мария Оксенбеллар барпо этган оила жуда катта эди. Хенрик оиладаги ўн олти фарзанднинг тўртинчиси бўлиб дунёга келган.

Хенрик олти ёшга тўлганида оила Ютландия марказидаги Рандерс шаҳрига кўчиб келади, бироқ ўтгач, шаҳар Пруссия ва Австрия кўшинлари томонидан босиб олинади.

Понтоппиданлар оиласини бир нарсага зориқиб яшаган дейиш қийин, аммо уларнинг ҳаёт тарзи жуда оддий ва камтарона эди. Бўлажак

ёзувчи лютеранлар черкови билан боғлиқ ҳаёт тарзидан хуноб бўларди, шунингдек, у Дания жамиятидаги ўрта табақа аҳолининг ируссияликлар босқини пайтида ўзларини тобелик кайфиятида тутишидан тутоқиб кетар, уларнинг деҳқонларга бўлган очиқ қаршиликларига чидай олмас, ер-мулки унча катта бўлмаган дворянлар ва пайдо бўлаётган капиталистлар синфига ҳам танқидий кўз билан қарарди.

Понтоппидан ўзига замондош тарзда шаклланиб бораётган Дания демократиясига ўз ҳиссасини қўшиш ниятида муҳандис бўлишга қарор қилади ва ўрта мактабни тамомлагач, Копенгаген политехника институтига ўқишга кириди. У музейлар ва расмлар галереяларига борар ва ўша пайтда пойтахтда энг машҳур ҳисобланган икки нотиқнинг маърузаларига қатнариди. Улардан бири пастор Фримолт бўлиб, маърузаларида жаҳаннамнинг қўрқинчли таърифини келтириб, ўз тингловчиларини ваҳимага солар, иккинчиси, Георг Брандес стук танқидчи ва тарихчи бўлиб, бу олим қизиқувчан Понтоппиданга улкан таъсир кўрсата олган. У вақти келиб ёзувчининг кўзга кўринган асарларидан бири саналмиш «Жаннатмонанд ер» трилогиясидаги бош қаҳрамон Эммануэлнинг прототиپига ҳам айланган.

1877 йилда Хенрик Швейцарияга йўл олади, бир қатор очерклар ёзади. Аини шу йиллари у ёзувчи бўлишга, ижод йўлидан боришга астойдил қарор қилади.

1879 йилда у Политехника институтидан кетади ва Фрерслевадаги деҳқонлар мактабида ўқитувчи бўлиб ишга жойлашади. Бу мактабни унинг акаси Мортен очган эди. *«Ҳаммасидан ҳам кўра, мени камбағалларнинг ҳаёти қизиқтирар ва, айниқса, тенгсизлик, адолатсизликдан қийналар эдим»*, — деб ёзган эди ёзувчи ўз эсдаликларида ўша давр ҳақида хотирлаб.

Мактабда ишлаган йилларида у кўп китоб ўқир, жумладан, Серен Кьеркегор, Харальд Хесфдинг ва Фридрих Ницшеларнинг фалсафий қайдларини, шунингдек, Достоевский романлари, бошқа рус, француз, немис адибларининг асарларини мутолаа қиларди. 1882 йилда Хенрикнинг акаси Мортенни сиёсатга аралашгани учун қамоққа олишади, мактаб ёпиб қўйилади ва, ўз-ўзидан, ёзувчининг муаллимлик фаолияти ҳам тўхтади.

1880 йилнинг ёзида қурувчилар қўшинида ҳарбий хизматда бўлган Хенрикнинг илк асари олам юзини кўради, «За рубежом и дома» журнали унинг «Ҳаётнинг охири» ҳикоясини эълон қилади. Асосан ҳикоялардан таркиб топган «Қайрилган қанотлар» китоби ҳам шу йили нашрдан чиқади.



1881 йилнинг декабрь ойида Понтоппидан ўша қишлоқ мактабида муаллимлик қилган пайтларида танишган деҳқон қизи Метте Мари Хансенга уйланади. Улар икки фарзандли бўлишади. Ёш оила 1884 йилгача қишлоқда ҳаёт кечиради, Понтоппидан бу ердаги турмуш тарзи ҳақида турли ҳикоя, қисса ва очерклар ёзади.

Ёзувчининг Германия ва Италия бўйлаб саёҳатидан кейин оила Копенгагенга кўчиб келади. Бу шаҳарда адиб пойтахтнинг интеллектуал ва маданий ҳаётида фаол иштирок эта бошлайди.

1883 йилда ёзувчи Грундтвиг издошлари ва инжилчилар ўртасидаги диний рақобат ҳақида катта роман ёзиш ҳақида ўйлай бошлайди. Натижада «Жаннатмонанд ер» трилогияси дунёга келади. Асар деҳқонлар ҳаётини аниқ-тиниқ акс эттиргани ва улар руҳиятига чуқур кириб боргани билан алоҳида ўрин тутади.

Романнинг бош қаҳрамони Эммануэль ўқимишли руҳоний, деҳқон қизига уйланган, деҳқончилик қилади, биров билан иши йўқ, ўзи билан ўзи яшайди, худди муаллиф қатори конституциявий ҳукумат ва тенг ҳуқуқлилик тарафдори, бироқ унинг жамиятнинг юқори ва пастки қатламларини ярашгириш борасидаги барча уринишлари зое кетаверади. Оқибатда ҳаёт унинг учун ўз аҳамиятини ҳам йўқотиб боради. Асар нафақат йўқотилган хомхаёллар тарихи, балки у ўтган аср ўрталаридаги Даниядаги диний, сиёсий ва ижтимоий ҳаётнинг ўзига хос панорамаси ҳамдир.

Орадан беш йил ўтгач, Хенрик Понтоппидан биринчи хотини билан никоҳини бекор қилиб Антуанетте Кофудга уйланади.

Адибнинг кейинги йирик асари саккиз томлик «Омадли Пер» романи бўлди. Ундаги бош қаҳрамон Пер «Жаннатмонанд ер»даги Эммануэлдан фарқли ўлароқ, реал фикрловчи, хомхаёллардан йироқ одам. Худди муаллифнинг кечмиши каби у ҳам қишлоқ пастори оиласида ўсади, Копенгагенда ўқийди, Ютландияда Гамбургдаги каби эркин порт қуриш режасини ишлаб чиқади, бой яҳудий молиячининг қизи билан никоҳдан ўтган. У Ютландия каналлари ҳақида китоб ёзади, кўп саёҳатларга чиқади, ўз лойиҳасини кенг тарғиб қилади, аммо деҳқонларга хос табиати ва диний тарбиясидан воз кеча олмай, охир-оқибат лойиҳасини ташлаб, ўз қайлиғидан ҳам воз кечиб, ўзи истаган ҳолатда яшамоқ учун Ютландияга қайтиб келади. Танқидчилар ўн тўққизинчи асрнинг иккинчи ярмидаги Дания жамиятининг муаммоларини очиб ташлагани учун муаллифнинг юксак маҳоратига тан берадилар.

«Марҳумлар салтанати» деб номланган беш томлик роман-хроника адибнинг кейинги энг асосий уч асаридан бири бўлиб, босқичма-босқич 1912 йилдан 1916 йилгача нашр этилган. Илгариги икки романдан фарқли ўлароқ, ушбу асарда бош қаҳрамон йўқ. Унда кўплаб персонажлар иштирок этади ва кенг ижтимоий панорама акс эттирилган. Асар марказида радикал руҳдаги сиёсатчи туради, у қарахликда турган халқни уйғотишга ҳаракат қилади. Мазкур асар биринчи жаҳон уруши

арафасида ва унинг илк йилларида ёзилган бўлиб муаллиф бир жиҳатдан Дания жамиятига тоқат қилолмаслигини кўрсатса, иккинчидан, унинг ватанпарварлиги ҳам бўрғиб кўриниб туради. Асарни яқунлашга шошар экан, ёзувчи шундай дейди: *«Мен ёзувчи эмасман, аммо содиқ аскарман...»*

1917 йилда Карл Гьеллеруп билан биргаликда Хенрик Понтоппиданга ҳам адабиёт соҳасидаги Нобель мукофоти берилган. Унга шундай таъриф берилади: *«Даниянинг замонавий ҳаётини ростгўйлик билан ёритгани учун»*. Уруш туфайли тақдирлаш маросими ўтказилмай қолиб кетади ва ўз-ўзидан адиб ҳам Нобель маърузаси билан чиқиш қилиш имконига эга бўлмайди. Швециялик танқидчи Вен Седерман лауреат ҳақидаги мақоласида Понтоппиданни шак-шубҳасиз, даниялик энг кучли ёзувчилардан бири эканини қайд этади. *«Унинг барча асарлари ёлгон ва мунофиқона хомхаёллар, сохта обрў, романтиклик, чиройли гапларга ишониш, маънавий қўрқоқликка қарши курашдан иборат»*, — дейди Седерман.


Понтоппидан кейинги йигирма йил давомида ёзишдан, ижод қилишдан тўхтамайди. Унинг бу даврда яратган энг эсда қоларли асарларидан бири беш китобдан иборат таржимаи ҳол эпопеяларидир. *«Ўсмирлик йиллари»* (1933), *«Вужуднинг ўзгариши»* (1936), *«Мерос ва бурч»* (1938), *«Оилавий ҳаёт»* (1940), *«Ўзим томонга йўл»* (1943) ушбу бешликни ташкил этади.

Понтоппидан 1943 йилда Копенгагенда вафот этади.

Ушбу адиб гарчи инглиз тилида сўзлашувчи китобхон учун бирон жиддий асар қолдирмаган бўлса ҳам, танқид олами уни даниялик ёзувчилар орасида энг кучлилар қаторига қўшиб келади. Адабиёт тарихчиси Вильгельм Андерсен бир ўринда шундай қайд этган: *«Замонавий Данияни унинг китоблари орқали осон таниб оладилар...»* Оскар Гайсманнинг фикри бошқачароқ, у шундай дейди: *«Ижодкор сифатида унинг маҳорати иккиламчи, Понтоппидан тарихнинг ҳал қилувчи палласида ўз халқи тақдири билан яшади, бўлиб ўтаётган воқеаларни нозиклик билан тушуниб етди ва ўз изтироблари, қайғулари ҳақида тушунарли ва ўтқир дания тилида ёзди...»*

КАРЛ ШПИТТЕЛЕР

Швейцариялик адиб Карл Фридрих Георг Шпиттелер 1845 йилнинг 24 май кuni Базел яқинидаги Листал шаҳарчасида туғилган. Ҳукумат амалдори бўлган отаси Швейцария конфедерацияси газначиси этиб тайинлангач, улар Бернга кўчиб кетишади, Карл эса Базелдаги холасиникида қолади ва шу ердаги гимназияга ўқишга киради. Кейин у Листалга қайтади ва Базелдаги гимназияга қатнаб, университет даражаси учун тайёргарлик кўради.



Шпиттеллер гимназияда ўқир экан, тилшунос Вильгельм Вакернагел ва тарихчи Якоб Буркхардлар таъсирида унинг қалбида шеърятга қизиқиш пайдо бўлади. Айниқса, ёш Карл Италия тикланиш даври шоири Лудовико Ариосто асарларини берилиб мутолаа қиларди. Тез орада Шпиттеллернинг ўзи ҳам шеърлар ёза бошлайди.

1863 йилда Цюрих университетининг ҳуқуқшунослик факультетига ўқишга кирган Карл Цюрих, Гайдельберг ва Базелда диншунослик фанини чуқур ўрганган. У руҳоний бўлмоқчи эди, ammo кейин адабиёт билан шугулланиш имконияти бўлиши учун Граубюнден ўлкасида Ароз пастори бўлиш таклифини рад

этади. 1871 йилда рус генерали хонадонда ўқитувчилик қила бошлаган Карл саккиз йил мобайнида Петербургда яшайди. Финляндияга ондан сонда бориб бу йилларда ўзининг ҳали талабалик йиллариданоқ кўнглига тугиб юрган орзуси – «Прометей ва Эпиметей» дostonини яратади.

Ритмлаштирилган насрий йўлда ёзилган ушбу асар ўзида замоннинг зиддият ва қарама-қаршиликларига мажозий тенглаштирилган қочирим ва кинояларни намоён этган.

1879 йилда Карл Швейцарияга қайтиб келади. У мазкур дostonни Карл Феликс Тандем тахаллуси билан чоп эттиради. Бироқ, бу китобнинг чиқиши эътиборга тушмайди ва бунинг натижасида Шпиттеллер ўзининг адабиётдан нон топишига бўлган ишончини йўқотади. У 1881 йилда Берн ўлкасида жойлашган Нойвевилда ўқитувчи сифатида иш бошлайди, икки йил ўтиб ўзининг шогирди бўлмиш Мари дер Хоффга уйланади. Улар никоҳдан ўтишганида ёзувчи Базел ва Цюрихдаги газеталарда журналист сифатида фаолият юритарди. У 1883 йилда «Ғайритабиийлик ҳақида»ги оқ шеър услубидаги дostonини, 1889 йилда «Капалаклар» шеърый тўпламини, 1891 йилда «Колдери сулоласининг вакили бўлган кичик Фрейд» насрий асарини, 1892 йилда ҳажвий шеърлари тўплами «Адабий ҳикоялар» китобларини чиқаради.

1892 йилда ёзувчининг хотини ота-онасидан катта меросга эга бўлади ва энди Карл ўзини бутунлай ижодга багишлашга қарор қилади. Оиласи билан Люцернда яшаган чоғларида адибнинг «Балладалар», «Сен-Готард» дараси», «Лейтенант Конрад», «Қизиқарли воқеалар» китоблари чиққан.

Шпиттеллер идеалист ва классицист* сифатида ўша пайтда китобхонлар орасида катта шуҳрат қозона олмаслигини тушунарди, албатта. Ammo, барибир, унинг асарлари «Бернер бунд» нашрининг адабий

*Классицизм – лотинча «намунали» деган маънони англатади, XVII–XIX асрларда Европа маданиятида бадиий услуб ва эстетик йўналиш.

муҳаррири Йозеф Виктор Видманн, шунингдек, немис файласуфи Фридрих Ницшелар назарига тушади. Ницше Карлни ҳатто 1887 йилда Мюнхенда чиқадиган «Кунстварт», яъни «Адабий асарлар шарҳи» журнаliga муҳаррирлик лавозимига тавсия ҳам қилган.

Шпиттеллернинг энг нодир асари — «Олимпия баҳори» достони 1900 йилдан 1905 йилгача бўлиб-бўлиб эълон қилинган бўлса, тўла ҳолида 1910 йилда нашрдан чиқади. Ямбли мусаддасида яратилган ушбу дoston беш китобни ташкил этиб, жами олти юз бетдан иборатдир. 1904 йилда машҳур дирижёр Феликс Вейнгартнер асар ҳақида мақтовли мақола эълон қилгач, уни немис адабиётининг ноёб намунаси сифатида эътироф этадилар.

Шпиттеллер танҳоликда яшар, жамиятдаги сиёсий ва диний масалаларга ҳеч қандай муносабат билдирмасди. Шунга қарамай, 1914 йилда ёзувчи Швейцариянинг дахлсизлигини ёқлаб чиқиш қилади ва немис тилида сўзлашувчи Швейцарияни Германиянинг «ирқий иттифоқдоши» деб аташларини қоралайди.

1920 йилда Карл Шпиттеллер «*Бетакрор «Олимпия баҳори» поэмаси учун*» 1919 йилги адабиёт йўналишидаги Нобель мукофоти билан тақдирланади.

Швеция академияси аъзоси Харальд Йерне Шпиттеллер мифологиясини «*эркин истак билдириш билан мажбурий фикр билдириш ўртасидаги курашда ноёб баён этиш шакли сифатида инсон изтироблари, умидлари ва умидсизликларининг идеал тасаввуроти даражасида намоён бўлади...*» дея таърифлайди. Шпиттеллер касаллиги сабаб мукофотни тантанали топшириш маросимида иштирок эта олмайди ва унинг ўрнига мукофотни Швейцариянинг Швециядаги элчиси қабул қилиб олади. Орадан тўрт йил ўтгач, яъни 1924 йил декабрь ойида ёзувчининг юраги уришдан тўхтади.

Люцернда, уни дафн этиш маросимида Ромен Роллан томонидан ёзилган таъзиянома адибнинг юсак адабий нуфузидан далолат бериб турар эди. Роллан Шпиттеллерни «*Гёте давридан кейин немис тилида ижод қилган буюк шоир, бизнинг Гомеримиз, Мильтондан сўнг эпик жанрнинг ягона устаси, давримиз маданиятида алоҳида ўрин тутувчи шахс*» дея кўкларга кўтарган эди. Бироқ кейинги вақтларда негадир Шпиттеллер асарлари китобхон ва адабий жамоатчилик эътиборидан қолиб кетди...

КНУТ ГАМСУН

Кнут Гамсун 1859 йил 4 август куни Марказий Норвегиянинг қишлоқ хўжалигига ихтисослашган Гудбрансдален водийсидаги Лома кўрғонида таваллуд топган. Унинг асл фамилияси Педерсон бўлган. Педер Педерсон ва Тора Олдсдаттерлар Кнут уч ёшга етгунига қадар Гармутретдаги кичкина қишлоқда яшашган. 1862 йилда онаси томонидан қариндош бўлган Ханс Олсенга тегишли фермани ижарага



олиб, Нурландаги Хамара шаҳарчасига кўчиб ўтишган. Шу тариқа ёш Гамсун кейинги олти йиллик болалигини осойишта ҳаётда ўтказди: мол боқди, Норвегия кўрфазлари ва қорли тоғ чўққилари бағрида ўйнаб-кулиб яшайди...

Аммо тез орада оила Олсеннинг қарз тузоғига тушиб қолади ва тўққиз яшар Кнут жаҳлдор тоғасининг қўлида ишлашга мажбур бўлади, у болани кўп калтаклар ва ейишга овқат бермай қийнади. Бундай қийноқларга чидай олмагач, болакай 1873 йилда Лом шаҳрига қочиб кетишга мажбур

бўлади ва орадан бир йил ўтиб, Хамарадаги дўконда ишлай бошлайди, кейин эса Буда шаҳридаги этикдўзга шогирдликка тушади. Айнан мана шу ерда унинг биринчи асари — «Жумбоқли киши» қиссаси пайдо бўлган. Асар нашр этилганда Гамсун 18 ёшда эди.

Кейинги йили Кнут Вестероландаги мактабга ўқитувчи сифатида ишга жойлашади, бироздан сўнг эса суд шерифининг ёрдамчисига айланади. Шериф кутубхонасида бўлажак ёзувчи Бьёрнстьерне Бьёрнсон, Генрик Ибсен ва скандинавиялик бошқа ёзувчиларнинг асарларини кашф этиш имконига эга бўлади. Шу даврда адибнинг «Бергер» романи пайдо бўлади, унда муаллиф Бергер исмли кишининг оғир ўтмиши ҳақида ҳикоя қилади.

Кнут 1878 йилда бир савдогарнинг маблағи ҳисобидан Христианиога, яъни ҳозирги Ослога йўл олади, бироқ ижоддан келадиган маблағлар эвазига ўзини боқа олмай жамгармаларини ҳам сарфлаб, қашшоқликда кун кечиришга мажбур бўлгач, Шарқий Норвегияда йўл ишчиси бўлиб ишга жойлашади. 1882 йилда норвегиялик бир гуруҳ муҳожирларнинг тавсияси билан АҚШга борган Кнутнинг бу улкан мамлакаддаги танишбилишлари етарли қувватга эга эмаслиги боис, дастлаб Висконсин штатида батраклик қилади, кейин Миннесотадаги норвег воизнинг котиби бўлиб ишлайди. Шу ерда Кнут жиддий касалликка чалинади, шифокорлар унга сил хасталиги ташҳисини қўйишади ва оқибатда бўлажак ёзувчи ватанига қайтишга мажбур бўлади.

Гамсун Ослога қайтиб келганида касалликнинг барча аломатлари ўтиб кетган, аслида у бронхитга чалинганлиги маълум бўлади. Бир муддат Вальдеосда яшаб, Марк Твен ҳақидаги ишини ёзди ва Кнут Гамсунд тахаллуси билан эълон қилади. Имловий хато туфайли сўнгги — «д» ҳарфи тушиб қолган. Ослода у ёзувчи сифатида ўз ўрнини топа олмагач, яна зўр-базўр кун кечиришга мажбур бўлади. 1886 йилда Гамсун яна АҚШга боради. Чикагода дастлаб трамвайда чипта сотувчилик қилади, ёзга келиб эса Жанубий Дакотия бугдойзорларида ишлайди.

Ўзининг ижодий ишларидан кўнгли тўлмай Европага қайтиб келган адиб бошлаб қўйган қиссасининг қўлёзмасини ўша пайтда ноширлик ишининг маркази бўлган Копенгагенда нуфузли даниялик адабий танқидчи Георг Брандеснинг укаси Эдвардга кўрсатади. Ҳар икки Брандеслар Гамсуннинг ҳолдан тойган аҳволдан ва у олиб келган қўлёзмадан бирдек таъсирланишади. Кнутнинг асари шу йилнинг адоғига келиб Данияда чиқалиган адабий журналлардан бирида, 1890 йилда эса тўлалигича «Очлик» номи билан босмадан чиққан.

Қисса зудлик билан акс-садо беради ва Гамсун жиддий ёзувчи сифатида эътироф қозонади. Мазкур асарда ёзувчи ўша пайтда скандинавия адабиётида расм бўлган фош этувчи реализм анъаналарига риоя қилмайди ва адабиётнинг вазифаси инсонларнинг яшаш шароитларини яхшилашга хизмат қилишдир, деган шу даврда ҳукмрон бўлган ғояни инкор этади. Қиссада аниқ мундарижа йўқ, қишлоқдан келиб Ослода яшайдиган қаҳрамон ёзувчи бўлишни орзу қилади. Ўзининг даҳолигига мутлақо ишончи комил бўлган йигит нафсониятидан кечидан кўра қашшоқликда кун кўришни афзал билади. «*Бу Достоевский қаҳрамонларига хос образ, —* дея хулоса қилади Альрик Густафсон, — *ҳам руҳан, ҳам жисман бемор бўлган бу шахс очлик азобини бошидан ўтказиб, ички ҳаётини батамом галлюцинацияга айлантиради*».

Адибнинг таржимонларидан бири бўлган америкалик шоир Роберт Блай «*Гамсун прозаси жонлилиги ва ўткирлиги билан барчани ҳайратга солади*», деб ёзган эди. Китоб лўнда ва ихчам ибораларга бой эди.

Адиб ўзининг навбатдаги «Мистерия» романида денгиз бўйидаги қишлоқчада пайдо бўлган бир лўттибознинг бу ердаги одамларни ғалати қилиқлари билан ҳайратга солиши ҳақида ҳикоя қилади. 1894 йилда чиққан «Пап» романи Нурлан яқинидаги провинциал шаҳарчада замонавий яшашдан воз кечиб балиқчи ва овчилар ҳаёти билан кун кўришни маъқул топган Томас Гланнинг хотиралари шаклида яратилган. Табиатни ниҳоятда кўтаринкилик билан тасвирлар экан, муаллиф ва унинг қаҳрамони ҳаёлан ва руҳан ўзларини Нурланда деб ҳисоблашади. Гланнинг маҳаллий савдогарнинг эркатой ва бировнинг истагини ҳисобга олмай ўрганган қизига бўлган оташин эҳтироси унинг қалбида ҳиссий хаос пайдо қилади ва бу, охир-оқибатда, қаҳрамоннинг ўзига суиқасд қилишига олиб келади.

Гамсун романнавис сифатида эътироф қозонгани ҳолда кўпгина шеърый асарлар, драмаларнинг ҳам муаллифи эди. 1895 йилдан 1898 йилгача бўлган даврда унинг файласуф кишининг тақдири ҳақидаги драматик трилогияси пайдо бўлади. Мазкур «учлик»ка «Подшоҳ дарвозаси олдида», «Ҳаёт драмаси» ҳамда «Кечки шафақ» пьесалари кирган. Танқидчиларнинг яқдил хулосаларига кўра, Гамсун ўз саҳна асарларида қаҳрамонлар характерини романларидаги каби чуқур тасвирлай билмаган. Аксарият шеърый асарларини ҳали босмага берил-

масидан йўқ қилиб ташлаган Гамсуннинг «Ёввойи хор» шетрий тўплами танқидчилар томонидан унинг насрдаги асарларидан қолишмайдиган даражада деган эътирофига эришган.

Гамсуннинг 1911 йилда фермага кўчиб кетиши унинг жамиятдан узоқлашиши ва, айниқса, биринчи жаҳон уруши билан боғлиқ воқеалар, саноатлаштиришни қабул қила олмаслиги билан изоҳланади. «Замин шарбатлари» романи ҳам айти шу кайфият билан суғорилган. Асарда норвегиялик икки деҳқон — Исак ва Ингернинг асрлар оша ер билан боғлиқлиги ва патриархал анъаналарга садоқати катта меҳр билан баён этилади.

Швеция академияси айнан «*Замин шарбатлари*»дек монументал асари учун» Кнут Гамсунни адабиёт соҳасидаги Нобель мукофоти билан тақдирлашга қарор қилади. Харальд Йерне ўзининг табрик сўзида «*кимки адабиётда инсон қаерда бўлмасин ва қаерда меҳнат қилмасин, ҳар қандай одам қандай яшаши ҳақидаги ҳаққоний ҳикояни излар экан, уни «Замин шарбатлари»дан топади...*» деган эди. Олим романни ҳатто Гесиоднинг дидактик дostonларига тенглаштирди.

Мукофотга сазовор бўлганидан бир йил ўтиб, Гамсун Жанубий Норвегиянинг Нерхольм шаҳридан ҳовли сотиб олади. Бу ерда у ҳам адабиёт, ҳам деҳқончилик билан шугулланади. 1920 йилда унинг «Кудук олдидаги аёл» романи олам юзини кўради. Асар замонавий ҳаётнинг ёлғон-яшиқ қадриятлари билан зарарланган денгиз бўйидаги кичик қишлоқнинг ҳаётидаги сўниб бориш жараёнини акс эттирган. Кейинги «Сўнги боб» романи қишлоқ санаторийси ҳақидаги ғамгин асардир.

Китобларига нисбатан салбий муносабатлар билан боғлиқ депрессияни бошидан ўтказар экан, адиб руҳий касалхонада даволаниб чиқади ва «Дайдилар», «Август» ҳамда «Ҳаёт эса лавом этади» асарларидан иборат трилогияни китобхонлар ҳукмига ҳавола қилади. Ушбу полотнодаги асосий қаҳрамон Август исмли кишидир. Гарчи бу асарларда Гамсун ижтимоий хўрлик мавзусига мурожаат қилган бўлса-да, Августнинг заифлиги тузатиб бўлмас даражада эди. Гамсуннинг сўнги романи «Тугаётган умр»да инсон ҳаётининг мантиқсизлиги, орзуларининг ушалмаслиги ҳақида фикр юритилади.

Ёзувчи кексайгани сайин реакцион характерга эга бўлиб боради, ҳатто 1934 йилда очикдан-очик нацистларни кўллаб-қувватлайди ҳам. Гарчи расман нацистлар партиясига аъзо бўлиб кирмаса-да, Норвегия немислар қамалидалиги даврида уларнинг гоёларини ёқлаб мақолалар ёзади. 1943 йилда эса Германияда Геббелс ва Гитлер билан учрашади. Минглаб китобхонлар бундан норози бўлиб, унинг асарларини ўзига қайтариб беришади. Уруш тугагач, уни хотини билан қамоққа олишади. 1945 йилнинг кузида ёзувчини руҳий касалхонага ётқизишади, орадан тўрт ой ўтгач, қариялар уйига юборишади. 1947 йилда у душман билан тил топишишда айбланади, суд уни ўша пайтдаги курс бўйича 80 минг доллар атрофида жаримага тартади. Гамсун 1949 йилда навбатдаги «Ўт босган

сўқмоқлар» асарини эълон қилар экан, унда айна ўша суд маҳкамаси жараёнини қаламга олади. Роберт Блайнинг таърифига кўра, китоб ёзувчининг «жонли, ихчам ва ёрқин» асар яратганидан далолат берса-да, бу шак-шубҳасиз, адибнинг уруш вақтидаги ишларини оқлай олмайди.

Шахсий ҳаёти ҳақида гап кетар экан, Кнутнинг 1898 йилда Берглют Бех билан никоҳини таъкидлаш лозим. Уларнинг бир қизи бўлган. 1906 йилда оила бузилади ва ёзувчи актриса Мария Андерсенга уйланган. Ўртадаги сергалва кунларни ҳисобга олмаганда, улар адиб умрининг охиригача бирга яшашади. Кнут Гамсун 1952 йилнинг 19 февраль куни ҳаётдан кўз юмади.

Аксарият танқидчилар Гамсунни субъективлиги, узук-юлуқ иборалари, лирикаси, ҳаракатлар кетма-кетлигини бузиши каби ўзига хосликлари билан замонавий насрнинг асосчиларидан бири сифатида тан олади. «*Бугунги кунда Ибсен ва Унсетларни ҳисобга олмаганда, Гамсун жаҳон адабиёти классиги бўлган ягона норвег адибидир*», дея баҳо беради Харальд Нэсс.

АНАТОЛЬ ФРАНС

Франциялик ёзувчи ва адабий танқидчи Анатоль Франс 1844 йилнинг 16 апрель куни Парижда дунёга келган. Отаси Ноэль ҳамда онаси Антуанетти Тиболар ёш болакай қалбида ҳали мургаклигиданоқ китобга ва адабиётга меҳр уйғотишга ҳаракат қилардилар. Дарвоқе, Анатоль оилада ёлғиз фарзанд бўлган. У кейинчалик Сена дарёси бўйида ўтказган болалигини эслаб узунлиги уч кварталдан ҳам узоқ бўлган кутубхона ичида ўсганини ва, албатта, отасининг ёнига келадиган кўплаб китобфурушлар, адабиётга бегона бўлмаган одамлар суҳбатидан баҳраманд бўлганини хотирлайди.

Болакай Станислав коллежига ўқишга кирар экан, у ушбу иезуитлар мактабида грек ва римлик ёзувчиларнинг асарларини берилиб ўқир, аммо мактабга нисбатан қизиқиши йўқ эди. У ўзи севган фанлар борасида яхши ўқувчи эди, фақат аълога ўқирди, онаси унга ёзувчи бўлишни маслаҳат берарди.

1866 йилда ўзининг отаси ишдан бўшайди, Анатоль рўзғор ташвишлари ва ўзининг яшаши учун пул топиш илинжида журналлардан бирига ишга кирази. У Альфонс Реммер босмахонасида библиограф бўлиб фаолият бошлар экан, унда ўша пайтда ҳали эндигина ташкил этилган



«Парнас» номи билан фаолият юритувчи адабий ижодий гуруҳ билан танишиш имконияти пайдо бўлади. Шоир Альфреда де Винни ижодига бағишлаб ёзган илк очерки, яъни биринчи асари эълон қилинган, Анатолий мазкур гуруҳдаги марказий шахслардан бирига айланади.

Франция ва Пруссия уруши даврида армияда хизмат қилган Анатолий урушдан сўнг ижодга қайтади ва таҳририятда муҳаррирлик ишларини бажариб юради.

1875 йилда унда ўзини журналист сифатида намоён қилиш учун жуда катта имконият пайдо бўлади. Унга Парижда чиқадиган «Темпе» газетаси ўша давр француз адабиёти ҳақида танқидий ва таҳлилий мақолалар ёзиб бериш бўйича буюртма беради. Орада: бир йил ўтиб, энди Анатолий Франс ушбу нуфузли нашрнинг энг ёқимли адабий танқидчисига айланади. У мазкур нашрда «Адабий ҳаёт» номи остида доимий рух ташкил қилади. Ушбу рух остида эълон қилинган мақолалар 1889 – 1892 йиллар оралигида «Адабий ҳаёт» номи билан тўрт томлик йирик китоблар шаклида босмадан чиқарилади. Франс ушбу китобларга ёзган сўзбошисида адабий танқидчиликдаги субъективликка ўз муносабатини билдириб, жумладан шундай дейди: *«Яхши танқидчи нафақат ўқиган нарсаларини таҳлил қилади, балки у ўз қалбининг саргузаштларини ҳам баён этади».*

1876 йилда Анатолий Франс Сенат кутубхонаси директорининг ўринбосари этиб тайинланади ва ўн тўрт йил давомида ана шу лавозимда ишлайди. Бу эса унинг адабиёт билан шуғулланиши ва маблағ топиши учун имкон яратади. 1877 йилда у Валери Герен де Совиль исмли қизга уйланади.

Бу йиллар давомида Франс секин-аста «Парнас»дан узоқлашиб боради ва кейинчалик унинг иккита асарини нашр этган Кальман Леви билан дўст тутинади. Бу китобларининг бири унинг ҳалигача энг кўп ўқиладиган романи «Сильвестр Боннарнинг жинояти» эди.

Адиб айна ушбу романи қозонган улкан шуҳрат ва, албатта, «Адабий ҳаёт» рукнидаги кўплаб мақолалари сабаб Парижнинг энг юқори табақадаги муҳитига кириб боради. Жумладан, 1883 йилда унинг Париждаги энг машҳур адабий, сиёсий ва бадий салонлар эгаси бўлмиш Леонтина Арман де Канаве билан танишуви алоҳида ўрин тутди. Орадан беш йилга яқин вақт ўтиб Анатолий Леонтинани ёқтириб қолади ва кейинчалик у биринчи хотинидан ажрашган, то 1910 йилгача, яъни Леонтинанинг вафотигача у билан норасмий никоҳда яшаган. Леонтина маиший ҳаётда мутлоқ ночор бўлган Франсга аристократларга хос яшаш, уларга хос одатларни ўрганиш ва муносабат юритишда, қолаверса адабий юксалишда жуда катта ёрдам беради.

Франснинг бу даврда яратилган эътиборга молик асарларидан яна бири сифатида христиан мутаассиби, тарки дунёчи Пафнутий ҳақидаги

«Таис»* романини келтириш мумкин. «Темпе» газетасида олиб борган «Адабий ҳаёт» рукнидаги мақолаларини бир-бир варақлар экан, Анатолий Франс Куенъяр образидан замонавий француз адабиётида ижтимоий танқидчи сифатида фойдаланишга қарор қилади. Бу ғоясини у «Жаноб Жером Куенъярнинг мулоҳазалари» романида амалга оширади. Адибнинг 1894 йилда эълон қилган «Қизил лилия» романи унинг Леонтина де Канавега бўлган муҳаббати, уларнинг Италияга қилган илк сафари илҳомларидан яралган асардир.

1896 йилда Франс Франция академиясига аъзо этиб сайлайдилар. Бу йилларда у даврнинг ижтимоий ва сиёсий муаммолари билан чуқур қизиқа бошлайди ва 1897 йилда адиб ўзагида яна бир эътиборга молик қаҳрамони, қишлоқ ўқитувчиси жаноб Бержере образи турадиган «Замона тарихи» тетралогиясига қўл уради.

Дарҳақиқат, адабий жамоатчилик томонидан унинг ҳамма асарлари ҳам илиқ кутиб олинган эмас. Дўсти, тарихчи Эрнест Ренаннинг тавсияси билан ёзилган икки томлик «Жанна д'Аркнинг ҳаёти» тарихий асари шулар жумласидандир. Католиклар Жаннанинг ҳаддан ортиқ фирибгар сифатида кўрсатилишига қарши чиқишган бўлишса, адабий танқидчилар асар воқеаларини ҳақиқатдан йироқ, деб топишади. Франс ўзининг 1912 йилда эълон қилган «Худолар истамоқда» китобида отасининг дўконидан мутолаа қилган китоблардан олган билимларига суяниб Франция инқилоби тарихини ёритади.

1921 йилда *«Нафис услуб билан ажралиб турадиган, ўзида инсон-парварлик ғояларини сингдирган ва самимий галл қабилаларига хос жўшқинлик акс этиб турувчи ёрқин адабий ютуқлари учун»* Анатолий Франс адабиёт соҳасидаги Нобель мукофоти билан тақдирланади. *«Бизнинг давримизда Анатолий Франс француз адабиётининг энг обрўли ва мўтабар вакилидир, — деди Швеция академияси аъзоси Эрик Карлфельд табрик сўзида. — У сўнги улуг классик ҳисобланади. Уни ҳатто энг сўнги европалик ҳам деб аташади»*. Ўзининг жавоб нутқида Франс ҳар қандай урушларни қоралаб, пацифизмни қўллаб гапирди.


Франс 1924 йилнинг 13 октябрь куни, Тур шаҳрида вафот этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, вафотидан сўнг Анатолий Франснинг машҳурлиги тезда сўниб боради. Бунга асосий сабаблардан бири Франциядаги урушдан кейинги авлод вакиллари ўз вақтида Франс «маънавий анемия» дея таърифлаб қоралаб келган романнавис Арнольд Беннет нуқтаи назарини маъқул топа бошлайди. Шу боис Франс ижоди билан олимлар, матншунослар ва адабиётшуносларгина шугулландилар. Мисол учун, олимлардан Уэйн Бут Франс асарларида киноя мавзусини очиб берган бўлса, Мюррей Сакс ёзувчининг француз ҳикоячилигидаги ўрнини ўрғанади. Пол Валерининг фикрига кўра, ёзувчи *«француз тилида*

*Таис — афиналик сатанг хотинга берилган ном.

буюк маданий мерос ва анъаналарни давом эттира оладиган ноёб асарлар яратиш мумкинлигини яққол намоён этган». Яна бир адабиётшунос Дюшан Брески Жозеф Конрад бир вақтлар «Наср шаҳзодаси» деб атаган Франс асарлари ҳақида мунозара қилар экан, шундай хулосага келади: «Танқидий услубнинг ёқимсиз томонларига қарамай, Анатолий Франс ҳар доим давримизнинг улғу сатириги сифатида Бернард Шоу ва буюк ўтқир сўз усталаридан бири сифатида Рабле, Мольер, Вольтерлар қаторида туради».

ХАСИНТО БЕНАВЕНТЕ-И-МАРТИНЕС



Испаниялик драматург Хасинто Бенавенте-и-Мартинес 1866 йил 12 август куни Мадридда таваллуд топган. Хасинто жуда ёшлигидан театрга борар, ўз яқинларига болаларбоп пьесаларни саҳналаштирар ҳам эди. 1882 йилда у Мадрид университетининг ҳуқуқ факультетига ўқишга киради. Хасинто отасининг вафотидан сўнг университетни ташлаб ўзини бутунлай адабиётга бағишлайди. У бир неча йиллар давомида задогонларча турмуш кечиради, кейин эса актёр бўлиб ишга киради.

Унинг илк китоби «Фантастика театри» деб номланиб, қисқа драматик диалоглардан ташкил топган эди. Бир йилдан сўнг шеърый тўпламини чоп эттирган ижодкор бир йўла аёллар психологияси талқинига бағишланган «Аёллардан мактублар» романини ҳам эълон қилади. «Бегона уй» деб номланган илк пьесаси муваффақият қозонмаган бўлса-да, навбатдаги «Машҳур кишилар» драмаси унга яхшигина омад олиб келди, дейиш мумкин.

Тез орада Бенавенте-и-Мартинес «1898 йиллар авлоди» гуруҳининг етакчиларидан бирига айланади. Бу гуруҳга кирган испан ёзувчилари Испания-Америка урушидаги мағлубиятдан сўнг мамлакат нуфузини тиклашни мақсад қилган эди. 1899 йилдан драматург ушбу ҳаракатнинг асосий суянчи бўлган «Адабий ҳаёт» журнаliga муҳаррирлик қила бошлайди.

Хасинто илк пьесаларида атайлаб испан драматургияси анъаналарини, ўзидан олдинги авлодга мансуб ижодкор Хосе Эчегарай мелодрамаларини инкор этади. У романтик декламацияга киноя ва ҳажвияни қарши қўяди. Бенавенте-и-Мартинеснинг пьесаларида фитна асосий ўрин тутмайди, унинг ижодий услуби асосида топқирлик, нозик ижтимоий ишоралар ва характерлар руҳияти туради.

«Губернатор» (1901) асарида муаллиф провинциал шаҳарчадаги коррупцияга нисбатан муносабатини акс эттирган бўлса, «Малика Беби» (1906) да сатира йўли билан демократик гоёларни оқсуякларча қарашларга қарама-қарши қўйган.

Бенавенте-и-Мартинес ижодкор сифатида ниҳоятда серқирра эди. У турли жанрларда қалам тебратган: комедиялар, деҳқонлар ҳаётига оид драмалар, трагедиялар, оперетгалар учун либреттолар, болалар учун пьесалар, эртаклар, шарқ театри услубидаги драматик саҳна кўринишлари ва ҳоказо.

1907 йилда у италянча ниқоблар комедияси услубида ўзининг ўттиз учинчи пьесасини ёзиб тугатади. «Манфаатлар ўйини» деб номланган ушбу асарда айёр хизматчи Криспин ўз хўжайинини бадавлат кишининг қизи билан унашпиришга ҳаракат қилар экан, бу ўринда ўзига хос режиссёр ролини ҳам бажаради ва табиийки, асардаги бошқа барча қаҳрамонлар — мағрур ва худбин кўғирчоқлар унга бўйсуннади. Дарвоқе, драматургининг ўзи ҳам саҳнада бир неча бор Криспин ролини ижро қилган.

1908 йилдан 1912 йилгача Бенавенте-и-Мартинес Мадриддаги «Адолат» нашрига ҳафталик рукни тайёрлаб боргани сабаб бўлса керак, бошқа даврларга нисбатан камроқ асарлар яратган.

Хасингонинг «Эҳтиросга чидамли қиз» (1913) пьесаси АҚШда шуҳрат қозонган ягона асари бўлиб, уни Нью-Йорк ва провинциялардаги театрлар икки йил давомида мунтазам қўйишган.

1920 йилда Бенавенте-и-Мартинес Испаниянинг давлат театри бўлган «Эспаньоль»га бош режиссёр этиб тайинланади. Ўша йили мамлакат парламенти сайловида ўз номзодини қўйган драматург мағлубиятга учрайди.

Йигирманчи йиллар бошида унинг ижодий фаоллиги сусайиб, танқидчилар ҳам унга нисбатан эҳтиёткорлик билан муносабат билдира бошлашади, қарийб тўрт йил давомида у биронта ҳам асар яратмайди.

Ажабланидиган жиҳати, айнан мана шу йилларда, яъни 1922 йилда Бенавенте-и-Мартинесга «*Испан драмасининг шонли анъаналарини юксак маҳорат билан давом эттиргани учун*» адабиёт соҳасидаги Нобель мукофоти берилди. Швеция академияси аъзоси Пер Хальстрем табрик сўзида: «*Бенавенте-и-Мартинес оламга ниҳоятда ўткир ва мушоҳадали нигоҳ билан қарайди, нигоҳига тушганини эса зийрак ақли билан ўлчаб ва тортиб кўради...*» — дейди. «*Унинг бош мақсади, — дея давом этади Хальстрем, — ҳаётнинг бойлиги ва мукамаллигини акс эттириш, характерлар ўйини ва ақллар курашини энг юқори ҳаққонийлик билан кўрсатиб беришидир...*»

Мукофотни топширишга бағишланган расмий тадбирда Бенавенте-и-Мартинес иштирок этмагани сабабли уни Испаниянинг Швециядаги элчиси қабул қилиб олади. Драматург Испаниянинг ниҳоятда нуфузли адабиёт мукофоти бўлмиш Доно Альфонс катта нишони билан тақдирланиб, Мадриднинг фахрий фуқароси деб эълон қилинганидан сўнг яна ижодга қайтади.

«Муҳаббатимиз сабоқлари» деб номланган янги пьесаси ўша йилиёқ муваффақият қозонади. Кейинги йилларда адибнинг ижодий фаоллиги ортиб боради. Ҳаммаси бўлиб драматург 170 дан ортиқ саҳна асарининг муаллифи эди. Бенавенте-и-Мартинес Нобель мукофоти соҳиби

бўлганидан кейинги даврда яратган пьесалари унинг илгариги асарларига нисбатан анча бўш чиққан, дейишади адабиётшунослар.

1944 йилда драматургнинг илк пьесаси саҳнага олиб чиқилганига эллик йил тўлиши муносабати билан адиб Испаниянинг турли бурчакларидан табрикномалар олади. Унинг машҳур асарлари мамлакат театрларида қайтадан саҳналаштирилади. Орадан тўрт йил ўтгач, драматург Испания матбуотида босилган энг яхши газета мақоласи учун Мариано Кавиа мукофоти билан тақдирланади.

Бенавенте-и-Мартинес уйланмаган. Умрининг охиригача театр учун пьесалар ёзади. У 1954 йилда Мадридда юрак хуружидан вафот этган.

Бенавенте-и-Мартинес ижодий истеъдоди барқ урган йилларда нафақат Испания, балки бутун Европа, ҳатто АҚШда катта шуҳрат қозongan эди. 1920 йилда англиялик ёзувчи Сторм Жеймсон уни «улуғ испан драматурглари» билан тенглаштириб: *«Унинг драмалари фақат уларгагина хос бўлган фантазия, шоирона латофат, техник мукамаллик ва ақлий етукликка эга эди»*, — дейди.

Инглиз адабиётшуносо олими Лесли Уоррен 1929 йилда эълон қилинган китобида Бенавенте-и-Мартинесни *«Испаниянинг етакчи драматурги»*, — дея атайди.

1947 йилда бошқа бир америкалик танқидчи Горацио Смит *«...унинг асарлари муаллифни замонамизнинг энг кучли сатирикларидан бири, дейишимизга тўла асос беради»*, — дея эътироф этади.

Бенавенте-и-Мартинес вафотидан кейин танқидчиларнинг унга нисбатан муносабатларида ҳам ўзгаришлар пайдо бўлган. Жумладан, америкалик танқидчи Роберто Г. Санчес 1955 йилда шундай ёзган эди: *«Унинг пьесалари изчил таҳлилга бардош бера олмайди. Шу билан бирга Бенавенте-и-Мартинес кўпгина интеллектуалларнинг бошини айлантириш учун етарли даражада ақлий бўлган»*. Испаниялик танқидчи Альфредо Маркери *«Бенавенте-и-Мартинес театрини гоё ва фалсафий кузатувларга эга эмас»*ликда айбласа-да, айни пайтда *«унинг Оскар Уайлд ва Бернард Шоулар билан энг аввало, киноялар, сўз ўйинлари бобида ёндош»* эканини қайд этади.

УИЛЬЯМ БАТЛЕР ЙЕЙТС

Ирландиялик шоир ва драматург Уильям Батлер Йейтс 1865 йил 13 июнь куни Дублинда таваллуд топган. У оиладаги тўрт фарзанднинг тўнгичи эди. Отаси Жон Батлер Йейтс руҳонийнинг ўғли, онаси Сюзан Поллексфен эса пулдор савдогарнинг қизи бўлишган.

Йейтс Лондоннинг Хаммерсмит туманида бошлангич маълумот олади. Улкан шаҳарга ўргана олмаган бўлажак шоир таътил кунларини Слайго шаҳрида ўтказарди. 1880 йилда оила Ирландияга қайтиб келади ва Уильям ўрта маълумотни Дублиндаги мактабда олади, у рассомликка қизиқиб қолганидан санъат мактабида ҳам таҳсил олади.

Уильям илк шеърларини «Дублин юни-версити ревью» нашрида эълон қилади ва шу йилдан бошлаб Дублин алхимиклари жамиятига аъзо бўлиб киради.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, шоир оккультизм, яъни дуохонлик, азайимхонлик каби турли хурофотларга ишонтиришга ҳаракат қиладиган мистик таълимотларга бир умр қизиқиб яшаган. 1889 йилда унинг илк китоби «Оссианнинг жаҳонгашталиги ва бошқа шеърлар» босмадан чиқади. Тўпламдан асосий ўрин эгаллаган «Оссианнинг жаҳонгашталиги» дostonи ирланд халқининг афсоналарини эсга солади.



Йейтс аввал бошданок санъат билан табиат ўртасида қарама-қаршилиқ бўлмаслигига асосланган фалсафий ва эстетик тизим ишлаб чиқишга ҳаракат қилади. Шоир Уильям Блейк, Фридрих Ницше ва Эмануэль Сведенборглар таъсирида Ирландияда тафаккурнинг уйғонишига эришишни мақсад қилиб қўяди.

Эътиборлиси, ёш ижодкор асосан шеърый драма жанрини маъқул кўрарди. Унинг илк пьесаси «Графиня Кэтлин» шу жанрда ёзилган. Асарда деҳқонларни очлик азобидан қутқариш учун ўз жонини ҳам аямаган аслзода ирланд қизининг қисмати ҳақида ҳикоя қилинади.

«Графиня Кэтлин», шунингдек, 1902 йилда яратилган «Кэтлин, Хулиэннинг қизи» драмалари машҳур актриса, гўзал хоним, Ирландиянинг мустақиллиги учун курашган жамоат арбоби Мод Гоннга бағишланган эди. Шоир бу аёл билан 1889 йилда илк бор учрашган. Умуман, Мод Гоннга бўлган чуқур ҳиссиёти шоирнинг кўплаб лирик шеърларига ҳам илҳом берган.

1896 йилда Йейтс дворянларнинг Протестантлик лигасига аъзо бўлиб киради. Ушбу лига вакиллари билан бўлган Августа Грегори хоним шоирнинг ҳаётида муҳим роль ўйнаган. Грегори ирланд адабиётида ўз ўрнига эга бўлган, бир қатор пьесалар муаллифи, ирланд халқ эртакларини қайта ишлаган ва халқ ҳаёти, анъана ва одатларининг ёрқин билимдони эди. Шоир унинг Голуэй графлигидаги ҳовлисига тез-тез бориб турарди.

1896 йили Парижда драматург Жон Миллингтон Синг билан таънишган Йейтс бу пайтда ҳали биров таниб-танимаган, адабий жамоатчиликда қизиқиш уйғотишга улгурмаган бу ижодкорнинг шоирлик ва драматурглик борасида айрича иқтидорга эга эканлигини илганди. Шунинг учун ҳам Сингни Ирландияга қайтишга, ирланд деҳқонлари ҳаёти билан яшашга кўндиради. Сирасини олиб қараганда, улар ўртасида пайдо бўлган дўстлик ва ижодий ҳамкорлик ирланд адабиётининг тараққиётини бутунлай ўзгартириб юборади.

Унинг ундовларидан илҳомланган Синг халқ жонли сўзлашув тилида ва ниҳоятда ранг-баранг бўлган бир неча пьесалар яратадики, бу асарлар Йейтснинг ижодига ҳам катта таъсир кўрсатади. 1903 йилда чиққан «Етти ўрмон орасида» тўпламига кирган шеърларда шоир аввалги асарларига хос бўлган «кельт романтизми»нинг дабдабали услубидан воз кечиб, анчагина вазмин сўзлашув услубини қўллайди. Бу, табиийки, Сингнинг таъсиридан далолат беради.

Ушбу йилларда Йейтс Синг ва Грегори хонимлар билан бирга Ирландия миллий театрини ташкил этишда фаол қатнашади ва 1906 йилдан у Дублиндаги Аббатлик театрига раҳбарлик қилади. У театрдаги ишини маблағлар тўплаш, пьесалар яратиш ва уларни саҳналаштиришга жиддий киришишдан бошлайди. Адиб 1914 йилда дастурий тўплами бўлган «Масъулият» китобини чоп эттиради. Айтиш мумкинки, китоб шоир ижодининг бурилиш нуқтаси бўлади.

Ўтган асрнинг ўнинчи ва йигирманчи йилларида Йейтс ўша давр адабиётининг йирик намояндлари бўлган Оскар Уайльд, Жеймс Жойс ва Эзра Паундлар қаторида кўриларди.

1916 йилда Ирландияда кўзғолон бўлиб ўтади. Кўзғолончиларнинг ботирлиги ва фидойилиги адибга жуда катта таъсир қилади, шу билан бирга шоир Ирландия номидан иш тутганларнинг шафқатсизлиги ва тор фикрлигидан даҳшатга тушади. Ирландиялик адабиётшунос Денис Донахью шоирнинг 1919 йилда эълон қилган «Куладаги ёввойи оққушлар» тўпламига киритилган шеърлариг: таъриф бериб шундай ёзади: «... одамларга ва айнан одамларнинг характерлари намён бўлган воқеаларга жиддий эътибор беради. Унинг шеърлари бевосита бизга, бизнинг жавобгарлик ҳиссимизга қаратилган. Йейтс инсоннинг чегараланганлигини тан олади ва шунга имкон қадар рози бўлишга ҳаракат ҳам қилади».

1920 йилда драматург эндигина ташкил қилинган мустақил Ирландия давлатининг сенатори бўлади. 1923 йилда эса Швеция академияси уни «*миллат руҳини бадий юксак шаклда ифода этган илҳомбахш шеърлий асарлари*» учун адаб йёт соҳасидаги Нобель мукофоти билан тақдирлайди. Йейтсни «*кельт тикланишидаги асосий шахс*» дея атар экан, академия аъзоси Пер Хал Ёстрем шундай давом этади: «*у жуда кам шоирларга nasib қилган даражага эришди, яъни назокатли шоир бўлиш билан бирга ўз халқи билан алоқани ҳам сиқлаб қола олди*». Бу ўринда нотик шоирнинг халқини қалбини ҳис қилиб ижод қилганига алоҳида урғу берган эди.

Йейтс ўз маърузасида ватандошлари Синг ва Грегориларни ҳурмат билан эслаб ўтади. «*Сизнинг қиролнинг қўлидан юксак мукофотни олар эканман, — дея таъкидлайди у ўз сўзида, — меннинг ўнг томонимда аллақачон оламдан ўтган дўстимнинг, чап ёнимда эса ёши улғу ва минг шукрки, орамизда бўлган хонимнинг туриши зарурлиги ҳақида ўйладим...*» (Синг 1909 йилда вафот этган эди.)

Йейтс умрининг сўнги ўн беш йилини Ирландиянинг миллий шоири шуҳрати даражасида ўтказди. Хасталигига қарамай, қатор асарлар яратади. 1928 йилда «Минора», 1933 йилда «Винтли зина ва бошқа шеърлар» китоблари босилиб чиқади.

У 1917 йилда англиялик Жоржиана Хайд-Лизга уйланган. Уларнинг икки фарзанди бор эди. Хотини шоирнинг навбатдаги «Қараш» китобини тайёрлашда унга кўмакдош бўлади. Мазкур китобда ижодкор тарих ва руҳиятни мистик талқин қилишга интилади.

Йейтс Франциянинг Ривьересида жойлашган Кап-Мартен шаҳарчасига Ирландиянинг қаҳратон қишидан паноҳ истаб келганди, ammo узоқ давом этмаган хасталик уни бу дунёдан олиб кетади. Адиб Рокбрюнега дафн қилинди. «Бен-Бульбен остида» шеъридаги васиятига амал қилган ватандошлари 1948 йилда унинг ҳоқини Ирландияга олиб келишди ва Слайго яқинидаги Драмклиффга қайта дафн қилишди.

Кўпчилик адабий танқидчилар Йейтсни ирланд шеърлятидаги энг йирик фигура сифатида баҳолашади. Элиот эса ҳатто уни «давримизнинг буюк шоири» ҳам дея атаган эди. Ирланд шоираси Шеймас Хини 1978 йилда ўқиган маърузасида шундай дейди: *«Ҳаммасидан ташқари, Йейтс бизга санъат Оллоҳ томонидан берилишини ва санъатсиз тараққиёт бўлмаслигини эслатиб туради»*.

ВЛАДИСЛАВ СТАНИСЛАВ РЕЙМОНТ

Польшалик романнавис Владислав Реймонт (Владислав Станислав Реймент) 1867 йил 6 май куни мамлакат жанубидаги Кобеле-Вельке деб аталадиган кичик шаҳарчада майда буржуача хонадонда таваллуд топган. Отаси Йозеф Реймент қишлоқда орган чалиб кун кўрарди. Владислав учинчи синфни тугатганида уни Варшавада тикувчилик билан шугулланадиган бобосининг қўлига шогирдликка беришади. Тез орада анча қўли келиб қолган Реймонт Лодзида бўлиб ўтган иш ташлашда иштирок этгани учун Варшавадан чиқариб юборилади ва уй назоратида юришга маҳкум этилади. Бироқ, ўсмир йигит отасининг қатъий интизомталаблиги ва католик динига сизинувчи онасининг мутаассиблигидан безиб уйдан қочиб кетишга мажбур бўлади ва сайёр театр труппасида актёр бўлиб ишлай бошлайди.



Гарчи артистларга хос эркин ҳаёт тарзи унга ёқса-да, ўзидан актёр чиқмаслигини англаб етган Реймонт орадан бир йил ўтгач, бу жамоани

тарк этади. Ота-онасининг қаршилигига қарамай, қатор йиллар давомида ўзига ёқадиған иш излаб юради, ҳатто сочини олдириб бир неча ой Ченстоховадаги монастирда ҳам яшайди. Охири бориб отасининг кўмаги билан темир йўллари идорасида ревизор бўлиб ишга жойлашади. Унинг бўш вақти кўн бўлар ва бу пайтда у фақат ўқирди. Аслида ҳам китоб ўқиш унинг болалиқдан жони-дили эди. Жиддий маълумот ололмаган бўлса-да, Реймонт ўқимишли эди, у нафақат поляк мумтоз адабиётини, балки XIX аср инглиз ва француз адабиётини ҳам яхши биларди.

«*Нималар ёзмаганман, — дея эслайди адиб ўша кунларни, — Драмалар, узундан узоқ романлар, ҳикоялар, шеърлар... ёзиб бўлиб ҳаммасини шафқатсизларча йиртиб ташлардим ва ёқиб юборар эдим...*» Ўша даврда ёзилганлардан олтига ҳикояни сақлаб қолиб, Варшавадаги таниш танқидчига жўнатади. Ҳикоялар маъқул келади чамаси, 1893 йилда Варшавада чиқадиған ҳафтаномада улардан бир-иккитаси чоп этилади ҳам. Айни шу вақтда Реймонт ишидан бўшатиладигани ва ўзининг адабиёт соҳасидаги ютуқларидан илҳомланган ёш ижодкор Варшавага кетади. Бошида ёзувчи базўр кун кечириб юради. Унга Варшавада чиқадиған журналлардан биридан Ченстоховага йиллик зиёрат ҳақида мақола ёзиб бериш таклифи тушади. Адибнинг катта муваффақият қозонган «Ясна Горга зиёрат» деб номланган бадиий-ҳужжатли репортажи шу тариқа пайдо бўлган эди.

1896 йилда ёзувчининг ҳаётидан олинган илк романи — «Муғомбир аёл» асари юзага келади, унда сайёр театр гуруҳида шуҳратга интилган ёш актриса ҳақида ҳикоя қилинади. Мазкур романнинг давоми сифатида яратилган «Ачитқи»даги қаҳрамон Янка шаҳардан қишлоққа кетади, унинг поезддаги сەҳвати ўзини топиш, шароитларга боғланиб яшашдан қутулишга бўлган интилишнинг тимсоли эди.

«Жаннатмонанд замин» (1899) деб номланган навбатдаги романида ижодкор илгариги асарларида қўллаган натуралистик ва рамзли ифодалаш йўлидан воз кечиб, саноатлаштиришнинг аёвсиз ҳаётини тасвирлаш учун оддий реалистик йўлни маъқул топади. Асли Польшада туғилган америкалик танқидчи Ежи Кржижановски ушбу роман ҳақида ёзар экан, Реймонтнинг бу билан «*баён қилиш техникасини тўлиқ эгаллагани ва ушбу техникасидан ҳам гоյ жиҳатдан, ҳам кўлами жиҳатдан катта аҳамият касб этувчи асарлар ёзишда қўллай оладиган даражадаги маҳорат соҳиби*» сифатида намоён бўлганини эътироф этади. Ушбу қаҳрамонсиз роман Лодзидаги тўқимачилик магнатларининг турли ҳийла-найранглари очиб ташлайди. Романда капитализмнинг ўғрилиқка асосланган муҳити кўрсатиб берилади ва унинг бош қаҳрамони ҳам шу шаҳарнинг ўзи.

1900 йилда Реймонт темир йўлларида ҳалокатга учрайди ва бир йил давомида жойидан қимирлай олмай яшайди. Темир йўллари маъмурияти томонидан тўланган товон пули адибнинг молиявий томондан бировга муҳтож бўлиб қолмаслигини таъминлайди ва у ўзини бутунлай адабиётга бағишлайди.

Касаллиги чоғида Реймонт ўзининг бош асари сифатида тан олинган «Мужиклар» романи устида иш бошлайди. Польша деҳқонлари ҳаётидан ҳикоя қилувчи тўрт томлик асарнинг биринчи томи 1902 йилда нашрдан чиқди. Бу пайтда адиб хотини Аурелия Шацшнайдер билан Парижда эди. Романнинг охириги томи 1909 йилда эълон қилинган. Ушбу роман-хроника болаликдан муаллифга яхши таниш бўлган қишлоқ ҳаётининг бутун борлигини ўзида акс эттирган. Ягна исмли бир қизни севиб қолган ота ва ўғилнинг тақдири реалистик ҳикоя қилиш усулига афсонавий характер бағишлаган лирик насрий услубда ёзилган. Кўлами ва ранг-баранглиги жиҳатидан романни Томас Гарди ва Эмиль Золя асарларига тенглаштиришади.

«Мужиклар» романи руҳияти ва ўзига хослиги билан айнан полякларга хос бўлса-да, роман ўзининг универсаллиги билан кишини ҳайратда қолдиради. Бироз мужмал жойлари, чўзилганлиги ва тузилишидаги камчиликларига қарамай, асар кўпгина тилларга таржима қилинди ва муаллифнинг халқаро миқёсда танилишига сабаб бўлди.


Мазкур романдан кейин адиб кўплаб асарлар яратган, аммо бу даражадаги муваффақиятни такрорлаш ёзувчига насиб этмади. Унинг кейинги йилларда яратган асарларидан «Хаёлпараст» (1910), «Кўршапалак» (1911) романларини келтириш мумкин.

1914 йилда Польшага қайтган ёзувчи биринчи жаҳон уруши даврида ватанида яшайди. Бу йилларда у «1794 йил» деб номланган уч томлик трилогиясини ёзиб тугатади. Мазкур асар тарихий мавзуда бўлиб польшалик ватанпарвар генерал Тедеуш Костюшко раҳбарлиги остида прусс ва рус ҳукмронлигига қарши уюштирилган кўзғолонлар ҳақида ҳикоя қилади. Реймонт икки марта, 1919 ва 1920 йилларда АҚШда бўлади, Польшага қайтиб келгач эса Колачководдаги ҳовлисига жойлашади.

Реймонт 1924 йилда «*мислсиз миллий эпос — «Мужиклар» романи учун*» адабиёт бўйича Нобель мукофотига сазовор бўлади. Пер Хальстрем асарни олқишлар экан, «*шундай санъаткорона ва шу даражадаги ишончли қалам билан ёзилганки, унинг адабиётда узоқ умр кўришини қийинчиликсиз тасаввур қилиши мумкин*» деган эди. Адиб хасталиги сабаб Стокгольмга кела олмагани учун мукофотни тантанали топшириш маросими ўтказилмайди. Ўзининг қисқагина мактубида Реймонт шундай ёзган эди: «*1922, 1923 йилларда юрагим санча бошлади. Ҳали менинг айтидиган гапларим кўп ва уларни айтгим келади, жуда ҳам хоҳлайман, аммо ўлим бунга имкон берармикан?*» Орадан бир йил ўтиб, 1925 йилнинг 5 декабрь куни Владислав Реймонт Варшавада оламдан ўтади.

Ёзувчининг вафотидан сўнг ғарбда унинг машҳурлиги сўниб боради, адибнинг асарлари асосан мутахассисларга маълум. Шунга қарамай, поляк адабиётида Реймонт ижоди жуда муҳим ўрин тутади. Инглиз танқидчиси Мартин Сеймор-Смит кўпгина адабиётшунослар каби Реймонтнинг «*Мужиклар» романида «деҳқонлар ҳаёти аъло даражада ёритиб берилгани»*ни эътироф этади ва унинг ижоди «*Польшадан ташқарида ҳам диққат билан ўрганишга лойиқ*»лигини таъкидлайди.

ЖОРЖ БЕРНАР ШОУ



Ирланд драматурги Жорж Бернар Шоу 1856 йилнинг 26 июль куні Дублинда тугилган. У Жорж Карр Шоу ва Элизабет Герлиларнинг учинчи фарзанди эди. Отаси давлат хизматчиси бўлиб ишлаган, дон сотиш билан шугулланиб омади юришмагач, ичкиликка ружу қўйган, онаси эса қўшиқчиликка ҳавасманд мусиқачи эди. Болакай дастлаб уйда, кейин католиклар ва протестантларнинг кундузги мактабида ўқийди, ўн олти ёшга етгач эса кўчмас мулк савдоси билан шугулланадиган агентликда клерк вазифасига ишга жойлашади. Элизабетга мусиқадан дарс ўтадиган ва оиланинг дўсти сифатида Шоулар хонадонида яшайдиган дирижёр Жон Ванделер Ли ўсмирга

муайян таъсир кўрсатган. У фортепианода опера партитураларини ижро қилишни ҳам ўрганиб олган эди.

1873 йилда эридан ажрашган Элизабет икки қизини олиб Ли билан Лондонга кетади. Орадан уч йил ўтгач, Бернар ҳам уларга қўшилади. У ёзувчи бўлишга қарор қилган, Лининг таклифига кўра, мусиқа мавзусида мақолалар ёзарди. Ҳар тонгда беш қоғоз насрий қўлёзма ёзадиган Бернар кундузи Британия музейида ишлар, кечга бориб эса маъруза ва мунозараларга қатнашарди. 1882 йилда америкалик ислоҳотчи Генри Жоржнинг маърузаларини тинглар экан, Бернар эътиборини ижтимоий муаммоларга қаратади, Генрининг «Тараққиёт ва кашшюқлик» ва бошқа китобларидан ташқари, Маркснинг «Капитал»ини ўқиб чиқади ва 1884 йилда Сидней Вебб билан «Фабианлар жамияти»га аъзо бўлиб киради. Мазкур жамият ижтимоий гоаяларни тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилганди, Бернар мана шу фаолият билан қарийб 27 йил шугулланади, баъзида ҳафтасига уч мартадан маъруза ўқирди.

Шоу Британия музейида театр танқидчиси Уильям Арчер билан танишади. Арчер унга театр ҳақида ёзишни таклиф этади ва «Уорлд» ҳафтанома­сига етаклаб боради. 1885 йилдан 1888 йилгача Шоу «Пэлл-Мэлл газет»да тақризларини, кўптиражи «Стар» деб номланган пойтахт газетасида эса Корно ди Басетто тахаллуси билан мусиқий рецензияларини эълон қилади. 1890 йилда «Уорлд»нинг мусиқий танқидчиси вазифасига ишга олинади. Оден Шоуни «*балки барча замонларнинг энг яхши мусиқий танқидчиси десак ҳам бўлади*», дея таърифлаганида жон бор эди, албатта.

1895 йилда Шоу Лондондаги «Сэтердей ревью» журналига театр танқидчиси вазифасига ишга ўтади. У мазкур нашрда эълон қилган мақолаларида Генрик Ибсен асарларига лоқайд қарагани ва Шекспир

асарларини ўзбошимчалик билан талқин қилгани учун ўша пайтдаги етакчи ҳисобланган режиссёр Генри Ирвингни қаттиқ танқид қилиб чиқади, шунингдек, Артур Пинеронинг машҳур пьесалари ҳамда Скриб ва Сардининг мешчанларга хос мелодрамалари устидан кулиб, улардан замонавий ҳаётни реал тасвирлаган ижтимоий театрни устун қўйиб мақолалар ёзди.

Драматургнинг биринчи пьесаси «Бева кишининг уйи» эди. Асарни танқидчилар совуққонлик билан кутиб олишади. Пьеса икки марта намоишдан сўнг тўхтатиб қўйилади. Кейинги олти йил мобайнида драматург тўққизта тўлиқ ва битта бир саҳнали пьеса яратган. 1893 йилдаги фойдали, аммо бахтсиз никоҳ ҳақидаги гамгин асари — «Ошиқ йигит»ни саҳналаштиришга биронта режиссёр жазм этмаган бўлса, енгил табиатлик муаммосини кўтариб чиққан «Миссис Уорреннинг касби» номли асари бутунлай тақриқлаб қўйилади.

Цензуранинг талабларини бажаришни истамаган Шоу қалами ўткир журналист сифатида топган маблаглари, қолаверса Шарлотта Пейн Таунсенд ҳомийлиги остида пьесаларини чоп эттирар эди. 1898 йилда драматург ирландиялик давлатманд аёл Таунсендга уйланади. «Ёқимли ва ёқимсиз пьесалар» номли икки томлик китоби уларнинг никоҳи қайд этилган даврда босмадан чиқади. Саҳна ремаркаларининг миридан сиригача фойдаланилгани сабабли улар худди романлар каби ўқилади. Уларда муаллиф ўзининг таъбири билан айтганда, «*томошабинларни кўнгилсиз воқеаларга эътибор беришга мажбур қилиш*»га интилади. «Ёқимли»лар тоифасига киритилган «Қурол ва одам», «Кандида», «Тақдир ташлови», «Ҳаёт бўлсак кўраверамиз» каби пьесаларда муаллиф реализмнинг натурализмдан баланд туришини кўрсатиб беришга ҳаракат қилган.

«Кандида» 1903 йилдаёқ Нью-Йоркда катта шухратга эришган бўлса-да, Англияда Шоу анча кейин, хотини ва Харли Гренвилл-Баркер билан ғоялар театрининг имкониятларини намоиш этиш учун Лондондаги «Ройял Корт Тиэтр» биносини ижарага олган пайтга келиб танилади. Шоунинг пьесалари Жон Ведренн ва Харли Гренвилл-Баркер режиссёрлиги остида шу қадар оммалашадики, шу йилларда мазкур театрда ўйналган 988 спектаклдан 701 таси Шоу асарлари эди.

1905 йилда драматургнинг «Одам ва ўта қудратли одам» асари найдо бўлади, айтиш мумкинки, дин, аёллар ва никоҳ борасидаги ўз қарашларини илгари сурган фалсафий комедия томошабин ва танқидчиларнинг фикрича, муаллифнинг энг муваффақиятли асарларидан бири саналади.

Биринчи жаҳон уруши вақтида Шоу сиёсий ҳаётда фаол қатнашади.

Урушдан кейинги «Қалбни пора қилувчи уй» асарида Шоу қон тўкилишига жавобгар бўлган авлоднинг маънавий қадриятларни йўқотгани мавзусини қаламга олади. Мазкур фожиавий комедияда сиёсат ва иқтисод «Мафусаилга қайтиш» асаридаги оламни сюрреалистик назар билан кўришга уйғунлаштирилади. Шоунинг мазкур асари

мунозара — пьесанинг ёрқин кўриниши бўлиб, ўзаро боғланган беш пьесадан иборат ва Эдемдан бошланиб, эрамизнинг 31920 йилига келиб тугайди. Ушбу чўзилган ва огир юкли асарда Бергсон ижодий эволюциясининг таъсири сезилади, шунингдек, муаллифнинг инсон интеллекти жамиятни ўзгартиришга қодирлигини тасдиқловчи фабианча қарашлари ҳам ярқ этиб билинади.

1925 йилда адабиёт бўйича Нобель мукофоти ҳеч кимга берилмай қолиб кетади, 1926 йилда Швеция академияси «*идеализм ва гуманизм билан ажралиб турадиган ижоди, кўп ҳолларда айрича шоирона гўзаллик билан уйғунлашиб кетган ёрқин сатираси учун*» Шоуни Нобель мукофоти билан тақдирлашга қарор қилади. Швеция академияси аъзоси Пер Хальстрем Шоуни «*давримизнинг энг ёрқин драматургларидан бирига айлангани, пьесаларга сўзбошилари билан эса замонамизнинг Вольтери даражасида қабул қилиниши*»га урғу беради. Ҳар қандай мукофотларга қатъий қарши бўлган Шоу тақдирлаш маросимига келишдан бош тортади ва шу сабаб мукофотни Буюк Британиянинг Швециядаги элчиси Артур Дафф қабул қилиб олади. Шоу лауреатга ажратилган маблағлар ҳисобидан таржимонлар, айниқса, Стриндберг асарларининг таржимонларига мўлжалланган Англия-Швеция адабий жамғармасини ташкил қилади.

Шоу ўзининг сўнгги пьесаларида антик комедия услубларидан фойдаланган. У рафиқасининг вафотидан сўнг 1943 йилда Лондондан Хертфордширдаги уйига кўчиб келади. 94 ёшида боғда ишлай туриб йиқилади ва белини синдириб олади. 1950 йилнинг 2 ноябрь куни оламдан ўтган.

Танқидчилар Шоу мероси ҳақида битта масалада тортинадилар — Шоу ҳажвий драматург сифатида кучлими ёки ижтимоий мавзу борасидами? Ҳаётлиги пайтида уни беҳаёликда айблашар, Макс Бирбом эса «*юмор туйғуси борасида масъулиятсиз*»лигини таъкидлаганди. Оден Шоунинг топқирлигида Россиянинг нафасини сезишини айтган, инглиз танқидчиси Стивен Спендер эса дунёқараши бобида Шоу ўзининг икки ўлчамли оламида ҳаракатланувчи икки ўлчамли гигант эди, дейди. Яна бир америкалик театршунос Жак Берсеннинг эътирофича, «*Шоу буюк анъаналарнинг давомчисидир. У театр соҳасининг омборида ва одамларда нимаики бўлса, ҳаммасидан унумли фойдаланди. Шоунинг пьесалари бой драматургик меросдир...*»

ГРАЦИЯ ДЕЛЕДДА

Италиялик ёзувчи Грация Деледда 1871 йилнинг 27 сентябрь куни Сардиниядаги Нуоро қишлоғида таваллуд топган. Отаси уч бора мер этиб сайланган таниқли ва бадавлат ҳуқуқшунос, онаси Франческо Камбоса ўқимаган аёл эди. Дарҳақиқат, Деледдалар хонадонининг зайтун ёғи тайёрлаш ускунаси ва вино тайёрлаш дастгоҳи бор эди.

Бироқ, ёш Деледда икки укаси ва тўрт синглиси билан ҳеч қандай эркалиларсиз яшашган. Кейинчалик ёзувчи Нуорони ҳаёт юз йиллар давомида ўзгармайдиган, «Бронза асридан қолиб келаётган» жой дея атаган эди. Маҳаллий патриархал одатларга мувофиқ, Деледда ва унинг сингилларидан биронтасининг уйдан ёлғиз чиқиб кетишига рухсат беришмаган. Қишлоқдаги ҳаёт шунчалар маҳдуд эдики, бу ердагилар итальянча эмас, балки лотин тилига яқин келадиган логудоресс шеvasида гаплашишарди. Барибир, уларнинг уйи қайсидир даражада қишлоқ жамоасининг маркази мақомида бўлгани боис, Деледда Сардиния аҳолисининг турли табақаларига мансуб кишилар билан болалигидан мулоқот қилиш имконига эга бўлган эди.



Грация саккиз ёшиданоқ маҳаллий фольклорга асосланган ҳикоя ва шеърлар ёза бошлаган. Унинг «Сардиния қони» деб номланган ҳикояси Римдаги безакли журнал саҳифаларида чоп этилганида у ўн беш ёшга тўлган эди. «Сардиния чечаги» (1892) романини танқидчилар хайрихоҳлик билан кутиб олади, «Ҳалол қалблар» (1895) китобига эса итальян адабиётшуноси Ружеро Бонги сўзбоши ёзиб берган.

«Ҳалол қалблар»нинг француз тилига таржимаси учун катта миқдордаги қалам ҳақи олгач, бўлажак ёзувчи уйдаги ишни укаси Андреага топширади ва «Донна сарда» журналининг муҳаррири Мария Манкиннинг таклифига кўра, Сардиния пойтахти Кальярига кўчиб кетади. Бу ерда у Молия вазирлигида ишлайдиган Пальмиро Малесани билан танишади ва 1900 йилда унга турмушга чиқади. Ўша йили турмуш ўртоғини Римга, ҳарбий вазирликка ишга ўтказишгач эса, Деледда илк бор Сардиниядан ташқарига сафарга чиқади. Ёш оила Римга жойлашади ва бу азим шаҳарда икки ўгилни тарбиялаб, умргузaronлик қилади.

Деледда ҳаётининг кейинги ҳар йилида биттадан роман ёзишга муваффақ бўлган. Римда яшаш ёзувчига ёқарди, ammo унинг барча асарларидаги воқеалар Сардинияда бўлиб ўтади, унинг энг сара романларини замонавий ҳаёт тарзи билан мутлақо қийслаб бўлмайдиган орол одамларининг ҳаётига ёрқин илова деб атаса бўлади. «*Мен Сардинияни биламан ва севаман, — деб ёзган эди бир сафар романнавис, — унинг халқи менинг халқим, унинг тоғ ва адирлари ҳаётимнинг бир қисмига айланиб кетган. Нима учун тупканнинг тубидан бошқа мавзулар излашимиз керак, ахир шундоқ ҳам Сардиниянинг ўзида кўз ўнгимизда қанчалар инсонларнинг тақдири бор ва улар менинг романларим саҳифаларига кўчган...*»

Деледданинг ижодини айнан у ёки бу адабий йўналишга мос келади, деб бўлмайди. Унинг бир қатор пишиқ асарларини натуралистлар ҳаракати контекстида қараш мумкин. Деледда ижодидида натурализм унсурлари мавжуд эди. «Элиас Портулу» деб номланган илк романида бош қаҳрамон муҳаббат изтиробларига чидаш мақсадида руҳонийлик йўлини тутати, аммо бориб-бориб ўзининг Худо йўлида хизмат қилишга муносиб эмаслигини англаб етади. Қаҳрамон ўз эҳтирослари ва эҳтиёжлари ўртасидаги номутаносибликни ҳал эта олмайди.

Кейинги ўн йилликда Деледданинг Италия бўйлаб шуҳрати кенг тарқалади. Никоҳсиз тугилган боласи учун ўзини қурбон қиладиган ёлғиз аёлнинг тақдири ҳақидаги «Кул» (1904) романи асосида бадиий фильм ҳам яратилади. Картинада итальян актрисаси Элеонора Дузе бош қаҳрамон ролини ижро этган. Шу йиллари Деледда ўзининг «Печак» (1909) романининг саҳнавий вариантини тайёрлайди, «Каптарлар ва қирғийлар» (1912), «Шамолда ҳилпираган қамиш» (1913) романларини китобхон ҳукмига ҳавола қилади.

Кўпгина танқидчиларнинг фикрига кўра, Деледда ижодининг реалистик қисмидаги энг юқори чўққиси сифатида 1920 йилда чоп этилган «Она» романини тан олиш мумкин. Асардаги воқеалар овлоқ қишлоқда бор-йўғи икки кун давом этади. Маҳаллий руҳоний эҳтиросли ишқ дардига мубтало бўлади, ўглининг изтиробларини кўрган она чидаб бўлмайдиган азобларни бошидан кечиради. Қаҳрамонлар ва асар сюжети оддий бўлса-да, улар мумтоз трагедияга хос ёрқинлик ва ифодалилик билан тасвирланган.

«Она» романидан сўнг ёзувчининг услуги анчагина ўзгаради. У гуноҳни муҳаббат орқали ювиш ғоясига берилиб, бирламчи пессимизми бошидан ўтказати. Аксарият адабиётчиларнинг яқдил хулосаларига кўра, адибанинг бу даврда ижод қилган асарлари илгаригилари каби кучли чиқмаган. Энди ёзувчини кўпроқ ҳаётнинг иқтисодий ва жисмоний жиҳатлари қизиқтирарди. Мисол учун, «Ёлғиз кишининг сирлари» (1921) ва «Тириklar худоси» (1922) романларини айни мана шу тоифага киритиш мумкин.

1927 йилда Деледда 1926 йилги адабиёт йўналишидаги Нобель мукофоти билан тақдирланади. Ёзувчи *«Ўз тугилган ороли ҳаётини нафис ёрқинлик билан тасвирлаган жозибали асарлари, шунингдек, инсоний муаммоларга чуқур ёндашгани учун»* мазкур мукофотга лойиқ топилади. Мукофотни топширар экан, академия аъзоси Хенрик Схук Деледданинг *«табиатни Европа адабиётида камдан-кам ёзувчига nasib этган иқтидор билан тасвирлаши»*ни қайд этади. У шунингдек, итальян романнависи *«диний мавзуларни жиддий ва чуқур тушуниши...»*ни, *«унинг асарлари кўпинча ғамгин, аммо ҳеч қачон йиғлоқи эмас...»*лигини алоҳида олқишлайди. Деледда мукофотни олар экан, икки оғиз миннатдорлик сўзларини айтади, бироқ Нобель маърузаси билан чиқмайди.

Орадан кўп ўтмай ёзувчининг кўкрагида хавфли шиш пайдо бўлади. Тўққиз ой давомида зўр бериб ишлаган ижодкор 1936 йилнинг 16 август куни Римда, саратон касаллигидан вафот этади.

Деледда камтарин, кўпроқ ёлғизликни маъқул кўрадиган, ўзининг ички эҳтиёжларидан келиб чиқиб, алоҳида интеллектуал эътирозларсиз ёзадиган ижодкор эди. Унинг энг сара асарларидаги воқеалар Сардинияда бўлиб ўтса-да, итальян танқидчиси Жузеппе Равеньянининг хулосаларига кўра, уни маҳаллий аҳамият касб этувчилар тоифасига киритиб бўлмайди. *«Ўз санъатида, — деб ёзади у, — ҳаётни фақат аёлгина қодир бўлган зийраклик ва сезгирлик билан тадқиқ қилган»*. Д. Г. Лоуренс Деледдани *«овлоқдаги омиларча ҳаётни Томас Гарди маҳорати билан»* тасвирлаганини эътироф қилади. «Она» романига сўзбошисида Лоуренс Деледдани *«инсон изтироблари ва эҳтирослари табиатига чуқур кириб бора олмаганини»* таъкидлаш билан бирга, унинг *«оддий кишилар руҳиятига маҳорат билан кириб боргани»*ни қайд этади.

АНРИ БЕРГСОН

Франциялик файласуф Анри Бергсон 1859 йил 16 октябрда Парижда таваллуд топган. Унинг отаси Мишель Бергсон туғилиб ўсган Варшавани тарк этиб, Европа бўйлаб саёҳат қилади ва Англиядан кўним топади. У бу ерда ирландиялик Кетрин Левинсонга уйланади. Анри саккиз ёшга қадам кўйганида оила Парижга қайтади. Йигирма бир ёшида у Франция фуқаролигини олади.

Бергсон Париждаги Кондорс лицейида ижтимоий фанлар билан бирга математикадан ҳам кучли билим олади. Табиий фанлар соҳасида истиқболи порлоқ бўлишига қарамай, Анри ўзини фалсафага бағишлайди. Эколь нормаль сюперьер мактабида Жон Стюарт Милл ва Герберт Спенсерларнинг фалсафий қарашларини чуқур ўрганади.

1881 йилда диплом олгач, у д'Анжер лицейида дарс бера бошлайди, бир йил ўтиб эса Клермон Ферран шаҳридаги Блез Паскаль лицейига ўтади. Овернеда у биринчи асосли илмий иши — «Тафаккурнинг бевосита маълумотлари»ни ишлаб чиқади. Ушбу иши ва лотин тилида ёзилган, Аристотель ҳақидаги унча йирик бўлмаган диссертацияси учун 1889 йилда фалсафа бўйича Париж университети доктори даражасига эришади.

Тафаккурга оид биринчи ишида Бергсон таъкидлайдики, инсоннинг жонли организми томонидан қабул қилинадиган вақт динамик характерга эга, шу билан бирга, сифат жиҳатидан ҳам ўзгариб туради.



Бундан ташқари, олим Герберт Спенсер сингари детерминизм тарафдорлари бўлган файласуфлар қарорларни қабул қилишда олдиндан билиб бўлмас, янги ва ижодий элементларни ҳисобга олмайдилар, деб хулоса қилади. Бергсоннинг фикрига кўра, ҳар қандай вақтинчалик тоифалар сингари мустақил хоҳиш ва тафаккурга ҳам фақат ички ҳиссиёт билан эришиш мумкин, бу эса камдан-кам учрайдиган, аммо инсон онги ривождаги ҳал қилувчи қисм ҳисобланади.

1891 йилда Анри Парижга қайтиб келади ва Луиза Норбергерга уйланади. Кейинги саккиз йил давомида у Генрих тўртинчи лицейида дарс беради. Бу даврда у иккинчи асосий асари «Материя ва хотира»ни яратади ва уни 1896 йилда чоп эттиради. Ушбу асарида муаллиф мия физиологиясининг онгга таъсири ҳақида фикр юритиб, онгнинг ментал образлар ва жисмоний зўриқишларнинг ўзаро боғлиқлиги натижасигина эмас, деган хулосага келади. Мия фақатгина ёзиб олувчи пассив ускуна эмас, балки мақсади ҳаётга қаратилган ўта назик эластасифатида иш юритади, дейди у.

1900 йилда Бергсон интеллектуал салоҳияти жиҳатидан фақат Сорбонн лицейидан кейин турувчи Коллеж-де-Франсда грек фалсафаси кафедрасига раҳбар этиб тайинланади. Унинг шу йили эълон қилган «Кулги» деб номланган илмий иши кулгининг табиати ҳақидаги ўткир асар эди. Бергсон ҳаёт оқимида тўсиқ берувчи ҳар қандай тафаккурий ва жисмоний механик одат кулгини келтириши мумкин, дейди. Комедиялар кулгили ҳолатлар механизмини очиб бериб санъатнинг ҳар қандай турлари каби жамият ва шахс тараққиётига хизмат қилади, дея хулоса қилади Бергсон.

«Метафизикага кириш» деб номланган илмий асарида Бергсоннинг ишонч билан хулоса қилишича, одамзоднинг ривожланиши учун ҳам табиий фанлар ва ҳам фалсафа зарур, аммо фақатгина фалсафа чиндан ҳам яратувчан ва ҳақиқатан яшовчандир.

Бергсоннинг учинчи, яъни давр нуқтаи назаридан энг муҳим бўлган «Ижодий тараққиёт» асари нафақат академик давралар, балки кенг ўқувчи оммасига ҳам улкан таъсир кўрсатади. Америкалик файласуф Уильям Джеймс шундай таъриф беради: *«Ҳатто уни кўп ҳам хушламайдиган консерватив фикрдаги профессорлар давраларида ҳам энди Бергсон ҳақида нафасларини ичларига ютиб гапира бошладилар. Талабалар эса унинг изидан оғизларини очганча югурар эдилар»*. Ушбу файласуфнинг фикрича, Бергсон асарлари ўқувчини нафақат мазмунан, балки услуб жиҳатидан ҳам лол қолдириди. *«Тасвирнинг ёрқинлиги — мана Бергсон асарларининг ўқувчини ром этадиган биринчи хислати, бу сизни шу ондаёқ асарнинг ўқувчисига айланшингизни таъминлайди. Бу ҳақиқий мўъжиза, муаллиф эса сеҳргарнинг ўзи»*, дея таъриф беради у.

Бергсоннинг фикрича, эволюция дегани организмнинг ўзи яшаб турган муҳитга оддий, пассив ва механик жиҳатдан мослашувидангина иборат эмас, бу мақсадли ва ижодий жараёндр. Файласуф ҳаётни

биргина интеллектуал таҳлил билангина тушунмайди, чунки у ҳаракатда ва ўзгарувчан, бинобарин тафаккур оқими доимий фаолиятсиз материя билан курашади. Тўғри, Бертран Рассел каби скептик файласуфларда Бергсоннинг поэтик жўшқин услуби катта қизиқиш уйғотган эмас. «*Одатан, – деб ёзди Рассел, – Бергсон мантиқий қурилымлари жозибаси ва чиройли ибораларига маҳлиё бўлиб ўз хулосаларининг адолатли эканини исботлаш учун ўзини қийнаб ўтирмайди*».

Шу билан бирга Клод Дебюси, Клод Моне, Марсел Пруст, Поль Валери, Андре Моруа, Шарль Пьер Пеги ва Никое Казанцакис каби турли йўналишдаги ижодкорлар Бергсондан илҳомланиб, унга интеллектуал қувват сифатида мурожаат қилганлар. Унинг ижоди Жон Дюи, Самуэль Александер ва Альфред Норт каби файласуфларга катта таъсир кўрсатган, унинг вақт ва тафаккур ҳақидаги тасаввурлари Пруст ва Виржиния Вульф асарларида, шунингдек, Томас Маннинг «Сехрли тоғ» романида учрайди.

Биринчи жаҳон уруши арафасида Европани чулғаб олган умумий шижоат даврида Бергсоннинг шуҳрати янада ошади, уни турли мамлакатлар, жумладан, Америка Қўшма Штатларига ҳам маъруза учун таклиф эгадилар. 1914 йилда файласуфни Франция академияси, бироздан сўнг, Маънавий ва сиёсий фанлар академиясининг Президенти этиб сайлашади. Унинг қарашлари шу қадар урфга кирадики, либерал католиклардан тортиб, синдикалистларгача ўз мақсадларини унинг фалсафий қарашларига мослаштиришга тушадилар.

1914 йилда файласуф иккита жиддий мақола тайёрлайди. Улардан бири «Урушнинг аҳамияти» бўлса, иккинчиси «Германия империялизмининг тараққиёти» эди. У жаҳон уруши Франциянинг яшариши ва Европанинг тикланишига олиб келади, деб умид билдиради. Бергсон ўз мамлакатининг Испания ва АҚШга йўналтирилган миссияларида дипломатик вакил сифатида фаолият кўрсатади, бу вақтда у Миллатлар лигасида интеллектуал ҳамкорлик комиссиясининг президенти вазифасида ишлаган.

1920 йилда Бергсон кучли артрит касалига чалинади, бу вақтга келиб Бергсоннинг уруш арафасида катта аҳамият касб этган фалсафий қарашлари ўз моҳиятини йўқотиб борар эди. Шунга қарамай, ушбу файласуфга 1927 йилда адабиёт соҳасидаги Нобель мукофотини лойиқ кўрадилар. Мана мукофот қўмитасининг изоҳи: «*унинг ёрқин ва яшовчан гоялари, шунингдек, ушбу гояларни мужассам эттира олган маҳоратига эътироф сифатида...*»

Швеция академияси вакили Пер Хальстрем Бергсоннинг энг асосий ўзига хослиги ва муваффақиятини шундай таърифлаган эди: «*У рационализм деворига раҳна солиб..., инсон яна озод бўла оладиган, керак бўлса қайта туғиладиган муҳитга, вақтнинг жонли ҳаётига йўл очди*».

Бергсон Швеция академиясига мактуб йўллайди. Унда шундай сўзлар бор эди: «*Тарихий тажриба шунини кўрсатдики, жамиятнинг технологик*

жиҳатдан равнақ топиши унда яшайдиган одамларнинг ахлоқий ва маънавий камолотини таъминлай олмайди. Моддий бойликларнинг ошиб кетиши, агарким, бунга муносиб равишда маънавий салоҳият ҳам етишиб бормас экан, хавфли оқибатларга олиб келиши мумкин».

СИГРИД УНСЕТ



Сигрид Унсет 1882 йилда Даниянинг Калуннборг шаҳрида архитектор Ингвальд Мартин Унсет оиласида таваллуд топган. Онаси даниялик бўлган қизалоқ икки ёшга тўлар-тўлмас отаси қадимги дунё музейига директор бўлиб тайинланиши муносабати билан уларнинг оиласи ҳозирги Осло шаҳрига, Норвегия пойтахтига кўчиб келишди. Ота-онаси уни қўшимча таълим берувчи мактабга беришди, бироқ болалигидан ўзига хос феълли бўлган қизалоқ мактабдаги айрича либерал ҳаётни қабул қила олмагани сабаб отасининг вафотидан сўнг, 1893 йилдан ўқишни тижорат ўқув юртида ўтиб давом эттиради.

Сигрид 17 ёшидан бошлаб сингилларининг ҳам ўқишлари учун ишлашга мажбур бўлади. У ботаника, рассомчиликка қизиқарди, ижод билан ўн етти-ўн саккиз ёшлигидан бошлаб шугуллана бошлаган.

1905 йилда ноширлар унинг тарихий мавзудаги романини қайтариб беришди. Асарга илова қилинган қоғозда шундай сўзлар ёзилган эди: *«Тарихий мавзуда бошқа ёзманг. Яхшиси, замонавий темаларда ижод қилишга ҳаракат қилиб кўринг»*. У бу тавсияга амал қилади.

Кейинги йилда «Умрнинг бахтли даври» номи билан чиққан асариди алоҳида истеъдодли, айрича қобилият эгалари бўлган, бироқ жамиятдан ажралиб қолган аёллар қисмати тилга олинган. Адибанинг иккинчи романи «Вига-Льот ва Вигтис» қадимги исланд сагалари услубида ёзилган. Ушбу китоби чиққач, Унсет ишни ташлаб, Германия ва Италия сафарига отланади. Римда Андерс Кастес Сварстад исмли норвегиялик рассомни севиб қолади. Қизиги, бу ижодкорнинг оиласи бор эди. 1911 йилда эълон қилган «Йенни» романида айни мана шу муҳаббати ортидан кечган изтироблари, бир ёш аёлнинг ўзидан анча катта ёшдаги киши ва унинг ўелига бўлган муҳаббатини баён этган Сигрид самимият билан яратилган асаридан сўнг шуҳрат пиллапояларига чиқади. Воқеалар Норвегия ва Италияда бўлиб ўтадиган ушбу автобиографик роман ёш ёзувчининг биринчи муваффақияти бўлади.

1912 йилда Сигрид Сварстадга турмушга чиқади. Бир оз муддат ўтиб, улар Норвегияга кўчиб келишади. Оилада икки ўғил ва руҳий ногирон қизалоқ дунёга келган. 1912 йилдан 1920 йилгача бўлган даврда ёзувчи иккита ҳикоялар тўпламини, «Баҳор» романини ҳамда «Ойнадаги акс» деб номланган қиссалар тўпламларини эълон қилади.

«Баҳор» романида оилавий муаммолар тасвирланади. Асарнинг бош гоёси никоҳдаги келишувчилик ва ён босишнинг салбий оқибатларини кўрсатиб беришдир. Муаллиф никоҳдаги ўзаро муроса никоҳсиз муҳаббатдан кўра кўпроқ бахтсизликлар олиб келиши ҳақида сўз юритади. Ҳикоя ва қиссаларида эса асосан бош қаҳрамонлар — кучли характерга эга бўлган аёлларнинг жамиятдаги қийинчиликлар ва тўсиқларни енгиб ўтишдаги матонати ёритилган.

Биринчи жаҳон уруши вақтида Унсет Норвегия ижтимоий ҳаётидаги феминизм, социализм, пацифизм каби тарқоқ тушунча, гоё ва оқимларнинг шубҳа остига олади. Руҳий изланишлар оқибатида 1924 йилда католик динини танлаган Сигрид ўзининг консерватив дунёқарашидан келиб чиқиб, Сварстад билан ажрашади. Алқисса, католиклар черкови унинг ҳали ҳаёт бўлган биринчи хотинидан ажралишини тан олмаслиги мана шундай қарорга келишларига сабаб бўлади.

Ёзувчининг «Лавранснинг қизи Кристина» трилогиясига кирган романларида динга қаттиқ эътиқод қўйгани яққол билиниб туради. Трилогия марказида XIV асрда Норвегияда яшаган бой заминдорнинг ниҳоятда гўзал ва мағрур қизи тақдири тасвирланган. Бу ҳурилиқо тақдир тақозоси билан ярамас бир кишига турмушга чиқиб кўп қийинчилик, айрилиқ ва азобларни бошидан кечиради. Унинг эри охир-оқибат вабо касалидан ўлади.

Аслида трилогияда бирор тарихий шахс ҳақида лом-мим дейилмасад, Норвегия тарихи жуда ҳам аниқ-тиниқ тасвирланган. Танқидчилар ушбу асар ҳақида тарихнинг сурати айни ўзидай чизилган асар, деб ҳам эътироф этишган. Хусусан, 1923 йилда танқидчи Эдвин Бьеркман шундай таъкидлаган: *«Асарда XIV асрдаги Норвегия шундай қаламга олинганки, худди воқеалар олти аср муқаддам эмас, худди бугун эрталаб ўзимизнинг ҳовлида содир бўлаётгандек»*. Бьеркман Кристина шоирона эҳтирос ва тасаввур ҳосиласи сифатида яратилган образ, дея таърифлайди. Аммо романларда ортиқча йиғлоқилик, яъни сентиментализм кузатилмайди. Унсет психологик таҳлил қилишнинг замонавий усулларини норвег сагалари услубида ҳикоя қилиш билан уйғунлаштира олган. Бу ерда кўпроқ куч ҳикоя қилувчининг мулоҳазалари эмас, аксинча, сюжетларга берилган.

Унсет 1928 йилда *«Скандинавиянинг ўрта асрлардаги ҳаётини ёрқин ва бетакрор тасвирлагани учун»* Нобель мукофотига сазовор бўлган. Мукофотни топшириш маросимида сўзга чиққан Швеция академияси вакили Пётр Хальстрем Унсетнинг бутун ижодий йўли ҳақида батафсил тўхталади. *«У илк ҳикоялариданоқ, — дейди Хальстрем, — замонавий аёллар ҳаётини*

дардкашлик билан ёритган, мантиқ таъминланган, энг катта таъсир-лантирарли жиҳати, ҳаёт борича, бутун аччиғи билан қаламга олинган». Хальстрем адиб асарларидаги аёллар ва эркаклар ўртасидаги қийин муносабатларнинг тасвирига ўз ҳайратини яширмаган. Ўз сўзининг сўнгида нотиқ ёзувчини «*инсон руҳиятининг улугворлиги ва қатъиятини сингдира олган назм даҳоси*», дея таърифлайди. Унсет Нобелга бағишлов ўқиб ўтирмайди, қисқагина қилиб «*менга гапиршидан кўра ёзиши осонроқ ва қулай, айниқса, ўзим ҳақимда гапирши менга оғир*», деб жавоб бериб қўя қолади.

Нобель мукофотига эришган, Унсет яна бешта роман ёзади. Аммо улар аввалгилари каби шуҳрат қозонмади. Шу йилларда Унсет бир қатор мақолалари билан матбуотда ўз фикрларини эълон қилиб туради. 1939 йилда ижодкорнинг ҳам онаси, ҳам қизи вафот этади. Бу вақтда Норвегия немис қўшинлари томонидан босиб олинган ва Унсет Қаршилиқ ҳаракатига кирган эди. Кўп ўтмай, у Швецияга қочиб ўтишга мажбур бўлади. Нацистлар унинг асар ва мақолаларини эълон қилишни ман этадилар.

1940 йилнинг сентябрида Сигрид ўғли Ганс билан Америка Қўшма Штатларига, Нью-Йорк шаҳрига кетишади. Унинг катта ўғли 1940 йилда Норвегияда вафот этган. Урушдан сўнг ватанига қайтган Унсетни ҳукумат Авлиё Олаф ордени билан мукофотлайди.

У 1949 йилда инсультдан вафот этади.

Сигрид Унсет асарлари жаҳон аро машҳурликка эришган асарлар сирасида йўқ. Бироқ жаҳон адабиёт майдонида, айниқса, ғарб адабиёти билимдонлари, танқидчилари унинг маҳоратига юксак баҳо берадилар. Дарҳақиқат, «Лавранснинг қизи Кристина» трилогияси катта шуҳрат қозонган, Норвегиянинг ўзида, Америкада бир неча марта қайта нашр этилган. «*Замонавий наср ижодкорларидан Томас Манндан орқада қолиши мумкин*», дейди Унсетга баҳо бераркан Густафсон. У Унсетни «*Жорд Элиот ва Вальтер Скоттлар даражасидаги истеъдод*», деб таърифлайди. 1985 йилда америкалик тадқиқотчи Медликот Унсет асарлари ҳақида фикр билдирар экан, «Лавранснинг қизи Кристина» трилогиясини «*шак-шубҳасиз, бизнинг асримизнинг энг яхши асарларидан бири, буюк асар*», дея олқишлаган.

ТОМАС МАНН

Пауль Томас Манн 1875 йил 6 июнда шаҳар сенатори бўлган Йохан Генрих Манн оиласида таваллуд топган. Онаси бразилиялик эди. Томас болалигида бошқа кўпгина улуг сиймоларнинг болалигидан фарқли ўлароқ, бирон нарсдан зориққан эмас.

Маннлар Шимолий Германиянинг Любек шаҳридаги катта мулкка ва таъсирга эга бўлган термояратчилар оиласи эди. Томас ёшлигидаёқ зийраклиги ва илмга қизиқиши билан тилга тушади. Университетда талабалиги даврида Шопенгауер, Ницше, Вагнер асарларини синчиклаб ўрганади.

1891 йилда бўлгуси адибнинг отаси вафот этади. Отасининг васиятига кўра, Томасга оиланинг ширкати ва Любекдаги катта ҳовли мерос қолади. Отанинг вафотидан сўнг, Томаснинг ҳаётида бир қатор ўзгаришлар юз беради, хусусан, оила Мюнхенга кўчиб ўтади.

Адабиётга болалигиданоқ уйгонган иштиёқ аста-секин Томаснинг ҳаёт мазмунига айланиб боради. У дастлаб «Баҳорги жала» деб номланган адабий-фалсафий журнални ташкил этишда қатнашган бўлса, кейинчалик акаси Генрих томонидан чиқариладиган «XX аср» журналида ўз мақолаларини эълон қилдиради. У армия хизматидан келгач, илк новеллаларини ўқувчи ҳукмига ҳавола қилади. Дастлаб, мансаб ортидан бахт топмоқчи бўлган Томас



бунинг уддасидан чиқолмагач, акаси билан Италияга кетади ва у ерда икки ярим йилга яқин вақт давомида «Будденброклар» («Бир оила инқирози») романи устида ишлайди. 1891 йилда нашрдан чиққан ушбу асар адибга катта шуҳрат келтиради.

Романда Томас ўз сулоласининг ҳаёти, умуман ўша даврда Любек шаҳарчасининг кундалик ҳаёти, унда истиқомат қиладиган одамларнинг турмуш тарзи, орзу-умидларига қиёсан савдогарлар династиясининг инқирозга юз тутиши ва кейин қайта тикланишини тасвирлайди. Асарда бу оиланинг ҳар бир янги вакили вояга етар экан, ўз аждодлари ишини давом эттиришга улар тобора лаёқатсиз бўлиб етишадилар. Бунга моҳиятан уларда бюргерларга хос бўлган талабчанлик, интизом, қатъият каби хислатлар ўрнини фалсафа, мусиқа, ортиқча ҳашамат ва бошқа нарсага эгаллаб олаётганини сабаб қилиб кўрсатишга уринади. Бунинг оқибатида Будденброклар сулоласи тижоратдаги суваффақият ва ютуқлар, қолаверса ўз шаъни ва гуруридан айрилибгина қолмай, ҳатто яшашга бўлган иштиёқини ҳам йўқотиб боради, энг фожиали томони шуки, одамнинг ҳаёлига келмаган тарзда бу оила аъзолари фожиали ўлим топадилар.

Шундан сўнг Маннинг «Тристан» деб номланган ҳикоялар тўплами нашр этилади. Мазкур тўплам ҳам «Будденброклар»дан кам шуҳрат қозонмайди. Тадқиқотчилар фикрича, тўпламдаги «Тонио Крейгер» деб номланган ҳикоя, айниқса, аҳамиятлидир. Бош қаҳрамон уни кўп ҳижрон азобларига дучор этган севгидан воз кечади. У муҳаббат ҳиссини инкор этиб, ўзини санъатга багишлайди. Бироқ ҳаётда у яна муҳаббатга дуч келади. Бу бошқаларнинг ўзаро муҳаббати, севгиси бўлиб қаҳрамон буни ўз ҳаётида кўргани, бундай ҳиссиётлар унга бегона эмаслиги боис ҳаётга

бошқача нигоҳ билан қарай бошлайди. Унда севги дардига мубтало бўлган ҳар қандай инсон ўзини, ўз кечинмаларини кўради, уларга дуч келади.

Томас 1905 йилда профессорлар оиласидан чиққан Катя Пирсингхем исмли заковатли қиз билан турмуш қуради. Улар олти нафар фарзанд кўришади. Энг аҳамиятлиси, улардан уч нафари отасининг изидан бориб, ўз тақдирларини адабиёт билан боғлашади.

Катяга уйланиши Маннинг йирик буржуа вакиллари даврасига қўшилишига ёрдам беради ва энг қизиғи, адиб кайфиятида ҳали омма учун номаълум бўлган сиёсий консерватизм ҳам пайдо бўлади.

1924 йилда адибнинг «Сеҳрли тоғ» романи олам юзини кўради. Унда бош қаҳрамон – ёш муҳандис Ганс Касторп сил билан касалланган холаваччаси Иоахим Цимсенни кўриб кетиш учун уч ҳафтага келиб, ўзи ҳам ушбу санаторий беморига айланиб қолади.

Ушбу асар муайян маънода ғоялар романи деган ном олган. Ганс Маннинг аввалги асарларидаги оқсуяк қаҳрамонларига нисбатан ҳаётда чиниққанроқ, ҳар қандай вазиятда йўлини топиб кетадиганлар тоифасидан. Болалигидан кўп азиятлар чеккан Касторп сил касалига дучор бўлиб етти йил умрини Швейцариядаги тоғ санаториясида ўтказди. Ўқувчи аста-секин англаб борадики, санатория ва унинг беморлари моҳиятан урушгача Европанинг оламшумул рамзи, негаки бунда ўзи рамзлар услуби қўлланилган ва сиз бу инсонларнинг кечинмалари мағзида уруш олови домига тушиш олдидан талвасага тушган одамлар, турмушдан норози, оғир кунлар тақдирига битилганидан бағри хун бўлган кишиларни кўрасиз. Ахир, халқ қачон урушга рози бўлган? Касторп бергерларнинг, таъбир жоиз бўлса, Маннинг тимсоли, унинг мулоҳаза, норозилик ва ғояларини ўзида мужассам этган қаҳрамондир.

Маннинг бадиий юксак асарларидан бири сўзсиз унинг «Иосиф ва унинг акалари» тетралогиясидир. Қарийб ўн икки йиллик ижодий заҳматлари ҳосили бўлмиш ушбу асар ҳаётга қайноқ меҳр билан йўғрилган. Инжилдан олинган қисқагина ривоятдан муаллиф бир инсоннинг умр йўлларидаги бетиним ташвиш ва муваффақиятларни сингдира олган улкан асар яратади.

Манн ижодининг дастлабки йилларида унда пайдо бўлган ёндашувлар, жумладан, сиёсатга қизиқиш, афсоналарга чуқур кириб бориш, Фрейднинг руҳий таҳлилларини синчиклаб ўрганиш иштиёқи самаралари энди адиб асарларида юз кўрсата бошлаган эди. Маннинг ана шу услуб билан яратган «Лотта Веймарда» деб номланган романи унинг Гётега бўлган улкан қизиқиши ҳосиласидир, десак муболага бўлмайди. Бу Гётенинг болалигида китобга меҳрини уйғотган Шарлотта Буфф билан иккинчи учрашуви ҳақидаги ҳикоя асосига қурилган асар. Гёте Европада катта донг қозонган улуг адиб. Роман кўпроқ «Иосиф ва унинг акалари» тетралогияси каби руҳиятни ўрганиш, афсоналар моҳиятига етиш борасидаги ижодий изланишлар мевасидир.

Томас Манн ижодини яратган эсселарисиз тўлақонли деб бўлмайди. Унинг биринчи жаҳон урушигача бўлган даврда яратилган эсселарида маданият мавзуси қаламга олинган бўлса, кейинчалик бош мавзу сиёсат бўлади. Манн болалигидаги кумирларига айланган Шопенгауер, Ницше, Вагнер, шунингдек, Гёте, Толстой, Достоевский, Шиллер ва Фрейдларга бағишланган йирик эсселар яратади. Унинг кейинчалик ёзган асарлари эса икки жаҳон уруши ҳамда гитлеризмнинг пайдо бўлиши ҳақида эди.

Томас Манн 1929 йилда «*Будденброклар*» романи учун Нобель мукофоти билан тақдирланади ва шундан сўнг бутун Европада ва унинг ташқарисидида ҳам катта шуҳрат қозонади, эътироф этилади.

1933 йилдан Германиянинг ўша даврдаги сиёсий вазияти, ҳокимият тепасига Гитлернинг келиши баробарида ўз хоҳиши билан чет элга чиқиб кетган адиб 1944 йилда Америка фуқаролигини олади, ҳатто урушдан кейин ҳам ўз ватанига қайтишни истамайди.

1952 йилда адиб Америка Қўшма Штатларини ҳам тарк этиб, Швейцарияга кўчиб ўтади. Цюрих яқинидаги Кильхбергдан кўним топади. Томас Маннинг Швейцарияга қайтишини кўплаб тадқиқотчилар адибнинг ўз ватанини кўмсаши билан изоҳлашади. Ростдан ҳам, у Германияга мудом ташна эди, ҳамиша ўз юртига интилиб яшади. Ватанининг ўзи тиш-тирноғи билан қарши бўлган сиёсатнинг батамом қурбонига айланган ҳолатини кўриш унга минг чандон оғир эди. 1949 йилда Гёте юбилеи нишонланиши муносабати билан Германияга келган Манн ўша пайтда бўлиб ташланган Германиянинг ҳар икки қисмида ҳам бўлади.

Томас Манн адабиётшунослар томонидан интеллектуал проза устаси сифатида эътироф этилган сўз санъаткоридир. У рус ёзувчилари Лев Толстой ва Достоевскийни ўзига устоз деб билган. Дарҳақиқат, батафсил, деталлаштириб ёзиш услубини у ҳақиқатан ҳам XIX аср рус адабиётидан ўрганган.

Томас Манн асарлари сўзсиз XX асрга хосдир. Ёзувчи яратган романлардаги бош мавзулар кишини ҳайратга солади. Мисол учун, асарларида илгари сурилган қадимги дунёвий тартибларнинг инқирозини англаш, дунё ҳақидаги инсоний тасавурлар ва одамлар тақдирининг ўзгаришлари каби мавзуларнинг муҳаббат ва ишқий муносабатлар уйғунлигида акс эттирилиши адибнинг психологик таҳлил билан чуқур шуғулланиши самараси эди.

СИНКЛЕР ЛЬЮИС

Америкалик романнавис Гарри Синклер Льюис 1885 йилнинг 7 февралда Миннесотти штатининг қоқ марказидаги Соук-Сентер шаҳарчасида таваллуд топган. Отаси Эдвинд Д. Льюис қишлоқ дўхтири, онаси Эмма эса канадалик шифокорнинг қизи бўлган. Онаси сил касалига чалингани боис Льюислар оиласи қиш ойларида мамлакатнинг жануби-



гарбий минтақаларига чиқиб кетар эди. Синклер беш ёшида онасидан айрилади, орадан бир йил ўтгач, унинг отаси Изабель Уорнерга уйланади. Ёзувчининг биографи таъкидлашича, адиб ниҳоятда шафқатсиз буржуача ҳаётда тарбия кўрган.

Синклер кўримсиз, юзларини хуснбузар қоплаган, сариқ соч бола эди, унинг ноодатий қарашлари ва ўзини тутиши тенгдошлари-ю, катталарнинг масхаралаб кулишларига сабаб бўларди. У спорт билан шугулланишни ёқтирмас, овлоқ жойларда китоб ўқиш ёки кўчада ёлғиз сайр қилиш-

ни хуш кўрарди. У Нью-Хейвендаги Йел университетига киришни орзу қиларди ва бунга эришади ҳам. Айнан Йелда Льюис ижод билан шугуллана бошлаган. У ўша пайтда оммабоп бўлган шоирлар Суинберн ва Теннисонларга тақлидан ўрта асрлар услубида шеърлар ёза бошлайди. Биринчи босқич талабаси бўлган пайтида унинг ана шу руҳдаги шеърларидан бири университетнинг адабий журналида эълон қилинади, натижада Льюис мазкур журнал таҳрир ҳайъатида иш бошлайди ва ўзини келажаги бор шоир сифатида намоён қилади. Кўпгина домларар иқтидорли ва ақлли талабага ҳурмат билан қарарди. Таътилда она шаҳрига келган Синклер қиладиган иши бўлмаганидан қишлоқ ҳаёти ҳақида роман ёзишга киришади, асарга дастлаб «Қишлоқча вирус» деб ном қўйган муаллиф орадан ўн беш йил ўтгач, уни «Бош кўча»га айлантиради.

Синклер китобларига материал тўплаш мақсадида 1904 ва 1906 йилларда ёзги таътилда қорамол ташувчи баржаларда Англияга боради. 1906 йилда, одатдагидек, таътидан сўнг Йельга қайтади, аммо тез орада Нью-Хейвенни тарк этиб, Элтон Синклернинг Нью-Жерси штатидаги социалистик коммунасига қоровул бўлиб кетади. Аммо университетдаги каби социалистик коммунада ҳам тезда зерикади ва Нью-Йоркка боришга қарор қилади. Энди унинг шеърлари шаҳардаги турли нашрларда босилиб турар, ўзи ҳам «Трансатлантик тейлз» журналининг муҳарририга ўринбосар этиб тайинланган эди.

Льюис кейинчалик Панамага ўтади ва бу ерда канал қурилишида биров муддат кўшимча пул ишлаб юради. У ўзига иш излаш билан овора эди. 1908 йилда Йелга қайтиб келган бўлажак ёзувчи июнь ойига бориб дипломини қўлга олади. Айни шу ойлarda Льюиснинг бир нечта шеъри Сан-Францискода чиқадиган журналда чоп этилади. Уни юқори баҳолаган Уильям Роз Бене шоирга руҳлантирувчи мазмунда мактуб юборади. Льюис бир оз вақт уйида бўлиб, яна Сан-Франциско, Уотерлу, Вашингтон шаҳарларида журналист сифатида ишлаб юради, барибир у бирор жойда ҳам кўним тополмайди. Бир газета уни ишдан бўшатиб юборса, бошқасида ишлашни унинг ўзи истамасди.

Озгина муддат Калифорнияда истиқомат қилган Синклер бу шаҳарда Жорж Стерлинг ва Жек Лондонлар билан танишиб қолади. Ўз ҳикояларини чоп эттиришга имкон топа олмаган ижодкор Жек Лондонга бир нечта ғояларини пуллаган. Адибнинг илк босмадан чиққан асари «Аэропландаги сайр» бўлди. У асарга Том Грем тахаллусини қўйган. Бир йил ўтмай, ёзувчининг жиддий романларидан бири «Бизнинг мистер Ренн» олам юзини кўради. Унда ёш ҳаёлпараст йигит ҳақида ҳикоя қилинади. Саргузаштлар билан Лондонга келган ўсмирни бу шаҳарда севги ва умидсизлик кутиб турарди, у анча хушёр тортади ва шак-шубҳасиз, Америкада ҳаётга жиддий кўз билан қарашни ўрганиб қайтади.

Бундан сўнг адиб ўзининг «Лочиннинг парвози» романини эълон қилади. Америкалик танқидчи Мартин Лайд уни «*Дон Кихот руҳидаги жонли, ҳаётбахш асар*» дея баҳолайди. Гарчи ҳар икки роман ҳам яхши қабул қилинганига қарамай, уларга берилган қалам ҳақи унча катта эмасди. 1914 йилда Льюис Грейс Ливингстон Хеггерга уйланган. Улар тугилган фарзандга инглиз ёзувчиси Герберт Уэллс шарафига Уэллс деб исм қўйишади. 1928 йилда эса улар ажрашишади, орадан бир неча ҳафта ўтиб, Льюис таниқли журналист аёл Дороти Томпсон билан никоҳдан ўтади. Уларнинг ҳам ўғил фарзандлари бўлиб, болага Майкл дея исм қўйишган. Адиб Дороти билан ҳам 1942 йилда ажрашган.

1915 йилда газеталардан бири Льюиснинг «Табиат» ҳикояси учун минг доллар миқдорида қалам ҳақи тўлайди ва бир қатор фойдали таклифлар беради. Бу янгиликлар боис Льюис Жорж Дорэн нашриётидаги ишини ташлаб, фақат ижод қилишни маъқул кўради. Тўрт йил мобайнида оммабоп нашрлар учун кўплаб ҳикоялар ёзган адиб, шунингдек, турли даражада чиққан тўртта романни ҳам ёзиб тугатади. «Меҳнат» романи Льюиснинг энг сара асарларидан бири саналса, «Оми одам» улардан энг муваффақиятсиз чиққани ҳисобланади. «Эркин табиат қўйнида» романи адибнинг Америкага саёҳати ҳақидаги ҳикоясидир. 1920 йилда «Бош кўча»нинг пайдо бўлиши билан Льюис йирик ёзувчи ва ижтимоий танқидчи мақомига эришади. Бунгача америкалик ёзувчилар марказдан узоқда жойлашган қишлоқлар ҳаётини ачиниш ва ҳажв тиғи билан тасвирлаб, сокин қишлоқ муҳитини шаҳарнинг беқарор ва ҳолдан тойдирувчи турмушига қарши қўйишарди. Льюис эса Америка ичкарисидаги қишлоқларга хос расм-русмларнинг ўзига хослиги ҳақида маҳорат билан ҳикоя қилган. Асар қаҳрамони Кэрол Кенникот совуққон қишлоқ дўхтирига турмушга чиқади ва шаҳарликларни ўзининг завқ-шавқи ва маданий ғоялари билан жалб этиш илинжида Гофер-Прерига кўчиб боради. Бироқ ўзи бу ерда овлоқ қишлоқ ҳаётининг қотиб қолган, риёкор «касаллиги»га чалиниб қолади.

Бадий ижод намунаси сифатида «Бош кўча» романи бир овоздан олқишланади. Америкалик адабиётшунос олим Стенсон Кобленц асар

эълон қилинганидан бир неча ҳафта ўтгач шундай фикр билдирган: «Жейн Остин ҳам, Жорж Элиот ҳам Англиянинг қишлоқ ҳаётини Льюиснинг Американинг замонавий қишлоқ ҳаётини бутун даражаси, шавқи, юмори, майдакашлиги ва қудратли улғуворлигини ифодали ва таъсирчан очиб бергани каби ёрита олмаган». «У Диккенсни ёддан биларди, — деб ёзади бошқа бир танқидчи Перри Миллер. — «Бош кўча» каби асарларида Диккенс услубини бугунги Америкага бадиий бўрттирма сифатида қўллашга ҳаракат қилган».

«Бош кўча»дан кейин пайдо бўлган асарларида адиб Америка жамиятининг турли муаммоларини илгари суришга ҳаракат қилган. Мисол учун, «Бэббит» (1922)да ўрта табақадаги тadbиркорларга хос иккиюзламачиликни, «Эроусмит» (1925)да тақводор кишилар фаолиятининг яширин томонини, «Додсворт» (1929) романида эса манман ишбилармон кишининг ҳаёти мисолида америкача ва европача маданиятлар орасидаги зиддиятни кўрсатиб берган.

Йигирманчи йилларда Льюисни Америка адабиётидаги энг атоқли ёзувчилар қаторига қўйишарди. Масалан, танқидчи Менкен «Бэббит»ни «олий даражадаги ижтимоий ҳужжат» дея баҳолаган. 1926 йилда адиб Пулицеров адабий мукофотига лойиқ топилади, аммо у мазкур мукофотни рад этади, адибнинг фикрича, адабий мукофотларга ишониб бўлмайди, бунинг устига ундан кучлироқ ва муносиброқ ёзувчилар бор. Шундан кейин унинг обрўси янада ошади.

1930 йилда Швеция академияси Льюис Синклерни «қудратли ва ифодали ҳикоя санъати ҳамда сатира ва юмор йўли билан янги тип ва характерлар яратиш борасидаги фавқуллодда маҳорати учун» адабиёт йўналишидаги Нобель мукофоти билан тақдирлади. Академия аъзоси Карлфельд ўзининг табрик сўзида шундай дейди: «Ҳа, Синклер америкалик. У янги, 120 миллион халқ сўзлашадиган америкача тилда ёзади. Унинг ижоди янги Америка адабиёти ўзини танқид қилишдан бошлаганини кўрсатади. Бу соғлом фикрнинг белгиси. Льюис биринчи кўчиб келганларнинг феъл-атворини ўзида мужассам этади. У биринчи бўлиб етиб келган ҳақиқий америкаликдир».

«Америкаликларнинг адабиётдан қўруви» деб номланган Нобель маърузасида Синклер Эмерсон, Лонгфелло, Лоуэлл, Хольмс, Элкоттларни европаликларнинг йиғлоқи тақлидчилари сифатида баҳолаб, Хемлин Гарленд каби ёзувчиларни олқишлайди. Унинг фикрича, бу тоифа ёзувчилар Америка ҳаётини ҳаққоний акс эттирган.

Адибнинг кейинги йилларда эълон қилинган ўнта романидан бир нечтасигина юқори даражада чиққан, холос. «Бизда бунинг имкони йўқ»(1935) романидаги воқеалар АҚШда бўлиб ўтади, унда Буюк депсиниш даври акс эттирилган. «Кэсс Тимберлейн» (1945) асаридаги қаҳрамон — ёши бир жойга бориб қолган судья енгил табиатли 24 яшар Жинни Маршлэндга ошиқ бўлади.

Умри давомида кўп ичган ёзувчи соғлиғини ҳам йўқотган эди. Охирги йилларини Италияда ўтказган адибнинг сўнгги «Олам шунчалар кенги...» номли романи унинг вафотидан кейин нашр этилган.

Ёзувчи 1951 йил 10 январь куни Римда оламдан кўз юмган.

Льюис ижодини танқидчилар икки томонлама баҳолайди. 1940 йилда америкалик адабиётшунос уни «*ўзига нисбатан принципиал даражада танқидий қарамайдиган ижодкор*», дея баҳолаган. «*Льюис адабиётга йигирманчи асрдаги жонга теккан америкача дидсизлик, ҳатто уларнинг ўзларига ҳам аниқ бўлиб қолган бир пайтда кириб келди, — деб ёзади Лундквист. — Льюис катта ва кичик шаҳарларда уй бекаси, тадбиркор, олим, руҳоний, саноатчилар ҳаётида нималар бўлиб ўтаётганини тасвирлар экан, бизни ҳамма жойда таъқиб қилиб келаётган кўрқувдан халос қилади*».

ЭРИК АКСЕЛЬ КАРЛФЕЛЬД

Эрик Карлфельд 1864 йилнинг 20 июль куни Швеция марказида жойлашган Далекарлиа шаҳридаги Фолькерн қўрғонида туғилган. Унинг отаси Эрик Эрссон Карлфельдт мустақил равишда ўрганиб етишган ҳуқуқшунос эди. Онаси, қизлик исм-шарифи Анна Йансдоттер шоирнинг отасига турмушга чиққанида бева эди. Эрикнинг ёшлиги гам-ташвиш нима эканини билмай, марказий Швециянинг сокин қишлоқ туманида кечади. Ҳаммаси Эрикнинг Упсал университетига ўқишга кирганидан кейин бошланади. Унинг отаси инқирозга учрайди ва оқибатда Толфмансгордендаги хос ҳовлини сотишга мажбур бўлади. Кўп ўтмай эса вафот этади.



Карлфельдт энди яшашга пул топиш учун бировларнинг болаларини уйига бориб ўқитар, бу жараёнда кўп қийналарди. Ахир бир ёқда ўзи ҳам талаба эди-да. Эрик 1902 йилга келибгина университетни тамомлайди. Бир йил мобайнида муаллимлик қилгач, Стокгольмдаги Қишлоқ хўжалик академиясида кутубхоначилик қила бошлайди.

Шоирнинг илк ижодий иши «Ёввойи табиат ва муҳаббат ҳақида кўшиқлар» шеърий тўпламидаги асосий мавзу Далекарлиадаги деҳқонлар ҳаёти эди, уларда муаллиф қадимий шведларга хос тилга мурожаат қилар экан, бунда афсоналар руҳи барқ уриб туради. Карлфельдт поэзияси этнография жиҳатдан аниқликка эга, лирик жиҳатдан чуқур ва руҳияти томондан анъанавий бўлиб, унинг шеърларида оддий

кишилар ҳаёти, деҳқонларга хос яшаш тарзи ва маданиятига бўлган соғинч ҳиссини англаш мумкин. Бу ҳаёт ва маданият Швецияни саноатлаштириш ва жамият ҳаётида шаҳарлар ўрнининг ошиб бориши билан аста-секин йўқолиб бораётган эди.

Шоирнинг «Фридолиннинг қўшиқлари» (1898) ва «Фридолиннинг лаззат боғлари» (1901) шеърий китоблари бир сўз билан Фридолин номли лирик қаҳрамон номи билан атала бошлади. Гарчи Карлфельдт Далекарлиа ҳақида ёзишдан ҳеч қачон тўхтамаган бўлса-да, унинг шеърияти давр ўтиб пишиб боради, ёруғликни, яхши кайфиятни уйғотувчи асарлар ўрнига энди унинг турли оҳанг ва кайфиятни англаувчи, кейинроқ эса ниҳоятда мукамал ва ҳатто руҳияти билан кескин тушкунликка мойил бўлган ижодий ишлари пайдо бўла боради.

1904 йилда уни Швеция академиясига аъзо этиб сайлашади. Орадан уч йил ўтиб, у адабиёт бўйича Нобель мукофоти қўмитасининг аъзосига айланади. 1912 йилда Карлфельдт мазкур қўмитанинг доимий котиби этиб тайинланади. У бу лавозимда ишлаган кезларда бир неча бор мукофотга тавсия қилинган, ammo қўмитадаги мавқеи, академиядаги обрўсидан келиб чиқиб, мукофотдан воз кечган ва бу билан у бундай ижодкорлардан саноқчиларигина мансуб бўлган тоифага киради. Қолаверса, шоир яхши билардики, унинг ижоди Швециядан ташқарида кўпчиликка маълум эмас ва айни шу ҳолат келгусида турли қарашлар ва муҳокамаларга сабаб бўлиши ҳам муқаррар эди.

Карлфельдт насрда ижод қилмаган ҳисоб. Унинг бу жанрда ёзган ягона иши 1911 йилда вафот этган швед шоири Густаф Фредингга ёзилган таъзиянома эди. Дарвоқе, 1930 йилда Синклер Льюисга Нобель мукофоти берилиши муносабати билан бўлиб ўтган маросимга маъруза ҳам ёзган эди, бор-йўғи шу.

Дарвоқе, ўзи тўғри эътироф этганидек, Карлфельдт Швецияда жуда юқори баҳоланиши баробарида мамлакат ташқарисида унинг ижоди яхши тарқалмаган эди. Бунга асосий сабаблардан бири, унинг шеърларини бошқа тилларга ўгиришнинг қийинлигида ҳамдир. Чунки швед деҳқонларининг тили билан етказиладиган швед тили идиома-тикалари ва эскирган сўз ва иборалари бу асарларнинг ўзагини ташкил этади. Бу ўз-ўзидан, манаман деган таржимонни ҳам қийнаб қўяди ва энг аввало, бу ишга ўйлаб қўл уришини тақозо этади.

Карлфельдт 1916 йилда Герде Хольм-берг исмли қизга уйланган. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Герде шоирдан йигирма ёш кичик эди. Оилада икки фарзанд туғилган

1931 йилнинг 8 апрель куни Карлфельдт тўсатдан вафот этади. Орадан олти ой ўтгач, Швеция академияси «*поэзияси учун*» Эрик Карлфельдтни адабиёт соҳасидаги Нобель мукофоти билан тақдирлаш ҳақида қарор қабул қилади.

Академиянинг бу қарори турли муҳокамалар, норозиликларни келтириб чиқаради. Чунки шоир оламдан ўтган эди. Академиклар бу

қарашлар ва эътирозларга қуйидагича жавоб беришади: «Агар номзод илк бор мукофотга тавсия этилган пайтда ҳали ҳаёт бўлса, унга мукофотни бериш ҳақида қарор қабул қилиш мукофотни бериш қоидаларига мос келади». Оқибатда мукофот шоирнинг оиласига берилади.

Швеция академияси аъзоси Андерс Эстерлинг ўз маърузасида шундай деган эди: «Қўл билан ясаладиган нарсалар ҳали жуда кам учрайдиган замонлар ҳақида Карлфельдтнинг маҳорат билан ўтқирилган тилидан янграйдиган шеърларида ниҳоятда ўзига хос жозиба бор, мен айтардимки, бу ўта юқори маънавиятга молик аҳамият касб этувчи ҳодисадир. Шоирнинг йўқолиб кетаётган тарихдан, ўтмишдан ўзида илҳом пайдо қилиб, тасвирларида ҳайратланарли тарзда ноанъанавийликка эриша олганидан келиб чиқиб уни новатор ижодкор деб атаса ҳеч ҳам муболаға бўлмайди. Ахир, бу томонда модернчилар ўткинчи тил урфларидангина фойдаланиб яна ўзларига бундан қаноат ҳосил қилиб юрганликлари ҳам бор гап-ку...»

Америкалик адабий танқидчи Альрик Густафсон Карлфельдтнинг адабиётга қўшган ҳиссасини шундай таърифлайди: «У Швециянинг энг буюк шоирларидан бири. Унинг шеърлари жуда пухта ўйлангани, ўта нозик дид билан яратилганлиги, салобати ва бошқа учрамайдиган даражада маҳорат билан ифодалангани билан ажралиб туради. Карлфельдтнинг шведрий услуби анъанавий, аммо унга хос анъанавийликда ҳам ўзига хослик мужассам...»

Америкалик таржимон Чарлз Уортон Сторк 1940 йилда ўз тадқиқотлари хулосаларини шундай келтиради: «Карлфельдтчалик заминга ва халққа яқин келган бошқа швед шоири йўқдир. Унинг ниҳоятда юқори маълумотлилигини эътироф этганим ҳолда, унинг دوимий мавзулари она замин ва осмон ҳақида эканини ҳам айтгим келади».

Мана шунақа гаплар, аммо... Аммо яна бир ҳақиқат шундан иборатки, бугунги замонда адабиёт олами Карлфельдтни унутиб қўйгандек. Чунки, унинг шеърлари Швециядан ташқаридаги китобхонга етиб келгани йўқ, уларни ўқиш ва юқоридаги гўзал таъриф ва тавсифлар омили бўлган асарлардан баҳраманд бўлишнинг имкони йўқ. Танқидчилар ҳам унинг ижодига қарийб мурожаат қилмайдилар.

ЖОН ГОЛСУОРСИ

Инглиз ёзувчиси, драматург ва шоир Жон Голсуорси 1867 йил 14 августда Суррей графлигига қарашли Кума шаҳрида бадавлат хонадонда таваллуд топган. Отаси ҳуқуқшунос, Лондондаги компаниялардан бирининг директори Жон Голсуорси ва онаси Бланшларнинг ягона ўгли бўлган болакай Харроу ва Оксфорд университетларида таҳсил олади. 1890 йилда адвокат бўлиб етишади-ю, аммо ҳуқуқ соҳасида ишламайди. Сув транспорти соҳасида ҳуқуқий билимини янада ошириш мақсадида бутун дунё бўйлаб саёҳатга чиқар экан, бўлажак ёзувчи кейинчалик бир умрга дўст бўлиб қолган Жозеф Конрад билан танишиб қолади.



Жон 28 ёшида амакиваччаси Артурнинг хотини Аданинг таъсири остида ёзувчи бўлишга қарор қилади ва 1897 йилда Жон Синжон тахаллуси билан илк китобини чиқаради. Бу ҳикоялар тўплами «Тўрт тарафнинг шамоли» номи билан чиққан, орадан бир йил ўтиб, «Жослин» романи, 1900 йилда эса «Рубейн вилласи» деб номланган навбатдаги романи китобхон ҳукмига ҳавола қилинади. 1901 йилда эълон қилган ҳикоялар тўпламида муаллиф Форсайтлар оиласи ҳақида эслатиб ўтади. Голсуорси Тургенев, Мопассан ва Лев Толстойларнинг таъсири билан ўзининг бешинчи китоби «Фарисейлар

ороли»ни уч йил давомида жиддий тайёрлайди. Мазкур асар унинг ўзининг ҳақиқий номидан эълон қилган биринчи романи бўлади.

1904 йилда отаси вафот этгач, Жон иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлиб олади ва Ада эридан ажрашиб, бу ерга кўчиб келади ҳамда улар оила қуришади. Тўққиз йил мобайнидаги жамоатчилик танбеҳи, қолаверса, қариндош-уруглarning қаттиқ қарши туришларидан сўнг яширмасдан биргаликда яшаш имконияти адибнинг «Молпараст» романига илҳом беради. Сомс ва Ирен Форсайтларнинг муносабатлари тимсолида Аданинг бахтсиз кечган биринчи никоҳини қаламга олган ёзувчи энди адабий жамоатчилик наздида жиддий ижодкор мақомига эга бўлган ва ушбу асар унга ниҳоятда катта шуҳрат олиб келганди. Дадли Баркер тасдиқлашча, муаллиф *«йирик буржуазиянинг суратини чизиб қўя қолган»*ди. «Молпараст» «Форсайтлар ҳақидаги дostonлар» трилогиясининг биринчи китоби бўлиб қолади. Голсуорси то биринчи жаҳон уруши тугагунига қадар Форсайтлар мавзусига қайтмаган эди. Аммо бу вақтгача, 1907 йилда унинг унча кўп бўлмаган мулк эгалари бўлган дворянлар ҳаётидан олинган «Кўргонча», 1909 йилда зиёлилар ҳақидаги «Биродарлик» ва 1911 йилда зодагонлар турмуши ҳақида ҳикоя қилувчи «Зодагон» романлари чиқади.

1906 йилда адибнинг «Кумуш ғаладон» деб номланган якунланган сахна асари театрлаштирилгач, Голсуорси драматург сифатида ҳам тан олинади. Биринчи жаҳон урушигача унинг энг муваффақиятли чиққан «Кураш»(1909) ва «Адолат»(1910) асарларини келтириш мумкин. Ҳар уч пьеса ҳам реалистик йўлда ёзилган бўлиб, уларда ижтимоий суиистъмолликлар акс эттирилган. «Адолат»да якка тартибда қамоқда сақлаш тажрибаси танқид остига олинган.

Голсуорси 1917 йилда ёзувчи ва ислоҳотчилар бундай унвонларни олишлари тўғри эмас, деган мулоҳаза билан рицарлик унвонини рад этган. «Беш тақдир» номи остида чоп этилган навбатдаги тўпلامга киритилган асарлардан бири «Форсайтнинг сўнгги ёзи» ҳикоясида адиб

яна Форсайтлар мавзусига мурожаат қилган эди. «Сиртмоқда» деб номланган, трилогиянинг иккинчи томи бўлган роман 1920 йилда, учликнинг охириг асари бўлмиш «Ижарага берилади» китоби 1921 йилда нашрдан чиққан. Ёзувчининг бир томлик «Форсайтлар ҳақида дostonлар»(1922) китоби беқиёс шуҳрат қозонади, энди Голсуорси инглиз-америка адабиётидаги етакчи шахсга айланади.

Ҳар куни эрта тонгда ёзиш одатига сўзсиз равишда риоя қилган адиб ўзидан ниҳоятда катта ижодий мерос – 20 та роман, 27 та пьеса, 3 та шеърый тўплам, 173 ҳикоя, 5 та эсселар тўплами, камида 700 та ёзишмалар, кўплаб очерк ва турли мазмундаги қайдлар қолдирган. Форсайтлар ҳақидаги иккинчи трилогияси – «Замонавий комедия» асарини ёзувчи 1928 йилда тугатади. Адибнинг сўнгги трилогияси «Фаслнинг тугаши» Чаруэллар оиласига бағишланган бўлиб, китоб ҳолида муаллифнинг рафиқаси томонидан 1933 йилда чоп этилган.

1929 йилда «Буюк хизматлари учун» Британия орденига сазовор бўлган Голсуорси 1932 йилда Швеция академияси аъзоларининг яқдил қарорига мувофиқ «*Юқори чўққиси «Форсайтлар ҳақидаги дostonлар» асари бўлган юксак даражадаги ҳикоя қилиш санъати учун*» адабиёт йўналишидаги Нобель мукофотига лойиқ топилади. Академия аъзоси Андерс Эстерлинг табрик сўзини шундай бошлайди: «*Ёзувчининг ҳажм ва тўпланган материалларининг чуқур мазмундорлиги борасида ҳайратланарли даражада мукамал муваффақиятга эришгани унинг учун катта шарафдир*». «Форсайтлар ҳақидаги дostonлар» инглиз адабиётидаги сезиларли воқеадир. Голсуорси оғир бетоблиги сабаб Стокгольмга бора олмайди. Ушбу маросимдан икки ой ҳам ўтмасдан ёзувчи бу ёруғ оламдан кўз юмади.

Вафотидан кейин Голсуорсининг шуҳрати сўниб борди, десак муболаға бўлмайди. Унинг ашаддий танқидчилари Лоуренс ва Виржиния Вульф эди. Вульф Беннетт ва Герберт Уэллс каби замондошларига ўхшаб Голсуорсини тарғиботчиликда айблайди, шундай ярим кинояли хулоса қилади: «*Унинг романлари якунига етиши учун қаҳрамони бир балоларни қилиши керак, қанақадир жамиятга аъзо бўлиб кириши ёки ундан ҳам даҳшатлироғи, чек ёзиб бериши лозим бўлади*». Бернард Бергонци фикрлари эса қуйидагича: «*Зодагонларча шароитларни бузиб ёзувчиликни танлаган Голсуорси бу борада ўзини намоян қилибоқ ўз табақаси ва тарбиясининг хурофотлари қурбонига айланди. Голсуорси ажойиб ҳикоячи бўлиб қолаверди. Аммо ҳажвий йўлни тарк этгани замон унинг ижоди ўзининг эҳтиросли моҳиятини йўқотди...*»

Инглиз ёзувчиси Бёрджесс ўзининг «New York Times Magazine» нашрида эълон қилинган мақоласида Голсуорсининг «*Томас Манн каби адабиёт гигантларига улкан таъсир кўрсатгани, Францияда уни севиб ўқишлари, Россияда эса тавоб қилишлари*» билан бирга «*ўз ватани Англияда ўқувчи қалбини ўртача забт этгани-ю, зиёлилар қавми эса уни рад этгани*»ни таъкидлайди.

Голсуорси ҳаётлиги пайтида Тринити коллежи, Дублин университети, Кембриж, Оксфорд, Принстон, Манчестер ва Шеффилд университетларининг фахрий даражаларига лойиқ топилган.

ИВАН АЛЕКСЕЕВИЧ БУНИН



Иван Алексеевич Бунин 1870 йилнинг 22 октябрида Россиянинг марказий қисми бўлган Воронеж атофидаги қишлоқлардан бирида таваллуд топган. Иваннинг отаси Алексей Николаевич ва онаси Людмила Александровна дворянлар авлодига мансуб эди, 1861 йилда крепостнойлик бекор қилинган, Бунилар ночор аҳволга тушиб, ҳатто йигирманчи асрга келиб, хонавайрон бўлишига бир баҳя қолганди.

11 ёшигача Иванни уйда тарбиялашади. 1881 йилда у Елецдаги гимназияга ўқишга киради. Аммо оиланинг молиявий аҳволи кўтармагани сабаб тўрт йилдан сўнг ўқишни ташлашга мажбур бўлади. Энди уни уйда ниҳоятда билимли ва шу билан бирга радикал характерга эга бўлган акаси Юлий тарбиялай бошлайди. Келиб чиқиши аристократ бўлган Иван акасидаги сиёсий радикализмга бўлган мойилликни қабул қила олмасди. Укасининг адабиётга бўлган қизиқишини иллаган Юлий Иванни рус классик адабиёти билан таништиради, бўлажак ёзувчи болалигиданоқ Пушкин, Гоголь ва Лермонтовлар ижодини берилиб ўқийди, ўзи ҳам ўн етти ёшига бориб шеърлар ёза бошлайди.

1889 йилда Бунин маҳаллий «Орловский вестник» газетасига мусаҳҳиҳликка ишга жойлашади ва шу жамоада ишлайдиган Варвара Пашенко исмли қизни севиб қолади, бунга ота-онаси рози бўлмагач, уларнинг қаршилигига қарамай, Варвара билан Полтавага кетади. Икковининг муносабатлари 1894 йилгача, яъни Варвара Бунининг дўсти Бибиқовга турмушга чиққунигача давом этган.

Бунининг илк тўплами 1891 йилда адабий журналлардан бирининг иловасида чоп этилади. Ундаги шеърлар услуб жиҳатидан классик бўлиб, образларга бойлиги билан ажралиб турарди. Шеър ёзиш билан бирга Бунин ҳикоялар ҳам машқ қилар, унинг насрий асарлари адабий журналларда босилиб чиқар, ўзи Антон Чехов билан ёзишмалар алмаша бошлаган эди. 1895 йилга келиб бу икки ёзувчи учрашишади ва қалин дўст бўлиб қолишади. Ижодларида муайян яқинлик бўлишига қарамай, мавзу ва услуб жиҳатидан икки ёзувчи бир-бирига мутлақо ўхшамайдиган бошқа-бошқа олам эдилар. Мисол учун, Бунин ўзининг анъанавий

бўлган ҳикоя қилиш услубида кўпроқ устунликни сюжетга берарди ва баён қилиш усули таг-туғи билан Чеховнинг илғор камсўзлигидан фарқланарди. Консерватив руҳдаги дўстлари — пианиночи ва бастакор Сергей Рахманинов ва кўшиқчи Фёдор Шаляпинлар каби Бунин ҳам санъатга анъанавий қарашлар билан ёндашар эди.

Ўн тўққизинчи асрнинг тўқсонинчи йилларида Бунин Лев Толстойнинг табиатга яқинлик, қўл меҳнатини улуглаш, зулмга зўравонлик билан қарши курашмаслик каби фалсафий ғоялари таъсирида ижод қилади.

1895 йилдан бошлаб Бунин Москва ва Петербургда яшайди. У 1891 йилдаги очлик, 1892 йилдаги вабо, деҳқонларнинг Сибирга жўнатилиши, дворянларнинг қашшоқлашуви мавзуларидаги «Хуторда», «Ватандан дараклар» ва «Дунёнинг четида» ҳикоялари эълон қилинган, адабий жамоатчилик орасида шуҳрат отига минади. Бунин илк ҳикоялари тўпламига «Дунёнинг четида» деб ном қўяди. 1898 йилда «Очиқ осмон остида» номи билан янги шеърый тўплами чиқади. Буниннинг шу йили босмадан чиққан Лонгфеллонинг «Гайавата ҳақида кўшиқлар» асари таржимаси адабиётчилар томонидан жуда илиқ кутиб олинади ва биринчи даражали Пушкин мукофоти билан тақдирланади. Орадан бир йил ўтиб, у грек инқилобчисининг қизи бўлган Анна Какнига уйланади, аммо бу никоҳ узоққа чўзилмайди, уларнинг 1900 йилда туғилган ўғли беш ёшида қизилча касаллигидан вафот этади.

1899 йилда Бунин Горький билан танишади ва бу танишув самараси ўлароқ у «Знание» нашри билан ҳамкорлик қила бошлайди. Горькийнинг ижодидаги кўтаринки реализм ва баъзи қарашлар Бунинга хуш келавермаса-да, у ўзининг «Хазонрезги» деб номланган шеърый тўпламини Горькийга бағишлаган.

Йигирманчи асрнинг илк йилларида Бунин асосан инглиз ва француз шоирларининг асарларини рус тилига таржима қилиш билан машғул бўлади. Теннисон, Байрон, шунингдек, Альфред де Мюссе ва Франсуа Коппеларнинг бир қатор асарлари шулар жумласидандир. 1900 йилдан 1909 йилгача эълон қилинган машҳур «Антонов олмалари», «Қайрағочлар» ҳикояларида муаллифнинг дворянлар маконларининг тарқаб кетганидан, шу билан бирга шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ўртасидаги миграциядан норозилиги акс этган.

1906 йилда Бунин Москва шаҳар думаси аъзосининг қизи бўлмиш Вера Николаевна Муромцевага кўнгили қўяди ва улар бирга яшай бошлайдилар. Адибнинг насрий поэмаси «Қишлоқ» ҳам шу даврда яратилган. Бу биринчи йирик асарида муаллиф 1905 йил инқилобидан кейин рус деҳқонларининг аянчли кечган тақдирларини қаламга олган. Гарчи бу асари либерал қарашдаги ижодкорларга маъқул келмаган бўлса-да, Буниннинг шуҳрати кундан-кун ошиб боради. 1911 йилда Горький Бунинни «*энг яхши замонавий ёзувчи*», дея атаган эди. 1912 йилда адибнинг «Сувсиз водий» қиссаси эълон қилинади, бу асарда помеш-

чикларга хос оила ва унинг хизматкорларининг келиб чиқиши аёвсиз тарзда очиб ташланган. Америкалик миллионернинг Капридаги ўлими баён этилган «Сан-Францисколик жаноб» ҳикояси ёзувчининг энг машҳур ҳикояларидан биридир.

Ёзувчи 1917 йилдаги инқилобдан сўнг Москвани тарк этиб, икки йил Одессада яшайди. Кейин, узоқ вақт давом этган саргардонликдан сўнг, 1920 йилда Муромцева билан Францияга келади. Улар дастлаб Парижда, кейин Ривьерда кун кечира бошлайдилар. 1922 йилда, ниҳоят улар никоҳдан ўтишади. Бунинг большевикларга нафрат билан қарар эди. 1933 йилда эълон қилинган «Арсеньев тақдири» қиссасида ёзувчи инқилобгача бўлган даврга хос бир қатор реал ва ўйлаб топилган образлар яратадики, бу асарнинг танқидчилар томонидан юксак баҳоланишига олиб келади.

1933 йилда Бунинга адабиёт соҳасидаги Нобель мукофоти берилди. Қўмита ўз қарорига шундай изоҳ берган: *«Прозада рус классик анъана-ларини тараққий эттирган талабчан маҳорати учун»*. Швеция академияси аъзоси Пер Хальстрем мукофотни топириш маросимида сўзлаган маърузасида Буниннинг поэтик маҳорати юксак баҳо берар экан, унинг реал ҳаётни ниҳоятда таъсирчан ва аниқ тасвирлаб беришига алоҳида тўхталади. Ўз жавоб сўзида Бунин қўмитанинг муҳожир ёзувчига мукофотни лойиқ кўриб катта жасорат кўрсатганлигини таъкидлаб ўтади.

Ажойиб ёзувчи Борис Зайцев ўша кунлар ҳақида шундай ҳикоя қилган эди: *«Қаранг-а, биз қандайдир иккинчи даражали одамлар — муҳожирлар бўлсак, яна муҳожир ёзувчига Нобель мукофоти беришибди-а. Яна сиёсий ёзишмалари учун эмас, ҳар қалай, бадиий ижоди учун...»*

Бунин кўп минг сонли мухлисларининг истакларини инобатга олиб, 1934 йилдан 1936 йилгача 11 томлик асарлар тўпламини тайёрлайди, сайланма Берлиндаги «Петрополис» нашриётида босмадан чиққан. Ёзувчи ўз мактублари ва кундаликларидан ватанига қайтишни истагини ёзган. Аммо қарилик ва оғир хасталиклар бунга йўл бермаган. Балки, энг муҳими, унинг осойишта ва беҳавотир яшашига, китобларини нашр этишга рухсат беришларига ишонмаслиги бунинг бош сабаби бўлгандир? Бунинг иккиланарди. Ахматова ва Зоценколар иши, матбуотдаги шов-шувлардан кейин унинг қарори аниқ бўлади. У ватанига қайтмасликка аҳд қилади.

Адиб умрининг охирида ҳали аср бошида ёзмоқчи бўлгани — Чехов ҳақидаги хотираларини яратишга киришади, аммо бу иш поёнига етмай қолади, узоқ вақт давом этган касалликдан сўнг, у 1953 йилда вафот этади.

Россиялик муҳожир ёзувчи Набоковнинг фикрича, Буниннинг поэзиядаги маҳорати прозадаги ижодидан баланд келади. Бу хулосани итальян адабиётшуноси Ренато Пожиоли Буниннинг шеърларидаги аниқлик ва раволик насрий асарларига нисбатан кучли экани билан изоҳлайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўтган асрнинг 30-йилларида Бунин хорижда юрган энг маҳоратли рус ёзувчиси деган номга эришган бўлса-да, уни ҳеч ким Толстой ёки Чехов билан бир қаторга қўйган эмас. Ҳозирги кунда гарбда Бунин асарлари катта шуҳратга эга бўлмаса ҳам, танқидчилар унинг ижодига юқори баҳо бериб келишади. Ёзувчининг энг нодир асари деб «Арсеньевнинг тақдири»ни ҳисоблашади. Аммо ушбу асар ҳақида тўхталар экан, америкалик адабиётшунос Марк Ван Дорен Бунинни мазкур асарда адабий шакл сифатида таржимаи ҳолга ҳалдан ортиқ берилиб кетганликда айблайди. Пожиоли эса «Арсеньев тақдири»нинг барча қирраларига қарамай, Буниннинг ижодий камолотини унинг бошқа асарларидан, жумладан, қисқагина ҳажмда бўлса-да, «Сувсиз водий» қиссасидан ёки ўша «Сан-Францисколик жаноб»дан излаш керак, деган фикрни олга суради.


Кўпгина замондошлари Буниннинг қуруқ ва совуққон одам бўлганини таъкидлайди. Муромцева-Бунина шундай дейди: *«Ҳақиқатан ҳам... уни маҳоратли актёр дейиш мумкин эди. Аммо кимки уни яхши билса, унинг қалби нақадар меҳрли бўлганини ҳам англади. У ҳаммага дардини дoston қилаверадиган очиқ одамлар тоифасига кирмасди. У шахс сифатида айрича эди».*

ЛУИЖИ ПИРАНДЕЛЛО

Луизи Пиранделло 1867 йил июнь ойининг 27 санасида Италиянинг Сицилия шаҳридаги Жирженти (ҳозирги Агриженто) шаҳарчасида таваллуд топган. Унинг отаси олтингугурт хомашёси қазиб олинадиган коннинг эгаси бўлиб, хийла бадавлат киши эди. У оилада олти фарзанднинг иккинчиси бўлган.

У 1887 йилда Рим университетига ўқишга кириди. Бир йил ўқигач, бу ерда бериладиган таълимдан қониқмай, Бонн университетига ўғиб кетади. Мазкур олий ўқув юртида у адабиёт ва фалсафани чуқур ўрганади. 1891 йилда Сицилияча шевалар ҳақидаги илмий ишини ёқлаб, роман филологияси бўйича диплом олади.

Унинг илк ижодий фаолиятида ўша даврнинг етук адабиёт даргаларининг таъсири сезилади, албатта. Жумладан, унинг «Ёқимли огрик» (1899) шеърий тўпламида Жозуэ Кардуччининг ижодий йўли намоен бўлиб туради гўё. Таҳсилни тугатиб, ёзувчи бир йилга яқин Бонн университетиде талабаларга маърузалар ўқийди.



1893 йилда Римга қайтиб келган ёш ижодкор фақат ижод билан шуғуллана бошлайди. Унинг биринчи романи «Рад этилган қиз» 1901 йилда, илк ҳикоялар тўплами «Муҳаббатсиз ишқ» эса 1894 йилда нашр этилган. Шу йили Луизи отасининг тadbиркор ҳамкори Портулатонинг қизи Антуанъеттега уйланган. Бу оилада икки ўғил ва бир қиз дунёга келган.

1898 йилдан ёзувчи Рим педагогика коллежида италян адабиёти профессори сифатида ўқитувчилик қила бошлайди ва бу ерда то 1922 йилгача дарс беради.

Пиранделло бир пардали «Хотима» пьесасини 1898 йилда ёзган, ammo асар саҳнага орадан ўн икки йил ўтгачгина, яъни 1910 йилда «Чақув» номи билан олиб чиқилади.

1903 йилда Сицилияда сув тошқинлари юз беради, натижада Луижининг отаси эгалик қилаётган кон ҳам сув остида қолади. Энди ёзувчининг яшаши учун адабиёт билан шуғулланиш ва муаллимлик қилиш асосий манбага айланган эди.

1904 йилда ёзувчининг рафиқаси жиддий асабий зўриқишни бошидан ўтказди ва бу ҳол ўн беш йил мобайнида давом этади. Бу эса оилада турли можаролар туғилишига сабаб бўлади. Охир-оқибат ёзувчи уни 1919 йилда руҳий хасталиклар шифохонасига ётқизишга мажбур бўлади. Албатта, ёзувчи ҳам оилавий ҳаётда ва ҳам иқтисодий жиҳатдан кўп синовларни бошидан ўтказди, ammo у ёзишдан тўхтаб қолмайди.

1903 йилда чоп этилган «Марҳум Маттиа Паскаль» романи унга катта омад олиб келади. Асарда инсоннинг асл қиёфаси ва унинг юзидаги ниқоб мавзуси муфассал акс эттирилган. 1915 йилда ўзининг уч пардали «Агар воқеа бундай бўлмаганида...» деб номланган асари саҳналаштирилгунига қадар у асосан роман ва ҳикоялар ёзиш билан банд бўлган. Шу йилдан эътиборан ёзувчи ўзини бутунлай драматургияга бағишлайди ва бу нарса унга яшаш учун тўла иқтисодий имкон яратиб беради ҳам. Ёзувчи 1915 йилдан 1921 йилгача 16 та пьеса ёзган бўлса, уларнинг барчаси саҳналаштирилган. Танқидчилар ва томошабинлар орасида адибнинг «Бу шундай бўлади» асари алоҳида муваффақият қозонади. «Муаллифни излаган олти қаҳрамон» драмаси халқаро эътирофга эришган асар бўлади, у 1922 йилдан эътиборан Лондон ва Нью-Йорк театрларида катта муваффақият билан кўйила бошланади. Ammo драматургнинг 44 асари орасида энг машҳури бўлган ушбу асари Римда саҳнага олиб чиқилганида катта можаро келиб чиқади, бу гал томошабинлар персонажларнинг қарашлари орқали ўзларини ҳақорат қилинган, деб топишади.

Танқидчилар томонидан Пиранделло ижодининг чўққиси деб тан олинган «Генрих IV» пьесасининг премьераси 1922 йилда бўлиб ўтган.

Ёзувчи ўз асарларида қаҳрамонларнинг ниқобларини олиб ташлайди, уларни хомхаёллардан халос этади, уларнинг салоҳияти ва шахсий

дунёқарашларини муфассал тадқиқ қилади. Шу маънода Пиранделло адабиётшунослар қайд этишганидек, француз психолог-тадқиқотчиси Альфред Бине назариясининг кучли таъсири остида ижод қилган. Аслида ёзувчи ҳали Бонн университетида ўқитувчилик қилган пайтларидаёқ немис философ-идеалистларининг ишлари билан яқиндан танишган эди. Инсон руҳиятининг ўзгарувчанлигига ёзувчи ўн беш йил мобайнида руҳий хаста бўлган аёлига қараб ҳам иқдор бўлган бўлса, эҳтимол.

Вақти келиб, Пиранделло нафақат машҳур драматург, балки яхшигина режиссёр сифатида ҳам танилади. Асарларининг каттагина қисмини ўзи саҳнага олиб чиққан. 1923 йилда Римда Миллий театр ташкил этади. Мазкур театр 1925–26 йилларда Европа мамлакатлари бўйлаб, 1927 йилда эса Жанубий Африкага ижодий сафарга чиқади. Жамоанинг етакчи актёри Марта Абба драматургнинг доимий илҳом манбаига айланади. Гарчи давлат муайян даражада ёрдам бериб келса-да, бу ижодий ташкилот вақт ўтиб иқтисодий инқирозни бошидан ўтказади, оқибатда 1928 йилга келиб жамоа тарқатиб юборилади.

1934 йил драматург учун унутилмас келди. Швеция академияси уни «*драматургия ва саҳна санъатини тиклашдаги ижодий жасорати ва топқирлиги учун*» адабиёт соҳасидаги Нобель мукофоти билан тақдирлашга қарор қилади. Швеция академияси аъзоси Пер Хальстрем ўзининг чиқишида «*Пиранделлонинг энг ажойиб хислати унинг руҳий таҳлил билан яхши пьеса ярата олишида*», — дея алоҳида таъкидлайди. Пиранделло илтифот билан минбарга чиқар экан, жавоб сўзида ўзининг ижодий қувватини ҳаётга муҳаббат ва ҳурматдан топганини, буларсиз аччиқ изтироблар, фожиали ҳаёт тажрибасига бардош бериб бўлмаслигини алоҳида айтиб ўтади.

Пиранделло 1936 йилнинг 10 декабрь куни оламдан ўтган. Уни ўзи васият қилиб кетганидек, ортиқча дабдабаларсиз, ҳатто расмий дафн маросими ҳам ўтказмай, она тупроғи Сицилияга қўядилар.

Америкалик танқидчи Мартин Эсслин Пиранделлонинг инсон руҳиятига олиб келган инқилобий ғояларини Альберт Эйнштейннинг физикадаги нисбийлик назариясини кашф этгани билан тенглаштиради. Америкалик бошқа бир олим Роберт Брустайн эса адибнинг бир қатор пьесаларидаги образлар ўзининг жонлилиги ва ҳаётийлиги, декорацияларининг асл ҳаётий воқеликни акс эттириши, ўйлаб топилган воқеаларни эса ҳақиқатда бўлиб ўтган ҳодисалар билан тенг кўришини айтади ва бу ҳолатлар ўша даврнинг бошқа бирон бир драматурги ижодида бу каби табиийлик касб этмаганини таъкидлайди. Яна бир адабиётшунос Эрик Бенгли ҳам адиб ижодини эътироф этиб: «*Пиранделло интеллектнинг ҳиссиёт билан курашини, бирдан иккинчисига ўтишини акс эттиргани*»га урғу беради.

Адибнинг ижодини кўпгина мутахассислар Генрик Ибсен ва Август Стриндберг пьесаларида бошланган адабий-фалсафий ғояларнинг давоми

сифатида қарайдилар. Ўз навбатида Пиранделло ҳам ижоди билан Жан Ануй, Жан Пол Сартр, Сэмюэл Беккет, Эжен Ионеско, Жан Жене каби Европанинг энг кучли драматургларига катта таъсир кўрсатгани эътироф этилади.

ЮЖИН О'НИЛ



Америка драматурги Южин Гладстон О'Нил 1888 йилда Нью Йоркда машҳур актёр Жейс О'Нил оиласида дунёга келган. Отаси актёр бўлганидан оила гоҳ бу, гоҳ бошқа шаҳарларда гастролда бўлиб, меҳмонхоналар ва поездларда кун кечиришган. Бу йилларда оилада ҳаловат ҳам, бунинг устига иқтисодий қувват ҳам йўқ эди. Южин етти ёшга тўлгач, даставвал Нью-Йоркдаги мактаб-интернатга, кейин онаси билан Нью-Лондонга кўчиб ўтишгач, Коннектикут штатидаги кундузги мактабга қатнай бошлайди. Шу йилларда унинг онаси гиёҳвандликка мойил бўлиб қолгач, ушбу

ҳолат ўспиринга қаттиқ таъсир қилади. Католикларга хос тарбия муҳитида ўсган Южин онасининг тузалишини астойдил дуо қилар, аммо ҳеч қандай самара бўлмагач, черковдан кўнгли қолган эди.

О'Нил 1906 йилда Принстон университетига ўқишга кирази, аммо бир йилда ушбу таълим даргоҳини ташлаб кетади. Принстонни тарк этгач, отасининг раъйига қарши бориб, Кетлин Женкинз исмли қизга уйланади ва тез орада олтин қазиб олувчилар қаторида Гондурасга кетади. 1910 йилда ўгилли бўлгач, бироз фурсат Нью-Йоркка қайтиб келган О'Нил кўп ўтмай Англияга, кейин эса Аргентинага йўл олади, дайдиларча ва ниҳоятда ночор кун кечиради. 1911 йилда эса у оиласи билан ажрашади.

Нью-Лондондаги газетага мухбир бўлиб ишга кирган О'Нил сил касалига чалиниб, даволанишга мажбур бўлади. Бу ерда ўтказган олти ой мобайнида ёзувчи ўтган кунларини таҳлил қилади ва кейинчалик ўзи таъкидлаганидек, иккинчи бор тугилгандек бўлади.

1914 йилда Гарвард университетида драматургия бўйича Жорж Пирс Бейкерга шогирдликка тушади. Шу йиллари О'Нил бир пардали пьесалар тўпламини тайёрлайди.

Унинг илк саҳналаштирилган асари «Шарққа, Кардифф сари» эди. Дастлабки пьесаларида воқеалар асосан денгиз ва портларда бўлиб ўтар, қаҳрамонлар ҳам ўз-ўзидан денгизчилар, порт ишчилари бўлиб, уларнинг ҳаёти маиший, оилавий ва ишқий драмалардан фарқ қиларди.

О'Нил ёзишни бошлашидан олдин Август Стриндберг асарларини кўп ўқиган, кейинчалик, Нобель мукофотини олиш чоғидаги маърузасида таъкидлаганидек, бу ижодкор асарлари О'Нил учун илҳом манбаи, замонавий драматургия сабоқлари бўлиб хизмат қилган.

1920 йилда Бродвейда биринчи бор адибнинг тўла метражли сахна асари қўйилади. «Уфқ ортидан» деб номланган пьесада икки ака-ука — хаёлпараст ва амалиётчининг аччиқ қисмати ҳақида ҳикоя қилинади. Асар ижодкорга Пулитцеров мукофотини олиб келади. Таъкидлаш керакки, ушбу мукофотга О'Нилнинг яна уч асари — «Анна Кристи», «Ғаройиб одам», «Узоқ кун тунга кетди» пьесалари ҳам сазовор бўлган.

1920 йилдан то 1943 йилгача О'Нил 20 та тўла метражли ва бир пардали сахна асарларини яратади. Улар натуралистик, реалистик, экспрессионистик асарлар, комедиялар, трагедиялар, шунингдек қадимги грек драмалари мотивлари асосидаги пьесалар эди. 1920 йилда яратилган «Анна Кристи» асари икки денгизчи ва енгил табиатли қиз ҳақида. Қиз ўз гуноҳларини самимий севгиси билан ювишга ҳаракат қилади.

«Император Жонс»да қора танли вагон проводниги қотиллик қилади ва Вест-Индия оролига ҳукмрон бўлиб олади. Асар Нью-Йорк жамоатчилигини ҳайратга солади ва драматург театр соҳасида янги йўналиш даҳоси, деган номга эришади. Ундан-да катта шуҳратни муаллифга «Пахмоқ маймун» асари олиб келади.

«Мато тагидаги ишқ» асари О'Нилнинг машҳур пьесаларидан биридир. Унда яқин қариндошлар орасидаги никоҳ, оиладаги хиёнат, болалар ўлими каби масалалар мавзу қилиб олинган ва ўзининг фожиавий кучи, ўткир зиддиятлари билан адабий жамоатчиликнинг катта қизиқишига сабаб бўлади, ҳозиргача ҳам мазкур пьеса замонавий театрнинг илғор ютуқларидан бири сифатида баҳоланади.

О'Нил иигирманчи йиллардаёқ мамлакатдаги кўзга кўринган драматургга айланган, бироқ унинг шахсий ҳаёти силлиқ эмасди. 1918 йилда у ёзувчи Агнес Боултонга уйланади, бу никоҳдан бир ўғил ва бир қиз туғилади. 1920 йилдан 1923 йилгача бўлган оралиқда у отаси, онаси ва меҳрибон акасидан жудо бўлади. 1928 йилда иккинчи хотини билан ҳам ажрашиб, учинчисига уйланади, бу актриса Карлотта Монтрей эди.

Ўттизинчи йиллар бошида у Йел университетиде фахрий даражага эришади, ўзининг энг сара асарларини яратади. Улар орасида «Марко-миллионер» ўзига хос ўрин тутади. Асар романтик сатира усулида яратилган бўлиб, воқеалар марказида Марко Поло туради.

Нобель мукофоти қўмитаси драматургнинг *«кенг қирраллигини, мавзуну чуқур очиб бериши ва ўзига хослиги жиҳатидан тенги йўқлиги»ни эътироф этган* чоғда ҳали ёзувчининг энг кучли ва шоҳ асарларидан учтаси — «Муз ташувчи қиялайди», «Узоқ кун тунга кетди» ҳамда «Тақдир уламалари учун ой» пьесалари олам юзини кўрмаган эди.

1936 йилда О'Нил «*Трагедия жанрини янгича талқин этган драматик асарларининг таъсирчанлиги, ҳаққонийлиги ва самимийлиги учун*» америкалик драматурглар орасида биринчи бўлиб Нобель номидаги мукофотга сазовор бўлади. Бетоблиги сабаб мукофотни топшириш маросимида иштирок эта олмаган адиб, кўмигага йўллаган мактубида, жумладан, шундай дейди: «*Бу мукофот фақатгина меники эмас, балки менинг Америкадаги барча ҳамкасбларимникидир. Нобель мукофотининг менга берилиши бу Европанинг Америкада театр санъатининг ривожланганлигига эътирофидир*».

Ёзувчи ўзининг охириги ўн йиллик ҳаётини жисмоний зўриқиш ва соғлиғининг ёмонлашуви билан ўтказди. У оддий америкаликлар турмуши ҳақида бир туркум пьесалар яратишни режа қилган эди, бироқ 1943 йилда у ижод қилиш лаёқатини бутунлай йўқотади. Унинг асаб тизими издан чиққан, бу эса ҳатто қўлига қалам олишга ҳам имкон бермасди. У мўлжалдаги туркумдан фақат икки пьесани ёзиб тугатади, холос. «Шоир қалби» ва «Бойлар саройи» асарларининг ҳар иккиси Швеция Киrolлик саройида саҳналаштирилган.

Инглиз танқидчиси Мартин Сеймор-Смит таъкидлаганидек, у ўз ҳаётий дард ва изтиробларини умуминсоний дардлар сирасига олиб чиқа олган улкан ижод соҳиби эди.

Етакчи америкалик театршунос Жорж Жин Нейтан 1946 йилда О'Нилни биринчи Америка драматурги деб тан олган. «*Характерга кириб боришда унга тенг келадигани йўқ, — дейди у, — ҳеч ким одамларни унингчалик билмайди, ҳеч ким саҳнанинг имкониятларидан унингчалик фойдалана олмайди, унинг пьесалари ҳайратланарли тарзда қувватли, қамровли ва ўтқирдир... Унинг театри — ҳақиқий университет*».

Южин О'Нил 1953 йилнинг 27 ноябрь куни оламдан ўтади.

РОЖЕ МАРТЕН ДЮ ГАР

Роже Мартен дю Гар 1881 йилнинг 23 март куни Париж яқинидаги Нейи-сюр-Сен шаҳрида таваллуд топган. Оила Бургундилар ва Лорренлар сулоласидан бўлиб, бой-бадавлат яшар эди. Роженинг отаси Поль Эмиль Мартен дю Гар ҳуқуқшунос, онаси Мадлен Жанна Вими эса биржа даллоллари оиласидан чиққан эди.

Ўн бир ёшида уни Эколь Фенелондаги диний мактабга юборишади ва бу ерда у XX аср бошидаги француз неотомизми* доҳийларидан саналган Марсель Эберь таъсирига тушиб қолади. Кейинчалик Мартен дю Гар бу таъсирдан узоқлаша боради, бироқ Эберь билан улар ўрта-сидаги илиқ, дўстона муносабат сақланиб қолган ва бу яқинлик Эберьнинг вафотигача, яъни 1916 йилгача давом этган.

Мартен беғам йигитча бўлиб, яхши ўқимасди, бундан ташвишга тушган отаси уни профессор Луи Меллериога жўнатади ва олим уни

*Неотомизм — католицизмнинг расмий фалсафаси, Аристотель фалсафасини христианча соддалаштиришни назарда тутаяди.

бир неча ой жиддий талаблар остида ўқишга мажбур қилади. Ҳар қалай, ёш Мартен интеллектуал жиҳатдан юксак бўлган даврага кириб қолгач, ундан кўп ўқиш талаб этиларди ва у айнан мана шу муҳитда ҳеч қайси динга эътиқод қилмасдан, ўзида доимий меҳнат қилиш кўникмасини шакллантиради. У бунинг кейинчалик ўзига хос тадқиқ этилган йўл сифатида баҳолаган эди.

Ўн етти ёшида Эберь Мартенга рус ёзувчиси Лев Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» романини ўқишни тавсия қилади. Роман Мартенда жуда катта таассурот қолдиради. *«Толстой менда ўзим ҳам ёзишим кераклиги борасидаги қарашларимни янада мустаҳкамлади»*, — дея ёзган эди адиб ўз хотираларида.



Кейинчалик Роже Сорбонн университетига ўқишга кириди, бироқ ўқув курсига оид имтиҳонлардан йиқилгач, университетдан кетади ва шу йили олий архив иши ва тарих бўйича ўқув юрти — Эколь де Шартда таҳсилни давом эттира бошлайди. Мартен, гарчи нима учун айнан мана шу билим даргоҳини танлагани сабабини билмасан-да, бу институт ва мутахассислик ўзида профессор Меллеро томонидан асос солинган синчков илмий услубиётни мужассам этгани билан унда ёзувчилик малакасининг шаклланиши ва ривожланишида улкан аҳамият касб этганини таъкидлайди.

1905 йилда Мартен палеограф-архивчи дипломини олади. Унинг илмий иши мавзуси Руан яқинидаги Жюмьеж аббатлиги ҳақида эди. Орадан бир йил ўтиб, Роже париждик юристнинг қизи бўлган Элен Фукога уйланади.

Парижда яшар экан, Мартен Лев Толстой каби, қишлоқ одамлари ҳақида йирик роман ёзиш ҳақида ўйлай бошлайди. Албатта, унинг ушбу асари қаҳрамонининг прототиби — устози Эберь эди. Орадан бир ярим йил атрофида вақт ўтиб, ёш ижодкор бу тоифа кенг кўламли асарлар яратиш қўлидан келмаслигига иқрор бўлади.

1907 йилда Роже оиласида қизалоқ тугилади. Энди у қизалогининг келажаги ҳақида қайгуриши лозимлигини англайди.

Адиб 1908 йилда бир неча ҳафта давомида «Шаклланиш» асарини ёзиб тугатади. Асарда ёзувчи бўлиш истагида ёнган, ammo унинг бу борадаги ва ҳаётда бахт топиш илинжида қилган ҳамма ҳаракатлари бесамар кетган бир инсон тақдири қаламга олинади. Ёзувчи романни ўзининг ҳисобидан нашр қилдиради ва, айтиш жоиз бўлса, шундан эътиборан ўзини тўлақонли ёзувчи сифатида ҳис қила бошлайди.

«Жан Баруа» романи ёзувчига илк бор омад олиб келади ва унинг адабий жамоатчилик томонидан эътироф этилган биринчи асари бўлади. Асарда муаллиф XIX аср охири ва XX аср бошида француз жамиятига ҳалокатли таъсир кўрсатган можаро — француз армияси зобити Альфред Дрейфус билан боғлиқ сиёсий жанжалнинг ёрқин тасвирини яратган. «Жан Баруа» Мартен дю Гарнинг яқин дўстига айланган Андре Жиднинг тавсияси билан нашрдан чиққан.

Биринчи жаҳон уруши дю Гарнинг ҳаётини ҳам четлаб ўтмаган. У Фарбий фронтда Франция армияси таркибида хизмат қилган, 1919 йилда урушдан қайтиб келиб, бир муддат Париж театрида ишлайди.

1920 йилда адиб ота-онасининг Франция марказида жойлашган хос ҳовлисига кўчиб келиб «Тиболар оиласи» романига қўл уради. Ёзувчининг ушбу машҳур романининг саккиз томи 1922 йилдан то 1940 йилгача кетма-кет босмадан чиқарилган. Ушбу романдаги воқеалар XX асрнинг дастлабки йигирма йилида умргузаронлик қилган икки оила — бири католик динига мансуб, иккинчиси протестантлардан бўлган хонадон ҳақида. Икки бош қаҳрамон ака-ука, қарашлари жиҳатидан бири социалист ва иккинчиси инқилобчи бўлган Тибо ва Жак, консерватив дунёқарашга эга бўлган шифокор Антуанлар тақдири ҳақида ҳикоя қилар экан, ёзувчи улар тимсолида урушдан олдинги жамиятдаги таназзулни кўрсатиб беради.

«Тиболар оиласи» ва дю Гарнинг бошқа асарлари «роман трайв», яъни сўзма-сўз ўгирганда, кўп жилдли роман жанрида яратилган. Уларда воқеалар муфассал ёритилган ва тарихий ҳужжатларга асосланган. 1931 йилда адиб автомобиль ҳалокатига учрайди ва икки ойга яқин шифо-хонада муолажа олишига тўғри келади. Шу вақт мобайнида у романининг қолган қисмлари ҳақидаги режаларини қайта кўриб чиқади ва асар якунини ҳам қайтадан ишлайди, энг муҳими, ургу берилиши мўлжалланган жиҳатларни ҳам ўзгартириб юборади. Инглиз танқидчиси Мартин Сеймур-Смитнинг фикрича, *«Асар ўзининг ниҳоятда ростгўйлиги билан ёрқин таассурот қолдиради. Шу билан бирга асримизнинг барча йирик романлари ичида «Тиболар оиласи» энг фожеавийсидир»*.

1937 йилда *«инсонни, шунингдек, замонавий ҳаётнинг энг аҳамиятли жиҳатларини тасвирлашдаги бадиий маҳорат ва ҳаққонийлиги учун»* Мартен дю Гарга адабиёт соҳасидаги Нобель мукофоти берилган.

«Тиболар оиласи» романига батафсил тўхталар экан, Швеция академияси аъзоси Пер Хальстрем: *«... ниҳоятда синчков ва шу билан бирда ҳар нарсага шубҳа билан қараш асосига қурилган таҳлил натижасида Мартен дю Гар инсон қалбининг, руҳиятининг идеалини таъриф-таъсиф қилади»*, — дейди.

Нобель маърузасида адиб догматизм, ақидапарастликни қоралайди, бу фикрини XX аср одамларининг ҳаёти ва дунёқарашларида айнан догма устувор бўлиб тургани билан асослаб бундан таассуфда эканини билдиради. У ўз сўзида инсон шахси ва эркинлигини ёқлаб, бу ҳолат ҳар қандай

мутаассиб гояларга муте бўлиб қолишдан халос қилиши ва инсоннинг ўзлигини англашига хизмат қилишини таъкидлайди.

«Тиболар оиласи» романи устида ишлаган йилларда дю Гар «Африкача иқрор» романини, 1932 йилда «Камгап» пьесасини, 1933 йилда «Эски Франция» қиссасини ёзиб тугатган. «Эски Франция»ни йўналиши ва пафосига кўра, дю Гар ижодига мутлақо мос бўлмаган асар дейиш мумкин. 1940 йилдан сўнг ёзувчи «Полковник Моморнинг кундалиги» устида ўн етти йил мобайнида иш олиб боради, аммо бу иш ниҳоясига етмай қолади. Мартен дю Гар 77 ёшида ўз ҳовлисида юрак хуружидан вафот этади.

Мартен дю Гарнинг инсоний фазилатлари ҳақида сўз борар экан, биографларнинг ёзишича, адиб бутун умри мобайнида камгаплиги, одамовилиги билан ажралиб турган. У ёзувчи ўрнига унинг китоблари гапириши керак, деган фикрда эди.

Ўлимидан бир неча ой аввал у ўз қоғозларини, шу жумладан, 1919 йилдан 1949 йилгача юритиб келган кундаликлари ва турли ёзиш-маларини ҳам тартибга келтириб қўяди. Кейинчалик адиб меросига дахлдор мактублар ва кундалик, унинг истагидан келиб чиқиб, Париждаги Миллий кутубхона ихтиёрига берилади. Улар кутубхонада қарийб йигирма беш йил давомида ўша ҳолича сақланиб туради.

Мартен дю Гар камтарлиги, одамларнинг нигоҳида бўлишни истамагани ҳолда, биограф Катрин Саважнинг алоҳида таъкидлашича, ўз замондошлари орасида улкан обрў-эътиборга сазовор бўлган адибдир. Саважнинг фикрича, адиб реал ҳаёт ҳақиқати билан боғлиқ замонавий ижтимоий муаммо ва масалаларни тадқиқ қилиб, ўн тўққизинчи аср анъаналарига садоқатини сақлаб қолди ва шу билан бирга, француз романчилигининг кейинги тараққиёт йўлларини ҳам кўрсатиб бера олди.

ПЕРЛ БАК

Перл Комфорт (Сайденстрикер) Бак 1892 йилнинг 26 июнь куни Фарбий Виржиния штатининг Хальсборо шаҳрида тугилган. У оилада ягона қиз бўлиб, отаси Абсалом Сайденстрикер қаҳр-газабли, кўп йиллик умрини Инжилни грекчадан хитой тилига ўгиришга сарфлаган олим эди, онаси Каролина Сталтинг ҳам ниҳоятда оқила, ўқимишли, маданиятли аёл бўлган.

Перл ҳали ўзини таниб-танитай, оила Хитойга келиб Чинкьянь шаҳрида, ажнабийлар эмас, айнан кўпроқ хитойликлар, яъни туб аҳоли яшайдиган ҳудуддан қўним топади. Натижада қизалоқ инглиз тилига



нисбатан хитой тилида гапиришни аввалроқ ўзлаштириб олади. Уни тенгдошлари ҳам жуда яхши қабул қилишади, тўққиз ёшга етгунича бу мамлакатда у мутлақо ўзини бегона ҳис этган эмас. Хитойда «Ихэтуанлар кўзғолони»* бошланиб, император барча «оқ танли»ларни қатл этишга буйруқ берганидан сўнг Сайденстрикерлар Шанхайга қочиб кетишга мажбур бўлишади. Орадан вақт ўтиб, кўзғолон бостирилгач, улар яна Чинкьянга қайтиб келишади.

Дастлаб Перлнинг маълумот олиши масаласи билан унинг онаси ва хитойлик конфуцийчи мураббий машғул бўлади. Ўн беш ёшида қизалоқни Шанхайдаги пансионга жўнатишади. 1910 йилда Перл АҚШга қайтиб келади ва Виржиниядаги Рандолф-Мансон хотин-қизлар коллежига кириб ўқишни бошлайди. Бу ерда у психология билан изчил шуғулланади ва икки марта мукофот билан тақдирланади.

1914 йилда коллежни тугатиб, Хитойга қайтган ёш мутахассис пресвитериан миссиясида ўқитувчи сифатида иш бошлайди. Орадан уч йил ўтгач, у ихтисослиги бўйича қишлоқ хўжалиги ходими бўлган Жон Лоссингга турмушга чиқади. Ёш оила чекка қишлоқлардан бирида яшайди, бу қишлоқда Перл муаллим бўлиб ишлайди.

Эри қишлоқ жойларига саёхатларга чиққанида Бак унга таржимонлик қилади. 1921 йилда улар қизчали бўлишади ва фарзандларига Кэрол дея исм қўйишади, ўша йили ёзувчининг онаси вафот этади ва Бак волидасининг таржимаи ҳолини ёзишга қарор қилади. Бу вақтга келиб, Баклар оиласи Нанкин шаҳарчасига кўчиб келишган ва унинг эри Жон маҳаллий университетда қишлоқ хўжалиги бўйича муаллимлик қила бошлаган эди. Ёш ёзувчининг ўзи ҳам бу олий ўқув даргоҳида инглиз ва Америка адабиётидан дарс бера бошлайди. Бак ҳали мактабда ўқиб юрган пайтларидаёқ, унинг илк ҳикоя ва мақолалари инглиз тилида чиқадиган «Шанхай меркьюри» газетасининг болалар учун мўлжалланган иловасида чоп этилган.

Онасининг таржимаи ҳолини тугатгач, Бак катта ишга қўл уради, роман устида иш бошлайди. Бу асар орадан анча йиллар ўтгач нашрдан чиққан. Шунингдек, йигирманчи йиллар бошида «Атлантик мансли» нашри ва бошқа Америка нашрларида унинг Хитой ҳақидаги мақолалари чоп этилади.

Америкага қайтиб келишгач, эр-хотин Баклар Корнелл университетининг аспирантурасида ўқишади ва Перл бу ерда адабиёт соҳасидаги гуманитар фанлар магистри илмий даражасига сазовор бўлади.

Баклар 1927 йилда яна Хитойга келиб жойлашади. Бу пайтда мамлакатда фуқаролар уруши авж олган эди. Уларнинг Нанкиндаги уйини ўғрилар тунаб кетишган ва оқибатда ёзувчининг биринчи романи кўлёмаси ҳам йўқолган эди. Уларнинг бу шаҳарда қолишидан ҳеч

*Ихэтуанлар кўзғолони – улар 1898–1901 йилларда Хитой иқтисодиёти, ички сиёсати ва диний ҳаётига бошқа мамлакатларнинг аралашувига қарши кўзғолон қилишган.

бир маъни қолмагани ва Баклар аввал Шанхайга келиб, кейин эса Японияга бориб яшашга қарор қиладилар. Перл иккинчи романини ёзиб тугатади. «Шарқ шамоли, ғарб шамоли» деб номланган ушбу асар устида ёзувчи АҚШдан Хитой сари йўлда, пароходда кета туриб иш бошлаган эди, роман 1930 йилда эълон қилинган. Асар тўла маънода ишқий асар. Шунингдек, унда «оталар ва болалар» муаммосига ҳам эътибор қаратилган.

Асар воқеалари асрлар оралиғида Хитойда бўлиб ўтади, ундаги қаҳрамонлар Бак ҳали болалигиданоқ яхши биладиган хитойлик оддий кишилар эди. Даставвал романни бир қанча нашриётлар қайтаришган бўлса-да, асар жуда қисқа фурсатда уч марта қайта нашр қилинади. 1931 йилда ёзувчининг «Замин» деб номланган романи ўқувчилар кўлига етиб боради ва бу асар учун адиба Пулицеров адабий мукофоти билан тақдирланади.

Бу китобни ҳалигача Бакнинг энг кучли асари сифатида талқин қиладилар, унда оддий деҳқон оиласининг фаровон ҳаёт қуриш ва ўз сулоласини яратиш борасидаги интилиш ва ҳаракатлари ҳақида гап кетади. У муаллифнинг бутун ижодига хос тарзда оддий ва раво тилда ёзилгани билан алоҳида ажралиб туради. Қисқача айтганда, «Замин» тезда бестселлерга айланади, уни инсон ҳаётининг тимсоли сифатида тан оладилар.

«Замин»дан сўнг унинг давоми сифатида икки роман — «Ўғлонлар»(1932) ва «Бўлиб ташланган уй»(1935) олам юзини кўради ва учала асар кўшилиб, 1935 йилда «Замин уйи» номи билан чоп этилади.

Ўттинчи йилларда, яъни ўз адабий фаолиятининг илк йилларида Бак жуда кўплаб асарлар яратишга муваффақ бўлади. «Она», «Қувгин», «Қурашаётган фаришта», «Ҳамма бир-бирига биродардир» романлари шулар жумласига киради.

1938 йилда *«Хитой деҳқонлари ҳаётининг кенг қамровли ва энг самимий бадиий баённи яратгани ҳамда нодир биографик асарлари учун»* Перл Бакка адабиёт соҳасидаги Нобель мукофоти берилади. Эътибор-лиси, у америкалик аёл ёзувчилар орасида биринчи бўлиб ушбу мукофотга сазовор бўлган. Швеция академияси аъзоси Пер Хальстрем ўзининг табрик сўзида Бак асарлари мавзуларини умумлаштириб шундай таъриф беради: *«ёзувчи инсонни ўзаро тушуниш йўлида ҳар қандай зўравонлик ва тўсиқлардан холи бўлган йўлни топади ва шу билан умуминсоний ғояларни тадқиқ қилиш имконини яратади, муаллиф ана шу йўл билан ўзининг ижодий йўлидаги абадий жонли предметни яратади»*.

«Бу мукофот нафақат мени хурсанд қилади, балки барча Америка ёзувчиларига катта қувонч бахш этади, — деди ўзининг жавоб сўзида Бак. — Бизнинг мамлакатимиздаги аёл ёзувчига бундай мукофотнинг тақдим этилиши жуда катта аҳамият касб этади».

Адиба сўзида Хитой халқига ўзининг сўнмас муҳаббатини изҳор этади ва умрини бу халқнинг ҳаётисиз тасаввур этолмаслигини таъкидлади.

Очиги, Перл Бакка бундай юксак мартабанинг лойиқ топилиши барчага бирдек маъқул келгани йўқ. Баъзилар адиба асарларини эътироф этганлари ҳолда, бу ижодий салоҳият Нобель мукофотидек нуфуз учун етарли даражада юксак эмаслигини таъкидлайдилар. Шуларга қарамасдан, Бак асарлари кенг шуҳрат қозониб, ижодий фаоллиги ҳеч сусаймайди. Қарийб қирқ йилга яқин давом этган ижодий фаолияти мобайнида ёзувчи саксонга яқин асар яратади, булар романлар, биографиялар, радиопьесалар, болалар учун китоблардир.

Нобель мукофотига сазовор бўлгач, адиба ижодида кўпроқ дидактизм ва йиглоқилик аломатлари юз кўрсата бошлайди. Баъзи танқидчиларнинг таъкидлашларича, Бак ёзувчи, ижодкорликдан кўра гуманист, ягона дунё яратиш йўлидаги курашчи сифатида кўпроқ намоён бўлади. Кеннет Тайнен каби танқидчилар уни ҳимоя қилиб, асарларига юқори баҳо берганлари ҳолда, Жорж Стайнерга ўхшаганлар худди шундай иштиёқ билан бунинг тескарисини исботлашга ҳаракат қилишади.

1935 йилда Бак биринчи эри билан ажрашиб, ўзининг ношири ҳисобланган Ричард Уолшга турмушга чиқади. Улар бир нечта болани фарзандликка олишади.

Бак саксон ёшида Вермонт штатидаги Дэнби шаҳрида вафот этади. Нобель мукофотидан ташқари, у адабиёт йўналишидаги турли мукофотлар, олий ўқув даргоҳларининг илмий даражаларига эришган. 1951 йилда у Америка Фан ва санъат академиясига аъзоликка ҳам сайланган эди.

ФРАНС ЭМИЛЬ СИЛЛАНПЯ



Франс Силланпя 1888 йилнинг 16 сентябрь куни Финляндиянинг жануби-ғарбий қисмида жойлашган Хямункюрё шаҳридаги оддий деҳқон оиласида таваллуд топган. Бу жойлардагиларнинг урф-одатларига кўра, одамлар ўзлари яшайдиган жойнинг номидан келиб чиқиб ўзларига фамилия танлаганлар. Франснинг отаси Коскинен ҳам шу удумга риоя қилган ва Силланпя, яъни сўзма-сўз ўгирганда, «кўприк олдидаги истеҳком» иборасидан ўзига фамилия танлаган, унинг Хяменкюрёда унча катта бўлмаган фермаси бор эди.

Ёш Франс жуда ҳам тиришқоқ эди, унга яхши ўқигани сабаб 1908 йилда Хельсинкидаги университетга ўқишга кириш имконини берадиган стипендия тайинлашади. У шифокор бўлишни орзу қилиб, мазкур олий ўқув даргоҳида биологиядан чуқур билим ола бошлайди. Шу

йилларда шаҳардаги таниқли кишилар билан яқиндан танишади, Йернфелтсовда бўлиб, бу ердаги адабиёт ва бадиият оламининг муҳтожликда кун кечирувчи вакилларининг ижоди, ҳаётини ўз кўзи билан кўради. Гарчи Франс университетни тугата олмаган бўлса ҳам, у биологиядан олган сабоқлари боис инсоннинг хулқ атвори биологик жиҳатдан асосланган, деган хулосага келган эди.

Университетда у Стриндберг, Метерлинк ва Гамсун асарларини берилиб ўқийди. У ўзининг илк ҳикояларини ҳали талабалиги давридаёқ пойтахтдаги газета ва журналларда эълон қилиб турар, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, жуда тез фурсатда адабиёт оламида танилишга муваффақ бўлган эди.

1913 йилда университетдаги ўқишини ташлаб, ўз уйига қайтиб келган Франс энди жиддий равишда ижод билан машғул бўлади. Унинг илк йирик асари – «Офтоб ва ҳаёт» романида уч нафар қаҳрамон – бир йигит ва икки аёлнинг ёз фаслида бошидан ўтказган саргузаштлари ҳақида ҳикоя қилинади. Асар бир қатор танқидчилар томонидан илиқ баҳоланади.

Силланпя шахсий ҳаётда болапарвар инсон эди, дейиш мумкин, у 1916 йилда кўшни қишлоқда яшовчи фермернинг қизига, Мария Сигрид Саломнякига уйланади. Улар саккиз нафар фарзанд кўришган, улардан бири вафот этган.

1919 йилда нашрдан чиққан «Тақводорлик билан кечган қашшоқлик» романида ёзувчи Финляндияда кечган фуқаролик урушининг фожиали воқеаларини қаламга олади.

Муаллиф ушбу романи билан фин ёзувчилари орасида биринчи бўлиб «қизил»лар ва «оқ»лар ўртасидаги қуроли курашнинг бутун даҳшатини англаб етганини намоён этган. У бу икки қарама-қарши кучларнинг ҳеч бирига ён босмайди, бирон тарафнинг манфаатини маъқулламайди, унинг мақсади ана шу йилларнинг ўта оғир кечгани, бу даврнинг дарду изтироблари, оғриқларини очиб бериш эди. Замонавий ўқувчига асар бир қарашда зерикарли, ифодасиз туюлиши мумкин, аммо у катта қизиқиш ва тушуниш билан қарши олинади. Силланпянинг ушбу асарида «оқ»лар ва «қизил»ларнинг қиёфаси шафқатсизларча очиб берилгани учун таҳлилчилар бу романи мамлакатнинг инқироздан чиқиши сари қўйилган биринчи қадами сифатида ҳам талқин қиладилар. Муайян маънода бу финларнинг оғир руҳий жароҳатдан малҳам топишига хизмат қилади, 1920 йилда эса Финляндия ҳукумати томонидан ёзувчига умрбод стипендия тайинланади.

Кейинги йилларда Силланпя «Хилту ва Рагнар», «Фаришталар ҳимояси остида», «Замин узра», «Тоғдаги уй», «Сифатдош», «Бу дамлар учун ўзингга шукр, Оллоҳим!» каби бир қатор тўпламларини эълон қилади. Мазкур китоблар тез орада нафақат Финляндияда, балки Скандинавиянинг бошқа мамлакатларида ҳам кенг ўқувчилар оммасига етиб боради ва оқибатда муаллиф катта шуҳрат қозонади. 1931 йилда босмадан чиққан «Марҳум ўспирин» романи марказида сокин ҳаёт ва ёлғиз, ҳамма танийдиган, аммо

камбағаллашиб қолган оиланинг фарзанди бўлган бир қизнинг ўлими туради. Табиатан нозик, кўплаб мусибатларни бошидан кечирган қаҳрамон ўзи яшаётган муҳитга сингишиб кета олмайди. Айниқса, муаллиф қаҳрамоннинг феъли, хулқ-атворини маҳорат билан тасвирлайди. Америкалик ёзувчи ва таржимон Филлипс Карлтон 1933 йилда ёзган тақризида шундай қайд этади: «... қаҳрамон мустақил шахс, у гўёки ҳаммадан олисда, бу ердан кўринмайдиган ўз ўқи атрофида айланаётган планетада ўз ҳаёти билан яшайди. Оқибатда қадриятларга нисбатан қарашлар ўзгариб кетади, ҳикояни ўқиганинг сайин ташқи оламнинг ғариблашиб, зерикарли тус ола бораётганини ҳис қиласан, аммо қаҳрамоннинг хом ҳаёллари, борлиқни нотўғри англашидан келиб чиққан қарашлари биринчи ўринга чиқиб келади. Роман ўзининг ниҳоятда пухталиги, такомилга етказилгани, ўйлаб ёзилгани ва алоҳида таъкидлашга лойиқ бўлган тилининг нутиб бўлмас даражадаги гўзаллиги билан ажралиб туради».

Адиб мазкур романи билан бир вақтда «Эр йигитнинг йўли» деб номланган яна бир асарини ҳам ёзиб тугатади. Адабиёт тарихи бўйича олим Якко Ахокас бу романни машҳур инглиз ёзувчиси Лоуренс асарлари билан тенглаштиради. Шу билан бирга, унинг англашича, «*ҳар икки ёзувчида ҳам йил фаслларининг ўзгариши ва инсон ҳаётидаги ўзгаришлар орасидаги боғлиқлик ҳис қилинади. Силланпя романида эпоснинг нафаси сезилади...*»

Силланпянинг энг машҳур асари 1934 йилда эълон қилинган «Ёз оқшомидаги одамлар» романидир. Композициясининг қуймалиги ва ниҳоятда таъсирчан ёзилгани учун бўлса керак, кўпгина мунаққидлар уни «насрий поэма» ҳам деб баҳолайдилар. Ахокас ушбу романни Силланпянинг асарлари ичидаги энг чуқур ўйлангани ва энг мукаммали, дея таърифлайди. У «*вақтнинг биологик концепцияси асарнинг ҳикоя қилиши услубида намоён бўлиб туриши, вақтнинг оқими асарнинг турли қаҳрамонлари томонидан турлича қабул қилиниши*»га алоҳида урғу беради. Вильянен асарни янада юқори баҳолаган: «...бу ерда кичкинагина бир қишлоқ тимсолидаги мўъжазгина эмбриондан бу қадар мукамал, кенг маъноли, ўзининг маънавий олами билан миқёси кенг бўлган ҳаётни пайдо қилиши, яратилиши ва баён этиши ҳар қимга ҳам насиб этавермайди, — дейди у. — Силланпя ...шоирларча орзуманд ижодкор, ундаги нозик лирика бой интеллектуал таҳлил билан уйғунашиб кетган...»

1939 йилда ёзувчининг рафиқаси вафот этади ва у оғир мусибат туфайли руҳий жиҳатдан анча қийналади. Қолаверса, иккинчи жаҳон урушининг бошланиши, Финляндия билан собиқ иттифоқ ўртасидаги бошланган уруш уни мутлақо довдиратиб қўяди. Ўша йили у Армия фон Герцен исмли аёл билан оила қуради, аммо бу никоҳ омадсиз келади ва улар кўп ўтмай ажрашиб кетадилар.

Айнан ёзувчининг ўзи, ҳам унинг ватани бўлмиш Финляндия учун оғир бўлган 1939 йилда «*фин деҳқонлари ҳаётига чуқур кириб бора олгани ва уларнинг урф-одатлари ҳамда табиат билан уйғун муносабатларини*

маҳорат билан акс эттиргани учун» Силланпяга адабиёт соҳасидаги Нобель мукофоти берилган. Уруш туфайли мукофотни топшириш маросими ўтказилмайди, ammo Силланпя медаль ва лауреатлик дипломини шу йилнинг декабрь ойида олади. Пер Хальстрём фин халқига ҳамдардлик билдириш билан бирга академия аъзолари номидан шундай деди: *«Биз нафақат Сизнинг ижодингиздан, балки сизнинг халқингиздан ҳам завқ-шавққа тўлиб турибмиз...»*

1930 йилдаёқ Силланпя ўзида ҳам интеллектуал, ҳам эмонионал инқирознинг илк аломатларини ҳис қила бошлаган ва у ижод кучи уни тарқ этаётганини сезган эди. Ҳатто Нобель мукофоти берилганига қарамай, ёзувчи 1940 йилдан то 1943 йилгача оғир руҳий сиқилиш ҳолатида яшайди ва руҳий касалликлар шифохонасида даволанади, ammo ёзишдан тўхтамайди. Ана шу руҳий ҳолатлар ҳам муайян маънода шу йилларда яратилган «Август» ва «Инсон ҳаётининг гўзаллиги ва азоблари» асарларига таъсир этган. Улар чуқур пессимизм билан сугорилган, уларнинг қаҳрамонлари ҳам ўзларини омадсиз деб биладиган бахтсиз ёзувчи ва шоирлар бўлиб, улардаги мавзулар муаллифнинг таржимаи ҳолидан олинган.

Ёзувчининг сўнги асари уч томлик хотиралар китоби бўлади. Ундан «Ўз ҳаёти билан яшаган йигит», «Ҳикоя қиламан ва тасвирлайман», «Куннинг энг муҳим воқеаси» асарлари жой олган. Баланд бўйли, сочи тўкилган, соқолли, ичкиликка майли кучли бўлган Силланпя бу йилларда миллатнинг сеvimли шахсига айланади, уни Патриарх, кейинроқ «Бобо» деб атай бошлайдилар. Умрининг сўнги йилларида адиб радио орқали кўп марта чиқишлар қилади ва халқ орасида катта шуҳрат қозонади.

Силланпя 1964 йилнинг 3 июнь куни Хельсинкида вафот этади.

ЙОХАННЕС ВИЛЬХЕЛЬМ ЙЕНСЕН



Даниялик ёзувчи Йоханнес Вильгельм Йенсен 1873 йил 20 январда Ютландия шимолидаги Химмерланд ўлкасидаги Фарс шаҳрида таваллуд топган. Отаси Ганс Йенсен ветеринар бўлишига қарамай, қувваи ҳофизаси кенг эди. Болалигидан табиат шайдоси бўлган бўлажак ёзувчи Химмерланд ўлкасига хос бўлган салқин ва шабадали об-ҳаво кўйнида кезишни хуш кўрар ва жуда кўп китоб мутолаа қиларди. Даниялик деҳқонлар ҳаётига меҳр ҳам унда ўша пайтларда пайдо бўлган. 11 ёшгача онаси Мария Кирстин кўлида билим олган Йоханнесни маҳаллий мактабга беришади.

Алоҳида ўқитувчилардан ҳам дарс олган Йенсен 1890 йилда Виборг кафедрал мактабига ўқишга киради.

Уч йил мазкур даргоҳда таҳсил олган бўлажак адиб Копенгаген университетига ўқишга кириш бахтига муяссар бўлади. У дорилфунунда тиббиёт ва табиий фанларни ўрганарди-ю, аммо ҳаммасидан ҳам адабиёт унинг юрагига яқин эди. Йоханнес даниялик ёзувчилардан ташқари, Гейне, Золя, Шекспир асарларини мароқ билан ўқирди. Уша йиллари Кнут Гамсуннинг илк романлари босилиб чиққан ва улар Йенсеннинг таъбири билан айтганда, *«ўз услуби ва ҳаётга ниҳоятда янгича қарашлари билан ... жуда катта таассурот уйғотган»*. Бироқ ҳаммасидан ҳам кўра, ўзининг шаклланишида ёзувчи Киплингнинг таъсири катта эканлигини эътироф этади. Йенсеннинг таъбири билан айтганда, бу адибнинг асарлари *«дунёнинг дарвозаларини кенг очди ва ёш йигитнинг юрагиди саёҳатларга чиқиши ва узоқ ўлкаларга бориши орзусини алангалатди»*.

Талабалик йилларида детектив асарлар ёзиб тирикчилик қилиб юрган Йенсен дастлаб Ивар Люкке тахаллуси билан ижод қилган. «Данияликлар» (1896) романидан келган қалам ҳақи эвазига Америка бўйлаб саёҳатга чиққан ижодкор бу мамлакатдаги яшаш тарзи, тараққиётдан ҳайратга тушади. У даниялик муҳожирларнинг ҳаётидан, айниқса, кўпроқ таъсирланади, сафардан қайтиб келгач, янгича ҳаёт қуришга тинимсиз интиладиган ёш йигит ҳақидаги «Эйнар Элькер» романини ёзади. Асар яхшигина акс-садо беради, аммо Йенсен бундан кейин ўзининг ҳаётидан олинган мазмундаги асарлар ёзишни тўхтатади.

Бу пайтга келиб Йенсен адабиётда ўз ўрнини топа бошлаганди, у тиббиётни ташлаб, «Сиёсат» номи билан чиқадиган газетага мухбир сифатида ишга жойлашади. Газета таҳририятининг топширигига кўра, Испания-Америка урушини ёритади. 1904 йилда Эльза Марияга уйланган ёзувчи уч ўғли ва хотини билан Копенгагенда истиқомат қилган.

Ёзувчининг «Химмерландликлар» деб номланган ютландияликларнинг урф-одат ва анъаналари, ҳаёт тарзи ҳақидаги ҳикоялар тўплами танқидчиларнинг диққат-эътиборини тортади. Кейинги тўпламлар — «Янги Химмерландия воқеалари» (1904) ва «Химмерландия воқеалари. Учинчи том» (1910)да ҳам ушбу мавзу давом эттирилган. Қирол Кристиан II нинг ҳаёти мавзусида яратилган, Дания адабиётидаги йирик тарихий романида муаллиф мифларга хос ва реалистик унсурларни усталик билан мужассамлаштирган. 1906 йилда Йенсеннинг биринчи шеърӣй тўплами ҳам босилиб чиқади.

1912 йилда Шри Ланка, Сингапур, Пекин, Монголия ва ниҳоят, Нью-Йоркка сафарга чиққан ёзувчи 1914 йилда Копенгагенга қайтади. Сафар таассуротлари адибнинг «Давримизнинг бошланиши» китобида ўз ифодасини топган. 1922 — 1924 йилларда Йенсен ўз гоёларини бадиий тарзда сингдирган олти томлик «Узоқ саёҳат» асарини яратган. Туркум Ютландияни кашф этганларнинг ҳаётидан бошланиб, Христофор Колумб

томонидан Янги Дунёнинг очилиши ҳикояси билан ўз чўққисига етади. Йенсеннинг «Узоқ саёҳат» асари илгариги «Афсоналар»и, 1907 йилдан то 1944 йилгача ёзилган ўн икки томлик кичик ҳажмли ҳикоялар ва очеркларига бирлашиб, турли илмий ва фалсафий назарияларини ўзида мужассамлаштирган мажмуавий тўпламни ташкил этади.

Ёзиш одатини канда қилмаган ёзувчи 1925 йилда яна сафарга отланади. Бу гал Миср, Фаластин ва Шимолий Африкага борган Йенсен 1928 йилда Копенгагенга қайтиб келиб, табиат ва инсон тараққиёти ҳақидаги фалсафий асари «Тафаккур босқичлари»ни ёзиб тугатади. Наср ва назмда ижод қилиш билан бирга адиб энди Дарвин назарияларини ҳис қилиш мумкин бўлган ва илмий зийракликдан кўра баён этиш услуби сифатида эса қоладиган эссе жанрига кўпроқ эътибор қарата бошлаган.

1939 йилда яна АҚШга борган адибни касаллик тез фурсатда ватанига қайтишга мажбур қилади. Ўзини сиёсатдан холи ҳисобласа-да, Йенсен фашизм ва антисемитизмни қаттиқ қоралаган, Гитлер Данияни босиб олгач эса, ўз кундаликлари ва шахсий кўлёмаларининг катта қисмини йўқ қилган.

1944 йилда Йенсен *«интеллектуал қизиқувчанлик ва ижодий услубнинг ўзига хослиги уйғунлашган ижодий тасаввуротнинг нодир кучи ва бойлиги учун»* адабиёт бўйича Нобель мукофоти билан тақдирланади. Уруш туфайли мукофотни тантанали топшириш маросими ўтказилмайди, аммо Америка-Скандинавия фонди маблағлари ҳисобидан тантанали нонушта ташкил этилади.

1945 йилда ўтказилган расмий маросимда академия аъзоси Андерс Эстерлинг *«Йенсеннинг адабиётдаги улкан меҳнати турли эпик ва лирик жанрлар, романлар ва реалистик йўлдаги асарлар, тарихий ва фалсафий эсселарни қамраб олиши»*ни таъкидлади.

Ўзининг жавоб сўзида Йенсен нафақат Альфред Нобелга, балки Дарвин ўзининг таълимоти учун миннатдор бўлиши зарур бўлган швед ботаниги Карл Линнейга ҳам эҳтиром бажо келтиради. Йенсен вафотига қалар «Афсоналар» ва эсселарни ёзишда давом этади.

У 1950 йилда Копенгагенда вафот этади.

Ёзувчи Дания натуралистик адабиётининг етакчи вакили деган мақомга эришади. Америкалик ёзувчи Гамильтон Бассо Йенсеннинг Дания адабиётидаги мавқеини Сигрид Унсетнинг Норвегия адабиётидаги, Томас Маннинг Германия адабиётидаги мавқеи билан таққослайди. Шу билан бирга, Бассо Йенсенни пастки лигада ўйнайдиган бейсбол командасининг олий лигага ўтказилган ўйинчисига ўхшатади, *«Йенсен Нобель мукофоти билан тақдирланган бўлса-да, — дейди Бассо, — унинг адабиётнинг олий лигасида қиладиган иши йўқ»*.

Ёзувчининг биографи Марион Нильсен у ҳақида жуда юқори баҳо берган. *«Ўз халқининг ўтмишига бу қадар чуқур ва бу қадар маҳорат билан кириб бора олган ва ўтмиш, бугунги кун ва келажак ўртасидаги*

ўзаро боғлиқликни кўрсатиб бера олган ёзувчилар жуда кам топиллади, -- деб ёзади Нильсен. — *Бошқа биронта даниялик ёзувчи бу юрт табиатининг бетакрор нуқталарини унингчалик илғай олмади*». АҚШда яшайдиган, асли келиб чиқиши даниялик бўлган олим Свен Россел 1980 йилда шундай ёзган эди: «*Йенсен асарлари Европа адабиёти учун улкан аҳамият касб этади. Унинг китобларида бугунги давр абадийлик билан мифологик тасавурда бирлашиб кетади*».

ГАБРИЕЛА МИСТРАЛЬ



Лусила Годой Алькаяги, яъни Габриела Мистраль 1889 йилнинг 7 апрель куни Ан-дадаги тоғли қишлоқ Викунада таваллуд топган. Отаси Херонима Годой Вийануэ-ванинг келиб чиқиши ҳиндулардан бўлиб, у Ля-Юнион қишлоғидаги мактабда муал-лимлик қиларди, ҳаёт тарзига назар сола-диган бўлсак, у кўпинча оиладан узоқда, дайдиларча кун кечирарди, онаси басқлар қабиласидан бўлиб, у Херонимагача оила қурган, биринчи никоҳидан қизи ҳам бор эди.

1892 йилда Мистраль онаси билан Монте-Гранде шахрига келади. 1907 йилда Ля-Кантера қишлоғида ўқитувчининг ёрдамчиси бўлиб ишлаган чоғида темир йўлчи Ромелио Урета билан танишиб, кўп ўтмай у билан никоҳдан ўтади. Аммо бу икки ёш тез-тез баҳслашиб қолишар, бу жанжаллар оқибатида эса орадан икки йил ўтар-ўтмас, Урета ўз ҳаётига суиқасд қилиб вафот этади.

Қаллигининг ўлимидан чуқур қайғуга ботган Габриела шу йиллари ўзининг илк жиддий ижодий иши — «Ўлим сонетлари» асарини яратади. Ушбу шеърый асар Сантьягода бўлиб ўтган Чили адабиёти танловида биринчи ўринни эгаллайди. Дарвоқе, у «сонетлар...»даги ишқий шеърлар педагогик мақомига путур етказишидан хавотирланиб, ўзи севган ёзувчилари — италиялик Габриеле Даннунцио ва провансаль шоир Фредерик Мистралларга ҳавас қилиб, уларнинг исм-шарифларидан йиғма ҳолда ўзига тахаллус танлайди.

Айтишларича, шоиранинг кейинги ишқий муносабатлари ҳам аянчли тугаган. Ёш ижодкор Пунта-Аренас шахрида икки йил давомида ўзининг ички тугёнларини шеърларига кўчириб яшайди ва турқум яратади.

Пунта-Аренасдан Чилининг марказий, яъни ҳиндулар истиқомат қиладиган ҳудудига кўчиб келган шоира бу шахардаги аёллар лицейига директор этиб тайинланади ва Пабло Неруда билан танишади. Пабло

Неруда 16 ёшидаёқ маҳаллий адабий жамиятнинг президентига айланган ва Мистраль унинг шоирона иқтидори ва истеъдодини ҳисобга олиб, унга ўз устида ишлаши учун лицей тасарруфидаги кутубхонадан фойдаланиш имконини яратиб беради.

1921 йилда шоирани Сантьягодаги лицейга директор этиб тайинлашади. Мистралнинг пойтахтга келиши унинг Колумбия университети профессори Федерико де Онис билан танишишига сабаб бўлади. Натижада Колумбия университети ҳузуридаги Испания институти шоиранинг «Умидсизлик» тўпламини нашр этади. Орадан қарийб йигирма йиллар ўтиб, америкалик танқидчи Милдред Адаме «Нейнш» журналида шундай ёзади: *«Умидсизлик» – бу эҳтирос ва фожиа, севгилисининг ўлимидан изтироб чекаётган аёлнинг оҳу зоридир. Буни ўз севгилисидан фарзандли бўлишга бўлган сўнмас армон дейиш мумкин. Алам, изтироб, ҳижрон туйғулари асарда қишлоқ манзаралари, бу муҳитда улғаяётган болаларга бўлган муҳаббат ва меҳр, муаллимнинг жамиятдаги ўрнини чуқур англаш каби ҳиссиётлар билан уйғунлик касб этганини кўриш мумкин. Шоирона раван ва содда, янаям аниқроқ айтганда оддий, тўпори тил... Бу асарга хос белгилар эди...»*

Испания институтининг нуфузи ҳамда шоиранинг истеъдоди сабаб, Чилидан ташқарида нашр этилган илк шеърый тўплами тез орада унга халқаро эътироф олиб келади. Америкалик адабиётшунос Альфред Ортис-Варгас «Шеърыйат ҳақидаги фан» нашрида шундай ёзган эди: *«Мистраль каби шоирнинг пайдо бўлиши муайян даврнинг белгисидир. Чунки унинг шеърларида мангуликнинг муҳрлари бор... Унинг шеърыйати ўқувчида заиф, изтироб чекаётган, ўлимга бораётган ҳар қандай мавжудотга нисбатан меҳр, самимий ҳислар уйғотади...»*

Кўп ўтмай, Мексика маориф вазири Хосе Васконселоса мазкур мамлакатдаги мактаб ва кутубхоналарни ислоҳ қилиш борасида лойиҳа яратиш учун Мистрални таклиф қилади. Мексикада истиқомат қилар экан, шоир ҳиндуларнинг яшаш тарзи, турмуш шароитлари, урф-одатларини ўрганиш, шу билан бирга мамлакатнинг турли нуқталарига саёҳат қилишга ҳам вақт топа билади.

У дастлаб Америка Қўшма Штатларига, у ердан Испанияга, кейин Швейцария ва Италияга боради. У мана шу йиллар мобайнида турли мамлакатлар ҳаёти, маданиятлари билан бевосита танишиш имконига эга бўлади. Ватанига қайтар экан, уни Чили маданиятининг тарғиботчиси сифатида юксак дабдаба билан кутиб олишади ва муаллимлик иши учун пенсия тайинлаб, ҳукуматнинг Лотин Америкаси мамлакатлари маданияти бўйича маслаҳатчиси лавозимига тайинлашади.

Шоиранинг «Майнлик» деб номланган иккинчи тўплами ҳам катта муваффақият қозонади. Муаллиф ушбу китобга киритилган қўпгина шеърларида ўзининг оналик бахтига муяссар бўла олмаганидан азобланишини яшириб ўтирмайди. 1926 йилда Мистраль Миллатлар Лигасининг Интеллектуал ҳамкорлик қўмитасида ишлаш учун Парижга

боради. Унинг мазкур лавозимдаги вазифаларидан бири Лотин Америкасида яшайдиган ижодкорларнинг асарларини Европада нашр этиш учун саралаш эди ва шоира ўша даврда Сайгонда Чилининг консули бўлиб ишлаётган Неруданинг асарларини улар орасига қўшишга ҳаракат қилади. 1930-1931 йилларда шоира Колумбия университетининг Бернард коллежида Лотин Америкаси адабиётидан дарс беради. Бир семестр давомида Пуэрто Рика университетида ҳам ўқитувчилик қилади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Мистраль хоним дипломатия соҳасида ҳам муваффақиятли фаолият юритган. У 1932 йилда Чилининг Италиядаги, 1934 йилда эса Испаниядаги консули бўлиб хизмат қилган.

1938 йилда эълон қилинган «Йўқотиш» тўпламига киритилган асарлар фашизмга нафрат билан йўғрилган бўлиб, фуқаролик уруши даврида жабр чеккан испанияликларга чуқур ҳамдардлик бор эди уларда. Шу йили Чилининг Франциядаги консули этиб тайинланган Мистраль иккинчи жаҳон уруши бошланиши хавфи пайдо бўлгач, Бразилияга жўнатишларини сўраб мурожаат қилади.

1945 йилда иккинчи жаҳон уруши поёнига етиб, бундай мукофотлар муҳити эндигина тиклана бошлаган вақтда Габриела Мистраль хонимга Швеция академияси «*ушнинг номини бутун Лотин Америкаси учун ғоявий интилишнинг тимсолига айлантирган самимий туйғули шеърляти учун*» адабиёт соҳасидаги Нобель мукофоти бериш ҳақида қарор қабул қилади. Бу пайтга келиб академия аъзоси сифатида мукофотни топшириш маросимида Яльмар Гульберг чиқади. У «*биз Лотин Америкаси адабиётини ўзига муносиб эпитроф этганимиз ҳолда, бу бой адабиёт қироличаси, ғамгинлик ва оналикнинг буюк куйчисига айланган, «Умидсизлик»дек ноёб асарни яратиб қўйган шоирани қутлаймиз...*»

Мистраль Лотин Америкаси ёзувчилари орасида ушбу юксак мукофотга сазовор бўлган илк ижодкор эди. Шоира жавоб сўзида ўзининг бутун Лотин Америкаси маданиятининг вакили эканини таъкидлаб, Швециянинг маънавий жиҳатдан янгилик кашф этганини қутлашини билдирди. Шу билан бирга, ўз ижодида аёллар ва болалар овозини кўпроқ тасвирлагани учун ҳам ушбу мукофотга сазовор бўлдим, деб ҳисоблашини айтади.

1946 йилда шоира Чилининг Лос-Анжелесдаги консули вазифасида, бир вақтнинг ўзида БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича комиссиясида ҳам иш бошлайди. 1951 йилда у Чилидаги адабий мукофот билан тақдирланади. Ўша йили уни яна бир бор Чилининг Италиядаги консули вазифасига тайинлашади. У ордан кўп ўтмай, соғлигининг ёмонлашгани сабаб истеъфога чиқади ва ўзининг Нью-Йоркдаги уйига жўнаб кетади. Шунга қарамай, 1954 йилда ўзига Чили университетининг фахрий доктори унвонининг берилиши муносабати билан ватанига келиши ўзига хос воқеа бўлади. У мазкур ташрифи доирасида Президент саройида маъруза қилади. Ушбу маърузани 200 минг киши тинглаган. Нью-Йоркка қайтиб келгач, унга Колумбия университетининг фахрий докторлиги ҳам берилган.

1954 йилда Цвейглар оиласи ва жиянининг ўз жонига суиқасд қилишига бағишлаб ўзининг сўнгги тўпламини чиқаради. У Нью-Йорк шаҳрида 67 ёшида саратон хасталигидан вафот этади. Майитни Чилига олиб боришади ва уч кунлик миллий мотам маросимидан сўнг уни Монте-Гранд шаҳридаги қабристонга дафн этишади. Бу шаҳарда шоира ўз болалигини ўтказган эди. Қабр тошига унинг ўзи ёзиб кетган шундай сўзлар битилган: *«Шоирни бўлмаган халқ руҳсиз танадир...»*

«Мистралнинг кўпгина шеърлари худди ибодат каби жаранглайди, — деб ёзган эди ўттизинчи йилларда чилилик ёзувчи ва танқидчи Франциско Донозо. — Бу ибодатда баъзан муҳаббат эшитилади, гоҳида эса унинг қалбида фожиявий тасаввур — надоматли чақирқиқ пайдо бўлади». Америкалик адабиётшунос Ленгстон Хьюз эса ўзи таржима қилган Габриела Мистралнинг танланган шеърлари китобидаги сўзбошисида шундай ёзади: *«Габриелани испан тилида сўзлашувчи мамлакатлардаги ҳар бир хонадонда билишади. Унинг аксарият шеърлари содда ва табиий. Уларда дабдаба ва тамтароқлик йўқ».* Бошқа бир танқидчи Артуро Торес-Риосеко эса Мистрални адабиётдаги ўзига хос давр, буюк шоир ва педагог дея таърифлайди, *«унинг новаторлик қобилияти ёш ёзувчилар учун намунадир»*, дейди у.

Лотин Америкаси адабиёти ҳақида тадқиқотлар олиб борган адабий танқидчи ва биограф Марго Арсе де Васкес шоиранинг ижоди бу адабиёт ичида ўзининг оригиналиги билан алоҳида ўрин тутишини таъкидлайди. *«Шоиранинг ўз овози бор»*, дейди у.

Лотин Америкаси адабиётининг яна бир улуғ вакили Пабло Неруда ўзининг хотираларида шоира ҳақида шундай ёзади: *«Мен унинг узун кўйлак кийиб шаҳар кўчалари бўйлаб сайр қилишини кузатар ва негацир ундан чўчирдим. Лекин кунлардан бирида мени унинг уйига олиб боришганида шоира ҳақидаги тасаввурларим бутунлай ўзгариб кетди...»*

GERMAN GECSE

Немис романнависи, шоир, танқидчи ва публицист Герман Гессе 1877 йилнинг 2 июль куни Вюртембергдаги Кальв шаҳрида ноширлар оиласида таваллуд топган. Германнинг онаси Мария Гундерт филолог бўлиб, кўп йиллар Ҳиндистонда яшаган ва унинг отасига турмушга чиқишидан олдин икки ўғли билан бева қолган, отаси Иоханесс Гессе эса ўша пайтда Ҳиндистонда ишлаган.

Ота-онасининг хоҳиш ва истаklarини инобатга олган Герман 1890 йилда Гёппинендаги латишлар мактабига ўқишга киради. Бир йилдан сўнг Маульброндаги протестантлар семинарийсига ўтади.

Қочишга урингани учун уни семинариядан ҳайдайдилар. У бошқа мактабларда ҳам яхши ўқимаган. Дастлаб устага шогирдликка тушади, кейин китоб савдоси бўйича ўқийди, ҳатто соатсозлик қилишга ҳам уриниб кўради, охир-оқибат, 1895 йилда Тيوبбинг деб номланган



университет шаҳарчасида китоб сотувчи бўлиб ишга жойлашади. Бу ерда Герман, айниқса, Гёте ва немис адабиёти роман-нависларининг асарларини қизиқиш билан ўқиб чиқади.

1899 йилда Герман «Кичик тўгарак» номли адабий гуруҳга аъзо бўлиб киради. Шу йили унинг «Романтик қўшиқлар» шеърый тўплами ва қисқа ҳикоялар ва насрда ёзилган шеърларидан таркиб топган «Ярим тундан бир соат ўтиб» китоблари босмадан чиққан.

«Петер Каменцинд» романи Гессега катта шуҳрат олиб келади. Бу адибнинг бир қатор асарлари каби таржимаи ҳолидан иборат асардир. Семинариядаги хотираларига асосланган «Филдирак остида» романида адиб буржуа жамиятида

ижодкор шахсининг етишиб чиқишидаги муаммоларни тадқиқ қилади. Шундан кейин Герман қишлоққа кетади ва 1904 йилда Мария Бернуйига уйланади. Улар уч фарзандли бўлишади.

Герман Гессенинг «Гертруда» романи 1910 йилда олам юзини кўради. Шундан кейин адиб Ҳиндистон бўйлаб сафарга кетади. Сафардан қайтиб келгач, унинг ҳикоя, шеър ва очерклардан иборат «Ҳиндистон хотиралари» тўплами эълон қилинади. 1914 йилда эса навбатдаги — «Росхальде» романи босмадан чиқади.

1916 йилда уруш йилларининг оғир изтироблари, ўгли Мартиннинг сурункали касаллиги, хотинининг дардмандлиги ва отасининг вафоти каби омиллар бир бўлиб, унинг ҳаётида руҳий қийналиш даври бошланади. У ўз ўқувчиси Карл Юнг қўлида руҳий таҳлил йўли билан даволанади ҳам. Юнг назарияси таъсири остида адиб 1919 йилда «Демиян» романини ёзиб тугатади. Асар урушдан қайтиб келиб Германияда янги ҳаётни бошлашга чоғланган ёшлар орасида кенг шуҳрат қозонади.

Томас Манн ушбу романни Жеймс Жойснинг «Улисс» ва Андре Жиднинг «Қалбаки пул ясовчилар» романларидан қолишмайдиган асар, дея баҳолаган. «Демиян», — дейди Манн, — *даврнинг руҳиятини ўзида жо этган, у бир бутун авлод ёшларнинг миннатдорлигига сабаб бўлди, улар романда бу орада пайдо бўлган ўз ички ҳаётий ташвишлари ва муаммоларини кўришди*.

1923 йилда унинг «Сиддхартлар» романи эълон қилинади ва шу йили у хотини билан расман ажрашади. Ушбу роман воқеалари Ҳиндистонда, Гаутама Будда даврида бўлиб ўтади. Ушбу ўзига хос қиссада Гессенинг Ҳиндистон хотиралари ҳамда унинг илгаридан шарқ динларига бўлган қизиқиши кўзга ташланади. 1924 йилда ёзувчи Руфи Венгерга уйланади, ammo бу никоҳ бор-йўғи уч йил давом этади.

«Дашт бўриси» романида Гессе Фауст дуализмини ривожлантиришга ҳаракат қилган, яъни ундаги қаҳрамон rassom Гарри Галлер ўзига хос йўллар билан ҳаётдан маъно излайди. Замоनावий адабиётшунослардан Эрнст Розенинг таъкиллашича, асар немис адабиётида маънавий мақсадни онг ва тафаккур моҳиятидан излашга интилган биринчи ижодий иш бўлди.

1930 йилда чиққан «Нарцисс ва Гольдмунд» романида муаллиф ўрта асрлар Германияси воқеалари замирида онгни ҳаёт билан қарама-қарши қўяди.

1931 йилда Герман учинчи бор оила қуради, бу гал у Нинон Долбинга уйланади. Ва шу йили янги асари «Маржон ўйини» устида иш бошлайди. 1943 йилда эълон қилинган ушбу роман адиб ижодининг дурдона асари ҳисобланади. Бу маржон ўйини бўйича магистр Иозеф Кнехтнинг таржимаи ҳоли ҳақидаги утопик романдир. Бу ўйин аслида ўтган тарихда маънавий тараққий топган Касталия мамлакатидagi оқсуяклар шуғулланadиган интеллектуал машғулот ҳисобланади. Америкалик танқидчи Теодор Циолковский: *«Гессе бу романи билан ўйламасдан қилинадиган босқиннинг масъулияти ва жавобгарлиги муқаррарлигини уқтиради. Шу маънода роман узоқ келажакка қаратилган телескоп эмас, у баайни бугунги реалликларнинг бутун иссиқ-совуғини ўзида акс эттирган ойнадир»*, – деб ёзади.

1946 йилда Герман Гессе *«Гуманизмнинг классик ғояларини борган сари ойдinлаштириб берган жўшқин ижоди, ажойиб услуби учун»* адабиёт соҳасидаги Нобель мукофоти билан тақдирланади.

Швеция академияси аъзоси Андерс Эстерлинг мукофотни топшириш тадбирида Гессега бу юксак мукофот унинг фожиавий даврда ҳақиқий инсонпарварликни ҳимоя қила олгани ва бу билан ўзига хос меҳр-муҳаббат, яхшилик, эзгулик тимсолига айлангани учун тақдим этилмоқда, дейди. Гессе тадбирда иштирок эта олмайди, унинг ўрнига Швеция вазири Генри Валлотон қатнашади ва Швеция қироллик академияси президенти Зигурд Клурмандан иқтибос келтиради. У шундай деган эди: *«Гессе бизга шундай даъват қилмоқда: «Олға, қаддингизни баландроқ кўтаринг! Ўзингизни энгинг! Ахир одам бўлиш иккиёқламалик деган бедаво дардни энгиш дегани...»*

Тадбирда иштирок эта олмаган адиб академияга маъруза – хат йўллайди. Унда жумладан, шундай сўзлар бор: *«...бу мукофот менинг немис тили ва немислар маданиятига қўшган ҳиссамнинг эътирофидир ва мен, бу марҳаматда тинчликпарварликни, барча халқларнинг маънавий ҳамжиҳатлигини тиклаш учун қўйилган қадамни кўраман»*.

Шунингдек, номада Гессенинг ижодий принциплари ва ҳаёт тамойили ҳам бир қадар акс этган эди, дейиш мумкин. Мулоҳазаларимизга адибнинг ушбу сўзлари ҳам далил бўла олади: *«Мен бутун одамзодни маънавий жиҳатдан бир қолипга тушириб қўйиш мақсадида миллий хусусиятларни дазмоллаб ташлаш тарафдори эмасман. Йўқ! Бу*

дилбар ер юзида турфа ранглик, хилма-хиллик ва изчил юксалиш бор бўлсин! Турли ирқлар ва халқлар, минглаб тил, лак-лак дунёқарашлари ақл-заковатларнинг мавжудлиги — улуг нарса. Агар мен уруш, босқин ва забт этишларнинг мурасасиз душмани бўлсам, бунинг кўплаб сабаблари орасида шуниси ҳам борки, одамзод маданиятининг тарихан шаклланган, чуқур индивидуал ва турли-туман хусусиятлари бу ёвуз кучларнинг қурбони бўлаяпти. Мен «улуг соддалаштирувчи»лар душмани, айни чоғда, сифат тарафдориман, шаклланган ва бетақлид нарсаларни ёқлайман».

Кейинги йилларда Гессе биронта йирик, кўзга кўринарли асар ёзгани йўқ. Албатта, унинг романлари, очерк ва эсселари, ҳикоялари аҳён-аҳёнда эълон қилиниб туради.

Герман Гессе умрининг сўнгги йилларида Швейцариядан чиқмай яшайди ва шу ерда 1962 йилда 85 ёшида вафот этади.

Адиб ижодига Жид, Манн, Элиот каби етук адабиётчилар юксак баҳо беришган бўлишса-да, унинг асарлари Германиядан ташқарида унчалик тарқаб кетмайди. Кейинги йигирма беш йил давомида унинг кўпгина асарлари турли халқлар тилларига таржима қилинди. Бугунги кунда Герман Гессени ҳақли равишда дунёнинг йигирманчи асрадаги энг йирик ёзувчиларидан бири деб баҳолашади.

АНДРЕ ЖИД



Андре Жид 1869 йилнинг 22 ноябрь куни Парижда таваллуд топган. Жиллар авлоди XVI–XVII асрлардаги француз протестантларига бориб тақалувчи гугенотлардан бўлган. Отаси Пол Жид Париж университети профессори, онаси Жюльетта кальвинизм*га эътиқод қўйган аёл эди, у эрининг вафотидан сўнг қолган умрини фарзанди тарбиясига бағишлаган.

Париждаги Эколь Альзасен қўрғонидаги протестантлар мактабида таҳсил олган чоғида Андреда адабиётга қизиқиш уйғона бошлаган. У қадимги грек адабиётига, онасининг ундови билан мусиқага ҳам айрича меҳр билан ўсади.

Отасидан қолган каттагина мерос туфайли Андреда ўзини тўла адабиётга бахшида қилиш учун барча имконият мавжуд эди. 1891 йилда унинг илк китоби «Андре Вальтернинг дафтари» босмадан чиққан. Шеър ва шеърый проза услубида ёзилган ушбу таржимаи ҳол асарининг мавзуси

*Кальвинизм — протестантлик мазҳабининг бир йўналиши.

тана ва руҳ ўртасидаги кураш бўлиб, охир-оқибатда бу кураш танадан воз кечиш билан тугайди. Синфдоши Пьер Луи уни ўша пайтда илғор ва етакчи адабий оқим бўлган символизм тарафдорлари билан таништиради. Улар орасида даврнинг энг йирик адабиётчилари, жумладан, Стефан Малларме ҳам бор эди. Адибнинг илк асарларида ушбу йўлга хос услублар яққол кўзга ташланади.

Сил касаллигига чалинган Жид ҳарбий хизматга боришдан озод бўлади ва дўсти, рассом Пол Альбер Лоранга 1893 йилда Шимолий Африка бўйлаб сафарда ҳамроҳ бўлишга қарор қилади. 1895 йилга келиб унинг «Ботқоқлик» номли ҳажвий асари босилиб чиқади. Бу пайтга келиб у сил касалидан батамом қутулади ва яна Шимолий Африкага қайтиб боради. У Жазоирдаги Бискра шаҳрида Оскар Уайльд ва лорд Алфред Дугласлар билан танишади.

Онасининг вафотидан кўп ўтмай, Андре холаваччаси Мадлен Рондога уйланади. Улар кўп йиллардан буён бир-бирларига кўнгили кўйишган эди. Одамлар кўзига одобли, ибодли кўринган бу сабр-бардошли аёл танқидчиларнинг фикрига кўра, Андре учун онасининг ҳам ўрнини босган. Аммо минг афсуски, уларнинг оиласида фарзанд бўлмади.

Жид бир йилдан сўнг Ларок шаҳри мэри бўлади. Аммо тинмай ижод қила бошлаган ёзувчи кўп ўтмай Жазоирга қайтиб кетади.

Жид илк бор шахсий мустақил фикрини 1897 йилда яратилган «Замин неъматлари» китобида изҳор этган. Очиғини айтганда, китоб танқидчи ва китобхонлар томонидан яхши кутиб олинмайди. Бу ҳам етмаганидек, унинг символизм тарафдори бўлган дўстлари билан алоқаларига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Бироқ йигирманчи йилларга келиб «Замин неъматлари» Жиднинг энг машҳур асарига айланади, қолаверса, бутун бошли ёш авлод ёзувчиларига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Бу ёш авлод вакиллари орасида экзистенциалист ёзувчилар Альбер Камю ва Жан Пол Сартрлар ҳам бор эди.

1897 йилда хотини уни ташлаб кетади. Жид бу айрилиқни жуда оғир олади. Мадлен оиланинг Нормандиядаги ер-мулкига кўчиб кетади. 1909 йилнинг февраль ойида «Нувель ревью франсез» журналининг ташкил этилиши устида иш бошлангач, Жид бу оғир депрессияни енгишга куч топгандек бўлади. Ушбу журнал кейинчалик салоҳиятли ва ўзига яраша ўринга эга бўлган адабий нашрлардан бирига айланади. Мазкур журнал ва унинг таъсири билан ташкил этилган «Галлимар» нашриёти ёш истеъод эгаларига ҳар томонлама ёрдам бериб келади ва Жиднинг таъсири билан унинг сеvimли ёзувчилари бўлмиш Достоевский, Жозеф Конрад, Уолт Уитмен, Герман Мелвилл асарларининг таржималари ҳам шу ерда босилиб чиқади.

Ҳа, «Нувель ревью франсез» улкан шуҳрат қозонади. Бу нашрда Марсель Пруст, Поль Валери каби етук ёзувчиларнинг асарлари ҳам босилиб чиқади. Ушбу тезкор муваффақиятлар ва асарларининг оммавийлашиб кетиши Жиднинг иқтисодий жиҳатдан оёққа туришига хизмат қилади, албатта.

«Ватикан ер ости йўлларида» романи Жид ижодидаги ўзига хос бурилишдан дарак берувчи асар бўлди. Жанр борасида ўрта асрларга хос ҳажвий асар услубида ёзилган, тузилиши ва руҳияти жиҳатидан анча мукамал бўлган ушбу романда қотиллик ҳақида сўз боради. Асар қаҳрамони бу қарорга ўзининг мустақиллигини исботлаш учунгина қўл уради. Бу билан Жид буржуача конформизм* устидан кулади.

«Сен қаердансан?» – ёзувчининг қарийб ўн йил давомида олиб борган кузатишлари кундалиги бўлиб, унда муаллиф эътиқод масаласига бўлган муносабатини баён қилган.

«Қалбаки пул ясовчилар» романи адибнинг Конго сафари арафасида тугатган йирик асаридир. Китоб 1926 йилда нашрдан чиққан. Адиб ушбу асарини ўзининг ягона романи, дея таърифлаган. Умуман, ушбу китоб ҳақида кўп талқинлар бор, аммо француз танқидчиси Жан Итьенинг куйидаги фикрлари бу борада бошқа мулоҳазага ўрин қолдирмайди: «*Жиднинг ўзининг бутун борлигини намоён этишига интилган икки асари бор – булар унинг ўсмирликда яратган «Андре Вальтер»и ва балогатга етгач ёзган «Қалбаки пул ясовчилар» романидир.* Айнан мана шу романи билан Жид халқаро эътирофга сазовор бўлади. Уни йиғирманчи асрнинг энг етук ёзувчилари қаторига қўядиган бўлишиди.

1947 йилда Андре Жид Оксфорд университетининг докторлиги фахрий унвонига сазовор бўлади. Шу йили Швеция академияси «*Инсоний муаммоларни ҳақиқатга бўлган қўрқмас муҳаббат билан кўтариб чиққан, улар моҳиятига чуқур руҳий кириб бора олган, бадший жиҳатдан аҳамияти юксак асарлари учун*» ёзувчини адабиёт соҳасидаги Нобель мукофоти билан тақдирлайди. Андерс Эстерлинг мукофотни топшириш маросимида сўзлаган нутқида Жиднинг бошқа замондошларига нисбатан кенг мушоҳадали ёзувчи эканига урғу беради. «*Мана, нима учун унинг асарларида ишонч билан шубҳа, аскетизм билан ҳаётга муҳаббат, тартиб билан эркинлик ўртасидаги тинимсиз мулоқотни кузатиш мумкин*», деган эди у ўз сўзида.

Соғлиги ёмонлашгани сабабли Жид тақдирлаш маросимида кела олмайди. Унинг Нобель маърузасини Франциянинг Швециядаги элчиси Габриэль Пюо ўқийди. Швеция академиясига мукофот учун миннатдорлик изҳор қилиб, Жид шундай ёзган эди: «*Узоқ йиллар мобайнида менинг овозим саҳрога сингиб кетаётгандек туюларди, кейинроқ эса ҳатто жуда оз одамларга етиб бораётгандек таассуротлар билан яшадим. Аммо бугун сиз менинг ўша озчиликка ишонганим тўғри бўлганини исботлаб бердингиз*».

1950 йилда Жид навбатдаги «Кундаликлар»ини нашр эттиради. Француз адабиёти бўйича британиялик мутахассис Энди Старки Жид кундаликлари ҳақида гапириб шундай дейди: «*...бу асарлар француз адабиётининг, умуман адабиётнинг нодир намуналаридир...*» Сартр Жидни хотирлар экан, «*...у бизга нима бўлса ҳам, фақат яхшилаб айтиш кераклигини ўқитишдан толмаган*», дейди.

*Конформизм – ҳукмрон тартиб, қадрият, анъана, қонун-қондаларга итоат билан қарашни ёқловчи қараш.

Жидни хотинининг қабри жойлашган Кювервилга дафн этишади. Вафотидан кейин, яъни 1951 йилда унинг яна бир асари «Энди ҳам сенга интиламан» китоби нашр этилди.

ТОМАС СТЕРНЗ ЭЛИОТ

Америкалик шоир Томас Стернз Элиот 1888 йил 26 сентябрь куни Миссури штатидаги Сент-Луис шаҳрида таваллуд топган. У оиладаги етти фарзанднинг энг кичиги эди. Элиотнинг отаси Генри Уэр бадавлат саноатчи, онаси Шарлотта Стернз эса ўқимишли ва адабиёт соҳасида ўзига яраша иқтидорли аёл эди.

Сент-Луисдаги «Смит-акэдеми» хусусий мактабини тамомлагач, бир йил шаҳардаги хусусий коллежда таҳсил олади, 1906 йилда эса Гарвард университетига ўқишга киради. Истеъдодли ва интилувчан Элиот уч йилда университет курсини тугатади ва тўртинчи босқичда магистрлик дипломига эга бўлади.

Бу пайтда Элиот «Харвард адвокат» нашрига шеърлар ёзиб турар, 1909-1910 йилларда ушбу журналнинг муҳаррири ҳам бўлган. Кейин Парижга бориб, Сорбонн университетига қатнайди, француз адабиёти, айниқса, символист шоирлар ижодини чуқур ўрганади. Дарҳақиқат, ҳали Гарвардда ўқиган чогидаёқ символизм билан қизиққан Элиот Жюль Лафорг ва Артур Саймонс асарларини мутолаа қилар экан, Саймонснинг «Адабиётда символизм ҳаракати» асаридан қаттиқ таъсирланган эди.

1911 йилда Гарвардга қайтган Элиот инглиз файласуф-идеалисти Ф. Г. Бредли ҳақида диссертация ёзади, санскрит ва буддавийликни ўрганади. Шельдон стипендияси ҳисобидан Германия ва Англияда Бредли қўл остида фалсафадан таҳсил олади. Кўп вақт иккиланиб юрган Элиот охири ўзини адабиётга багишлашга аҳд қилади. У Лондонда қолиб, шеърлар ёза бошлайди. Эзра Паунд ва Уиндэм Льюислар ёрдами билан 1915 йилда бир қанча шеърлари босилиб чиқади. 1925 йилдан уни «Фэйбер энд Гуайэр» (Кейинчалик «Фейбер энд Фейбер»га айланган) нашрига ишга олишади. Шоир бу ерда дастлаб адабий муҳаррир бўлиб ишлайди, сўнг фирма директорларидан бирига айланади.

1915 йилда ижодкор Вивьен Хейвудга уйланади, улар 19 йил биргаликда яшашган. Ажрашишгач, руҳий касалхонага жойлаштирилган Вивьен 1947 йилда вафот этади. 1917 йилдан 1919 йилгача Элиот «Эгоист» журнали муҳарририга муовинлик қилади. Лафорг ижодидан



таъсирланиб яратилган «Пруфрок ва бошқа кузатувлар» ҳамда «Шеърлар» тўпламларига киритилган шеърларда муаллиф ҳаётдаги воқеалардан ҳафсаласи пир эканлигини баён этган. Элиотнинг «Альфред Пруфрокнинг муҳаббат кўшиғи» деб номланган биринчи жиддий достони йигирманчи аср шеърлятида муҳим босқич сифатида пайдо бўлади. Америкалик шоир Жон Беррименнинг эътироф этишига қараганда, «*замонавий шеърят «Пруфрок»дан бошланган...*»

Элиот нафақат шоир, балки адабий танқидчи сифатида ҳам обрў қозона бошлаганди. 1919 йилдан эътиборан у «Тайм» журнаlining адабий иловаси бўлган «Тайме литерэри сапплмент»нинг доимий муаллифларидан бирига айланади. Бу нашрда Элиотнинг «Муқаддас ўрмон» тўпламига кирган Шекспир, Данте, Драйден, Марло, Жон Дон, Эндриу Марвеллар ҳақидаги кўплаб танқидий мақола ва шарҳлари босилиб чиқади. Элиотнинг «Жон Драйденга ҳурмат бажо айлаб»(1924) эссеси ҳамда «Танланган эсселар»(1932) китоби Кембриж мактаби, кейинроқ Америкада янги танқид номи билан машҳур бўлган йирик танқидчилар оқимининг пайдо бўлишида дастуриламал бўлади. Унинг кўпгина танқидий мулоҳазалари 1922 йилдан 1932 йилгача йилида тўрт марта чиқадиган «Крайтерион» журналинда босилган мақолаларида ўз ифодасини топган.

1922 йилда Эзра Паунд таъбири билан айтганда, инглиз тилида яратилган энг узун дoston «Ҳосилсиз ер» пайдо бўлади. 434 қатордан ташкил топган асарга муҳаррирлик қилган Паунд унинг учдан бир қисмини қисқартирган эди. Дoston бутун давр зиёлиларининг фикрий йўналишини намоён этиш билан бирга урушдан кейинги авлоднинг шубҳа ва таассуфини ҳам акс эттиргани билан аҳамият касб этади. 1927 йилда адиб инглиз черкови анъаналарига биноан чўқинтирилади ва шу йили Англия фуқаролигини олади. «Ланселот Эндриусни ҳимоя қилиб» деб номланган эссега сўзбошисида Элиот ўзини «*динда антикатолик, адабиётда классицист ва сиёсатда роял чалувчи*» дея атаган. Америкада ўқиган давридаёқ Элиот ўз аждодларининг ватани тарихига жуда катта қизиқиш билан қараган ва дўстлари ҳазиллашиб уни «*шеваси ва фуқаролигини ҳисобга олмаганда, англиялик*» дейишарди. Британия фуқаролигини олиши унинг ўсмирликдаги орзуси десак, Англия черковига ўтиши шоирнинг оиласи амал қилиб келган унитарянликдан воз кечишининг исботи эди.

Элиот 1930 йилда Сен-Жон Перснинг «Анабасис» поэмасини таржима қилади ва инглиз китобхонига француз шоирининг ижоди билан танишиш имконини яратади.

Адибнинг 30-йилларда яратган «Собордаги қотиллик» пьесаси авлиё Томас Беккетнинг изтироблари ҳақидаги фалсафий қарашлардан иборат бўлиб, муаллифнинг энг яхши пьесаси дея баҳоланади. Асар АҚШ ва Европа театрларида муваффақият қозонади.

Шоирнинг қирқинчи йилларда яратган «Тўрт кuartет», «Бёрн Нортон», «Ист Кокер», «Литл Гиддинг» каби шеърый асарларини танқидчилар жиддий ва пишиқ асарлар сифатида қарши олишади.

1948 йилда Элиот «*Замонавий шеърятга қўшган улкан новаторлик ҳиссаси учун*» адабиёт бўйича Нобель мукофоти билан тақдирланади. Швеция академияси аъзоси Андерс Эстерлинг тақдирлаш маросимида сўзлаган нутқида Элиот шеърларида «*айрича ўзига хослик, янги авлод онгига кириб кета оладиган, мафтункор жозоба борлиги*»ни таъкидлайди. Элиот жавоб сўзида Нобель мукофотининг шоирга берилиши поэзиянинг умуминсоний қадрият сифатида эътироф этилиши, буни шеърятнинг аҳамияти рамзи сифатида қадрлашини билдиради.

1957 йилда шоир Эсма Валери Флетчерга уйланган. Нобель мукофоти соҳиби 1965 йилда, 76 ёшида вафот этади. Уни ўн еттинчи асрда шоирнинг бобоси Эндрю Элиот Америкага йўл олган Ист-Кокердаги Сомерсет қишлоғига дафн қиладилар.

Элиот жуда кўп мукофотларга сазовор бўлган ижодкор эди. Улар орасида Британиянинг «Буюк хизматлари учун», Франциянинг Фахрий легион орденлари, Ганзей иттифоқининг Гёте мукофоти, Англия, Америка ва Европа университетларининг фахрий унвонлари бор эди.


Америкалик танқидчи Ирвин Эренпрайс Элиот шеърятини ҳақида қуйидаги фикрни билдиради: «*Унинг шеърлари инсон руҳиятига чуқур кириб боради. Шоир бизнинг энг сирли ҳиссиётларимиз ва мулоҳазаларимизнинг ўзгарувчанлиги, мантиққа зид келишини тушунарди ва шу парадоксни ўз услуби орқали баён этишга интиларди*». «*Элиотнинг услуби, — деб ёзди адабиётшунос олим, — синтаксис ва мантиқни бузиш, бу билан эса адабий ижоднинг вазифалари ва қадриятлари янгича кўз билан қарашга мажбур этиш ила китобхонни ўзига жалб қилади*».

«*Элиотнинг икки томонлама вазифаси, — деб ёзган эди англиялик олим М. Брэдбрук, — шоирларнинг улуғи ўргатганидек, ойнани табиатга қаратган ҳолда, ўз даврининг талқинини топиш, шу билан бирга ҳақиқий камолот намуналари йўлидан боришдан иборат бўлди*».

УИЛЬЯМ ФОЛЬКНЕР

Америкалик ёзувчи Уильям Фолькнер 1897 йилнинг 25 сентябрида Нью-Олбанида таваллуд топган. Уильям Миссисипи университетига ўқишга кириб, 1920 йилда уни ташлаб Нью-Йоркка кетади. Кейин Оксфордга қайтиб, дорилфунунда почтачи бўлиб ишлайди. 1925 йили Нью-Орлеанга келади.

Шундан кейин Фолькнернинг «Аскар мукофоти», «Чивинлар» романи чоп этилган, бироқ бу асарлар муваффақият қозонмаган. Фолькнер умидсизланмай, «Сарторис» романини ёзди. Асар воқеалари Америка жанубида жойлашган, ўйлаб топилган Йокнапатора шаҳрида кечади. Ушбу роман танқидчилар эътиборини тортганига қарамай, Фолькнер «Шовқин ва ғазаб» романидан кейингина ёзувчи сифатида тан олинган.



«Ўйлом тўшаги» романи 59 та ички монологдан иборат. «Ибодатхона» асари гангстер томонидан зўрланган аёлнинг фоҳишахонадан бошпана топиши ҳақида ҳикоя қилади. Роман тез орада машҳур бўлиб кетган. «Август ёгдуси» романида ирқчилик ва пуританлик принципларининг салбий оқибатлари очиб ташланган.

«Авессалом, авессалом» романида жанубда плантаторларнинг «янги династия»сини яратиш учун бўлган ҳаракатларнинг самарасизлиги кўрсатилган. Фолькнер «Қишлоқча», «Шаҳар», «Қўрғонча» трилогияси, «Бу ўн учлар», «Кел, Мусо» ҳикоя ва новеллалар тўплами муаллифи.

«Танланган асарлар»дан сўнг Фолькнер ижодига қизиқиш ошган. 1962 йилда сўнгги романи – «Олибқочарлар»ни ёза бошлаган. Аммо асар тугалланмаган.

Фолькнерга 1950 йили 1949 йил ҳисобидан «*Ҳозирги замон Америка романчилигига бадиий нуқтаи назардан ноёб ва улкан ҳисса қўшгани учун*» Нобель мукофоти берилган.

Жаҳон адабиётида америкалик буюк ёзувчи Уильям Фолькнернинг 1947 йил апрель ойида Миссисипи университети талабалари билан учрашувда айтган фикрлари катта ўрин тутди. Таъбир жоиз бўлса, Фолькнернинг айнан ўша фикрлари бутун бир авлод вакилларининг адабиётга бўлган қарашларини белгилаб беради. Қолаверса, миллионлаб китобхонлар ҳам ярим асрдан ортиқ вақт мобайнида бадиий асарни танлашда Фолькнер тавсиясига беихтиёр амал қилиб келмоқда.

Ўша учрашувда Фолькнер талабаларнинг: «Сиз беш нафар энг буюк замонавий америкалик ёзувчилар қаторига кимларни қўшар эдингиз?» деган саволига жавобан Томас Вульф, Дос Пассос, Хемингуэй, Стейнбек номларини санаб ўтади ва Эрнест Хемингуэй ҳақида тўхталиб: «*У ҳеч қачон жасорат кўрсатишга уринмаган, ҳеч қачон юпқа муз устида юрмайди ва ҳеч қачон ўқувчининг бирор бир сўзининг маъносини билиш учун лугатга мурожаат қилишига ҳожат қолдирмайди*», деган гапларни айтади. Баъзи бир талабалар Фолькнернинг бу сўзларини ёзиб олиб, ўша йили 24 апрелда Оксфорднинг «Игл», 11 майда эса «Нью-Йорк Хералд» газеталарида ўша савол-жавобдан парчаларни эълон қилишади.

Орадан кўп ўтмай, бу газеталардаги фикрлардан Эрнест Хемингуэй хабар топади ва қаттиқ ранжиб, дўсти генерал Ленхэмга мурожаат қилади. Ўзининг оловли урушларда қандай жанг олиб боргани ҳақида Фолькнерга ёзиб юборишини ундан илтимос қилади. Генерал Ленхэм ҳам кўп ўтмай Хемингуэйнинг 1944 йил қишда Франциядаги жангларда кўрсатган жасорати-ю, ҳарбий мухбир сифатида амалга оширган

фавқуллода қаҳрамонлиги тўғрисида Фолькнерга ёзиб юборади. Хемингуэйнинг жанговар хизматлари баёни уч саҳифа бўлиб, хат сўнггида бу гапларни ўқигандан сўнг Фолькнернинг Хемингуэй ҳақидаги фикрлари ўзгаришига умид билдирилган эди.

Шу тариқа икки буюк ёзувчи, замондош ва тенгдош ижодкорлар ўртасида тушунмовчилик юзага келади. Табиатан танқидни жини суймайдиган Хемингуэйнинг тепа сочи тикка бўлса, одатда, ҳар қандай танқидларга бепарво инсон сифатида танилган Фолькнер бу гал ҳам пинагини бузмайди, гапнинг кетидан қувмайди. Лекин генерал Ленхэмнинг хатига жавобан ўша учрашувда айтган гапларига қуйидагича изоҳ беришга ҳаракат қилади:

«Хурматли генерал Ленхэм!

Хатингиз учун ташаккур билдираман. Менга ёзиб юборган гапларингизни қандай эшитган бўлсангиз, шундайлигича қоғозга туширгангиз кўриниб турибди; лекин газетада менинг гапларим тўлиқ босилмаган. Чунки мен Хемингуэйнинг инсоний фазилатлари ҳақида эмас, балки унинг бадий ижоди хусусида фикр билдирган эдим. Қолаверса, унинг Испания ва бошқа ҳудудларда бўлган урушлардаги хизматларидан яхшигина хабардорман.

Мен апрель ойида Миссисипи университетининг инглиз тили ва адабиёти факультети раҳбариятининг илтимосига кўра, у ерда таълим олаётган талабалар билан учрашдим ва уларнинг адабиёт ҳамда ижод ҳақидаги саволларига жавоб бердим. Бир гуруҳ талабалар мендан Американинг замонавий буюк ёзувчиларига баҳо беришимни сўрашди. Мен уларга бу саволга ҳеч ким аниқ жавоб беролмаслигини тушунтиришга уриндим. Лекин улар жавоб берасиз, деб қаттиқ туриб олишгач, ўз тенгдошларим, яъни мен билан бақамти қалам тебратиб келаётган ёзувчилар ижодига баҳоли қудрат баҳо беришга ҳаракат қилдим. Вульф, Дос Пассос, Хемингуэй, Колдуэллнинг номини санадим ва фикримча, бизлар ҳаммамиз мағлубиятга учраганмиз (ҳеч қайсимиз Диккенс, Достоевский, Бальзак, Теккерей ва бошқалар чиққан юксакликка кўтарила олмадик, деган маънода), дедим.

Энг гўзал мағлубият эса Вульфга тегишлидир, чунки у ичимизда энг жасоратлимиз эди. У ўзининг тўймоқ ва жумбоқли, ачинарли ва зерикарли ҳамда дағал услубда ёзишда айблашларидан асло қўрқмади, аксинча, унга танқидчиларнинг унча-мунча муносабатлари чикора эди! Шунингдек, иккинчи ўринда услуб нуқтаи назаридан таваккал қилишдан қўрқмагани учун Дос Пассос номини санадим. Кейин эса бошқалар каби ўзини хавф-хатарга ташлаб, сўзамоллик, зерикарлик ва мураккаб ёзишдан тийилгани учун Хемингуэйни санаб ўтдим.

Албатта, бу борадаги фикрларимни батафсил тушунтиришга ҳаракат қилдим. Менда тайёр матн йўқ эди, шунинг учун тайёргарликсиз, норасмий ва «матбуот учун эмас-ку», деган маънода гапирдим. Менинг фикрларим матбуотда эълон қилинганини эса сизнинг хатингизни

ўқигандан кейин билдим ва келтирилган кўчирмалардан амин бўлдимки, айтган гапларим жиддий ўзгартирилиб, қисқартирилиб босилган экан.

Бундан жудаям афсусдаман.. Бу хатнинг бир нусхасини изоҳи билан Хемингуэйга ҳам жўнатаман. Агар айни англашилмовчиликларни қайта тўғрилаш имкони тўғрисида, албатта, тўғрилайман.

Яна бир карра хатингиз учун ташаккур билдираман».

«Қадрдоним Хемингуэй!

Йўл қўйилган англашилмовчиликдан афсусдаман.

Мен ушбу, шунчаки норасмий, матбуот учун мўлжалланмаган учрашув тўғрисида икки юзу элик доллар пул ишладим ва, албатта, фикрларимни чоп этишларидан олдин кўз югуртириб чиқишим керак эди. Узоқ йиллар мобайнида бир нарсага иқрор бўлдимки, бизнинг барча фожиа ва кулфатларимизнинг сабаби — инсоний нутқ ва сўзамоллигимиздир. Мен энди айнан шу хунук одат — вайсақиликдан қутулдим, деб ўйлайман. Эҳтимол, бу мен учун сўнги сабоқ бўлгандир.

Сиз ўша фикрларга жиддий аҳамият бермаслигингизга жудаям ишонаман. Агар мабодо йиллар ўтиб, бундай ҳол яна рўй бериб қолса, марҳамат қилиб, менинг узримни олдиндан қабул қилишингизни сўраб қоламан.

Самимият билан, Уильям Фолькнер».

Бу хат билан бирга Фолькнер Хемингуэйга ўзининг генерал Ленхэмга йўллаган мактубини ҳам қўшиб жўнатади. Шунини таъкидлаш лозимки, Фолькнер ҳеч бир хатида айтган фикрларидан тонмайди ва ҳар гал ноаниқликларга йўл қўяди. Чунки Фолькнернинг ўзи таъкидлаганидек, унга бундай инсоний вайсақиликлар ёқмайди.

Умуман, адабиёт ҳақида Фолькнернинг қарашлари бирорта ёзувчиникига сира ўхшамайди. Ҳатто Фолькнер бир хатида минг афсус билан ўзининг инсон сифатида тарихдан бутунлай ўчиб кетишини таъкидлайди ва китобларидан бошқа ҳеч қандай хотира қолдирмасликни истаётганини ёзади. Шунингдек, унинг расмга тушишга ва ўзи ҳақида ёзма маълумотлар қолдиришга бутун умр қаршилик қилиб яшагани маълум. Фолькнер сўнги суҳбатларидан бирида ҳатто: «Менинг барча ўй-қарашларим ва интилишларим бир нарсага қаратилган — умрим адоғида ҳаётим моҳиятини ифода этгувчи ва ала-оқибатда қабр тошига ёзув ҳамда марсия бўлажак биттагина гап: «У китоблар ёзди ва ўлди», деган битик қолишидир», дейди. 1949 йили эса у «Минг афсуски, бундан ўттиз йил олдин мен ҳали келажакни кўра олмаган эканман, худди елизаветинликлар каби ёзган нарсаларимга имзо ва исм қўймаслигим керак эди», деб ёзади.

Фолькнер ижоди билан яқиндан танишган одам унинг қатъий ҳаётий ва ёзувчилик принципларига амал қилганига амин бўлади. Масалан, фолькнерона фалсафанинг ўқ илдизи — инсоннинг мағлубиятга учраши

ва шунга қарамай олга интилиб, охир-оқибатда галаба қозониши. У маглубият деганда аслида муваффақиятни назарда тутати. Шу маънода, Фолькнернинг тарихда фақат китоблар қолдиришни исташи ҳам унинг ботиний хоҳишидан келиб чиқади. Чунки адиб баъзи учрашувларида китобга фақат китоб сифатида қарашини, кўпинча унинг муаллифи билан умуман қизиқмаслигини айтган.

Ҳар не бўлганда ҳам, Уильям Фолькнер дунё адабиётида ўз ўрнига эга. Бу мавқега чиқиш эса ҳамма ёзувчиларга ҳам насиб этавермайди.

БЕРТРАН УИЛЬЯМ РАССЕЛ

Бертран Рассел 1872 йилнинг 18 май куни ҳозирда Уэльснинг Гвент графлиги тасарруфидаги, ўша пайтда эса Монмаутшир графлигидаги Рейвенскрофт шаҳрида таваллуд топган. Унинг отаси Жон Рассел аслида ўн олтинчи асрдан буён Британия сиёсий ҳаётида фаол қатнашиб келган машҳур сулоланинг вакили эди.

Тақдирни қарангки, Бертран икки ёшга тўлганида унинг онаси ва синглиси вафот этишади, яна бир йилдан кўпроқ вақт ўтиб отаси ҳам бандаликни бажо келтиради. Оқибатда у акаси билан Пембрук-Ложда яшовчи бувиси графиня Рассел хонадонига келиб яшашга мажбур бўлишади. Уларнинг тарбияси ва ўқиши билан эса бу ердаги хизматкор, немис миллатига мансуб тарбиячи аёл ҳамда инглиз уй ўқитувчилари шуғулланишади.

Ўн саккиз ёшида Бертран Кембриж университетининг Тринити коллежига ўқишга киради ва 1894 йилда санъат соҳаси бўйича бакалавр даражасини олади. Устози Мак-Таггарт уни Гегелнинг идеалистик фалсафаси билан таништирган бўлса-да, ёш файласуфда Мурнинг таҳлилий фалсафаси борасидаги тадқиқотларга интилиш кучли эди.

Мур йўналиши Жон Локк ва Дэвид Юмларнинг фалсафий қарашларидаги эмпиризмнинг соф инглиз анъаналарига таянар эди. 1895 йилда Бертранни коллежнинг илмий жамиятига аъзо этиб сайлайдилар ва у орадан икки йилга яқин вақт ўтиб «Геометрия асослари ҳақида»ги диссертациясини ёзиб тугатади.

Рассел 1894 йилда Парижга Британия элчихонасининг фахрий атташеси сифатида ишга ўтади. Шу йилнинг декабрь ойида асли америкалик ва христиан динига эътиқод қўйган кишининг оиласидан бўлган Элис Пирсолл Смит исмли қизга уйланади. 1895 йилда ёш келин-куёвлар Берлинга кетишади ва бу шаҳарда Рассел ўзининг илк



китоби «Германия социал-демократияси» асари учун материал тўплай бошлайди. Бир оз муддат АҚШда бўлгач, Рассел яна Британияга қайтиб келади. Суссекс графлигида яшар экан, Рассел «Лейбниц фалсафасининг танқидий талқини» деб номланган китобини тайёрлайди, унга Кембриждаги маърузалар ҳам киритилган эди.

1900 йилда Парижда бўлиб ўтган халқаро файласуфлар конгрессида иштираган Рассел анжуманда итальян файласуфи Жузеппа Пиано ҳамда немис олими Готлоб Фреглаарнинг, яъни рамзий мантиқ асосчиларининг ишлари билан танишишга муваффақ бўлган эди. Ушбу танишувлар натижаси ўлароқ, Рассел ўзининг навбатдаги иши — «Математика тамойиллари» китобини нашр эттиради. Айтиш жоизки, ушбу китоб Расселга катта шуҳрат келтиради. Китобда муаллиф математика ва расмий мантиқнинг айнан бир нарса эканлиги ва бутун математика аслида бир нечта принциплар асосига қурилгани ҳақидаги ўз хулосаларини баён этади.

Кейинги йилларда Уайтхед билан ҳамкорликда ушбу мавзудаги тадқиқотларни давом эттирган олим 1910 ва 1913 йилларда барча европалик файласуфлар фаолиятига жиддий таъсир кўрсатган уч томлик «Математика асослари» китобини эълон қилади. Унда олимлар ўз қарашлари билан инглиз олимларининг метафизик муаммоларга нисбатан анъанавий ёндашувларини рад этади. Ушбу икки олимнинг таъкидлашича, фалсафанинг бош вазифаси табиий фанларни талқин қилишдан иборат бўлиши лозим, логика, яъни мантиқ эса илмий тадқиқотларнинг асосий унсури бўлмоғи керак. Улар фалсафанинг идеалистик мушоҳада қилишнинг «йўлдан оздирувчи» анъаналарига қарши туриб, у на этика билан ва на илоҳиёт билан ҳеч қандай умумийлик касб этмаслиги, балки қарашларнинг оддий ва объектив таҳлили билан чегараланиши лозимлигини ёқлаб чиқишган. Рассел ва Уайтхед шунга ишонадики, дунёни ҳис этган, англаган ҳолда билиш — ҳақиқатга етишишнинг ягона усули, бошқа барча билимлар эса субъектив ва шундан келиб чиқиб хатодир.

Дарҳақиқат, вақти келиб Рассел бу услуб ҳақиқатни англашнинг ягона воситаси эканлигига шубҳа билан қарай бошлаган. 1914 йилда Гарвард университетиде ўқиган Лоуэлл маърузаларида ва кейинги илмий фалсафа йўналишидаги тадқиқотларида у мантиқнинг зиддиятли характерга эга эканини тан олади ва фалсафада ҳақиқатан ҳам кўп нарса гипотезаларга асосланиши ва буни тажриба билан исботлаб бўлмаслигини тасдиқлайди. Ушбу маърузалари унинг навбатдаги «Ташқи оламнинг фалсафада илмий услублар учун фаолият майдони сифатидаги ўрни» китобига киритилади.

Англиянинг биринчи жаҳон урушида қатнашишига кескин қаршилик билдирган Рассел 1914 йилда «Ҳарбий хизматга чақирувга қаршилик» номи остидаги ҳаракатга қўшилади. У урушга қарши мавзуларда «Ижтимоий қайта қуриш принциплари», «Уруш ва адолат», «Сиёсий идеаллар» ва «Озодлик йўлларида» асарларини эълон қилган.

Бу асарлар эътиборсиз қолгани йўқ, аммо Расселнинг катта миқдордаги жаримага тортилгани ва армияда хизмат қилишдан бош тортганлик учун қамоқхоналарда жорий этилган қийноқларни танқид қилган памфлети учун ҳибсга олингани катта шов-шувга сабаб бўлади. Уни Тринити-колледждан ишдан бўшатишади, шахсий кутубхонасини эса жарима ҳисобига сотиб юборишади ва бу ҳам камлик қилганидек, ҳукумат уни Гарвард университетида маъруза ўқиши учун рухсат берувчи паспортдан ҳам маҳрум қилади. Шуларга қарамай, Рассел барибир урушга қарши чиқишларини тўхтатмайди ва 1918 йилда яна турмага тушади. Бу сафар уни АҚШни урушга қўшилгани учун танқид қилгани боис тўрт ойга қамаб қўйишади. Рассел ўзининг навбатдаги «Математик фалсафага кириш» асарини 1919 йилда Брикстон турмасида ёзган.

Йигирманчи йилларда Рассел «Тафаккур таҳлили», «Атом асослари», «Нисбийлик асослари» ва «Материя таҳлили» каби турли мавзулардаги қатор асарларини яратган. У социалистик ғояларга илиқ муносабатда бўлган бўлса-да, ўзининг «Большевик назарияси ва амалиёти» асарида собиқ иттифокдаги режимни жуда кескин танқид қилган.

Фарзанд бўлмагач, биринчи хотини билан ажрашгач, Рассел 1921 йилда Дорэ Блэк билан оила қуради. Умуман, Рассел шахсий ҳаётда бахтли яшаган деб бўлмайди. Блэкдан бир ўғил ва бир қизли бўлган олим 1935 йилда у билан ҳам никоҳини бекор қилиб, котибаси Патриция Элен Спенс билан оила қуради. Бу оилада ўғил дунёга келган. Аммо, бу ҳам ҳаммаси эмас. 1952 йилда қаҳрамонимиз тўртинчи бор, бу гал Эдит Финч хоним билан оила қурган.

1939 йилда нацистлар Польшага бостириб киргач, Рассел пацифизмдан воз кечади ва Англиянинг урушга тайёргарлик кўришини ёқлаб чиқишлар қилади. Албатта, ўша пайтда у АҚШнинг бу борадаги иштироки ҳақида ҳаёл қилмаганди. 1940 йилда Расселнинг Нью-Йоркдаги Сити-колледжга фалсафа профессори сифатида ишга жойлашиши шаҳар кенгаши ва диндорларнинг норозиликларига сабаб бўлади. Шунга қарамай, Рассел шу йили Гарвард университетида ўз маърузаларини ўқийди. Кейин эса у билан тузилган тўрт йиллик шартномани бекор қиладилар. Хулласи калом, 1944 йилда Рассел ўзининг Кембриждаги Тринити-колледжга келиб ишини давом эттиради ва бу ерда навбатдаги бир қатор асарларини яратади.

1950 йилда «Тушуниб бўлмайдиган эсселар» китобини эълон қилар экан, «рационализм ва инсонпарварликнинг энг ёрқин вакилларидан бири, *ғарбда сўз ва фикр эркинлиги учун қўрқмас курашчи*» Рассел адабиёт соҳасидаги Нобель мукофоти билан тақдирланади. Рассел Нобель маърузаси билан чиқмаган.

1952 йилда навбатдаги никоҳга кирар экан, файласуф Уэльс шимолидаги Плас-Пенрин шаҳрига кўчиб кетади ва ўзининг адабиёт соҳасидаги ишларини давом эттиради. У 1970 йилда 97 ёшида грипп хасталигидан вафот этган.

Илмий ва адабий жамоатчиликнинг фикрларига таяниладиган бўлса, Рассел йирик файласуфдир, сиёсатчи сифатида унинг зиддиятли нуқталари кўп. «У тарихда ўзининг ўзига хос қарама-қаршилиги билан қолади», дея ёзади тадқиқотчилар. Рассел таржимаи ҳолининг иккинчи томига ёзган тақризида инглиз танқидчиси Холройд унга «асримизнинг энг ҳайратланарли шахсларидан биридир... унинг ҳаётий тажрибасида ҳайрон қоладиган парадокслар тўлиб ётибди...», — дея таъриф берган эди. «1951 йилда Швеция академияси бекорга Расселни бундай юксак мартаба билан сийлагани йўқ, — деб ёзган эди Эдман. — «Тушуниб бўлмайдиган эсселар»и нодир асар, машҳур ватандошлари, эски замон файласуфлари каби у ҳам инглиз насрининг устаси эди».

ПЕР ЛАГЕРКВИСТ



Пер Фабиан Лагерквист 1891 йилнинг 23 май куни Швеция жанубидаги Вексёе шаҳарчасида Иоганн Блад ва Андерс Йоган Лагерквистлар оиласидаги етти фарзанднинг кенжаси бўлиб дунёга келади. Унинг отаси аввал фермада, кейин эса темир йўлларда назоратчи бўлиб ишлаган.

Пер ўқувчилик давридаёқ Дарвиннинг «Оламнинг пайдо бўлиши» асарини ўқиб чиқади. Унинг шу ва бошқа бир қанча китобларни ўқиш давомида шаклланган дунёқараши лютеран*ларга хос тарбияда бўлган оиладагиларнинг консерватив фикрларидан мутлақо фарқ қиларди. 1910 йилда мактабни тугатиб, Пер икки йил давомида Упсал университетиде санъат ва адабиётдан сабоқ олади.

Лагерквистнинг адабий дебюти 1912 йилда нашр этилган бир нечта жўшқин руҳдаги шеърлари ва «Одамлар» қиссаси бўлади. У 1913 йилда Парижда бўлар экан, бу ердаги рассомларнинг замонавий асарлари унинг қалбини забт этади. Айниқса, у фовистларнинг қатъий энергияси ва кубистларнинг интеллектуал тартиблилигига мафтун бўлади. Ўша йили Пер ўзининг «Нотиқлик ва тасвирлаш санъати» деб номланган эссесини эълон қилади, унда натурализмни инкор этиб, бу йўналишга скандинавия ва грекларнинг дostonчилик намуналарини қарши кўяди. Унинг мазкур эссеси ўзида танқидий қарашларни намоён этгани билан жамоатчилик эътиборига тушади. Лагерквист 1914 йилда чоп этилган

*Лютеранлик — христиан динидаги энг қадимги протестантлик оқимларидан биридир.

шеърый ва насрий асарлардан таркиб топган «Сабаблар» тўплами ва 1915 йилда олам юзини кўрган «Темир ва одамлар» ҳикоялар тўпламларида ўзининг назарий қарашларини истифода этган.

Лагерквистнинг «Соғинч» деб номланган тўплами швед адабиётидаги эмпрессионизм йўналишида яратилган биринчи асар эди. Китобдаги ёрқин ифодалилик ҳамда узук-юлуқ услуб Лагерквистнинг фовизм ва кубизмга бўлган қизиқишини кўрсатиб туради. «Соғинч»да биринчи жаҳон уруши оқибатлари, хусусан у келтирган азоб ва уқубатлар, инсон тақдиридаги оғриқлар акс эттирилган. Америкалик шоир ва танқидчи Кеннет Рексрот «Адабий шарҳ» нашрига ёзган мақоласида «Соғинч» ҳақида тўхталиб, «асар ёзувчининг нафақат сиёсий хомхаёлларни тарқ этгани, балки унинг руҳий кенгфикрлигидан ҳам дарак беради», деган эди.

Биринчи жаҳон уруши тугагунга қадар шоир Данияда истиқомат қилади. Бу даврда у театр учун кўпгина асарлар яратади. «Охирги одам» пьесаси ер куррасида қолган ягона одамнинг чуқур изтироблари ҳақида бўлиб, адибнинг урушга оид мавзуларини давом эттиради. «Театр» тўпламига кирган эсселаридан бирида муаллиф натуралистик драма услубига қарши чиқади ва Август Стриндбергнинг кейинги пьесаларига мақтовлар ёғдириб ташлайди. Лагерквистнинг драма соҳасидаги ижодини ҳам адабиётшунослар айнан Стриндбергнинг таъсиридан, деб биладилар.

1919 йилда Пер Фабиан Лагерквист Стокгольмда чиқадиган «Свенска дабладет» газетасида театр танқидчиси вазифасида ишлар экан, ўзининг «Хаос» шеърый тўплами ва «Само сири» пьесасини эълон қилади. Ушбу сахна асари Лагерквист драмалари орасида ўзига яраша тош босадиган асар ҳисобланади, кейинги «Умрбоқий табассум» қиссасида ҳам адиб ушбу мавзунини давом эттирган.

Йигирманчи йилларда унинг услубларида аниқлик пайдо бўла бошлайди. Бу даврдаги «Бахтли одамнинг йўли» ва «Қалб кўшиғи» тўпламлари оддийлик ва кўтаринкилик билан тўйинган, бу эса унинг илгариги асарларида учрамайдиган ҳолат эди.

Насрий асарларидан «Ҳаётий меҳмон» ва «Забт этилган умр» китоблари танқидчиларнинг эътиборига тушади. «Ҳаётий меҳмон»да муаллифнинг болалиги акс этган, асарда ҳали мургаклигиданоқ уни ўлим гоёси таъқиб қилгани тўғрисида сўз боради. Иккинчи асар эса фалсафий қарашлар ва мулоҳазалардан иборат бўлиб, муаллиф оламга нисбатан ўз қарашлари билан ўртоқлашади. Америкалик танқидчи Алрик Густафсон бу китобларда Лагерквистнинг инсон руҳиятининг ўзгармаслиги ва зулм устидан яхшиликнинг ғалаба қозонишига бўлган ишончи намоён бўлганини таъкидлайди. Булардан ташқари, мазкур икки китоб Лагерквистнинг юксак ҳикоя қилиш маҳоратини ҳам намоён этганки, уларнинг тили равон ва содда, аниқ ва ниҳоятда жозибали экани билан ҳам таҳсинга лойиқдир.

Адибнинг драматик асарлари сирасига кирувчи «Умрини яшаб ўтган киши» пьесаси бошқа сахна асарлари каби ҳаётийлиги, кундалик ишлатиладиган сўз ва иборалардан унумли фойдаланилгани билан алоҳида ўзига хослик касб этган.

Ўттизинчи йилларда дунёда фашизм ваҳимаси юзага келади. Лагерквист бу йилларда инсонпарварлик тўнини янада маҳкамроқ кийган, дейиш мумкин. У ушбу мудҳиш ниятга қарши курашиш кераклигини бот-бот такрорларди. «Гулхан атрофида» номли тўпламида, кейин «Қирол» драмасида ўзининг инсонпарварлик дастурини эълон қилган бўлса-да, адиб бу бешафқат ҳукмронликка нисбатан ўзининг қатъий ҳукмини 1933 йилда яратилган ва орадан бир йил ўтиб қайта ишланиб, шу номдаги пьесага айлантирилган «Жаллод» асарида баён қилади. Ушбу китобида муаллиф ўша замон ҳақиқатларини ўрта асрлар ҳаёти билан таққослайди ва зулмнинг йўқ бўлиб кетмаслиги ҳақидаги машҳур фикрни тасдиқлайди.

Уруш арафасида Европада пайдо бўлган сиёсий ва ижтимоий муаммолар Лагерквистнинг ўттизинчи йиллардаги ижодида етакчи ўрин тутди. «Қалбсиз одам» драмасида муаллиф севги дардига мубтало бўлган одамнинг қанчалар ўзгариши, хусусан, зулмга хизмат қилган сиёсий террорчи севги туфайли яхшиликка хизмат қила бошлаганини акс эттиради. «Зулматда эришилган ғалаба» китобида адиб бири давлат хизматчиси, демократ ва иккинчиси сотқин демагог бўлган ака-ука эгизаклар тақдирини қаламга олган. Адибнинг «Шеърят ва жанг» тўпламига киритилган бир қатор шеърлари Германиянинг Дания ва Норвегияга бостириб кириши мавзуси билан боғлиқ.

Швеция академияси аъзолигига сайлангач, Лагерквист қирқинчи йиллар бошида бир қатор шеърӣй ва драматик асарлар ярағди, бироқ улар орасида энг кўзга кўрингани ва танқидчилар эътиборига тушгани мажозий руҳда ёзилган «Пакана» романи бўлади. Италиянинг тикланиш йилларида яшаган ушбу адоватчи пакана одам моҳиятан фашизмни танқид қилишнинг мажозий тимсоли бўлиб хизмат қилган ва у ўзида муаллифнинг инсоннинг очкўзлиги, иккиюзламачилиги ва хусуматгўйлигига муносабатини ҳам сингдира олган қаҳрамондир.

Лагерквист «Яшашга халақит берманг» драмасига Сукрот, Жанна д'Арк каби бир қатор тарихий шахслар билан бир қаторда ўйлаб топилган қаҳрамонларни ҳам киритиб, муросасизлик ва азобларга чидай олмасликнинг қурбонига айланган тақдирларни акс эттиради.

Адибнинг «Варавва» романи танқидчилар эътиборини қозонади. Андре Жид уни «ниҳоятда гўзал китоб» дея баҳолайди. Муаллиф ушбу асарда инсонда эътиқод бўлиши зарурлиги ҳақида сўз юритади. «Атлантик Мансли» наشريдаги мақоласида танқидчи Чарлз Роло ушбу романни «ҳақиқий дурдона», дейди. Шу каби бошқа бир қатор адабиётчилар ушбу асар ҳақида фикр билдириб, ҳали эътиқодга оид биронта асар бу даражада ҳаққонийлик ва маънавий куч билан

яратилмаганини таъкидлашган. Дунёнинг тўққиз тилига таржима қилинган ушбу роман ёзувчининг танқидчилар орасида кучли акс-садо берган асари ҳисобланади. 1952 йилда режиссёрлар ушбу роман асосида фильм ҳам яратишган.

1951 йилда «*ўз ижодида инсоният олдидан турган абадий саволларга бадиий маҳорат ва ўзининг мутлақо эркин ва мустақил фикри, дунёқараши орқали жавоб топишга интилган...*» Лагерквист адабиёт соҳасидаги Нобель мукофотига сазовор бўлади. Академия аъзоси Андерс Эстерлинг Лагерквистни инсониятнинг энг долзарб муаммоларига, бизнинг мавжудлигимиз билан боғлиқ фундаментал масалаларга қўрқмасдан ва очиқ мувожаат қила олган озчиликни ташкил этувчи ёзувчилар қаторида туришини таъкидлайди. Лагерквист табиатан уятчан, камтар эди ва у жавоб маърузаси билан чиқмаслигини билдиради. Бунинг ўрнига миннатдорлик сўзларидан сўнг бундан ўттиз йилча аввал ёзилган, аммо ҳеч жойда эълон қилинмаган «Инсоният афсонаси» китобидан бир парча ўқиб беради.

Шундан кейин ҳам Лагерквист кўплаб асарлар яратади. Унинг «Кечки замин» шеърий тўплами, «Сибилла», «Агасфернинг ўлими», «Денгиздаги зиёратчи», «Муқаддас ер», «Мариамна» романлари чоп этилади. Ушбу бешта роман бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, уларда камалак янглиг тимсоллар руҳида яқун топадиган ишқ-муҳаббат мавзуси кўтарилган.

Айтиб ўтганимиздек, Лагерквист ниҳоятда камтар ва камсуқум одам бўлгани боис шахсий ҳаётини ҳеч қачон касби ва мавқеига боғламаган. 1918 йилда Карен Сёренгенга уйланган. 1925 йилда эса никоҳ бекор қилинган. Шу йили швециялик rassom Йёст Сандельснинг беваси Элен Хальбергга уйланган.

Лагерквист 1974 йил 11 июль куни 83 ёшида шол касаллигидан вафот этган.

Танқидчилар унинг асарлари хусусида турли фикр ва мулоҳазаларини билдиришган. «*Бегоналик ҳисси йигирманчи аср адабиётининг бош мавзуси бўлди, — деб ёзган эди швециялик танқидчи Гункель Мальм-Стрём. — Шу маънода, Лагерквист ҳам Франс Кафка ва Альбер Камюларга яқин туради. Лагерквист инсонпарварликдан узоқлашишга қарши курашиб, ҳаётнинг мавҳум топишмоқларига жавоб топишга интилган сўз санъаткорларидан биридир*».

Адиб ижоди борасида бундан ошириб бирон сўз айтиш қийин, албатта.

ФРАНСУА МОРИАК

Француз адиби Франсуа Мориак 1885 йилнинг 11 октябрь куни Бордода туғилган. Асли Куафарлик бўлган отаси Жан Пол ва онаси Маргарита Мориаклар оиласи савдо ишлари билан шуғулланишарди.



Франсуа болаликда ўзининг ниҳоятда тортинчоқ бўлганини ва етти ёшидан мактабга қатнай бошлаган чоғида эса ўзини омадсизлар, бахтсизлар қаторида санаганини ёзган. Мактабда уч йил ўқигач, коллежга ўтади ва мазкур ўқув даргоҳида кейинчалик ўзининг сеvimли ёзувчиларига айланиб кетган Паскал ва Расинлар ижоди билан яқиндан таниша бошлайди. Ёз ойларида у таътилни буvasининг Бордодаги хос ҳовлисида ўтказар ва бу жойлардаги гўзал манзаралар кейинчалик унинг кўпгина романларида қаламга олинади. Коллежни тугатгач, Бордо университетига ўқишга кирган Мориак 1905 йилда адабиёт

бўйича лицензиат, яъни магистр даражасига эга бўлади.

1906 йили Франсуа Парижга келади ва тарихчилар тайёрлайдиган мактабга кириш учун имтиҳонларга тайёрлана бошлайди. У ушбу мактабга 1908 йилда киришга муваффақ бўлади. Аммо орадан олти ой ҳам ўтмай, Мориак мактабни ташлайди ва ўзини бутунлай адабиётга бахшида этишга қарор қилади. «Наше время» адабий журнали тахририяти унинг илк шеърый тўплами «Богланган қўллар»ни нашр этишни таклиф қилгани уни мана шундай қарорга келишига туртки бўлганди. Таниқли ёзувчи Морис Баррес бу китобга ижобий тақриз эълон қилади.

Унинг биринчи йирик насрий асари «Занжирлар жабридан тугилган гўдак» романи аввал «Меркюр де Франс» журналида, кейин эса «Грассе» нашриётида чоп этилади. Ўша йили Мориак банк ходимининг қизи бўлган Жанна Лафонга уйланади. Улар тўрт нафар фарзанд кўришади: икки қиз ва икки ўғил. Мориакнинг катта ўғли Клод кейинчалик отасининг изидан бориб, таниқли романнавис ва танқидчи бўлиб етишади.

Тарихий манбалардан маълумки, 1914 йилда Франция Германияга қарши уруш эълон қилади. Мориак хасталиги туфайли армияга боришдан озод этилган бўлса-да, Қизил хоч жамиятига ишга кириб, Болқондаги госпиталда икки йил санитар бўлиб ишлайди.

У 1918 йилда Болқондан қайтиб келиб, иккита роман яратади. Аммо унга романнавис сифатидаги шуҳратни кейинроқ «Моховга тақдим қилинган бўса» романи келтиради. Мазкур роман қиёфасиз, бадбашара бой ўғли билан оддий деҳқоннинг гўзал қизи ўртасидаги амалга ошмаган никоҳ ҳақида ҳикоя қилади.

Инглиз танқидчиси Сесил Женкинс 1965 йилда бу асар ҳақидаги хулосаларида шундай фикр юритади: *«Ёзувчи ушбу романи билан муҳаббат ва ёшлик бизнинг жамиятда қандай қилиб ошла ва черков ёрдами билан*

бошқа, асл бўлмаган қадрият ва анъаналарга қурбон қилиниши мумкинлигини ишонч билан кўрсатиб бера олган».

Мориакнинг 1923 йилда китобхон кўлига етиб борган «Олов дарёси» ҳамда «Волида» романлари католик черковининг ўнг қанот вакиллари томонидан шахвоний истакларни кўзгатадиган асар сифатида қаттиқ танқидга учрайди. «Волида»даги воқеалар Бордодан узоқ бўлмаган шаҳар ташқарисидаги хос хонадонда бўлиб ўтади. Бу адибнинг «Моховга тақдим этилган бўса» асариде таъриф берилган жойга ўхшайди ва аслида Мориакнинг буvasига тегишли хонадон эди. Романда онанинг ўз ўлига нисбатан жабр-зулмга асосланган меҳри, ёинки, онанинг қандай қилиб фарзандининг никоҳини барбод қилгани ва бунинг учун ўғилнинг қандай қилиб қасос олгани, аммо, барибир, бахтли бўла олмагани ҳақида ҳикоя қилинади.

Мориакнинг «Ишқ саҳроси» романи Франция академиясининг биринчи мунофотиға муносиб топилган. Шақл жиҳатидан адибнинг аввалги романларига қараганда пишиқ ва мукаммал бўлган ушбу асарда ота ва ўғилнинг мутлақо ҳиссиётсиз, совуқ бир аёлға бўлган муҳаббатлари акс эттирилган. Ирландиялик танқидчи Конор Круз О' Брайен роман қаҳрамони бўлган Мария образи билан ёзувчи аёлларға хос бўлган ҳукмрон она тимсолини гавдалантирганини таъкидлайди.

Адибнинг 1927 йилда чиққан «Тереза Декейра» романи нуфузли француз адабиётшунослари ва танқидчилари томонидан француз адабиётида асрнинг энг яхши романи, дея эътироф этилган.

Ушбу асар асосида 1906 йилги шов-шувли суд жараёни туради. Ўз эрини маргимуш билан ўлдиришға уринган бош қаҳрамонни тасодифан бегуноҳ деб топишади, аммо у ўзининг айни мудҳиш жиноятининг мағзини тушунмайди. Максвелл Смит ва бошқа кўплаб китобхонларнинг фикри эса ўзгача, яъни улар қаҳрамон ўз эри Бернарни ёмон кўргани учун эмас, балки бу билан оилавий ришталар ва ҳалокатта олиб борувчи қолоқлик қаъридан халос бўлиш, буржуача олчоқликлардан ва яшашнинг беъманиликларидан қутулиш учун ўлдиришға уринганлигини таъкидлашади.

«Христианнинг изтироблари» эссесида ёзувчи христианларнинг жисми руҳ учун қурбон қилиш ғояси ҳаётда амалға ошмайдиған нарса эканини уқтиради. «Христианнинг азоб ва қувончлари» номли эссесида ёзувчи шахсидаги янгилашишлар ўз ифодасини топади. «Йўқотилган нарсалар» китобида адиб ўзининг диний қарашларини белгилаб олгани аён бўлади.

«Илонлар галаси» романи, танқидчи Шарл Дюбоннинг таърифича, католик динига мансуб қаҳрамонлар ҳаётини асос қилиб олган романларнинг энг ёрқин намунаси сифатида ном қозонади. Бу асар оилавий драма бўлиб, унинг марказида фожиали тақдир пешонасиға битилган оила бошлиғи туради. Ушбу қаҳрамон – адвокат образи фавқулодда маҳорат билан яратилган. Мориак бу қаҳрамони тақдири мисолида католик динига мансуб салобатли, савлатли кишилар орасида

хукмрон бўлган иккиюзламачиликни очиб ташлайди, асар бош қаҳрамонидаги руҳий қайта туғилиш ҳолатини кўрсатиб беради.

Ушбу асари эълон қилинган пайтда Мориак тиббий жарроҳлик амалиётини бошидан ўтказди ва оқибатда овозини қарийб тўлиқ йўқотади.

1933 йилда ёзувчини Франция академияси аъзолигига сайлашади.

Адабиётшуносларнинг ёзишича, Мориак аксарият асарларида католикларнинг ҳаёт тарзини ифодалашга ҳаракат қилади. Адибнинг «Мунофиқ» (1941) деб номланган асарига нисбатан китобхонларда ўзгача бир қизиқиш уйғонади. Асар қаҳрамони айнан мана шу номга лойиқ бўлган аёл Бригитта Пьен бўлиб, у табиатан динга берилган ва одамларга ҳукм ўтказишни касб қилиб олган, ҳадеб бегоналарнинг тақдирларига аралашаверади, уларнинг муносабатлари бузилишига сабабчи ҳам бўлади. Танқидчи Анри Пейранинг таърифича, у динни христианча меҳрибонликнинг карикатурасига айлантирган образдир. Дарвоқе, пировардида асар қаҳрамони ўз гуноҳларини англаб етади ва улардан халос бўлишга эришади.

Ўттинчи йилларда Мориак драмалар ёзишга киришади. Жумладан, унинг «Асмодей» драмаси Жак Коп режиссёрлигида 1937-1938 йиллар мавсумида «Комеди Франсез» театри саҳнасида юз мартадан ортиқ қўйилган.

Иккинчи жаҳон уруши бошланиб, Франция Германия томонидан босиб олинган, Мориак «Француз адабиёти» номли яширин журнал учун баъзи-баъзида мақолалар ёзиб турган. Журнални ташкил қилган кишилардан бирининг гестапо томонидан ҳибсга олингани ва сўнг отиб ташлангани унинг «Қора дафтар» асарининг ёзилишига туртки бўлади. Гарчи ушбу асарни таҳаллус билан эълон қилган бўлса-да, ёзувчи бир муддат яшириниб юради.

Мориакни илк бор 1946 йилда Нобель мукофотига тавсия қилишган эди. Аммо бу мукофотга адиб орадан олти йил ўтибгина сазовор бўлади. Швеция академияси аъзолари 1952 йилда уни «*Ўз романларида инсон ҳаёти драмасини чуқур маънавий зехн ва бадий маҳорат билан очиб бергани учун*» Нобель мукофоти билан тақдирлашни маъқул топади.

Академия аъзоси Андерс Эстерлинг табрик маърузасида бадий маҳорат ҳақида гапириб шундай деган эди: «*Ёзувчи қисқа жумлаларда энг қийин нарсаларни ҳам тушунтириб бера олади. Унинг энг яхши китоблари мантиқий ёрқинлиги, ифода воситаларидан ҳайратланарли тарзда тежаб фойдаланилганлиги билан алоҳида ажралиб туради*».

Нобель маърузасида Мориак даҳшатлар ва зулм исканжасида қолиб кетган дунёда умидни йўқотмаслик йўллари ҳақида гапиради. Одам ўз табиатига кўра, ҳаётнинг ўз йўли ва мақсади мавжудлигига шубҳа қилмаслиги лозимлигини таъкидлайди.

Ушбу юксак мукофотни олгач, унинг «Худойига аталган кўзичоқ» номли романи эълон қилинади. Журналистика билан машғул бўлган ёзувчи генерал Шарл де Голлнинг Мароккода колонияларни йўқотиш

йўлида олиб борган сиёсатини ёқлаб чиқади. Католик динига мансуб бир гуруҳ сўл қанот тарафдорлари билан Жазоирнинг озодликка чиқиши борасида чиқишлар қилади.

1958 йилда генералнинг тавсиясига кўра, Мориак Фахрий легионнинг Катта ордени билан тақдирланади.

1965 йилда «Фигаро» газетаси ёзувчининг саксон ёшга тўлиши муносабати билан махсус сонини тайёрлайди ва унда адиб ҳақидаги кўплаб мақолалар, унинг асарларига шарҳлар эълон қилинади. Ёзувчининг сўнгги «Ўтмиш ҳосиласи» романи 1970 йилнинг сентябрь ойида нашрдан чиққан.

Мориак шу йили 1 сентябрь куни Париж шаҳрида вафот этади.

Тадқиқотчи Анри Пейрнинг: «1930 йилдан то 1945 йилгача француз адабиёти ихлосмандлари Мориакни йигирманчи аср француз адабиётида Марсель Прустдан кейинги иккинчи шахс дея баҳолаб келди, аммо 1945 йилдан кейин унга бўлган қизиқиш бироз пасайди», — дея ёзади. У ўз фикрини адиб асарларига нисбатан берилган баҳолар ва шарҳлар билан асослайди.

Нима бўлганда ҳам, Мориак адабиётда, хусусан француз адабиётида ўзига муносиб ўрин топа олган ва из қолдира олган ижодкор сифатида яшаб қолади...

УИНСТОН ЛЕОНАРД СПЕНСЕР ЧЕРЧИЛЛЬ

Уинстон Леонард Спенсер Черчилль 1874 йилнинг 30 октябрь куни Оксфордшир графлигининг Вудсток яқинидаги Бланим-Пелис шаҳарчасида тугилган. Отаси Мальборонинг биринчи герцоги, лорд Жон Черчиллнинг авлодидан бўлган лорд Рендолф Черчилль, онаси америкалик молиячи Жанет Жер бўлиб, Уинстон оилада тўнгич ўғил эди.

Бошлангич мактабни тугатгач, Черчилль Харроудаги имтиёзли мактабда, кейин эса Сандхерстдаги қуруқликдаги қўшинлар ҳарбий ўқув юртида ўқийди, бу даргоҳни 130 битирувчи орасида ўзлаштириши бўйича ўттизинчи бўлиб тугатади. 1895 йилда отасининг вафотидан кўп ўтмай Тўртинчи Гусар полкига ўтади ва озгина вақт ўтиб таътилга чиққач, Лондоннинг «Деيلي график» нашрининг мухбири сифатида Испания билан уруш кетаётган Кубага йўл олади. Черчилль Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбий чегарасида хизмат қилаётган чогида дастлабки ёзишмаларини эълон қилган бўлса, унинг ilk ва ягона бадиий асари «Саврола, Лаураниядаги инқилоб тарихи ҳақида» асари 1900 йилда нашр этилган.



1899 йилда у ҳарбий хизматни ташлаб, Англияга қайтади ҳамда Консерватив партиядан парламентга ўз номзодини қўяди. Бироқ сайловда ютқазади. Урушда қатнашиб асир тушади ва қамоққа олинади, аммо қочишга муваффақ бўлади. 1900 йилда Англияга қаҳрамон сифатида қайтган Уинстон 26 ёшида Консерватив партиядан парламент аъзоси даражасига эришади. Орадан олти йил ўтиб, ҳукуматнинг тарифлар борасидаги қонун лойиҳаларига қаршилигини билдириб, партиядан чиқади ва либерал партиясига ўтади.

Либерал партия галабасидан кейин Черчилль Колониялар бўйича министр ўринбосари лавозимини эгаллайди ва бу вазифада 1908 йилгача ишлайди. У бу даврда Жанубий Африка билан тинчликка эришишга ҳаракат қилади. Икки йил ўтиб Савдо вазирлигига ўтган Черчилль иш кунини қисқартириш, энг кам иш ҳақини белгилаш, ишсизлик бўйича суғурталаш каби бир қатор прогрессив чоралар тарафдори бўлиб чиқади. 1908 йилда Клементина Хрозьерга уйланади. Улар бир ўғил ва уч қизли бўлишган.

1910 йилда ички ишлар вазири этиб тайинланган Черчилль пенитенциар тизимда ислохотлар ўтказди, айна чоғда аёлларнинг сайлов ҳуқуқига қарши чиқади. 1911 йилда Англиядаги ҳарбий флот бирлашмасида биринчи лорд бўлиб Германия билан бўлиши мумкин бўлган уруш сабаб ҳарбий денгиз харажатларини ошириш таклифини киритади. Биринчи жаҳон уруши бошлангач, кўп ўтмай у Антверпенни ҳимоя қилиш бўйича ҳарбий экспедицияни ташкил қилади ва уни бошқаради. Гарчи шаҳарни немислар босиб олмаган бўлишса-да, бу операция Бельгия армиясини ҳамда Ла-Маншдаги бир қатор муҳим Англия портларини сақлаб қолиш имконини берган. Бироқ кейинги йили Черчиллни Туркияга қарши кенг миқёсли Дарданелл операциясида омадсизликда айблашади, бунинг оқибатида у истеъфога чиқишга мажбур бўлади.

Яна армия сафига қайтган Черчилль энди Иккинчи гренадер гвардияси полки сафида ҳарбий ҳаракатларда қатнашади ва полковник унвони остида Қиролликнинг шотланд полкини бошқаради. 1916 йилда, Англияга қайтиб келганидан бир йил ўтиб, Черчилль Дэвид Ллойд Жорж раҳбарлигидаги коалицион ҳукумат таркибида Куролли кучлар вазири этиб тайинланади.

Уруш тугагач, Черчилль Мудофаа вазирлигига ўтказилади, у бу жойда сафарбарлик билан шуғулланади, ҳукуматни ҳарбий бюджетни қисқартиришга даъват қилади, у Россияда ҳокимиятга большевикларнинг келишидан хавотир ҳам билдиради. Иккинчи бор Колониялар вазири этиб тайинлангач, мустақилликка чиққан Ирландия ҳукуматига ҳар томонлама ёрдам беришга интилади.

Умуман, Черчиллнинг мамлакат ташқи сиёсатида фаол иштирок этганини таъкидлаш керак.

1929 йилда консерваторлар сайловларда мағлубиятга учрагач, Черчилль яна ишсиз қолади. Истеъфода юрган ўн йил давомида Черчилль Ҳиндистонга кенг эркинлик беришга қарши чиқишлар қилади, америкаликка уйланмоқчи бўлган қирол Эдуард VII ни қўллаб-қувватлайди, миллатни Гитлер Германияси томонидан катта хавф туғилаётганидан огоҳ қилиб туради. Мана шу йиллар мобайнида Черчилль ўзининг машҳур авлодларидан бири ҳақида «Мальборо: унинг ҳаёти ва даври» деб номланган тўрт томлик тадқиқотларини ёзади. Невилл Чемберлен 1938 йилда Мюнхендан қайтиб, «*узоқ йиллик тинчликни таъминлаб келгани*»ни эълон қилгач, Черчилль узоқни кўзлаб қилинган башоратларини «Европа зулмат сари юзланмоқда» асари орқали эълон қилади. Иккинчи жаҳон уруши бошлангач, Черчилль яна ҳарбий денгиз бошқармасига биринчи лорд этиб тайинланган ҳамда зудлик билан немис сувости кемаларига қарши кураш чораларини кўрган. Орадан ярим йилга яқин вақт ўтгач, Чемберлен ҳукумати истеъфога чиқиб, у коалицион ҳукуматда бош вазир ҳамда мудофаа вазири лавозимларини эгаллайди. Қарийб Европани бутунлай ишғол этиб бўлган Германия ва Италияга қарши кучлар тенг бўлмаган урушга кирар экан, Черчилль биринчи навбатда Германиянинг ҳаво ҳужумларини бартараф этиш ва Американи ўз томонига оғдириш, халқнинг руҳини қатъий сиёсий ёндашувлар ҳамда чиройли нутқи билан кўтаришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Ўша пайтда у британияликларга ўзининг машҳур бўлиб кетган қуйидаги сўзлари билан мурожаат қилган эди: *«Биз ўз оролимизни ҳар қандай бўлмасин, ҳимоя қиламиз, биз соҳилда, аэродромларда урушамиз, далаларда, кўчаларда жанг олиб борамиз, биз тоғларда жанг қиламиз, биз ҳеч қачон таслим бўлмаймиз...»*

Черчиллнинг Америка Президенти Франклин Рузвельт билан ўзаро муносабати америкаликлар Германияга қарши урушга киргач янада кучаяди. Бу урушда Черчилль иттифоқчиларнинг бирлигини таъминлашга бор кучи билан ҳаракат қилади, кучли ҳарбий стратег бўлиб, Британиянинг Европа, Шимолий Африка ва Осиёдаги қуролли кучларини бошқаради. Уруш поёнига ета бошлагач, иложи борича собиқ иттифоқ давлатининг марказий Европага даъволарини камайтириш мақсадида Черчилль дастлаб Рузвельт, кейин Труменни руслар билан шарқий ҳудудларда учрашишга даъват қилади. Аммо раҳбарлар Британия бош вазирининг бу огоҳлантиришларига менсимай қарашади.

Германия устидан ғалаба қозонилгач, Черчилль миллий қаҳрамон даражасига чиққан бўлса-да, 1945 йилдаги сайловларда консерваторлар мағлубиятга учрайди ва бош вазир лавозимига лейбористлар вакили Клемент Эттли ўтиради. Аммо бу билан Черчилль сиёсатни тарк этмайди. 1946 йилда Фультонда қилган чиқишида сиёсий атамалар луғатига янги — «темир парда» иборасини олиб киради. Шу йили Цюрихдаги бошқа бир чиқишида эса Европа қўшма штатларини тузиш

ва унга Германияни ҳам қўшиш ғоясини илгари суради. 1948 йилдан 1954 йилгача Черчилль кенг қамровли ва шу билан бирга ўз тажрибаларига асосланган тарихий-мемуар жанридаги олти томлик «Иккинчи жаҳон уруши» асари устида ишлайди.

Черчилль 1951 йилда тақдир тақозоси билан яна бош вазир лавозимига ўтиради, орадан тўрт йил ўтиб, соғлиги ёмонлашгани сабабли истеъфога чиқади. 1953 йилда Уинстон Черчилль *«юксак маҳорат билан яратилган тарихий ва биографик характердаги асарлари, шунингдек, энг инсоний қадриятларга асосланган қойилмақом нотиқлик санъати учун»* адабиёт соҳасидаги Нобель мукофотига сазовор бўлади. Швеция академияси вакили Сиверц ўз сўзида *«Черчиллнинг сиёсий ва ижодий соҳадаги ютуқлари шу даражада улканки, уларни ҳеч иккиланмасдан Цезар ёки Цицерон билан тенглаштириш мумкин»*, деб хулоса қилади. Орадан ўттиз йил вақт ўтиб унинг ватандоши Голдинг шундай ёзди: *«Черчилль Нобель мукофотига ўзининг эҳтиросларга тўла фош қилувчи нутқлари учун эришди — улар ботирлик ва жасоратнинг намунаси эди»*. Бермуд оролларида бўлиб ўтаётган халқро конференцияда бўлгани боис, Черчиллнинг ўзи тақдимот маросимида иштиради эта олмайди. Унинг номидан мукофотни хотини қабул қилиб олади.

Черчилль нафақат кучли сиёсатчи, ёзувчигина бўлиб қолмай, расм чизиш, ҳатто тош териш бўйича ҳам ўзига хос истеъдодга эга ижодкор эди. У ҳаёти давомида турли мамлакатларда таъсис этилган кўплаб нуфузли мукофотларга сазовор бўлган. Мисол учун, жаҳоннинг йигирмадан ортиқ университетларида фахрий даражаларга лойиқ топилганининг ўзиёқ бундан далолат бериб туради. Жамоатчилик ишидан кетгач, 1956—58 йиллар давомида тўрт томлик инглиз тилида сўзлашувчи халқлар тарихига бағишланган китобини яратади.

У 1965 йил 24 январь куни 90 ёшида вафот этади.

Уни катта ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиб дафн қилдилар. У ҳақли равишда Британия тарихининг бутун бошли даврини мужассам эта олган умрни бошидан кечирган эди.

Агар ўтган кунларга юз бурадиган бўлсак, ҳали собиқ совет даврида ўрганилган тарихданоқ маълум эдики, октябрь тўнтаришидан кейин совет ҳукуматига қарши салб юришларининг бошида айнан Черчилль турган эди. У советлар мамлакатига қарши ташқи интервенция уюштириш ғоясининг муаллифларидан бири бўлган ва вақти келиб бу интервенциянинг омадсизлигидан кўп азият чеккан шахс эди. Шу билан бирга иккинчи жаҳон урушида нацистлар томонидан келаётган хавфнинг кўламини англаб етиб, собиқ иттифоқ билан Гитлерга қарши битим тузиш тарафдори бўлиб қатъий туриб олган ҳам у эди.

Албатта, собиқ СССР ва Буюк Британия иттифоқчилиги осон кечган эмас. Черчилль Британия манфаатларини бир он бўлса-да унутмаган. Ҳатто, уруш айни қизиган, унинг якуни ҳақида бир нарса лейиш қийин бўлган 1942 йилда яқин ҳаммаслаклари орасида у шундай фикр билдирган эди:

«Русларнинг варварларча сиёсати Европа маданияти ва мустақиллигини ютиб кетиши мутлақо ақлга сизмайдиган беъманилик бўлар эди». Шунинг учун ҳам унинг 1947 йилда Фултонда нутқ сўзлай туриб, собиқ совет тузумини «гемир парда» ўрнатишда айблаганини табиий қабул қилиш мумкин. Бу нутқни ҳақли равишда совуқ урушга пойдевор қўйган чиқиш сифатида ҳам баҳолайдилар. Баъзилар бу нутқни худди Черчиллнинг Англиянинг Гитлер билан урушга кириши муқаррар эканини айтгани каби сўзсиз тарихий башорат деб баҳолашади, чунки ўша пайтда бу башоратга ҳам Англияда кўпчилик қўшилган эмас эди. Бошқа томондан эса Черчиллни ушбу чиқиш билан Сталинга ўзига яраша ультиматум қўйиб, уни хавотирга солганликда айблайдилар ҳам. Нима бўлганда ҳам, бу чиқиш тарихнинг Черчилль шахси билан боғлиқ бўлган яна бир бурилиш нуқтаси бўлиб қолган эди.

Ўз сиёсий фаолиятида Черчилль бир қарасанг консерватор, бир қарасанг либерал бўлиб қолади, кейин яна консерватор.

Баъзи танқидчиларнинг уни беқарорликда айбашларида ҳам асос бордек. Ҳатто консерваторлар партиясидаги сафдошларининг ўзлари ҳам уни кўп вақт хиёнатда айблаб келишган.

1959 йилда Черчилль қуйи палатада Сталин таваллудининг саксон йиллигига бағишлаб маъруза қилган эди. Ажабки, у ўз нутқида марҳум диктаторга ниҳоятда юқори баҳо берган. Унинг қарашларидаги бундай ўзгарувчанликни изоҳлашга ҳам ҳайронсан. Балки, у бу билан ўз ватандошларига тарихда шахсларнинг ролини, яна огир синовлар вақтида мамлакат кучли етакчиларга эҳтиёж сезишини эслатиб қўймоқчи бўлгандир...

ЭРНЕСТ МИЛЛЕР ХЕМИНГУЭЙ

Эрнест Миллер Хемингуэй 1899 йилнинг 21 июль куни Иллинойнинг Оак Парк деган жойида дунёга келади. У доктор Кларенс Эдмонс ва Грейс Холл Хемингуэйларнинг иккинчи фарзанди эди.

Адибнинг онаси опера театрида ишлаб, мусиқадан дарс берар, динга қаттиқ берилгани учун баъзан эътиқоди ва ҳис-туйғуларини ақлидан устун қўярди. Гарчи у ўғлининг мусиқага қизиқиши ва шу соҳа билан машгул бўлишига кўп умид қилган бўлса-да, у отасининг «кўча ҳунар»ларига ошuftа эди. Ов қилиш, балиқ тутиш, ўрмонда ва шимолий Мичигандаги кўллар бўйида сайр қилиш унга жуда ёқарди.

Ёш Хемингуэй 1913–1917 йилларда Оак Парк ва Ривер Форест Хайдаги мактабларга қатнаган. Барча фанлардан аъло баҳога ўқиш



билан бирга, бокс тушган. Америкача футбол, яъни регбида тенгсиз ўйинчи бўлган. Унинг дастлабки ижодий машқлари мактаб нашрлари бўлмиш «Трапезе» ҳамда «Табула»да чоп этилади. Кейинчалик ўша нашрларга ўзи муҳаррирлик қилади. Баъзан Ринг Ларднерга ҳавас қилиб, «кичик Ринг Ларднер» тахаллуси остида ижод ҳам қилади.

Мактабни тамомлагач, Хемингуэй коллежга ҳужжат топширишни истамайди. Ўқиш ўрнига, 18 ёшида «Канзас Сити Стар» газетасида мухбир сифатида иш бошлайди. Гарчи у ерда олти ойгина ишлаган бўлса-да, бу нашр ёзувчи ижодида ўчмас из қолдирган. Вақт ўтиб, Хемингуэй таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан ўтказилган тадбирда «Стар» газетаси адибни «Сўнги юз йилликнинг энг яхши репортёри» дея эълон қилади.

Эрнест отасининг қаршилигига қарамай, Биринчи жаҳон урушида қатнашиш учун Кўшма Штатлар армиясига ёзилади. Бироқ кўриш қобилияти пастлиги сабабли тиббий кўрикдан ўтолмай, Қизил Хоч жамиятига аъзо бўлади. Фронтга етиб келгач, у урушнинг ҳақиқий даҳшатларига гувоҳ бўлади. Милан шаҳри яқинидаги ўқ-дори заводи портлатилган вақтда Хемингуэй бир аёл жасадини олов домидан олиб чиқади. Ўлим билан илк маротаба юзма-юз келган адиб жуда қаттиқ таъсирланади ва бу ҳақда кейинчалик ўзининг «Ўлимнинг табиий тарихи» ҳикоясида баён этади. 1918 йилнинг 8 июлида аскарларга дори-дармон олиб келаётган Хемингуэй жароҳатланади. Кейинроқ эса оёғидан жиддий яраланади. Ўзи оғир аҳволда бўлатуриб, яраланган италиялик аскарни хавфсиз жойга судраб олиб келгани учун Италия ҳукумати томонидан «Ҳарбий жасорат» кумуш медалига лойиқ топилади. Ўша давр нашрлари эса уни «Биринчи жаҳон урушида ярадор бўлган илк америкалик», дея эътироф этади.

Эрнестни даволаш учун Америка Қизил Хоч жамиятининг Миландаги шифохонасига олиб келишади. Касалхонада у ҳамшира Агнес фон Куровскаяни севиб қолади. Аммо қиз итальян офицерига турмушга чиқиб кетади. Севгилисига етишолмагани адибга қаттиқ таъсир қилади. Руҳиятида ўчмас из бўлиб, муҳрланиб қолади. Кейинчалик у ўзининг «Алвидо, қурол!» ва «Энг қисқа ҳикоя» асарларида ушбу ҳамшира қизга бўлган муҳаббатини ифодалайди.

Урушдан кейин Хемингуэй Оак Паркка қайтиб, «Торонта Стар» газетасидаги фаолиятини давом эттиради.

1921 йил 3 сентябрь кuni Хедли Ричардсон билан турмуш қуради. 1921 йилнинг декабрида ёш оила Чикаго ва Оак Паркни бутунлай тарк этади. Дўсти Шервуд Андерсоннинг маслаҳати билан ёш келин-куёв Парижга кўчиб келишади ва Эрнест ўша ердан туриб, грек-турк уруши тўғрисида «Торонта Стар»га хабарлар йўллаб туради.

Хорижий мухбир сифатида анча танилиб қолган Эрнест 1923 йилда Торонтога қайтиб, Питер Жексон тахаллуси остида ижод қила бошлайди.

Эрнест Хемингуэйнинг илк ҳикояси «Замонамизда» номли тўпламда босилиб чиқади. Тўпламнинг энг яхши ҳикояси дея таърифланган «Икки юракли азим дарё» асари унинг номини оммага танитди.

1927 йили ёзувчи Хедли Ричардсон билан ажрашиб, пигготлик католик динига мансуб ўта художўй аёл Паулин Прифферга уйланади. Приффер ҳар замон-ҳар замонда мода журналларига репортёрлик қиларди. Хемингуэй ҳам бу орада католик динини қабул қилади. 1928 йилда улар Кий Вест, яъни Флоридага кўчиб келишади. Лекин Эрнестнинг ҳаётида содир бўлган фожиа уларнинг бахтига раҳна солади.

Гап шундаки, Хемингуэйнинг отаси Кларенс ўз жонига қасд қилади. Адиб ўзининг «Кимга жом чалинади» номли машҳур романидаги Роберт Жорланнинг отаси суиқасдини шу воқеадан мутаассир ҳолда яратган. Мудҳиш хабарни эшитгач, Эрнест дарҳол Оак Паркка келиб, дафн маросимини ўтказди. Айнан шу пайтда «Блек Сан Пресс» нашри асосчиси ва адибнинг Париждаги энг яқин дўсти Харри Кросби ҳам ўз жонига қасд қилади.

Ўша йили Канзас Ситида ёзувчининг иккинчи ўгли Патрик жарроҳлик усулида анча қийинчилик билан дунёга келади. Бу тафсилотлар «Алвидо, Курол!» романида моҳирона тасвирланган. Хемингуэй ушбу романи ва яна бир неча ҳикояларини Пиггот шаҳридаги қайнотасининг уйида ёзган. 1929 йилда чоп этилган «Алвидо, курол!» романида америкалик аскар Фредерик Хенри ҳамда британиялик ҳамшира Катерин Барклей ўртасидаги оташин муҳаббат ҳикоя қилинади.

Хемингуэйнинг Буқа жанглари тасвирловчи «Чошгоҳ пайтидаги ўлим» китоби 1932 йилда чоп этилган. Адиб 1925 йили Памплона мусобақасини кўргандан кейин бу спорт турининг ашаддий ишқибозига айланади. Ёзувчи бу асарини воқеликларга жисмоний ва қисман диний ёндашган ҳолда ёзган. Ҳатто «бошидан ўтказган табиб» нақлига амал қилган ҳолда бир неча бор буқа жанглирида иштирок этган. Адибнинг «Қуёш яна порлайди» романи ҳам шу асосга қурилган.

Эрнест испан ёзувчиси Пио Барохани ўзига устоз деб биларди. Нобель мукофотини олганда ҳам, ўлим тўшагида ётган Бароханинг ёнига келиб, бу мукофотни сизга лойиқ кўришди, деб таскин берган.

Адиб бир қатор Африка давлатларига ҳам сафар қилган. Чунончи, 1933 йилнинг кузида Найроби ва Кения шаҳарларида бўлади. Шунингдек, ҳозирги Тарангир миллий боғининг гарби ва жануби-шарқида жойлашган Маньяра кўли атрофида ов ҳам қилади. Шу саёҳатлар таассуроти таъсирида «Африка яшил қирлари», «Климанжаро қорлари», «Френсис Мекомбернинг қисқача бахтли ҳаёти» каби дурдона асарлар ёзиб қолдирган. Ўз навбатида Африка табиатининг инжиқликлари ҳам унинг соғлигига таъсир қилмай қолмайди. Ёзувчи уйга қайтаётганида ичаклари фаолияти издан чиққан эди.

1935–37 йилларда Хемингуэй Багама оролларига қарашли Бимини деган жойдаги «Комплит Энглер» меҳмонхонасида яшаб, «Борлиқ ва йўқлик»

ҳикояси ҳамда бир неча мақолаларини ёзади. Аммо у кўпроқ балиқ ови билан машғул бўлади. Аслида уни бу оролга келишга ундаган сабаб ҳам Биминидаги ажойиб ов мавсуми ва Стрим бўғозининг жозибаси эди.

1936 йилда Испанияда фуқаролар уруши бошланади. 1937 йилда Эрнест Шимолий Американинг «Эллаенс» газетаси томонидан урушни ёритиш учун Испанияга юборилади. Биринчи жаҳон уруши қатнашчиси бўлган Хемингуэй миллатчиларни ёмон кўрар, шунинг учун у республикачилар тарафдори эди. Уруш адибнинг оилавий муносабатларига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Рафиқаси Паулин Приффер католик бўлганлиги учун республикачиларга қарши турарди. Ўша пайтда ёзувчининг «Чақимчилик» деган ҳикояси машҳур бўлган. Ҳикоя «Бешинчи устун ва Испания фуқаролар уруши ҳақида тўрт ҳикоя» номли тўпلامда босилган. Мазкур асари туфайли Хемингуэй «республикачиларнинг урушдаги қуролбардори» номини олган эди.

Уруш туфайли ёзувчининг соғлиги ёмонлашади. Жумладан, сибир яраси касаллиги, грипп, бавосил, тиш огриғи, пешонасидаги жароҳат, балиқ ови таъсирида орттирилган буйрак муаммоси, автоҳалокатда қўлини синдиргани ва бошқа дардлари зўрайиб кетади. 1939 йилнинг баҳорида ниҳоят миллатчилар республикачилар устидан галаба қозондилар. Хемингуэй эса севимли тураржойидан айрилгани етмагандай, рафиқаси билан ҳам ажрашади.

Иккинчи жаҳон урушида адиб мухбирлик вазифасини бажариш учун ҳарбий денгиз флотига юборилади.

Урушдан сўнг Хемингуэй «Иден боғи» номли асари устида иш бошлайди. Аммо уни охиригача етказолмайди. Ушбу асар адиб вафотидан сўнг, 1986 йилда анча қисқартирилган ҳолда чоп этилади.

Урушдан кейин ёзувчи анча самарали ижод қилади, «Дарёни кечиш, ўрмонга кириш» номли романини ёзиб тугатади. Асар сюжети полковник Контуэлл ва мафтункор қиз Рената ўртасидаги ишқ дostonи асосига қурилади. Роман танқидчиларнинг беаёв зарбаларига учрайди. Улар Хемингуэйни услубий бемазаликда, ҳиссиётга берилганликда айблашган.

Эрнест Хемингуэйни халқаро миқёсда танитган асари «Чол ва денгиз» 1952 йилда нашр қилинган. Бу асар 1953 йилда Америка қитъасида журналистлар учун бериладиган Пулицар мукофотига сазовор бўлади. Орадан бир йил ўтиб, 1954 йил Эрнест Хемингуэйга «*Чол ва денгиз*»да яна бир марта намоиш этилган ҳикоячилик маҳорати, шунингдек, замонавий прозага таъсири учун» Нобель мукофоти берилади. Бу хушxabарни эшитгач, Эрнест: «*Агар бу мукофот бетакрор ёзувчи Исак Динезенга берилганида, мен яна ҳам хурсанд бўлардим*», деган эди.

Дарҳақиқат, «Чол ва денгиз» адиб ижодининг чўққиси ҳисобланади. Ҳатто Фолькнер Хемингуэйнинг «Чол ва денгиз» қиссаси чоп этилгандан кейин «*вақт бу асар ҳаммамиз, мен ва замондошларим ёзган барча асарлар ичида энг яхшиси эканини кўрсатади*», деган экан.

Нобель мукофоти Хемингуэй ҳаётига қувонч олиб келмайди. Айни шу йиллари ёзувчи яна бир неча фалокатларни енгиб ўтишига тўғри келади. Жумладан, иккита самолёт тўқнашуви натижасида унинг ўнг елкаси, қўли ва чап оёғи жиддий куяди. Маълум муддат контузияга тушиб, чап кўзи кўрмай, қулоғи эшитмай қолади. Умўртқа фалажи, жигар, буйрак ва кураги билан боғлиқ касалликлар туфайли уни «ўлди»га чиқариб қўйишади. Ҳатто Америкадаги баъзи нашрларда таъзиянома эълон қилинади. Турли хасталиклар исканжасида қолган Хемингуэй узоқ вақт Нобель мукофотини қабул қилиб олиш учун Стокгольмга бора олмайди.

Шунча кўргиликларга қарамай, ҳаётидаги яна бир жудолик – Испаниядаги устози Пио Бароханинг вафоти ҳақида эшитгач, дарҳол Мадридга етиб келади ва дафн маросимида қатнашиб қайтади.

У қон босими ва жигари билан боғлиқ муаммолардан халос бўлиш учун Кетчумга келиб, даволана бошлайди. Касалликлар туфайли кўп азоб чеккан ёзувчи ҳаётдан тўйганди.

Эрнест Миллер Хемингуэй 1961 йилнинг 2 июль куни, 62 ёшга тўлишига уч ҳафта қолганида Кетчумдаги уйида тўппончадан пешонасига ўқ узиб, ўз жонига қасд қилади.

Унинг вафотидан кейин ҳар хил хулосалар чиқарилган. Чунончи, баъзи кишиларнинг тасдиқлашларича, ўз жонига қасд қилиш – бу ирсий касаллик. Чунки адибнинг отаси Кларенс, сингиллари Урсула Лайкестер ҳамда набираси Маргокс Хемингуэйлар ҳам ўз жонига қасд қилишган эди.

Ижодкор ҳаёти ҳамиша жумбоқларга, сиру синоатларга тўла бўлади. Хемингуэй ҳам бундан мустасно эмас. Муҳими, ҳақиқий ижодкор ўз асарлари орқали асрлар оша яшайверади.

Хемингуэйнинг Нобель нутқ-хатида шундай жумлаларни ўқиш мумкин:

«Ижод чўққисига чиққанида ёзувчининг ҳаёти ёлғизликда бўлади. Ёзувчилар ташиклоти уни ёлғиз қўймаслиги мумкин, лекин асарлари сифатини оширолмайди. У ёлғизликдан қутулиб, ижтимоий шахсга айланар, балки, бу аксари ҳолларда унинг ижоди зарари ҳисобига бўлади, чунки у ёлғиз ижод қилади. Агар у яхши ёзувчи бўлса, ҳар куни ўз олдида манғулик турганини ёки бунақа нарса умуман йўқлигини кўриши керак».

Унинг ижод принципи «*Фақатгина ўзинг яхши ўрганган, яхши биладиган нарсалар ҳақида ёзиш*», «*ёзганда ҳам самимий ва рост ёзиш*», «*тасвирланган ҳолат инсон қалбини ўртаб юборсин, воқеликни баҳолашига ёрдам берсин, ўқувчи бошидан кечирган воқеликнинг бир қисмига айланиб қолсин*», деган барчага тушунарли ва содда сўзларда ифодаланган.

Улуғ адибнинг бундай бадиий-эстетик қарашлари асарларининг яшовчанлигини таъминлаган омиллардан биридир.

ХАЛЬДОУР КИЛЬЯН ЛАКСНЕСС



Исланд адиби Хальдоур Лакснесс (Хальдоур Гудьонссон) 1902 йилнинг 23 апрель куни Рейкьявикда таваллуд топган. Отаси Гудьон Хельги Хельгасон йўл қурилиши назоратчиси бўлиб ишлар эди. Болакай уч ёшга етганида оила Рейкьявикдан жануб томонда жойлашган Лакснесс фермасига кўчиб ўтишади. Лакснесс деганда лосось балигига бой бўлган ярим орол тушуниларди ва, охир-оқибат, бу ном ёзувчининг тахаллусига ҳам айланади. Болалигида Хальдоур отасидан ирланд достонлари, афсоналарини эшитиб, оилавий кутубхонадаги эпик поэмаларни ўқиб улгайган. Бундан ташқари, ёш болакай

мактабда ўқиш билан бирга Рейкьявикка мусиқа дарсларига ҳам қатнаш эди. Мактабдалиги вақтида яширинча ёзган «Табиат фарзанди» қиссасини ҳам алоҳида таъкидлаш керак. Ушбу асар у ўн етти ёшга тўлганида «Хальдоур фра Лакснеси» тахаллуси билан босилиб чиққан эди.

Шу йили отаси вафот этади. У чет элга кетади ва узоқ йиллар Копенгагенда яшайди. 1921—22 йилларда Лакснесс Австрия ва Германия бўйлаб саёҳат қилади, 1922 йилда Францияга боради ва бу ерда сюрреализм билан танишади. Маънавий эҳтиёжлари уни Люксембургдаги Бенедикт монастирига олиб келади. У 1923 йилда бу монастирда лютеранлик, яъни ўзи мансуб бўлган христиан динидаги протестантлик йўналишидан воз кечиб, католик мазҳабини қабул қилади ва ўзига Лакснесс деган тахаллусни танлайди.

Ватандан олисда ҳам у ижод билан шугулланади, хусусан, 1923 йилда адибнинг «Баъзи тақдирлар» тўплами, 1924 йилда эса «Муқаддас тоғ остида» романи босилиб чиққан. Ушбу роман ирландиялик йигитчанинг болалиги ҳақида. Ёзувчи шу йиллари ўзининг «Мен ватандан кетганман» деб номланган таржимаи ҳол асари устида иш бошлайди. 1925 йилда унинг «Католикларча нуқтаи назар билан» деб номланган иши ҳам эълон қилинган. Шу йили ўз ватанида бироз тургач, ёзувчи Сицилияга кетган. Сицилияда унинг биринчи йирик романи «Кашмирлик улуг тўқувчи» асари яратилган. Унда рейкьявиклик ёш ёзувчининг маънавий камолга етиши тарихи баён этилган. Мазмунига кўра, таржимаи ҳол ва йўналишига кўра сюрреалистик асар бўлган ушбу роман Лакснесснинг Исландиядаги илк муваффақиятли иши ҳисобланади. Аммо танқидчилар ёзувчини услубий тажриба ўтказганликда ва тушкунликда, қолаверса, бошқа тилларга хос сўз ва иборалардан фойдаланганлик ва бу билан исландларнинг миллий маданиятига салбий таъсир кўрсатганликда айблай кетадилар.

1930 йилда Исландия парламентининг минг йиллиги кенг нишонланади ва шу муносабат билан ёзувчи Исландияга қайтиб келади. Ўз ватанига қайтиши чоғида у Ингибьорг (Инге) Эйнарсдоттир исмли қизга уйланади. 1931–1932 йилларда унинг икки томлик «Салка Валка» романи босилиб чиқади. Мазкур асарнинг 1936 йилда инглиз тилида нашр этилиши бир қатор танқидчиларнинг эътиборига тушишига сабаб бўлади. Бу Лакснесснинг Исландиядаги паст табақа аҳолининг оғир меҳнати бутун борлиги билан акс эттирилган биринчи эпик романи эди. Яна бир йирик асари – икки томлик «Мустақил одамлар» романида боёқиш фермернинг табиат инжиқликлари ва оғир иш шароитлари, юқоридан бўладиган зуғумларга қарши кураши тасвирланган.

Ушбу асар АҚШда босилиб чиққач, Лакснесс исландиялик ёзувчилар орасида машҳур бўлиб кетади. «Исландия қўнғироғи» тарихий трилогиясидаги воқеалар ўн еттинчи асрга хос бўлиб, бу пайтда Исландияда данияликлар ҳукмронлик қилишарди. Лакснесснинг ўттизинчи ва қирқинчи йиллардаги энг кучли романларида оғир ижтимоий шароитлар очиб берилган эди.

Ёзувчи 1940 йилда Инга билан никоҳини бекор қилади. Орадан беш йил вақт ўтгач, у Эудур Свейнсдоттирга уйланади. Улар ёзда фермада яшашар, қишда эса Рейкьявикка кетишарди. Исландия аҳолисининг кам сонли экани, ҳатто бу миллатга мансуб улуг ёзувчи ҳам ижодининг орқасидан келадиган маблаглар эвазига яхши яшай олмаслигини яхши тушунган ҳукумат ёзувчига йиллик стипендия жорий қилган. Аммо бу стипендия бир неча бор қисқартирилганидан, буни ниҳоятда паст кетиш, деб билган Лакснесс охир-оқибат уни рад этади.

1948 йилда Лакснесс ўзининг «Атом станцияси» деб номланган сатирик романини эълон қилади. Таъкидлаш керакки, атом даври ҳақидаги ушбу асар муаллифнинг илгариги китоблари каби катта шуҳрат қозона олмади.

1955 йилда Швеция академияси «*Исландиянинг буюк ҳикоя қилиши услубини қайта тиклай олган ёрқин адабий истеъдоди учун*» уни адабиёт соҳасидаги Нобель мукофоти билан тақдирлади. Академия вакили Вессен маърузасида ёзувчининг маҳорати ва ижодининг аҳамияти ҳақида гапирар экан, исланд адабиёти ва маданиятига юксак баҳо бериб, Лакснессни «*адабиётни ўз булоқларига қайтаргани ва исланд тилини замонавий борлиқни тасвирлаш, баён этиш учун янги бадиий воситалар билан бойитгани*» билан улуг дея эътироф этди.

Ўзининг жавоб маърузасида ёзувчи қадимги исланд оғзаки ижоди вакиллари ўз эпик ижодлари билан нафақат ниҳоятда гўзал ва талабчан бадиий тил, балки бетакрор адабий жанр ҳам яратиб кетганликларини алоҳида қайд этади.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ёзувчи ўзининг 1957 йилда нашр этилган «Балиқ ҳам куйлай олади» романида ижод услубини кескин ўзгартирган. Ушбу романи ва ундан кейинги асарларида Лакснесс энди

ижтимоий муаммолар ва сиёсий масалалар ҳақида тўхталмайди, эътибор беринг, ахир бу мавзулар унинг қарийб ўттиз йиллик ижодида бош ўринда турган эди. 1963 йилда унинг катта шуҳрат қозонган навбатдаги таржимаи ҳол шаклидаги асари «Поэзия даври» босилиб чиқади. Ушбу асарда муаллиф коммунизм ғоясини аёвсиз танқид остига олган. Олгмишинчи йилларда Лакснесс кўп ҳикоялар, хотиралар, романлар, пьесалар ёзади, таржима билан шуғулланади.

Скандинавия халқлари адабиётида Лакснесс ҳозирда ҳам энг улуғлар қаторида эъзозланади. Адабиётшунос олим Петер Хальберг у ҳақида шундай ёзган эди: *«Унинг асарларида исланд мероси жонли куч бўлиб қолаверади. Бу куч ёзувчининг бугунги кун ҳақидаги мулоҳазаларида ва унинг ижодий изланишларидаги бош мезон эканлиги рост».*

1980 йилда ўзининг тадқиқотларини эълон қилар экан, исландиялик адабиётшунос Свен Хёскульдсон Лакснессни *йигирманчи аср исланд адабиётининг энг ёрқин намоёндаси*, дея таърифлаган. *«Унинг ижоди билан тенглаша оладиган бошқа ижодкор йўқ, — лейди танқидчи. — Лакснесс Исландия ҳаётининг барча қирраларини қатъият билан фикран мушоҳада қилиб чиққан ижодкордир».*

Исландиялик бошқа бир танқидчи Сигурдур Магнуссон ўзининг 1982 йилдаги мақоласида шундай ёзади: *«Ўзининг баён қилиш, ҳикоя қилиш борасидаги маҳорати ва ўзига хос услуби билан Лакснесс исланд адабиёти, насрга бошқа ҳар қандай романивисдан кўра кўпроқ фойда келтира олган. У ниҳоятда кенг диапазондаги мавзуларни очиб берган ва унинг услубий манералари ҳам кўп ва унинг барча асарлари бир-бирига фақат ёрқин ифодалилиги ва портрет таснифлашдаги юксак маҳорати билангина ўхшаш ҳол».*

Исландияда унинг ижодига бўлган чуқур эҳтиром ва ҳурмат, эътироф, танқидчиларнинг юксак баҳоларига қарамай, Скандинавиядан ташқарида Лакснессни жуда ҳам машҳурлашиб кетган, деб бўлмайди. Бунинг ўзига хос сабаблари кўп, алабатта. Энг биринчиси, унинг асарлари кенг жамоатчиликка яхши таниш эмаслигиладир.

Лакснесс 1998 йилнинг 8 февраль кuni Рейкьявикда вафот этган.

ХУАН РАМОН ХИМЕНЕС

Испан шоири Хуан Рамон Хименес 1881 йил 23 декабрь кuni Андалусиядаги Могер деб аталадиган кичик шаҳарчада таваллуд топган. Хуаннинг отаси Виктор Хименес банкда ишлар, онаси Пурификасьон Мантекон-и-Лопес Парейро унинг иккинчи хотини эди. Кадисдаги иеузитлар мактабини тамомлагач, бўлажак шоир Севиль университетига ҳуқуқшуносликка ўқий бошлайди. Аммо Хуан амалда ҳуқуқдан кўра, мусаввирлик ва шеър ўқиш ҳамда ёзишга кўпроқ қизиқарди. Мадриддаги «Янги ҳаёт» журналида шеърлари илк бор чоп этилган вақтда Хименес 17 ёшда эди.

Бу шеърлар ўша пайтдаги бир қатор таниқли испанзабон шоирлар, шу жумладан, никарагуалик ижодкор Рубен Дарио, Хуаннинг ватандоши бўлган Франсиско Вильеспелар эътиборига тушади. Улар бир овоздан Хименесга Мадридга кўчиб келишни тавсия этишади. Уларнинг маслаҳатларига қулоқ тутган ёш шоир ҳуқуқшунослик борасида ҳафсаласизлик билан бошлаган ишларини ташлаб, Мадридга келади ва иккита модернизм йўналишидаги нуфузли журнал – «Гелиос» ва «Тикланиш»нинг ташкил этилишида фаол иштирок этади. Хименеснинг дастлабки шеърӣ китоблари «Бинафша» ҳамда «Нилуфар» эди. Бошқа жиҳатлари билан бирга бу тўпламга кирган шеърларга хос бўлган табиат образлари шоирнинг бутун ижоди учун ҳам характерли бўлиб қолади.



Отасининг тўсатдан оламдан ўтиши эндигина Могерга қайтиб келган шоирни қаттиқ изтиробга солади. Озиб-тўзиб кетган Хименес дастлаб Бордодаги санаторийда даволанишга мажбур бўлади, тезда шифо топади-ю, аммо энди у ўлим ҳақида тинмай ўйлайвериб, ярим дарвешга айланиб қолади.

1902 йилда Мадридга қайтган Хуан бу ерда пишиқ-пухта асарлар яратган. Улар «Рифмлар» (1902), «Фамгин оҳанглар» (1903), «Олисдаги боглар» (1904) ва «Пастораллар» (1905) тўпламларидан жой олади. Мазкур китобларга кирган шеърлар модернизм шеърӣятига хос бўлган чорасизлик кайфияти билан ажралиб туради. Аммо, шу билан бирга, уларда ўзига хос нафис, мусиқӣй ва шоирона овоз бор эди.

1905 йилдан 1911 йилгача Хименес яна Могерда яшайди, бу пайтда ёзилган шеърлар шоирнинг «Тоза элегиялар», «Баҳор балладалари», «Танҳолик» тўпламларига киритилган. Бу шеърлар жимжимадорлиги ва мукамал ҳажмлари билан барокко услубини ёдга солади.

Хименес 1912 йилда Мадридга қайтиб, шаҳардаги талабалар қароргоҳига жойлашади ва америкалик Зенобия Кампруби билан биргаликда Робин Дронат Тагор шеърларини таржима қила бошлайди. «Ёз мавсуми» (1915) тўпламига кирган ишқӣй романтик кайфиятдаги шеърларини шоир айнан Кампрубига бағишлаган. Кейинги йили Хименес Нью-Йоркка, Зенобиянинг ватанига кўчиб келади ва улар оила қуришади.

Оксан бўйлаб саёҳат Хименес ижодида улкан воқелик эди. «Ёш кувнинг кундалиги» деб номланган навбатдаги тўпламга киритилган асарларда ушбу саёҳат ўз ифодасини топган. «Кундалик...» яна испан адабиётда илк бор қўлланилган эркин шеър услубдалиги билан ҳам

аҳамият касб этарди. Гарчи муҳаббат мавзуси катта ўрин тутса-да, китоб умумий ҳисобда денгиз мавзуси билан тўйинган эди, денгизнинг доимий мавжланиб, ўзгариб туриши, бетиним ҳаракати Хименес характеридаги сабрсизликнинг тимсоли эди.

Кейинги йигирма йиллик давомида Хименес адабий журналларда танқидчи ва муҳаррир вазифаларида ишлар экан, ижодида ўзининг «абадиятга бўлган иштиёқи»ни баён этишга интилади. «Абадият» китобида илгариги шеърларининг услубидан қочиб, «*яланғоч, тоза шеърят*»га интилганини кўриш мумкин.

Шоир навбатдаги – «Тош ва осмон» (1919) ҳамда «Гўзаллик» (1923) тўпламларида гўзаллик ва ўлим, ижод ва руҳнинг озод этилиши каби туйғулар ўртасидаги алоқа ҳақида фикр юритади. Ўша йиллардаги эстетик-ахлоқий трактатларида муаллиф инсоннинг одоб-ахлоқи ва гўзаллиги ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжуд, деган ғояни илгари суради. Хименес қарийб ўн уч йил давомида «Йил давомида янги олам қўшиқлари» антологияси устида ишлайди. Америкалик адабиётшунос олим К. Кобб мазкур китоб ҳақида шундай ёзади: «*Антология атмаси шартли, «йил давомида» ибораси эса шоирнинг ҳамма мавсумларни – бошидан охиригача, тугилишдан ўлимгача бўлган мавсумларни бир-бирига боғлашга бўлган интилишидир*».

1936 йилда Испанияда бошланган фуқаролар уруши Хименеснинг ижодий режаларини тубдан ўзгартириб юборади. Республикачилар ҳукумати шоирни АҚШга маданият бўйича фахрий атташе сифатида жўнатади. Шоир бунга ўз истаги билан борган бўлса-да, Испаниядан узоқда ўтказган дамларини ўз хоҳишига кўра сургун сифатида қабул қилади. Бу йилларда Хименес илк бор ўқув даргоҳларида – Куба, Пуэрто-Рика ва АҚШ университетларида маърузалар ўқийди. 1939 йилда Франко Испанияда ҳокимиятни тўлиқ қўлга олгач, эр-хотин Хименеслар юртдан олисада қолишни маъқул кўришади.

Бу йилларда шоир ижоди жуда гуркираб кетмайди, аммо у шоирона самимиятга интилишда давом этади ва 1949 йилда чиққан «Қалб тубидаги ёввойилик» деб номланган руҳий васиятномасида худди илоҳий кучга эга бўлгандек эди. Америка тадқиқотчиси Говард Янг мазкур тўпламни Хименеснинг барча шоирона ғоялари таҳлил қилиб берилган маънавий борлиги деб атаган.

1951 йилда Хименес Пуэрто-Рикага кўчиб келади ва педагогик фаолият билан машғул бўлади, шу билан бирга «Исталган ва истовчи Оллоҳ» шеърий тўпламини тайёрлай бошлайди. Бу «Ёввойи»нинг тадрижий давоми эди. Тўплам тугалланмай қолиб кетган. Баъзи шеърларини муаллиф «Учинчи шеърый антология» тўпламига киритган.

1956 йилда, хотинидан эндигина жудо бўлган Хименес «испан поэзиясидаги олий маънавият ва бадиий софликнинг намунаси бўлган лирик шеърятни учун» адабиёт соҳасидаги Нобель мукофоти билан тақдирланади. Яльмар Гульберг, шу даврда академия аъзоси, ўзининг

табрик сўзида «Хуан Рамон Хименеснинг хизматларини муносиб баҳолаш билан бирга Швеция академияси бу билан буюк испан адабиётининг бутун бир даврига ҳам ўз эътирофини билдираётгани»ни таъкидлайди. Стокгольмда Пуэрто-Рика университети ректори томонидан ўқиб берилган жавоб маърузасида Хименес шундай сўзларни ёзган эди: «Нобель мукофоти ҳақли равишда хотиним Зенобияга тегишлидир. Агар унинг ёрдами, илҳомбахш иштироки бўлмаганида қирқ йил давомида меҳнат қила олмаган бўлар эдим. Ҳозирда усиз ёлғиз ва иложсизман...» Хименес аслида ҳам рафиқасининг вафотидан кейин ўзига кела олмайди ва орадан икки йил ўтгач, 76 ёшида оламдан кўз юмади.

Ўз санъати ва йўлига садоқат билан хизмат қилган шоир Хименеснинг обрўси ва нуфузи ҳозирги кунда ҳам юқори баҳолашиб келинади. Кобб ўзининг тадқиқотларида шундай хулосалайди: «Хименес шеърятнинг пардаларга ўралмаган, очиқ бўлиши, универсаллиги ва умрбоқий-туганмаслигига интилгани билан ҳам испан адабиётида мутлақо ноёб ўрин тутади». Олим Хименесни бу борада фақатгина Йейтс ва Рилькелар билан тенглаштириш мумкинлигини таъкидлайди.

АЛЬБЕР КАМЮ

Альбер Камю 1913 йилнинг 7 ноябрь куни Жазоирда, келиб чиқиши эльзашликлардан бўлган ишчи Льюсен Камю оиласида таваллуд топган. Альбер бир ёшга тўлмасдан отаси биринчи жаҳон уруши қурбонига айланади. Шундан кўп ўтмай, саводи ўзига яраша бўлган онаси, асли испаниялик Катрин Синтес ҳам руҳий зарба таъсирида ярим соқов бўлиб қолади. Оила оғир шароитда кун кечира бошлайди. Улар яшаб қолиш илинжида ногирон бобосининг уйига кўчиб боришади ва онаси бемор ҳолига қарамай, болаларини боқиш мақсадида хизматкорликка ёлланади.



Болалиги ана шундай оғир шароитда ўтса-да, Альбер Шимолий Африка соҳилларидаги бетакрор гўзалликка ошурфта бўлиб ўсади, аммо болалигида кўрган-кечирганлари Альбернинг қалбида бир умрга чуқур из қолдиради.

Альбер Камюга унинг мактабдаги ўқитувчиси Луи Жермен катта таъсир ўтказган, у ўз вақтида шогирдидаги тугма истеъдодни англаб, унга қўлидан келганча ёрдам беради. Жерменнинг кўмаги остида Альбер 1923 йилда лицейга ўқишга киришга муваффақ бўлади, ушбу ўқув юртида у спорт билан, айниқса бокс билан изчил шугуллана бошлайди.

Бироқ 1930 йилда сил касалига чалиниб қолиши уни спорт билан умрбод хайрлашишга мажбур этади. Касаллигига қарамай, ёш ёзувчи Жазоир университетининг фалсафа факультетида ўқишга пул топиш учун қанча меҳнат қилмади, не-не заҳматлар чекмади, дейсиз.

Муҳими, у Августино ва грек файласуфи Плотино ҳақидаги илмий ишларини тугатиб, фалсафа бўйича магистрлик даражасига етишади. Бироқ Альбер касалликнинг навбатдаги кучли хуружи сабаб илмий ишларини давом эттириш учун аспирантурада қолиш истагидан воз кечган. У шифо топиш мақсадида Францияга, Альп тоғларига сафар қилади, бу унинг Европага илк ташрифи эди. Италия, Испания, Чехия, Словакия ва Франция бўйлаб сафар таассуротлари сифатида Камюнинг илк китоби – «Ички томон ва қиёфа» босилиб чиқади. Бу китоб бир неча эсселар, шунингдек онаси, бувиси ва бобоси ҳақидаги хотираларидан таркиб топган эди.

Бу вақтга келиб Жазоирда Камюни катта зиёлилардан бири сифатида эътироф эта бошлашади. У театрда актёрлик, драматурглик ва режисёрлик қилиш билан бирга «Жазоир Республикаси» газетасида мухбир, шарҳловчи ва муҳаррир вазифаларида ҳам ишлайди.

1938 йилда иккинчи китоби – «Никоҳ» босмадан чиққач, у Францияга бутунлай кўчиб кетади.

Франция немислар томонидан қамал қилинган йилларда ёзувчи «Қаршилик» ҳаракатига қўшилади, «Жанг» деб номланган яширин газета билан ҳамкорлик қилади. Ниҳоятда хавfli ва таҳликали ҳаёт кечириш билан бирга, Камю айна шу даврда Жазоирдалигида бошлаган навбатдаги йирик асари – «Бегона» устидаги ишларини якунлайди. 1942 йилда эълон қилинган ушбу асар Альбер Камюга катта шухрат олиб келади.

«Бегона» қиссаси нафақат Альбер Камю ижодидаги шоҳ асар, балки ўтган аср дунё адабиётининг дурдоналаридан бири ҳамдир. Асарнинг бош қаҳрамони – Мерсо тақдирдан рўшнолик кўрмайди. У ишдан ҳайдалмайди, бошлиқдан дашном эшитмайди, ҳамкасблари билан сен-менга бормаган. Лекин жамият ўзига ўхшамагани, ҳамма риоя қилиб келган ахлоқ нормаларига уйғун ҳаракат қилмагани учун Мерсонни бегона деб билади. У иккита арабни аффект ҳолатида отиб ўлдиргани учун эмас, балки онасининг ўлими куни йиғламагани, шу куни эски таниши – Мари деган қиз билан бирга бўлгани учун суд қилинаётгандек кўринади. Судда унинг қалби жиноятчи деб топилади ва жазо оғир кўриниш олади – ўлим.

Агар Мерсо терговчи билан бўлган савол-жавобларда, умуман, атроф-муҳитга нисбатан муносабатида одамларга ўхшаганида эди, суднинг унга раҳм-шафқат қилишига умид боғласа бўларди. Бироқ Мерсонинг қўлидан келмайдиган битта иш бўлса, у ҳам носамимийлик эди. Шунинг учун ҳам у онасининг жасади устига келади-ю, қалбидан чиқмагани учун йиғламайди...

«Бегона»да умрнинг бебақолиги, ҳар қандай инсон қисматининг омонатлиги ҳақидаги бадий ҳақиқат мавжуд. Мана шу «фазилати» учун ҳам баъзилар уни ёқтирмайди.

Мерсо, назаримизда, маданий, ахлоқий, диний либоси бўлмаган киши образи. Шунинг учун ҳам «...*Мерсонинг зиддиятли қалбини тушуниш учун унга барча либосларни ечиб, инсон ўлароқ яқинлашиш керак. Савол туғлади: маданий, ахлоқий ва диний қадриятларсиз инсон инсонми? Инсонга яқинлашар эканмиз, қадриятларни бош мезон қилиб оламиз, уларга суянамиз. Мана шу маънода Мерсо ҳеч қандай қадриятга орқа қилмайди. Либос киймайди*», — деб ёзади тадқиқотчи Улуғбек Ҳамдам.

Натижада, Мерсо нимани ўйласа, шуни гапиради, кўзбўямачилик қилмайди. Ростини айтади-қўяди.

Мерсони метафизикликда, бадбинликда, ахлоқсизликда айблаш мумкин. Бироқ уни ёлгончиликда, кўзбўямачиликда, фирибгарликда, носамимийликда айблаб бўлмайди. У ҳам ер юзини тўлдириб юрган одамлар сингари ўзини оқлашга уринганида эди, жамият, суд, одамлар унга хайрихоҳлик кўзи билан қарар, жазосини енгиллатарди. Лекин у носамимий бўлишни истамайди. Бошига ўлим хавф солиб турганига қарамай, тўғриси айтилади. Назаримизда, «Бегона» қиссасининг ўзак моҳияти шу ерда мужассам: ҳар қандай вазиятда ҳам ўз табиатига содиқ қолиш, самимий бўлиш, рост гапни гапириш.

Мерсо ўзининг кайфияти, яшаш тарзи билан, ўй-хаёл ва амаллари билан XX аср Оврүпоси зиёлиси қатламини, умуман, ҳамма макон ва замонларда дунёга келиб-кетгүвчи Фикрловчи кишини ёдга солади. Мерсо ана шундай кам сонли одамларнинг ўзига хос образи. Муттасил фикрлаш орқали ўзининг — инсоннинг маънавий сарҳадларини теран англаган, тушунган, айнаи чоғда дуч келган ҳақиқатига кўникмаган, аксинча, унга нисбатан юрагида битмас-туганмас исён олови билан яшашга маҳқум этилган жабрдийда киши образи.

Эътибор берган бўлсангиз, Мерсони жинояти учун эмас, балки самимияти учун суд қилишади. Жамият уни ўзига ўхшамагани учун ўлимга ҳукм этади. Бу эса адолатли ҳукм эмас. Қолаверса, Мерсо қотилликни кучли аффе́кт ҳолатида амалга оширган. «Аффе́кт ҳолати» илмда киши ўзини ўзи идора қилолмайдиган даражада кучли руҳий босинқираш деб айтилади. Суд Мерсонинг онаси жасади устида йиғламаганини эмас, балки, айнан мана шундай ҳолатларни ҳисобга олиб ҳукм чиқариши лозим эди. Суд, унинг иштирокчилари Мерсони ўзларига, жамиятга бегона деб топади. Аслида, жамият ўзининг табиатига, ўз моҳиятига бегона, яъни ўзи ўзига бегона. Аслида бегона — ўз виждонига хилоф иш тутувчилар, дили бошқа-ю, тили бошқалардир...

Кўринадики, Альбер Камюнинг олтин асари — «Бегона» қиссаси ўқувчини чинакамига фикр юритишга, дунё, ҳаёт, жамият ва унинг тартиб-интизомларига нисбатан ўз ёндашувини қайта таҳлил қилиб

чиқишга ундайдиган асар экан. Суднинг Мерсо устидан чиқарган ҳукми сўнгги ҳукм эмас. Ҳақиқий ҳукми ўқувчининг, китобхонанинг виждони чиқаради.

«Бегона»дан сўнг Альбер Камюнинг «Сизиф афсонаси» деб номланган фалсафий эссеси босмадан чиқади. Ушбу эсседа муаллиф одамзод ҳаётини Сизиф афсонасига ўхшатади.

Маълумки, Сизиф қурби етмайдиган кучларга қарши доимий курашишга маҳкум бўлган қаҳрамон эди. Камю инсоннинг сизифча меҳнат ва интилишларига маъно берувчи азоблардан қутулиш ва тобутдаги ҳаёт ғоясини инкор этиб, ғайриодатий тарзда курашнинг ўзидан маъно топади.

Урушдан кейин ёзувчи «Жанг» газетасидаги ишини давом эттиради, энди ушбу нашр расман чиқа бошлаган эди. Бироқ бу кўпга чўзилмайди, ўнг ва сўл фикрлилар ўртасидаги зиддият жамиятда катта қарама-қаршиликларга сабаб бўла бошлагач, ўзини мустақил радикал фикрли зиёли ҳисоблаган Камю газетани тарк этишга мажбур бўлади.

Шу кезларда унинг «Вабо» асари чоп этилади. Унда Жазоирнинг Оран шаҳрида тарқалган ўлат ҳақида ҳикоя қилиниши асарнинг рамзий маъноси эди албатта, аслида асар Франциянинг нацистик мустамлакачилиги, янада кенгроқ қаралса, қотиллик ва зулмнинг тимсоли эди.

Зулм мавзуси баъзи танқидчиларнинг фикрича, ёзувчининг энг кучли асарларидан бири бўлмиш «Калигула» асарида ҳам бош мавзу бўлган. Светониянинг «Ўн икки цезарнинг ҳаёти» китоби асосида яратилган ушбу асар ўз даврида абсурд театри тарихидаги муҳим қадам дея баҳоланган.

Урушдан кейинги йилларда Франция адабиётида кўзга кўринган шахсга айланган Альбер Камю Жан Пол Сартр билан яқинлашади. Бироқ борлиқнинг абсурдлиги борасидаги ғоялари бир-бири билан зид келгач, Камю нафақат унинг ўзи билан, балки асосчиларидан бири Сартр бўлган экзистенциализм оқими билан ҳам орани узади.

Камю 1951 йилда чиққан «Исёнкор одам» асарида юз йиллар давомида ҳокимиятда бўлиб келган диктаторлик ғоялари, коммунизм ва тоталитаризмнинг бошқа ҳар қандай кўринишларини аёвсиз танқид қилиб, унинг инсоннинг шаънига ва шу билан бирга унинг эркинлигига даҳл қилишини фош этган.

Ўтган асрнинг 50-йилларида ёзувчи бир қатор эсселар, пьесалар ёзади. 1956 йилда унинг киноюмуз қиссаси «Йиқилиш» эълон қилинади. Унда бош қаҳрамон судья Жан Баптист Кламанс ахлоққа қарши қилган ўз гуноҳларига иқрор бўлиб пушаймон қилади. Гуноҳ ва пушаймонлик мавзусини кўтарган муаллиф асарда христианча рамзийликдан кенг фойдаланган.

Альбер Камю «*Бизнинг кунларда одамлар виждони олдидан турган муаммоларни бағоят жиддийлик билан ёритиб берган илҳоди учун*» 1957 йилда адабиёт соҳасидаги Нобель мукофотига сазовор бўлади. Швеция

академияси вакили Андерс Эстерлинг Камюнинг фалсафий қарашлари борлиқнинг мавжудлигини тушуниш ва фанонинг реаллигини англаш орасидаги ўткир қарама-қаршиликдан тугилганлигини қайд этади.

Нобель мукофоти билан тақдирланганида эндигина 44 ёшга кирган Альбер Камю шундай дейди:

«Ҳар қандай одам, айниқса, санъаткор обрў орттиришни истайди. Мен ҳам шунга хоҳлайман. Бироқ, сизларнинг қарорларингизни эшитиб, унинг қимматини ўзим билан таққосламай қололмайдим. Тўғри-да, ҳали ёш одам, унинг ягона бойлиги — шубҳалари-ю, ёзилмаган китоблари бўлса-да, бу одам ишда ҳам, биродарликда ҳам ёлғизликка ўрганиб қолган бўлса, қўққисдан уни осмонга олиб чиқиб қўядиган қарорни эшитганда саросимага тушмасинми?...

Мен саросимага тушдим, ичимда бир ҳаяжон уйғонди. Ўзимни тинчлантириши учун менга бунчалик саҳийлик қилган қисмат билан ҳисоб-киتاب қилишга тўғри келди. Ва мен ўз хизматларим билангина унга лойиқман, деб ҳисоблай олмаганимдан, бутун ҳаётим давомидаги турли вазиятларда мадад берган бир нарсага таяндим. Бу — санъат ва ёзувчининг роли ҳақидаги тасаввурларим эди...»

Кези келганда айтиб ўтиш жоизки, Камюнинг беқиёс истеъдодини Европа адабиётшунослари анча олдин илғашган. Уни илк бор 1947 йилда Нобель мукофотига номзод сифатида тавсия этишади. Шундан кейин ҳар икки-уч йилда бу амалиётни такрорлаб боришади. Тадқиқотчилар ўша вақтларда Камю бу мукофотга ҳали ёш бўлгани учунгина эриша олмаганини таъкидлашади.

Ҳар не бўлганда ҳам, Альбер Камю Киплингдан кейин Нобель мукофотининг энг ёш соҳибига айланади.

Камюнинг ижоди, унинг бебаҳо асарлари ҳақида Европа ва дунё адабиётшунослигида турли қарашлар мавжуд. Бироқ ушбу қарашлардаги яқдиллик Камюнинг бетакрор адиб эканлигига, ўз даврининг ҳақгўй овози бўлганлигига ишоради.

Камю ўз ижодида урушдан кейинги авлоднинг ҳаётдан бегона-лашгани ва кўнгли қолганини кўрсатиб беради, бироқ замонавий абсурдликдан чиқиб кетиш йўллари тинмай излайди. Ёзувчини марксизм ва христианликдан воз кечганлиги учун кўп танқид қилишади, бироқ унинг адабиётга кўшган ҳиссасини ҳеч ким инкор эта олмайди.

Унинг Нобель маърузасида ўз авлоди ҳақида айтган ушбу сўзлари, айниқса, эътиборга моликдир:

«Тарихимизнинг ақлдан озган йиғирма-ўттиз йилида ҳамма тенг-дошларим қатори давр талвасаси олдидан буткул эсанкираб ва ожиз ҳолда қоларканман, бу кунларда ёзувчи бўлиш шараф деган элас-элас ҳиссиётдан ўзимга таянч топдим, шунга кўра бу таянч менга мажбурият юклади, фақат ёзиш мажбуриятини эмас. Хусусан, менга бизнинг умумий тарихимиз зарбаларини ўзига қаратганлар тақсимлаб олган бахтсизлик ва умидлар юқини кучим ва имконим қадар олиш мажбуриятини юклади.

Ҳар бир авлод ўзини дунёни қайта қуришга масъул деб ҳисоблайди. Мен мансуб бўлган авлод эса бундай қилолмаслигини билади. Бироқ унинг вазифаси, эҳтимол, ундан каттароқдир. Бу вазифа ер курраси йўқ бўлиб кетишига халал беришдан иборат».

Бу сўзлар Камю башариятга омонлик соғинган Улкан Қалб эгаси бўлганлигидан далолат беради.

Камю ўзининг қисқа умри давомида турли зиддиятлар, қийинчиликларга тўла ҳаёт йўлини босиб ўтган. Аммо у ҳамиша ўзининг бетакрор инсонийлик қиёфасини сақлаб қола олган. Дўстларига, устозларига, жумладан, ўзининг илк устози, лицейдаги ўқитувчиси Жерменга ҳамиша содиқ қолади. Энг эътиборли жиҳати, Камю Нобель маърузасини айнан шу устозига бағишлайди. Унга ҳам миннатдорлик мактуби жўнатади. Бунга устози Луи Жермен шундай мазмундаги жавоб хати ёзади:

«Сенга ушбу эътибор ва ҳурматинг учун қандай миннатдорлик билдиришини билмайман. Қўлимдан келса ўсиб улғайган, бироқ мен учун ҳали ҳам бола бўлган сендек азиз инсонни бағримга босган бўлар эдим.

Камю ким ўзи? Назаримда, сенинг шаҳсингни ўрғанадиган киши бунинг уддасидан чиқиши жуда қийин. Сенда табиий вазминлик ва бетакрорлик, ҳа, ўзингни ва ўз туйғуларингни ошкор эттирмайдиган шундай куч бор эди. Шу билан бирга, сен жуда оддий одам эдинг. Ва яна ниҳоятда меҳрибон. Қиёфанг ҳар доим хушчақчақ эди, сенга қараб туриб оилангнинг асл аҳволи ҳақида ҳеч ҳам шубҳа қилмаганман. Сен ҳам, уканг ҳам доимо чиройли ва кўркем кийимда бўлар эдинглар, кейин билсам, бу онангнинг хизматлари экан...»

Бундай устоз-шогирдлик ҳамма ижодкорларнинг тақдирида ҳам учрайвермайди.

...1960 йилнинг серёгин декабрь кунларида Париж кўчалари бўйлаб елдек учиб бораётган машина дарахтга урилиб кетади. Ушбу автоҳалокатнинг қурбонига айланган улугъ ёзувчи Альбер Камюнинг чўнтагидан поезд чиптаси чиқади. Машинанинг атрофга сочилиб кетган бўлаклари орасида эса ёзувчининг йўл сумкаси ҳам бор эди. Сумкадан ҳали тугалланмаган роман қўлёзмалари ҳам топилади.

Яқин қариндошлари бу борада бироз шошилмасликни маслаҳат беришларига қарамай, ёзувчининг қизи Кетрин уни нашрга тайёрлайди. «Биринчи одам» деб номланган ушбу асар орадан ўттиз тўрт йил ўтиб босмадан чиқади ва ижод оламида жуда катта шов-шувга сабаб бўлади. «Камюнинг ҳаётлигида эълон қилинган биронта асари бунчалик шухрат қозонмаган эди», — деб ёзишдаи адабиётшунослар.

Италияда чиқадиган «Кечки курьер» газетасида Камюнинг ўлими юзасидан берилган таъзияномада шу юртлик шоир Эуженио Монтале: «Камюнинг нигилизми ишончни инкор қилмайди, одамни қандай яшаш ва муносиб ўлиш лозимлиги борасидаги оғир муаммони ҳал қилишдан озод этмайди», — деб ёзган эди.

Америкалик тадқиқотчи Сьюзан Зонтаг: «*Камюнинг асарларида асосий ўрин бош қаҳрамонлар ҳаётига эмас, балки гуноҳкорлик ва бегуноҳлик муаммоларига, масъулият ва нигилистик лоқайдлик масалаларига бағишланган. Унинг ижоди юксак санъати ёки чуқур маъноси билангина эмас, балки мутлақо бошқа томондан, яъни ахлоқий ғузалиги билан ҳам ажралиб туради*», — дея таъриф беради.

Инглиз танқидчиси Альварес ҳам худди шу фикрга қўшилади, унинг таъкидлашича, *Камю этика муаммоларини фалсафий даражага кўтара олган инсоний ахлоқ ёзувчисидир.*

БОРИС ЛЕОНИДОВИЧ ПАСТЕРНАК

Борис Леонидович Пастернак 1890 йилнинг 10 февраль кuni Москвада санъаткорлар оиласида таваллуд топган. Отаси машҳур рассом бўлиб шаҳардаги Рассомчилик ўқув юртида дарс берар, соҳасининг академиги эди, онаси Роза Кауфман таниқли пианиночи бўлиб, фарзандлари тарбияси учун ўз касбини ташлаб кетган. Пастернаклар оиласи камтаргина яшаган бўлса-да, инқилобгача бўлган даврдаёқ бу оила Россиядаги юксак адабий давраларга қўшила олган, жумладан бу хонадонга Рахманинов, Скрябин, Райнер ва Толстой каби ижодкорлар тез-тез келиб туришарди.



Йиллар ўтиб, Пастернак Толстой образи менинг бутун умрим давомида кўз олдимда бўлди, деб ёзгани ҳам бежиз эмас. Оиладаги муҳит унга бутун ҳаёти давомида ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди, дейиш мумкин.

Жумладан, Скрябин ижоди Бориснинг Москва консерваториясига ўқишга киришига туртки бўлган, бу ерда у композиция назариясини ўрганади, бироқ истеъдодли ўсмирнинг бу соҳага шўнгиб кетишига унинг мусиқий оҳангни илгаш борасидаги камчилиги йўл бермас эди.

1909 йилга келиб у мусиқачи бўлишдан воз кечиб, Москва университетининг тарих-фалсафа факультетига ўқишга киради ҳамда фалсафа ва дин тарихи билан шугуллана бошлайди. 1912 йилда, 23 ёшида Германияга бориб, Марбург университетиде ёзги семестр давомида профессор Герман Коген қўлида сабоқ олади. Бироқ, фалсафа билан машгуллик ҳам узоққа чўзилмайди, энди у астойдил шеърят билан ошно тутинади. Ида Высоцкая исми қизни учратгач, унга ошиқ бўлиб қолган Борис ватани ҳақида ўйлайди, ўзини табиатан реалист эмас, балки романтик эканини англаган чоги, бир муддат Италия бўйлаб сафар қилиб, 1913 йилда Москвага қайтиб келади.

У пойтахтда символизм ва футуризм йўналишида ижод қилувчи бир қатор етакчи шоир ва ёзувчилар билан яқинлашади, улардан бири бўлган Маяковский Пастернакка ҳам дўст ва, айна дамда, ижод борасида рақобатчи ҳам эди.

Албатта, фалсафа ва мусиқа ижодкор учун ўз аҳамиятини бутунлай йўқотган, деб бўлмасди, бироқ энди Борис ўзининг ҳақиқий эҳтиёжини англагани, бу — шоирлик эди. Университет имтиҳонларини топширгач, ёзда у биринчи китобини ёзиб тугатади.

Айтиб ўтиш жоизки, Пастернак бошқа футуристлардан фарқли ўлароқ, ўтмиш ва «эски» маданиятдан юз ўгирмай, XIX аср рус ва немис фалсафий лирикаси анъаналарини давом эттиради.

Орадан уч йил ўтиб, «Тўсиқлар устида» номи китоби дунё юзини кўради. Ушбу китобидан ўрин олган «Ҳаёт менинг ҳамширам» шеърида Пастернак шеъриятининг муҳим хусусиятларидан бири — табиат олами, ҳаёт билан узвийлик илк бор кўзга ташланади.

Борис болалигида отдан йиқилиб оёғидан жароҳатланган эди, шу боис уни урушга жўнатишмаган, бироқ урушда ҳиссаси бўлишини истаган Пастернак Уралдаги ҳарбий заводга ишга жойлашади. Бу воқеалар кейинчалик унинг «Доктор Живаго» романида акс этган.

Борис 1917 йилдан бошлаб Москвада муқим яшай бошлайди. «Мавзулар ва вариациялар» тўплами уни Россия шоирлари орасида биринчилар қаторига олиб чиққан. Шоира Мария Цветаева Пастернакнинг катта мухлиси эди ва у Борисни «ёруғлик ёғдуси», елвизак ва сирли синоат, деб атайди. «Спектор» поэмасида Пастернакнинг ўзи шундай ёзган эди: *«Шеърият, кенглик истама, жонли аниқлик излагин, сирлар нуқтасин...»*

Ўтган асрнинг 20-йилларидан бошлаб Пастернак шеъриятида лирикадан эпос сари интилиш тамойили сезилади. Худди шу йилларда Пастернакнинг иккита оламшумул асари — «Тўққиз юз бешинчи йил» ва «Лейтенант Шмидт» поэмалари эълон қилинади. Бу асарларида шоирнинг лирик тафаккурдан эпик тафаккурга ўта бошлагани сезилади. «Қиссалар» китобида унинг туғма прозаси ва шеърий лирикаси намоён бўлган.

Ўша давр адабий танқидчилари шоир асарларини маъқуллашади ва 1934 йилда бўлиб ўтган ёзувчиларнинг илк съезида Пастернакни иттифоқнинг энг илғор замонавий шоири сифатида эътироф этишади.

Европача таълим муҳитида тарбия олган Пастернак бир нечта тилларда бемалол гаплашар эди ва 30-йилларга келиб тирикчилик вазидан инглиз, немис ва француз тилидан мумтоз шеърий асарларни таржима қилиш билан шуғулланади. Унинг Шекспирдан қилган таржималари рус адабиётидаги энг кучли таржима асарларидан саналади.

Шу ўринда шоирнинг оилавий ҳаёти ҳақидаги айрим тафсилотларга ҳам тўхталиб ўтсак. 1921 йилда Пастернакнинг ота-онаси қизлари билан

Германияга чиқиб кетишган бўлса-да, Борис акаси Александр билан Москвада қолади. Ота-онаси кетиши билан Борис Евгения Лурье исмли рассом аёлга уйланади. Улар ўғилли бўлишади, бироқ бирга узоқ яшашмайди. 1931 йилда никоҳ бекор қилинади ва Борис Зинаида Николевна Нейхаусга уйланади. Бу оиласидан ҳам бир ўғил туғилади. Пастернак умрининг кўп вақтини ёлғизликда, Москва яқинидаги Перedelкино қўрғонидаги ёзувчилар дала ҳовлисида ўтказди.

Иккинчи жаҳон уруши бошланиб, немис фашистлари армияси Москва яқинига етиб келгач, Пастернак Кама дарёси қирғоқларида жойлашган Чистополь шаҳарчасига кўчиб кетади. Бу вақтда у бир қанча ватанпарварлик руҳидаги шеърлар ёзади ва ҳукуматдан ҳарбий мухбир сифатида фронтга жўнатишларини сўрайди, бунга рухсат ҳам олади.

Пастернакнинг ҳаёти зиддиятларга тўла. Шоирнинг ижоди ҳам шахсияти каби дардчил ва теран. Унинг гуссаси кўп, лекин ўзидаги дард ва изтиробни пеш қилмайди. Шу жиҳати билан хиёл мураккаб ва жумбоқли туюлади.

Борис Пастернак ўтган аср 30-йиллари ўрталари ва 40-йилларида яратган «Саъяткор», «Барвақт юрган поездлар» асарларида образлар тизимини соддалаштириб, рус классикларига хос «равшан услуб»га ўта бошлайди.

Пастернак қарийб бугун ижоди давомида йирик насрий асарлар яратишга эътибор берган. 40-йилларда ижод ва таржималар билан машғул бўлган шоир ўзи кўрган-кечирганлари ва улар ичида энг даҳшатли воқеликларни яширин ўқ тарзида ўзида жам этувчи, жамиятни кенг планда тасвирга олувчи роман ёзишни ҳам режалаштириб қўйган эди.

Уруш тугагач, Перedelкинога бориб ёлғизликда ана шу романи устида иш бошлайди. Бу шифокор ва шоир Юрий Андреевич Живагонинг қисмати ҳақидаги асар эди. Дунёга фалсафий назар билан қарайдиган, адабиёт борасидаги қувваи ҳофизаси баланд бўлган асар қаҳрамони аслида собиқ шўро адабиётининг ортодоксал қаҳрамонларига мутлақо ўхшамас эди. Китобдаги персонажлар турли ҳаётини йўриқлар билан гавдалантирилган бўлса-да, уларнинг ҳаммасига коммунистик гоялар мутлақо бегона эди. Романда Россиянинг инқилобгача ва инқилобдан кейинги ҳаёти кенг таҳлил этиб берилган. Қизиги шундаки, роман қаҳрамонининг фамилияси «живой», яъни тирик ва «жизнь», яъни ҳаёт сўзларидан келиб чиқади.

Мамлакатда инқилоб тўлқини мавж урган бир пайтда Живаго олиб сотар чайқовчининг маъшуқаси ва инқилобчи — фанатикнинг хотини бўлган Ларага ошиқ бўлиб кўнгли таскинда эди. Лирик ва эпик кайфияти, руҳий тавсифларнинг таъсирчанлиги, хавф олдида турган одамнинг маънавий оламига бўлган қизиқиши билан асар Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» асарига кўп жиҳатдан ўхшаш, дея таъкидлашади тадқиқотчилар.

Дастлаб нашр этишга рухсат берилган романни муаллифнинг инқилобга салбий муносабати ҳамда ижтимоий ўзгаришларга ишончсизлиги учун кейин яроқсиз, деб баҳолашди.

Китоб илк бор 1957 йилда Миланда италян тилида босилади. 1958 йилнинг охирига келиб асар ўн саккиз тилга таржима қилинади, кейинчалик эса англиялик режиссёр Девид Лин томонидан экранлаштирилади ҳам.

Аслида Пастернак ушбу романида совет ёзувчилари орасида биринчи бўлиб инқилоб ғоясини рад этган ва жамиятни ижтимоий жиҳатдан қайта қуриш мумкинлигига шубҳа билдирган эди.

Мазкур асар адибнинг тоталитар тузум томонидан янада кучли таъйиққа дуч келишига сабаб бўлади.

Шоир ва ёзувчи Борис Леонидович Пастернакнинг ижоди ўз ватанидан кўра кўпроқ хорижда эътирофга сазовор топилган. Нобель мукофоти кўмитаси уни номзод сифатида 1946 йилдан то 1950 йилгача олти марта ҳар йили ва 1957 йилда яна бир бор кўриб чиққан. Бироқ, бу йилларда мукофот унга nasib этмади. Ниҳоят, 1958 йилда «Доктор Живаго» романи Италияда эълон қилинган, тарози палласи у томонга оғади.

1958 йилда Швеция академияси Борис Пастернакни *замонавий назмда, шунингдек, улғур рус романчилиги анъаналарини давом эттиришида эришган улкан ютуқлари учун* Нобель мукофотига муносиб топди. Шундан сўнг мамлакатда ўша даврнинг етакчи расмий матбуоти нашрлари ҳисобланган «Правда» ва «Литературная газета» каби газеталарда адибга «сотқин», «ёлғончи», «Иуда», «душманларга ёлланган» каби тамғалар босилиб, қатор танқидий чиқишлар уюштирилади.

Адибни ёзувчилар уюшмаси аъзолигидан чиқаришади ва Нобель мукофотини рад этишга мажбур қилишади. Швеция академиясига «*Ниҳоятда хурсандман..., ...таъсирландим, ...фахрландим, ҳайратдаман...*» каби сўзлар битилган биринчи телеграммадан сўнг тўрт кун ўтиб, иккинчи нома юборилади. Бунисида мутлақо бошқача оҳанг эди: «*Мен яшайдиган жамиятда мен лойиқ топилган мукофот эришган аҳамиятнинг кучидан келиб чиқиб, ушбу мукофотни рад этишим керак. Менинг ўз устагим билан рад этаётганимни шаънингизга нисбатан менсимаслик деб қабул қилмангиз*».

«*Бизнингча, бу рад этиш мукофот аҳамиятини пастга туширмайди, — деган эди Швеция академияси аъзоси Андерс Эстерлинг ушбу мактубга жавобан, — биз фақатгина Нобель мукофоти билан тақдирлаш маросими бўлиб утмаслигидан афсусдамиз, холос*».

«Доктор Живаго» асари устида иш бошлаган чоғида бундай бўлишини хаёлига ҳам келтирмаган Пастернак асарлари ва шахсан ўзига нисбатан тинимсиз босимлардан қаттиқ таъсирланади. Ижодкор ҳаётининг сўнгги йилларида Переделькинодан ҳеч қаерга чиқмай яшайди. Шу ерда ёзади, меҳмонларини кузатади, боғига қарайди. Таъқиблар остида умр кечирган Пастернак 1960 йилда вафот этган.

«Пастернакнинг коммунистик тоялар билан келиша олмаслигини сиёсий баҳолаш ноўрин, — дейди адабиёт танқидчиси ва тарихчи Марк Слюним. — Бу фалсафий ва ахлоқий қарашлардир. У христианча инсоний тояларга ишонади, ҳаёт, гўзаллик, муҳаббат ва табиат қадриятларини тасдиқлайди. У зўравонликни, айниқса абстракт формулалар ва сектантча демагогия билан оқланадиган зўравонлик тояларини рад этади. Ахир инсонпарварлик ва диний таълимотлар руҳида тарбия топган Пастернак советларнинг материализми, коллективизми ва атеизми билан қандай ҳам келишин?»

Пастернакнинг биографи Роберт Пейн бир гал эътироф этганидек, шоир ўз шеърияти ва насри билан инсон ва инсон ҳиссиётлари ҳар қандай диктаторлик тартибларидан устун эканлигини тасдиқлайди.

Ўз таржимонларидан бири, америкалик ижодкор Южин Кейсенга ёзган мактубида Пастернак шундай деган эди: «Санъат фақатгина ҳаётни қаламга олиш эмас, борлиқнинг бирлигини айтиш ҳам... ўз даврининг эътиборга молик ёзувчиси — номаълум, бетакрор, ягона тирик ҳаёт ҳақиқатини тасвирга олишга қодир кашфиётчидир».

Аслида, Пастернакнинг ўзи ҳам ана шундай кашфиётчи санъаткор эди. Саксонинчи йилларга келиб собиқ Иттифоқда Пастернакка нисбатан муносабат ўзгара бошлади. Таниқли рус шоири Вознесенский «Новый мир» журналида Пастернак ҳақидаги хотираларини чоп эттирди. 1986 йилда шоирнинг ўгли томонидан таҳрир қилинган икки томлик шеърлари тўплами нашрдан чиқди. 1987 йилда эса Ёзувчилар уюшмаси шоирни аъзоликдан чиқариш ҳақидаги қарорни бекор қилди ва шундан кейин 1988 йилда «Доктор Живаго» романи даврий матбуотда эълон қилина бошланди.

Борис Пастернак ва унинг асарлари ижодкор шахси ва чинакам адабий асарлар умрбоқийлигининг яққол далилидир. Мустабид тузум ўз умрини яшаб бўлди, аммо Пастернак асарлари ҳамон барҳаёт.

САЛВАТОРЕ КВАЗИДОМО

Салваторе Квазидомо 1901 йилнинг 20 август кuni Сицилиянинг Сиракузи яқинидаги Молик деб номланган шаҳарчасида темир йўл станцияси бошлиги Гаэтано Квазидомо оиласида тугилган.

Салваторе ўсмирлик чоғларидан шеъриятга қизиқиб қолади, у француз ва рус мумтоз ва замонавий адабиёти, шеъриятига мансуб асарларни қўлидан қўймай ўқир ва ҳатто ўртоқлари билан газета ташкил қилиб, ўзининг илк шеърларини унда чоп этарди ҳам.



1920 йилда Бич Донетти исмли қиз билан оила қурган Салваторе бу вақтга келиб адабиёт билан жиддий машғул бўла бошлаганди, бу борада унга сицилиялик руҳоний монсенъёр Рамполла яқиндан ёрдам берарди. Бўлажак шоир грек ва латин тилларини баҳоли қудрат ўрганган.

1929 йилда Элио Витторини уни Флоренциядаги адабий муҳитга олиб киради. Салваторе Эуженио Монтале ва Жузеппа Унгаретти каби шеърят устунлари билан яқиндан танишиш шарафига муяссар бўлади.

Квазидомонинг 1930 йилда босилиб чиққан «Сув ва замин» тўпламидаги шеърларнинг кўпчилиги Сицилияга бағишланган эди ва энг муҳими, тўпламдан «нодир намуна» дея эътироф этилган «Тиндари устидаги шамол» ҳам ўрин эгаллаганди. Квазидомонинг илк тўпламиёқ танқидчиларда катта қизиқиш уйғотади.

Муаллифнинг «Эквалипт ҳиди ва бошқа шеърлар» (1933), «Эрато ва Апполлион» (1936), «Шеърлар» (1938) китобларига кирган шеърларда герметизмга мойилликни кузатиш мумкин. 1932 йилда Квазидомо «Антико Фатгоре» номи билан аталувчи Флоренция адабий мукофоти билан тақдирланади. 1934 йилда шоир Миланга кўчиб келади ва ўзларини «ёш муҳожирлар» деб атайдиган жанубий италиялик интеллектуаллар гуруҳига қўшилади. Бу вақтда у Амелия Спечиалетти билан турмуш қуради ва орадан бир йил ўтгач, улар қизли бўлишади, фарзандга Ориетта деб исм қўядилар.

1938 йилда Квазидомо Фуқаролик қурилиши вазирлигидан бўшаш ҳақида ариза беради ва Мондадори нашриёти тасарруфидоги бир қатор даврий нашрларнинг муҳаррири бўлган Чезари Дзаваттинига ёрдамчи бўлиб ишга жойлашади. Кейинги йилда уни «Темпо» ҳафталигига муҳаррир этиб тайинлайдилар.

1941 йилда Квазидомо Жузеппа Верди номидаги Милан консерваториясида итальян адабиёти профессори сифатида иш бошлайди. 1942 йилда унинг янги ва қайта ишланган шеърларидан таркиб топган «Тун» китоби нашрдан чиқади.

Иккинчи жаҳон урушининг мудҳиш хунрезликларининг жонли гувоҳига айланган шоир ўз адабий ва сиёсий дунёқарашини ҳам тубдан ўзгартиради. У энди шеърларида халқнинг ўзи шоҳиди бўлган оғир ташвишлари, ижтимоий масалаларини қаламга олади. Уруш йилларида Квазидомо «Қаршилиқ» ҳаракатига қўшилиб, бу ҳаракатда фаол иштирок этади, ҳатто бир муддат Бергамода фашизмга қарши фаолияти учун қамоқда ҳам бўлади. Энди унинг поэзияси герметизмдан кечиб фаол ижодий позицияга қаратилади. Бунинг танқидчи Маккормик «ўз ички поэзияси оламидан дахлдорлик поэзиясига ўтиш» дея таърифлаган эди. Урушдан кейинги йилларда адиб бир қатор эсселар яратади, таржимонлик борасидаги ишларини давом эттиради, «Кундан кун» шеърый китобини чоп эттиради.

1948 йилда биринчи хотини вафот этган адиб Мария Куманга уйланади. 1956 йилда шоирнинг «Қалбаки ва ҳақиқий барглар» тўплами босилиб чиқади. Ушбу тўпламга муқаддима сифатида шоирнинг «Шеърят ҳақидаги мулоҳазалар» номли дастурий эссеси берилган. Ушбу хулосаларида шоир ижодкор ўзининг шеърятти орқали сиёсий ва гоёвий қарашларини билдириши лозимлигини таъкидлаган.

Албатта, Квазидомонинг итальян адабиёти ва айниқса, шеърятдаги ўзига хос ва эътирофга лойиқ мавқеини инкор этиб бўлмайди, аммо унга адабиёт соҳасидаги Нобель мукофотининг берилгани ҳақидаги хабар жамоатчилик учун кутилмаган янгилик бўлган эди. Унга ушбу юксак мукофот *«давримизнинг фоживий тажрибаларини мумтоз даражада жонли ёритиб бера олган лирик поэзияси учун...»* 1959 йилда берилган.

Мукофотни тақдим этиш маросимида Квазидомо ушбу юксак баҳога жавобан шундай дейди: *«Шеърят ёлғизликда пайдо бўлади ва... мана шу ёлғизликдан барча йўналишлар бўйлаб тарқалиб кетади. Шеърят, ҳатто лирика бўлганда ҳам — бу ҳар доим нутқдир... Тингловчи ким бўлишидан қатъи назар, шоирнинг ўзими, унинг руҳими, тасодифий шу ердан ўтиб кетаётган нотаниш кимсами ёки минглаб мухлисларми, бу ўз аҳамиятини ўзгартирмайди...»*

1960 йилда Квазидомо иккинчи хотини билан никоҳини бекор қилади. Шу йили «Шоир ва ёзувчи» ва бошқа эсселар, кейинроқ охириги шеърый тўплами «Бериш ва эга бўлиш» китобларини нашр эттиради. У 1968 йилда Амалфидаги поэзия фестивалига жюри раиси сифатида ташриф буюриб, 14 июнь куни шу ерда тасодифий тарзда вафот этади.

Замонавий адабий танқид аҳли вакилларида кўпчилик Квазидомони герметизм йўналишининг йирик вакилларида бири дея эътироф этса-да, уни Монтале ва Унгареттиларга тенглаштириб бўлмаслигини ҳам таъкидлайди. 1959 йилда тадқиқотлари хулосаси сифатида америкалик адабий танқидчи Глауко Кембон шундай ёзади: *«Квазидомонинг замонавий итальян шоирлари қаторидаги муҳим ўрнини эътироф этган ҳолда шунини таъкидлаш лозимки, унинг охириги китобларидан қониқиш ҳосил қилиб бўлмайди...»*

Орадан бир йил ўтиб, «Буксэброд» нашрида эълон қилган мақоласида танқидчи Франсис Голффинг Квазидомони Монтале, Элиот ва Йейтсларга нисбатан анчагина бўш ва оддий шеърят соҳиби, дея баҳолаган. Шу билан бирга инглиз адабиётшуноси Баур 1960 йилда *«Квазидомонинг бошқа ҳар қандай замонавий шоирлардан устунлиги унинг бутун Европа номидан гапира олганидир...»*, деб айтган эди.

СЕН-ЖОН ПЕРС



Сен-Жон Перс (Мари Рене Алекси Сен Леже) 1887 йилнинг 31 май куни Вест Индияда, Гваделупадан унча узоқ бўлмаган кичик оролчада таваллуд топган. Унинг отаси Амади Сен-Леже адвокат, онаси Франсуаз Рене Дормуа ўн еттинчи асрда Антил оролларида истиқомат қилган плантаторлар ва денгиз зобитлари оиласидан эди.

Оилада ёлғиз ўғил бўлган Перс дастлаб Гваделупадаги Пуэнт-а-Питр мактабида, кейин эса По шаҳрида ўқийди. Бордо университетини тугатгач, ўспирин йигит дипломатия соҳасида ишлашни ният қилади

ва 1914 йилда бу борадаги тегишли имтиҳонларни топширади.

Шоирнинг илк шеърий тўплами «Экологлар» (1910) дарҳол адабий жамоатчиликнинг эътиборига тушади. Уни ҳатто Андре Жид ва Жак Ривеьер каби адабиёт гигантлари ҳам олқишлаб кутиб олган.

Леже ўзига «Сен-Жон Перс» дея тахаллус қўяди. Йигирманчи йиллардаги асарлари орасида «Анабасис» поэмаси алоҳида ўринга эга. Ушбу шеърий асар Перснинг Пекинда Франциянинг Хитой халқ Республикасидаги элчихонасида ишлаган беш йиллик фаолияти даврида яратилган эди. Хитойдалиги вақтида ижодкор ўз таътил қунларини ҳам шу мамлакатда ўтказар, бунда у Жанубий Хитой денгизи бўйлаб саёҳатга чиқар ёки Гоби саҳроси бўйлаб отда сайр қиларди. Поэманинг гоёси Пекин атрофидаги ташландиқ ҳолатдаги таоистлар ибодатхонасида бўлган чогида тугилган.

Сен-Жон Перс ижоди бўйича йирик мутахассис бўлмиш Артур Нолд «Анабасис» поэмасини шоирнинг энг қатъий ва шу билан бирга сирли асарларидан бири, дея таърифлаган. Ўзининг адиб ижодидан таржималарига ёзган сўзбошисида Элиот ҳам бу поэма ҳақида тўхталди ва шундай ёзади: *«Яхшиси, ўқувчи поэма образлари орқали пайдо бўладиган хулосалари аҳамияти ҳақида ўйлаб юрмасин, чунки улар фақат баъзи ўринларда маъно касб этади».*

1921 йилда Парижга қайтиб келгач, Сен-Жон Перс Вашингтонда бўлиб ўтадиган қуролсизланишга багишланган халқаро конференцияга жўнатилди. У бу ерда Франция бош вазири ва француз делегацияси раҳбари Аристид Бриан билан учрашади. Бу юқори лавозимли шахс билан шоир ўртасида яқин дўстона муносабат пайдо бўлади. 1933 йилда Сен-Жон Перс Ташқи ишлар вазирлигининг элчи мақомига тенглаштирилган бош котиб лавозимига тайинланади. Урушдан олдинги йилларда шоир Гитлернинг сиёсатига қарши чиқишлар қилган. Бу эса гитлерчиларнинг таъсири остида бўлган бош вазир Поль Рейнога хуш

келмасди, албатта. 1940 йилда Франциянинг босиб олинишидан сал олдинроқ, у Сен-Жон Персни ишдан бўшатиш ҳақидаги буйруққа имзо чекади. Шу йилнинг июнь ойида охир-оқибат шоир Франциядан Англия ва Канада орқали АҚШга қочиб кетади ва бу мамлакатда то урушнинг охиригача кўнгилли қочқин мақоми билан яшайди. У фуқаролик, элчи мақоми ва бошқа барча имтиёزلардан мосуво бўлган эди, шу ваддан ҳам Вашингтонда конгресс кутубхонасида маслаҳатчи деган камтаргина иш ўрнига эга бўлади, холос.

«Шахзоданинг дўстлиги» шоирнинг «Анабасис»дан бошқа яна бир йирик поэмасидир. Дипломатия соҳасида фаолият юритган чоғларида яратилган ушбу асар «Экологлар ва бошқа поэмалар» тўпламидан жой олади. Маълумотларга қарганда, шоирнинг Париждаги уй-жойи гестапо томонидан тинтувдан ўтказилган ҳамда унинг барча қўлғезма ва хомаки ишлари йўқ қилинган.

Кўшма Штатларда яшаган даврида шоир ижод билан тинимсиз шуғулланади. Уруш ва урушдан кейинги дастлабки йилларда унинг қаламига мансуб «Қувгин» (1942), «Шамоллар» (1946), «Мўлжаллар» (1957), «Хроника» (1959) ва «Қушлар» (1962) дostonлари бирин-кетин нашр этилади. Шоирнинг дипломатия ишида машғул бўлган даврида ёзилган кўпгина асарлари охир-оқибатда барибир нашр этилмай қолиб кетган ва шу боис ҳам унинг жами адабий мероси еттига унча катта бўлмаган китобларга жам этилган.

Адабиётшунослар Сен-Жон Персни ўз давридаёқ Уолт Уитмен қаторига қўйишарди. «Шамоллар» поэмасига тақриз ёзар экан, танқидчи Стивен Спендер асарни «Америка ҳақидаги бетакрор поэма», дея атайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Сен-Жон Перс йигирманчи йилларда Пол Валери, Пол Клодел ва бошқа ёзувчиларнинг адабий гуруҳига киради. Бу гуруҳ «Янги француз талқини» журнали атрофида жам бўлган эди. Клодел вафотидан сўнг Сен-Жон Перс бошқа бирон бир ижодкор уддалай олмаган катта муваффақият билан прозаик поэма анъаналарини ривожлантирган шоирдир. Филип Тойнби уни гайритабиий куч ва маҳорат соҳиби бўлган шоир, деб атаган бўлса, мексикалик шоир, Нобель мукофоти соҳиби Октавио Пас тарихий ҳужжатлардан кўра, шоирнинг талқинлари ва образларида ҳақиқат кўпроқдир, дея таъкидлаб, шундай дейди: «*Кимдир асримизнинг биринчи ярмида қандай воқеалар бўлиб ўтганини билмоқчи экан, у эски газеталар ва ҳужжатларни эмас, улуғ шоирларнинг асарларини варақласин. Ана шундай улуғлардан бири сўзсиз Сен-Жон Перс бўлиши мумкин. Унинг адабий тили, образларидаги битмас-туганмас манбалар, жарангдор ва аниқ ритмика бетакрордир...*»

1960 йилда Сен-Жон Перс «*давримизга хос ҳолатларни кўтаринки ва ифодали шоирона маҳорат билан ёритиб бергани учун*» адабиёт соҳасидаги Нобель мукофоти билан тақдирланади. Мукофотни топши-

риш тадбирида қатнашган шоир ўзининг Нобель маърузасида шеърият ва фаннинг ўхшашлиги ҳақида тўхталади. Шу ўринда ушбу маърузадан айрим иқтибослар келтиришни лозим топдик:

«Нима узоқ яшайди: мулоҳазали фикрми ё шеърий фаросатми? Фараз қилинг, тун қоронғулигида иккита туғма кўр пайпасланиб боришяпти. Бири илм билан қуролланган, иккинчиси — ички ҳис билан ҳаракатланаяпти. Қайси бири вазиятдан олдин чиқади? Қайси бирининг дилида йўл кўрсатувчи ёруғлик кўп? Жавобларни фарқлаш қийин.

...Поэзия, нафақат дунёни билиш, балки у ҳаётнинг ўзи ҳамдир, бутун борлиғи билан ҳаётнинг ўзи. Шоирлик қабилачилик даврида ертўлаларда яшаган одамнинг қалбида ҳам бор эди, у атом асри одамнинг руҳида ҳам яшайди. Бинобарин, шеърият, поэзия инсониятнинг ажралмас бир қисмидир. Барча борлиқ мавжудотга садоқати билан шоир бизга бизнинг оламимизнинг доимийлиги ҳамда бирлигини ҳис этишимизга ёрдам беради...

Атом қуввати турганида шоир ўз мақсадларига етишиши учун қўлидаги жинчиқроқнинг ўзигина кифоямикин? Кифоя, агарда у тиликни унутмаган бўлса.

Ва агар шоир ўз даврининг хасталанган имонини гавдалантира олса, унга бошқа талаб йўқ», — дея ўз маърузасини яқунлайди Сен-Жон Перс.

Урушдан кейин Сен-Жон Персга фуқаролиги ва бошқа барча мартабалари қайтариб берилди ва у 1957 йилда ватанига қайтиб келади. Шоир Вашингтонда яшаса-да, йилнинг бир қисмини Францияда, ўзининг Жьенедэги вилласида ўтказарди. У бу ерда хотини, асли америкалик бўлган Дороти Милборн Рассел билан яшар, улар 1958 йилда оила қуришган эди. Сен-Жон Перс ўз даврида Фахрий легион ордени, Бан ордени, Британия империясининг катта ордени каби мукофотларга ҳам сазовор бўлган эди.

У 1975 йилда вафот этади.

«Унинг ижодий қадамлари, — деб ёзган эди шоир ҳақида Артур Нодп, *— оҳиста ва намоёнишкорона эди, тили эса жуда адабий ва кундалик муомаладаги тилдан кескин фарқ қиларди. Уни мутолаа қилар экансан, шундай хулосага келасанки, гўё шоир ўз фикрини яхши ифода қилишни эмас, иложи борича зўр ифодалашни истар эди».*

Дунё адабиётшунослигида Перс ижодига нисбатан мақтовлар билан бир қаторда танқидий қарашлар ҳам йўқ эмас. Америкалик шоир ва танқидчи Говард Немеров шоирнинг «Йўналишлар» асари ҳақида фикр юритиб, жумладан, уни нафақат буюк, ёки яхши, ҳатто ўрта даражадаги поэма ҳам эмас, дея баҳолаган.

Шу асарга ёзган тақризиде бошқа бир танқидчи Жон Съярди шундай хулоса қилади: *«Персда бетакрор мусиқий овозни ҳис қилиш маҳорати борлиги шак-шубҳасиз, аммо мен бу поэманинг инглиз китобхонига на оригинал ва на таржима ҳолатида ёқишига ишонмайман... Перс ниҳоятда ҳаракатсиз ва асардаги воқеалар жуда чўзилиб кетган».*

Инглиз тадқиқотчиси Оден 1958 йилда шундай ёзган эди: «*Сен-Жон Перс ҳақиқатан ҳам Нобель мукофотига лойиқ шоир. Шоир поэмаларини варақлар экансиз, уларнинг ҳар бири улкан шоирона полотнининг бир бўлаги эканини ҳис қиласиз. Шунинг учун ҳам Сен — Жон Перс ўзи учун илҳом манбаи ва ўз шеърий тилини кашф эта олган бахтли шоирлардан биридир*».

ИВО АНДРИЧ

Иво Андрич 1892 йилнинг 9 октябр куни ҳозирги Босния ва Герцеговина ҳудудида, мактаб хизматчиси бўлган Антун Андрич хонадонида тугилган. Отаси вафот этганида Иво ҳали уч ёшга ҳам тўлмаганди. Бу мусибат оиланинг қариндошлари яшайдиган Вишеград шаҳарчасига кўчиб ўтишига сабаб бўлади. Иво бу ерда ўрта мактабни тугатиб, 1903 йилда Сараево гимназиясига ўқишга киради.

Ҳали гимназия ўқувчилиги чоғидаёқ Иво Андрич жанубий славян халқларини Австрия ва Венгрия ҳукмронлигидан озод қилиш тарафдорига айланади.

1912 йилда Загребдаги Қироллик университетининг фалсафа факультетига ўқишга кирган Андрич кейинчалик Вена, Кракова ва Граце шаҳарларида ўқишини давом эттиради. 1924 йилда Грацеда «Турк ҳукмронлиги даврида Босния маънавий ҳаётининг ривожланиши» мавзусидаги докторлик диссертациясини ёқлайди.

Биринчи жаҳон уруши даврида уни «югослав миллатчиси» сифатида қамоққа олишади, у аввал Шибенда, сўнг Мариборда турмада ётади. Турмадан чиққач ҳам у тўла озодликка эришмайди, 1917 йилнинг ёзигача Зеницада уй қамогига сақланади.

Андрич дипломатия соҳасида ҳам фаолият юритган. 1920 йилда у дастлаб Ватиканда, кейинчалик Бухарест, Триест ва Грециядаги консуллик ваколатхоналарида ишлайди. 1927 йилда Париж ва Марселда, кейинчалик Мадрида фаолият олиб боради. 1930 йилдан 1933 йилгача Женевада Миллатлар лигаси ҳузуридаги Югославия қироллиги доимий делегациясининг котиби, Югославия ҳукуматининг Берлиндаги фавқулодда вакили бўлиб ишлайди.

Иккинчи жаҳон уруши бошлангач, раҳбарият билан келиша олмаган Андрич Белградга қайтади. Айнан ана шу вақтга келиб у оламшумул асарлар ярата бошлайди. 1954 йилда Югославия ёзувчилар уюшмасига



раҳбар этиб тайинланади. Андрич 1954 йилда серб ва хорват адабий тилининг бирлиги ҳақидаги Новисад шартномасини имзолаган биринчи шахс эди.

Шуниси қизиқки, Андрични серблар серб ёзувчиси деб, яна кўпчилик хорватлар уни хорватия ёзувчилики анъаналари вакили деб ҳисоблайди. Андричнинг талабалик давридаги ҳужжатлари ўрганилса, у ўзини ўша вақтда хорват деб ҳисоблаганлиги маълум бўлади. Хусусан, Загреб университетига ҳужжат топшира туриб, у миллати тўғрисидаги маълумотга келганда она тилини «хорват тили» деб ёзган. Краков университетига ўқишга кира туриб, у ҳужжатларда ўзини «Босниялик хорват-католик» дея таништирган.

Бироқ жанубий славянлар бирлиги тарафдори бўлиб келган Иво, мустақил Югославия ташкил этилгач, ўзини серб сифатида танита бошлайди. У умрининг охиригача ўзини серб деб келади, ўз ҳаётини ҳам Сербия ва Белград билан боғлайди. Андричнинг асосий асарлари кирилл имлосида ёзилган, яъни бу ҳозирги серблар амалиётидаги ёзув.

Андричнинг «Дринадаги кўприк», «Ойимтилла», «Травница воқеалари» каби энг машҳур романи жанубий славян ерларини Усмонли турклар ишғол қилган даврларга бағишланган.

Ушбу трилогияда энг катта шов-шувга сабаб бўлгани «Дринадаги кўприк» романи эди. Турли тилларга кўп бора таржима қилинган асарда Босниянинг қарийб уч юз йиллик тарихидаги қарама-қаршиликлар тасвирланган. Дрина дарёси устидаги кўприк ўн олтинчи асрда турклар томонидан бунёд этилган. Асарда ушбу кўприк умрнинг ақл бовар қилмас мўъжиза эканлигига тимсол қилиб олинган. Романда ҳаёт ҳар сонияда ўтиб боради, шунга қарамай, у давомий ва мустаҳкамдир, деган ғоя ётади. Андрич прозасида алоҳида кишилар характерлари ва ҳаракатлари тарих билан уйғун тарзда берилади.

Трилогиянинг иккинчи китоби «Травница воқеалари»да Андрич ўн тўққизинчи асрда Франция ва Австрия консуллариининг Босния вазирига таъсир ўтказишга уринишлари борасидаги ахлоқий келишмовчиликларини баён этган.

«Ойимтилла»да ёзувчи ҳасис ва бахтиқаро аёлнинг жуда ишонарли портретини яратган. Ушбу роман воқеалари икки жаҳон уруши оралиғида бўлиб ўтади. Унда акс эттирилган воқеалар ўтган давр нуқтаи назаридан ёзилган, бу эса муайян даражада адибнинг услуб ва усулларида кечган айрим ўзгаришлар ҳақида белги беради.

Ҳар учала асар ҳам алоҳида оригиналлик касб этади, бу унинг муаллифи ниҳоятда имконияти кенг ва кўп қиррали истеъдод эгаси эканлигидан далолатдир.

Урушдан сўнг Андричнинг Югославиядаги обрўси йилдан йилга ошади. У энди қишлоқдан келган маиший ёзувчи эмас, Югославиянинг мураккаб тарихидаги муҳим қирраларни қаламга ола билган, жамиятнинг мураккаб муаммоларини ёрита олган иқтидорли шахс эди.

1948 йилда олам юзини кўрган «Янги тарихлар» деб номланган тўплами иккинчи жаҳон уруши ва урушдан кейинги воқеалар ҳақидаги ҳикоялардан таркиб топган бўлса, «Лаънатланган ҳовли» қиссасида муаллиф турк ҳукмронлиги даврида ҳибсда бўлган сербиялик маҳбуслардан бирининг тилидан уларнинг оғир кечган ҳаётини қаламга олган.

Иво Андрич *ватани тарихи билан боғлиқ инсонлар тақдири ва муаммоларини тўлақонли очиб бера олган эпик истеъдоди ва маҳорати* учун 1961 йилда адабиёт соҳасида Нобель мукофоти билан тақдирланади.

Швеция академияси вакили Андерс Эстерлинг ўз нутқида Андрич Босния халқ афсоналаридан юсак фалсафий ҳақиқатларга етишишнинг калити сифатида фойдаланганини, шунингдек, тарих ва фалсафани чуқур ўрганиш Андрич ижодига алоҳида ўрин тутишини таъкидлайди.

Андрич Нобель маърузасида адабиёт ва ёзувчининг инсоният тарихидаги ролига тўхталади. «*Барча тарихий воқеликлар аслида инсон ҳаётининг мазмуни ҳақидаги битта тарихдир, — дейди у. — Албатта, улар қайси вақтда, қандай ҳолат ва кайфият остида ёзилганидан келиб чиқиб шакли, услуби, ҳикоя қилиш усуллари жиҳатидан фарқ қилиши мумкин, бироқ тарихни ёзиш ва ҳикоя қилишдан мақсад битта, у ўзгармайди. Тарих билан чуқурлашиб замонавий муаммоларни назарга илмаслик, менсимаслик борасидаги айбловларга жавобан у кечаги куннинг муаммолари бугунги кун учун ҳам долзарблигини йўқотмаган, чунки бизнинг олдимизда ҳали ҳам ўша вазифалар турибди. Ҳақиқий ёзувчилар жавоб беришга интиладиган битта савол бор, у ҳам бўлса тарихнинг у ёки бу даврида ҳаёт бўлиш, яшаш, инсон бўлиш деган масаладир».*

Андрич тўсатдан инсулт бўлиб ҳаётдан кўз юмгач, расмий Белград унинг ўлими Югославиянинг кўп миллатли маданияти ва санъати учун, бугун мамлакат учун улкан йўқотиш бўлганини қайд этади.


Айтиш жоизки, Андрич ижоди ғарбда жуда оммалашган бўлмаса ҳам, унинг китобларини юсак баҳолайдиганлар кўпчиликни ташкил этади.

Югослав танқидчиси Петер Жажич Андрич ижодига шундай баҳо беради: «*Дринадаги кўприк» асарида Андрич инсон тақдирининг аҳамиятини талқин қилишга уришиб кўрди*». Чехиялик шоир ва адабий танқидчи Гой таъкидлашича, «*Андричнинг дастлабки асарлари билан унинг кейинги асарлари орасида айрим фарқлангишлар, тафовутлар бўлса-да, унинг ижоди бир бутунлик касб этади*».

Адабиётшунос олим Томас Экманнынг фикрича, Андрич ўз асарларида инсон руҳиятининг шу қадар бой ва ғаройиб оламига кириб кета олганки, булар табиий мантиқ ва қабул қилиш даражаси учун яшириндир. «*Андрич ижодига пессимизм, тушкунлик кучли бўлса-да, — дейди асли югославиялик бўлган адабиётчи Николай Моравсевиц, — унинг асарларида инсониятнинг қабохат ва зулмга қарши курашларида ғалабага эришишига ишончни ҳис қиласан, инсоннинг уқубатларига ҳамдардликни кўрасан*».

Иво Андрич ўз халқининг барча қувонч ва ташвишларига шерик бўла олган, унинг тарихий муаммолари, бошидан ўтказган уқубатларини катта дард билан ёритиб бера олган ватанпарвар ёзувчи сифатида ватандошлари қалбида умрбоқий катта ҳурмат ва эъзозга сазовор адибдир.

ЖОН СТЕЙНБЕК



Жон Стейнбек 1902 йилнинг 17 февраль куни АҚШнинг Калифорния штатидаги Салинас шаҳрида таваллуд топган. У иш бошқарувчи, кейин тегирмон эгаси ва округ газначиси бўлиб ишлаган Жон Эрнст Стейнбек ва мактаб ўқитувчиси Олив Камилтонларнинг ёлғиз ўгли эди. Оилада ундан бошқа яна уч нафар қиз бор эди. Стейнбекда адабиётга қизиқиш ота-онасининг таъсири остида пайдо бўлган. Салинас водийси ўзининг ранго-ранг тепаликлари ва соҳил бўйидаги ясси тоғлари билан ёш Стейнбекнинг хотири-

сида кўп йилларга муҳрланиб қолган эди ва бу кейинчалик унинг асарларида ўз ифодасини топган.

1919 йилда мактабни тугатиб, Станфорд университетининг журналистика факультетига ўқишга кирган Стейнбек ихтисоси бўйича фанларни ёмон ўзлаштиради ва университетдан кетишга ҳам мажбур бўлади. Кейинги икки йил мобайнида у бир неча бор «касбини ўзгартириб» чиқади. Аввал Пасифик-Гровдаги денгиз илмий-тадқиқот станциясида биология билан машғул бўлади, қайтишга старли пул топгач, Станфордга келади ва яна бир оз ўқигач, университетнинг «Спектейтор» журнаliga ҳикоя ва шеърларини чиқариб юради. Аммо бошловчи ёзувчи барибир университет дипломини олишга муваффақ бўлолмади.

Юк кемасига юк ташувчи бўлиб жойлашиб олган Стейнбек денгиз орқали Нью-Йоркка етиб олади ва бу ерда қисқа фурсат «Нью-Йорк америкен» газетасида ишлайди. У бу пайтда ўзининг ҳикояларини бирор нашр орқали эълон қилишга уринади, аммо бунинг уддасидан чиқа олмагач, Калифорнияга қайтади. У Калифорнияда нима ишлар қилмаган, дейсиз. Гоҳ қурувчилар орасида ишлар, бир қарасанг, журналист бўлиб, яна бир қарасанг, кемада матрос, мева терувчилик каби ишлар билан шугулланиб юрарди. Айни шу йиллари у ўзининг биринчи йирик асари — «Олтин қадаҳ» романини яратади. Унда ўн еттинчи асрдаги инглиз қароқчиси Генри Морган тақдири қаламга олинган. Қаҳрамоннинг очқўзлиги унинг бахтига тўғаноқ бўлади. Кейинчалик муаллиф ушбу романини «*ҳали пишиб етилмаган нарса эди*», дея баҳолаган.

Орадан бир йил ўтиб, Стейнбек Кэрролл Хеннингга уйланади ва Пасифик-Гровдаги коттеджда жойлашади. Бу шаҳарда ёзувчи биолог олим Эдвард Риккетс билан танишади. «Номаълум Оллоҳ йўлида» романида айнан Риккетснинг таъсири сезилади.

Ушбу роман, гарчи адибнинг ижодида, унинг ёзувчи сифатида шаклланиб, оёққа туришида муҳим асар саналса-да, у ўқилиши мушкул бўлган ва тушунарсиз бир нарса сифатида қабул қилинади.

Стейнбекнинг навбатдаги романи «Тортилья Флэт квартали» тез орада қўлма-қўл бўлиб кетади. Ушбу китоб ёзувчининг географик жихатдан аниқ манзилга эга бўлган илк асаридир. Бу манзил Калифорния соҳиллари эди. Асарда Монтерей қўлтиги атрофида умргузаронлик қиладиган бир гуруҳ ҳалол кишилар, ичувчилар, файласуфлардан иборат ранг-баранг қаҳрамонларга дуч келасиз. Долзарб ижтимоий мавзулар ҳақида қалам тебратар экан, Стейнбек 1936 йилда «Бой берилган жанг» романини эълон қилади. Муаллиф Мильтоновнинг «Йўқотилган жаннат» романидан олинган сўзларни асар номига чиқарар экан, бунда ҳам яширин маънони назарда тутган, романда мева йиғувчилар кўзғолонини ташкил этган икки нафар ишчи ҳақида ҳикоя қилинади. 1937 йилда ёзувчининг «Сичқонлар ва одамлар ҳақида» қиссаси чоп этилган. Қиссада икки оддий меҳнаткаш – Жорж ва унинг ақли заиф бўлган ўртоғи Ленниларнинг ўз уйи ва бир қарич ерга эга бўлиш борасидаги рўёбга чиқмайдиган орзулари ҳақида ҳикоя қилинади.

Ёзувчининг биографи Пол Маккартни 1980 йилда бу қисса ҳақида ёзар экан, «*бунда ёзувчининг илгариги асарларидан кўра ҳиссиёт ва табиийлик кўплиги*»га эътибор қаратади. «*Бу қисса ўта реал ва ниҳоятда аниқликка эга*», – дейди у. Америкалик тадқиқотчи Ричард Астро мазкур асарга тўхталар экан, уни чўпонлар ҳақидаги бадиа, яъни пасторал дея атайди, бунда муаллиф инсоний қадриятларни манфаатпарастлик ва ҳукмронликка қарши кўяди. Ушбу қисса боис, Стейнбек Америка адабиётидаги таниқли шахсга айланади ва бу асар таъсири остида Жорж Кауфман алоҳида пьеса ҳам яратади. Бу сахна асари Бродвейда муваффақият билан сахнага олиб чиқилади.

«Олис водий» ҳикоялар тўплами, ундан кейин алоҳида китоб ҳолида чоп этилган «Малла пони» қиссаларидан сўнг Стейнбек ўз ижодида муҳим роль ўйнаган навбатдаги романи – «Бир шингил нафрат»ни ёзади. Асар қаҳрамонлари Жоудс сулоласи вакиллари Буюк турғунлик даврида Калифорниядан Оклахомага қадар бўлган оғир йўлни босиб ўтадилар. Табиат инжиқликлари, ижтимоий қийинчиликлар ва йирик фермерларнинг очкўзларча босқинлари оилага хавф солиб туради, аммо улар бу қийинчиликларни енгиб ўтишади.

Роман жуда тез фурсатда энг кўп ўқиладиган асарлар сафидан жой олади. Унга мақтовлар ёғилади, 1940 йилда эса Пулицер адабий

мукофотиға ҳам сазовор бўлади. Аммо романни ҳамма бирдек маъқуллагани йўқ, ҳатто муаллифни коммунистик ғояларни тарғиб қилганликда ва ҳақиқатни бузиб кўрсатганликда айблаганлар ҳам бўлди.

Турли тортишув ва жанжаллардан ҳоли бўлиш мақсадида ёзувчи дўсти Риккетс билан Калифорния бўғози бўйлаб зоологик сафарга жўнаб кетади. Адибнинг «Кортес денгизи. Саёҳат ва ўтказилган талқиқотлар ҳақида ҳисобот» китоби ушбу сафар хотиралари асосида яратилган. Унда нафақат бу ажабтовур саёҳат ҳақида ҳикоя қилинади, балки ёзувчининг Риккетс билан турли мавзулар — табиат, тарих ва фалсафа мавзуларидаги суҳбатлари ҳам ўрин олган.

1941 йилда Стейнбек биринчи хотини билан ажрашади ва қўшиқчи Гвиндолин Конжер билан Нью-Йоркка кетади. Орадан икки йил ўтиб, улар оила қуришади ва икки ўғилли бўлишади. Иккинчи жаҳон уруши вақтида Стейнбек ахборот органларида, шунингдек, тарғибот бўлимида маслаҳатчи вазифаларида ишлайди.

Адиб уруш йилларида ҳарбий учувчилар учун ўзига хос маълумотнома ролини бажарган «Бомбалар пастга» китобини ва «Ой ботди» романини ёзади. Романда нацистларнинг Норвегияга босқини ҳақида сўз боради. 1943 йилда ёзувчи ҳарбий мухбир сифатида «Нью-Йорк геральд трибюн» газетасида иш бошлайди. Унинг Лондон, Шимолий Африка ва Италиядан ёзилган репортажлари кейинроқ алоҳида китоб ҳолида «Қачонлардир уруш бўлган эди» номи билан чоп этилган.

Стейнбекнинг кейинги икки асари — «Адашган автобус» романи ва «Гавҳар» қиссаси ҳам турлича талқин қилинган.

Адиб фотограф Роберт Капа билан собиқ иттифоққа саёҳат қилади. Шу йили автомобиль ҳалокатига йўлиққан Риккетс вафот этади. Стейнбек иккинчи хотини билан ҳам ажрашиб, Элейн Скотт билан танишади ва 1950 йилда унга уйланади.

Адибнинг кўпгина асарлари экранларга олиб чиқилган. «Эдемдан шарққа томон» деб номланган асарининг кинолаштирилиши унинг бу тоифадаги олтинчи асари эди. Бунгача «Сичқонлар ва одамлар ҳақида», «Бир шингил нафрат» ва «Тортилья Флэт квартали» каби асарлари ҳам кинолаштирилган.

«Ташвишли қиш» романи ёзувчининг энг сўнгги асари ҳисобланади. Асар 1961 йилда нашрдан чиққан. Шундан кейин Стейнбек асосан публицистик мақолалар ва йўл очерклари ёзган. 1962 йилда «*Енгил кулгу ва ўтқир ижтимоий қарашларни уйғунлаштира олган реалистик ва шюирона истеъдоди учун*» ёзувчи адабиёт соҳасидаги Нобель мукофоти билан тақдирланди. Андерс Эстерлинг ўзининг кириш сўзида Стейнбекни *замонавий Америка адабиётининг энг моҳир намоёндаларидан бири*, дея таърифлади.

«*Уҳар доим эзилганлар, омадсизлар ва изтироб чекувчилар томонида бўлди*», — дейди академия аъзоси. Ўзининг қисқагина маърузасида Стейнбек адабиёт зиммасидаги вазифалар ҳақида гапирди.

Стейнбек икки марта – 1961 ва 1965 йилларда инсултни бошидан ўтказган, 1968 йилда ўзининг Нью-Йоркдаги квартирасида инфарктдан вафот этади.

Стейнбек вафот этгач, унинг машҳурлиги ҳам тезда сўниб боради. Танқидчилар энди уни ортиқча йиғлоқликда, соддаликда, аллегорияларга меъъридан ортиқча берилиб келишда айблай бошлайдилар. «Стейнбек тақдирининг якуний баҳосини топиш мумкин эмас, – дейди Астро. – Аммо афтидан, адабиётда у Буюк тургунлик даври ҳақида катта романлар яратган бош қаҳрамон сифатида қолади». Ёзувчининг биографи Маккартни «У энг аввало инсонга, унинг катта бардошига ва ижодий кучига ишонарди», дея хулосалайди.

ЙОРГОС СЕФЕРИС

Йоргос Сеферис (Георгиос Стилиану Сефериадус) 1900 йилнинг 29 февраль куни Туркиянинг ҳозирги Измир шаҳри Смирно мавзесидаги греклар яшайдиган маҳаллада таваллуд топган. Унинг отаси Стелиос Сефериадиус адвокат бўлиб ишлар, онаси, асл фамилиясида қолган Деспина Тенекдис эса бадавлат ер эгаларининг қизи эди.

Демотикада, яъни жонли грек тилида ҳаваскор сифатида шеърлар ёзиб турадиган отасидан ўрнак олиб, баъзан эса у билан мусобақалашиб Георгос ҳам ўн уч ёшидан шеър машқ қила бошлаган. 1914 йилда бу оила Афинага кўчиб келади. Афинада гимназияда ўқиган чоғларида бўлажак шоир Қадимги Греция тарихини берилиб ўрганар ва соатлаб бу тарихнинг жонсиз гувоҳлари бўлиб қолган Акропол ва Миллий Археология музейини томоша қилар эди.

Сорбонн университетига ўқишга кириб, юриспруденцияни ўрганиш билан бирга Георгос бу ерда француз символизми тарафдорларининг асарларини ўқийди, Гомер ва бошқа жонли грек тилида ижод қилувчи шоирларнинг ижодини ўрганади. Бу пайтгача у француз тилида кўплаб шеърлар ёзган бўлса-да, жонли грек тилини кўпроқ маъқул кўрарди. Унинг наздида, бу тил грек тилининг сунъий архаиклаштирилган шакли бўлган ва мактабларда ўқитиладиган ва ҳужжатларда амал қилиниши расман белгилаб қўйилган «кафаверус»дан жарангдорроқ ва табиийроқ туюларди. Унинг илк шеърлари 1921 йилда унча кўп вақт чиқмаган «Альтар» номли даврий нашрда пайдо бўлган. Шу йили Сеферис юриспруденциядан имтиҳон топширади ва диссертация устида ҳам иш бошлайди.



Кейинги йилда Грециянинг Ионик оролларида қилган ҳужумига жавобан Туркия Смирнони бутунлай ер билан яксон қилади. Айнан мана шу ваҳший хуруж оқибатлари Георгоснинг ҳаётида катта бурилиш ясаган. Она шаҳрининг вайронага айлантирилиши шоир ҳаётида келажаги учун ўз йўлини белгилаш даври бўлиб қолади. Бунинг оқибатида Сеферис бир умрга ўзини ватансиз, нима қиларини билмайдиган ва келиб чиқишининг тайини йўқ одамдек ҳис қила бошлаган.

Оиласиз ва ватанидан олисда ўзини ниҳоятда ёлғиз ҳис қилса-да, Сеферис Францияда қолади ва 1924 йилда, ниҳоят, Парижда диссертациясини тугатади. Лондонда кўшимча яна бир йил ўқишини давом эттиргач, 1925 йилнинг Рождество байрами арафасида Афинага қайтиб келади. У кейинги йилда Ташқи ишлар вазирлигига ишга жойлашади.

Сефериснинг илк шеърий тўплами «Ашъор» бор-йўғи 150 нусхала босилиб чиққан. *«Тўпلامнинг бундай номланишида ҳам қандайдир «шеърлар уйғунлиги» ёки «бурилиш нуқтаси» каби маънодорлик бор эди, — деб талқин қилади танқидчи Антония Захареас, — аслида ҳам ушбу тўпلام грек поэзиясида янги йўналишни очиб берган эди».* Муаллиф олдинги шоирларнинг ижодларидagi ортиқча риторикадан воз кечиб, ихчам аниқ бандларни мураккаб погонали рифлар ва француз символистларининг, биринчи навбатда Пол Валерининг ифодалилиги билан бирлаштирган.

Тўплам нашрдан чиққач, кўп ўтмай Сеферисни Лондонга, аввал консулнинг ёрдамчиси, кейинроқ эса консул сифатида ишга жўнатишади. Лондонда истиқомат қилар экан, у навбатдаги «Сардоба» шеърий тўпلامини чоп эттиради, Сеферис Элиот шеърларини грекчага ўгиради. 1935 йилдан бошлаб шоир Георг Кацимбалис муҳаррирлиги остида нашр этиладиган «Янги адабий шарҳлар» журнали билан яқин ҳамкорлик ўрнатади ва унинг модернизм ва халқона шевага нисбатан қарашларига кўшиладиган бир гуруҳ ёзувчилар билан танишади.

1936 йилда эълон қилинган «Афсонавий тарих» китобидан кейин Сефериснинг ижодида услубнинг тубдан ўзгариши кузатилади. Унинг таржимонлари Эдмунд Кили ва Филипп Шеррардларнинг яқдил эътирофига кўра, шоирнинг янги услубида эркинлик ва табиийлик яққол намоён бўла бошлаган. Мазкур поэмасида шоир ўтмиш ва ҳозирги вақт, ёлғизлик ва ватан ҳақида мушоҳадаларини баён этган. Достон 24 қисмдан иборат бўлиб, унда бошдан оёқ саёҳатчилар образлари, қувғин қилинганлар, «Одиссея» қаҳрамонлари ҳаракат қилади. Бу эгизак қаҳрамонлардан фойдаланган муаллиф, Килининг таъкидлашича, афсоналар бир кун ҳаёт ҳақиқатига айланиши, қадимийлик ва замонавийлик ҳеч қандай зўриқиш ва қарама-қаршиликсиз метафорани шакллантиришига эришган.

1936 йилда шоир Мария Занну билан танишади ва орадан беш йил ўтиб унга уйланади. Мария биринчи турмушидан ажрашган эди. Кейинги икки йил давомида Сеферис Албанияда элчи бўлиб фаолият юритади, кейин эса Греция Ташқи ишлар вазирлигида матбуот бўйича масъул вазифага тайинланади.

1941 йилда Болқон ярим оролини немис қўшинлари босиб олгач, Сеферис Греция ҳукумати вакиллари қаторида қувғинда, аввал Критда, кейин эса Мисрда, Жанубий Африка ва Италияда бўлади. Мисрда Сеферис «Борт журнали 2» номи билан эсселар тўпламини ҳамда қувғиндалигида яратилган шеърлардан иборат тўпламини чиқаради. Ҳукумат, шу билан бирга Сеферис ҳам Афинага 1944 йилнинг 18 октябрь куни қайтиб келишади.

Орадан кўп ўтмай, Грецияда фуқаролар уруши бошланиб кетади, ҳукуматга эса архиепископ Дамаскинос ўтиради, унинг даврида Сеферис сиёсий бюро директори вазифасини бажаради. 1946 йилнинг ёзида ёзувчи икки ой давомида Парос оролида бўлади, бу ерда ярим чўккан ҳолатдаги «Дрозд» кемаси турган эди, адиб бу ҳолатдан илҳомланиб, шу номдаги поэмасини яратган.

«Шоҳ Асинский ва бошқа шеърлар» номи билан босилган тўпلام Сефериснинг инглиз тилида чопа этилган илк тўплами эди. Ушбу китоб прозаик ва танқидчи Рекс Уернер томонидан ўтирилган. Шу йили ёзувчини икки йилга Анқарага элчининг маслаҳатчиси вазифасига ўтказишади. Кўп йиллардан кейин адиб илк бор Смирнога сайр қилиш имконига эга бўлади. Ушбу саёҳат ёзувчи учун ўта оғир кечади, унинг кундаликларида куйидаги сўзлар бор эди: *«Менга бу ерларга қайтиш учун журъат етишмайди, ахир ҳеч кимга бундай саёҳат икки бор қайта насиб этмаган-да».*

Сеферис Афинада бир йил давомида Ташқи ишлар вазирлигидаги иккинчи сиёсий бўлим бошлиғи бўлиб ишлагач, Лондонга қайтади. Сефериснинг кўпгина асарлари инглиз тили ўқувчисига илгарироқ етиб борган бўлса-да, 1961 йилда таржимонлар Эдмунд Кили ва Филипп Шеррардлар томонидан ўтирилган ва «Бугунги Грециянинг олти шоири» антологиясига кирган асарлари боис у машҳур бўлади.

1962 йилда Сеферис истеъфога чиқади ва Афинада яшай бошлайди. 1963 йилда эса *«Қадимги эллинлар дунёсига чуқур эҳтиром билан яратилган мислсиз лирик асарлари учун»* унга адабиёт соҳасидаги Нобель мукофоти берилади. Швеция академияси аъзоси Андерс Эстерлинг мукофотни топшириш маросимидаги сўзлаган маърузасида шундай деган эди: *«Сефериснинг лирик асарлари унча кўп эмас, аммо услубий ва ғоявий ўзига хосликлари, шунингдек, гўзал тили билан улар эллинларга хос ўлмас оптимистик руҳдаги адабиётнинг тимсолига айланган».*

«Мен кичик бир халқнинг вакили бўлсам-да, шведлар мени шундай улуг мукофотга лойиқ топгани муҳимдир», дейди Сеферис жавоб нутқида. Сеферис ўз маърузасида грек адабиётидаги тикланиш ҳақида гапирган.

Нобель мукофоти соҳиби, ёзувчи ва шоир Сеферис 1971 йил сентябрь ойида Афинадаги Евангелия госпиталида вафот этади. Килининг шоҳидлик беришича, марҳумни дафн этиш маросимида минглаб ёшлар қатнашган ва улар *«Сеферис ўлмайди! Яшасин озодлик! Яшасин сайловлар!»* дея хитоб қилишган ва шоир шеърлари билан айтиладиган кўшиқларни куйлашган.

Америкалик Жеймс Гудменнинг таъкидлашича, XX асрда Греция-чалик фожиали тарихга эга бўлган бошқа мамлакатни топиш қийин. Греция халқининг изтиробларини ҳеч бир шоир Георгос Сеферисчалик ёрқин акс эттира олмаган. Энг асосийси, танқидчиларнинг фикрича, Сеферис ҳақиқий поэтик овоз соҳиби ҳам эди. Инглиз танқидчиси Петер Леви бу борада шундай деб ёзган: *«Сефериснинг поэтик овози ўзининг софлиги билан алоҳида ажралиб туради, бу эса тилнинг самимийлиги билан боғлиқ ҳодисадир. Унинг поэзиясида бирорта сохта нотанинг ўзи йўқ»*.

ЖАН-ПОЛЬ САРТР



Жан Поль Эмар Сартр 1905 йил 21 июнь куни Парижда денгиз муҳандиси Жан Батист Сартр ва эльзаслик таниқли олимлар сулоласига мансуб Анн-Мари Швейцерлар оиласида таваллуд топади. Айтиш жоизки, у оиладаги ёлғиз фарзанд бўлган. 1906 йилда отаси вафот этгач, онаси билан Париж яқинидаги Медон шаҳридан кўним топади. Она томонидан бобоси Шарл Швейцер 1911 йилда замонавий тил институти ташкил қилгач, улар Парижга кўчиб келишади. Шарл кучли олим, немис тили бўйича филолог ва адабиётчи, қолаверса, жуда талабчан домла бўлган. У набирасидаги туғма қобилиятни

англаб, уни мактабдан озод қилади ва муаллимларни уйига чақиртириб ўқита бошлайди. Бу йилларда Сартр мустақил китоб ўқиш, таълим олиш билан машғул бўлади, 1917 йилга келиб эса онаси яна турмушга чиқади ва уни ҳам ўзи билан Франция гарбидаги шаҳар – Ла-Рошелга олиб кетади.

1920 йилда Сартр Парижга қайтиб келади ва Гейнрих IV лицейида ўқиш билан бирга пойтахтнинг даврий нашрларида қатнаша бошлайди. 1924 йилда Эколь нормал сյюперьёрга киради.

Сартр 1931–1936 йилларда метеорология кўшинларида ҳарбий хизматни ўтаб келгач, Гаврда фалсафадан дарс бера бошлайди, бу орада Берлиндаги Франция институтида малака ошириб қайтади. Германияда Эдмунд Гуссерл феноменологияси ҳамда Мартин Хайдеггер онтологиясини чуқур ўргангани унинг файласуф сифатида шаклланишида катта таъсир кўрсатган. 1937 йилда у Францияга қайтиб яна ўқитувчилик қила бошлайди.

Ҳали Гаврда ўқитувчилик қилган чоғларидаёқ Сартр «Беҳузурлик» деб номланган биринчи ва омад қозонган романини чиқаради.

«Беҳузурлик»нинг бош қаҳрамони — Антуан Рокантен. Қаранг, Сартр каби у ҳам айна ўттиз ёшда. У ҳам тарихчи олим. Дунёнинг кўп қитъаларини саргузашту «воқелик» излаб кезиб чиққан, археологик тадқиқотлар ўтказган, бошидан жуда кўп воқеаларни кечирган. Бутун роман давомида кўз ўнгимизда фақат Рокантен туради. У мудом кечинмалар тўлқинида яшайди. Ёзувчи бизни бир зум ичида ана шу қалтис ва сира тинмайдиган кечинмалар денгизига, унинг хавфли пўртаналари қаърига итқитиб юборади. Олиб чиқмайди, нафас ростлагани қўймайди. Рокантен ёлғиз. Бошидан бир қанча муҳаббат можароларини кечирган.

Рокантен ўзининг ёзувчилик, тадқиқотчиликка иқтидори борлигини ҳис қилади. У ўз ички дунёси ва у орқали ташқи олам нарса-ҳодисаларини тўхтовсиз кузатади, улар устида ўй суради. У мушоҳада одами. Фейл-атворида ажабтовурликлар бор. Баъзан уни телба эмасмикин, деб шубҳаларга боришади ҳам. Кўзи тушган нарсаларга узоқ тикилади. Тикилиб турганида гоҳо қутилмаганда бир қўрқинч пайдо бўлади. Баъзан кузатаётган нарсалари унда интиҳосиз нафрат кўзгатади. Нафрати беҳузурликка айланади.

Рокантен бадхаёл кишиларга ўхшаб фикрлайди. Бундай фикрлаш тарзини «қора хаёл» ҳам деб атайдилар. Аллома ажодимиз Ибн Сино бу хасталикнинг номини топган. Инсон қони қуюқлашса, у қора хаёл бўлиб қоларкан. Лекин Рокантеннинг мушоҳадалари ўткир ва жуда нафис. У ўзида фикр пайдо бўлишини шундай кузатади: *«Фикрларим сўз либосига бурканмайди, кўпинча улар туман парчаларига айланади, галати, ноаён шаклларга киради, бири узра бошқаси қалашади ва мен уларни ўша заҳоти унутаман...»*

У жуда кўп саргузаштларни бошидан ўтказган, лекин уларни сўйлаб беролмайди. Саргузаштлари кўзига саргузашт бўлиб кўринмайди. Чархпалак бир айланиб чиққандан сўнг, у бундай мулоҳазага боради: *«Ўтмиш йўқ деб эҳтиётсизлик қилибман-а. Шундай дейишим билан Маркиза де Ролбон ҳам йўқ бўлди. У бутунлай йўқликка чўкди...»* У Ролбон ҳақидаги тарихий тадқиқотини ёзишни тўхтатади. Йўқ одамни ёзишдан нима фойда, дейди. Сўнг ўз-ўзига тинимсиз такрорлайди: *«Мен яшайман, мен борман...»*

Ҳа, Жан Поль Сартрнинг «Беҳузурлик» романи экзистенциализм фалсафаси моҳиятини ўзида тўла мужассам этган асардир. Ўша йили «Nouvelle Revue Francaise» журналида адибнинг «Девор» ҳикояси босилган. Ҳар икки асар ҳам Францияда йил китоби номига сазовор бўлган.

Иккинчи жаҳон уруши бошлангач, у кўзи яхши кўрмаслиги сабабли урушга жўнатилмайди ва метеорология хизматига ўтказилади. У бу ерда асирга тушади ва Трир яқинидаги ҳарбий асирлар коншлагерига юборилади, 1941 йилда Парижга қайтиб келади.

Сартрнинг шу даврда яратган «Пашшалар» ва «Ёпиқ эшик ортида» пьесалари ҳамда «Ҳаёт ва ўлим» деб номланган фалсафа йўналишидаги катта илмий ишлари унинг Кондорсэдаги лицей ўқитувчилигидек оғир машғулотдан озод бўлишига имконият яратди.

«Пашшалар» пьесасида одамлар учун дунёда объектив маънавият мавжуд эмас ва улар ўзларига маъқул бўлган танловни қабул қилишга ҳақлидирлар, деган гоя туради. Пьеса қаҳрамони Орест Зевс олдида ўз онасини ўлдиргани учун кечирим сўрашдан бош тортади. Умуман, пьеса катта шов-шувга сабаб бўлади. Унда озодлик ва эркинликка жуда катта эҳтиросли чақириқ бор эди. Немис ҳокимияти асарнинг моҳиятини тушунгач, уни тақиқлаб қўяди.

«Ёпиқ эшик ортида» пьесаси дўзахга лойиқ топилган уч персонажнинг суҳбатидан иборат. Бу мулоқотнинг маъноси экзистенциализм ибораси билан айтганда, мавжудлик моҳиятдан олдинда, инсоннинг характери муайян ҳаракатларни бажариши оқибатида шаклланади, агарки ҳал қилувчи экзистенциал дақиқада қаҳрамон чўчир экан, у моҳиятан кўрқоқ бўлади. Сартрнинг фикрича, кўпгина кишилар ўзларини атрофдагилар қандай деб баҳоласалар, шундай деб қабул қиладилар. Ёзувчининг қаҳрамонларидан бирининг тили билан айтганда эса «Дўзах – бу бошқа одамлардир».

«Ҳаёт ва ўлим» Сартрнинг муҳим фалсафий асари бўлиб, уни ёш француз зиёлилари ўзлари учун Библия сифатида қабул қиладилар. Сартр бу асарида онг ўз-ўзидан бўлмайди, ташқи оламни, атрофимиздаги нарсаларни англаш бор, деган фикрни олға суради. Одамлар ўз қилмишлари учун ўзларининг олдида жавоб берадилар, умуман кишилар бунинг учун ҳисоб берадиларми-бермайдиларми, ҳар қандай ҳаракат қандайдир қиймат касб этади, дейди муаллиф.

Иккинчи жаҳон уруши поёнига етар экан, Сартр бу даврда экзистенциалистларнинг даҳосига айланганди. Улар Сена дарёсининг чап қирғоғидаги Сен-Жермен-де-Пре майдонидаги Кафе да Флёр смакхонасида тўпланишар, бу макон французлар ва хорижий сайёҳларнинг зиёратгоҳига айланган эди. Экзистенциализмнинг бунчалар оммалашиб кетишига сабаб бу фалсафа инсоннинг эркинлигига катта аҳамият бериш билан бирга Қаршилик ҳаракати билан ҳам боғлиқ эди. Уруш йилларида Франция жамиятининг турли табақаси вакиллариининг ҳамкорлик қилиши ва умумий душманга қарши туриши экзистенциализм ва ҳаракат фалсафаси зиёлилар ва интеллектуалларнинг бошини қовуштиришига, Францияда янги, инқилобий маданият яратишига умид уйғотар эди.

Сартр кейинги ўн йилда, айниқса, самарали ижод қилади. Тақризлар ва танқидий мақолалар билан бирга у олти пьеса яратади. Улар орасида, мутахассисларнинг баҳосига кўра, энг кучли пьеса – «Кир қўллар»дир. Бу асар сиёсий фаолиятда зарур бўладиган машаққатли муроса йўлидаги драматик изланиш эди. Сартрнинг шу йиллардаги ижодидан аҳамият касб этадиганлари Шарл Бодлер ва Жан Жененинг ҳаёти ва ижоди

борасидаги тадқиқотлари эди. Ёзувчи бу изланишлари билан экзистенциализмни биографик жанрга қўллаб тажриба қилади, «Ҳаёт ва ўлим» китобидаги онтологик табақалар ёрдамида шахсиятни таҳлил этади.

Сартр марксизм билан ҳам шуғулланган. Унинг бу ишга киришиши 1944 йилда «Новые времена» адабий журналини ташкил этгани ва бошқара бошлаганида маълум бўлган эди. Чунки журналда долзарб ижтимоий ва адабий муаммолар марксизм позициясидан туриб ёритиларди. 50-йилларнинг бошига келиб эса Сартр адабиёт, театр, этика ва индивидуал онг муаммоларини четга суриб қўйиб, марксизмни очикдан-очик тарғиб қила бошлайди. 1952 йилда у Камю билан ҳам орани очик қилади, Камю экстремистик ғояларни қоралаб, меъёрийлик, либерализм ва демократияни ёқлаб чиққан эди. Сартр эса инқилобдан қочишга бўлган ҳар қандай уринишни инсонпарварликка қарши хиёнат деб эълон қилади.

1964 йилда чоп этилган «Сўз» романида Сартр ўз ҳаётининг дастлабки ўн йили ҳақида ёзар экан, бобосининг маънавий қарашларини буржуача деб баҳолайди ва эстетик тамойилларга жавоб берувчи адабиётни инкор этади, сиёсий ва адабий тақофлар заруратини олға суради. Бу даврдаги ўзига хос аҳамият касб этган асарларидан бири «Диалектик онгнинг танқиди»да Сартр марксизм ва экзистенциализм фалсафасини уйғунлаштириш, яраштиришга уриниб кўради. Сартр индивидуал эркинлик ёрдамида марксизмни хурофот ва бидъатлардан озод қилиш мумкин, деб ҳисоблар эди. Шу билан бирга, марксизм ғоялари орқали экзистенциализмни шахс фалсафасидан жамият фалсафасига айлантириш мумкин, деб ўйларди у.

1964 йили «*эркинлик руҳи билан суғорилган ва моҳиятни излаган ғояларга бой, давримизга улкан таъсир кўрсатган ижоди учун*» Сартрга Нобель мукофоти берилган, бироқ у ўз ихтиёри билан бу мукофотни олишдан воз кечган. Сартр ўзини жамоатчилик институтига айлантириб юборишларини хоҳламаслиги ва Нобель мукофотининг шухрати унинг радикал сиёсий фаолиятига тўсқинлик қилишидан чўчиганлиги сабаб мукофотни рад этади.

Сартрни экзистенциячилик таълимотининг асосчиси дедик. Хўш, экзистенциячилик нима? «*Экзистенциячилик, бу — ҳаётбахилилик, ҳаракат ҳақидаги таълимотдир*», — деб ёзади Сартр ўзининг «Экзистенциализм тўғрисида»ги эссесига.

Қисқача айтганда, экзистенция — кун кўрмоқ дегани. Экзистенциализм — кун кўриш фалсафаси. Кун кўришнинг асоси — кечинма. Шахс ўзининг борлиқ — оламдаги мавжудлигини кечинмалари орқали идрок этади. Шунга кўра шахснинг онги доим бошқа бир нарсаларга қарагандай. Бошқа нарсалар ҳамиша уни ўзига тортиб машхур қилиб туради, кечинмаларини уйғотади, қўзғатади, уларга йўналиш беради.

Глаукома касаллигига чалингани сабаб умрининг охириги йилларида унинг кўзлари бутунлай кўрмай қолади, шу боис у оммавий ахборот

воситаларига интервьюлар берар ва дўстлари билан сиёсий воқеаларни муҳокама қилар, мусиқа тингларди. Симон де Бовуар унга китоблар ўқиб берганлигини айтишади.

У 1980 йил 15 апрель кuni оламдан ўтади.

Сартрнинг мероси турлича баҳоланади. Мисол учун, Хайдеггер унинг файласуфликдан кўра ёзувчилик жиҳатини устун деб ҳисобласа, Набоков Сартр ёзувчидан кўра кўпроқ файласуфдир, деб ҳисоблайди. Умуман, ҳали бу мерос бўйича баҳо тугал бир тўхтам касб этган эмас. Кўпгина танқидчиларнинг Сартрнинг ёшлигидаги шахсий маънавий қарашлари унинг 60-йиллардаги фаол сиёсий фаолияти билан ҳеч ҳам мос келмаслиги тўғрисидаги фикрларида ҳам жон йўқ эмас. Француз файласуфи Луи Альтюссер уни «*бизнинг Жан Жак Руссомиз эди*», деб таърифлаган. Ва ниҳоят, Сартрнинг вафоти муносабати билан «Монд» газетасида эълон қилинган таъзияномада муаллифлар катта эҳтиром билан «*Йигирманчи асрда ҳали биронта француз зиёлиси, биронта Нобель мукофоти соҳиби Сартрчилик чуқур ва ҳар томонлама таъсир кўрсата олиш қобилиятига эга бўлмаган*», дея ёзишганини эслаш кифоя.

МИХАИЛ ШОЛОХОВ



Михаил Шолохов 1905 йил 24 май кuni Россиянинг Ростов вилоятидаги казаклар қишлоғи Кружилинада таваллуд топган. Михаилнинг отаси асли Рязань губерния-сидан бўлиб, буг билан ишлайдиган тегирмонда бошқарувчи, ишбошилик қилар, онаси миллати украин, табиатан зехни баланд, донлик казак кишидан бева қолган аёл эди. Михаил Воронежга кетганида, онаси у билан хат ёзишиб туриш мақсадида ёзиш-чизишни ўзлаштириб олган.

Шолоховнинг ўқиши инқилоб ва фуқаролар уруши туфайли тўхтаб қолади.

1918 йилда, кўпчилик казаклар оқлар армиясига қўшилиб, большевикларга қарши курашиб турган бир пайтда, Михаил Қизил армия сафига киради. Бўлажак адиб дастлаб фронт ортидаги отрядларда хизмат қилади, кейин эса пулемётчилар сафида қақшатқич қонли жангларда қатнашади. Инқилобнинг илк кунлариданоқ Шолохов большевиклар томонида бўлади ва собиқ иттифоқ ҳукуматини ҳимоя қилади. 1932 йилда коммунистлар партиясига аъзо бўлиб кирган ёзувчи 1937 йилда собиқ иттифоқ Олий кенгашига сайланади, орадан икки йил ўтгач, Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзосига айланади.

1922 йилда, большевиклар ҳокимиятни тўла қўлга олгач, Шолохов Москвага кўчиб келади. Бу ерда у «Ёш гвардия» адабий гуруҳига аъзо бўлиб қиради. юк ташувчи, ёрдамчи ишчи, иш юритувчи бўлиб ишлайди. Унинг 1923 йилда «Юношеская правда» газетасида илк фельетонлари, 1924 йилда эса шу нашрда «Родинка» ҳикояси босилиб чиққан.

Шолохов 1924 йилда Вёшенскаяга қайтиб келади ва умрининг охиригача шу ерда яшайди. 1925 йилда Москвада ёзувчининг фуқаролар уруши ҳақидаги фельетон ва ҳикоялари тўплами «Дон казаклари» номи билан китоб шаклида босилиб чиқади. Танқидчи Вера Александрова тўпламлардан бирига киритилган ҳикоялар «табиатнинг ёрқин акс эттирилгани, қаҳрамонларнинг бой сўзлашув тавсифлари, жонли мулоқотлари» алоҳида таассурот қолдириши билан бирга, Шолоховнинг мазкур илк асарларидаёқ унинг ёзувчилик иқтисодори ҳикояга хос тор ўлчамларга сифраслиги кўриниб турганини таъкидлайди.

Ёзувчи «Тинч Дон» асари устида қарийб ўн беш йил давомида ишлайди. 1926 йилдан 1940 йилгача давом этган ижодий меҳнат маҳсули сифатида дунёга келган ушбу роман ижодкорни бутун оламга танитади. Роман биринчи жаҳон уруши, инқилоб, фуқаролар уруши, бу воқеаларга казаклар табақасининг муносабатини ўзида намоён этади. Асардаги бош қаҳрамонлардан бири қизиққон йигит, мустақил фикрли казак, биринчи жаҳон уруши даврида матонат билан немисларга қарши курашган, мустабид ҳокимият ағдарилгач, эса аввал оқлар томонида, кейин қизиллар сафида туриб, охир-оқибат «Яшилар» отрядига тушиб қолган Григорий Мелеховдир. Бир неча йиллик тинимсиз урушлардан сўнг миллионлаб ватандошлари каби Григорий ҳам руҳий тушкунликка тушиб қолади. Мелеховдаги икки тарафламалик, унинг бир-бирига зид фикрлаши, руҳий иккиланишлари уни шу давр адабиётидаги энг фожиавий қаҳрамонларидан бирига айлантиради.

Дастлаб мамлакатдаги танқидчилар асарга эҳтиёткорона баҳо беришади. «Тинч Дон»нинг биринчи томи босилиб чиққач, унда инқилобгача бўлган воқеалар, ўша давр ибораси билан айтганда, «ёт ёндашувлар» билан ёритилганига шаъма қилишган бўлса, асарнинг иккинчи томи расмий танқидчиларни, уларнинг мулоҳазаларига кўра, большевикларга қарши йўналиши билан қониқтирмади. Шолоховга ёзган мактубида мамлакат раҳбари икки коммунист образининг талқини билан қўшилмаслигини билдиради. Шунча эътироз ва мулоҳазаларга қарамай, мамлакат маданиятининг бир қатор арбоблари, жумладан, социалистик реализм асосчиси сифатида тан олинган ёзувчи Горький ёш ёзувчининг ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди ва бу ёрдам эпопеянинг тугалланишига туртки бўлади.

Ўттизинчи йилларда Шолохов «Тинч Дон» асари устидаги ишини тўхтатиб, рус деҳқонларининг биринчи беш йиллик режасига мувофиқ мажбурий коллективлаштириш сиёсатига қарши курашини акс эттирган «Очилган қўриқ» романини ёзиб тугатади. Мазкур роман ҳам ҳали

биринчи томи тугалланмасдан туриб даврий нашрларда босқичма-босқич чоп этилиб боради. Расмий танқидчилар асарни танқидий қабул қилишган бўлса-да, партия раҳбарлари романда жамоалаштиришга объектив баҳо берилаётганини тан олишади ва унинг 1932 йилда нашр этилишига кўмаклашишади. Қирқинчи ва эллигинчи йилларда ёзувчи асарнинг биринчи томини жиддий қайта ишлайди, 1960 йилда эса иккинчи томи устидаги ишини тугаллайди.

Иккинчи жаҳон уруши вақтида Шолохов «Правда» газетаси мухбири сифатида мамлакат халқининг қаҳрамонликлари ҳақида мақола ва репортажлар тайёрлайди. Сталинград жангидан сўнг адиб ўзининг учинчи романи «Улар ватан учун жанг қилдилар» асари устида иш бошлайди. Романнинг илк боблари 1944 йилда, кейинроқ эса 1949 ва 1954 йилларда «Правда»да босилган, трилогиянинг биринчи томи яхлит китоб ҳолида 1958 йилда босмадан чиқади. Ушбу уч томлик ниҳоясига етмай қолади, бунга Шолоховнинг урушдан кейинги йилларда «Тинч Дон»ни қайта ишлашга кўп вақтини сарфлагани асосий сабаблардан бири бўлади.

Ёзувчининг эллик йиллик юбилеи ниҳоятда дабдаба билан, бутун мамлакат бўйлаб нишонланади, унга ўша пайтда энг катта мукофотлардан саналган орден берилади. Эллигинчи йилларда даврий нашрлар адибнинг «Кўриқ» асарининг якунловчи томини ҳам чоп эта бошлайди. Ушбу асар китоб ҳолида 1960 йилга борибгина чиққан. Шу сабабли муаллифнинг қарашлари компартия йўлидан оғиб кетган, деган турли фикрлар ҳам пайдо бўлган эди. Шунга қарамай, муаллиф ўзининг цензуранинг йўл-йўриқлари ва чекловларини ҳисобга олиб ижод қилмаганини кўп бор такрорлайди. Эллигинчи йилларнинг охиридан бошлаб адиб ижодида пасайиш кузатилади.

1965 йилда Михаил Шолохов «*Дон казакларининг Россия учун ҳал қилувчи вазиятдаги қаҳрамонликлари ҳақидаги асарининг бадиий кучи ва яхлитлиги учун*» адабиёт йўналишидаги Нобель мукофоти билан тақдирланган. Мукофотни топшириш тадбирида сўзлаган нутқида Шолохов унинг мақсади «*меҳнаткашлар, қурувчилар ва қаҳрамонлар аҳлини олқишлаш, таърифлаш*» бўлганини қайд этади.

Етмишинчи йилларда Александр Солженицин ёзувчини кўчирмачиликда, хусусан, 1920 йилда вафот этган бошқа бир казак адиби Федор Крюков асарларини ўзлаштиришда айблаб чиқади. Бу билан Солженицин йигирманчи йилларда бўй кўрсатган ва етмишинчи йилларга келиб кенг тарқалган айбловларга яна йўл очиб беради.

Шолохов 1924 йилда уйланган ва тўрт фарзанднинг отаси эди. У 1984 йилда 78 ёшида ўзи туғилиб ўсган Вёшенская станицасида вафот этади.

Шолохов ҳали ҳамон ўз ўқувчиларига эга бўлиб келаётган ижодкорлардан. Унинг «Тинч Дон» романи қайта ишлангач, ўша даврдаги

расмий танқидчилар ёзувчининг бу қадами олиқишлайди, аммо ғарбдаги адабиётчилар асарнинг бирламчи вариантини маъқул топадилар. Мисол учун, асли россиялик, Америкада истиқомат қиладиган танқидчи Марк Слоним романи «*гениал ижод намунасидан пастроқ туриши*»ни тан олгани ҳолда Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» эпопеяси билан таққослайди. «*Шолохов ўз устози изидан борар экан, — деб ёзади Слоним, — таржимаи ҳолни тарих билан, уруш саҳналарини маиший манзаралар билан, омнининг ҳаракатини индивидуал руҳият билан уйғунлаштиради. У ижтимоий ҳаётдаги кескин ўзгаришлар одамлар тақдирига қандай таъсир қилишини, сиёсий кураш бахт ёки ҳалокатга олиб боришини кўрсатиб берган*».

Америкалик тадқиқотчи Эрнест Симмонснинг фикрига кўра, биринчи вариантдаги «Тинч Дон» сиёсий трактат эмас. «*Асар гарчи сиёсат билан тўлиб тошган бўлса-да, бу сиёсат ҳақидаги роман эмас, — дейди олим, — балки муҳаббат ҳақидаги асардир. Бу муҳаббат ҳақидаги буюк ва, шу билан бирга, ниҳоятда эҳтиросли, балки бу миллат адабиётидаги ягона ҳақиқий ишқий романдир*». Қайта ишланган вариантда қаҳрамонларнинг 1917–1920 йиллардаги воқеаларга муносабат билдиришини ҳисобга олиб Симмонс «*охирги вариантнинг ғоявийлаштириб юборилганлиги асарнинг бадиий яхлитлигига салбий таъсир кўрсатган*», деган фикрни илгари суради.

ШМУЭЛЬ ЙОСЕФ АГНОН

Шмуэль Йосеф Агнон (Иосиф Халеви Чачкес) 1888 йилнинг 17 июль кунини ўша пайтда Австрия-Венгрия империясига қараган, бугунги кунда Польша ҳудудига жойлашган Галицидаги Бучач шаҳарчасида таваллуд топган. Отаси Шорлом Мордехай Чачкес жун сотувчи савдогар эди, онаси эса ўқимишли аёл бўлган.

Ёш Агноннинг бошланғич мактабда ўқиши ва Талмудни ўрганишида отаси ва маҳаллий раввинлар уни қатъий назорат қилишган. «Бет хамидраш», яъни сабоқ уйида Агнон қадимги яҳудий адабиёти, яҳудий адабиёти классикларининг асарларини ўқийди. Маҳаллий газетада чиққан илк шеърларини Агнон иврит ва идиш тилларида ёзган. Ўн саккиз ёшида у Львов шаҳрига, бу ерда яҳудий тилида чиқадиган газетада ишлаш учун келади. 1907 йилда Фаластин мухториятига қарашли Яффуга, бир йил ўтиб Қуддусга кўчиб, шу ердан қўним топади.



1909 йилда унинг кичик қиссаси – «Ташлаб кетилган хотинлар» босилиб чиқади. Айнан мана шу қиссанинг номидан келиб чиқиб у ўзига тахаллус ҳам танлаган, «Агнон» иврит тилидан ўгирганда «ташлаб кетилган» деган маънони англатади. Ушбу китобда Агнон бутун ижодига хос равишда фольклордан фойдаланади, асарда фантазиялар, диний мотивлар устуворлик қилади.

Агнон 1912 йилда Берлинга келади ва мумтоз адабиёт билан мукамал шуғуллана бошлайди. Диншунос ва фалсафа бўйича олим Мартин Бубер билан хасидизм* тўғрисидаги ривоятларни тўплайди. Улар биргаликда «Юде» журнаliga асос солишади. У шу йиллари келиб чиқиши яхудий бўлган немис ишбилармони Залмал Шокен билан танишади, бу тadbirkor киши Агнонга яхудий антологиясини таҳрир қилиш шarti билан бадиий адабиёт соҳасида фаолият олиб бориши учун беш йиллик стипендия тақдим этади. Вақти келиб Шокен Берлинда ўзининг хусусий нашриётини очишга муваффақ бўлади. Мазкур нашриётда асосан Агнон асарлари чоп этиларди.

Берлинда ўтказган ўн икки йиллик ҳаёти давомида ёзувчи ушбу нашриётда бир нечта қисса ва ҳикоялар тўпламларини нашр эттиришга эришган.

1919 йилда Эсфири Марсга уйланади, уларнинг бир ўғил, бир қизи бор эди.

1927 йилда ёзувчи Қуддуснинг Тальпийот районига келиб жойлашади. Араблар исёни вақтида унинг уйи ҳам вайронага айлан-тирилгани боис, у ўзига янги уй-жой қуради ва умрининг охиригача шу ерда истиқомат қилади.

Йигирманчи йиллар охирига келиб, Агнон ўзининг энг машҳур икки томлик романи «Тўй чойшаби»ни ёзиб тугатади. Роман маҳорат ва ўзига хос ижодий айёрлик билан яратилган, унда ғариб хасид аёлнинг саргузаштлари баён этилган. Аёл ўзига эр излаб бутун шарқий Европани кезиб чиқади. Романдаги юмор ва киноя ҳамдардлик билан уйғунлаштириб юборилган, бу услуб Агнон ижодидаги ўзига хос истеъдоддан дарақдир.

1930 йилда Агнон Европага қайтади, орадан бир йил ўтиб Шокен Берлинда унинг «Тўлиқ ҳикоялар тўплами» китобини нашр этади. «Оддий тарих» романида Агнон Постаф Флобер ва Томас Маннлар томонидан яратилган услуб — йигирманчи аср бошида Галициядаги шаҳарлардан бирида яшовчи қаҳрамоннинг буржуача жамият манфаатларига қарши романтик кураши услубини таъналайди.

Уттизинчи йиллар бошига келиб Агноннинг асарлари немис тилида тобора кенг нашр қилина бошлайди, аммо эътиборли жиҳати, китобларда

*Хасидизм — яхудий динидаги оқимлардан бири, иврит тилидан таржиманда бу сўз «тақводорлик» ёки «художўйлик таълимоти» деган маъноларни англатади. XVIII асрнинг биринчи ярмида Подолия, Волинь, Галиция, Украина, Литва, Белорусия, Руминия ва Венгрия яхудийлари орасида бу оқим кенг тарқалган.

тилга олинган воқеалар асосан Фаластинда бўлиб ўтарди. 1938 йилда нацистлар Шокеннинг нашриётини ёпиб ташлагач, ношир Тел-Авивга боради ва бу ерда ҳам Агнон асарларини чоп этиш билан шуғуллана бошлайди. Иккинчи жаҳон уруши поёнига ета бошлагач, Шокен Нью-Йоркда ўз нашриётининг филиалини очишга муваффақ бўлади, у энди Агнон асарларини инглиз тилида ҳам нашр этади. Айни шу сабаб Агнон асарлари дунёга чиқади.

Агнон асарлари билан яқиндан танишар экан, америкалик танқидчи Эдмунд Уилсон ёзувчини эллигинчи йиллар охирида расман Нобель мукофотига номзод сифатида таклиф этади. Агнон 1966 йилга келиб *«яхудий халқ мотивлари билан уйғунлаштирилган ўткир ва оригинал ҳикоя санъати учун»* ушбу юксак мукофотга лойиқ топилади. Нобель мукофоти кўмитасида бўлиб ўтган муҳокамаларда ёзувчининг *«Тўй чойшаби»* ва *«Тунги меҳмон»* асарлари кўпроқ тилга олинган. Агнон Нобель маърузаси билан чиқиш қилмайди, у қисқагина нутқ сўзлайди ва ўзининг ижодида Талмуд ҳамда яхудийлар динига хос бошқа китобларнинг таъсири катта бўлганини таъкидлайди.

Агнон умрининг сўнгги йилларида Исроилда миллий қаҳрамон даражасида эътибор қозонади. Қуддусда, унинг уйи яқинида қурилиш ишлари олиб борилаётган пайтда Тальпийот мэри қурувчиларга бу ерда махсус белги ўрнатиб, унга *«Тинчлик сақланг, Агнон ижод қилляпти»* деган сўзларни ёздириб қўйган. Агнон 1970 йилда Қуддусда юрак хуружидан вафот этади. Уни Елеон тоғига дафн этадилар.

Нобель мукофотидан ташқари, Агнон Тел-Авивда икки марта нуфузли Биалик мукофоти, 1950 йилда Уссишкин, икки марта — 1950 ва 1958 йилларда Исроилнинг адабиёт соҳасидаги мукофотлари билан тақдирланган. У, шунингдек, Америкадаги Иудей теология семинариyasi, Қуддусдаги яхудий университети, АҚШдаги Колумбия университетларининг докторлик даражаларига эришган.

Нобель мукофотида сазовор бўлгунига қадар танилиб улгурмаган ёзувчи бугунги кунда яхудий ёзувчилари орасида, ҳатто Жеймс Жойс, Марсель Пруст, Уильям Фолькнер ва энг аввало, Франс Кафкалар қаторида кўриладиган энг атоқли ижодкорлардан бири сифатида тан олинади. Агноннинг тили жуда мураккаб, унда илгаридан синалган, аввал нашр этилган асарларнинг қайта ишланмалари кўп учрайди ва қайсидир даражада уларни шу сабаб кўп танқидчилар тадқиқ қилмаган. Айниқса, Агнон асарларида синтаксис унинг бошқа тилларга ўгирилишидаги мураккабликларга сабаб бўлган. Аммо шуларга қарамай, таржимадаги вариантларда ҳам Агнон асарлари ўзига хос бўёқдорлиги ва кучини сақлаб қолган. Агноннинг ютуқлари ҳақида тўхталиб америкалик танқидчи Роберт Альберт шундай дейди: *«Агнон кўп қиррали ижодида замонавий оламнинг энг мураккаб қирраларига етиб борган. Ўтмиш билан руҳий алоқада бўлиб ёзувчи бундай алоқанинг зарур эканлиги ва унга етиш мумкинлигига ўзида доимо ишонч топа олган»*.

НЕЛЛИ ЗАКС



Нелли Закс 1891 йилнинг 10 декабрида Берлинда таваллуд топган. Унинг отаси Вильям Закс кашфиётчи, онаси Маргарита эса уй бекаси бўлган. Унинг болалиги тўқинликда ўтган, уй тарбиясини олган Нелли Берлиндаги қизлар учун имтиёзли мактабга ўқишга кириди. Тортинчоқ ва камтар қиз мусиқа ва адабиётга қизиқар, ягона орзуси эса балерина бўлиш эди.

Ўн беш ёшида Нелли Сельма Лагерлефнинг «Берлин ҳақида сага» романини ўқиб, қаттиқ таъсирланади. У асар муаллифига мактуб ёзади. Бу ёзишмалар қарийб ўттиз беш йил – Лагерлефнинг вафотигача давом этади. Нелли 8 ёшидан шеърлар ёза

бошлайди. Унинг илк мавзулари табиат ва афсоналар талқини билан боглиқ эди. Айрим шеърлари адабиёт журналларида босила бошлайди. Улар ўша пайтда урфга айланган экспрессионистик адабиётга хос шакл ва услубдан мутлақо фарқ қилар эди. Эҳтимол шунинг учундир, уларга Стефан Цвейгнинг назари тушади. У Неллининг шеърларини *«самимий ва бевосита ёзилган»*, дея эътироф этади. Бу ёш ижодкор учун юксак мартабанинг ўзгинаси эди.

Йигирманчи ва ўттизинчи йилларда Нелли шеърлари «Берлинер Тагеблатт» журнали ва турли газеталарда эълон қилиб турилса-да, у ўзини профессионал шоира деб ҳисобламас эди.

1940 йилда, немислар Европани бутунлай ишғол этгач, Нелли Лагерлеф кўмагида, Швеция қироли оиласининг ёрдами билан виза олишга ва бу мамлакатдан бошпана топишга муваффақ бўлади. Афсуски, уларнинг бу мамлакатга етиб келишини кўриш Лагерлефга насиб этмади.

Закс швед тилини изчил ўрганади. Бу унга нафақат ҳаёт кечириш воситаси бўлиб хизмат қилади, балки у аста-секин швед шоирларининг асарларини немисчага ўгириб, тирикчилик қила бошлайди.

1946 йилда Закснинг «Ўлимлар макони» китоби шарқий Германияда чоп этилган. Ундан кейин «Юлдузларнинг сўниши», «Кейин қандай бўлишини ҳеч ким билмайди», «Қочиш ва ўзгариш» каби тўпламлари бирин-кетин китобхонга тақдим этилади. Инглиз шоири ва танқидчиси Стивен Спендер Закс шеърларига шундай таъриф берган: *«Улар ранг-баранг, шу билан бирга, у нима ёзса, ҳаммаси – аслида гўёки бир шеър. Унинг диний, охир замон ривоятларига монанд келадиган гимнлари ўзликни яҳудийча танишни мужжасам этади, бу шу қадар кучлики, бунда бир ҳолатда ҳаёт ўлим билан тенглашади, бошқа ҳолатда эса бунинг аксини кўрасан»*.

Урушдан кейинги ижодида Закс ўзи «саҳна поэзияси» деб атаган драматик парчалар ва пьесалар ҳам ёзади. «Исроилликларнинг уқубатлари ҳақида қўшиқ» деб номланган биринчи пьесасида ёш поляк чўпонини ўлдирган немис солдатини излаётган этикдўзни бош қаҳрамон қилиб олган. Пьесани кейинчалик «Мистерия» деб номлашган ва бу пьеса 1950 йилда ғарбий Германия радиосида эшиттирилган, 1962 йилда Дортмунд театрида саҳнага олиб чиқилган, швед композитори Мозес Пергамент унга опера ҳам ёзган. Кейинги танилган пьесаси «Иброҳим шўрхок ерда» асаридир.

1959 йилда «Қочиш ва ўзгариш» тўплами эълон қилинган, Закс бутун Германияга машҳур бўлиб кетади. Германиядан чиқиб кетганига 20 йил бўлганида у Анетта фон Дрост-Хюльсхофф мукофоти билан тақдирланади. Кейинги йилдан эътиборан эса унинг номидаги ҳар йили бериладиган мукофот таъсис этилади ва шоирага умрининг охиригача пенсия ташкилланади. 1965 йилда Закс ўша пайтдаги Ғарбий Германияда адабиёт соҳасида энг юксак мукофотлардан бири бўлган Китоб ноширлари ва савдоси ташкилотлари уюшмасининг Тинчлик мукофотига муносиб деб топилади.

Заксга адабиёт соҳасидаги Нобель мукофоти *«яхудий халқининг тақдирини тадқиқ қилган юксак лирик ва драматик асарлари учун»* тақдим этилган. Ушбу юксак мукофот Закс билан Агнон иккаласига берилган. Тақдим этиш маросимида сўзга чиққан Швеция академияси вакили Андерс Эстерлинг *«Закснинг асарлари одамларни оммавий қириб ташлаш ва ўлим фабрикалари ҳақидаги фожиавий ҳақиқат ҳақида ҳикоя қилса-да, муаллиф ўз позицияси билан баттол ситамгарларга нафратдан ҳам устун туради. Унинг китобларида яхудий халқининг фожиавий овози алоҳида жаранг топанган»*, деган фикрни билдиради.

«Назаримда, — дейди жавоб сўзида Закс, — мен билан содир бўлаётган воқеликлар бир эртатка ўхшайди. Агнон Исроил давлатининг вакили бўлиб иштирок этмоқда, мен яхудий халқининг фожиабини кўрсатганим учун бундай эътирофга эришдим».

Закс оила қурмайди, Нобель мукофотида сазовор бўлганидан кейин ҳам Стокгольмдаги тор квартирасида яшайди ва ижодини давом эттиради. У 78 ёшида, узоқ вақт давом этган касалликдан сўнг вафот этади.

Закснинг кенг эътироф этилишига яхудийларнинг йўқ қилинишига қарши туриб яратган асарлари сабаб бўлган, албатта. *«Унинг поэзияси, — дейди Спендер у ҳақидаги таҳлилларида, — бизнинг ўз тарихимиз ҳақида билишимиз зарур бўлган нарсаларни — даҳшатли ўтмиш ва кейинги тикланишни ўргатади»*.

«Нелли Закс ўз ўқувчисига оддийгина тасалли бериб қўймайди, — дейди танқидчи Элвин Розенфельд «Тайм» газетаси иловасида. — Унинг шеърлари хотирада ҳеч қачон йўқолмайдиган ва ювилиб кетмайдиган доғ каби қушхонани, доимий давом этадиган хунрезликни намён этади».

МИГЕЛЬ АНХЕЛЬ АСТУРИАС



«Тўғри, ёзувчи оддийгина сўзларни ишлатади, лекин уларнинг ўзига яраша қанча қонунлари, қоидалари бор! Сўзларда у яратган дунёларнинг юрак уриши эшитилади. Улар ёғоч каби, металл каби жаранглайди. Улар товушларга тақлид қилади. Бизнинг ишимизда энг аввал мана шуни – товушга тақлидни ҳисобга олиш лозим». Бу Мигель Анхель Астуриаснинг гаплари.

Мигель Анхель 1889 йилнинг 19 октябрь куни судья Эрнест ва муаллима Мария Розалес Астуриаслар оиласида таваллуд топган.

Мигель Гватемаладаги Сан-Карлос университетиди таҳсил олар экан, 1920 йилда бўлиб ўтган Кабрера тузумига қарши кўзғолонларда қатнашади. Халқнинг норозилик кўзғолонидан сўнг ушбу диктаторлик тузуми ағдарилади. Бу воқеадан кейин кўп ўтмай, бўлажак ёзувчи Гватемалада Халқ университети ташкил этилишида иштирок этади. 1923 йилда Астуриас Сан-Карлос университетиди «Ҳиндуларнинг ижтимоий муаммолари» мавзусидаги иши учун юриспруденция бўйича илмий даражага эришади. Дарвоқе, ушбу иш кейинчалик Гальвес номидаги мукофот билан ҳам тақдирланган.

Мигелнинг яқин маслакдош дўстларидан бири ўз сиёсий қарашларини баён этгани учун қаттиқ дўппосланганидан кейин ота-онаси унинг тақдирдан хавотирланиб, Гватемалада қолишини ишташмайди ва ўқишини давом эттириши учун Европага жўнатишади. Мигель Сорбоннда ҳиндуларнинг тарихий афсоналари ва маданияти бўйича етук мутахассис Жорж Райно қўлида таҳсил олади.

Европада яшаган чоғида Мигель Астуриас майя қабиласига мансуб ҳиндулар мифологиясининг шеърӣ талқинига бағишланган «Гватемала афсоналари»ни ёзиб тугатади. Ушбу асар 1932 йилда Силл Монсегур адабий мукофоти билан тақдирланади.

Шу даврда Астуриас ўзининг биринчи насрий асари «Жаноб Президент» романини яратади. Асар Кабрера режими ҳақидаги хотиралардан иборат гамгин сюрреалистик ҳикоя эди. Роман сиёсий аҳамиятга эга бўлгани боис адибнинг ўз маблаглари ҳисобидан 1946 йилда чоп эттирилган.

Орадан беш йил ўтгач, ёзувчи Гватемалага қайтиб келади, ҳокимият тепасига Хорхе Убико келиб ўтирган, аммо бу тузум ҳам диктаторлик режимига асосланган эди.

Астуриас шеърлар ёзар ва айни вақтда журналист сифатида «Ҳаво газетаси» радиоэшиттириши учун ҳам материаллар тайёрлаб берарди.

1944 йилда Убико ағдарилгач, ҳокимиятга нисбатан демократик қарашларга мойил бўлган Хуан Хосе Аревало ўтиради ва Астуриас энди дипломатик ишлар билан шуғуллана бошлайди. У Мексика ва Аргентинада дипломат, биров вақт ўтиб эса, Сальвадорда мамлакатнинг элчиси сифатида фаолият юритади.

Буэнос-Айресда ишлаган чоғларида Астуриас «Майя одамлари» романини ёзиб тугатади. Мазкур романини кўпгина танқидчилар ёзувчининг энг кучли асари деб баҳолаганлар. Ушбу ярим фантастик, ритмий проза йўлида яратилган китобда Астуриас майя қабиласига мансуб ҳиндуларнинг сеҳрли олами акс эттиради ва бу маданиятни лотин маданияти билан солиштиради.

Ёзувчининг баъзида «Банан трилогияси» деб ҳам аталадиган «Довул» (1950), «Яшил ота» (1954) ва «Майитнинг нигоҳи» (1960) романларининг барчасида йиллар давомида Қўшма Штатлар томонидан Марказий Америкада амалга оширилган зўравонлик ва ҳақсизликка, ноқонуний ишлардан норозилик, қаршилик гоёлари илгари сурилган. Кўпчилик адабиётшуносларнинг фикрича, Астуриас бу билан санъатни сиёсатга қурбон қилган. Ўша пайтдаёқ билдирилган бу тоифа айбловларга қарши Астуриас шундай жавоб берган эди: *«Ўйлайманки, бизнинг адабиёти-мизнинг вазифаси ва функцияси халқнинг изтироблари ва дардларини акс эттиришдир. Менимча, бундай тоифа адабиёт фақат гўзалликка қаратилган ва лаззат берувчи тоза адабиётдангина иборат бўлиб қолмайди».*

У фикрини давом эттириб, яна шундай деган: *«Америка романтизми нафақат адабий йўналиши, балки ватанпарварлик байроғи ҳам эди. Тарихчи, шоир, ноширлар сиёсий фаолият билан ўз ижодий тахайюли орасида зир қатнаб, оворайи-сарсон бўлдилар.*

Ўз романларимиз билан яхшилик, инсонпарварлик ҳисларини уйғотишига ҳаракат қилаяпмиз, қурби етганларни қашшоқларга ёрдам беришга даъват этаяпмиз».

1954 йилда Гватемалада яна ҳокимият ўзгаради. Энди Аревалонинг издоши бўлган полковник Хакобо Арбенс ўрнига америкаликлар томонидан илгари сурилган номзод Кастильо Армас ҳокимият тепасига келади. Бу эса Астуриаснинг фуқароликдан маҳрум этилиши ва Жанубий Америкага чиқариб юборилишига олиб келади. Ўз юртидан бадарға бўлган Астуриас Чилида ёзувчи Пабло Неруда билан бирга яшай бошлайди. Кейинроқ эса у Буэнос-Айресга келиб кўним топади ва бу ерда венесуэлаликларнинг «Насиональ» газетасида мухбир бўлиб ишлайди. У шу билан бирга Аргентина нашриётида маслаҳатчилик ҳам қилади. Шу йилларда Астуриас аргентиналик Бланк Мор-и-Аруахога уйланган. Бу оилада икки фарзанд туғилган. Дарвоқе, адибнинг биринчи хотини Клеменсия Адамо эди.

1962 йилда Аргентинадаги сиёсий танглик Астуриаснинг бу мамлакатни ҳам тарк этишига сабаб бўлади. Ёзувчи энди Италияга кўчиб

кетади. Генуяда ҳиндулар ва европаликлар, яъни католиклар маданият-ларининг тўқнашувига бағишланган иккита тарихий романини ёзиб тугатади. Булар «Мулат қизи» ва «Нўноқ ўғри» романларидир.

Адабиётшунослар Астуриаснинг энг машҳур шеърлари сифатида унинг 1965 йилда нашр этилган «Баҳор байрами арафасида» тўпламига киритилган шеърларини тилга олишади.

1966 йилда Астуриас «*халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлашдаги хизматлари учун*» мукофоти билан тақдирланади. Шу эътирофдан кейин Гватемаланинг ўша пайтдаги президенти Хулио Сесар Мендес Монтенегро Астуриасни мамлакатнинг Франциядаги элчиси этиб тайинлайди.

1967 йили Мигель Анхель Астуриас «*Лотин Америкасидаги ҳиндуларнинг удумлари ва анъаналарига қизиқиши билан йўғрилган ёрқин ижодий ютуқлари учун*» адабиёт соҳасидаги Нобель мукофотига сазовор бўлади. Ушбу юксак мукофотни қабул қилар экан, Астуриас шундай деган эди: «*Менинг бундан кейинги китобларимда ҳам халқларнинг овози, уларнинг афсоналари ва эътиқодлари ҳақида ҳикоя қилинади, шу билан бирга мен Лотин Америкаси халқларининг миллий ўзини англаш муаммоларини таҳлил ва тадқиқ қилишида давом этавераман*».

Астуриас Нобель мукофоти билан тақдирлаш маросимида сўзлаган нутқида Европа адабиёти анъаналари билан Лотин Америкасида пайдо бўлаётган адабиёт орасидаги фарқланишларга эътибор қаратиб: «*Бизнинг романларимиз европаликларнинг назарида мантиқ ва соғлом ақлга эга эмасдек кўринади. Аммо улар биз ўқувчини қўрқитишни истаганимиз учун қўрқинчли эмас. Улар бизнинг ҳаётимизда шундай воқеалар бўлиб ўтаётгани учун ҳам қўрқинчлидир*», — дейди.

Шунингдек у: «*Адабиётни севган барча қатори бизни ҳам услуб гўзаллиги мафтун этади, шунинг учун ҳам ҳар битта романимиз — сўз жасоратидир. Ҳақиқий кимёгарлик! Биз буни биламиз. Ёзувчи катта меҳнат ва сабр-матонат билан асар материалларини, яъни сўзларни сайқаллайди, буни ташқаридан кўриш қийин*», — дея таъкидлайди.

Айни пайтда танқидчи ва биограф Ричард Капланнинг эътироф этишича, Мигель Анхель Астуриаснинг адабий ҳодиса сифатида бетакрорлиги унинг маданий ўзига хосликларини кўрсатиб бера олганидадир.

Ёзувчи 1974 йилнинг 9 июнь куни Мадридда вафот этган.

ЯСУНАРИ КАВАБАТА

Ясунари Кавабата... У жаҳон адабиётида «Минг қанотли турна», «Қорли ўлка», «Кўҳна пойтахт», «Тоғ ноласи» сингари бетакрор романлари, туркум ҳикояларию қиссалари билан ўчмас из қолдирган ва япон ёзувчилари орасида биринчи бўлиб Нобель мукофоти билан тақдирланган адибдир.

Унинг асарларида япон маданияти анъаналари йўсинида «айтмай туриб ай-тиш», «коса тагида нимкоса», мавзулар ранг-баранглиги, бетакрор образлар ва оҳанглар уйғунлиги ёрдамида ўқувчининг тасаввури, ҳиссиёти ва ботиний онгига фаол таъсир кўрсатиш сингари модернизм услуби, чуқур психологизм ва нафис лиризм ўзаро қоришиб кетган.

Кавабата ўтган асрнинг йигирманчи йилларида Японияда вужудга келган неосенсуализм оқимининг асосчиларидан бири сифатида ҳам эътироф этилади.

Ясунари Кавабата Япониянинг Осака шаҳрида бой ва маълумотли оилада таваллуд топган. 1901 йилда, ҳали эндигина икки ёшга тўлар-тўлмас касби шифокор бўлган отаси, яна орадан бир йил ўтиб эса, онаси вафот этган.

Ясунарини онаси томондан бобоси ва бувиси ўз тарбияларига олади. Бир неча йилдан сўнг бувиси ҳамда синглиси ҳам оламдан ўтишгач, ёш болакай бобоси билан бирга қолади. Болалигидан рассом бўлишни орзу қилган Ясунари ўн икки ёшга тўлганида ёзувчи бўлишга аҳд қилган. Бобосининг вафотидан бир оз аввал, яъни 1914 йилдаёқ «Ўн олти ёшлик кундаликлар» деб номланган биографик асарини ёза бошлаганди.

Қариндошлар кўлида тарбия топган ёш ёзувчи Токиода ўрта мактабга киради ва Европа маданиятини ўргана бошлайди, скандинавия халқлари адабиёти билан изчил шуғулланади, Леонардо да Винчи, Микеланжело, Рембрандт ва Поль Сезанн каби ижодкорларнинг асарлари билан танишади.

1920 йилда Токио университетининг инглиз филологияси факультети-га ўқишга кирган Ясунари бир йилдан сўнг япон адабиётини мукамал ўрганишга аҳд қилади. «Синейте» деб номланган талабалар журналида чиққан мақоласи ёзувчи Кан Кикутининг эътиборига тушади ва унинг таклифи билан ёш адиб «Бунгэй сյонджю» адабиёт журналига ишга киради.

Айни шу йиллари бир қатор ёш қаламкашлар билан ҳамкорликда япон адабиётини модернизм йўналишининг жарчисига айланган «Замонавий адабиёт» журналига асос соладилар. Уларни адабий жамоатчилик неосенсуалистлар сифатида тан олади ва бу япончасига «синкан-какуха» дейиларди. Айтиб ўтиш жоизки, бу тоифа ёзувчилар бир қатор гарб адабиёти вакиллари, хусусан Жеймс Жойс ва Гертруда Стайн-ларнинг кучли таъсири остида ижод қилар эдилар.

Ёзувчига илк муваффақият келтирган асари унинг 1925 йилда нашр этилган «Идзулик ўйинчи» қиссаси бўлиб, унда ёш раққосани севиб қолган талабанинг ҳис-туйғулари қаламга олинган.



1933 йилда эълон қилинган «Қушлар ва йиртқичлар» китобида болалигидаги севгиси хотиралари билан яшаб, одамлар билан муносабатга киришишдан ўзини олиб қочадиган, ҳайвонлар орасида яшашни ихтиёр қилган бўйдоқ йигитнинг турмуши, кечмиш-кечирмишлари бадиий талқин этилган.

Ўттизинчи йилларга келиб, Ясунари ижодида новаторлик тобора яққолроқ намоён бўлади. У ўзининг олдинги адабий тажрибаларидан воз кечади. 1934 йилда ёзувчи навбатдаги қиссаси устида иш бошлайди. «Қорли ўлка» деб номланган ушбу асарда ўрта ёшдаги токиолик ҳавойи одам билан улғайиб қолган қишлоқи гейшанинг муносабатлари ҳикоя қилинади. Тағмаъноли, қисқасўзлик услубида яратилган ушбу асар ўйлаб чиқилган сюжетга эга эмас, бир нечта лавҳалар сериясидан таркиб топган.

Кавабата кейинчалик айни мавзудаги роман устида узоқ ишлайди, романнинг биринчи варианты 1937 йилда босмадан чиққан бўлса, охиригиси орадан ўн йил ўтибгина эълон қилинади.

Иккинчи жаҳон уруши даврида ва ундан кейинги йилларда Кавабата сиёсатдан ҳоли яшайди, мамлакатда бўлаётган воқеаларга ҳеч қандай муносабат билдирмайди. У Манчжурия бўйлаб узоқ саёҳатларга чиқади ва кўп вақтини ўн биринчи асрда яратилган буюк япон романи бўлган «Гэндзи ҳақида Сага»ни ўрганишга бағишлайди.

Дарвоқе, 1949 йилда эълон қилган «Минг қанотли турна» қиссасида айнан ушбу асарнинг таъсири сезилади, аниқроғи, қайсидир элементлари кўзга ташланади. Гарчи кўпгина танқидчилар адибнинг 1954 йилда чиққан ўн олти лавҳадан иборат оилавий инқироздан иборат қиссасини таққосан мукамал деб топсалар-да, гарбда Кавабатанинг айнан анъанавий чой маросимлари ҳақидаги «Минг қанотли турна» қиссаси кенг шуҳрат қозонади.

1961 йилда кенг жамоатчилик ҳукмига ҳавола этилган «Уйқудаги нозанинлар» асарида кескин руҳий тушқунликка тушган, ёлғиз қолган кекса чолнинг исловатхонага бориши, у ерда кўрган-кечирганлари қаламга олинади. Аксига олиб бу ердаги аёллар гиёҳванд моддалар истеъмолидан ўта маст ҳолатда бўлиб, ҳаттоки бу кекса одамнинг келганини пайқамай ҳам қоладилар. Аслида чол бу аянчли маконга ёлғизликдан қутулиш илинжида келган эди. Танқидчи Артур Кимбаллининг фикрича, Кавабата ушбу асарида катта маҳорат билан ўлимни ҳаёт мозаикаси билан, асабни қўзғатишни чиройли чекиниш билан уйғунлаштира олган. Эдгар Понинг таҳлилларига кўра эса, бу асар «*ижодкорнинг кўп қиррали таъсирчанликка эришган идеал ҳикоясидир*».

1931 йилда Кавабата Хидеко исмли қизга уйланади ва Япониянинг қадимий самурайлари макон топган пойтахти Камакурада кўним топади. Бу ерда улар қизли бўлишади. Ёзда оиласи билан Каруйзавадаги гарбона услубда қурилган коттежда, қишда эса японча дзуси лойиҳасига биноан бунёд этилган уйида истиқомат қилишар эди.

Адиб 1960 йилда АҚШнинг давлат департаменти ёрдами билан Американинг бир қатор университетлари, жумладан, Колумбия университетидан япон адабиётидан семинарлар ўтказди. У ўз маърузаларида япон адабиётининг ўн биринчи асрдан бошлаб, то ўн тўққизинчи асргача изчил ривож топганига урғу берар, шунингдек, ўтган аср охирига келиб япон ёзувчилари ғарбдаги ҳамкасбларининг кучли таъсири остида кескин янгиликларга қўл уришгани ҳақида ҳам сўз юритарди.

Ўнг қанотчилар тарафида бўлган ёзувчи, киноактёр ва сиёсий арбоб Мисиманинг таъсиридан бўлса керак, Кавабата 60-йилларга келиб сиёсий бетарафлик, яъни жамиятдан ҳоли яшаш, бўлаётган ўзгаришлар ва сиёсий ишларга аралашмаслик одатини тарк этади ва бир қатор ёзувчилар билан бирга коммунистик Хитойдаги маданий инқилобга қарши арзномага имзо чекади.

1968 йилда Кавабатага «*япон тафаккури моҳиятини кўрсатиб бера олган ёзувчилик маҳорати учун*» адабиёт соҳасидаги Нобель мукофоти тақдим этилади. Япон ёзувчилари орасида бундай юксак мукофотни биринчи бўлиб қўлга киритган ёзувчи ўзининг Нобель маърузасида шундай деган эди: «*Бутун умрим давомида мен гўзал нарсаларга интилдим ва умримнинг охиригача шундай бўлиб қолади*». Кавабата японларга ҳос бўлган камтарлик билан нима учун унинг номзодига тўхталганликларини тушунмаганини қайд этади ва айти пайтда юксак эътироф учун миннатдорлигини изҳор қилиб, ёзувчи шахсига жаҳоний шуҳрат катта юк эканини ҳам таъкидлайди.

1970 йилда Япониядаги ҳарбий базалардан бирида қуролли қўзғолон уюштириш режаси барбод бўлгач, Мисима ўз ҳаётига суиқасд қилади. Орадан икки йил ўтгач, Кавабата ҳам ўз жонига суиқасд қилади ва газ билан заҳарланиб, ҳаётдан қўз юмади. Воқеа Дзусида бўлиб ўтган эди, бу ҳодисадан нафақат адабий жамоатчилик, балки бутун Япония халқи оғир изтиробга тушади. Ёзувчи ўлими олдидан ҳеч қандай хат ҳам қолдирмаган, бундай йўл тутишининг сабаблари эса мутлақо қоронғулигича қолади. Тўғри, кейинчалик турли фаразлар бўлди, жумладан, ёзувчини бундай йўл тутишига дўстининг ўз жонига суиқасд қилгани, яъни қаттиқ изтироб олиб келганини сабаб қилиб кўрсатишган.

Ажабки, Кавабатанинг Нобель маърузасида шундай сўзлар бор эди: «*Одам ҳаётдан қанчалар безиб кетмасин, ўз жонига қасд қилиши норозилик шакли бўла олмайди, инсон ҳар қанча идеал бўлмасин, агар ўз жонига қасд қилар экан, уни муқаддасликдан жуда узоқ билиши керак*».

Ҳа, муаллифнинг ўзи юксак минбарлардан туриб айтган сўзларига риоя этмагани ҳалигача кишини ажаблантиради. Шу боис бу борадаги ҳар қандай фараз ва тахминларни тугал фикр сифатида айтиш қийин.

Дунёнинг кўпчилик адабиётшунослари Кавабата ижодига айрича эътибор билан қарашади. Жумладан, «Нью-Йорк таймс» газетасида эълон қилган мақоласида Такаси Ока Кавабата романлари ҳақида сўз

юритиб, унинг ижодида ғарб адабиётининг таъсири японча услубга сингиб кетгани, шу билан бирга адибнинг китоблари жаҳон адабиёти оқимида қолганини таъкидлайди.

Нобель мукофотидан ташқари Кавабата кўп мукофотларга лойиқ топилган. 1937 йилда Адабиётни ривожлантиришдаги хизматлари учун, 1952 йилда Санъат академиясининг адабий мукофотлари билан тақдирланган. Адиб 1954 йилда Япония санъат академиясига аъзо этиб сайланган. 1959 йилга келиб халқаро ПЕН – клуб вице президенти этиб сайланади.

«Япония санъатининг ўзига хослигини биргина поэтик ибора билан таърифлаш мумкин, — деган эди Кавабата санъатшунос ватандоши Ясиро Юкионинг сўзларини эслаб.

Рус танқидчиси Григорьева бу иборани тилга олиб «Панорама» журналида 1993 йилда эълон қилган «Туйғулар учрашуви» мақоласида шундай ёзади: *«1988 йилда Кавабата асарларини ўрганиш жамиятининг ташаббуси билан бу ўлкада бўлганимизда қалби гўзал инсонлар билан учрашиб, бу иборанинг ҳақиқат эканига тўла амин бўлдим. Биласизми, Кавабата нима учун ўзининг Нобель маърузасини «Япония гўзаллиги билан туғилган ижод» деб номлаганини ҳам шунда тушундим. Бу билан у, агарки мен нимадир гўзалликни ижод қила олдим, ярата олдим — буларнинг барчасига Япониянинг гўзал табиати ва халқининг асрлар давомида шаклланган ва вужудга келган бетакрор маданияти сабабдир, демоқчи бўлган эди, албатта».*

Ростдан ҳам Кавабатанинг Нобель мукофотига лойиқ топиллишида айнан қадим япон изтиробларини ўзида сингдирган қиссалари асосий ўрин тутлади.

Кавабатанинг қиссаларида ўткир сюжетлар йўқ, драматик воқелик ҳам йўқ, аммо уларда аҳамиятсиз кўринган нарсаларни илғаш маҳорати, бу кичик, эътиборга нолайиқдек кўринган нарсаларга бепоён кенгликларни уйғунлаштириш, илгари билмаган дунёни очиш ва бу билан одамга эркинлик туйғусини инъом этишни ҳис этасиз. Рус адабиётшуноси яна шундай ёзади: *«Композиция ҳам, агар шундай деб айтиш мумкин бўлса, худди айни фикрга ҳамоҳанг, ўз тартибларини зўрлаб тиркамайди, ҳодиса-воқеликларнинг асирига айланмаган, яъни улар атрофида айланиб қолмаган... Ғарб ўқувчиси ўрганган ва асарлардан мудом излайдиган рационаллик умуман йўқ уларда. Шулардан кейин бирданига маслаҳат бергинг келиб қолади: ҳар қандай маънодан баланд бўлган нарсалардан маъно изламанг...»*

Агар жоиз бўлса, айнан мана шундай таассуротлар ва тасаввурлар Кавабата услубининг ўзига хос характериини белгилайди. Фақатгина бу унинг учун тинсол эмас, балки айнан реал борлиқ. Унинг адабий олами лоқайд ва юраги ҳисси бўлган одамлар учун ёпиқ, сезувчи ва изтироб кекувчи инсон учун эса очикдир. Кавабата ўзининг «Ёзувчининг таржимаи ҳоли» асарида шундай ёзган эди: *«...фарзандларим бўлмай, бойликларга интилмай, шон-шухратга ҳам ишонмай, муҳаббатни ҳаётимнинг энг катта таянчи деб*

билдим. Бирон куним йўқки, муҳаббатдан сармаст бўлмасам, унинг қайноқ тафтидан исинмасам... Аммо бу бир аёлнинг қўлини тутганиндаги муҳаббатмас. Ҳа, мен тамгин ва ўз-ўзимча бахтли одамман...»

Кўзга кўринмайдиган ҳар нарсанинг ўзига хос гўзаллиги ва бетакрорлигини кўриш, ҳис қилиш қийин, албатта. Шарқона санъат, шу жумладан япон халқининг санъати ҳам мана шу кўз илгамас нарсаларни кўришга, ҳар қандай нарсанинг қалбини ҳис этишга ўргатади. Ҳозирги замон зиёлисининг Шарқ маданияти ва санъатига бўлган интилиши ҳам шундан бўлса, эҳтимол. Борлиқнинг моҳиятига этишга интилишда қисқасўзликка дуч келасиз, сўзамоллик ҳам ўша моҳиятни англашга тўсиқ ясаб қолиши мумкиндек, гўё. Айтилганидан айтилмай қолгани кўпроқ уларда, бу ўринда яширин уйғунлик кўришиб турганига қараганда кучлироқ таъсир қилади...

Тадқиқотчилар Кавабатадаги мукамаллик ва ўзига хосликни алоҳида эътироф этишади. Унинг асарлари ҳақидаги адабий чиқишлар, мақолалар дунёнинг барча бурчақларида исталганча топилади. Бу эса Ясунари Кавабата бадиий оламининг жаҳоний миқёс касб этганидан шаҳодат беради.

СЭМЮЭЛЬ БЕККЕТ

Сэмюэл Баркли Беккет 1906 йилда Дублинда тугилган. У танобчи Уильям Беккет ва Килдэр графлигига мансуб бўлган бадавлат оиланинг фарзанди бўлмиш Мэйлар оиласидаги кичик ўғил эди. Беккет аввал имтиёзли хусусий мактаб, кейинроқ эса Эрлфорт интернатида ўқийди. 1920–1923 йилларда Шимолий Ирландиядаги Портора-Ройэл-скулда таҳсил олади, бу ерда у крикет, регби, бокс ва сузиш каби спорт турлари билан ҳам шугулланади.

Дублиндаги Тринити коллежида тил ўрганишга алоҳида эътибор қаратган Беккет Луизи Пиранделло ва Шон О Кейси асарларини қизиқиш билан ўқиб чиқади. У 1927 йилда санъат йўналишида бакалавр даражасини олади ҳамда ўқув юртини имтиёзли диплом билан тугатиб, бир йил мобайнида Белфастда муаллимлик қилади.

Жойс каби Беккет ҳам Ирландиянинг бўғиқ турмуш тарзи ўзининг ижодий салоҳиятини тўла намоён этишга имкон бермаётганини ҳис қилиб, чет элга кетишга аҳд қилади. 1933 йилда отаси юрак хуружидан вафот этгач, Беккетга йиллик рента берилади ва у Лондонга келиб



жойлашади. 1934 йилда қисқа ҳикоялардан иборат китобини эълон қилади. Кейин илк йирик асари — «Мерфи» устида иш бошлайди. Лондонда бир йил яшагач, Парижга ўтади.

Тахминан шу йилларда Беккет Сюзанна Дешво-Дюмсниль билан танишиб қолади, аммо унга 1961 йили уйланади.

1939 йилда онасини кўриш учун Ирландияга келган Беккет иккинчи жаҳон урушининг бошланганидан хабар топиб, Сюзанна билан Парижга кетади. 1942 йилда эса Франция жанубига йўл олади. Кейинги икки йил давомида Беккет турли касбдаги одамларга ёрдамчи бўлиб ишлаб юради ва «Уотт» романини ёзиб тугатади. Бу унинг инглиз тилида ёзган охириги романи бўлиб, асарнинг номланишида ҳам сўз ўйини бор эди, яъни Уотт инглизчасига «нима» сўзининг ўзгартирилган вариантдир. Асар қаҳрамони Уотт номувофиқ оламда мувофиқ яшашга интилади.

Адибнинг «Мерсье ва Камье» (1950), «Моллой», «Малон ўлим арафасида» ва «Номсиз» романлари француз тилида яратилган.

Дарҳақиқат, ушбу трилогия Беккет ижодида алоҳида ўрин касб этса-да, унинг адабиёт оламида шухрат қозонишига 1949 йилда яратилган «Годони кутиб» пьесаси сабаб бўлади. Шу асари билан Беккет абсурд театрининг етакчи драматургига айланади. Асарни режиссёр Роже Блен муаллиф билан яқин ҳамкорликда сахнага олиб чиқади. Унда воқеалар бир-бирига ўхшаш, гўёки айланиб такрорланаверадигандек туюлади, асосий шахслар, яъни дайдилар — Владимир ва Эстрагонлар қандайдир сирли киши бўлган Годони кутишади. Кутишдан мақсад — гўёки Годо келиб, уларнинг ҳаётидаги бир хилликка барҳам беради, уларни эл орасига қўшади. Аммо, Годо келмайди..

Пьесада яна икки персонаж бор, улар Поццо ва Луккилардир. *«Ушбу пьеса менинг тасаввуримда драма қурилмасида бўлиши зарур бўлган сюжет тизимининг ўзгартирилишига сабаб бўлди, — дейди инглиз танқидчиси Кеннет Тайнен. — Назаримда, драманинг мен билган қонун-қоидалари тарлича пишиб етилмаган эди».*

1954—1956 йиллар оралигида ёзилган, ёзувчининг ўзи 1958 йилда инглиз тилига ўтирган «Ўйиннинг тугаши» деб номланган бир сахнали пьеса, бир қарашда, «Годони кутиб»га нисбатан ҳам жонсиз асардир. Тўрт образ — шол бўлиб қолган, кўзи ожиз Хамм, унинг хизматкори ва ота-онаси уйдаги бўм-бўш хонада ўтириб, охирзамон келишини кутишади. Беккет Хаммни *«аввалбошдан ютқазиб қўйилган шахмат ўйинидаги шох»*, дейди. Шахмат ўйинида шохга «мот» қўйилса ўйин тугайди, аммо «Ўйиннинг тугаши» пьесасида, умуман олиб қараганда, «Годони кутиб» асарида ҳам, «мот» қўйиш йўқ, фақат «пот» бор.

Беккет навбатдаги «Краппнинг сўнгги тасмаси» асарини инглиз тилида ёзган. Асарда кекса Крапп умрининг сўнгги кунларини магнитофон орқали бундан ўттиз йил илгари тасмага туширилган ўз монологларини эшитиб кечиради. Гарчи, Крапп охириги монологини

ёзишга чоғланган бўлса-да, пьеса жимжитлик билан якун топади. Ёшлик ва кексаликнинг ўзига хос диалоглари тарзида қурилган асарда яна ўша турмуш, ҳаёт ва борлиқнинг пучлиги, ҳеч нимага арзимаслиги, беҳудалиги мавзуси ўртага ташланади. Пьеса Лондонда 1958 йилда ва Нью-Йоркда машҳур режиссёр Алан Шнейдер постановкаси билан 1960 йилда саҳнага олиб чиқилади. Инглиз танқидчиси Альварес ушбу асарни Беккет ижодидаги янги йўналиш сифатида баҳолаган. Унинг талқинича, Беккетнинг илгариги пьесаларидан фарқли ўлароқ, бу асарда мавзу депрессия, яъни турғунлик эмас, балки мусибатдир. Ниҳоятда оригинал ва таъсирчан тарзда айнан нима бой берилгани очиб берилиши аҳамиятлидир, дейди танқидчи.

Олтмишинчи йилларда драматург театр, радио ва телевидение учун турли асарлар яратади.

1969 йилда *«Инсониятнинг фожиялари унинг ғалабасига айлантирилган янги услубдаги наصريй ва саҳна асарлари йиғиндиси учун»* унга адабиёт соҳасидаги Нобель мукофоти муносиб кўрилади. Швеция академиясининг шу пайтдаги вакили Карл Рагнар Гиров адибнинг ижоди ҳақида тўхталар экан, *«Ёзувчининг чуқур пессимизми унинг асарларидаги инсониятга бўлган чексиз меҳр-муҳаббатини инкор этмайди, аксинча, бу муносабат асарларидаги ўткир таҳлил баробарида янада бойиб бораверади. Буни унинг инсон тақдирига бўлган ҳамдардликдан ахтариб топамиз»*, — дея таъкидлайди.

Одамови характердаги Беккет тақдирлаш маросимида қатнашмаслик шарти билан мукофотни қабул қилишга рози бўлган ижодкордир. У бу пайтда Тунисга, овлоқ ўлкаларга чиқиб кетади, маросимда унинг ўрнига адибнинг Франциядаги ношири Жером Линдон иштирок этади.

Кейинги ўн йил мобайнида Беккет яна қатор бир саҳнали пьесалар ёзади. Уларнинг баъзиларини Лондонда ўзи саҳнага олиб чиқади ҳам. Таваллудининг етмиш йиллигини драматург асарларининг Лондонда саҳналаштирилиши билан кутиб олади.

Баъзи адабий танқидчилар Беккетнинг пессимизмига алоҳида урғу беришади. Жумладан, франциялик адабиётшунос Морис Надо шундай деб ёзади: *«Беккет бизни Бўшлиқ оламига жойлаштиради, унда йўқликдаги ковак одамларни учратасиз»*.

Бошқа бир гуруҳ танқидчилар, жумладан, Рауд драматургнинг тилига эътибор беришади. *«Мен, — дейди у ўз таҳлилларида, — Беккетдек инглиз ва француз тилини қойилмақом тарзда эгаллаган биронта замонавий ижодкор яна бор, деб ўйламайман»*. Америкалик адабий танқидчи Санфорд Стернлихт Беккетни *«даврнинг замонавий драматургияси асосларини яратган нуфузли драматург»*, дея таърифлайди.

АЛЕКСАНДР ИСАЕВИЧ СОЛЖЕНИЦИН



Александр Исаевич Солженицин 1918 йилнинг 11 декабрида шимолий Кавказда, Кисловодск шаҳрида дунёга келган. Биринчи жаҳон уруши бошлангач, унинг отаси Исай Солженицин Москва университетидаги ўқишини ташлаб, ўз хоҳиши билан фронтга кетган, уч бора мардлиги ва жасорати учун мукофотланган ҳам, бироқ овда яраланиб вафот этган.

Отаси вафот этганда Александр ҳали тугилмаган эди. Оила бошлиғидан жудо бўлгач, Солженициннинг онаси Таисья Захаровна рўзгор тебратиш учун машинисткалик қилади. Улар шимолий Кавказдан Ростов Дон шаҳрига кўчиб кетишганида Александр олти ёшга тўлган эди.

Етимликнинг огир кунлари унинг ҳаётига бўрондек ёпирилиб келади.

Мактабни аъло баҳолар билан тугатган Александр 1938 йилда Ростов университетига ўқишга киради, қизиғи шундаки, адабиётга бўлган катта қизиқиши бир ёқда қолиб, у физика ва математика билан шугуллана бошлайди, университетда физика-математика йўналиши бўйича ўқиб, онасига ёрдам бериш учун мактабда математикадан дарс ўтади.

У 1941 йилда математик дипломини олиш билан бирга, Москванинг фалсафа, адабиёт ва тарих институтини ҳам сиртдан битади. Университетни тугатгач, иккинчи жаҳон уруши бошланиб, у ҳам урушга жалб этилади ва артиллерия қисмида ҳарбий хизматни ўтайди. Бироқ иккинчи жаҳон уруши тугай деб қолганида, 1945 йилда уни тўсатдан ҳибсга олишади ва Москва шаҳридаги машҳур Лубянка қамоқхонасига жўнатишади. Уч кишилик трибунал Солженицинни советларга қарши тарғибот ва ташвиқот олиб боргани учун Сибирга сургун қилиш шarti билан саккиз йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилади. НКВД унинг зобитлик сумкасини титкилаб, дўстига ёзган хатини топади, мазкур хатда Сталин сиёсати қораланган бир нечта ҳикояларнинг қораламалари бор эди. Бир йил давомида Москва шаҳридаги турмада ётгач, Солженицинни Москва яқинидаги математиклар, физиклар ҳамда бошқа табиий фанлар олимлари махфий илмий тадқиқотлар олиб борадиган Марфино деб ном олган махсус қамоқхонага ўтказишади. Кейинчалик ёзувчининг шаҳодат беришича, уни математика бўйича олган дипломи ўлимдан сақлаб қолган, сабаби бу турмадаги тартиблар бошқа қамоқхона ва лагерлардагидан нисбатан энгил эди. Солженицинни узоқ вақт қамоқда сақлаб, кейин Сибирга сургун қилишади. Ҳибсхонадан-ҳибсхонага

кўчавериб тинка-мадори қуриган ёзувчи Сталин ўлгачина озодликка чиқади. Кейинчалик адиб маҳбуслик азобларини шундай тасвирлайди: *«Лагернинг азобли қийноқлари чоғи, чидаб бўлмас даражадаги аёзли тунларда бутун дунёга ҳайқириб айтгинг келадиган бир ўкирик томоғингга қадалади, қани энди, дунё биттамининг овозимизни эшитса...»*

Марфино махсус турмасидан Солженицинни Қозоғистонга ўтказиш-шайтганида шифокорлар унга ўпка саратони ташхисини қўйишади. Бу билан шифокорлар уни ўлимга маҳкум деб топишган эди. Сургунда унга Қозоғистон паноҳ бўлган бўлса, қамоқдан чиққач, Ўзбекистон жонига оро киради. Тошкентдаги шифохонада қамоқнинг зил-замбил юки эзгиланган адибни соғайтириб юборишади. Солженицин шўролар давлатини тарк этгунча Ўзбекистонга уч марта келган. Ҳар гал ўзбекларнинг иссиқ ноиюни, ширин сўзидан кўнгли тоғдек кўтарилиб ортга қайтган.

Адибнинг 1960 йилда ёзилган ва ўзбек тилига таржима қилинган «Ўнг панжа» ҳикоясида Тошкент ҳам тилга олинган. Асарда шундай жумлалар бор: *«Бу қиш Тошкентга ўлар ҳолатда етдим. Нимасини яширай, бу ерда ўлаени келдим. Мени эса яшагани қайтардилар. Бир ой, яна бир ой, ундан кейин яна бир ой. Деразадан нарида Тошкентнинг шаддод баҳори ўтди. Ёзга қадам қўйди, мен оёқларим қалтираб ташқарига чиқа бошилаганимда ҳамма ёқни кўк аланга қоплаган, кунлар исиб қолганди. Ўзимга ўзим тузалаяпман, деб айтишига ҳам қўрқиб, энг сарбаланд орзуларимда ҳатто менга қўшиб берилган ҳаёт муҳлатларини йиллар билан эмас, ойлар билан ўлчаб, медицина институти бинolari оралаб ўсган боғлар ўртасидан ўтган асфальт ва тош йўлакларда асталаб қадам ташладим. Мен тез-тез ўтирмасам бўлмасди. Баъзан рентгендан кўнглим айниб, бошимни қуйи эгиб чўзилиб ётардим».*

«Ўнг панжа» ҳикоясида воқеалар бош қахрамон тилидан ҳикоя қилинади. Асарни бу тарзда ёзишнинг «хавфли» томонлари ҳам бор. Адиб тафсилотларни ёзар экан, баёнчилик томон тойиб кетиши ҳеч гап эмас. Бир қарашда Солженицин ҳикоясида ҳам воқеалар тасвирдан кўра баёнчилик устундек. Аммо воқеалар таъсирчан талқин қилингани, асар сўнгигача конфликтда таранглик сақлаб қолингани, энг муҳими, китобхон диққати бир меъёردа тутиб турилгани ҳикоя бадиийлигини таъмин этган. Шифохонада даволанаётган бемор портрети шунчалик таъсирлики, у билан гаплашаётгандек бўласиз:

«Мен ўлғудай афтодаҳол эдим. Этим бориб устихонимга ёпишган, юзимда барча кўргуликларим акс этарди: лагернинг бефайз муҳити чеҳрамга чуқур ажсинлар солган, бетимнинг териси мумдай қотиб, мисли ҳоки туробга айланган, бунинг устига касалик маразлари ва дори-дармон огуларидан заҳарланавериб, икки юзим кўкимтир тусга кирган эди. Доим бўйсунушига ва бошни ичкарига тортиб юришига одатланганимдан елкам буқилган эди. Масхарабозларникига ўхшаши йўл-йўл курткам қоринни базўр ёпиб турар, худди шундай йўл-йўл шим эса ҳатто тўпигимга етмасди. Лагернинг тўмтоқ кирза ботинкаси учидан эскириб, қорайиб кетган пайтава кўриниб турарди».

Асарда шахсга сиғиниш йиллари қирғинбаротларида иштирок этганлардан бири – Бобров образи ҳам ниҳоятда таъсирли чиққан. Тақдирни қарангки, қатагон жабрини тортган бемор олис жанубда – Тошкентдаги шифохонада ўзидан-да абгор собиқ жаллодга мадад бўлади.

Фикримизча, «Ўнг панжа» ҳикояси бадиийлиги жиҳатидан «Гулаг архипелаги» асаридан устун: сизни воқеалар эмас, қаҳрамонлар характеридаги товланишлар ром этади. Турфа образлар ҳолати тасвиридан ҳайратга тушасиз.

Солженицин 1956 йилгача Сибирнинг турли ҳудудларида таъқибда умр кечириб, мактабларда ўқитувчилик қилган. 1957 йилда оқлангач, ёзувчи Рязань шаҳридан кўним топади. Ўша пайтда мамлакатда мудҳиш «шахсга сиғиниш» сиёсатига қарши кураш авж олган эди.

Мамлакатнинг ўша пайтдаги раҳбари Солженициннинг «Иван Денисовичнинг бир куни» қиссасининг эълон қилинишига шахсан рухсат берганлиги эътиборга молик. Мазкур асар 1962 йилда «Новый мир» журналида босилиб чиққан. Реалистик услубда ёзилган ушбу асарда маҳбус Иван Денисович Шуховнинг турмадаги бир кунлик ҳаёти унинг ўз тилидан ҳикоя қилинади. Қиссани танқидчилар олқишлар билан кутиб олишади, ҳатто уни Достоевскийнинг «Ўлик уйдан мактублар» асари билан тенглаштиришади ҳам. Орадан бир йил ўтиб, «Новый мир» журналида ёзувчининг «Кречеткова станциясидаги воқеа», «Ишнинг фойдасини ўйлаб» каби яна бир неча ҳикоялари эълон қилинади.

Ўтган асрнинг 60-йиллари ўрталарига келиб, унинг учун матбуот эшиклари яна тақа-тақ ёпилади. Адибнинг собиқ иттифоқ даврида чоп этилган сўнги асари – «Захар-Калита» ҳикояси эди.

Ҳаққўй адиб мустабид тузумнинг қаттол сиёсати билан муроса қилиб ўтиришни истамайди. Табиатан жанговар ёзувчи 1967 йилда ёзувчилар қурултойи номига мактуб йўллайди. Унда мамлакатда мавжуд бўлган цензурани қатъий қоралайди ва унинг асарлари тузум жаллодлари томонидан тортиб олингани ва ўзи таъқиб қилинаётгани борасида шикоят қилади. Бу эса унга нисбатан таъқибнинг янада зўрайишига олиб келади. У ҳақда газеталарда турли танқидий чиқишлар уюштирилади, асарлари эса мутлақо тақиққа учрайди.

1968 йилда Солженициннинг автобиографик характердаги «Биринчи айланада» ва «Саратон касалликлари бўлими» романлари чет мамлакатларда ўзининг розилигисиз эълон қилинади. Бу ҳол ёзувчининг мамлакатдаги аҳволини яна ҳам баттарлаштиради. У ўз розилигисиз нашр этилган ушбу асарлар учун масъулиятни зиммасига олмаслиги, шу билан бирга, ҳокимият вакиллари уни янада қаттиқроқ сиқувга олиш мақсадида мазкур роман қўлёзмаларини ўзлари четга чиқарган, деб баёнот беради.

«Биринчи айланада» сатирик роман бўлиб, ундаги воқеалар 40-йилларда Солженицин сақланган Марфинодаги турмага ўхшаш бўлган ихтисослаштирилган қамоқхона ва у ердаги институтда кечади. Фарбдаги

кўпгина танқидчилар асарда Сталин ҳокимияти реалликларининг ниҳоятда чуқур очиб берилгани ва таҳлил қилинганини эътироф этадилар.

Адибнинг «Саратон касалликлари бўлими» деб номланган иккинчи романи ҳам муаллифнинг бошидан кечирганлари асосида ёзилган. Асар қаҳрамони Русанов бир пайтлар адибнинг ўзи даволангани каби Тошкентдаги олдий касалхонада саратон касаллигидан даволанади. Ушбу асарда ҳам сиёсий қарашлар ўзига яраша ўрин тутса-да, бош мавзу инсоннинг ўлим билан олишувидир. Ва бунда ёзувчи шундай фикрни олға суради: оқибати ўлим билан тугайдиган ушбу оғир касалликка чалинганлар гайритабиий равишда соғлом одамлар етиша олмайдиган озодликка етишадилар.

Солженицин 1970 йилда «улуғ рус адабиёти анъаналаридан озиқланган маънавий кучи учун» Нобель мукофоти билан тақдирланади. Унга мукофот берилиши эълон қилинганда ёзувчи дарҳол бу мукофотни белгиланган куни шахсан ўзи бориб олишини билдиради.

Эллик икки ёшли адибга 1970 йили бу нуфузли мукофотни беришганда унинг исм-шарифи ёнига «Россия-Америка фуқароси» деб ёзилганди.

Нобель маърузасида ёзувчи шундай сўзларни айтишдан ҳайиқмади: *«Бу минбарга, ҳамма ёзувчилар чиқиши nasib қилавермайдиган, nasib қилганда ҳам бир марта имкон бериладиган минбарга мен уч-тўртта тиржаб қўйилган занаядан чиқиб келганим йўқ. Юзлаб, балки минглаб, чала-ярим, ўткир қиррали муз босган зинапояларни босиб, зулмат қаъридан ўлмай чиқиб келдим. Эҳтимол, бошқалар — мenden ортиқ иқтидорли ва кучлироқ бўлганлар — ҳалок бўлишди. Улардан айримларинигина минглаб ороларга сочилиб кетган Гулаг архипелагида учратдим. Таъқибларнинг тегиримон тошлари ва ишончсизлик оқибатида ҳамма билан ҳам очилиб гаплашолмадим, айримлар ҳақида фақат эшитганман, бошқа бирларини тасаввур қилганман, холос. Адабий ном қозониб, ўша жарликларга қулаганларнинг ҳеч бўлмаса номи қолади. Аммо танълмаган, номи очик-ошкора айтилмаганлар қанча?! Улардан деярли ҳеч ким тирик қайтмади. Бутун бошли миллий адабиёт у ёқларда нафақат тобутсиз, ҳатто ички кийимсиз, қип-яланғоч ҳолда, оёқ бармоғига боғланган ёрлик билан кўмиб ташланди. Бироқ, рус адабиёти бир сония ҳам тўхтаб қолмади, четдан қараганда, у ўлик туюларди. Урмон гурқираб ўсиши мумкин бўлган жойда ҳамма дарахтлар қирқилади-ю, бир-иккитаси тасодифан четда қолиб кетади».*

Ўша қалгис паллада — собик шўролар тузуми афсонавий юҳодек ўкириб турган бир пайтда унга тош отиш осон эмасди. Солженицин эса бутун оламини ямламай ютаман, деб турган шу тузум оловини ўчириш учун ўз сўзини айтади. Унинг беқиёс жасорати ҳам шунда.

Мукофотни топшириш маросимида Швеция академияси аъзоси Карл Рагнар Гиров Солженицин асарлари инсоннинг енгилмас қадр-қиммати ҳақида гувоҳлик беришини таъкидлайди. Адибнинг ўз ватанида

сиқувга олинаётгани ҳақида тўхталар экан, академия аъзоси «*Қаерда ва қандай сабаблар билан бўлмасин, ёзувчининг қадр-қимматига таҳдид қилинса, Солженициннинг ижоди эркинликни бўғувчиларга нафақат айблов, балки огоҳлантириш бўлиб олдинга чиқади, бундай ҳаракатлари билан уша таъқиб этувчилар аслида ўзларига зарар келтирадилар*», дея фикр билдиради.

Солженициннинг Нобель маърузаси 1972 йилда матбуотда эълон қилинади. Унда ёзувчи сўз санъаткори ҳақиқатни сақлаб қолувчи энг сўнги инсон эканини таъкидлайди. Маъруза «*ҳақиқатни ўзида мужассам этган бир дона сўз бутун бир оламни ўз томонига оғдира олади*», деган фикр билан яқунланган.

Нобель мукофотига сазовор бўлганидан сўнг бир йил ўтиб, адиб ўз асарларининг чет мамлакатларда нашр этилишига расман рухсат беради.

1972 йилда Лондондаги нашриётлардан бирида адибнинг «14-йилнинг августи» эпопеясининг биринчи китоби босилади. Бу рус кўзғолони ҳақидаги кўп томли асарнинг илк китоби бўлиб, уни адабиётшунослар кўп ҳолларда Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» асарига қиёслашади. Америкалик тадқиқотчи Патрисия Блекнинг фикрига кўра, асарда урушнинг айрим одамлар ва бутун бошли миллатнинг ҳаётига келтирадиган зарари ва кўргиликлари ниҳоятда маҳорат билан очиб берилган.

1973 йилда КГБ ходимлари ёзувчининг асарларини машинкада кўчираётган аёлни топиб, унинг уйини тинтув қилади ва Солженициннинг «ГУЛАГ архипелаги, 1918...1956: бадий тадқиқ тажрибаси»нинг қўлёзмасини тортиб олади. Ўз бисотидаги шахсий ёзишмаларидан фойдаланиб, ёзувчи қамоқларда эзилган миллионлаб кишиларнинг хотираларини ёдга олиш мақсадида катта машаққатлар билан мамлакатнинг норасмий тарихини тиклашни мақсад қилиб кўяди.

«ГУЛАГ архипелаги» атамаси аслида бутун мамлакат бўйлаб тарқалган меҳнат ва ахлоқ тузатиш колониялари, бир сўз билан айтганда, қамоқхоналарни назарда тутаяди. Китобда ёзувчи озодликдан маҳрум қилиш колонияларида ўзи учрашган икки юздан ортиқ кишиларнинг эсдаликлари, оғзаки ва ёзма гувоҳликларидан фойдаланган. Қўлёзма мусодара этилгач, ёзувчи Париждаги ноширига «Архипелаг»нинг уларга етиб борган нусхасини чоп этишга кўрсатма беради. Асар 1973 йилда нашрдан чиқади. 1974 йилнинг 12 февраль кuni ёзувчи ҳибсга олинади, давлатга хиёнат қилганликда айбланиб, совет фуқаролигидан ўчирилади ва уни Германияга ҳайдаб юборишади. Адиб хорижга қувилгандан кейин ҳам сиёсий тузум ҳимоячилари уни тинч қўйишмайди. Жумладан, Соловьёвнинг «Правда» газетасининг 1974 йилги сонларидан бирида босилган «Сотқинлик йўли» мақоласида шундай сатрлар бор:

«Кейинги кунларда буржуа матбуоти Александр Солженициннинг «Гулаг ороллари» деб аталмиш навбатдаги туҳмат асари ғарбда эълон қилиниши муносабати билан советларга қарши шовқин-суронни авж

олдириб юборди. Кўп йиллардан бери совет халқига душман бўлган хориж наشريётлари ва барча матбуот органлари, шу жумладан, оқ мухожирларнинг матбуот органлари билан ҳамкорлик қилиб келаятган муртаднинг номи яна разил антикоммунистик пропаганда оқими юзида қалқиб кўриниб қолди».

Ушбу мақола муаллифи асар номини нотўғри ёзгани етмаганидек, дунё тан олган, Нобель мукофотига сазовор бўлган ёзувчини муртад деб атаган.

Солженициннинг бунчалик камситилишига сабаб унинг асарларида замон иллатлари ҳеч иккиланмай нишонга олинганидандир. Солженициннинг устунлиги ҳам унинг маҳоратида эмас, дадиллигида, ўзи яшаб турган жамият иллатларини вақтида кўрсата олганлигида, дейиш мумкин.

Икки йил Цюрихда яшагач, ёзувчи оиласи билан Америкага кўчиб кетди. Вермонт штатидан қўним топган ёзувчи шу ерда «Архипелаг»нинг учинчи томини ёзиб тугаллайди. Асар рус тилида 1976 йилда, инглиз тилида 1978 йилда чоп этилган.

Шундан кейин ёзувчи «14 йилнинг августи» билан бошланган рус қўзғолони мавзусидаги туркумини давом эттиришга киришади. Ушбу туркумга мансуб «Қизил ҳалқа» романи Солженициннинг ўзи таърифлаганидек, *«русларнинг ўзлари қандай қилиб ўз тарихлари ва ўз келажакларини йўқ қилганлиги ҳақидаги фожиавий тарихдир»*. 1972 йилда ёзувчи ушбу туркумда мўлжал қилган барча асарларини ёзиб тугатиш учун йигирма йиллар атрофида вақт кераклигини айтган ва афсунадомат билан бунга унинг умри етмаслигини таъкидлаган эди.

Солженицин ғарбга кетгач, унга бўлган муносабат, унинг адабий жамоатчилик орасидаги обрўси ёзувчининг турли давралар, анжуман ва йиғинлардаги у ёки бу мавзулардаги билдирган фикрлари, муносабатларига қараб ўзгариб туради. Масалан, унга фахрий даража берилиши муносабати билан Гарвард университетида бўлган учрашувда социалистик шарқнинг қатағонларини қоралагани каби, капиталистик ғарбнинг материализмини ҳам танқид қилганини эсга олиш мумкин. Шундан кейин ёзувчига «утопик реакционер» деган лақаб қўйишади. Америкалик танқидчи Жозеп Эпстайн 1972 йилда адиб ҳақида ёзар экан, *«ахлоқий зиддият ҳар қандай ҳаракатнинг асосидир»*, дея киноя қилади. Бироқ адиб фаолиятини эътироф этганлар кўпроқни ташкил этади. Югославиялик сиёсатшунос олим Милован Жилас бундай дейди: *«Солженицин рус маънавияти ва тафаккурида юзага келган бўшлиқни тўлдирди. У Россияга унинг қалбини — Пушкин, Гоголь, Толстой, Достоевский, Чехов ва Горькийлар тимсолидаги қалбни қайтарди...»*

Албатта, бу ёзувчининг катта салоҳияти, улкан маҳорати ва кучли фуқаролик позицияси, ўлмас асарлари, чин ватанпарварлиги каби хислатларининг мужассам уйғунлигига берилган муносиб баҳоқодир.

Солженицин шахсий ҳаётда ҳам зиддиятлардан қочиб қутула олмайди. Ростов университетининг физика-математика факультети

талабаси Александр Исаевич Наталья деган қизга ошику беқарор бўлиб қолади. Эндигина ўн саккиз ёшга кирган йигитчанинг ишқий саргузаштлари бошланиб кетади. Талаба Александр билан талаба Натальянинг ўтли муҳаббати охир-оқибат уларнинг бир ёстиққа бош кўйишига олиб келади, 1940 йилда у курсдоши Наталья Решетовага уйланади. Бироқ...

Ҳар доим Александрнинг ҳаёт йўлларида нималардир унга халал берарди. Ҳаётнинг устма-уст келиб тушган аччиқ зарбалари унинг юрагини қон қилиб юборади. Аввалига жонини сугургудек оғрита бошлаган оғир дард юзини заъфарон қилади. Сўнгра эса... Бирданига, кўққисдан бошланиб кетган уруш оловлари уни ўз домига тортади. Шу тариқа севишганларнинг муҳаббат қасрига дарз кета бошлайди. Эҳтимол, у уруш тугамасиданоқ қамоққа олинмаганида ҳаёти унчалик остин-устун бўлиб кетмаган бўлармиди?

Қамоқдалигида турмушга чиқиб кетган хотини 1956 йилда оиласидан ажрашиб, яна Солженицинга қайтиб келади. Аммо дарз кетган оилавий муносабатлар тикланмайди.

Кейинчалик адиб Наталья Светловага уйланади. Уни мамлакатдан чиқариб юборишганидан сўнг иккинчи хотини Наталья Светловага ҳам эрининг ёнига кетишга рухсат берилади.

Эътибор берган бўлсангиз, Солженицин ҳаёти давомида иккита қизни севиб қолган: қизиги шундаки, икковининг ҳам исми Наталья. Яна шуниси ҳайратга соладики, кейинчалик Александр ҳам, Наталья ҳам бошқа-бошқа кишиларнинг севгилиси бўлишган.

Адибнинг ҳаёт йўлини кузатар экансиз, турфа хил ўй-фикрлар хаёлингиздан ўтади. Эҳтимол, Солженицин бир ошнасига Сталин ёқмаслиги ҳақида мактуб ёзмаганида, умри умуман қамоқ нималигини билмай ўтиб кетар эди, сим ортидаги даҳшатли ҳаётни бошидан кечирмасди, бу ҳақда «Гулаг архипелаги»ни ёзмасди ҳам, социализм айни авж паллага кирганида жасорат кўрсатиб, унга очикдан-очик нафрат билан сугорилган асарини ёзмаган, демак, Нобель мукофотини ҳам олмаган бўларди...

Солженицин 1994 йилда ватанига қайтгач, унинг шуҳрати қайта тикланади, лекин мўйсафид адибни обрў-эътибор, молу давлат қизиқтирмасди. Александр Исаевич умри охирлаб қолганда ҳам қаламини қўлдан қўймайди. «Аргументы и факты» газетасида бутун саҳифани эгаллаган мақолалари эълон қилинади. Уларда муаллиф келажакда Россия қандай бўлиши кераклиги ҳақида фикр юритади. 2007 йили Германиянинг «Шпигель» журнаliga берган интервьюсида ҳам ватани ҳақида тўлиб-тўлиб, ўксиб-ўксиб сўзлайди.

Баъзан юксак маҳоратли адиблардан кўра жасорати дунёларни ларзага солган ёзувчиларнинг шуҳрати баланд бўлар экан. Ахир, халқнинг юрагини забт этиш ҳам мислсиз маҳорат эмасми? Россия Солженицин сингари «ўжар» ижодкорларни кўп кўрган. Иван Бунин, Борис Пастернак, Михаил Шолохов, Иосиф Бродский озодлик тараннум этилган

бетакрор асарлари билан халқ қалбини забт эта олдилар. Александр Исаевич эса ўзи бевосита гувоҳ бўлган қабиҳликларни жасорат билан ёритгани учун жаҳон адабиётининг энг обрўли мукофотига сазовор бўлди.

Айтиб ўтганимиздек, ўтган асрнинг 50-йиллари ўрталарида адиб тошкентлик шифокорлар ёрдами билан саратон дарлидан фориг бўлганди, аммо 2008 йилнинг ёзида юрак хуружи унинг изтироб ва ташвишга тўла ҳаётига нуқта қўйди.

Эрк ва адолат учун курашган улуғ адибнинг марданавор ҳаёти, бетакрор ижодидан ибрат олса арзийди. Адибнинг Нобель маърузасидаги ушбу сўзлари ҳам мулоҳазаларимизга далил бўла олади: *«Мардонавор оддий одамнинг оддий қадами ёлғонда иштирок этмаслик, ёлғон хатти-ҳаракатни қўлламасликдир. Ёзувчи ва санъаткорнинг вазифаси мураккаброқ. Улар ёлғон устидан ғалаба қозонишлари лозим. Ёлғон билан курашда санъат ҳаммавақт ғалаба қилган ва ғалаба қилади. Бу — ҳамма учун аён нарса. Ёлғон дунёдаги кўп нарсаларга чидаш беради, лекин санъат олдида ожиз. Ёлғонни салгина пуфлаб ўчирсанг борми, зўравонлик яланғочлиниб қолади ва чириган гавдасини тугтиб туролмай, қулайди».*

ПАБЛО НЕРУДА

Пабло Неруда (Нефтали Рикардо Рейсе Басуальто) 1904 йилнинг 12 июль кунин Чилининг марказий қисмидаги Паррал шаҳарчасида тугилган. Унинг отаси Хозе дель Кармен Рейсе темир йўллари идорасида ишлар, онаси Роза де Басуальто эса мактаб ўқитувчиси эди. Пабло ҳали гўдаклигидаёқ онаси сил касаллигидан вафот этган. Паблонинг отаси Тринидад Кандиа исмли аёлга уйланади.

Неруда иқтидорли бола эди, у ўн ёшидан шеър ёза бошлаган. Ўн икки ёшида

Чили шоираси Габриэла Мистраль билан танишади, бу унинг адабиётдаги қадамларида жиддий ўрин тутган эди. Нефталининг адабиётга қизиқиши оила аъзоларига ёқмас ва улар бунга тиш-тирноги билан қарши чиқишарди. Отаси ва ўғай онасининг газабидан қочиб ёш ижодкор асарларига Пабло Неруда дея имзо қўйган, унинг илк шеърлари 1920 йилда, ўқув юртини тугатган йили «Сельва Астрал» даврий нашрида чоп этилган эди. Охир-оқибат бу унинг расмий исми-шарифига ҳам айланиб кетади.

Кейинги йили Пабло Сантьягодаги педагогика институтининг француз тили факультетига ўқишга киради. Бироқ уни кўпроқ адабиёт,



шаҳардаги адабий муҳит ўзига тортарди. Чили талабалари фестивалида «Байрам қўшиғи» шеъри учун мукофотланади ва мазкур шеърига муаллифлик ҳуқуқини сотиб, илк китоби «Қоронғулик»ни нашр эттириш имконига эга бўлади.

1924 йилда «Муҳаббатнинг йигирма поэмаси ва умидсизликнинг бир қўшиғи» тўплами нашр этилади, йигирма ёшли ижодкорнинг мазкур китобидаги шеърлар очиқ шаҳвоний руҳда ёзилгани билан танқидчиларнинг қаршилигига дучор бўлади. Бироқ, ушбу тўпلام ёш шоирнинг донғини чиқаради, дейиш мумкин. Ажабки, бу шон-шухрат Паблонинг ўқишни ташлаб, бутунлай ижодга, шеърият оламига шўнғиб кетишига олиб келади. «Ўлмайдиган одамнинг хатарли қадами» тўпламида шоир энди шеъриятнинг муайян анъана ва усулларидан воз кечиб, ўз кечинма ва туйғуларини сюрреализмга яқин бўлган тил ва образлар орқали ифода қилади.

Лотин Америкасида таниқли шоир ва ёзувчиларни чет мамлакатларга дипломатик ишларга жалб этиш анъанаси бор. Пабло Неруданинг чекига Бирма, Цейлон, Ҳиндистон, Япония каби бир қатор Осиё давлатларида ўз мамлакати манфаатлари учун хизмат қилиш вазифаси тушади. Айни шу йилларда Голландиянинг Бали оролларида таваллуд топган Мария Антониете Хаагер Вогелзанг билан турмуш қуради, «Бутун олам — яшаш жойим» деб номланган асарларининг илк томи ҳам олам юзини кўради. 1933 йилда Пабло Неруда Буэнос Айресга ўтади ва бу ерда Аргентинага ташриф буюрган испан шоири Габриэль Гарсия Лорка билан танишиш шарафига муяссар бўлади. 1934 йилда Барселонага, кейинчалик Мадридга элчи этиб тайинланган Неруда Лорка ва испаниялик яна бошқа бир қатор шоирлар билан ҳамкорликда «Поэзия учун яшил тулпор» адабий журналининг чиқара бошлайди. Ушбу журналда унинг бир қатор эсселари эълон қилинган. 1965 йилда Мадридда нашрдан чиққан «Бутун олам — яшаш жойим» асарлари тўпламининг иккинчи жилдида биринчисидан фарқли ўлароқ, ғамгинлик ўрнини ҳаётдан хушнудлик ҳисси эгаллаган, шеърларда эпик характер устуворлик касб этган.

Биринчи хотини билан ажрашган Неруда 1936 йилда Делии дель Карриль билан оила қуради. Испанияда фуқаролар уруши бошлангач, унинг шеърлари энди сиёсий тош боса бошлайди. «Испания юрагимда» китоби республикачиларни қўллаб-қувватлаган фуқароларга эътиром назари билан сугорилгани сабаб ҳатто оқолларда қўлма-қўл ўқилган. 1939 йилда шоир Чилининг Мехикодаги элчихонасига, 1941–44 йилларда эса консуллигига котиб вазифасига тайинланган. Шу йиллари Пабло марксизм билан қизиқади, коммунистик партиёга аъзо бўлиб қиради.

1944 йилда Чилига қайтиб келган шоир энди фаол сиёсатчига айланади, сенатор бўлиб Антофагаста ва Тарапака провинцияларининг манфаатларини ҳимоя қилади, орадан икки йил ўтиб ўз чиқишларида

Чили Президенти Габриэль Гонсалес Виделни АҚШнинг қўлидаги қўғирчоқ, деб атаганидан сўнг уни давлатга хиёнат қилганликда айблашади. Пабло яширинча Мексикага чиқиб кетади.

Қувғинликда юриб мексикалик rassomлар Диего Ривери ва Давидо Альфаро Сикейросалар томонидан безатилган ва 340 дан ортиқ шеърлар киритилган «Умумжаҳон қўшиғи» деб номланган монументал асарини эълон қилади. Ушбу китобда Неруда Лотин Америкасининг ўтмиши ва ҳозирги даврдаги ҳаёти, унинг одамлари ва табиати образларини марксистик қарашлар билан шоирона тасвирлаган. Китоб шоирнинг ватани Чилида тақиқланади, уни чилилик коммунистлар яширинча тарқатадилар.

Вақт ўтиб, Чилида сўл фикрли партиялар қарашларига бўлган салбий муносабат юмшайди ва натижада Неруда ҳам ўз ватанига қайтиш имконига эга бўлади. У Чилига қайтгач, иккинчи хотини билан ҳам никоҳини бекор қилиб, Матильда Уррутиага уйланади. Айтишларича, бу аёл унинг кейинги бир қатор асарларини яратишда илҳом берган. «Энг аввалги нарсалар ҳақида қасида», «Қасидалар. Учинчи китоб», «Экстравагария» каби асарлари шулар жумласидандир.

Шоир 1960 йилда Кубага, 1966 йилда эса АҚШга саёҳат қилади. 1970 йилда коммунистлар уни Чили Президентлигига номзод қилиб кўрсатадилар. Дарҳақиқат, у Чилида қайноқ сиёсий ҳаётга шўнғиб кетганди. Коммунистлар сайлов жараёнида социалистлар вакили бўлган Сальвадор Альендани қўллаганларидан сўнг, Неруда ўз номзодини қайтариб олади. Альенда ғалаба қозонгач, Нерудани Чилининг Франциядаги элчиси этиб тайинлайди.

Пабло Неруда 1971 йилда *«Бутун қитъа тақдирини ўзига ғайритабиий куч билан жо қилган шеърятни учун»* Нобель мукофотига ноил бўлади. Тақдирлаш маросимида Швеция академияси вакили Рагнар Гиров адибнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятига тўхталиб, *«Неруда Испанияда мазлумларга ёрдам қўлини чўзиб, ўз ватанига – ўзининг ўтмиши билан ғурурланадиган ва келажакдан умиди катта бўлган ватанига садоқатини кўрсатгани»*га ургу беради.

Неруда «Нурли шаҳар орзусида» деб номланган Нобель лекциясида ўзининг Андага қилган сафарига тўхталади. *«Менинг ўзим чекка ўлкада, катта дунёдан бешафқат жўғрофия туфайли ажралиб қолган мамлакатда туғилдим. Мен шоирларнинг энг кўзга кўринмаси эдим, менинг поэзиям маҳаллий эди. Бироқ мен инсонга доим ишониб яшадим, ҳеч қачон ноумид бўлмадим. Эҳтимол айнан шунинг учун ўз поэзиям ва шоирларим билан мана шу жойларга келиб турибман»*, – деган эди у.

Неруда 1950 йилда Халқаро Тинчлик мукофотига, Оксфорд университети фахрий профессори даражасига эришган адибдир.

Неруда ўзидан қирқдан ортиқ шеърый тўпламлар, таржималар, шеърый драматик асарлар қолдирган бўлса, уларнинг ҳар бири тил ва композиция бобида адабий изланишлар, тадқиқотлар эди, дейиш мумкин. Инглиз шоири ва танқидчиси Алластер Рид Неруда ҳақида

шундай ёзган эди: «Унинг асарларини ўқир эканман, менда шундай таассурот қолдики, у биргина шоир эмасди, у бутун бошли адабий ҷеҳга ўхшайди. Уянгица усул қидиришдан кўра кўпроқ эскисидан воз кечишни хуш кўради. У кўп овозли шоир эди». Ренеде Коста «Пабло Неруда поэзияси» монографиясида «Неруданинг кўплаб асарлари йигирманчи аср испан шеърятини ривожлантиришида марказий ўрин тутди», деб ёзган эди.

Чилилик адабий танқидчи Фернандо Аллегрита 1962 йилда шундай ёзди: «Кимки шоирга унинг сиёсий қарашларидан келиб чиқиб ишончсизлик билан қараса, хато қилади, чунки тасодифий ташвиқотлар учқунларига қизиқиш билдириб, у ҳеч қачон Неруда санъатининг асл аҳамиятини англаб етмайди, ахир шоир Лотин Америкаси халқларининг қалбини испан бароккоти поэзиясининг чўққисига етган даражадаги услубда изҳор этган».

Албатта, ҳамма танқидчилар ҳам Неруданинг марксистик қарашларини ҳазм эта олмаган. Чунончи Андерсон Имберт «коммунистик реализмга мурожаат қилиб ...шоир баландпарвозлик, демагогия ва носамимийлик билан товон тўлади», дейди. Айни пайтда Алестер Рид шундай ёзган эди: «Агар биз Неруда даражасидаги шоирни ўз ҳаётимиз мазмунидан келиб чиқиб гўл ва номақбул деб топар эканмиз, бу бизнинг хатоимиз бўлади».

Пабло Неруда 1973 йилда Сантьяго шаҳрида оққон касаллигидан оламдан кўз юмади.

ГЕНРИХ БЁЛЛЬ



Немис адиби Генрих Теодор Бёлль 1917 йил 21 декабрда Райн водийсидаги йирик шаҳарлардан бири бўлган Кёльнда таваллуд топган. Отаси Виктор Бёлль қимматбаҳо мебеллар ясовчи эди.

Генрих болалигиданоқ ҳикоя ва шеърлар машқ қилиб юрарди, ўрта мактабни тамомлагач, мажбурий меҳнат хизматиға жалб этилган. 1939 йилдан ҳарбийда бўлади, Шарқий ҳамда Фарбий фронтларда капрал бўлиб хизмат қилади. 1945 йилда у америкаликларга асирга тушиб, Франциядаги ҳарбий асирлар лагеридида бир неча ойлар ҳибсда сақланади.

Она шаҳриға қайтиб келгач, Бёлл озгина фурсат Кёльн университетидида таҳсил олади, кейин эса отасининг шаҳар демографик статистика бюросидидаги устахонасида меҳнат қилади, аммо ижодини тўхтатиб қўймайди. Фронтга қайтиши зарур бўлган, аммо у ерда уни

ўлим кутиб турган ёш ҳарбийнинг тақдири ҳақидаги илк асари — «Поезд вақтида етиб келди» қиссаси танқидчилар томонидан илиқ кутиб олинади. Бу асар Бёллнинг кейинги асарлари каби урушнинг маънисизлиги ва урушдан кейинги йилларнинг оғир юки ҳақида эди.

1959 йилда чиққан «Тўққиз яримда ўйналган бильярд» романида кельнлик архитекторлар оиласининг тақдири ҳикоя қилинади. Гарчи асар воқеалари бир кунлик ҳаёт билан чегараланган бўлса-да, адиб хотира ва чекинишлардан унумли фойдаланган ҳолда, уч авлод ҳаётини қаламга олади — роман панорамасида Германиянинг кайзер Вильгелм ҳукмронлиги давридан то 50-йиллардаги янги тараққий топа бошлаган давригача қамраб олинган. «*Бу китоб, — деб ёзган эди мазкур роман ҳақида таниқли танқидчи Генри Плард, — ўқувчига улкан таскин беради, унда инсоний муҳаббатнинг руҳий малҳам эканлиги маҳорат билан кўрсатиб берилган.*»

Олтмишинчи йилларга келиб, Бёллнинг асарлари композиция жиҳатидан янада мукамаллик касб эта боради. «Масхарабоз нигоҳи билан» деб номланган қиссасидаги воқеалар ҳам бир кунда бўлиб ўтади. Бош қаҳрамон ёш йигит бўлиб, у асар давомида телефон орқали мулоқотларга киришади ва асар ҳикоялари унинг номидан амалга оширилади. Қаҳрамон ҳазил-хузул қилиб, урушдан кейинги одамлардаги гамгинлик кайфиятини камайтиришга ҳаракат қилади. Бёллнинг «Сўроқсиз келмаган» (1964) ва «Бир сафар интиҳоси» (1966) асарларининг мавзуси расмий ҳокимиятга қарши руҳда яратилган. «Хоним билан гуруҳдаги портрет» унинг аввалги барча асарларига нисбатан муфассал ва мукамал бўлди. Лени Пфейффер ҳақидаги репортаж ва интервьюлар шаклидаги бу романда яна олтмиш кишининг тақдири очиб берилади. «*Ярим аср давомида немис миллати тақдирини кузатиб бориб Лени Пфейффер ҳаёти тимсолида умуминсоний қадриятларни тараннум этувчи роман яратди*», — деб ёзган эди танқидчи Ричард Локк.

Ушбу роман ёзувчига Нобель мукофотини тақдим этиш маросимида ҳам тилга олинган. 1972 йилда «*характерлар яратиш борасидаги юксак маҳорати билан ҳаёт ҳақиқатини кенг қамраб олган ҳамда немис адабиётини тиклашга улкан ҳисса бўлиб қўшилган ижоди учун*» Бёлль Нобель мукофоти билан тақдирланади.

Карл Рагнер Гиров ўз сўзида ушбу тикланишни худди маданиятнинг кулдан қайта туғилишига тенглаштиради. Бёлль Нобель мукофоти билан тақдирлангач, унинг китоблари Европанинг ғарбида ҳам, шарқда ҳам кенг тарқалади. Шу билан бирга, у ёзувчиларнинг халқаро ташкилоти Пен-клуб фаолиятида ҳам катта роль ўйнайди ва коммунистик режимдаги мамлакатларда сиқувга олинган кўплаб ижодкорларни қўллаб-қувватлайди. 1974 йилда Солженицин ватанидан қувғин қилинган, Парижга кетгунича Бёллникидан кўним топган.

Бёлль 1942 йилда Анна Мари Чехга уйланган. Улар икки ўғил кўришган. Хотини билан Бернар Маламуд ва Сэлинжер каби бир қатор

Америка ёзувчиларининг асарларини немис тилига таржима қилади. Бёлль 67 ёшида Бонн яқинида яшайдиган ўгилларидан бириникида меҳмонда эканида оламдан кўз юмади. У вафот этган йили, яъни 1985 йилда унинг биринчи романи «Аскар мероси» босилиб чиқади. Асар 1947 йилда ёзиб тугатилган, ammo илк бор орадан қарийб қирқ йил ўтгач нашр этилаётган эди. Мазкур асарда уруш вақтида Атлантика ва шарқий фронтдаги қонли воқеалар қаламга олинган. *«Романда озгина кучаниш йўқ эмас, — дейди америкалик танқидчи Уильям Бойд, — ammo асар пишиқ ва ўта залворли, ундан аниқлик ва доноликнинг ҳиди келади».*

Бёллни танқид қилганлар ҳам талайгина. Масалан, америкалик адабиётшунос олим Роберт Конард уни метёридан ортиқча сентиментализм ва идеализмда айблади. *«Бу борада меъёрдан чиқиб кетиши сабабли, — дейди у, — ёзувчи асарларида ўзи хоҳлаган фикрни аниқ-тиниқ етказиб бера олмаган ҳолатларга дуч келиш мумкин».*

«Бёлль Германиянинг адабий харитасига нафақат ўзигагина тегишли бўлган янги бир воҳа олиб кирди, — дейди Циолковский, — балки асримизнинг ўрталарига келиб, Германия маиший ҳаётини ёритишдаги илғор ижодкор деган номга ҳам лойиқ ёзувчига айланди».

«Ёзиш ва профессионал ёзувчи бўлиш мутлақо бошқа-бошқа нарса, — деб ёзган эди Бёлль. — Мен шеърлар, кичик-кичик ҳикоялар ёзишни жуда эрта бошлаганман, ammo ҳақиқий ёзувчи даражасига урушдан кейинги йилларда етиб келдим...»

ПАТРИК УАЙТ



Патрик Виктор Уайт 1912 йил 28 май куни Англияда Европа бўйлаб саёҳат қилаётган бадавлат австралияликлар Рут ва Виктор Уайтлар оиласида таваллуд топган. Бола дунёга келганидан олти ой ўтиб оила ватанига қайтади.

Ўн уч ёшидан Буюк Британиянинг Челтенхем шаҳридаги мактабда ўқий бошлаган Уайт таҳсилни Кембриждаги Қиролик коллежида давом эттиради ва инглиз, немис, француз адабиётини жиддий ўрганadi.

1935 йилда адибнинг «Кўшчи» ва бошқа поэмалар» деб номланган китоби босмадан чиқади. Уайтнинг биринчи насрий асари «Бахт водийси» 1940 йилда Америка Кўшма Штатларидаги «Вайкинг-пресс» нашриётида босилган.

Иккинчи жаҳон уруши бошланган йили унинг «Тириклар ва ўликлар» асари нашрдан чиқади, ундаги воқеалар аср бошида Лондонда бўлиб ўтади. Уруш вақтида Патрик Британия ҳарбий ҳаво кучлари таркибида хизмат қилган.

«Абиссинога қайтиш» пьесаси Уайтнинг урушдан кейин эълон қилган илк асари эди. Пьеса бир муддат Лондон театрларида қўйилади. Ёзувчининг «Холамнинг тақдири» деб номланган навбатдаги романи Англия ва АҚШда илиқ кутиб олингани ҳолда, ижодкорнинг ватани Австралияда эътибор қозонмайди. Ёзувчининг биринчи жиддий асари ҳисобланган ушбу роман марказида ўз олами билан яшайдиган ва, охир-оқибат, ақлдан озадиган Теодор Гудмен шахси туради.

1951 йилда Уайт навбатдаги романи – «Одам дарахти» устида иш бошлайди. Асар тез фурсатда ёзувчига катта шуҳрат келтиради. Бриссенден роман ҳақида шундай ёзган эди: «*Дарахт*»ни *танқидчилар буюк роман, Уайтни эса буюк романнавис деб атамоқдалар...*» Танқидчиларнинг Уайтни Томас Гард, Лев Толстой ва Лоуренслар билан бир қаторга қўйиб баҳолашлари бежиз эмас эди, албатта. Роман Австралия дашгларида ферма қуриб, шу ерда фарзандларини ўстирган эр ва хотин ҳақидаги ўзига хос достон эди, вақти келиб уларнинг уйлари ўрнида шаҳар пайдо бўлади. Ёзувчи қаҳрамонларининг ҳаёти тимсолида, умуман инсоният, одамзод ҳаётининг аҳамияти ва улугворлигини кўрсатишга ҳаракат қилади.

Ёзувчининг энг сара асарларидан бири «Фосс» (1957) романи Австралиянинг шарқидан ғарбигача кезиб чиқишга ҳаракат қилиб, 1848 йилда бедарак йўқолган саёҳатчи Людвиг Лейхартнинг бошидан ўтказганлари ҳақида, яъни бу шахс асарнинг прототиби бўлиб хизмат қилган.

«Аравада кетаётганлар» романида Австралиядаги Сарсапарилл номи билан юритиладиган шаҳарчада истиқомат қилиб, одамлардан чеккага чиқиб қолган тўрт нафар омадсиз кишининг тақдири ҳақида ҳикоя қилинади. Ёзувчининг кейинги романи «Тумор»да ҳам воқеалар айнан Сарсапариллда бўлиб ўтади. Унда маънавий томондан бир-бирига зид фикрловчи эгизак ака-ука Вальдо ва Артурлар ҳаёти акс эттирилган.

Уайт етмишинчи йилларда ўта баракали ижод қилган. «Барглардан ҳосил бўлган популар», «Твайборн иши», «Вивисектор», «Тўфон йўли», «Бирваракайига ҳаммаси ҳақида» романлари, «Катта ўйинчоқлар», «Моҳир ҳайдовчи» пьесалари, «Тўтиқушлар» тўплами унинг кейинги йилларда яратган, китобхонлар ва адабиёт аҳли назарига тушган асарларидир.

Ёзувчи 1973 йилда «*янги адабий қитъа очган эпик ва руҳий ижодий маҳорати учун*» адабиёт соҳасидаги Нобель мукофоти билан тақдирланган. Артур Лундквист ўз маърузасида «*Уайт, гарчи дунёқараш ва санъатни ҳар доим шубҳа остига олса ҳам, унинг асарларида ҳар иккиси ҳам мавжуд*», дейди. Уайт одамови шахс бўлиб, ташвиқотларни ёқтирмас, ўзича ҳаёт кечирар эди. У мукофотни тақдим этиш маросимида ҳам бормаган. Унинг учун мукофотни австралиялик бошқа бир ижодкор Сидни Нолан олган.

ЭЙВИНД ЙОНСОН



Эйвинд Улуф Вернер Йонсон 1900 йил 29 июлда Швециянинг шимолий қисмида жойлашган Норботтен провинциясидаги Салтшобаден шаҳарчасида таваллуд топган. Отаси конда ишлаган, бола тугилганидан кўп ўтмай руҳий хасталикка чалинган. Онаси Севия бир вақтнинг ўзида ҳам касал эрига ва ҳам фарзандига қарай олмагач, Эйвиндни қариндошлар тарбиясига беришга мажбур бўлган.

Ўн уч ёшида мактабдан кетган Йонсон шагал ишлаб чиқарадиган фабрикада ишлай бошлайди. Ўсмир Эйвинд вақт топиб мумтоз, айниқса, грек адабиётини чуқур ўрганади. У ўн тўққиз ёшгача бу ерда ер қазувчи, электр устасининг

ёрдамчиси, сувоқчи, ўрмон кесувчи, завод ишчиси, конфет сотувчиси, киномеханик, касабакўм котиби вазифаларида ишлаб улгуради. 1919 йилда Стокгольмга келиб ижод билан шугуллана бошлайди. Икки йилдан сўнг қашшоқликдан ҳориган Йонсон аввал Берлинга бориб газетада ишлайди, кейин эса Париждан кўним топади. Бу улкан шаҳарда ёш ёзувчи етти йил мобайнида таваккалига топилган пуллар эвазига кун кечиради. Бу унинг қисқа ҳикоялари ва романлари, Швеция матбуотиغا ёзган мақолаларининг қалам ҳақлари эди. 1927 йилда адиб Оза Кристоферсенга уйланади.

Унинг «Тиманлар ва адолат», «Зулмат қаъридаги шаҳар», «Ёругликдаги шаҳар» деб номланган илк уч романида Андре Жид, Марсель Пруст, Жеймс Жойс, Зигмунд Фрейд ва Анри Бергсон каби ёзувчиларнинг янги гоёлари ва услубий топилмаларини учратиш мумкин.

Йиллар ўтиб, ёзувчи адабиётда ўз ўрнини, ўзига хос услубини топа олган. «Юлдузнинг учишига изоҳлар» деб номланган романида капиталистик жамиятдаги коррупцияни фош этади. Мазкур асарда адиб швед адабиётида биринчи бўлиб Жойс томонидан яратилган «тафаккур оқими» техникасини қўллайди. Инглиз танқидчиси Гэвин Ортон роман ҳақида тўхталиб, муаллиф ундаги воқеаларни ажабтовур фантазияга йўйган ҳолда талқин қилгани билан «*буни руҳий ҳужжат эмас, балки тасаввур ўйини*», дея баҳолайди.

1930 йилда Швецияга қайтгач, адибнинг «Гамлет билан видолашув» романи эълон қилинади. 1934 йилдан то 1937 йилгача яратилган «Улуф ҳақида роман» деб номланган, ўсмирлар ҳақидаги тўрт томлик дурдона асар швед адабиётининг классик намунасига айланади. Асар қаҳрамони

ўн тўрт ёшли гўр ўсмир Улуф Персон якунга келиб ишчилар ҳаракатининг ўн тўққиз ёшли оташин йўлбошчисига айланади. Бу билан муаллиф бир ўсмирнинг ҳаёти ва дунёқараши, тақдири мисолида Швеция ишчилар синфининг тарихини ҳам очиб беради.

1936 йилда Йонсоннинг хотини вафот этади ва орадан икки йил ўтиб, Силла Франкенхойсерга уйланади. Бу аёл ёзувчи ва таржимон эди, улар уч фарзандли бўлишади. Уларнинг ўзаро ижодий бирлиги ва ҳамкорлиги сабаб Камю, Франс, Сартр ва Ионеско асарлари, шунингдек, дания, немис ва инглиз тилларидаги бир қатор нодир асарлар швед тилига ўгирилган.

1941 йилдан 1943 йилгача адиб узундан узоқ, шаклан мукаммаллаштирилган трилогия асари — «Крилон»ни яратишга киришади. Асарнинг дастлабки боблари 1941 йилдаёқ эълон қилинган, 1943—1945 йилларда қайта нашрдан чиққан. Асар баёнида нейтрал Швецияда уруш вақтида ўз қиёфасини йўқотиб қўймасликка интилиб яшаган стокгольмлик ер агенти Йоханес Крилоне ва унинг ҳамкорлари тақдири ҳақида ҳикоя қилинган. 1946 йилда ёзувчининг «Тўлқин» асари нашр этилган.

Йонсон қирқинчи йилларнинг охирига келиб Швециянинг ЮНЕСКОдаги вакили сифатида Европа бўйлаб саёҳат қилади. 1949 йилда «Атиргул ва олов орзулари» романини ёзади. Романда ўн еттинчи асрда Францияда, Луден шаҳридаги жодугар кампирлар устидан бўлиб ўтган суд жараёнлари қаламга олинади. Бу мавзу Олдос Хаксли ва Жон Уайтинг каби ёзувчиларни, Кен Россел каби режиссёрларни ҳам қизиқтириб қўяди.

1953 йилда ёзувчи Гётебург университетининг фахрий докторлиги даражасини олади. «Метапольшон устидаги булут» романи олам юзини кўргач, Йонсон Швеция академиясига аъзо бўлиб сайланади. Буюк Карл томонидан забт этилган мамлакатдаги тоталитаризм ҳақида ҳикоя қилувчи «Унинг ёғдуси билан яшалган умр» романи ёзувчига Скандинавия кенгашининг адабий мукофотини олиб келади. Ундан сўнг адибнинг «Қамоқхонадагилар ҳақидаги роман»и босилиб чиқади.

1974 йилда Швеция академиклари Йонсонни *«Макон ва вақтни кўра олган ва озодликка хизмат қилган ҳикоячилик санъати учун»* адабиёт соҳасидаги Нобель мукофоти билан тақдирлашга қарор қилади. Йонсон ушбу мукофотни ўз ватандоши Харри Мартинсон билан бирга олади. Нобель қўмитасини узоқни кўра олмасликда айблаганлар топилади, албатта, аммо академия аъзоси Рагнар Гиров ўз сўзида ҳар икки лауреатнинг адабиётга олиб кирган тажрибаси ва ижодий энергиясига юқори баҳо беради, улар бузиш ва ўзлаштириш учун эмас, балки адабиётни ўз истеъдодлари билан бойитиш учун келишганини таъкидлайди. Йонсон ўзининг жавоб маърузасида *«ҳозиргача яратилган ва келажакда яратиладиган ҳар қандай улуг асарларнинг марказида инсон туриши»*га ишонишини билдирди.

Аср бошида таваллуд топган ёзувчи айнан мана шу давр, йигирманчи асрга хос бўлган муаммолар билан яшайди, шу муаммолар устида ўйлаб ижод қилади. У 76 ёшида Стокгольмда вафот этади.

Унинг қирқ олти китобидан ўттизтаси романлардир. Шулардан бор-ўйги тўрттаси инглиз тилига таржима қилинган, холос. Скандинавия оролларида олисда яшовчи китобхон учун Йонсон очилмаган кўриқ, уни хорижда яхши билишмайди. Аммо олимлар, тадқиқотчилар ёзувчи ижодини чуқур ўрганишган. Швециялик адабий танқидчи Ларс Варме Йонсонни *«рационалист ва гуманист»*, дея таърифлаган. *«У ўз асарларида демократияни, соғлом ақлни ва инсонгарчиликнинг маълум ва маъқул меъёрларини ҳимоя қилади, — дейди Варме. — Истеҳзо ва киноя тўнини кийдирган эҳтиросли нафрат билан зўравонлик, зулм ва шафқатсизлик орқали ҳокимият сари интилаётганларга қарши чиқади»*.

ХАРРИ МАРТИНСОН



Швед ёзувчиси Харри Мартинсон 1904 йилнинг 6 май куни мамлакат жанубидаги Блекинг провинцияси ҳудудида жойлашган Йемсхёг шаҳарчасида таваллуд топган. Отаси Мартин Олофссон денгизда узоқ сузиш капитани бўлиб, у Харри эндигина олти ёшга тўлганида вафот этган. Шундан кейин кўп ўтмай, Харрининг онаси уни ва яна олти нафар қизини ташлаб, Америкага кўчиб кетади ва болалар мамлакатдаги ночор ҳолатдаги меҳрибонлик уйларида бирига жойлаштириладилар. Мартинсон болалигини турли меҳрибонлик уйларида ўтказган. Биринчи жаҳон уруши поёнига етгач, Мартинсон ҳали балоғат ёшига етмаган бўлса-да, Гётебургга бориб порт-

даги кемалардан бирига шогирд бўлиб ишга жойлашади. 1920 йилдан 1927 йилгача Харри 14 та кемада гоҳ ўт ёқувчи, гоҳ матрос бўлиб юради. У Ҳиндистон, Хитой ва Жанубий Америка портларида кемадан қочиб кетар ва бу портларда юк туширувчи бўлиб ишлар ёки дайдиб юрарди. Охир-оқибат сил касалига чалинган Харри кўп қийинчиликлар билан бу хасталикдан халос бўлади. У денгиз билан хайрлашади. Ҳали ўсмир бўла туриб, ҳаётнинг оғир синовларидан етарлича тотиб улгурган Харри ўзи учун шеърлар ёза бошлаган эди.

1929 йилда Мартинсон ёзувчи Моа Шварцга уйланади. Таъкидлаш жоизки, Моа Харридан қарийб ўн тўрт ёш катта эди. Шу йили унинг «Кема — кўланка» деб номланган илк шеърий тўплами чиқади. Айтиш

керакки, ушбу тўпладан Киплингнинг «Денгиздаги кун кечирган оилалар»и, швециялик танқидчи ва модернист шоир Артур Лунквист асарларининг ҳиди келарди. Мартинсоннинг навбатдаги «Беш нафар навқирон» тўпламига кирган шеърларида ҳам айнан Киплингнинг, ундан кейин Уолт Уитмен, Карл Сендберг ва Эдгар Ли Мастерсларнинг таъсири яққол сезилса-да, танқидчилар ушбу шеърларида биринчи тўпладмига нисбатан анча мустақил қарашлар мавжудлигини эътироф этишади.

1931 йилда шоирнинг навбатдаги «Кўчманчи» тўплами чоп этилади. Айнан мана шу китобдан кейин Мартинсон адабий жамоатчиликда янги бир шоир, мустақил ижодкор пайдо бўлаётганига умид уйғота олади. Китобда ҳақиқатан ҳам етарлича пишиқ-пухта ва қофиясиз, оқ шеър услубидаги асарлар жамланган эди. Пуризм тарафдори бўлган шоирлар китобдаги шеърларга хос ноанъанавий тилни, «Кўчманчи» услубидаги гап тузилиши, яъни синтаксисни қабул қилолмаган бўлса-да, кўпгина танқидчилар асарнинг оригиналлиги ва янгилигидан ҳамда ифодаларга бойлигидан ҳайратга тушадилар. Америкалик шоир ва танқидчи Алрик Густафсон Мартинсон поэзиясидаги мукамаллик ва тажриба характерига тушунтириш берар экан, шоир таассуротларининг кучи ва ҳайратини оддий тил билан етказиш имкони йўқлигини алоҳида таъкидлайди.

Мавзу нуқтаи назаридан шоирнинг «Замонавий лирика», «Кўчманчи» ва «Табиат» тўплаларида примитивликнинг чўққисига эришилган, деб топади кўпгина танқид усталари. Ушбу тўплалардаги аксарият шеърлар орқали оддий меҳнаткаш одамларнинг меҳрлилиги, оқибати, табиат билан уйғун бўлган яхшилик уруғлари замонавий жамиятнинг иллатларига қарши қўйилади. Мартинсоннинг «Мақсадсиз саёҳатлар», «Видолашув буруни» каби йўл очеркларида беғам, дайди одамнинг тимсоли гавдаланган. Бу очерклар ҳам танқидчилар томонидан илиқ кутиб олинади.

Ушбу йўл очеркларидан сўнг, 1935 йилда Мартинсон ўзининг илк романи — «Қичитқининг гуллаши» асарини ёзиб тугатади. Роман Мартинсоннинг оғир болалик йилларини эсга солади. Ушбу асар эълон қилинган, орадан бир йил ўтиб, иккинчи роман — «Ҳаётга йўл» олам юзини кўради. У ёзувчининг ўсмирлик йилларини гавдалантирган асардир. 1934 йилда Мартинсон хотини билан солиқ совет иттифоқига келади ва ёзувчиларнинг биринчи съездида иштирок этади. Албатта, унинг бу мамлакат ҳақидаги таассуротлари ҳеч ҳам қувонарли эмасди. 1939 йилда Совет — фин уруши бошланган, ёзувчи Швециянинг кўнгил-лилари корпусига ёзилади, аммо соғлиги ёмонлашгани сабаб у ердан кетишга мажбур бўлади. Дард билан олишиб ётар экан, ёзувчи «Ўлимга қарши ҳақиқат» очеркини ёзади. Унда Европадаги тоталитаризмга қарши курашга чақириқ бор. 1940 йилда адиб хотини билан ажрашади.

Иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги йилларда Мартинсон депрессия ҳолатида кун кечирган бўлса-да, унинг 1945 йилда эълон қилинган «Пассат» тўпламидан жой олган шеърларида руҳий аниқлик ва мувозанатни кузатиш мумкин. Тропиклардан экваторга томон доим

эсиб турадиган куруқ шамол, яъни пассат ҳақида сўз юритиб, шоирнинг ўзи бу шамолни инсониятнинг ўз шахсий фикрини эркин ифода қилишга интилишининг тимсоли, дея баҳолайди.

1948 йилда олам юзини кўрган «Клокрикка йўл» романи Мартинсоннинг урушдан кейинги йиллардаги ижодида алоҳида ўрин тутувчи асар ҳисобланади, 1956 йилда нашрдан чиққан «Аниара. Одам, вақт ва макон ҳақида» деб номланган эпик поэма ҳам танқидчиларга маъқул келади.

Мартинсон Швеция академиясига аъзо этиб сайланади. Ҳаваскор ёзувчининг бундай мартабага лойиқ топилиши катта шараф эди, албатта.

«Аниара» 103 қўшиқдан иборат фалсафий поэма бўлиб, унда ердаги атом фожиасидан қўрқиб коинотга космик кемада қочиб жон сақлашга интилаётган саккиз минг нафар қочоқларнинг тақдири ҳақида гап кетади. Айни пайтда бу асар маънавий қадриятлардан мосуво бўлган инсониятнинг рамзий тарихи ҳамдир. Карл Биргер Бломдал поэма мотивлари асосида опера ҳам ёзган.

Шоирнинг «Чирилдоқ» (1953), «Туладаги майсалар» (1958), «Арава» (1960) тўпламларида ўша ётсираш ва бегоналашиш мавзуси бор. «Арава» тўпламига турли қарашлар эълон қилинган, бундан кўнгли озор чеккан шоир бошқа шеър ёзмаликка қарор қилади. Аммо 1971 йилда унинг «Ёруғлик ва зулмат ҳақидаги шеърлар» номли шеърый тўплами босмадан чиқади, 1973 йилда эса «Ўнқир-чўнқирлар оралаб» китоби нашр этилади. «Вейдан олинган уч пичоқ» кейинги йилларда яратилган пьесалар орасида алоҳида ўрин тутади.

1974 йилда «*Шудринг томчисидан тортиб коинотгача — ҳамма нарса мужассам бўлган ижоди учун*» Мартинсон адабиёт соҳасидаги Нобель мукофоти билан тақдирланади.

Лейф Шёберг Мартинсоннинг адабий ютуқларига тўхталар экан, унинг «Аниара» *достонини даврининг энг нодир поэмаларидан бири*, дея таърифлайди. «*Мартинсоннинг услуб ва тил борасидаги ўзига хос ютуқлари даражасини фақатгина Стиндбергининг новаторлигига тенглаш мумкин*». — дейди Шёберг.

Кристофер Хауэлл эса Мартинсоннинг шеърый тил бойлигини алоҳида таҳсинга сазовор топиб, бу тил ниҳоятда аниқлиги ва мутлақо айнан ифода этиши билан кучли эканини таъкидлайди. Мартинсон 1978 йилда 73 ёшида Стокгольм шаҳрида вафот этади. Нобель мукофотидан ташқари у Гётебург университетининг фахрий докторлиги, шунингдек Хенрик Стеффенс номидаги халқаро мукофотга ҳам сазовор бўлган эди.

ЭУЖЕНИО МОНТАЛЕ

Эуженио Монтале 1896 йилда Генуяда Доменико ва Джузеппина Монталеларнинг кўп болали оиласида туғилган. Болакай ўн тўрт ёшга кирганида жиддий касалликка чалинади ва мактабга бора олмай қолади.

У кўп китоб ўқий бошлайди, хусусан француз ва итальян классик адабиёти, Шопенгауэр, Кроче ва Бергсон асарларини мутолаа қилади.

1917 йилда Италия биринчи жаҳон урушига киришар экан, Монтале фронтга боради ва Австрия пиёда қўшинлари таркибида жангларга киради. Икки йил ўтиб, Генуяга қайтиб келади ва ижод қила бошлайди. Бу ерда 1922 йилда ташкил этилган адабий журнални оёққа турғизишда иштирок этади. 1925 йилда шоирнинг «Каракатица совути» деб номланган китоби босмадан чиққач, унинг ижодига жиддий қарай бошлайдилар. Бу пайтда итальян поэзиясида урфга кирган Габриэле Д Аннуционинг услубидан фарқли ўлароқ, Монтале ортиқча дабдабозликдан қочади. *«Мен яланғоч ҳолда, фақат энг муҳимини ёзишни истар эдим. Мен ранг-барангликка бирликни уйғунлаштириш ҳамда шу билан ҳар қандай ортиқча нарсалардан халос бўлишни хоҳлардим»*, деб ёзган эди Монтале бу ҳақида. «Каракатица совути»ни итальян танқидчилари ҳар қандай адабиёт шартларидан ҳоли бўлган тугалланган бадиий асар, дея баҳолашади.



Монтале 1927 йилда Флоренцияга бориб, босмаҳонада ишлайди, кейин эса машҳур Габинетто Вьеса кутубхонасига директор этиб тайинланади. Ойлик маоши оз бўлса-да, бу жой уни қониқтирар эди, чунки у замонавий адабиётнинг улкан кутубхонасига эгалик қиларди.

30-йилларда Друзилла Танци билан танишади. Улар орадан қарийб йигирма йил ўтиб, яъни эллигинчи йилларга келиб никоҳдан ўтишган. Уларнинг фарзандлари бўлмаган, Друзилла 1963 йилда вафот этган.

1938 йилда Монталени фашистлар партиясига киришдан бош тортгани учун кутубхона директорлигидан бўшатиб юборишади. 1939 йилда чоп этилган «Ҳолат» тўпламига кирган шеърларида, гарчи уларда сиёсатдан кўра севги мавзуси кўпроқ ўрин эгаллаган бўлса-да, Монталенинг фашизмга қарши бўлганлигини сезиш мумкин.

Муссолини ҳокимиятни тобора мустаҳкамроқ эгаллаб борар экан, Монтале жамоагчилик ишларидан ўзини тортади ва гарб адабиёти билан шуғуллана бошлайди. У бу пайтда Шекспир, Мелвилл, Южин О'Нил, Элиот, Уильям Батлер Йитс асарларини таржима қилади. Иккинчи жаҳон урушининг илк йилларида бир қадар эҳтиросли шеърлар ёзиб, уларни «Финистерре» тўпламига киритади ва Швейцарияда нашр қилдиради.

Монталенинг 1956 йилда чоп этилган «Бўрон ва ҳоказо» шеърий тўплами аксарият танқидчиларнинг эътирофича, адибнинг пухта ва таъсирчан шеърларидан таркиб топган. Уларда шоир илгаридан унга

яқин бўлган мавзулар – қатагон, айрилиқ, ёлғизлик ва, албатта, ўзликни англашга бўлган ички бир эҳтиёж мавзуларини устувор қўйган. Адибнинг охириги уч китоби – «71 ва 72-йил кундаликлари», «Сатура», «Тўрт йил учун ён дафтар»да олдингиларидан фарқли ўлароқ, ишонч ва юмор туйғуси устун келади.

1972 йилда Монтале «*чуқур самимияти ҳамда ифодалилиги билан алоҳида ажралиб турувчи, ҳаётга хомхаёллардан ҳоли бўлган қарашларни сингдирган улкан ижодий ютуқлари учун*» Нобель мукофоти билан тақдирланади. Швеция академияси аъзоси Андерс Эстерлинг ўз маърузасида Монталедаги глобал тушкунликни эътироф этиш билан бирга, шоирнинг тўсиқларни енгиб ўтишда, ҳаётни давом эттиришда ишонч учкунларини ўзида жамлаган кўникишини ҳам таъкидлаб ўтади. Нобель маърузасининг «*Поэзия яшаида давом этадими?*» деб номланганлигининг ўзиёқ Монталенинг катта пессимист эканидан далолат бериб турибди, албатта. «*Нима бўлганда ҳам, – дея таъкидлайди ўз чиқишида Монтале, – тарих кўрсатмоқдаки, санъатни йўқ қилиб юбориш мумкин эмас*».

Шоир бир сафар ўзига хос лўндалик ва қисқалик билан шундай деган эди: «*Мен поэзияни изламайман. Мен поэзиянинг қачон менга келишини кутаман*».

Монтале 1976 йилда Италия сенатига умрбод аъзо этиб сайланади. У бир қанча адабий мукофотлар билан бирга Милан, Рим ва Кембриж университетларининг фахрий дипломлари билан ҳам тақдирланган.

Адабий жамоатчиликда шундай хулоса борки, Монтале сафдошлари Жузеппа Унгаретти ва Сальвадор Квазимодолар билан бирга итальян поэзияси мактабига яқин туради. Баъзи танқидчилар Монталени Элиотга ўхшатишади. Инглиз романнависи ва танқидчиси Ребекка Уэст Монталенинг «енгил» шоир бўлмагани ҳолда, унинг ҳеч қайси адабий оқимларга мансуб эмаслигини ҳам айтади. «*Унинг меҳнатидан бунёд бўлган поэзия, – дейди Уэст, – у таҳлил қиладиган экзистенциал ва маънавий муаммоларни ҳал этишни таклиф этмайди. Шоир учун муҳими, Монталенинг ўзи айтмоқчи, инсоннинг шахсиятидир*».

Монтале 1981 йилнинг 12 сентябрь куни вафот этган.

СОЛ БЕЛЛОУ

Америкалик романнавис Сол Беллоу (Соломон Беллоуз) 1915 йилда Монреал яқинидаги Лашино қўрғонида таваллуд топган. 1913 йилда бир гуруҳ яҳудийлар қатори унинг отаси Абрахам Беллоуз ҳам Канадага кўчиб кетган ва кейинчалик Америкага борган эди. Сол ўша йилларда Шекспир асарларини ўқийди, XIX аср адабиётини ўрганади, Таврот ахлоқида тарбия топади.

«*Мен шу шаҳарда ўсиб улғайдим ва ўзимни туб Чикаголик деб биламан*», деган эди ёзувчи. 1933 йилда Чикаго университетида ўқишга кирган

Солга бу ердаги биқик муҳит ёқмайди, орадан икки йил ўтиб, у Норт-Уестерн университетида Мельвил Горшкович қўлида антропологиядан сабоқ ола бошлайди. 1937 йилда социолог-антрополог мутахассислиги бўйича бакалавр даражасига эришади.



Ушбу дорилфунуннинг Висконсон штатидаги аспирантурасида бир неча ой таҳсил олган Сол Чикагога қайтиб, Федерал иш комиссиясига ишга киради, кейин Песталоцци-Фробладаги муаллимлар тайёрлайдиган институтда ўқитувчи, Британник энциклопедиясида муҳаррир вазифаларида ишлайди. Бу пайтга келиб, у ижод қила бошлаган эди. Иккинчи жаҳон уруши даврида Сол ҳарбий денгиз флоти пидеа кўшинлари бўлинмасида хизмат қилади ва шу вақт ичида ўзининг илк романи «Осмон ва ер оралигидаги одам»ни ёзиб тугатади. Америкалик танқидчи Эдмунд Уилсон ушбу асарни «*Улуғ турғунлик ва жаҳон уруши оралигида туғилган бутун бир авлод ҳақида энг тўғри тасаввур бера оладиган асарлардан бири*» сифатида баҳолаган.

1947 йилда эълон қилинган «Қурбон» қиссаси дастлабки романи каби катта шов-шувга сабаб бўлмаса-да, уни яхши кутиб оладилар ва Солга Гуттенхейм стипендияси берилади. Бу унинг навбатдаги романи устида ишлашига имкон яратади. Парижда, сўнг бир муддат Римда истиқомат қилган ёзувчининг кейинги асари «Оги Марчнинг саргузаштлари» 1953 йилнинг энг яхши асари деб топилади ва адабиёт бўйича Миллий мукофотга сазовор бўлади. Романда қачон қараманг, ўзига саргузашт излаб юрадиган қаҳрамоннинг тақдир қаламга олинган. «Оги Марч...» адибнинг жиддий ютуғи бўлди.

Асарда ёзувчи анъанавий ва синондан ўтган ҳикоя қилиш услубидан воз кечиб, бош қаҳрамон билан унинг ички «мен»и ўртасидаги баҳс шаклини танлайди, бунда фалсафий монологлар, катта шовқинли шаҳар ва шафқатсиз ҳаёт манзаралари орасида яшаш учун курашадиган турли табақа одамларнинг жонли мулоқотларидан самарали ва кенг фойдаланилган.

Америкалик танқидчи Альфред Казин Оги муаллифнинг гўзал топилмалар муаллифи эканини таъкидлаб, унинг тили ниҳоятда жозибали эканлигига ургу беради. Америкалик шоир Жон Берримен эса асардаги ёрқин зеҳн ва ҳиссиётли қамровни олқишлайди, «*мен бу жиҳатни илгари Беллоуда сезмаган эдим*», дейди у.

Ўтган асрнинг 50-йилларида Беллоу аввал Принстон университетида, кейинчалик Бард-коллежда инглиз тилидан дарс беради, 1956 йилда эса унинг «Фурсатни топ» номли тўплами нашр этилади. Ушбу тўпламга учта новелла, битта пьеса ва китоб номи билан аталган қисса киририлган эди.

Беллоуга Нью-Йоркнинг бир қадар сохталик билан тўйинган ва муайян даражада сиёсийлаштириб юборилган адабий муҳити ёқмас эди. У бундан сиқилар ва қочишга йўл изларди. 1962 йилда унинг Чикагога қайтиши айна ана шу руҳий эҳтиёжидан келиб чиққан эди, албатта. Оз фурсатда адиб Чикаго университетининг жамоатчилик фикри бўйича факультетлараро комиссиясига аъзо бўлади. 1964 йилда эълон қилинган «Герцог» асари йилнинг энг яхши асари учун миллий адабиёт мукофоти билан тақдирланади. Шунингдек, у Америка ёзувчилари орасида биринчи бўлиб Францияда бериладиган адабиёт соҳасидаги халқаро мукофотга сазовор бўлади.

Ушбу асар қаҳрамони катта салоҳият эгаси, замонавий жамият муаммолари ва оғриқлари бўйича кучли билимдон Мозец Герцог аввал дунёда кечаётган адолатсизликларга қарши курашади, кейинчалик тақдирга тан бериб, ҳаётни ўз ҳолича қабул қилишга ўрганади. Америка танқидчиси Филип Рав ушбу асар ҳақида мулоҳаза юритиб, *«Беллоу бу романи билан ўзини даврнинг нафақат энг салоҳиятли романчиси сифатида, балки моҳият ва эволюцияни изчиллик билан таҳлил қила оладиган кучли ёзувчи сифатида ҳам кўрсата олди. Бундан ташқари, у менинг англашимча, америкалик ёзувчилар орасида энг яхши услубчи ҳам экан»*, дейди.

Беллоу фақатгина романлар ёзмаган. 1964 йилда унинг қаламига мансуб «Сўнгги таҳлил» пьесаси Бродвейда қўйилган. Орадан уч йил ўтиб, ёзувчи «Ньюсдей» газетаси муҳбири сифатида араб-исроил можаросини ёритади. Гарчи адибнинг «Мосбининг эсдаликлари» номи билан чиққан ва ўз ичига олти новелла ва битта романни олган тўпламига танқидчи ва адабий жамоатчиликнинг муносабати турлича бўлса-да, ушбу тўплам 1971 йилда «йилнинг энг яхши асари» мукофотига лойиқ топилади, бу мазкур мукофот билан ёзувчининг учинчи бор тақдирланиши эди.

«Гумбольднинг совғаси» асари Беллоуга халқаро миқёсда шуҳрат келтиради. Американинг икки ёзувчиси – бири илғор фикрли, дунёвий қарашлар эгаси Чарлз Ситрайн ва иккинчиси – марҳум шоир Гумбольд-Флейшер тақдирларини таққослаб, муаллиф ижодкорнинг жамиятдаги маънавий ўрни ҳақида ёзади, надоматлар бўлсинки, бу борада муҳими омад, шуҳрат ва пул эди. Америка танқидчиси Рожер Шаттак ушбу асар ҳақида фикр юритиб, *«Беллоу ўзининг айрича кенг ақли ва тил бойликларини яна бир бор намойиш этган. Чарли Ситрайн Беллоуга фикран жуда яқин қаҳрамон, назаримда, шунинг учун асарда ҳам салбий қаҳрамон яхши чиқмаган»*, дейди. Яна бир танқидчи Жон Апдайк эса шундай ёзади: *«Асарнинг ягона камчилиги шундан иборатки, унда муаллифни қизиқтирадиган муаммолар кўтарилмаган»*. Ушбу асари учун муаллиф 1975 йилда Пулицер мукофотига сазовор бўлади.

1976 йилда *«Ижодиди инсонпарварлик ва замонавий маданиятнинг нозик таҳлили учун»* ёзувчига Нобель мукофоти берилади. Карл Рагнав

Гиров мукофотни топширар экан, ёзувчининг анъанавий Америка романчилиги услубларидан воз кечиб, ўқувчи билан кенг фалсафий ёндашувлар орқали мулоқотларга тўйинтирилган, маданиятларнинг нозик таҳлилини намойиш этган, ўткир сюжетлар воситасида китобхонни ўзига маҳлиё қила оладиган адабий йўли учун олқишлаган.

Нобель маърузасида Беллоу ўзининг романчиликда қаҳрамон яратиш илмини ўзлаштиргани ҳақида тўхталиш билан бирга санъатни бошқаришга уринувчи «интеллектуаллар» ҳақида истеҳзо билан гапиради. *«Бу пешонаси дўнг эссечилар у ёки бу адабий шаклларга нисбатан ўлим ҳукми ўқиб имзо чекмоқчи бўлаётганликлари мени азоблайди, — дейди у. — Тасаввурот ўзига ўзи йўл топиши керак. Адабий, фалсафий ва сиёсий тизимлар инсониятга ёрдам беришга ожиз бўлиб турган асрда бизнинг борлигимиз, мавжудлигимиз моҳияти, унинг мукамаллиги, унинг оғриқлари Пруст ва Толстой таърифидагидек, кўзнинг очилиши каби бир лаҳзалик таассуротларда намён бўлади. Роман аслида объектлар олами, ундаги ҳаракатлар, ўша ҳисларнинг пайдо бўлиши ва дунёси ичра доимий ҳаракатда, бу билан асар бизни ҳаммамиз интиладиган ҳамда зулм олдида ҳаммамиз бирлашадиган меҳрни тушунишга олиб боради — бунинг ҳаммаси ёлгон ва сохта тушунчалар эмас».*

Нобель мукофотини олган йили Беллоу «Қуддусга йўл ва ортга қайтиш: шахсий таассуротларим» деб номланган кундаликларини эълон қилади.

Беллоу 1937 йилда Анита Гошкинага уйланган ва улар бир ўғилли бўлишган. Ёзувчининг иккинчи оиласи бўлмиш Александра Шабосовадан ҳам бир ўғли бор эди. 1961 йилда у учинчи бор уйланган, Сьюзан А. Глассмандан яна бир ўғли бор. Аммо бу ҳаммаси эмас, ёзувчининг охириги оиласи Руминиядан келган Норд-Уестерн университети ўқитувчиси Александра Багдасардир. Беллоу шахс сифатида ўзи яратган қаҳрамонларига жуда ўхшаб кетади. Қуйиб қўйган шаҳарлик, нафис фитр шляпа кийган, тепакал, зиёли, гапга тўн кийдириб гапирадиган ва шу билан бирга ҳаётга ўта жиддий қарайдиган шахс.


Албатта, Беллоу мақтовлар сингари кўпгина танқидларнинг ҳам қаҳрамонига айланган. *«Беллоунинг миясига кўпинча ўткир ғоялар келсада, — дейди америкалик адабий танқидчи Стивен Миллар, — баъзида унинг романлари монологага айланиб кетади».* Шу юртдан бўлган бошқа бир адабиётчи Хью Кеннер бир сафар Беллоунинг бадиий услуги натижаси сифатида яраладиган романни диссертациянинг қўлёзма шаклида ёзиб қўйилган шакли билан таққослаган.

Аммо амалда Беллоуни кўпчилик танқидчилар Америка адабий муҳитидаги энг нозиктаб ва дидли, қалами ўткир ёзувчилар сирасига киритадилар. Одамнинг ўзи билан зиддиятларини таҳлил қилиш, шахс билан жамият орасидаги келишмовчиликларни бартараф этишга бўлган интилиш, умид ва надомат орасидаги қарама-қаршилик каби универсал мавзуларни ўрганиш ҳамма ёзувчининг ҳам қўлидан келавермайди.

Америкалик адабиётшунос ва ёзувчи Ирвинг Хоу шундай ёзган эди: «Беллоу Америкада нафақат энг зўр ёзади, балки у ҳаммадан зўр фикрловчи ижодкордир».

Беллоу тўқсонга киришига бир неча ойгина етмай вафот этади. Унинг илк романи «Осмон ва ер орасида» 1944 йилда эълон қилинган бўлса, «Рейвелстайн» 2000 йилда олам юзини кўради. Бу эса ёзувчининг ижоди 56 йил давом этганини кўрсатади. Бу жуда ҳам кам учрайдиган ютуқ, илгари кузатилмаган натижа. Беллоу ўзининг яшовчанлиги билан ҳам донг таратган улуг сиймо эди.

ВИСЕНТЕ АЛЕЙКСАНДРЕ



Испан шоири Алейксандре Висенте-и-Мерло 1898 йилнинг 26 апрель куни Севильяда Андалус темир йўллари муҳандис қурувчиси Сирил Алейксандр Баллестер ва маҳаллий ҳарбий хизматчининг қизи Эльвира Мерло Гарсиа де Прунея оиласида тўнгич фарзанд бўлиб дунёга келган. Ҳали гўдаклигида отасини ажойиб табиати ва ўрта ер денгизининг офтобрўй қиргоги бўлган шаҳар Малагага ишга жўнатишади ва унинг мурғак қалби ана шу гўзал манзаралар огушида улғаяди. Ўша ердаги бошлангич мактабда у ака-ука Гриммлар ва Ганс Христиан Андерсен эртаклари билан танишади.

1909 йилда Висентелар оиласи Мадридга кўчиб келишади. У бу ердаги «Колехио Терезиано», яъни оқсуяқларнинг фарзандлари қатнайдиغان мактабда таҳсил олади ва 1913 йилда бу ўқув даргоҳини олий ўқув юртини тамомлаганликка тенглаштирилладиган даражадаги диплом билан тугатади. У ўқиш даврида Конан Дойл ва Достоевский асарлари, Гомернинг «Илиада»си, Фридрих Шиллер ижоди намуналари билан яқиндан танишади.

1914 йилда Мадрид университетида ўқишга киргач, Алейксандре ҳуқуқ билан изчил шуғулланади. Авилдада ўтказган ёзги таътил вақтида, кейинчалик Испания Қироллик академиясининг президентига айланган Дамас Алонсо билан учрашади ва шу шахснинг Висентени модернизм йўналишида ижод қилувчи никарагуалик шоир Рубен Дарио ижоди билан яқиндан таништиргани бўлажак ижодкор қалбида шеърятга жиддий қиздиқ шайитган эди.

1922 йилда шоирнинг бошига оғир қисмат ёзилади, у юқумли артрит касалига чалинади ва бу дард унинг то умрининг охиригача ярим ногирон ҳолатда кун кечиришига сабаб бўлади. 1925 йилда унинг ўпка

сили касалига чалингани аниқлангач, шоир темир йўллардаги ишини ташлашга мажбур бўлади. У отасининг Мадрид яқинидаги уйига келиб, бу ерда икки йил давомида муттасил адабиёт билан машғул бўлади. Шу йилларда унинг «Теварак олам» тўпламига киритилган шеърлари дунёга келган эди. Анъанавий баллада услубида ёзилган ушбу шеърларда айниқса, ҳиссиётлар кучли ифодасини топган.

1927 йилда Висенте Мадриднинг шимолий қисмида жойлашган виллага кўчиб ўтади ва умрининг охиригача шу ерда истиқомат қилади. 1927 йилда буюк испан шоири Луис де Гонгор-и-Аргот таваллудининг уч юз йиллиги кенг нишонланади. Бир қатор сюрреалист ёзувчилар қатори Алейксандре ҳам ўзини Гонгорнинг издоши дея эълон қилади ва «1927 йил авлоди» номи билан юритилувчи гуруҳга кўшилади. Ушбу гуруҳга Хорхе Гильен, Дамасо Алонсо, Рафаэл Альберти, Луис Сернуда, Федерико Ларсиа Лорка ва бошқа ёзувчи ва шоирлар кирган эдилар.

«Теварак олам» тўплами ҳам шу даврнинг махсули сифатида олам юзини кўрган. Зигмунд Фрейд асарларини ўқир экан, Алейксандре бу ишларни ўзининг бошидан ўтказётган касалликнинг патологик жараёнларини талқин қилишда қўллайди. Сюрреализм ва Фрейдга хос талқинлар таъсири шоирнинг навбатдаги «Замин эҳтирослари» тўпламида ярқ этиб кўзга ташланадиган ўзига хосликдир. Бу тўпламга киритилган шеърларда баллада услуби ўрнини ритмик наср ва оқ шеър йўли эгаллайди. Тўпламда бир қарашда бир-бирига боғланиб кетмаган образларни учратиш мумкин. «Замин эҳтирослари» 1928–1929 йилларда ёзиб тугатилган, ammo 1935 йилга келибгина олам юзини кўрган. Бу йиллар ораллигида шоирнинг «Вайрон бўлган кўнгил ва муҳаббат» деб номланган энг нодир асари дея эътироф этиладиган тўплами нашрдан чиқади. Алейксандре Висенте 1933 йилда ушбу китоб учун адабиёт бўйича миллий мукофотга ҳам сазовор бўлган эди.

1936 йилга келиб Испанияда фуқаролар уруши авж олади ва бу пайтда мамлакатда «1927 йил авлоди» вакиллари бўлган ижодкорлар учун оғир давр бошланади. Гуруҳнинг кўпгина аъзолари бошқа мамлакатларга чиқиб кетишга мажбур бўлишади. Гарсиа Лоркани эса франкистлар қатл этишади. Гарчи урушнинг охиригача келиб Мадрид яқинида бўлиб ўтган ҳарбий тўқнашувлар марказига яқин жойлашган уйи йўқ қилиб ташланса-да, Алейксандре касаллиги туфайли Испаниядан чиқиб кета олмаган эди. Отасининг вафотидан кейин, 1940 йилда Висенте синглиси билан уйни қайта тиклашга муваффақ бўлишади.

Фуқаролар уруши арафасида яратилган «Олам ягона» асарини шоирнинг «Жаннат соялари» деб номланган навбатдаги асарининг муқаддимаси дейиш мумкин. 1944 йилда чоп этилган ушбу поэтик утопия ўлим остонасида турган кишининг бахт ва гўзаллик ҳақидаги мушоҳадаларидан иборатдир. «Қалб тарихи»(1954) асарида шоирнинг илгариги ижодига хос бўлган тушкунлик ўрнини инсонпарварлик ва маънавият сари интилиш туйғуси эгаллаганини кузатиш мумкин. Шоирнинг таржимонларидан бири Льюис

Хайднинг эътирофича, Алейксандре пессимист шоирлар орасида ўзлигини энгиб, зимистон ўрнига юксакликни танлай олган иродали шахс эди. Шоирнинг қаламкаш биродарлари ҳаёти ва ижоди ҳақидаги эсдаликлардан иборат «Учрашувлар» китоби бунга мисол бўла олади.

1977 йилда Алейксандре Висенте *«одамзоднинг коинотдаги ва замонавий жамиятдаги ҳолатини акс эттирган, шу билан бирга жаҳон урушлари вақтида испан шеърляти анъаналарининг тикланиб бораётганига далолат бўлувчи мисли кўрилмаган ижоди учун»* адабиёт соҳасидаги Нобель мукофотига сазовор бўлади.

Швеция академияси аъзоси Карл Рагнар Гиров *«Шоирнинг Франко тартибига ҳеч қачон риоя этмагани»*га эътибор қаратиб, шундай лутф қилади: *«У ўзининг хос йўлидан борди. Унинг ижоди нафис ва нозиклиги билан бирга энгилмас ва мустаҳкамдир. Бу ижод Испания маънавий ҳаётининг битмас-туганмас булоғига ўхшайди»*.

Касаллиги сабаб Висенте мукофотни топшириш тадбирида иштирок эта олмаган. Кўп ўтмай Испания Қироли Хуан Карлос ёзувчи хонадонига ташриф буюриб, уни Карл Учинчи орденининг Катта нишони билан тақдирлайди.

Алейксандре Висенте умр бўйи ёлғизликда яшаган, у 1984 йилнинг 14 декабрь куни 86 ёшида Мадридда оламдан ўтди.

Шоирнинг ҳамма асарлари инглиз тилига таржима қилинмаган бўлса-да, унинг ижодига Испаниядан ташқарида ҳам илиқ муносабат, қизиқиш мавжудлигини кузатиш мумкин. Льюис Хайд унинг улкан салоҳият соҳиби бўлганини, ўткир қалбли ва довжорак шоир эканлигини таъкидлайди. *«У инсон қалбининг энг сирли тубига етиб бора оларди, — дейди Хайд. — Ва ўша қалбнинг тугёнларидан жонли ҳаёт қувончларини сиқиб чиқарарди. Бизга ана шундай қувонч ва шодликлар келтирган улкан ижодкор эди у»*.

ИСААК БАШЕВИС-ЗИНГЕР



Исаак Башевис-Зингер (Ицек-Герц Зингер) 1904 йилнинг 14 июлида (бошқа манбаларда 26 октябрь санаси кўрсатилади) Варшава яқинидаги Леоцин қишлоғида таваллуд топган. Исаак Батшеби ва Зильберман Зингерлар оиласидаги тўрт фарзанднинг учинчиси эди.

У тўрт ёшга тўлганида Зингерлар Варшавага кўчиб келади ва яҳудийлар яшайдиган кварталдан қўним топади. Бошлангич мактабда иудейча ва арамей ёзувлари асосида яҳудий қонун-қоидаларини ўрганади, бўш пайтларида эса идиш тилида

табий фанлар, сиёсат ва иқтисодга оид китобларни, шунингдек адабиёт, айниқса, рус классик адабиётини ўқиган.

1917 йилда Исаак онаси билан Польшанинг шарқдаги Билгорай шаҳрига кетишади. Бу жой амалда худди ўрта асрлардагидек сақланиб қолган эди. Бу даврни эслаб ёзувчи шундай ёзган: «*Мен тарихни қандай бўлган бўлса, шундай ҳолича кўриш имконига эга эдим. Гўёки яна ўша замонлар қайтиб келгандек эди. Мен яҳудийлар тарихи ичида яшадим*».

1923 йилдан Варшавада яшай бошлаган Исаак дастлаб акаси Жошуа муҳаррир бўлган «Адабий саҳифалар» журнаliga мусахҳиҳ бўлиб ишга жойлашади. 1927 йилда мазкур журналда босилиб чиққан «Кексалик даври» ҳикояси Исаакнинг насрий соҳадаги илк асари эди. Кейинги йили унинг «Аёл» ҳикояси босилади. Дарвоқе, ана шу ҳикояни у «Исаак Башевис» тахаллуси билан эълон қилган, бу Башевис ўгли деган маънони англатади. Зингер беш йил давомида кичик-кичик ҳикоялар ёзиб, турли нашрларда эълон қилиб боради, тирикчилиги эса немис адабиётдан детектив асарлар, шунингдек, Кнут Гамсун, Томас Манн ва Эрих Ремарк асарларини таржима қилиш билан ўтарди.

1933 йилда у адабий журналлардан бири бўлган «Глобус»га муҳаррир ўринбосари этиб тайинланади. 1934 йилда унинг «Горайдаги иблис» романи босилган. Кўпгина танқидчилар романни Зингернинг дурдона асари дейишади. Унда воқеалар ўн еттинчи асрда яҳудийлар яшайдиган маконда содир бўлади, бу жойдаги хасидлар қабиласига кириб келган шайтоний васваса ҳақида ҳикоя қилинади.

Ўттизинчи йиллар адиб учун оғир изтироблар йили бўлган. Коммунист бўлган хотини Руня ўгли Исроилни олиб, собиқ СССРга кетиб қолади. Бу вақтда ҳокимиятга нацистлар келиб ўтиради. Гитлернинг яҳудий миллатига бўлган муносабати оқибатларидан кўрқиб, ёзувчи Варшавани тарк этади ва АҚШга, акасининг ёнига кетади. Бруклиндаги «Джуиш дейли форвард» газетасига штатсиз мухбир сифатида ишга жойлашади. Навбатдаги ўн йил давомида Зингер бир томондан қашшоқликдан, қолаверса, маданий йўналишларнинг ўзгариб кетиши, эртанги кунга ишончсизлик, идиш тилининг АҚШдаги мавқеи билан боғлиқ сабаблар туфайли ижодий инқироз даврини бошидан ўтказади. Нью-Йорк ва Варшавада, кейинчалик Парижда эълон қилинган навбатдаги «Ҳалоскорга айланаётган гуноҳкор банда» романини адибнинг ўзи омадсиз асар деб айтган.

Зингер 1940 йилда Германиядан кўчиб келган яҳудий аёл Альма Вассерманга уйлангач, Вест-Сайд шаҳридаги «Форвард» газетасига ходим бўлиб ишга киради, ўз мақолаларига Исаак Варшавский деб имзо қўя бошлайди. 1943 йилга келиб у АҚШ фуқаролигини олади ва яна ижодга шўнғийди.

1944 йилда адибнинг акаси Жошуа вафот этади. Бу вақтда у анча таниқли одам эди, қолаверса Исаак унга жуда суянарди. Ёзувчи бу жудоликни ҳаётидаги энг катта бахтсизлик, дея баҳолаган. Орадан

бир йил ўтиб, Зингер ўзининг «Москатлар оиласи» романи устида иш бошлайди. Ижтимоий мавзудаги учта романнинг биринчиси 1945 йилдан 1948 йилгача «Форвард»да босилди. Бу асарда Польша Гитлерчилар томонидан босиб олинган, Варшавадаги яхудийларнинг руҳий ва маънавий парчаланиб кетиши ҳақида ҳикоя қилинади. Романнинг идиш тилидаги икки томлиги ва инглиз тилидаги бир томлиги қарийб бир вақтда — 1950 йилда олам юзини кўради.

Ёзувчининг «Кўргонча»(1967), «Мулк»(1969) китоблари мазкур асарнинг мантиқий давоми эди. «Москатлар оиласи» инглиз тилида босмадан чиққач, шубҳасиз, Зингернинг мухлислари сафи кенгайган. «Партизан-ревью» журналида ёзувчининг «Нодон Гимпл» ҳикоясининг идиш тилидан Беллоу таржимаси билан эълон қилиниши Зингерга катта шуҳрат ва эътироф олиб келади. Ҳикоя қаҳрамони қишлоқдаги оми бир йигит бўлиб, ҳар кимнинг гапига лаққа тушаверади, уни кўшилар ҳеч иккиланмай лақиллатиб юришади. «Шубҳа йўқки, — дейди Гимпл, — биз яшаётган олам фаразий оламдир, аммо фаразий оламга реал олам орқали ўтиш зарур бўлади».

Бу вақтга келиб ёзувчининг асарлари «Нундей-пресс» нашрининг муҳаррири Сесил Хемлининг эътиборига тушади ва у Зингерга Американинг нуфузли ва обрўли адабий журналлари билан ҳамкорлик қилишига кўмаклашади. Шундай қилиб, 1955 йилда у ўз нашриётида «Горайдаги иблис» романини инглиз тилида чоп этади. Икки йилдан кейин эса инглиз тилида «Нодон Гимпл ва бошқа ҳикоялар» номи билан янги тўплами босилиб чиқади. Ҳар икки китоб танқидчилар томонидан илиқ кутиб олинади.

Кейинги йигирма йилда Зингер кўплаб ҳикоялар, бир қанча романлар, тўрт томлик таржимаи ҳоли ва болалар учун ўн бешдан ортиқ китоблар ёзган. Мисол учун, унинг «Қул» деб номланган романи тез орада энг кўп ўқиладиган асарлар қаторидан жой олади. Умуман, унинг ҳар бир асари адабиёт ихлосмандлари учун ўзига хос янгилик бўлган, маҳорат, истеъдод нуқтаи назаридан эса танқидчиларнинг эътирофига лойиқ топилган.

1978 йилда адабиёт соҳасидаги Нобель мукофоти «*хоссатан поляк-яхудийларнинг маданий анъаналарига сингишиб кетгани ҳолда абадий масалаларни илгари сурган эҳтиросли ижодий услуби учун*» ёзувчи Зингерга насиб этди. Академия вакили Ларе Йюлленстен ўз маърузасида Зингерни «*бетакрор ҳикоянавис ва услубчи, маҳорат ва сеҳр эгаси*», дея таърифлайди. Айниқса, унинг ўрта асрлар воқеаларига бағишланган китоблари алоҳида таъкидланади. Маърузачининг фикрича, тарихий асарларида Зингернинг маҳорати айрича намоён бўлган.

Нобель маърузасида Зингер ушбу мукофотни қувгиндаги, ери ва макони йўқ, чегараси ҳам мавжуд бўлмаган, «қурол», «ҳарбий ҳаракатлар амалиёти» каби атамаларни ифода этадиган сўзлари бўлмаган тилга эътироф белгиси сифатида қабул қилганини билдиради. Ёзувчи «*Идиш*

тилини мен қўрқиб яшаётган, аммо ҳали умидларини узмаган кишининг ақлли ва камтар тили деб биламан», дея яҳудийларнинг ўзгармас анъаналарини намоён этади.

Ажабки, адабий танқид аҳли бошқалар каби Зингер асарларини ҳам турлича баҳолаб келади. Шакли ва мазмуни жиҳатидан ёзувчи ижодини «оддий»лар сирасига киритар экан, америкалик тадқиқотчи Роберт Альтер уни замонавий ёзувчи деб тан олишдан бош тортади. Мана шунақа гаплар...

ОДИСЕАС ЭЛИТИС

Одисеас Элитис (Алепуделис) 1911 йилнинг 11 ноябрида Грециянинг Крит оролидаги Ираклион шаҳарчасида таваллуд топган. Бўлажак ёзувчининг отаси совун ишлаб чиқарувчи корхона эгаси эди. У Афинада ўрта мактабни тугатади, университетда ҳуқуқшуносликдан сабоқ олади, аммо у бу соҳада дипломини ҳимоя қилмаган.

Йигирма ёшига етган Элитиснинг қалбини поэзия маҳв этади. У университетнинг охириги босқичида таҳсил олар экан, сюрреализм вакили бўлган Андреас Эмбрикоснинг маърузаларини жон қулогли билан тинглади. Ўзи шеър ёза бошлагач, Элитис тахаллусини ўйлаб топади. Бу тахаллус асосида «Эллас», яъни Греция, «эллида», яъни умид, «элефтерия», яъни озодлик ва «Элени», яъни гўзаллик маънолари мужассам топган. Суффикс эса келиб чиқиш, фуқаролик нуқтаи назаридан унинг грециялик эканига ишорадир. Элитис шу пайтда «Та неа граммата» адабий гуруҳига аъзо бўлиб киради ҳамда «Янги адабий шарҳ» журнали билан ҳамкорлик қила бошлайди. Мазкур адабий жамоанинг бош мақсадларидан бири қадимги грек тили асосида яратилган, аниқроқ айтганда, архаик услубларга сунъий тарзда тақлид қиладиган кафареvus тилига қарши чиқиб, жонли адабий сўзлашув тилини устун қўйиш эди. Элитиснинг илк шеърлари «Та неа граммата» журналида 1935 йилда эълон қилинган.

Элитис поэзияси аввал бошданоқ хайрихоҳлик билан кутиб олинади. Чунки у ўзига хос грек менталлигига мансублашган сюрреалистика мактабининг услубларини уйғунлаштира олган эди. Йиллар ўтиб шоирнинг ўзи бу ҳақда тўхталиб шундай ёзган эди: «Мен ўзимни собитқадам сюрреалист ижодкор деб ҳисоблаган эмасман, сюрреализм у пайтда поэзия учун маънавий соғломлашув мактаби вазифасини ўтаган



ҳамда ғарбда бу пайтда урфга айланган ақл-идрокка суянувчи оқимларга қарши тура оладиган устунлардан бири эди».

«Мўлжаллар» (1939) шеърда ёруғлик, денгиз ва порлоқ қуёш акс этган, «Шоҳ қуёш» (1943)да шоир нурафшон ҳиссий оламни ва ўсмирликни тараннум этади ва бу асари ҳақли тарзда унга ўз даврининг етакчи лирик шоири сифатида танилишига олиб келади.

Ёзувчи 1940—41 йилларда кичик лейтенант унвони билан ҳарбий ҳаракатларда қатнашади ва мана шу ҳарбий ҳаёт тажрибаси олий поэзиянинг оптимистик ҳам, пессимистик ҳам эмаслиги ва у ўзида қалбнинг қарама-қаршилиқ баайни йўқолиб кетадиган учинчи бир ҳолати эканига яна бир бор амин бўлади.

Айнан мана шу ҳулосаси сифатида «Албания урушида ҳалок бўлган кичик лейтенант ҳақидаги қаҳрамонона ва мунгли кўшиқ» асари пайдо бўлган. Ушбу узун ва симфония шаклида яратилган поэмада, Кимон Фрайернинг қайд этишича, шоир сюрреализм унсурлари орқали миллий руҳиятга кириб боришга ҳаракат қилган ва нафақат ўзи, балки халқи билан сўзлашишга интилган. Грек ёшларига бу шеър ўзига хос маёқ вазифасини ўтаган.

«Муносиб мавжудлик» грек тилининг ҳам эски, ҳам янги унсурларидан оқилона фойдаланилган ҳамда ўзига хос таржимаи ҳолни эслатувчи насрий ва шеърий дурдона сифатида тан олинган.

1961 йилда Элитис давлат департаментининг таклифига биноан тўрт ой давомида АҚШда, 1962 йилда эса собиқ иттифоқда меҳмон бўлади. 1965—1968 йилларда у Греция миллий театрида маъмурий кенгаш аъзоси сифатида фаолият юритган. Кейинги икки йил эса Грецияда бўлиб ўтган ҳарбий тўнтариш ва ҳокимият тепасига диктаторларнинг келишига норозилик билдириб, ўз хоҳиши билан Францияда яшайди. Шу йилларда унинг «Шоҳ-Қуёш» ва «Ёруғлик дарахти ва ўн тўртинчи гўзаллик» асарлари яратилади.

Шоир узоқ йиллар давомида ўзининг «Мария Нефели» поэмаси устида ишлаган. Шоирнинг ушбу асарида реал ҳаётий манзаралар қаламга олинган. Элитиснинг муҳлислари шоирнинг кескин тарзда бошқа йўналишни танлаганидан хавотирга тушган бўлсалар-да, ушбу поэма тез оммалашади, айниқса, қаҳрамон қиз Мария илгари сурган ғоя ва нуқтаи назарлар тарафдорлари бўлган авлод орасида асар ниҳоятда катта шуҳрат қозонган.

Танқидчи Рейзис «Мария Нефели» поэмасини ўзига хос, «тадрижий тақомиллашиб боровчи ва шоирона коллаж бизнинг тажовузкорона ва мутлақо беаъни ўн йиллик давримизнинг умиди ва пасткашлиги, изтироб ва аламлари акси ва драматик ифодаси», — дея таърифлаган.

Элитис «замон кишисининг озодлик ва мустақиллик учун курашини грек анъаналари уйғунлигида кучли ҳиссиёт ва ақлий зийраклик билан ёритиб берган ижоди учун» адабиёт соҳасидаги Нобель мукофоти билан тақдирланади. Шоир ушбу юксак мукофотни нафақат ўзи, балки унинг

ибораси билан айтганда, Европадаги энг қўҳна ҳисобланган Грециянинг кўп асрлик ўтмиши учун ҳам шарафли эканини мамнуният ила таъкидлайди.

Танқилчи ва таржимон Эдмунд Кили Элитис ижодидаги ўсишни эътироф этган ҳолда, унинг мавзулари доимий бўлиб қолганига эътибор қаратади. *«Гарчи унинг қизиқишлари илк ижодидаги мавзулардан ўзгармаган бўлса-да, — дейди у, — шоир ўзининг ўлмас мавзуларини очиб беришда янги шакллар излайди».*

Инглиз шоири ва наср устаси Лоренс Дарреллнинг Элитис ижоди ҳақидаги мулоҳазалари тубандагича: *«Унда ҳис-туйғуларга тўйинган метафизикага мойил бўлган романтик ва лирик ақл бор...»*

Элитис умрини Афинада ёлғизликда ўтказган.

Шоир 1996 йилда вафот этган.

ЧЕСЛАВ МИЛОШ

Чеслав Милош 1911 йил 30 июнь кунини ўша пайтда Литва ҳудуди ҳисобланган Шетейний шаҳарчасида таваллуд топган. Асли поляк бўлган отаси Александр ва онаси Вероникалар кўп миллатли, шунинг учун бир-бирига қарама-қарши анъаналарга бой мамлакатда истиқомат қилишарди. Ушбу муҳит туфайли Милош нафақат ўз она тили бўлган поляк, балки литва, яҳудий ва рус тилларида ҳам гаплашар эди.



Улар 1920 йилгача урушлар ва инқилобларнинг аччиқ азоблари исканжасида яшаганлар.

Бўлажак шоир католиклар таълимини олади, етти йил мобайнида лотинчани изчил ўргангани, 1929 йилда маҳаллий университетга ўқишга киради. Унинг илк шеърий китоби «Музлатилган вақт ҳақида дoston» 1933 йилда чоп этилган.

Милош «Жагара» адабий тўғарагининг фаолларидан бири эди, шуни қайд этиш лозимки, ушбу жамоага қўшилганлар коинотдаги ҳалокатнинг муқаррарлигига мутлақ ишонганликлари учун кейинчалик «ҳалокатчилар» деган ном олишган.

1934 йилда юрист дипломига эга бўлган Милош стипендия олиб Парижда, адабиётни ўрганишга йўл олади. Парижда ўтказган бир йиллик даври Милошнинг шоир бўлиб шаклланишида муҳим ўрин тутди. 1936 йилда Вильнога қайтиб, иккинчи тўплами «Уч бора қиш» китобини чоп эттиради. Милош радио таҳририятида муҳарририятга раҳбарлик қила бошлаганига кўп ўтмай, сўл қарашлари учун ишдан бўшатилади

ҳамда Варшавага кўчиб кетади. Сиёсат бобида Польша бу даврда ниҳоятда оғир кунларни бошидан кечираётган, худдики «ҳалокатчилар»нинг башоратлари рўёбга чиқаётгандек эди. Польша чегаралари юз йиллар давомида ўзгариб турар, рақобатдаги давлатлар бу мамлакатга ҳукмронлик қилиш учун доимий курашиб келардилар. Биринчи жаҳон уруши тугагач, мустақилликка эришганига қарамай, ўттизинчи йиллар охирига келиб Гитлер ва Сталин Польшани бўлиб олиш ҳақида махфий битим тайёрлайдилар. Сермашаққат ва уқубатли тақдирни бошидан кечираётган халқнинг миллий тафаккури ўз ифодасини сиёсатда эмас, адабиётда кўпроқ топганди, шунинг учун ҳам бу жамиятда шоирлар алоҳида мавқега эга эди. Милош ҳам ўзини радикал ёки, баъзилар ўйлаганидек, марксист эмас, айнан шоир деб биларди.

Немис армияси 1939 йилда Польшани босиб олгач, Милош шоирлик рутбасига мувофиқ мустақил позицияни тутади ва фашизмни аёвсиз танқид қила бошлайди. У Европадаги энг кучлилардан бўлган Польша «Қаршилик» ҳаракатида фаол иштирок этади. Яҳудийлар маҳалласининг бутунлай йўқ қилинишига гувоҳ бўлар экан, бу фожиа шоир қалбида бир умрга етгулик изтироб уйғотади. 1944 йилда Милош Янина Длуз-кага уйланади. Улар икки ўғил кўришган.

Урушдан кейин аввал Вашингтонда, сўнг Парижда Польшанинг дипломатик вакилликларида хизмат қилган Милош ҳокимиятга коммунистлар ўтиргач, бу тартиб билан алоқани узади ва тоталитар давлатдаги «*ҳақиқатнинг бузиб кўрсатилиши*» ҳолати билан келиша олмай, муҳожирликда кун кечиришни маъқул топади. Парижда истиқомат қилиб, тоталитаризмнинг ижодкор шахсиятига кўрсатадиган таъсири ҳақида мулоҳаза юритган ижодкор «Қарам қилинган идрок» китобини чоп эттиради. Асар муаллифнинг ғарбда машҳурлашиб кетишига сабаб бўлади.

Муҳожирликда яшаш оғир кечарди, ўз она ватанидан, тилидан олисда, илҳом манбаларидан узилган ҳолда, барқарорлик ва ижодга ундовчи рағбатнинг йўқлиги сабаб шоир ўзининг ибораси билан айтганда «самарасизлик ва ҳаракатсизлик» ботқоғига тушиб қолган эди. Милошнинг «Исса водийси» романи Литвада ўтган болалик, ўсмирлик даври ҳақидаги ҳикоя эди. Тахминан шу вақтда «Ҳокимиятни эгаллаш» романи ҳам пайдо бўлди. Мазкур асар учун муаллиф Европа адабий мукофоти билан тақдирланган. Милош 1960 йилда АҚШга кетади. Орадан бир йил ўтиб, Калифорния университети профессорига айланади, 1970 йилда эса АҚШ фуқаролигига қабул қилинади.

Америкада яшаган йилларида Милош поляк тилидан бир қатор таржималар қилган, ва аксинча, «Инжил»дан, қолаверса, Уитмен, Шекспир, Мильтон, Элиот ва Бодлер асарларидан поляк тилига ўтирган. Шу билан бирга бир қанча таржимаи ҳол ва адабиётшунослик характеридаги асарлар, эсселар ва шеърлар ижод қилганки, уларнинг бари мутахассислар томонидан илиқ кутиб олинган.

Чеслав Милош 1980 йилда «Зиддиятлар билан тўлиб тошган оламда инсоннинг ҳимоясиз эканини дадиллик билан башорат қилиб бергани учун» адабиёт соҳасидаги Нобель мукофоти билан тақдирланади. «Милош тасвирлаган олам, — деди ўз сўзида Швеция академияси аъзоси Ларе Йюлленстен, — жаннатдан қувғин қилинган одам яшаётган дунёдир». «Сизнинг асарларингизни ўқир эканмиз, — деди у лауреатга юзланиб, — гарчи бироз ётдек туюлса-да, янги ҳаётий тажриба билан бойиймиз».

Нобель маърузасида Милош болалигини эслайди, шу билан бирга сиёсат ва муҳожирлик ҳақида гапирди. «Шоирнинг қувғин қилиниши, - дейди у ўз сўзида, — мамлакатда ҳукмрон бўлган ҳокимиятнинг шу мамлакат тилини, нафақат цензура йўли билан, балки сўзларнинг маъносини ўзгартириб ҳам назоратга олганидан далолатдир. Бундай вазиятда ёзувчининг бурчи элаши, хотирлашда қолади. Хотира — бу бизнинг қудратимиздир. Кимки тирик экан, мангуликка кетганлардан ваколат олади. Уларгина ўтмишни турли бўҳтонлар, уйдирма ва афсоналардан тозалаб ҳар бир нарсани ўз номи билан атаб бурчларини адо қилишлари мумкин».

Рус ёзувчиси Иосиф Бродский уни «давримизнинг энг улуг шоиридир», дея улуглайди. Фарба унинг обрўси китоблари таржима қилиниб босмадан чиққани сайин ўсиб борган. Польшада эса унинг асарлари яширинча тарқатиларди. Нобель мукофоти берилгач, уни ватанида миллий қаҳрамон даражасида кутиб олишади.

Милош шеърляти ўзининг кенг қирралилиги ва интеллектуал салоҳияти билан алоҳида ўрин тутди. Уларда шарқий Европага хос анъаналар, христиан дини таъсири, иудаизм, марксизм, ҳатто, йигирманчи асрнинг қонли тарихи ҳам, муҳожирликнинг азоб-уқубатлари ҳам мужассам ифодаланган. Америкалик шоир ва ношир Жонатан Гэлесси «Милошнинг барча кучи нафақат ўз ҳаётидаги синовларга, балки даҳшат ва гўзаллик қоринмаси билан кечган тарихдан олинган ҳаётий аччиқ тажрибаларга қарши туришига қаратилган»лигини таъкидлайди.

ЭЛИАС КАНЕТТИ

Келиб чиқиши Болгариядан бўлган Австриялик ёзувчи ва драматург Элиас Канетти 1905 йилда Дунайнинг қуйи оқимида жойлашган кўп миллатли порт шаҳар — Рушукда таваллуд топган. Оила бойиб бораётган тижоратчилардан бўлиб, Элиас уч ўғилнинг каттаси эди. Улар испан тилининг ладино деб аталадиган лаҳжасида гаплашишар, Канеттининг ота томондан бобоси ўн етти тилни билар, унинг ота-онаси Матильда ва Жак Канеттилар эса Венада ўқишганидан бўлса керак, уйда фақат немис тилида сўзлашишарди, Элиас ҳам айнан немис тилида ижод қилган.

У еттига кирганида отаси тўсатдан вафот этади. Онаси Элиаснинг немис тилини ўрганишига аҳамият қаратади, чунки у Венадаги мактабга



ўқишга кириши учун ҳам бу тилни билиши керак эди. «*Мен учун немис тили ва онам бўлмаганда ҳаётим ва келажагим маъносиз ва мақсадсиз бўлиб қолар эди*», дейди ёзувчи бу йилларни эслаб.

Канеттининг илк «Ёш Брут» шеърый пьесаси 1921 йилда эълон қилинган. Элиас онасининг қистови билан Вена университетининг химия факультетига ўқишга киради ва 1929 йилда уни тамомлайди.

У австриялик сатирик Карл Краусга шогирд тушади, ўз таъбири билан айтганда, бу устоз-шогирдлик унинг миллат ва шахс тушунчасини теран англашида катта роль ўйнаган. 1928 йилда Берлинда бўлган чогида Элиас Бартольд Брехт, Исаак Бабел

ва Георг Грошлар билан учрашади ва унда инсоний ақлсизлик ҳақида қатор романлар ёзиш ғояси пайдо бўлади. 1935 йилда яратилган «Кўрлик» романи унинг мазкур ғоялар асосида қўл урган биринчи ва охириги асари бўлиб қолади.

Танқидчиларнинг баҳосига кўра, ўз даврдан олга одимлаб кетган ва фашизмни фош этган ушбу асарни Томас Манн ва бошқа бир қатор урушгача машҳур бўлиб улгурган ёзувчилар олқишлашади. Инглиз ёзувчиси Айрис Мердок ушбу романни ҳатто, «*асримизнинг энг буюк асарларидан бири*», деб таърифлайди.

Канеттининг «Оломон ва ҳокимият» асарида оммавий, оломонга хос ҳаракатлар фольклор, мифология, адабиёт ва тарих чигиригидан ўтказилиб, ҳар жиҳатдан тадқиқ қилинган. Ушбу илмий асар ғояси 1927 йилнинг 15 июлидаги воқеалар таъсирида пайдо бўлган эди. Ўша кун Венада Одил суд саройи кўзғолонга чиққан ишчилар томонидан ёқиб юборилган. Бу воқеани ўз кўзи билан кўрган Канетти оломон психологиясини тадқиқ қилишни мақсад қилган эди.

1981 йилда Элиас Канетти «*кенг дунёқараш, бой ғоявийлик ва бадиий салоҳиятли асарлари учун*» Нобель мукофотида сазовор бўлади. Швеция Академияси вакили Йоханнес Эдфельд табрик сўзида «Кўрлик» романини Канеттининг буюк асарларидан бири сифатида юксак баҳолайди. Эдфельд «Оломон ва ҳокимият» ҳақида гапириб, муаллиф ҳокимият мантигини тушунтириш ва фош этишни мақсад қилганини таъкидлайди.

Швеция академияси маърузасида шундай дейилади: «*Мудом муҳожирликда юрган Канеттида битта ватан бор — бу немис тилидир*».

Адабий танқидчи Жорж Стайнернинг эътирофича, «*шундай ёзувчининг борлиги адабиёт учун шарафдир*».

Айрис Мердок қайд этадики, «*Канетти файласуфлар нима қилиши керак бўлсалар, шу ишни қойилмақом тарзда бажарди... шунингдек, афсонавий оламнинг кундалик инсон ҳаёти билан ўзаро узвийлигини намойиш этди*». Америкалик танқидчи Сьюзан Зонтаг Канеттини «ўз сўзлари учун жуда катта масъулликни ҳис қилувчи одам», дея таърифлаган.

Болгарияда туғилиб ўсган ёзувчи Фарбий Европанинг барча мамлакатлари марказлари — Вена, Берлин, Лондон, Рим, Копенгаген, Амстердамда яшаш, бу ерларга саёҳат қилиш имконига эга бўлган.

Ўзини австриялик деб билган Канетти умрининг охиригى ўн йилида асосан Лондонда яшаган, Германияга тез-тез бориб турган. У гувоҳ бўлган воқеалар «Оломон ва ҳокимият» асарида талқин этилган.

Канетти аслида адабиёт ва илми уйғунлаштира олган, оддий ўқувчи учун ҳам классик даражадаги адабийлик ва ҳам академиклик даражани бир асарга жамлаб тақдим эта олган буюк сўз санъаткори эди. Унинг асарларига баҳо берар экан, танқидчиларнинг бир тўхтамга келишлари осон кечмайди. Чунки, асарларининг юки жуда оғир, бу юк баҳо берувчининг ўта юксак адабиётчидан ташқари, унинг инсон руҳияти, тарих, одамзоднинг феъл-атвори билан яқин бўлишини ҳам тақозо этади. Бу қаҳрамонимизнинг бежиз бундай юксак мукофот ва мартабаларга эришмаганидан далолатдир.

Канетти дастлаб 1934 йилда Венеция Тоубнер-Калдерон исмли қизга уйланган, 1963 йилда у вафот этгач, Гера Бушор билан оила қурган ва уларнинг бир ўгли бўлиб, улар Цюрих ва Лондонда яшаганлар.

Канетти Нобель мукофотидан ташқари, адабиёт соҳасидаги кўплаб мукофотларга ҳам муносиб топилган ёзувчидир. Жумладан, Халқаро Париж соврини, Вена шаҳридаги ёзувчилар мукофоти, Мюнхен Георг Бюхнер мукофоти, Дордмунд Нелли Закс мукофоти шулар сирасига киради.

ГАБРИЭЛЬ ГАРСИЯ МАРКЕС

Габриэль Гарсия Маркес. Йигирманчи аср жаҳон адабиётида ўзига ҳайкал ўрната олган бу ёзувчининг баъзи асарлари ўзбек тилига ўгирилган, унинг услуби ўзбек ижодкорларига ҳам муайян таъсир этган, деб айтиш хато бўлмайди. Габриэль Колумбиянинг Кариб денгизи соҳилидаги банан порти жойлашган Араката шаҳарчасида яшовчи, ўн олти нафар фарзанди бўлган оиланинг тўнғичи эди.



Маркес 1947 йилда Колумбия университетининг юридик факультетига ўқишга киради ва шу йили Боготада чиқадиган «Эспектадор» газетасида унинг «Учинчи бор рад этиш» деб номланган қиссаси эълон қилинади. 1954 йилдан бўлажак адиб «Эспектадор» газетасида иш бошлайди.

Маркеснинг журналист сифатидаги ўткир қалами у ёзган мақолалар ва публицистик чиқишлар ортдан бўлган катта шов-шувлардан ҳам маълум. Жумладан, Колумбия ҳарбий кемалари томонидан контрабанда маҳсулотларининг олиб чиқиб кетилгани фактлари асосидаги ўткир мақолалари оқибатида ҳукумат газетани ёпиб қўяди, Маркес ҳатто моддий қийинчиликлар домига тушиб қолади. 1955 йилда эса Маркеснинг прозаик сифатидаги илк жиддий асари «Сарғайган япроқлар» қиссаси эълон қилинади.

1958 йилда Габриэл Мерседес Барч исмли қизга уйланади, улар Родриго ва Гонсалес исмли икки ўғил кўришади.

1961 йилда нашр этилган «Полковникка ҳеч ким ёзмайди» повестидан сўнг бир йил ўтиб, «Гранд онанинг дафн маросими» номи билан ҳикоялар тўплами чиқади. Бироқ Маркесга катта шухрат ва бойлик келтирган асари, сўзсиз унинг 1967 йилда дунё юзини кўрган «Танҳоликда юз йил» романи бўлган. Романнинг биринчи наشري, Пабло Неруда таърифи билан айтганда, «испан тилида «Дон Кихот»дан кейинги энг катта кашфиёт бўлган» эди. Китоб бир ҳафта ичида сотилиб кетади ва перулик ёзувчи Варгас Льосанинг эътирофича, «адабиётдаги зилзила» сингари таассурот қолдиради. Ундаги Макондо номи билан аталувчи қишлоқ ўзида Лотин Америкаси тимсолини англади ва унинг асосчиси Буэндиа эса ўз авлод-аждоғлари билан дунё тарихининг рамзи қилиб кўрсатилган. Асар жуда катта шов-шувларга сабаб бўлади. Америкалик Уильям Макферсон «Танҳоликда юз йил» романини ҳақиқий адабий жунглига менгзайди. «*Бу магия, метафора ва мифология яратишининг фантастик кўриниши, даражаси*», дейди у.

Ёзувчининг навбатдаги «Патриарх кузи» романи марказида бўрттирилган тўқима америкалик диктатор образи туради. «Ошқора қотиллик қиссаси» романи, Билл Бафорд таъбири билан айтганда, «замонанинг энг ёрқин ва энг сеҳрли сиёсий романи» деган баҳога лойиқ эди. Асарда турли кўрқоқ ва бетайин гувоҳларнинг сиёсий қотилликка нисбатан турлича ёндашувлари акс эттирилган.


Маркес «роман ва ҳикояларида бутун минтақа ҳаёти ва зиддиятларини фантазия ва реаллик уйғунлигида тасвирлай олгани учун» Нобель мукофотида сазовор бўлади. Мукофотни тақдим этиш маросимида Швеция академияси вакили Ларе Йюлленстен шундай деган эди: «Маркес асарларида халқ маданияти, испанча барокко, европача сюрреализм ва модернистик оқимлар нозик ва истиқболли руҳда ўзининг уйғун ифодасини топган...»

Маркес жавоб маърузасида Марказий ва жанубий Америкадаги туб аҳолининг эксплуатация қилинишига алоҳида эътибор қаратади. *«Аминманки, — дейди у, — ижодимни ушбу мукофотга лойиқ топишларида нафақат асарларим ва мен, балки Америка ҳаёти ҳам назарда тутилган. Бу ерда фақатгина адабиёт эмас, балки халқнинг ҳаёти ҳам эътиборни тортган».*

Адабиётшунослар Маркес ижодида Фолькнер, шунингдек, Жон Дос Пассос, Виржиния Вульф, Камю, Хемингуэйларнинг ҳам ҳиссаси борлигини таъкидлашади. Америкалик Жозеф Эстап Маркеснинг композиция борасидаги маҳоратини куйидагича эътироф этади: *«...унинг жиловланмаган моҳирлиги сал кўнгилга тегади... Агар Маркеснинг роман ва ҳикояларига сиёсатдан ҳоли қарасак, уларнинг маънавий ўзани йўқ, улар маънавий борлиқда мавжуд эмас»*, дейди у.

УИЛЬЯМ ГОЛДИНГ

Англиялик ёзувчи Уильям Голдинг 1911 йилнинг 19 сентябрь куни Корнуолл графлигидаги Сент-Колам-Майнер қишлоғида таваллуд топган. Уильямнинг отаси Алек Голдинг мактабда ўқитувчилик қилар, онаси эса феминизм тарафдори эди. Голдинг Мальборродаги ўрта мактабда ва Оксфорд университетиде таҳсил олган. У етти ёшидан ижод билан шугуллана бошлаган, 1934 йилда, яъни бакалавр даражасини олишига бир йил қолганида, илк шеърий тўплами чоп этилган.



1939 йилда Голдинг таҳлилий кимё бўйича мугахассис бўлган Энн Брукфильдга уйланади, Водсорт епископи мактабига инглиз тили ва фалсафа ўқитувчиси сифатида ишга жойлашади ва ўртадаги ҳарбий хизматни ҳисобга олмаганда, то 1961 йилгача мана шу ерда фаолият олиб борган.

1954 йилда унинг «Пашшалар султони» романи йигирмадан ортиқ нашриёт уни рад этганидан кейин «Фейбер энд Фейбер» томонидан босиб чиқарилади ва, ҳайратланарлиси шундаки, оний бир фурсатда Буюк Британияда қўлма-қўл бўлиб кетади. Одамларга хос бўлган пасткашликлар «Пашшалар султони» романининг бош мавзуси эди. Роман йигирма миллиондан ортиқ нусхада нашр этилган ва бу кўрсаткич мана-ман деган ёзувчилар учун ҳам катта орзу эди. У Баллантайннинг «Маржон ороли» асарига кинояли шарҳ тарзида яратилган.

Асар сюжетида одам яшамайдиган оролда қолдирилган, асли ўртаҳол синф вакиллари бўлган бир гуруҳ ўспиринларнинг босқичма-босқич ёввойилашиб кетиши жараёни акс эттирилган. Улар муносабатларидаги эркинлик, меҳр-оқибат ўрнини вақт ўтиши билан қонхўрлик, зулм-корлик ва ахлоқсизлик эгаллай боради ва иш ибтидоий урф-одатлар ва қурбонликларгача бориб етади. Рамзий маънода роман реал ҳикоявий қиссадан кўра, кўпроқ диний, сиёсий ва руҳий масалга яқин туради.

Голдинг 1961 йилда АҚШнинг Виржиния штатидаги Холлинз коллежда бир йил ўқитувчи бўлиб ишлагач, муаллимлик фаолиятини тўхтатиб, ўзини бутунлай адабиётга бағишлайди. Бу пайтга келиб у яна учта романини эълон қилган эди. Булар «Меросхўрлар», «Ўғригина Мартин» ва «Эркин қулаш» романларидир, қолаверса, у 1958 йилда «Мис капалак» қиссасини ҳам эълон қилган.

Адибнинг «Меросхўрлар» романи қайсидир маънода ёзувчи Герберт Уэллснинг «Тарих очерки» асарига «норозилик» руҳи билан суғорилган. Унда Уэллс ҳис-туйғуларга берилмасликни, яъни рационализмни ёқлаган ва тараққиётга ишониш зарурлигини уқтирган. Голдингнинг эътироф этишича, Уэллснинг мазкур китоби унинг ҳаётида катта роль ўйнаган, чунки унинг отаси ҳам рационалист эди ва шу сабабли адиб ушбу романни «охирги инстанциядаги ҳақиқат» сифатида қабул қилган.

Адибнинг «Шпиль» романи қаҳрамони, эркаклар монастирининг бошлиғи Жослин соборни нима қилиб бўлса ҳам, хоҳ кўп пул сарфлаб, хоҳ эътиқоддан кечиб бўлса ҳам ибодатни янада кучайтириш мақсадида шпиль, яъни найзасимон ишланган қоплама билан ёпишга қарор қилади.

Англиялик танқидчилар Марк Кинкид-Уикс ва Ян Грегорлар «Шпиль» романи Голдинг ижодидаги туб бурилиш нуқтаси эканини таъкидлашади. Чунки Голдингнинг бундан кейинги асарлари иккита мустақил йўналиш, яъни метафизик ва ижтимоий йўналишда яратилган.

1982 йилда адиб «Ҳаракатдаги нишон» деб номланган эсселар тўпламини нашр эттиради.

1983 йилда Голдингга *«реал баён қилиш санъатининг ёрқин намунаси бўлган ва афсоналарнинг ранг-баранглиги ва универсаллиги билан уйғунлашган ҳолда инсоннинг замонавий оламда яшаш шароитларига кириб боришга хизмат қилувчи романлари учун»* адабиёт соҳасидаги Нобель мукофоти берилади. Очигини айтганда, бу хулоса кўпчилик учун кутилмаган ҳол бўлган. Чунки ўша пайтда инглиз ёзувчиси Грем Грин аксарият адабиётчиларнинг диққат-эътиборида турган эди. Тақдирот маросимда маъруза қилган академия вакили Ларе Йюлленстен ўз сўзида Голдингнинг роман ва ҳикоялари *«зулмкор ҳамда хиёнаткор бузғунчи кучлар ҳақидаги бир уюм сирли афсоналар эмас, балки жуда қизиқарли саргузашти тарихлардирки, уларни мароқ ва қониқиш ила ўқиш мумкин»*, деб эътироф этади.

Нобель маърузасида Голдинг *«фан томонидан бошқарилаётган олам ҳақида фикрлаб, Пессимистга айланмоқдаман, шунга қарамай, менинг*

хаёлимни чалғитишга уринаётган маънавий дунё ҳақида ўйлаб, мен яна оптимистга айланаман», дейди.

Адибнинг «Қогоз одамлар» романи 1984 йилда АҚШда нашр этилди. Унда гап кекса инглиз ёзувчиси Вилфрид Барклей ва америкалик ўта жаззакчи академик Рик Такер ўртасидаги руҳий ва маънавий кураш ҳақида кетади.

Голдингнинг ҳаёти ва ижоди узоқ йиллар мобайнида танқидчилар томонидан турлича баҳолаб келинган. Масалан, америкалик танқидчи Стенли Эдгар Хаймен уни «Англияда давринг энг қизиқарли ёзувчиси», дсб ҳисоблайди. Бу фикрга инглиз ҳикоянависи ва танқидчиси Притчет ҳам қўшилади. Айни вақтда Фредерик Карл уни ўз танлаган мавзуларини интеллектуал асослар билан бойита олмаганликда айблайди, шунингдек, унинг барча китобларидаги дидактик оҳангни ҳам таъкидлайди. Унда эксцентрик мавзуларни очиб беришида «адабиётда маҳоратни билдирувчи мувозанат ва пишиқлик этишмайди», дейди у.


Голдинг 1955 йилда адабиёт бўйича Қироллик жамиятига сайланган. У бу пайтда хотини Уилтшир билан Солсбери яқинида яшаган, уларнинг икки фарзанди бор эди. Ёшлигида ашаддий овчи бўлган Голдинг умрининг сўнгги йилларида фортепьяно чалишга қизиқиб қолади, шунингдек, грек тили билан шугулланади ва археология ҳақидаги адабиётларни ўқийди.

Ёзувчи 1993 йилнинг 19 июнь куни саксон икки ёшида вафот этган.

ЯРОСЛАВ СЕЙФЕРТ

Ярослав Сейферт 1901 йилнинг 23 сентябрь куни бир пайтлар Австрия-Венгрия империясига тегишли бўлган Прага яқинидаги Жижков шаҳарчасида таваллуд топган. Унинг отаси фабрикада ишлаш билан бирга дўконни ҳам бошқарди.

Ярослав ҳатто мактабни ҳам тугатмаган, аммо у адабиёт, мусиқа ва чет тилларини мустақил ўзлаштирган. 1920 йилда либерал партия вакили Томаш Масарик Чехословакия Президенти этиб сайланади. Мамлакатда бошқарув демократик парламент тизимига ўтиб, у конституцион республикага айланади. Шу йили Сейферт «Тўққиз киши гуруҳи» номи билан илгор адабий тўғарак ташкил этади.



Сейфертнинг илк асарлари – «Кўз ёшларидаги шаҳар» (1921), «Ишқнинг ўзи» (1923), «Асал ойи» (1925), «Булбулнинг ёқимсиз хониши» (1926)да поэтизм услуби яққол сезилади.

1929 йилда у коммунистлар партияси сафидан чиқади, компартиянинг цензура сиёсатига қарши норозилик манифестини чиқаради ҳамда сиёсий нашрлардаги фаолиятини тўхтатиб, социал-демократлар партиясига аъзо бўлиб киради. Мана шу даврдан бошлаб шоир ўз асарларида умуминсоний қадриятлар мавзусига эътибор қаратади, муҳаббат ҳақида ёзади, ўз шеърларида аёллик нафосатидан руҳланади, хотиралар уммонига шўнғийди. Шу билан бирга, у журналистик ишини ҳам давом эттиради, Прагадаги турли газеталар билан ҳамкорлик қилиб, 1930 йилда «Янги саҳна» номи билан чиқадиган ойлик журналга бош муҳаррир этиб тайинланади.

Сейферт қирқинчи йилларда эълон қилган китобларида муҳаббат ва гўзаллик, Чехия тарихи мавзуларини кўтариб, урушни, нацизм ва цензурани қоралайди, «Лойдан ясалган шлем» асарида эса у 1945 йилдаги Прага кўзғолонини шарафлайди.

Уруш тугагач, Чехословакия собиқ иттифоқ таъсири остидаги мамлакатга айланади. Шоир бу пайтга келиб сиёсатдан ҳоли бўлган мавзулар – бахтли болалик, болалар тарбиясида ота-оналарнинг ўрни, вақт ўтиб эскирмайдиган ўлмас қадриятлар ҳақидаги мавзуларда шеърлар ёзади. «Викторка ҳақида кўшиқ» китобини 1950 йилда эълон қилади, қизиғи шундаки, танқидчи Йозеф Шкваречк ушбу тўпламни Сейфертнинг дурдонаси, дея атаган. Ҳақиқатдан ҳам шоир Чехиядаги гўзаллик тимсолларини яратишга ҳаракат қилган. Шоир ўзининг «Моцарт Прагада» (1951) ва «Прага» (1958) тўпламларида Праганинг маданий мероси, унинг бой тарихини жуда катта маҳорат билан акс эттирган. Ушбу тўпламларда жамланган шеърларда у, танқидчиларнинг яқдил хулосаларига кўра, дворянлар ва оддий халқ характерларини уйғунлаштирган ҳолда миллатни бирлаштирувчи янги мифология ҳақида сўз юритади.

1953 йилда Сталин вафот этгач, социализм лагерига мансуб бир қатор мамлакатларда бўлгани сингари Чехословакияда ҳам мафкуравий босим пасаяди, кўзга кўринган адабиёт ва санъат вакиллари энди социалистик реализмни ўзларига бош дастур қилиб олмасликларини билдира бошлайдилар. 1956 йилда Ёзувчилар съездида сўзга чиққан Сейферт барча ёзувчиларни ижод эркинлигига эришишга чақиради. У ўз чиқишида эътиқод учун тазийққа олишларга қарши гапирган, айниқса, коммунистик партияни қотиб қолганликда айблаб, кескин танқид қилади. У «*агар шоир ва ёзувчилар жим турган экан, улар ёлғон гапиряптилар*», дейди.

Коммунистлар яна матбуотни қатъий назоратга олади, ўзгача қарашдаги ва кескин фикрли асарлар тақиқланади. Аммо ана шу қисқа фурсатли мафкуравий босимнинг пасайиши вақтида Сейферт Нобель мукофоти қўмитасининг эътиборига тушиб улгурган эди.

1969 йилда мамлакат Ёзувчилар уюшмасига раис этиб сайланган Сейферт орадан бир йил ўтмай, цензурани қўлламагани учун вазифасидан бўшатилади.


Сейферт 1984 йилда *«Янгилиги, ҳиссиётларга тўлалиги ва тасаввурлари кенелиги билан ажралиб турувчи ва руҳнинг мустақиллиги ҳамда инсоннинг кенг қирралигидан далолат берувчи поэзияси учун»* адабиёт соҳасидаги Нобель мукофотиغا сазовор бўлади. Саломатлигининг ёмонлашгани сабабли Сейферт мукофотларни топшириш маросимида қатнаша олмайди. Унинг ўрнига қизи Яна Сейфертова келади. Ларе Йюлленстен шоир поэзиясини енгиллиги, оҳангдорлиги, ритмиллиги, шу билан бирга, топқирлиги билан алоҳида ажралиб туради, дея таърифлайди. У Сейфертнинг қандайдир содда шоир эмаслиги, унинг шеърларида Европа модернизми билан яқинлик яққол барқ уриб туриши, авангард шъериятга уйғунлик борлигини эътироф этади.

Сейфертнинг Нобель маърузаси гарбдаги матбуот саҳифаларида чоп этилган. Чехословакиянинг озодлик сари узоқ йўли ҳақида фикр билдириб, Сейферт шундай ёзади: *«Бизнинг тилимиз ўзимиз учун миллий борлигимизни билдириб турувчи энг муҳим қуролимиз бўлиб қолди... Поэзия бизнинг маданий ҳаётимизда муҳим ўрин тутади. Шеърят нафақат одамлар билан дилдан гаплаша олиш имкониятини яратади, балки биз унинг тилидан номини айта олмайдиган хавфлардан ҳам яширина оладиган макон сифатида фойдаланамиз».*

Сейферт 1986 йилда Прага яқинидаги уйда юрак хуружидан вафот этган. Бугунги кунга келиб унинг китоблари жуда кўп тилларга таржима қилинган. Америкалик танқидчи Уильям Харкинс шоир ҳақида шундай дейди: *«Сейферт чех шоирлари ичида аллақачон энг ҳурматлиларидан бирига айланиб улгурган ва ҳатто, унинг «буюк» деган шарафга лойиқлиги ҳам эҳтимолдан узоқ эмас».*

КЛОД СИМОН

Клод Эжен Анри Симон 1913 йил 10 октябрь куни Мадагаскарнинг Тананавир шаҳрида тугилган. Отаси Луи Антуан Симон Франциянинг мустамлакачи армиясида хизмат қилган офицер эди, у биринчи жаҳон уруши бошланган вақтда вафот этган. Онаси Сюзанна эса мамлакатнинг жануби-шарқий қисмидаги Россильон шаҳрида яшовчи оддий деҳқон оиласининг фарзанди эди. Клоднинг болалиги Испания билан чегарада жойлашган Перпиньян шаҳарчасида, тоғасининг қўлида ўтган. Болакай ўн олтига киргунига қадар Париждаги Коллеж Станисласда таҳсил олган. У бу пайтда



регби ўйнар, расмлар чизишни хуш кўрарди. Урушдан олдинги йилларда Клод Парижда Андре Лота қўлида мусаввирлик сирларини ўрганади, Европа ва Россия бўйлаб саёҳат қилади, 1934–1935 йилларда эса Франция армиясининг 31-драгун полкида ҳарбий хизматда бўлган. Фуқаролар уруши даврида Симон кўнгиллилар сафида Испанияга боради, аммо вақти келиб республикачилар ҳаракатидан кўнгли қолган.

1939 йилда иккинчи жаҳон уруши бошлангач, Клод отасининг йўлидан бориб, драгун полки зобитига айланади ва бригада генерали даражасигача етади.

Адабий фаолиятини урушдан аввалги йиллардаёқ бошлаган Симоннинг Перпиньянда Қаршилик ҳаракати сафида юрган пайтларида тугалланган «Қаллоб» номли илк романи 1945 йилда олам юзини кўрган. Асарни турлича талқин қилишган. Адибнинг «Тортилган ип» (1947), «Гулливер» (1952), «Шамол» (1957) романларида Фолькнер, Пруст, Конрад ва Достоевский каби адабиёт билимдонларининг таъсири сезилиб туради.

У уруш даврида француз адиби Раул Дюрфи билан танишади ва айнан мана шу ижодкорнинг маслаҳатлари Симон ижодида муҳим аҳамият касб этган. Интервьюларидан бирида адиб Дюрфининг қуйидаги гапларини алоҳида қайд этган эди: «*Ёзишни хоҳлаган асарингни ёзилиши зарур бўлган асарга қурбон қилишни билиши керак*».

1960 йилда ёзувчи француз ижодкорларининг Жазоир мустақиллигини қўллаб-қувватловчи «121 Декларация» деб номланган манифестига имзо қўяди. Шу йили нашр этилган «Фландрия йўли» романи «Экспресс» журналининг 1961 йилги мукофоти билан тақдирланади. Романнинг бош қаҳрамони Жорж муаллифнинг ўзи каби Маасда бўлиб ўтган жангда қатнашади. Асарда уруш хотиралари ва шу даврнинг таассуротлари акс эттирилган. Америкалик тадқиқотчи Карен Голд Жорж образига баҳо бериб, «*Бу шахс эмас, балки архетип*», дея хулоса қилади. 1967 йилда чоп этилган «Тарих» романида Симоннинг формалистик нуқтаи назари мужассамланган, яъни унинг фикрича: китобларни «*расм каби ёзиши керак, ахир ҳар бир картина бу энг аввало композициядир*».

1969 йилда адибнинг «Фарсал яқинидаги жанг» романи нашр этилган. Саризиди ўтказилган коллоквиумдан сўнг танқидчилар Симон асарларидаги мифик жиҳатларга кўп аҳамият қаратмай, аксинча уларнинг матнини таҳлил қилишга эътибор бера бошлайдилар. «Янги романчилик» бўйича етакчи мутахассислардан ҳисобланган танқидчи Жан Рикарду мазкур романдаги «*иборалар баҳси*»ни худди ҳарфларнинг ўрин алмашинувидан бошқа сўз пайдо бўлиши, яъни аннаграматик нуқтаи назардан қабул қилиши лозимки, ҳар қандай баён қилиши ҳам ўзига яраша «сўз юриши»ни билдиради», дея таҳлил қилган.

1973 йилда адиб Шарқий Англия университетининг фахрий унвонига сазовор бўлади. Шу йили эълон қилинган «Триптих» романи инглиз танқидчиси ва таржимони Жон Фетчернинг хулосасига кўра, «ёрқин тасвирланган ишқий асар» бўлиб, у ёзувчи асарларига хос бўлган

фожиавий севгини ўзида намоён этган. Ушбу романда адиб бир-бири билан узвий боғланиб кетган учта севги ва ўлим воқеасини акс эттиради. Танқидчи Франсуа Жостинг романни «*матн борасида ўзини ўзи илҳомлантириш, пайдо қилиш тажрибаси*» дея атаган. «Георгик» деб номлаган навбатдаги романида муаллиф ўзининг илгариги китобларида қўллаган тажрибалардан воз кечади.

«Ижодидида поэтик ва мусаввируна янгиликларнинг уйғунлиги», шунингдек, «даврнинг инсонни тасвирлашдаги ўрнини чуқур англагани» учун Симон 1985 йилда адабиёт йўналишидаги Нобель мукофотига сазовор бўлади. Швед академикларининг таъкидлашларича, «*Симоннинг пессимизми, тарихга фожиавий кўз билан қараши унинг ўз мажбуриятлари, мерос ва анъаналарга бўлган яқинлигидандир... Адибнинг ҳикоя қилиш санъати мавжудлигининг шафқатсизлиги ва абсурдligидан қатъи назар, ичимизда яшайдиган қандайдир англаб, ҳис қилиб бўлмас нарсадир...*»


Нобель маърузасида ёзувчи шундай дейди: «*Роман, худди мусиқа кабидир, бу – мавзунинг ижро этилиши эмас, балки уйғунликнинг изҳор этилишидир*».

ВОЛЕ ШОЙИНКА

Воле Шойинка 1934 йилнинг 13 июль куни Нигерия гарбидаги ўша пайтда Буюк Британия мустамлакаси остида бўлган Абеокут шаҳарчасида кўп болали оилада дунёга келган. Отаси бошлангич инглиз мактабида директор, онаси дўкондор эди.

Шойинка Абеокутдаги ўрта мактабда, 1946 йилдан Нигериядаги нуфузли Ибадан ҳукумат коллежида ўқиган. Коллежни тугатгач, Лагос шаҳрида ёзув-чизув ишларини олиб борадиган кичик хизматчи сифатида ишлай бошлайди. Унинг ўша пайтда ёзган илк ҳикоялари ва радиопьесалари Нигерия радиоси орқали бериб борилар эди. 1962 йилда у Ибадандаги Университет коллежига ўқишга киради. Бу коллеж кейинроқ Нигерия университетига айлантирилган, мазкур коллежда у инглиз тили, тарих ва грек тилларини мукамал ўрганади, Нигерия мустақиллиги ҳаракатларида фаол иштирок этади.

1954 йилда Шойинка Англияга кўчиб келади ва Лидс университетидида инглиз тилини янада чуқур ўргана бошлайди. Лидсда Шойинка театрга маросим ва ўтмиш билан мулоқот сифатида алоҳида аҳамият берган драматург Уильсон Найт назариясини ўрганади, унинг раҳбарлиги остида Европа театри билан яқиндан танишади. Европанинг театр маданияти



билан Нигериянинг саҳна маданиятини боғлаш устида бош қотиради. 1957 йилда бакалавр даражасини олган Шойинка Лидсда қолиб, Южин О’Нил ижоди мавзусида диссертация устида иш бошлайди. Унинг ижодида алоҳида ўрин тутувчи икки асари — «Ботқоқликда истиқомат қилувчилар» ҳамда «Шер ва одам» пьесалари ана шу даврда яратилган. Ҳар икки асар эски ва янги, кўҳна ва замонавий Африка ўртасидаги курашга бағишланган.

Лондондаги машҳур труппалардан бирига «Шер ва одам» жуда маъқул келади. Ёш драматург ўқишини ташлаб, Лондонга, ушбу труппага пьесалар танловчи сифатида ишга жойлашади. У энди инглиз драматургиясидаги оқимлар билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлади. Шойинка Лондонда «Ботқоқликда яшовчи одамлар» ва янги ирқчиликка қарши кураш ғояси билан яратилган «Ҳидирма» пьесаларининг талабалар томонидан саҳналаштирилишига эришади.

Ибадан университети қошидаги драматик санъат соҳасидаги Рокфеллер илмий-тадқиқот маркази мукофотини олгач, Шойинка 1960 йилда Нигерияга қайтади ва бу ерда ҳаваскор театр гуруҳини очади. Мазкур гуруҳ «Маски — 1960» номи билан аталиб, Шойинканинг ўша даврдаги энг кучли пьесалари мана шу жамоа томонидан саҳнага олиб чиқилган. «Ўрмон кўшиғи», «Иероним оғанинг мусибатлари» Шойинкага катта шуҳрат келтирган. Кейинги йили Шойинка асосан радио ва телевидение учун асарлар яратади. У 1962 йилда Ифдаги университетга инглиз тили ўқитувчиси бўлиб ишга жойлашади. Шойинка, шу билан бирга, Европа маданияти билан уйғунлашишга мутлақо қарши чиқиб келган, Африка анъаналарининг ўзлигини сақлаб қолиш тарафдори бўлган, ҳаракатларининг маъносидан келиб чиқилса, мистик йўналишдаги адабий «негрофиллар» гуруҳи билан қизгин тортишувларга киришади. Драматургнинг фикрича, негрофиллар Африканинг долзарб масалаларини ҳал этишга қодир эмаслар, унинг ибораси билан айтганда, «шер шерман деб бақирмайди, у шерларча ҳаракат қилади».

Шойинка, шунингдек, ҳукумат томонидан цензуранинг кучайтирилишига қарши курашади. 1963 йилда университет маъмуриятининг Фарбий Нигерия ҳукумати қўллаб-қувватлаш ҳақидаги фармойишига норозилик сифатида истеъфога чиқади. Орадан икки йил ўтгач, Фарбий Нигериядаги сайловлардан сўнг ўзини таништирамаган диктор сайлов натижалари сохталаштирилганини эълон қилади, бу нотаниш диктор — Шойинка эди, кўп ўтмай уни ноқонуний радиоэшитириши учун қамоққа оладилар. Америкалик ва англиялик бир қатор ёзувчилар — Лилиан Хелманн, Роберт Лоуэл, Лайнонелл Триллин кабиларнинг Нигерия ҳукуматига билдирган норозилигидан сўнг драматург озодликка чиқарилади.

Шойинка 1965 йилда Лагос университетининг катта ўқитувчиси бўлиб ишга жойлашади ва шу йили унинг биринчи романи «Шарҳловчилар» босмадан чиқади.

1967 йилда Нигерияда фуқаролар уруши арафасида Шойинка Энугада ибo қабиласи бошлиғи Чукуемека билан яширинча учрашади ва уни Нигерия таркибидан чиқмасликка чақиради. Орадан ўн бир кун ўтиб, у Лагосга қайтиб келади ва уни Нигерия ҳукумати бошлиғи, Президент Говоннинг шахсан топшириғига кўра ҳибсга олишади. У барча қаршилик ва норозиликларга қарамай, исёнчилар билан келишганликда айбланиб, 27 ойга бир кишилик камерага жўнатилади. Одамлар билан мулоқотга киришиш, шунингдек, тиббий ёрдам олиш, китоб ва ёзма қуроллар билан таъминланишдан маҳрум бўлган драматург, энг аввало, ўзининг руҳиятида бўлиши мумкин бўлган ўзгаришлардан қўрқар эди. Шуларга қарамай, Шойинка яширин тарзда пьеса ва романларининг хомаки нусхаларини тайёрлаб қўяди.

Ёзувчи 1969 йилда ҳукумат кўшинлари Биафра айирмачилари устидан ғалаба қозонгач, умумий афв натижасида озодликка чиқарилади ва Ибадан университетини қошидаги Драма мактабига директор этиб тайинланади. Мазкур мактабда Шойинка ўзининг «Конги мавсуми» пьесасини саҳналаштиради, Африкадаги зулмкорликни фoш этган мазкур мусиқий комедия 1970 йилда муаллиф томонидан қайта ишланади ва унинг кино варианты яратилади. Қизиғи шундаки, фильмда Шойинканинг ўзи бош қаҳрамон образини яратган. Фильмнинг экранларга чиқиши олдиан Шойинка Европага бoриб, Кембриждаги Черчилль-коллежда лекциялар ўқийди. Шойинка Европада учта энг аҳамиятли саҳна асарларини яратади. «Таниб бўлмайд қолган Иероним», «Вакханки» ва «Ўлим ва шоҳ суворийси» Шойинканинг энг кучли ва эътироф этилган пьесалари эди.

1979 йилда Чикагода унинг «Ўлим ва шоҳ суворийси» пьесаси саҳналаштирилган бўлса, 1981 йилда «Аке: Болалик йилларим» биографик асари чoп этилган.

1986 йилда адиб «*улкан маданий истиқболли ва шоирона драматургияси учун*» Африка ёзувчилари орасида биринчи бўлиб Нобель мукофотига сазовор бўлади. Швеция академияси аъзоси Ларе Йюлленстен унинг асарларида, энг аввало, Африканинг ранг-баранг саҳнавий усуллари, маросимларга хoс рақслар, ниқoб ва пантомимо, ритм ва мусиқа, декламация, театр ичидаги театр усуллари маҳорат билан қўлланилганлигига эътибор қаратади. «*Ҳа, — деди нотик ўз сўзини давом эттириб, — Шойинканинг театри Африканики, Африка маданияти ва Африка ҳаётидан асос олган театр, аммо у ниҳоятда билимдон драматургдир... Афсоналар, анъаналар ва урф-одатлар унинг учун маскаррад либослари эмас...*»

Шойинка Нобель маърузасини апартеидга қарши курашган Жанубий Африка қаҳрамони Нельсон Манделага бағишлаган.

Адиб драмалар ва насрий асарлар билан бирга қатор шеърый китобларнинг ҳам муаллифидир. Айниқса, унинг 1969 йилда эълон қилинган «Қамоқда битилган шеърлар», шу тўпламнинг кенгайтирилган

ва бойитилган «Сагана дарвозаси» номи билан чиққан китоби кўпроқ тилга олинади. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, Шойинка шеърларини йоруб қабиласи тилида ёзган бўлса, пьеса ва насрий асарларини фақат инглиз тилида яратган. Унинг таъкидлашича, Нигерияда асосий тиллар бир нечта, инглиз тили уларни ўзаро боғлаб туради.

Нигериялик тадқиқотчи Огунбанинг фикрига кўра, Шойинканинг асарларида яққол кўзга ташланадиган жиҳат унинг инсонпарварлигидир.

ИОСИФ АЛЕКСАНДРОВИЧ БРОДСКИЙ



Ўтган бир асрдан ортиқ вақт ичида юздан ортиқ ёзувчи ва шоирларга Нобель мукофоти насиб этган. Аслида уларнинг қайси мамлакатнинг фуқаролари эканини аниқ кўрсатиб ажратиш, бугунги глобаллашиб кетган даврда осон иш эмас. Мисол учун, Бродский ҳам худди шундай. Миллати яҳудий, АҚШ фуқаролигидаги ижодкор ўзини рус адабиётчиси, деб ҳисоблайди. Назаримизда, яратилган асарлар қайси тилда ёзилгани кўпроқ аҳамият касб этса керак.

Дарвоқе, у 1940 йилда Ленинградда туғилган. Отаси Александр Иванович шаҳарда кўпчилик биладиган фоторепортёр эди. Онаси Мария Вольперт эса ҳисобчи вазифасида ишлаган. Иосифнинг болалиги

айни уруш йилларига тўғри келади. Ленинград қамали, халқнинг очнаҳорликда кун кўриши, огир меҳнат, хавф-хағарлар, уруш оловининг устингиздан ўт пуркаши мумкинлиги ва ҳоказо — биз эшитган ўша машъум кунларда у болалигини ўтказган.

Шаҳарнинг ажи-бужи бўлиб кетган архитектураси, портлашлар натижасида хонавайрон бўлган Ленинград ва унинг атрофлари, турли харобалар — буларнинг бари унинг мурғак тасаввурида из қолдиргани асарларидаги мотивлар руҳида яққол сезилиб туради.

Бродский ўн саккиз ёшидан шеърлар ёза бошлаган. Слуцкий ижоди билан танишуви унинг шеърятга ошно бўлишида ҳал қилувчи туртки берган дейишади. Унинг «Пилигримлар», «Пушкинга ёдгорлик», «Рождество романи» шеърлари илк ижодидан ёрқин намуналар бўлиб қолган. Уларда таниш мусиқий руҳ ярқ этиб туради, баъзиларида ҳатто жаз услубининг ритмик унсурларини ҳам кўрасиз. Бродский Оден ва Цветаеваларни буюк шоирлар деб биларди, улардан сўнг Кавафис ҳамда Фростни келтирарди, шунингдек, у улуглаган шоирлар қаторида Рильке, Пастернак, Мандельштам ва Ахматовалар ҳам бор эди.

1961 йилда Рильке уни Ахматова билан шахсан таништириб қўйган. Вақти келиб Бродский ҳам «Ахматова етимларидан бири» бўлиб қолади. 1963 йилда «Ленинград оқшоми» газетасида «Адабиёт теварагидаги текинхўр» мақоласи эълон қилинади. Лернер, Медведев ва Ионинлар имзо қўйган мақолада Бродский текинхўрларча ҳаёт кечираётганликда айбланади. Унга ёпиштирилган учта шеърини цитатадан иккитаси аслида Бобишевнинг қаламига мансуб, учинчиси Бродскийнинг «Намойиш» поэмасидан олинган эди. Мақола Бродскийни ҳибсга олишлари мумкинлигини ҳам билдирарди. Аммо туҳмат, ундан кейин қамоққа олиш, суд, ҳукм каби кутилаётган ваҳималардан кўра Бродскийни Марина билан айрилиққа дуч келиши кўпроқ эзарди.

Шу даврда у ўз жонига суиқасд қилишга уриниб кўради. 1964 йилнинг 13 февраль куни уни қамоққа олишади. Эртаси куни камерада унинг юраги илк бор хуруж қилади. Кейинроқ унда юрак хуружи касалиги, яъни стенокардия борлиги маълум бўлади. Бу энди шоирга ҳар дамда ҳаёти тугаши мумкинлигини эслатиб турарди. Аммо бу хасталик унинг умр бўйи ашаддий чекувчи бўлиб қолишдан халос эта олмаган. Унинг 33 ёшида «Салом менинг қарилгим» ёки 40 ёшида «Ҳаёт ҳақида нима дейишим мумкин? У мен учун узоқ бўлганини айтмайми?» қабилдаги сатрларини кимдир олифтагарчиликка йўйиши ҳам мумкин, аммо бу сира ҳам носамимий эмас эди. Ўзига қўйилган ташхис билан у ҳақиқатан ҳам ана шу ёшга етишига ишончи йўқ эди.

Бродский устидан ўтказилган иккита суд мажлиси Вигдорова томонидан конспектлаштирилган ва кейинчалик эълон қилинган «Оқ китоб»га киритилган. Унда жуда кўп қизиқ фактларни ва ҳолатларни учратиш мумкин. Айбловчилар томонидан таклиф этилган гувоҳларнинг ҳаммаси ўз кўргазмаларини «Мен Бродский билан шахсан таниш эмасман», деган сўзлар билан бошлаган. Унга берилиши мумкин бўлган энг катта жазо тайин қилинади – беш йил олис ўлкаларда мажбурий меҳнат. Буни ҳозир тасаввур қилиш осон. Уни Архангельск вилоятининг Конош туманидаги Норен қишлоғига сургун қилишади. Бродский Волковга берган интервьюсида бу давр ҳаётидаги энг бахтли кунлар бўлганини айтган эди. Буни қандай тушуниш керак? Балки бу билан адиб айнан сургундалиги даврида инглиз поэзияси билан чуқур танишганини назарда тугганмикин? Дарвоқе, у шу вақтда Уинстон Оденни ўқиган. Ким билади дейсиз? «Мен 1939 йилда инглиз шоирининг «Замондош... тилга топинмоқ керак» деб ёзганига ишонини истамасдим. Ахир дунё ўшандайлигича қолди-ку», – деб ёзган эди шоир ўша кунлар ҳақида.

Шоирни бу тахлитда ҳукм қилишлари собиқ иттифоқдаги ва чет мамлакатлардаги ҳуқуқ ҳимоячиларининг норозиликларини келтириб чиқаради. Бир ярим йил мобайнидаги жаҳон жамоатчилигининг қаттиқ қаршиликлари ва босимларидан сўнг жазо бекор қилинади. Бу ўринда Жан Пол Сартр ва бошқа бир қатор хориж ёзувчиларининг мурожаатлари катта роль ўйнаган эди, албатта.

1972 йилнинг 12 май куни Бродскийни Ленинград милициясига чақириб, унга икки йўли борлигини айтишади: чет элга чиқиб кетиш ёки руҳий касалликлар шифохонаси. Бу «Катта китоб» асарига киритилган воқеа. Ушбу давргача Бродский икки марта бир неча ҳафтадан руҳий хасталиклар шифохонасида бўлган эди. Бу нарса унинг учун ҳар қандай қамоқ ва сургунлардан-да оғирроқ ва қўрқинчлироқ истиқбол эди. Чет элга чиқиб кетишга розилик билдирган Бродский бу муддатни иложи борича кейинроққа суришга интилади, чунки яқин орада мамлакатга Никсоннинг давлат ташрифи назарда тутилаётган ва унда шу ташриф қандайдир умид уйғотган бўлса, ажабмас. Бироқ ҳокимият бунга йўл қўймайди. Бродский 4 июнь куни Ленинграддан Венага учиб кетади.

У Австрияда Оден билан танишади ва унинг таклифи билан 1972 йилда Лондонда бўлиб ўтган Халқаро поэзия фестивалида иштирок этади. Бродский ўшанда Оден билан гаплашиб, инглиз тилини яхши ўрганмаганидан хафа бўлади. Чунки у суҳбатдошига кўнглидаги ҳамма гапни етказа олмаганди. Шу сафари чоғида у Исай Берлин билан ҳам танишиб олади.

1981 йилда у Нью-Йоркка кўчиб ўтади. Эътиборли жиҳати шундаки, ҳатто мактабни тўлиқ тугатмаган Бродский Америка ва Британиянинг жами олтита университетига ишлаган. Булар орасида ҳатто Колумбия университети ҳам бор эди. У Оденга яқинлашиш мақсадида инглиз тилида ижод қила бошлагач, АҚШ ва Британиянинг илмий ва адабий жамоатчилиги эътиборига ва эътирофига сазовор бўлади. Францияда у Фахрий легион ордени билан тақдирланади.

1986 йилда унинг инглиз тилида ёзилган «Бирдан кичкина» эсселар тўплами АҚШда йилнинг энг яхши адабий-танқидий китоби деб топилди.

Бродскийга *«фикр тиниқлиги ва поэтик жўшқинлик билан йўғрилган кенг қамровли ижоди учун»* 1987 йилги Нобель мукофоти берилади. Стокгольмда унга *«Ўзингизни рус ёзувчиси деб ҳисоблайсизми ёки америкаликми?»* деган савол беришганида Бродский шундай жавоб берган эди: *«Менинг миллатим яҳудий, рус шоири ва инглиз эссечисиман»*.

Бродский ўрни ва баҳосини жуда яхши билар ва сохта дабдабозлик, мақтовлар теграсида ўзини йўқотиб қўймасди. Мисол учун, у мукофотни топшириш маросимидаги нутқида шундай деган эди: *«...бу ерда мендан олдин кимлардир туриб гапирган, ундан-да зўрроқ сабаби — бундай шарафга арзийдиган-у, лекин сазовор бўлолмай қолганлар, ушбу минбардан туриб «урби от орби» деганларидек, сизларга мурожат этолмай қолганлар бор, уларнинг яқдил сукунати сизларга етиб боролмай қийналади»*. У Осип Мандельштам, Марина Цветаева, Уистон Оден, Роберт Фрост ва Анна Ахматовалар номига келтирилган ўтади.

Бродский бундан бошқа ҳам кўпгина мукофотларга лойиқ топилган. Жумладан, у Макартура стипендиаси лауреати, Миллий китоб мукофоти совриндори ҳам эди.

1983 йилда Бродскийнинг отаси вафот этади, орадан бир йилдан ортиқроқ вақт ўтиб, у онасидан ҳам айрилади. Иккаласининг ҳам дафн маросимларига келишга унга рухсат беришмаган. Бундай муносабат Иосиф Бродский учун қанчалар огир бўлганлигини ҳатто тасаввур қилиш қийин. «Таништирув» (1986), «Отам хотирасига: Австралия» (1989), «Бир ярим хона» каби эссе ва шеърлари унинг қалбини ларзага солган ана шу огир кунлар ҳосиласи эди.

1990 йилларга келиб собиқ иттифоқда унинг бир қатор китоблари нашр этилади. Кейин уни ватанга таклиф қилишади ҳам. Бродский ташрифни орқага сураверади. Адибга ўзининг келиши муносабати билан матбуотда кўтариладиган шов-шувлар, нишонлашлар, ортиқча дабдабалар ёқмасди.

90-йилларда ёзилган «Воҳага нома», «Хулоса», «Биз тошқотган сув рангидек шаҳарда яшагандик» каби шеърларида у ўзининг қайтиши ва қайтмаслиги масаласидаги фикрларини билдирган. Охири икки шеърини ўқиган одамда худди у қайтиб келгандек таассурот уйғонади.

1990 йилга келиб Бродский рус-итальян таржимони бўлиб танилган Мария Содзанига уйланади. У жажжи қизалоги билан инглиз тилида муомала қиларди.

Бродский 1996 йилнинг 28 январь куни уйқудалиги вақтида инфарктдан вафот этади. Уни ўзининг васиятига биноан Ленинграддан кейинги ўринда яхши кўрадиган Венециядаги Сан-Микеле қабристонига дафн этишади.


2005 йилнинг ноябрида Санкт-Петербург университетининг ҳовлисида Симун лойиҳаси бўйича илк бор Бродскийга ёдгорлик ўрнатилади. Минг афсуски, йигирманчи асрнинг улуг ижодкорларидан бири Бродский тириклигида ўз ватанига сигмай яшади. Буни қисмат дейдилар.

НАЖИБ МАҲФУЗ

Нажиб Маҳфуз 1911 йилда Қоҳирада, амалдорлар оиласида тугилган. У Қоҳира университетининг фалсафа факультетини тугатган.

Маҳфуз 61 ёшгача давлат идораларида ишлаган, дастлаб вазирликларда, сўнг санъат бюросида Цензура бўйича директор, Кино санъатини қўллаб-қувватлаш фонди директори ва, ниҳоят, маданият ишлари вазирлигида маданият масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимларида фаолият юритган.

Нажиб Маҳфуз Мисрдаги маҳаллий менталитет, қарашлар ва ёндашувлардан келиб чиқилса ва қонун қоидаларга қиёс-



ланса, либерал ёзувчи ҳисобланади. Инчунун, унинг бир қатор асарлари ислом оламида кўпгина норозиликларга сабаб бўлган. Ҳатто, 1994 йилда унга суиқасд ҳам уюштирилган ва оқибатда оғир ярадор қилинган. Аммо у умрининг охиригача, ҳатто тўшакка михланиб ётса ҳам, ёзишдан тўхтамаган.

Адиб ўз миллатининг тарихий анъаналари реал тасвирланган илк асарларини «Ал-мажалла ал-жадида» журналида чоп эттирган. Унинг илк новеллалар тўплами 1938 йилда олам юзини кўрган. Шундан сўнг унинг фиръавнлар бошқаруви даври тасвирланган романтик руҳда ёзилган бир нечта романлари эълон қилинди.

Маҳфузнинг «Байн ал-Қасрийн», «Қаср аш-Шок» ҳамда «Ас-Суккарийа» романлари киритилган «Қоҳира» трилогияси унинг Европада эътироф қозонишига сабаб бўлади. Асарда қоҳираликларнинг уч авлоди тақдир мисолида Миср тарихидаги ижтимоий ва сиёсий воқеаларга муносабат билдирилган. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг адиб ўз асарларида ижтимоий ҳаётни ёритишга интилади. Уни замонавий Миср ҳаёти қизиқтирар эди. «Янги Қоҳира» деб номланган реалистик руҳдаги романида уруш бошланмасдан олдин шаҳардаги ёш оиланинг ҳаётдаги танлови ҳақида гап кетади. Бунда у майда буржуйча яшаш даври тугагани, навқирон авлоднинг келажак борасидаги ўй-ташвишлари, янгича фикрлаши ҳақида ҳикоя қилади. Инглизларга қарши 1919 йилдаги кўзғолондан то иккинчи жаҳон урушигача бўлган даврда мисрлик турли табақа вакилларининг ижтимоий масалалари, ҳаёти унинг «Хон ал-Халили», «Муддақ кўчаси», «Ибтидо ва интиҳ» каби романларида кенг акс эттирилган.

Умуман, ушбу ёзувчининг асарлари реал ҳаёт билан чамбарчас боғлиқ. Юқорида тилга олинган трилогияси ҳам, аввало, Қоҳиранинг марказий ва қадимий даҳалари номи билан аталганининг ўзиёқ бунга далил бўла олади. Қарийб ўн йиллик меҳнат эвазига дунё юзини кўрган ушбу романларда қоҳиралик ўрта синф вакиллари бўлган уч авлодга мансуб оилалар тақдир мисолида 1917 йилдан 1952 йилгача мамлакат ҳаётида содир бўлган силкиниш ва ижтимоий-иқтисодий, сиёсий жараёнларнинг одамлар ҳаётидаги оқибатлари очиб берилган.

Аксарият мисрлик ёзувчилар қатори Нажиб ҳам социалистик реализм вакили ҳисобланади. Янги Миср ёзувчиларида арзон ва машҳур нашрлар эгаллаган бозорда ўз ўринларини топишдек муаммо ҳам йўқ эмас эди. Қолаверса, мамлакатда амалда учта — мумтоз, замонавий ва сўзлашув тили кўлланиларди. Нажиб Маҳфузнинг ютуғи шундаки, у гарчи қаҳрамонлари оддий касб эгалари, киракаш ёки камбағал маҳалланинг одами бўлса-да, сўзлашув тилига катта урғу бермай, адабий араб тилини услубий бойитишга эриша олган сўз санъаткори ҳам эди.

1988 йилда *«борлиқ одамзод учун аҳамиятли бўлган араб ҳикоячилигининг ҳаққонийлиги ва ранг-баранглигини кўрсатиб бергани учун»* Нажиб Маҳфузга адабиёт соҳасида Нобель мукофоти берилади. Бу воқеа турли фикрларга, қараш ва баҳоларга сабаб бўлади. Кенг жамоатчилик, адабиётшунос ва танқидчилар томонидан «Хўш, мукофот кўмитаси бу билан қандай

тамойилларга асосланди?» деган очикдан-очик ҳайратланиш аломатини билдирувчи саволлар ҳам қўйилади. Бир томондан, бунга адибнинг консерватив идеализм руҳидаги ўзига хос шаклларга бўлган мойиллигини сабаб қилиб кўрсатишса, иккинчи томондан, араб-исроил можароларининг бартараф этилиши билан боғлиқ сиёсий сабаблар ҳам тахмин қилинади.

Албатта, Маҳфуз асарлари ватандошлари қалбини ларзага солар, айниқса, жамиятнинг ақидапараст гуруҳлари унга тобора хавф солиб турар эди. Ёзувчининг йирик асарлар ёзиш борасидаги анъанасини ҳикоялар шаклига ўзгартиришига маълум маънода унинг изтироблари, ўзини жамиятда ёлғиз ҳис қилиши, жамоатчиликнинг қаҳр-газаби ортидан доимий хавф-хатарлар исканжасида қолган ташвишли кунлари ҳам сабаб бўлган. Унинг «Ўғри ва ит», «Мирамор пансионати», «Ёмгир остидаги севги», «Йўл», «Бечора», «Кўзгулар» каби асарларида айнан ўша ёлғизлик, одамлардан айролик, изтироблар, итқитиб юборилган тақдир манзаралари талқин этилган. Маҳфуз жами бўлиб 50 дан ортиқ роман ва қиссалар, юздан ортиқ ҳикоялар яратган ижодкор эди.

Унинг 2005 йилда босмадан чиққан ҳикоялар тўплами ўлимдан сўнги ҳаёт ҳақида бўлиб, «Еттинчи осмон» деб номланган.

Адиб романларининг ярмидан кўпроги экранлаштирилган ва араб дунёсида катта шуҳрат қозонган. Қоҳирадаги Муҳандисин мавзесида ёзувчига бронзадан ёдгорлик ўрнатилган.

Нажиб Мисрда ўзига хос ҳурмат қозонган шахс ҳисобланади. Унинг сиёсий ва ички жамият ҳаёти билан боғлиқ фикрларида кескинликнинг йўқлиги, вазминлик устувор эканлиги ҳам унинг бундай ҳурмат эътиборга эришишига сабабдир.

Ёзувчи 95 ёшида Қоҳирадаги госпиталлардан бирида оламдан ўтган.

КАМИЛО ХОСЕ СЕЛА

Испаниянинг чекка вилоятларидан бири бўлган Ла Коруньяда таваллуд топган Камила Хосе Села ўз халқининг узоқ йиллик изтироб ва дардларини айнан шу миллатнинг анъаналаридан чекинмаган, шу анъаналар билан тўйинтирган ҳолда тасвирлаб берган улкан ёзувчилардан бири эди. Унинг асарлари испан маданияти анъаналари билан уйғунликда умуминсоний муаммоларни ёритиб бергани билангина эмас, балки испан бадиий тилининг ривожига бениҳоя катта ҳисса бўлиб қўшилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Ёзувчига улкан шуҳрат келтирган асар унинг 1942 йилда нашр этилган «Паскуал Дуарте оиласи» романи эди.



Бу асар изтироб ва аламлар, даҳшатлар, шу билан бирга Испаниядаги курашлар ҳақида ёзилган. Асарни Мигел Сервантеснинг «Дон Кихот»идан кейин испан адабиётидаги энг машҳур роман сифатида қабул қиладилар.

Айнан мана шу роман муайян маънода испан адабиётидаги зўравонлик ва ортиқ даражада бўрттириб тасвирлаш билан характерланадиган «даҳшатли» реализм услубига йўл очган.

Адибнинг 1943 йилда ёзиб, 1951 йилда Аргентинада эълон қилган «Улей» романи ҳам катта шов-шувларга сабаб бўлади. Асар объектив реализм услубида яратилган бўлиб, франкистлар тартиби жорий қилинган даврда Мадрид шаҳрида юз берган воқеаларни очиб берган. Селанинг «Сан Камило 1936» романи француз адабиётидаги янги романчилик оқими таъсири остида яратилган, унда Испаниядаги фуқаролар уруши вақтидаги одамларнинг фожиавий ҳаёти қаламга олинган.

«Икки ўлик учун мазурка» (1983) романида оддий одамларнинг драматик ва абсурд, кулгили ва фожиали ҳаёти Аристофан, Франсуа Рабле ва Шекспир аънаналари орқали ёритилган. Муаллифнинг ўзига хослиги у ўлим мавзусини қатъий, айни вақтда кўпол ва ҳайратга солувчи юмор билан бўяб тасвирлайди. Танқидчиларнинг Села асарларини «қора юмор» деган атама билан номлашларида ҳам асос бор аслида.

Села, шунингдек, «Алькирияга сафар» (1948), 11 томдан иборат «Маънавий табу луғати», ҳикоялар ва сахна асарларини ўз ичига олган «Сирли луғат», дўсти Хэмингуэйга бағишлаб яратилган «Испания воқеалари. Кўрлар ва аҳмоқлар» (1957) асарларининг ҳам муаллифидир.

1989 йилда «*инсоний ожизликларни ҳамдардлик руҳи билан ва таъсирчан тарзда очиб бера олган ёрқин ва кучли прозаси учун*» Селага Нобель мукофоти берилади. Унинг китоблари дунёнинг жуда кўплаб мамлакатлари халқлари тилларига ўгирилган. У фуқаролар урушидан сўнг адабиётга кириб келган ёзувчилар орасида Испания академияси аъзолигига лойиқ топилган биринчи адибдир.

Ҳатто шон-шухрат ҳам Селанинг изтиробларини ювиб кета олмайди. Села ўз эсдаликларини ва қарашларида франкистлар тартиби даврида ёзувчиларнинг бошидан ўтказган оғир кунлари худди кечагидек алам ва дард билан келтирилади: «*Испанияда ёзувчи — энг аввало, шубҳали шахс ҳисобланади, у диссидентга ўхшаган таассурот уйғотадиган киши, нега энди у бошқа одамларга ўхшаб яшайвермайди, дея ёзғиришади... Ўша орзуманд болакай, қасдма-қасдига ҳаракат қилувчи ўспирин, ақлли йигитча ва, ниҳоят, бу эркак — ёзувчи вақти келиб кексайганида ва ўз кучи, интилишлари натижасида эришган ютуқлари ортида, фахрланарли номи турганида ҳам, ҳа у шу даражага етишганида ҳам, унга базўр чидаб келадилар, ич-ичидан унга ўлим тилаб, унга ҳасад қилиб келадилар, агар улар, аксинча, унинг асарларини ўқисалар ва ўзлари яшаётган жамиятнини ойнадаги каби кўриб қўйсалар борми...»*

Села қаҳрамонларининг ҳаёти маънавиятсизлиги, руҳсизлиги, ёввойилиги билан ҳайратга солади. Одамлар энг оддий эҳтиёжларини қондириш учун ҳам ҳаётнинг айна жараёнларига ёпишиб оладилар.

ОКТАВИО ПАС

Октавио Пас 1914 йилда Мексика пойтахти Мехикода туғилган. Октавионинг отаси адвокат, шунингдек, социалистик қарашларга эга сиёсатчи-публицист ҳам эди. Оиладагиларнинг аксарияти университет таълимини олган, аммо у таҳсил олишдан кўра, «Бегона ой» асарини ёзиб адабиётга қадам қўяди. 1937 йилда Валенсияда бўлиб ўтган антифашист ёзувчиларнинг анжуманида қатнашади. Испаниядаги фуқаролар уруши фронтларида бўлади. Француз сюрреалистлари билан яқин алоқа ўрнатган адиб 1944–45 йилларда АҚШда яшайди, кейинчалик Франция, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларда дипломатия соҳасида хизмат қилади. Европа ва Америкада таълим соҳаларида ишлайди. 1940 йилларнинг охирига келиб, ёзувчи сўл қанотчилар билан алоқаларини узади ва Аргентинада Сталин сиёсатининг ҳосили бўлган лагерлар, аниқроғи, Сталин лагерлари ҳақида мақолалар эълон қилади. Бу коммунистлар ва сўл радикалларнинг катта кучи ҳисобланган матбуотига ўзига хос уруш очиш билан баробар эди. Паснинг илк насрий асари бўлмиш миллат тарихи ва Мексика характери и ёрқин тарзда очиб бера олган эсселар тўплами — «Ёлғизлик лабиринти» 1950 йилда китобхонлар қўлига етиб боради.

Октавионинг ижод йўли ўзига хос эди. Танланган асарларининг 11–12-томларини ташкил этган шеърлари, сўзсиз, Пас ижодининг муайян кучи ва моҳиятини кўрсатиб бера олади. Ушбу асарларда инсоният цивилизацияси хусусида ўзига хос талқинлар бор, узоқ тарих ва бугуннинг мантиқий мушоҳадаларини уйғунлаштира олиш учун, албатта, Октавио бўлиш, у каби фикрлаш, у каби салоҳият эгаси бўлиш керак эди. Унинг мексикалик шоирлар Хуане де ла Крус, Леви Стросс, Марсел Дюшанлар ижоди ҳақидаги монографиялари мантиққа тўйинган гоёвий мукамал илмий асар кучига эга ишлар эди, албатта. Унинг Басё, Пессоа, Аполлинер, Уильямсдан қилган таржималари ҳозиргача юқори баҳолаб келинади. Октавио «Талъер», «Плураль» журналларини чиқарган ва умрининг сўнгги йилларида «Вуельта», яъни «Бурилиш» журналига раҳбарлик қилган.



Октавио Пас — Мексиканинг тиллар академияси аъзоси эди, Америка ва Европадаги бир қатор академия ва университетларнинг фахрий докторлигига эга бўлган, адабиёт соҳасидаги миллий мукофот, Испаниядаги «Мигель де Сервантес» номи билан аталувчи мукофот, Оклахома университети, Альфонса Райес номли халқаро мукофот, Британия энциклопедияси ва Алексиса де Токвиль мукофотларига, шунингдек, яна бир қатор халқаро ва миллий мукофотларга сазовор бўлган. Мексикада танқид ва эссечилик соҳасини ривожлантириш учун унинг шарафига Октавио Пас мукофоти таъсис этилган. Пас ижодидаги энг аҳамиятли асар, сўзсиз, унинг «Ёлғизлик лабиринти» бўлган.

1962 йилда Ҳиндистонга элчи этиб тайинлангач, у дин ва маданиятнинг қадим илдизлари, манбаларини ўрганиш имкониятига эга бўлади. «Шарқона таъзим», «Маймун такомилидаги грамматика», «Қайтиш» деб номланган шеърий асарлари орадан ўн-ўн беш йил ўтиб, ана шу ўрганишлар хулосалари сифатида яратилган.

Октавио Пас *«интеллектуал сезирлик ва гуманизм руҳидаги яхлитлик билан ўзига хослик касб этган ҳиссиётларга бой кенг қамровли асарлари учун»* 1990 йилги адабиёт соҳасидаги Нобель мукофоти билан тақдирланади. У кўп қиррали, кенг диапазонли ижодкор, фаол сиёсатчи ва дипломат, тарих илмидан дарс берарлик даражадаги билимдон олим эди.

Адиб 1998 йил 20 апрель куни оламдан ўтган.

НОДИН ГОРДИМЕР



Нодин Гордимер 1923 йилда Жанубий Африка Республиканинг Йоханнесбург шаҳри яқинидаги кичик шахтёрлар шахарчасида, заргарлар оиласида таваллуд топган. Мактабни тугатиб, бир йил шу шахардаги университетда таҳсил олган. Ёши ўн олтига етганида «Форум» журналида ёш ёзувчининг «Эртага яна ҳузуримга кел» деб номланган ҳикояси босилади. Ўтган асрнинг 40–50 йилларида Жанубий Африка Республикасида апертеид тузуми ҳокимиятга ўтирган ва бу пайтда ирқий камситишлар авжига чиқиб, ҳатто икки ирққа мансуб кишилар ўртасидаги никоҳ ҳам

маън этилганди. Ёзувчи ёшлигини эслар экан, «ўзининг оқ танли эканлиги»ни имтиёз белгиси сифатида қабул қилганини хотирлайди.

Ижод билан шугулланувчи зиёлилар учун мамлакатдаги аҳвол ниҳоятда огир эди, фараз қилинг-а, ЖАРда Мопассандан то Хемингуэй

ва Фолькнергача бўлган кўплаб ёзувчиларнинг 12 мингдан ортиқ китоблари ёқиб юборилган. Кўпгина ёзувчилар, жумладан, Абрахамс, Ла Гума кабилар эса мамлакатдан чиқариб юборилди.

Гордимер, аёл киши бўла туриб, бу зулму ситамлар гирдобида яшаган, шу тузумнинг бутун жабру жафосини ўз бошидан ўтказган ижодкор саналади. Унинг илк китоби «Юэма-юз» 1949 йилда босмадан чиққан. 1953 йилда эса «Ёлгон кунлар» романи нашр этилади, унда ёш қахрамон Хелен худди Гордимер бошидан ўтказган аянчли тақдирга дучор бўлади.

Гордимернинг «Ажнабийнинг ери» (1958) романини 50-йиллардаги Йоханнесбург ҳаётининг суврати ҳар томонлама акс этган асар, деб талқин қилишади. «Муайян муносабат ортидаги ишқ» (1966) романи қахрамони эса бу шафқатсиз ҳаётдан ўзининг ёлғизлик гирдобидаги ҳаётини маъқул топади. Маъмурлар бу асарни узоқ йиллар тақиқлаб қўйишган.

«Йўқотилган буржуйча туйғу» (1967) романи Гордимернинг ўзида тобора авж олаётган ёлғизлик ва алоҳида яшашга бўлган ҳиссиётни яққол намоён этади. «Фахрли меҳмон» (1970), Букеров мукофотига лойиқ топилган «Сақловчи» (1974) романларида ҳам муаллиф тушкунлик гирдобида фикрлайди, уларда ҳам ўша ёлғизлик, жамиятдан узилганлик ҳисси янада кучли ифодаланган.

Гордимернинг дунё адабий жамоатчилиги орасида катта шов-шувга сабабчи бўлган асари «Жуляликлар» (1981) романидир. Унинг марказида меъмор Смайзл оиласининг ҳаёти туради. Бу оила Йоханнесбургдан қочиб, чекка қишлоққа боради ва хизматкорининг уйида яшайди. Гордимер воқеаларга чуқур психологик таҳлил назари билан ёндашади. У кейин ҳам бир қатор романлар яратган. Уларнинг аксариятида ўзининг доимий гоаявий этиқодига, мавзуларига содиқ қолади, асарларда асосан ЖАР ҳаётининг муаммолари акс эттирилган.

Гордимерни Нобель мукофотига бир неча бор номзод қилиб кўрсатишган. Унга бу юксак мукофот академиянинг соддагина изоҳи билан – «бадиий ижоди учун» 1991 йилда тақдим этилади. Шу йили нашрдан чиққан «Сақраш» ва бошқа ҳикоялар тўплами китобига ёзувчи ўзининг ҳар томонлама севимли мавзулари сифатида талқин қилинган ҳикояларини киритган, уларда баён этиш услуби ижодкорнинг кичик жанрлар техникаси борасидаги юксак маҳоратини кўз-кўз қилади.

Гордимернинг «Атрофимда ҳеч ким йўқ» (1994) романи қахрамони Вера Старк бутун умрини сиёсатга бағишлайди, у аслида шу йўлни ўзини ўзи англашнинг энг тўғри усули деб билади. «Уй қуроли» танқидчилар томонидан илиқ кутиб олинади ва баъзилар асарни ҳокимиятнинг юқори эшелонлари ҳаётидан олинган триллер деб ҳам баҳолашади. Гордимер 1999 йилда «Умид ва тарих уйғунлигидаги ҳаёт: асримиз ҳақидаги ўйлар» китобини эълон қилади. Китобдан адибанинг адабиёт, маданият, инсон ҳуқуқлари борасидаги фикрлари ва, албатта, унинг Жанубий Африкадаги ҳаётига тегишли хотиралари ўрин олган.


Гордимер асарлари дунёнинг жуда кўп тилларида ўқиладиган ижодкорлар сирасига киради. Унинг романлари, ҳикоялари ва мақола-лари ўттиздан ортиқ тилларга таржима қилинган.

Шеймас Хини Нодин Гордимерни «*тасаввур партизани*» деб таърифлаган. Дарҳақиқат, мана шу тасаввурот ва ҳаёт борасида ном қозонган ёзувчи Жанубий Африкадан биринчи бўлиб Нобель мукофотига эришган ижодкор ва дунёда аёллар орасида еттинчи бўлиб бундай мартабага эришган ёзувчи бўлди. Ярим асрдан ортиқроқ давом этган ижоди давомида Гордимер ўн учта роман, икки юздан ортиқ кичик ҳикоялар ва бир неча том эсселар яратган.

Танқидчилардан Стивен Клигманнинг «Нодин Гордимер романлари: Ичкаридан қараш» деб номланган таҳлилий асари алоҳида аҳамият касб этади.

Суронли йилларда Гордимер кўпларга ўхшаб чет элга чиқиб кетмаган. Унинг эри Райнольд Кассирер иккинчи жаҳон уруши вақтида нацистлар Германиясидан кетиб, Британия армиясида хизмат қилган, ўгли Нью-Йорк, қизи Францияда яшаган, аммо ўзи ватанида қолишни маъқул топган.

ДЕРЕК УОЛКОТТ



Дерек Уолкотт 1930 йилнинг 23 январь кунини Тринидад ва Тобаго оролларидаги Сент-Луксия оролидаги Кастри қўргонида ўқитувчи оиласида таваллуд топган. Санта Мария коллежида таҳсил олган. 1953 йилдан эса Ямайкадаги Вест-Индия университетиде ўқиган. Талабалик йилларида даврий нашрларда ўз асарларини эълон қилган. Рокфеллер фондининг адабиёт стипендиясига эришган ёш ёзувчи Нью-Йоркда ишлай бошлайди. Кейинроқ Англияда малака ошириб, ўз фаолиятини давом эттиради ва Бостон университети доктори даражасигача етиб боради, шу жойда адабиёт ва ёзувчилик маҳоратидан дарс берди.

Уолкотт бироз муддат Гренада ва Ямайкада ҳам ўқитувчилик қилган. 1959 йилда Тринидадда театр маҳорати мактабини очиб, шу жойда қаттиқ ўрнашади. Мактабнинг бадиий раҳбари сифатида труппанинг репертуарини кенгайтира бошлайди. Айнан шу труппа унинг машҳур «Маймунтоғдаги туш» пьесасини саҳналаштирган ҳам. Ушбу саҳна асарида гап ирқчилик ва қўзғолонлар ҳақида боради. Асар анчайин мураккаб ижодий иш эди. Уолкоттнинг Қариб денгизи соҳилларига

хос маҳаллий маданиятдан руҳланиши, она ватанининг мустамлака остида ўтган ўтмишини яхши ўрганиши натижасида яратган асарлари уни замонавий шеърятнинг йирик намоёндаларидан бирига айлантиради.

Уолкотт илк шеърларини ўзи босмадан чиқарган ва Кастри кўчаларида ўзи сотган. Илк китоби «Мовий тун қаърида»га (1962) кирган асарлар арихипелагда истиқомат қилувчи ижодкорнинг собиқ метрополиянинг мана-ман деган шоирлари даражасига етганидан далолат бериб турар эди.

Адибнинг «Хўрланган одам» (1965), «Бошқача ҳаёт» (1973) поэмалари, «Юлдузли-олмали шоҳлик» (1979), «Омадли ҳамроҳ» (1981), «Арканзас васияти» (1987) каби асарлари кетма-кет китобхонлар ҳукмига ҳавола этилади.

Уолкотт Британия фуқаролигидан воз кечиб, Сент Люсия фуқаролигини олган. Бу орёл диаметри 25 миль атрофидаги вулқонлар макони бўлиб, унда қарийб 25 минг аҳоли истиқомат қилади. Рус ёзувчиси Иосиф Бродский Уолкоттнинг яқин дўсти ва маслақдоши эди. У шоир ҳақида тўлқинланиб шундай ёзган: *«Ундаги вазн ва жанрлар ранг-баранглиги менда тўғридан-тўғри ҳасад уйғотади. Унинг шеърлари балмисоли денгиз ва океандан оқиб келаётгандек тасаввур беради»*.

Шоирнинг қарийб қирқдан ортиқ шеърый ва драматик асарлари эълон қилинган.

Уолкоттнинг баъзи драмалари кенг шуҳрат қозонади. Улар сирасига 1980 йилда яратилган «Хотира куни» асари алоҳида ўрин тутади. Драмаларининг баъзилари шеърый услубда ёзилган. Илк пьесаси саҳнага олиб чиқилганида у эндигина йигирма ёшга тўлган эди. Уолкоттнинг Тринидад театр студияси ҳам катта шуҳрат қозонган. 1981 йилда Уолкотт Жон Д. ва Кетрин Макартур фондларининг «Даҳолар учун» деб номланган грантига сазовор бўлади, мукофотнинг маблағ жамғармаси 250 минг АҚШ доллари миқдорида эди.

1992 йилда *«Тарихий мавзуларда юксак маҳорат билан ёзилган поэтик асарлари учун»* ва бунга қўшимча тарзда *«Қариб соҳилларида яшовчи халқлар маданияти ва эпосини жамлаган 64 бўлимдан иборат асарлари учун»* адибга Нобель мукофоти берилади.

Бродский Уолкотт яшаган замин ҳақида шундай деб ёзган эди: *«Бу заминни Колумб кашф этди, британияликлар забт этдилар, Уолкотт умрбоқий қилди»*.

Дерек Уолкотт ижоди унинг адабиёт, шеърятнинг жамият ва одамзод ҳаётидаги ўрнини қандай англашидан бошланса ажаб эмас. Нобель мукофоти соҳибининг 1993 йилда яна бир лауреат Иосиф Бродский билан бўлиб ўтган мулоқоти эътиборга лойиқдир. Улар 1993 йилнинг 9 сентябрь куни Гётебург китоб кўرғазмасида поэзия ва тиллар орасидаги ўзаро боғлиқлик, борлиқ ва тарих ҳақида суҳбат қурмоқ истагида учрашадилар.

Шоирлар аввало, тил бойлигининг поэтик композициядаги ролини таҳлил қилишга ҳаракат қиладилар ва тил бойлиги цивилизация ва тараққиётни қанчалик мужассам эта олиши ҳақида фикрлашадилар.

«Инсоннинг вазифаси, энг аввало, ўзининг нима эканлигини англаш ва тушунишидир, — деб гап бошлайди Бродский. — Унинг ўзига берадиган биринчи саволи мен америкаликми, италиялими ёки швед, швейцариялик ёки японияликми, Худога ишонаманми ёки ишонмайманми, қайси фалсафага эътиқод қўйганман — булар ҳақида эмас, балки ҳўш, мен қўрқоқ эмасманми, одамлар билан муносабатда мағрур ва журъабиманми, ҳалолманми ёки ҳалол эмасманми, бошқа жинс билан қандай келиши оламан, деган саволлардан иборат бўлмоғи керак. Одам бу орода аниқ бир қарорга келиши керак, дин, миллат, маданият борасидаги тафовутлар жуда мужжалдир.

Ҳеч нарса тил каби инсонга ўзини англашида катта ёрдам бера олмайдди. Агарки, мен ўзимга нисбатан бир қадар аниқликни англари эканман, бу мен ўз тилимда яхши ёзишни билишимдандир. Мен фойдаланадиган сўзлар мени адаштирмайдди, мен шу сўзларни ёза туриб ҳеч кимни алдамаётганимни яхши билман».

Бродскийнинг ушбу мулоҳазаларига Уолкотт бирмунча совуққонлик билан қўшимча қилади: «Барча мулоҳазалар четлаб ўтмайдиган поэзия ҳақидаги ушбу ўта нозик мулоҳазаларни олмага етказишида фикрни шакллантириши анчайин мураккаб иш. Чунки биз поэзия ҳақида сўз юрийтиб, бу касбни кенг маънода тушуниши ҳақида гапирётганимиз йўқ. Биз бўғинлар, юкламалар, қандайдир модуляциялар ҳақида фикрлашмаяпмиз, холос».

«Мен ҳозир гапиришим шарт бўлмаган тилдан фойдаланаяпман, мен Вест-Индияликман, аммо инглиз тилида гаплашаяпман, — давом этади Уолкотт. — Яна икки илтифотли жентльмен ҳам инглиз тилида сўзлашмоқда. Агар Швецияда инглизча гапириши имтиёз бўладиган бўлса, нима учун мен ҳам шу имтиёздан фойдаланишим керак? Инглиз тилининг нимаси борки, бу тилни ўзаро тушуниши учун воситага айланган бўлса? Ҳар доим шу савол тугғилиши ҳамоно сен ҳар қандай ёзувчи каби ажизлигиндан Шекспирга мурожаат қиласан. Жавоб назаримда, энг аввало «Буря» асариди мужассам топган.

Дефонинг Робинзонини олинг. Биз Робинзон ва Жумавой ҳақидаги китобда ёввойи одамни ўрганиши гоясига олиб келувчи ёндашувни кўрамиз. Ақлли ва абжир Робинзон Жумавойни ўргатгунча қанча кулгил ва тўсиқли ҳолатларга дуч келади. Аммо бу романиависининг китоби. Худди шунга ўхшаши ҳолатни олиб ва уни бир нуқтага етказиб, ниҳоятда гротеск бўлган икки фигура, икки образга эга бўламиз — Калибан ва Просперо. Аммо бу поэма, роман эмас. Романда ёввойи одам гапирмайди, бу романининг асоси ва мавзуси. «Буря»да Просперога тенг бўлган ягона персонаж бу — Калибан.

Савол келиб чиқади: нима учун ёввойи ва бунинг устига махлуқ бир зот шеър билан гапирди? Нима учун энг ажойиб, энг мусиқий, эсда қоладиган ва тўлқинлантирувчи сатрлар Калибан томонидан айтилади ёки унга тегишли? Калибан бир ўринда шундай дейди: «Сиз мени гапиришга

ўргатдингиз, энди мен сизнинг тилингизда қарғашни ҳам биламан. Аммо бу ҳаммаси эмас, бу ҳақиқат эмас. Сиз менга ўргатдингиз гапиришини, сизнинг тилингизда, энди мен биламан шеър билан қандай сўзлашни».

Аммо бу ҳам рост гап эмас, чунки Калибан бунга англаётгани йўқ. Шекспир ҳеч қандай киноясиз Калибанни пьесадаги энг чиройли тилга айлантирган. Ахир аслини олиб қараганда, Калибан гапирмаслиги, хурхураши керак эди, холос. Асарда бунинг акси содир бўлади. Бу Шекспирнинг қандайдир хомхаёллиги ёки фантазёрлигидан эмас, албатта. Унга маълум ва равшан эдики, поэзиянинг тили қандайдир географик ёки ирқий, бирор тарихий ёки истеҳзоли ҳолатга мутлақо сингиб кетмайди».

ТОНИ МОРРИСОН

Америкалик ёзувчи Тони Моррисон (Клои Энтони Уоффорд) 1931 йилнинг 18 февраль куни Огайо штатидаги Лорейн шаҳарчасида оддий ишчи оиласида тўрт фарзанднинг иккинчиси бўлиб дунёга келган. Тонининг отаси Жорж Воффорд унга қора меҳнатчилар ҳаётидан ҳикоя қилувчи кўплаб халқ эртакларини айтиб берар эди. Айнан ўша ҳикоя қилиш услуби кейинчалик Тони ижодида ўз ўрнига эга бўлган. Моррисоннинг романларида балиийлик устун туради, ўзаро суҳбат-диалоглар кучли, шу билан бирга бу асарларнинг энг катта аҳамияти уларда Африка ва Америка одамларининг характери етарлича муфассал ва мукамал очиб берилганидир.



Унинг машҳур романларидан «Энг мовий кўз», «Соломоннинг қўшиги», «Суюклигим»ларни санаб ўтиш мумкин. 2001 йилда Тони мана шу ижодий ютуқлари боис Америкада йилнинг энг кучли 30 аёлидан бири сифатида эътироф этилган.

Моррисон 1949 йилда гуманитар билимларни эгаллаш мақсадида Гарвард университетига ўқишга қиради. 1953 йилда инглиз тили магистри унвонига эришганида уни адабиёт ихлосмандлари Тони тахаллуси билан ҳам анча таниб қолишганди. 1955 йилда у Корнелл университетига Санъатшунос даражасига ҳам эга бўлади. Бу унвонга у Уильям Фолькнер ҳамда Виржиния Вульф асарларида инсоннинг ўзига суиқасд қилиши мавзусининг ёритилиши бўйича олиб борган илмий тадқиқотлари сабаб эришади.

У 1958 йилда Гарльд Моррисонга турмушга чиқиб, ундан иккита фарзандли бўлади, бироқ улар узоқ бирга бўлишмаган, 1964 йилда

оиласидан ажрашган Тони Нью-Йоркка қайтиб, дарсликларни таҳрир қилиш билан шуғуллана бошлайди. Орадан бир ярим йил ўтиб, Моррисон Рендом Хауснинг Нью-Йоркдаги штаб квартирасида муҳаррир бўлиб иш бошлайди.

Муҳаррир сифатида Моррисон Африка ва Америка адабиётини таъминлашда муҳим роль ўйнаган. У Тони Кейд Бамбара, Анжела Девис ҳамда Гайл Жонс каби ижодкорлардек китоб таҳрир қилиш илмида из қолдирган мутахассисга айланади.

1973 йилда Тонининг «Сула» романи Миллий китоб мукофотиغا сазовор бўлади. Унинг учинчи романи «Соломоннинг қўшиғи» эса катта шуҳрат олиб келади. Адиба кейинчалик энг кўп ўқиладиган ёзувчи сифатида тан олинади.

Тони Моррисон *«америкача ҳаётнинг муҳим аспектларини жонлантириб юборган орзулар ва поэзия билан лиммо-лим романлари учун»* 1993 йилда Африка ва Америка қитъасидаги аёл ёзувчилар орасида биринчи бўлиб, Нобель мукофотиغا сазовор бўлади.

Тони аслида Нобель мукофотиغا қарши бўлганларнинг севимли объектига айланиши мумкин эди. Нега? Бир томондан, қора танли аёл, қолаверса, унинг китоблари асосан қуллик ҳақида. Унинг «маҳмадоналиги»ни фош қилиш мумкин эди. «Суюклигим» асари кишини ўйлантириб қўяди. Унда бир қора танли аёл ўз боласини эртага қул бўлишини хоҳламагани учун ўлдиришни маъқул топади. Романнинг мақсади масалани шу тахлитда қўйгани билангина чекланиб қолмайди, балки унда қора танли қулларнинг менталитетини ҳар томонлама тадқиқ қилишдек ва уни акс эттиришдек бошқа улкан муддао ҳам бор эди.

Асар сюжети содда ва оддий, гапни олиб қочиш, чувалаштириб ўтириш йўқ, тарихдан қаҳрамонлари прототипини қидиришга ҳожат ҳам йўқ. Асар бир нечта саҳна бўлақларига бўлиб ташланган, қизиғи, бу бўлақлар бири-бири билан узвий боғланмаган, бетартиб кетма-кетликда берилган. Бу услубни ёзувчи ақдан озиш даражасига кетиб бораётган одамнинг ҳаётидаги мантқиқни очиб беришнинг ягона йўли сифатида танлаган кўринади. Буни романнинг охирига етиб тушунаси. Бироқ ушбу бўлақларни йиғиш, ҳеч бўлмаганда, улардан бир нечтасини умумий моҳиятни тушуниш учун йиғиб қўриш керак бўлади. Бундай қилиш учун китобнинг формуласи, шакл-шамойилига мурожаат қилиш талаб этилади.

Қачонлардир, ҳали қуллик бекор қилинмаган даврда Сети исмли негр қизи оқ танли хўжайинлар ичида қора танли қулларга нисбатан одамга ўхшаб муомала қиладиган хўжайинга ишга ёлланади. Бу меҳрибон хўжайиннинг уйида Сетидан ташқари яна бир неча қора танлилар, жумладан, Сетининг эри Халле ҳам хизмат қилар эди. Уларга меҳрли бўлган оқ хўжайинлар Халлега ўз онаси Беби Сагзни сотиб олиш, яъни қулликдан озод қилишга рухсат беришади. Ўғлининг интилишлари оқибатида олтмиш ёшли қул аёл бунга эришади ҳам. Хўжайин бу аёлга икки қаватли иморатини ажратиб, айрим оғир бўлмаган ишларни бажариши эвазига пул ҳам бериб туради.

Меҳрли уйда хўжайин вафот этгач, янги хўжайин келади. «Ўқитувчи»га ўхшаб муомала қилувчи бу оқсуякнинг тарбия воситалари мутлақо бошқача бўлиб чиқади. У билан яшаш асло чидаб бўлмайдиган даражада ёмонлашади, ва охир оқибат, Сети ҳомиладор бўлатуриб, бу ердан қочиб кетишга мажбур бўлади. Дарёдан ўтиб қайнонасининг уйига етар экан, Сети туғиб улгурган ва унга бу ишда ёрдам берган оқ танли қиз шарафига ўз боласига Денвер исмини танлаган эди. Йиллар ўтиб, Сети шаҳарда андармон бўлиб, унга ўша манфур ўқитувчининг яқинлашаётганини сезиб қолади. У буни ички сезги билан сезади. У ҳамма фарзандларини олиб, саройга яширинади. Уни топишганида Сети кичик қизини ўлдириб улгурган эди. Уни қамоққа оладилар. Қамоқдан чиқар экан, қотил она бўлиб ўтган воқеаларни хаёлидан ўтказиб, нима қилиб қўйганини тушуниб етишни ўйлаб яшайди.

Ҳаммасидан муҳими якун. Айтиш керакки, хотима жуда ачинарли. Сетига марҳума фарзандининг руҳи қайтиб келгандай бўлаверади, вақт ўтиб бу руҳ Сети устидан ҳукмрон бўлиб олади. Асарнинг бадиий жиҳатига баҳо берилса, бу ўринда тўғри маънодаги мўъжизакор реализмни келтириб чиқаради, бироқ буни Марксча реализм деб бўлмайди.

Моррисоннинг катта хизмати ва унинг ижодидаги аҳамиятли жиҳат шундаки, у қора танли одамларни ҳам Америка жамиятининг бир бўлаги сифатида тасвирлайди. Аслида шундай, улар ҳам шу Америка оиласининг вакиллари. Негрларнинг америкаликлардан ажралиб туриши, уларнинг фикрлаши ва дунёқарашида. Бу эса уларнинг амалда ўзига хосликлари, мустақил элат эканликларининг йўқолишига олиб келди. Расман ва, аслида ҳам, улар оқ танлилар билан баробар ҳуқуқларга эга бўлишга интилишар ва бунинг иложи йўқлиги учун оқ танлиларни айбдор санашар эди.

Китоб ўткир сюжет қизиқувчиларига ёқиши даргумон. У типик романчилик асосларига таянилган ҳолда, романчилик аънаналарига мос равишда тузилган қурилмага эга бўлган асарлар сирасига киради, композицион қурилиши бироз ўзгача, холос. Баён этиш ҳам бир текис, деталлар ва фикрлашларга бой.

КЭНЗАБУРО ОЭ

Япониялик адиб Кэнзабуро Оэ 1935 йилда Сикоку оролидаги ҳамма ёғи ўрмонлар билан ўралган Ехим қўрғонида туғилган. У 18 ёшида темир йўлда илк бор Токиога сафарга чиқади ва бир йилдан сўнг Токио университетининг француз тили факультетига ўқишга киради. Бу ерда Франсуа Рабле ижодининг катта билимдони бўлган профессор Ватанабга шогирдликка тушади. Рабленинг муболага билан ва бўрттириб яратган адабий образлари тизими Оэнинг унга таниш бўлган афсона ва тарихий ҳикоятларни қайта баҳолашига, уларга бошқача кўз билан қарашига туртки бўлган.



Кэнзабуро ҳали талабалиги давридан, яъни 1957 йилдан ёза бошлаган. «Ўлжа» ҳикояси ва «Мол боқиш» қиссаси унга Акутагава мукофотини олиб келади. «Олижаноб ўлим» ҳикояси ҳамда «Кечиккан ёшлар» (1961) романларида Оэ ҳали Америка мустамлакасининг қора соялари билиниб турадиган пойтахт Токиодаги талабалар ҳаёти ҳақида ёзган. Бу асарларда замонавий француз адибларидан Жан Пол Сартр ва бошқалар ижодининг таъсирини сезиш мумкин. 1963 йилда ёш адабиётчининг оиласида илк фарзанд дунёга келади. Унга Хикари деб исм қўйдилар, бу «ёруглик» деган

маънони англатади. Аммо шу кундан бошлаб Оэлар оиласида қайғу ва азоблар даври бошланади, болакай ногирон бўлиб, гапира олмас эди. Гарчи оилада кейинчалик мутлақо соғлом икки фарзанд – бир ўғил ва бир қиз дунёга келган бўлса-да, Кэнзабуро бу қайғуни енга олмайди ва қолган умрини бутунлай мана шу касалманд ўғлига багишлашга аҳд қилади.

1964 йилда ушбу огир хаста бўлган фарзанд доғида ёзилган «Шахсий тажриба» биографик романи босмадан чиқади. Бир йилдан сўнг эса Хиросима ёзувлари шаклидаги атом бомбаси жабрдийдаларининг ҳаёти ва кечмишлари ҳақидаги йирик эссесини эълон қилади.

«1960 йил футболи» романи Оэ ижодида мутлақо янги бурилиш юз берганини билдиради. Бир йилнинг ўзида бу асар ўн бир марта қайта босмадан чиққанининг ўзи ҳам унинг қанчалар оммалашгани ва қизиқиш уйготганидан дарак бериб турибди. Ушбу шафқатсиз ва мурасасиз тилда ёзилган китобда асосий мақсад одамлар эмас, балки одамларни мақсадга етиш воситаси деб билган кишининг ўлими ҳақида ҳикоя қилинади. Ушбу асарида Оэ икки хил дунёқарашни қарама-қарши қўяди: *одамларга қарши ва одамлар учун яшаш даъвоси*.

«Сув билан лиммо-лим қалбим» (1973) асари фарзанднинг ўз оиласи билан ёввойи қушларнинг қўшиги орқали муомала қилиши ҳақидаги ҳикоядан иборат.

Оэда рус адабиётига чексиз муҳаббат уйғонади. Унинг қуйидаги сўзлари ҳам бежиз эмас албатта: *«Мен ёзишни рус адабиётидан ўргандим. Биргина мен эмас. Янги давр япон адабиёти ва замонавий япон адабиёти рус адабиётидан ҳалигача ўрганмоқда, сабоқ олмоқда. Ҳаётни тасвирлаш услублари, инсоннинг ички оламига кириб боришни мен Толстойдан, Достоевскийдан ўргандим. Мен «Ака-ука Карамазовлар», «Уруш ва тинчлик», «Анна Каренина»ларни ўндан ортиқ марталаб ўқидим»*.

Оэ «Янги аср ёшлари, уйғонсангизчи!» (1983) асари билан ўзининг хаста фарзанди Хикарига бағишланган туркум асарларини яқунлаган.

Маданий антропологиянинг янги ғояларидан фойдаланиб яратилган ушбу асар Оэнинг фантастик оламидаги бирликни, уйғуликни вужудга келтирган.

Оэ *поэтик «иқтидор билан яратилган хаёлий дунёдаги одамзод ҳаётини реаллик ва мистика билан чоғиштириб бугунги кун қийинчиликларининг мислсиз манзарасини яратгани учун»* 1994 йилда Нобель мукофоти билан тақдирланади.

Мукофотга сазовор бўлганидан сўнг берган биринчи интервьюсида Оэ тан олиб, 38 йилдан буён ижод қилиб келаётган бўлса, шундан ўттиз бир йилида яратилган асарларида хаста ва бедаъво дардга чалинган ўгли мавзуси қизил чизиқ бўлиб келганини айтади. *«Мен ўзимни японларга хос бўлган эгобеллетристикага кириб кетганимни ҳис қилиб турдим, — дейди у, — охир-оқибат шунга кўникишга мажбур бўлдим. Мен Хикари исмли кичкина одам билан мудом бирга яшайман. Менимча, айнан шу менга ватаним, дунё ва одамларнинг қалби ҳақида ёзишимга имкон беради. Хикари орқали мени изтиробга соладиган барча муаммоларни англайман».*

Оэнинг ёзувчилик фаолияти жуда омадли кечади. У 1935 йилда овлоқ қишлоқда туғилади, аммо тақдир тақозоси билан 1954 йилда Япониянинг энг нуфузли ўқув даргоҳларидан бири бўлган Токио давлат университетига ўқишга киришга муваффақ бўлади. Ҳали талабалиги давридаёқ университет газетасида «Фаройиб иш» деб номланган ҳикоясини эълон қилади. 1958 йилда, яъни орадан икки йил ўтмай, «Мол боқиш» номли кичик қиссаси эълон қилинади ва, биз юқорида таъкидлаганимиздек, бу асар адабиёт соҳасидаги энг катта мукофот Акутагава мукофотига лойиқ топилади. Оэ адабиётга мана шундай шиддат билан кириб келган.

Илк ижодида алданган ёшлар мавзусини кенг ва муфассал ёритишга ҳаракат қилган ёзувчи йиллар ўтиб «Кечиккан ёшлар» асарини эълон қилади. Бу асида қандай асар эди? Романда бош қаҳрамон бошқаларнинг қилиқларидан афсусланмай, ғазабланмай, уларни оқламай ва шу билан бирга ўзини ҳам қораламай қандай қилиб сотқинга айланиб қолганини ҳикоя қилади. Ҳаммаси қишлоққа келган ёш курсантнинг унга «уруш тугали, сен ҳали жудаям ёшсан ва сени урушга чақиришмайди», деган гапларидан бошланади. Курсантнинг келишига қадар ёш йигит келажак режаларини аниқ тузиб қўйган эди. У урушга боришни ва император учун ўлишни шунчалар истар эдики... Отаси эса доим ҳамма урушга боради, ҳеч ким унга кечикмайди, ҳамма аскар бўлади, деб айтарди. Мана, қарабсизки, орзу саробга айланди.

Тўғри, романда ҳали унинг илгариги асарларига хос бўлган таржимаи ҳол тарзидаги ҳикоя услуби кўринишлари сақланган. Бироқ роман таржимаи ҳол асари эмас. Асида, кўпгина япон ёзувчилари ушбу

таржимай ҳол шаклидаги урфни анъана қилиб, ундан кеча олмаганлари ҳам рост. «Кечиккан ёшлар» Оэ ижодида принципиал аҳамият касб этувчи, ўзининг гоёвий ва ижодий изланишларининг йўлларини белгилаб олганини намоён этувчи асардир.

Оэ ижоди унинг замонавий Япония ҳаётига чуқур кириб борганидан далолат беради. У шу ҳаётдан келиб чиқиб, дунёвий масалаларга ёндашади ва муаммолар кўяди. Бу муаммолар инсониятни ўйлашга, мушоҳада қилишга, фикрлашга чорлайди. Аслида Оэ ижодига берилган бундай юксак баҳо ва таҳсинларнинг асоси ҳам шунда.

ШЕЙМАС ХИНИ



Шеймас Жастин Хини 1939 йилнинг 13 апрелида Шимолий Ирландиянинг Дерри графлигида тугилган. 1961 йилда Белфастда Қироллик университетини тугатган. 1976–1982 йилларда Дублинда коллежда дарс берган. 1982 йили Гарвард университетига ўқитувчи сифатида иш бошлаб, 1984 йилда профессор лавозимига ўтади. 1989–1994 йилларда Оксфорд университетида ҳам ишлаган. 1965 йилда Мери Девлингга уйланган ва уч ўгли бор. Хинининг учта поэтик тўплами – «Натуралистнинг ўлими» (1966), «Зулмат эшиги» (1969) ва «Қишнинг тугаши» (1972) китобларида унинг ўлим ва замин ҳақидаги мушоҳадалари кўзга ташланади.

Унинг фикрича, ер, яъни замин – тақдирнинг тимсоли, ҳар бир нарсанинг асоси ва бошланиши, унда барча яралиш ва бузилиш, тугилиш ва ўлим, мангу тинчланиш ва янгидан тугилиш, ўзига мужассамлашиш ва ўзига сингиш каби жараёнлар бирлашиб кетади.

Инсон шахсияти устидан зўравонлик метафорасини Хини Ирландия ва Шимолий Европа мамлакатларидаги торф ботқоқликларида амалга оширилган археологик қазилмалар вақтидаги топилмаларда учратади. 1969 йилда у археолог олим Глоб томонидан ёзилган «Ботқоқликдаги халқ» асарини ўқиб қолади. Гарчи бу мавзу Хинининг «Зулмат эшиги» тўпламидаги баъзи шеърларда кўтарилган бўлса-да, бу туркумни шоир кейинчалик, 1975 йилда эълон қилинган «Шимол» тўпламида изчил давом эттирди. Шу йили шоирнинг саккиз шеърдан иборат «ботқоқликка оид шеърлар»и кам нусхада алоҳида ҳам нашрдан чиқади. Адабиёт аҳли вакиллари айнан ушбу тўпламчани Хинининг энг яхши шеърый асари деб ҳам атайди. Чунки ушбу тўпламга кирган шеърларда тарих ва афсонавийлик шоир учун яна бир бор зўравонлик ва изтиробнинг универсаллиги ҳақидаги мотивнинг тасдиғига айланган.

1979 йилда босмадан чиққан «Дала ишлари» тўпламига киритилган шеърларда мавзулар кўлами анча кенг олинган. Танқидчилар шоирнинг ишқ мавзусида битилган бир қатор шеърлари, хусусан «Ҳосил йиғими» асарига мақтовларни ёғдиришади. «Гленмор сонаталари» туркумига кирган ўнга поэтик ижод намуналарида Хини Ирландиянинг гуллаган табиатини жонлантиришга ҳаракат қилган. Қолоқ адабий анъаналарнинг континентал анъаналар билан туташishi 1984 йилда нашрдан чиққан «Тавба ороли» поэмасининг предмети бўлиб хизмат қилди. «Телба Суини» туркумига кирган асарлар Хинининг самимий ички овози янглиғ жаранглайди.

Хини шоир сифатида ижтимоий ҳаётда жисмоний, маънавий ва сиёсий мувозанатнинг бузилишига эътиборни қаратади. «Товон тўловчи шеърят» (1995) тўпламида поэзиянинг қалб мувозанатини тиклашга қодирлиги, оламнинг барча қоронғу ва одамга зид бўлган унсурларига қарши курашувчи бўлиб хизмат қилиши асосий тезис қилиб олинган. Хини ношир сифатида «Маъқул кўрмоқ» ва «Нутқнинг аввали» китоблари муаллифидир.

Нобель мукофоти кўмитаси 1995 йили ёзувчини *«инсон кўз олдига ғаройиб бугунги кун ва жонли тарихни очиб берган лирик гўзал ва этик мукамал поэзияси учун»* адабиёт соҳасидаги Нобель мукофоти билан тақдирлади.

Хини кейинги йилларда ҳам ижодини давом эттирди, жумладан 1996 йилда «Қалб ҳарорати», «Таважжуҳ: Танланган проза» тўпламлари олам юзини кўрди. Хини томонидан қилинган инглиз-саксониянинг ўрта асрлар эпосига кирувчи «Беовульф» эсдаликларининг таржимаси 2000 йили Англия ва АҚШда энг кўп нусхада босмадан чиққан ва сотилган бестселлардан бирига айланди. 2001 йилдаги «Электр ёғдуси» асари танқидчилар томонидан ижобий баҳоланди.

Нобель мукофотида сазовор бўлган шоир ва ёзувчилар кўпинча бир саволга жавоб беришларига тўғри келади: «Бу юксак мукофот ижодингизга қандай таъсир қилди?» Бу саволга Хини шундай жавоб берган: *«Билмадим... Назаримда, менинг ўқувчиларим сони етмишинчи йилларда изчиллик билан ортиб борди, мукофотни эса тўқсон бешинчи йилда олдим. Бир нарсани аниқ таъкидлашим мумкинки, 95-йилнинг Рождество байрамига совға харид қилаётганларида харидорлар менинг китобларимни жуда кўп сотиб олдилар, бу сезиларли даражада бўлди».*

Умуман, Нобель мукофоти реал адолатни намоён этадими, деган саволга шоир куйидагича фикр билдиради: *«Асарлари ва ижоди лойиқ бўлган барчани тақдирлашга мукофотлар етмайди. Жуда ҳам оддий — ҳар бир мамлакат ва халқ ўз ватандоши бўлган ва Нобель мукофотида лойиқ ҳисоблаган, аммо бу мукофот билан тақдирланмаган ижодкорлар рўйхатини тузиб чиқса бу янада равшанроқ бўлар эди. Мана, мисол учун, Жойс олмади, Набоков тақдирланмаган, менга Нобель мукофотини лойиқ кўришганида мен дўстларимга, шоир Теди Хьюз ва драматург Браян Фрилга кўнғироқ қилдим ва улар олдида узр сўрадим, дўстларим мени кечиринглар,*

менимча, мукофотни адашиб беришди, лойиқ одамга беришмади деб. Брайан Фрил мен ва элчи Шарқи борган коллежга қатнар эди. Мен унга булар Сент-Колонлик бошқа болани танлашибди, деб қўя қолдим».

ВИСЛАВА ШИМБОРСКА

Вислава Шимборска 1923 йилнинг 2 июль куні Польшада, Познан яқинидаги Курник шаҳарчасида тугилган. Саккиз ёшидан бошлаб Краковда яшаган. Немис оккупацияси вақтида шу ердаги яширин мактабда ўқишни тугатиб, биров муддат темир йўл хизматида ишлаган. Вислава узоқ тарихга эга бўлган Ягеллон университетиди она тили ва адабиёти билан бирга социологияни ҳам чуқур ўрганadi.



Унинг илк шеърлари 1945 йилдан шу шаҳарда чиқадиган газеталарда эълон қилина бошланган. Шимборсканинг дастлабки икки шеърий тўплами 1952 ва 1954 йилларда нашр этилган. Шоиранинг ижод йўналиши илк тўпламларига қараб баҳоланса, у анъанавий реалист эди, баъзи ўринларда унинг ижодида социалистик реализм услуби ҳам устуворлик касб этган. Дастлабки тўпламларига киритилган шеърлари асосан уруш, армия ҳаёти, ватан ҳақида эди. Улардан бирида Шимборска Польшанинг тарихи ҳақида фикр юритиб, маънадор оҳангда шундай хулоса ҳам ясайди: «*Бизнинг урушдан истаган муддаомиз*

дунёни англаш...» Бу сўзлар кейинчалик жуда машҳур бўлиб кетди.

«Йетиға чақириқлар» (1957) шоир ижодида кескин бурилиш ясаган янги тўпландир. Йети Ҳимолай лаҳжасида «қор одам» маъносини англатади. Танқидчилар қор одам деганда қўшни давлатдаги доҳийга нисбатан истехзо мужассам эканини яхши тушундилар, албатта. Мана шу йилларда шоир ижодида ҳам ўша пайтда Фарбий Европадаги замонавий шоирларга хос бўлган услуб устуворлик касб эта бошлади. Ҳа, гарчи танқидчи ва мутахассислар бу борада Шимборска ижодидаги бурилишни аниқ кўрсатсалар-да, аслида шоиранинг шеърлари Польшадаги ва гарбдаги верлибристик услубдан ажралиб туришини ҳам таъкиллаш жоиз. Уларда фикр конкрет ва тушунарли, мужмал абстракциялар йўқ, муаллифдан бошқа ҳеч ким тушунмайдиган ва чуқур маънадорликка даъво қилиш илинжида киритилган сўз ва ибораларни учратмайсиз.

Шимборсканинг ўттиз йил мобайнида «Сили» (1963), «Юзта хангома» (1967), «Ҳар қанақанги эҳтимол» (1972), «Қатта миқдор» (1976), «Кўприкда турган одамлар» (1986), «Интиҳо ва ибтидо» (1993) китоблари чоп этилди.

Шоиранинг қарашлари унинг қуйидаги шоирона иборасида ўз ифодасини жуда чиройли тарзда топган: *«Оламни иккинчи бор, таҳрир қилинган ҳолдаги наشري билан англамоқдаман...»*

1996 йилда Шимборска *«инсоннинг реал борлиги тимсолида унда кечадиган тарихий ва биологик ўзгаришларни ўта аниқ баён этиб бера олган поэзияси учун»* адабиёт соҳасидаги Нобель мукофотига сазовор бўлди.

Вислава Шимборсканинг асарлари дунёнинг ўттиз олти тилига ўгирилган, 18 мамлакатда китоблари чоп қилинган. У 1991 йилда Гёте, 1995 йилда Гердер, 1996 йилда Польша Пен-Клуби мукофотларига сазовор бўлган, Познан университетининг фахрий докторлик даражасига эга.

Вислава Шимборска ижоди ҳақида фикр юритар экан, кўпгина танқидчилар унинг илк шеърлари билан кейинги, яъни саксонинчи ва тўқсонинчи йиллардаги асарларини солиштириб таҳлил қилишни маъқул топишади.

Оммавий ахборот воситаларига берган интервьюларидан бирида Иосиф Бродский Шимборскани, ҳали унга Нобель мукофоти тақдим этилмасидан анча аввал, Чеслав Милош қаторига қўйган ва Европанинг энг йирик шоирларига тенглаштирган эди. Асар Эппелнинг фикрича, *«Шимборска бетакрор қобилият соҳибаси бўлган шоира, унинг шеърлари чуқур оригиналлик касб этади ва парадоксал маъноларга тўла»*.

ДАРИО ФО

Итальян драматурги Дарио Фо 1926 йил 26 март куни Жиано номи билан аталадиган шаҳарчада ўртаҳол оилада таваллуд топган. Унинг отаси темир йўл бекатида бошлиқ эди. Дарио 1940 йилда Брера бадиий академиясида ўқиш учун Миланга боради. Иккинчи жаҳон уруши тугагач, у Политехника институтига кирган, аммо ўқишни ташлаб кетган.

Бу пайтда театр саҳнасининг безаклари ва декорациялари унинг қалбини тамоман банд этган эди. 1950 йилнинг ёз фаслида буюк Франко Паренти уни хурсандчилик билан ўз театри жамоасига қабул қилиб олади. Бир муддат архитектор ёрдамчиси ҳам бўлиб ишлагач, қурилиш соҳасидаги коррупциядан ҳафсаласи пир бўлиб бу ишни ташлаб кетади.

1951–1952 йилларда Фо «Кичкинтойлар» номи билан аталувчи монологлари билан муваффақият қозонади. Мазкур туркумини Италия давлат радиосида шоуга айлантирган Дарио тез орада машҳур бўлиб кетади. 1954 йил 24 июнь куни актёр Франко Рама исмли актрисага



уйланади. Шу вақтдан эътиборан, Рама Дарионинг ёрдамчиси ва касбдошига, шунингдек, Фо-Рама театр компаниясининг ажралмас қисмига айланади.

Бундан ташқари, Фо кўпгина пьесалар муаллифи ҳамдир. Улардан энг машҳури «Анархистнинг тасодифий ўлими» эди. Фо режиссёр, сахна рассоми ва костюмлар бўйича рассом бўлиш билан бирга баъзи ҳолларда ўзи сахналаштирган томошаларга мусиқалар ҳам ёзган.

1955 йилдан бошлаб Дарио кино соҳасида ҳам муваффақиятли фаолият юрита бошлаган. Жумладан, унинг Скарпелли, Скола, Пинелли, Понтилар билан ҳамкорлик қилгани маълум. 1957–1958 йилларда Фо-Рама компанияси Миландаги Пиколло Театрода илк асарини намоиш этади, сўнг эса бутун Италия бўйлаб бир йиллик сафарга чиқади. 1961 йилда Фонинг Стокгольмда илк хорижий намоиши бўлиб ўтган, кейин эса Польшада. Умумий ҳисобда Фо театри дунёнинг 73 мамлакатида ўз асарларини намоиш этган.

1968–1969 йилларда Фо ва Рама «Нуова сцена» номи билан мустақил театр компанияси ташкил қилиб, унга 30 дан ортиқ ёш актёрлар ва сахна ишчиларини жалб этишади. Фо 1976–1977 йилларда илк бор телевидениеда чиқиш қилган. 1981 йилда драматургни Копенгаген университети нуфузли Соннинг мукофоти билан тақдирлайди. Фо мукофотни Франкега совға қилади. 1990–1991 йилларда у яна сахнага қайтиб, янги монологлари билан чиқади.

1997 йилда Швеция академияси аъзолари Дарио Фони «*ўрта асрлар қизиқчилари меросидан фойдаланган ҳолда ҳокимиятни танқид қилиб, зум кўрганлар манфаатларини ҳимоя қилгани учун*» адабиёт бўйича Нобель мукофоти билан тақдирлаш ҳақида қарор қабул қилдилар.

Бугун умри давомида Дарио ва Франкелар ижтимоий фаол турмуш кечиришади, баъзан эса бу ҳаёт сиёсий курашларга ҳам айланиб кетарди.


Дарио Фо қирқдан ортиқ пьеса яратган бўлса, улар дунёнинг элликка яқин мамлакатлари театрларида сахналаштирилган.

ЖОЗЕ САРАМАГО

Португалиялик адиб Жозе Сарамаго 1922 йил 16 ноябрь куни Лиссабондан юз чақиримча келадиган Озинязи кўргонида туғилган.

Сарамаго маъмурий фуқаро хизмати ходимларига ижтимоий хизмат кўрсатиш идорасида ишлаган кезларида, 22 ёшида уйланади. 1947 йилда у илк асари — «Бева» романини эълон қилган. Муҳарриринг таклифи билан романга «Гуноҳ замини» деган ном кўйилади. Кейин яна бир нечта романлар яратган ёзувчи кунлардан бирида ҳали бу дунёда бирон сўз айта олмаётганини пайқаб қолади ва 19 ёшида адабиётдан кетишга қарор қилади. Очигини айтганда, буни кўпчилик сезгани ҳам йўқ.

1966 йилда китобхон ҳукмига ҳавола этилган «Эҳтимолий шеърлар» китоби эса унинг адабиёт оламига мутлақо бошқа бир даражада қайтганидан далолат беради. Сарамагонинг алоҳида истеъдоди ярқ этган қирраларидан бири унинг воқеликка фалсафий мушоҳада билан ёндашишга мойиллигидир. «Чизмачилик ва каллиграфия дарслиги» романи ва «Квазиобъект» фалсафий ҳикоялар тўплами, «Балки, бу шодликдир», «Шу ва нариги дунёдан лавҳалар» шеърый тўпламлари ва бир қатор саҳна асарлари асосан сиёсатга багишланган.



Умуман, Сарамагонинг ижоди кўпқиррали, шу билан бирга, зиддиятларга бойдир. Бир томондан у марксист, коммунистик партия аъзоси. Унинг сиёсий қарашлари 1982 йилда собиқ совет иттифоқи халқлари тилларига таржима қилинган ва кенг тарқатилган бир қатор асарларида яққол кўринади. Ушбу асарларнинг гоё жиҳатидан йўналтирилгани ҳеч қандай шубҳага ўрин қолдирмайди. Аммо, бошқа томондан Сарамагонинг истеъдоди шу қадар кенг қирралики, у марксизм-ленинизм қолипига сигмайди. Романларида муаллифнинг ўз қаҳрамонлари қарашлари ва ҳисларига сингишиб кетгани, даврнинг аниқ муҳитини ишонарли баён қилиб берганини кўриш мумкин. Унинг «Монастир ҳақидаги хотиралар» романи (бир пайтлар машҳур режиссёр Федерико Феллини бу асарни кинолаштиришни ҳам режа қилган эди) Ватиканни ўзининг антиклерикал луқмалари билан газаблантирган эди. Бироқ католиклар черковини энг катта таажжуб ва газабга олиб келган асар унинг «Исодан инжилгача» асари бўлди. Ушбу маълум таърифларга кўра *«тарихий ҳақиқат устидан масҳара қилиб ва Янги Васият бош қаҳрамонларининг характерларини нотўғри талқин қилган»* асар 25 тилга таржима қилинган ва ўз ватанида йигирма маротаба қайта нашр қилинган. Ушбу асардан ташқари муаллифнинг «Тош сол» деб номланган сатирик услубдаги антиутопик асари ҳам китобхонларда катта қизиқиш уйғогади. Уни танқидчилар кўп ҳолларда магик реализм йўналишидаги ёзувчилар Борхес, Кортасар, Маркес асарлари қаторига қўйишади. Бу ўхшатиш ва тенглаш Сарамагога хуш келмайди. У ўзининг Сервантес ва Гоголга яқинлигини изҳор қилади.

Жозе Сарамаго *«Рамзлардан фойдаланиб тасаввурлар, азобланишлар ва кинолар билан мустаҳкамланган алдамчи борлиқни англаш имконини берадиган ижодий ишлари учун»* 1998 йилда Нобель мукофотига лойиқ топилди.

2000 йилда унинг «Ўнғир» романи чиқади. Бу асар илгари нашрдан чиққан «Кўрлик ҳақида қисса» ва «Барча номлар» романлари трилогия-

сини яқунлайди. Жозе Сарамаго ўзича етишган, мактаб кўрмаган истеъдодли ёзувчидир, у ёшлигидан ўзини адабиётга бахшида қилди ва 60 ёшида эътироф қозонди. Ватикан маъмуриятининг эътирозларига қарамай, унинг ўтган юз йилликдаги энг етакчи ёзувчилар қаторига муносиб эканини ҳеч ким инкор этмайди. Ёзувчи, гарчи бироз огриниб замонавий зиёли аҳлининг қалбига йўл топишдан кўра, Марс планетасига етиб бориш осонроқ бўлар эди, деган бўлса-да, унинг ижодий тажрибаси, ҳаётида эришган мақоми бу тушкунликни инкор этади.

Шу ўринда Сарамаго ижодига Йел ва Нью-Йорк университетларининг профессори, таниқли адабиётшунос ва танқидчи Гарольд Брумнинг берган баҳосини келтириб ўтиш жоиз:

«Кейинги йилларда адабиёт соҳасидаги Нобель мукофоти Жозе Сарамагогагина адолатли ва муносиб равишда берилди. АҚШда ҳам, Жанубий Америка, Австралия ва Ғарбий Европада ҳам Жозе Сарамагога тенг келадиган кенг қиррала роман устаси йўқ. Ахир Нобель мукофоти неча бор абсурд тарзда тақдим этилмади дейсиз?»

1998 йилдан кейин унинг асарлари қарийб қирқдан ортиқ тилларга ўгирилди. Ҳатто, унинг асарлари корейс, форс, хитой ва япон тилларига ҳам таржима қилинган. Шунини қайд этиш керакки, Нобель мукофоти кўп жиҳатдан тил борасидаги тўсиқларни бартараф этиш бобида катта асосдир. Ёзувчи ўз асарининг хорват тили каби кам халқлар муомаллада бўладиган тилга ўгирилган нусхасини қўлига олганида нақадар хурсанд бўлганини яширмайди.

Сарамаго яратган адабиёт одамни ўйлашга, фикрлашга, керак бўлса, баҳслашишга чорлайди. У «*ўзимни қийнайдиган бирон мавзунини очиб бермасдан роман ёза олмайман, — деб ёзган эди. — Китоб мен учун шундай маконки, мен у ерда дунё, ҳаёт, жамият, тарих, ўтган ва ҳозир ўтаётган вақт ҳақида фикрлайман. Адабиёт мен учун мушоҳада қилиш воситасидир*».

ГЮНТЕР ГРАСС



Гюнтер Грасс 1927 йили 16 октябрь куни Польшанинг Данциг шаҳрида, немис оиласида туғилган. Унинг болалиги ушбу шаҳар бошидан кечирган барча кўргилликлар билан бақамти кечди, дейиш мумкин.

У оддий ишчи, шахтёр бўлиб ишлайди. Тенгқурлари қатори Гитлер армиясига хизмат қилган Гюнтер 1944 йилда аскарликка ўтказилади ва 1945 йилнинг апрель ойида яраланиб Американинг ҳарбий асирлар лагерига тушади. 1948 йилда у

Дюссельдорф санъат академиясининг ҳайкалтарошлик бўлимига ўқишга киради, кейинчалик Берлин шаҳрида ҳам таҳсилини давом эттиради. Ўша вақтлардан у шеърлар ёза бошлаган. 1956—1959 йиллари Парижда ҳайкалтарошлик ва рассомчилик билан тирикчилик қилади. Кейинчалик у ўз кучини насрда ҳам синаб кўрган.

«Мен қандай қилиб бирваракайига ёзувчи, шоир, рассом бўлиб қолдим? Қандай мақтанчоқлик мен ёш болани бунақа суллоҳликка ундадийкин?» — дея қайд этади ўз маърузасида Гюнтер Грасс. — *Ўн икки ёшга етар-етмас мен рассом бўламан, дея қатъий аҳд қилган эдим. Бу пайт биз Данциг-Лангфур деган жойга яқин ердаги уйимизда яшар эдик, иккинчи жаҳон уруши энди бошланганди. Урушининг иккинчи йили ёш гитлерчиларнинг «Хильф мид!» деган журнали мени адабий танловга таклиф этганидан кейин ёзувчилик бобида ихтисослаша бошладим. Ушанда катта мукофотлар ваъда қилишди. Мен, ўша заҳоти, қалин дафтаримга биринчи романимни ёза бошладим. Онам туғилиб ўсган оиланинг тарихи асосида уни «Кашублар» деб атадим. Бироқ воқеалар ҳозирда йўқолиб кетаётган кашуб халқи орасида эмас, ўн учинчи асрда подшоҳликлар ва даҳшатли ҳокимиятсизликлар даврида, талончилар, рицар-қароқчилар йўлларда, кўприкларда қутуриб кетган, оддий халқ улардан кучи етганча қутулиши мумкин бўлган вақтларда кечади».*

Гюнтер Грасснинг биринчи шеърий тўплами 1956 йили босилади, илк пьесаси 1957 йили саҳналаштирилади. 1959 йили босилган «Қалайи дўмбира» романи муаллифга халқаро миқёсда обрў келтиради. Кейин «Мушук-сичқон», «Ит азоби йиллари», «Камбала», «Маҳаллий анестезия», «Телгитдаги учрашув», «Каламуш хоним» асарлари чоп этилади.

«Қалайи дўмбира» адабий жамоатчилик ўртасида катта шов-шувга сабаб бўлган. Асарни баъзи тадқиқотчилар немис тилидаги пародия ҳам деб аташган. Аслида, роман фашизм ва уруш ҳақида. Бундан ҳам қизиги ва эътиборни тортадиган жиҳати, роман қаҳрамони Оскар Мацерат ҳали туғилибоқ, бу оламга нафрат билан қарайди ва дунёда кечаётган жараёнларда иштирок этишни хоҳламайди. Бу ўта ноодатий, чуқур тафаккур билан яратилган қаҳрамон эди. У уч ёшидаёқ катталарнинг ҳаётига норозилик билдиради, бола ўсишдан тўхтабди. Онаси совға қилган дўмбирагина уни катталардан чалғитар, ўз қизиқишини излашига ва бунда бошқалар билан зиддиятга бормаслигига имкон берар эди. У дўмбирасидан ажрамайди, бармоқлари билан ҳар бир кўрган нарсасига монанд равишда уни чалади. Бошқача айтганда, ўз дунёқарашини гапириш, куйлаш ёки ёзиш орқали эмас, кўллари билан уни яси бўлган ана шу асбобни чалиш шаклида билдиради.

Асарда Германиянинг йигирманчи асрдаги тарихи ушбу чолғу асбобининг яккахон овози сифатида, қаҳрамон эса дунёни ўзига хос масофадан кузатаётган, пастдан, минбарлар тагидан кузатаётган киши қиёфасида талқин қилинади. Шу сабаб романдаги бадий ғоянинг янгилиги ва оригиналлигини ҳеч ким инкор этмайди.

Данциг ва немисларнинг йигирманчи асрдаги ўй-қарашлари ва кайфияти адибнинг кейинги иккита романи – «Мушук-сичқон» ҳамда «Ит азоби йиллари» асарларининг бош мавзулари бўлди. Ушбу романларда «Қалайи дўмбира»даги ижтимоий-танқидий ва бадиий талқин сақланган. Адабиётшунослар бекорга ушбу уч асарни Данциг трилогияси деб аташмайди.

Адибнинг кейин ёзган асарларида немисларнинг замонавий ҳаёти акс эттирилган. 1969 йилда чиққан «Маҳаллий анестезия» романида ёзувчи талабалар ҳаракатидаги фанатизм ва катта авлоднинг вазминлигини таққослаб мушоҳада қилади. 1972 йилда эълон қилинган «Шиллиқурт кундалиги» асарида социал-демократик партиянинг фаолияти ва сайловолди ҳаракатларини Герман Отта исмли шахснинг ҳаёти мисолида тадқиқ қилади.

Адиб ўз ижодида тарих ва уруш мавзуларининг етакчи ўрин тутишини изоҳлар экан, «...бу менинг ва мен ҳазутори ўша даврда туғилган ижодкорларнинг уруш ҳақидаги фикримизни такрор-такрор баён этишига бўлган истагимиздан бўлса керак», – дейди. – «Мен таби 1927 йилда туғилганларни урушга жалб этишган, кейинги йилларда таваллуд топган болалар портаиллар остида мудофаа ишларида қатнашишига жалб этилган. Бу жараёнда биз нимани бошимиздан ўтказмайлик, буларнинг бари бизга энг кучли ҳаётий сабоқ бўлган. Бу тажриба эса бизни уруш ҳақида бошқаларга нисбатан кўп ёзишимизга ундайди, мажбур қилади».

Гюнтер Грасс ижодида ўтган асрнинг 70-йиллари ўрталарида чоп этилган ва қиссахонлик бобида мисли кўрилмаган натижага эришган «Каламуш хоним» номли романи ўзига хос ўрин эгаллайди. Асарга кўра, Каламуш хоним, яъни лаборатория каламуши илмий тадқиқотларга хизмат қилаётган миллионлаб тажриба жониворларининг вакили сифатида Нобель мукофотини олади. Сочлари оппоқ, кўзлари қипқизил бу лаборатория каламушини тажрибага тушадиган миллионлаб жониворлар – денгиз чўчқасидан тортиб резус-макак турига мансуб маймунгача, барчасининг намоёндаси сифатида муборакбод этишади.

2001 йилда босмадан чиққан «Доно қисқичбақа» романи 1945 йилда Данцигдан тўққиз минг қочоқ аскар эвакуация қилинган «Вильгельм Густлов» сув кемасининг ҳалокати ҳақида. Ёзувчи бу билан одамларнинг ярасини янгилаш ва нафратини оширишни мақсад қилмаган, у урушлар оқибатида келиши мумкин бўлган даҳшатларни ҳеч қачон нутмаслик лозимлигини уқтирмоқчи бўлади.

Мулоҳазаларимизга ёзувчининг ўз сўзлари далил бўла олади: «Дастлабки икки романим «Қалайи дўмбира», «Ит азоби йиллари» ва орада «Мушук-сичқон» номли қиссамнинг босилиб чиқиши ҳали нисбатан ёш муаллиф бўлган мени шунга ўргатдики, китобинг одамларнинг ғазабини, нафратини уйғотиши, норози қилиши мумкин экан. Ўз юртингга муҳаббатингни – яшаб турган жойингни булғаш, деб қабул қилишлари ҳам мумкин экан. Ушандан бери мени баҳсли ёзувчи ҳисоблашади».

«Орқага йўл» деб номланган романини ёзувчи 2006 йилда, ўзининг 75 йиллиги арафасида ёзиб тугатди. Кейин эса «Сўнгги рақслар» номи билан шеъррий тўплами нашрдан чиқди. Унда ёзувчи иккинчи жаҳон уруши ва ўзи мансуб бўлган авлод ҳақида фикрлайди.

1999 йил Швеция академияси номзодлар ишини кўриб чиқиб, немис адиби Гюнтер Грассни «*уйноқи ва гамгин асарлари орқали ўтмишнинг унутилиб кетган қиёфасини тасвирлагани учун*» адабиёт соҳасидаги Нобель мукофотига муносиб топишди.

Ушбу нуфузли совринга қадар адиб «47 гуруҳи», «Танқид», «Чет тили китоби», «Бюхнер», «Гайс», «Монделло» каби қатор мукофотларни қўлга киритган эди. У учта коллеж ва университетнинг илмий даражасига эга.

ГАО СИНЦЗЯНЬ

Хитойлик ёзувчи Гао Синцзянь 1940 йилнинг 4 январь куни ўша пайгда Япония мустамлакаси остида бўлган Ханчжоу шаҳрида тугилган. Отаси банк ходими, онаси актриса эди. Гао болалигида Япония босқинини ўз бошидан кечирган, аниқроғи, ўша давр учун хос бўлган барча изтиробу қийинчиликлар ёш болакайнинг мурғак қалбида муҳрланиб қолган.

Бўлажак адиб 1962 йилда Пекиндаги чет тиллар институтининг француз тили бўлимини тугатади. У анча ёшлигидан ёза бошлаган, аммо Хитойдаги маданий инқилоб вақтида меҳнат лагерига қайта тарбияланиш учун жўнатилганида, бу ёзганлари ҳокимиятдагиларнинг қўлига тушиб қолса, бошига тушиши мумкин бўлган муаммолардан чўчиб, барча қўлёзмаларини ёқиб юборишга мажбур бўлган.

Хитойда ислохотлар эълон қилинган 1979 йилгача Гаога ўз асарларини чоп эттириш ва ҳатто, шаҳарни бесўроқ тарк этишга ҳам рухсат берилмаган эди. Ҳокимиятга Дэн Сяопиннинг келиши билан баъзи театрлар Гаонинг бир қатор пьесаларини саҳналаштиришга журъат қиладилар. Ўша пайтларда ашаддий мухлисларидан бири Синцзянни Хитой Солженицини дея атаган эди. Аммо россиялик ҳамкасби каби қамоқхона азобларини ўз бошидан ўтказган бўлса-да, у Хитой турмаларидаги даҳшатлар ҳақида «ГУЛАГ» тоифасидаги асар яратмади. У асосан мамлакатнинг у ёки бу музофотида яшовчи оддий одамларнинг муаммолари ва изтироблари ҳақида ёзди.



1981 йилда унинг «Замонавий проза санъати ҳақидаги баъзи мулоҳазалар» номли илк китоби босмадан чиқди, орадан бир йил ўтиб Пекиндаги халқ санъати театрида «Хавотир кўнғироғи» пьесаси саҳналаштирилди. Бу унинг дебюти эди. Ёзувчининг иккинчи пьесаси «Автобус бекати» 1983 йилда кўйилган, муаллиф асарнинг драматургиясини белгилашда ўзи устоз деб билган ўша даврда гарб драматургияси намоёндалари бўлмиш Беккет ва Артолар эстетикасидан руҳланган эди. Ҳокимият пьесани гоъвий жиҳатдан зарарли асар деб баҳолади.

1987 йилда Хитой ҳукумати Гао Синцзянни мамлакатдан чиқариб юборди, у Франциядан кўним топди ва Парижда яшаб ижод қила бошлади. Синцзянь Франция ва Бельгияда нафақат прозаик ва драматург, балки каллиграф, яъни ҳаттот, истеъдодли рассом сифатида ҳам учта мукофотга сазовор бўлган. Шу билан бирга у таржимонлик, режиссёрлик фаолиятлари билан ҳам шуғулланди, уни ҳақли равишда Хитойнинг янги адабиёти асосчиларидан бири сифатида тан олишади.

Адиб ижодининг чўққиси сифатида унинг «Ҳайратомуз тоғлар» деб номланган романи келтирилади. Гао Синцзянь Хитой ёзувчилари орасида биринчи бўлиб *замонавий дунёда инсониятнинг зиммасидаги изтироблар билан характерланадиган дунёвий аҳамият касб этувчи асарлари учун* Нобель мукофотига сазовор бўлди.

Гао Синцзянга ушбу юксак мукофотнинг берилиши бир томондан ўринли ва табиий туюлса, иккинчи томондан, кутилмаган қарор бўлди. Нобель мукофоти кўмитаси ушбу мукофотнинг бу қадим ва қолаверса, улкан мамлакатдан ҳалигача бирон ижодкорга берилмаганидан ташвишда эди, албатта. Ҳатто бу борада адолатни тиклаш мақсадида кўмита таркибига хитой тили бўйича мутахассиснинг киритилиши ҳам бежиз эмасди. Шу маънода хитойликларга навбат келганидан кўпчилик ажаблангани йўқ. Бироқ, ҳали кўпчиликка маълум бўлмаган ва ҳатто, Хитойнинг ўзида ҳам яхши таниш бўлмаган муаллифга бундай нуфузли мукофотнинг берилишини ҳеч ким кутмаган эди.

Саксонинчи йилларда саҳнага олиб чиқилган «Автобус бекати» пьесасини танқидчилар Беккетнинг машҳур «Годони кутиб» драмасининг хитойча варианты дея баҳолашган эди.

Гао ўзи ихлос қўйгани Беккет каби француз тилида ижод қила бошлади. Унинг асарларини бу мамлакатда яхши ўқишади, ижодини ҳурмат қилишади, шу билан бирга Швецияда ҳам катта шуҳрат қозongan. Таржимон Гёран Малквистнинг ҳаракатлари самараси ўлароқ, Стокгольм Қироллик театри унинг ўнта пьесасини саҳнага олиб чиқди.

Нобель мукофотини олган кўпчилик ёзувчиларнинг асарлари ўқилмай тарихда исзис қолиб кетди. Аммо бу мукофотнинг нуфузи бир масалада муҳим ўрин тутади, у китобхон ва ўқувчига бошқача адабиёт, ноодатий эстетика, бошқача тил ва тафаккурдан баҳраманд бўлиш имконини беради. Охириги ўттиз-қирқ йилда, чамаси кўмита ўз олдига мана шу муҳим масалани ҳам қўйган кўринади. Адабиёт жўрофиясини кенгайтира

бориб, Швеция академиклари эҳтиёткорлик билан, экзотикадаги меъёрни бузмаган ҳолда ўз маданиятини етарли даражада ва ўзига хос услубда кўрсата олаётган муаллифларни танламоқда.

Мисол учун, япон ёзувчиси Кавабатани олайлик. Бу ёзувчига мазкур мукофотнинг берилиши японияликларга хуш келди, дейиш қийин. Ўша давр ижодкорларидан Кобо Абэ японлар учун маъқул ва устун кўринган эди. Қолаверса, бу ижодкор ҳам ўзининг ғарбдаги замондошлари каби алабий экзистенциализм йўналишида ёзарди. Аммо уни қўмита ўта ғарбона эканлиги учун маъқул топмади. Улар Кавабатани танлаб, японларга ёмон кўринган бўлса-да, жаҳон жамоатчилиги олдида ўзини оқлаб олди.

Гаога нисбатан бўлган қарор борасида ҳам худди шундай фикр билдириш мумкин. Унинг ўша ноодатий ижоди ғарб оламига уларга муқобил бўлган, ниҳоятда алоҳида ва бошқача хитойча эстетикани билишлари учун ёрдам беради.

Узоқ шарқ ғарб учун эндигина очила бошлаган кезларда, яъни бундан бир асрлар муқаддам, мутахассислар Японияни Рим билан, Хитойни эса Греция билан таққослашар эди. Японияликлар римликлар каби ўзларининг хитойлик устозларидан ўта қадимий ва бой санъатни мерос қилиб олиб, бу меросни ўз маданиятлари шаклида оламга намоён этгандилар. Хитойликлар эса дунёга уларчалик танила олишмади. Эндиликда нисбат кескин ўзгармоқда. Дунё янги асрда ҳал қилувчи роль ўйнаши мумкин бўлган бадиий тил, образлар тизими, эстетик тоифаларнигина эмас, ҳатто шу маданиятларнинг манбаларини ҳам тушунишга эҳтиёж сезмоқда.

Мана шу мушоҳадалардан келиб чиқилса, халқаро майдонда шарқона анъаналарни замонавий адабиёт билан бирлаштира олган хитойлик ёзувчининг пайдо бўлиши жуда ҳам вақтида амалга ошгани аён бўлади. Гаонинг асарлари ҳамма мамлакатлардаги замондошлар учун ёзилган, аммо уни фақатгина мумтоз адабиёт анъаналари билан уйғунликдагина астойдил англаб етиш мумкин.

Ёзувчиларга кўпинча: «Одам оёғи етмас оролда бўлганингизда ҳам ёзармидингиз?», деган қизиқ савол беришади. Гао бунга ўзининг китоби билан жавоб бериб қўйган. Ғарчи у мазкур асарни ҳамма етадиган оролда туриб ёзган бўлса-да, бу асарининг эълон қилинишига умуман умид қилмаган эди, айтиш мумкинки, у мазкур китобни фақатгина ўзи учун яратганди. Мана шу оддий бўлмаган тажрибасини мушоҳада қилиб, Гао ўзининг Нобель маърузасида «*тил бойлиги, ижод руҳияти ёзувчига китобхонга нисбатан кўпроқ зарур бўлади*», деган эди. Унинг фикрича, «*Адабиёт муаллифга инсоний онгни сақлаб қолиш имконини беради, адабиёт бизнинг ўзимиз билан ўзимиз гаплашадиган нарсалардан бошланади. Бу ўринда коммуникация иккиламчи вазифа. Адабиётни бизнинг ички ҳис-туйғуларимизнинг амалга ошишига бўлган эҳтиёжimiz пайдо қилади. Китоб жамиятга таъсир этадими, йўқми — бу бошқа масала, бу саволнинг жавоби унинг муаллифига мутлақо боғлиқ эмас*».

ВИДЬЯДХАР СУРАЙПРАСАД НАЙПОЛ



Тринидадлик ёзувчи Сурайпрasad Найполнинг келиб чиқиши ҳиндлардан. У 1932 йилда таваллуд топган. 1950 йилда Оксфорд университетидида ўқиш учун стипендияга эга бўлгач, Англияга кетади.

Адибнинг «Ҳақиқий эмас» (1967) романи ҳамда «Орол байроғи» (1964) тўплами кенг тарқалган. Унинг асарлари ўқувчида худди инсоннинг оғир кечмиши каби бир умр давомида ёзилгандек таассурот уйғотади. Шу маънода, Найпол романларини мутолаа қилиб, муаллиф авваллари роман ёзмаган шекилли, деган хулосага келиш мумкин. Чунки асарлари бадиий прозанинг қоришмасига ўхшайди,

уларда таржимаи ҳоллар, ижтимоий тадқиқот ва социология, ва ҳатто, репортажни ҳам учратасиз. Бир дам ёлғизликни ҳис этасиз, кўрқинчли воқеалар ичида яшаш ва тушкунликка тушиш, баъзида эса чинакам мардлик ва киноя, аччиқ қисмат ҳиссиётларини бошдан ўтказишга чорловни ҳис этасиз. Таажжубки, унинг барча асарлари классик асарларга хос тақдирга эга: улар танқидчилар томонидан юксак баҳоланади, дунёдаги бор адабий мукофотларга лойиқ топилади ва энг қизиғи, сотилиб кетмайди, ўқувчиси кўп эмас.

Найпол 1971 йилда «Эркин мамлакатда» романи учун адабиёт соҳасидаги нуфузли Букеров мукофотига сазовор бўлган.

Видьядхар Сурайпрasad Найпол Уильям Голдингдан кейин иккинчи бўлиб Нобель мукофоти билан тақдирланган инглиз ёзувчисиدير. Айтишларига қараганда, унинг номзоди қарийб ўн йилга яқин Швеция академияси рўйхатида турган ва у алақачон бу мукофотга лойиқ топилиши ҳам мумкин эди, бироқ бир масала, унинг озгина сиёсий ҳушёр ва янада либерал эмаслиги бунга монелик қилиб келган. Видьядхар Найпол кўмитадагилар таърифи билан айтганда, *«биз одатда муҳокама қилмайдиган фактлар устида ўйлашга мажбур қиладиган ростгўй асарлари учун»* мана шундай юксак мукофотга лойиқ топилди.

Найпол – ислом мутаассибларига қарши кескин курашган ёзувчидир. У «Иймонлилар орасида» китобида фундаментализмга Эрон ва Покистондан тортиб Индонезия ва Малайзиягача ислом оламини булганган куч дея таъриф берган ва бундай қотиб қолган ва қолоқ мутаассибларча жамият инсоният учун замонавий дунё қўяётган саволларга жавоб топишга қодир эмас, дея изоҳлаган эди.

Найполнинг асарлари муаллиф мулоҳазаларининг ўта субъективлиги билан ажралиб туради. У тарки дунё қилган кишиларга хос ҳаёт тарзини

маъқул кўрди, ўзини жамиятнинг ижтимоий ва сиёсий жараёнларидан узоқ тутиб яшади. Ижодий ҳаёти мобайнида ўн тўртта роман ва ҳикоялар гўпламлари, ўн та эсселар ва саёҳатномалардан иборат китоблар яратди.

Ўтмишдаги буюк ёзувчилар каби Найпол ҳам ачиниш, донолик ва изтеҳзо билан инсоният юзига ойна тутқазга олган ижодкордир.

«Менинг шахсимда қимматга эга нимаики бўлса, уларнинг барчасини китобларимга жо қилганман, — деб бошлаган у Нобель маърузасини. — Қолганлари тугал шаклга етиб келмаган мушоҳадалар, улар қачонки ёзилаётганида, қалам бўёги билан ўз қимматини топади, яратилажак кейинги асарларим орқали ифода этилади. Дейиш мумкинки, нимадирки қалбимда қолган бўлса, уни мен ҳис эта оламан, деб тўлиқ ишонч билан айта олмайман. Биласизми, мен ёзаётганимда қутилмаган янгиликни излаб топишга, унга эришишга интиламан. Мен ўз ишим ва касбимни шундан келиб чиқиб ўта оғир машғулотлар сирасига киритаман».

ИМРО КЕРТЕС

Имро Кертес 1929 йилда Будапештда тугилган. Ўн беш ёшга тўлганида Аушвицга қувгин қилинган Имро Бухенвальд концлагерига тушган. 1945 йилда эса жони омон қолганлар қаторида озод этилади. Ушбу лагерь ўзининг машғум тартиблари, даҳшатли режими ва маҳбусларга қилинган зулмлар борасида тарихда қора ном қозongan жойдир. Фашистлар босиб олинган ҳудудлардан келтирилган маҳбусларни одам боласи эшитмаган ва тасаввур ҳам қилмаган қийноқларга солишар, касалликка чалинганларни шу ернинг ўзидаги крематорияда тириклигин ёқишарди. Бу даҳшатли кунлар хотираси Кертес ижодида ўз изини қолдирган. Концлагер сўрилари ва нажотсиз қутилган ўлим туйғусини бошидан ўтказиши унга ҳаёт борасида катта мактаб бўлган.



Фашистлар жаҳаннамидан озод этилганидан сўнг ёзувчининг ҳар бир ёзган сатри ўқувчини лагерь баракларидаги даҳшатли кўринишлар, крематорийлар, тахлаб қўйилган жасадлар тасвирига бошлайверади. Аммо энг муҳими, ана шундай даҳшатли жаҳаннам олови ичида ҳам одамлар ўз инсоний қиёфаларини сақлаб қола билдилар. *«Улар севдилар, севилдилар, ҳасад қилдилар, хурсанд бўлдилар ва ҳатто кулдилар ҳам, — дея таъкидлайди Кертес. — Қизиғи шундаки, улар ўйладилар ва муҳокама ҳам қилдилар».* «Тақдирсиз одамлар» романида концлагерь манзаралари бутун даҳшати билан эзгуликнинг тантана қилишига ишонувчи болакай тилидан ҳикоя қилиб берилган.

Ушбу мавзу Кертеснинг кейинги асарларида ҳам изчил давом эттирилди. Тасаввур қилинг, концлагерь тутқунликдаги маҳбусларнинг уйи. Бу, албатта, парадоксал таъриф. Кертес учун алоҳида шахс бу микроскоп даражасида кўриш мумкин бўлган митти олам, унга ҳар қандай вазиятда нацистлар, интеллектуаллар ёки бошқа жинс вакиллари ҳамла қилиб қолишлари мумкин. Севги ҳам унингча, конформизмнинг энг юқори кўринишидай гап.

Швеция олимлари бу номзодга тўхталар эканлар, Кертес ўз ижоди, асарлари билан индивидуум жамият тобора шахсни ўзига буйсундираётган бир даврда ҳам яшай ва фикрлай оладими деган саволга жавоб берганигини таъкидлашди. Шундай қилиб, Аушвиц тутқини Нобель мукофотиغا сазовор бўлди.

Венгрия зиёлилари ушбу мукофотни тил борасидаги тўсиқлар боис дунё китобхонига етиб бормаётган бутун мамлакат адабий оламига берилган эътибор ва эътироф сифатида қабул қилди.

Ёзувчи ушбу мукофотни топшириш маросимида сўзлаган маъруза-сида шундай деган эди: *«Эҳтимол, мен узоқ йиллар диктатура, бунинг устига бир эмас, бир қатор шундай режимлар тартибида яшаганим, менга ҳеч тўғри келмайдиган маънавий муҳитда ҳаёт кечирганим сабабли ўзимни ёзувчи деган катта мартабага лойиқ деган туйғуни ҳис қилмаган ва ҳатто, бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмаган эканман. Бунинг устига, ҳамма менга сен ёзаётган мавзулар долзарб эмас, улар бугун ҳеч кимни қизиқтирмайди, ҳаяжонга ҳам солмайди, дея қайта-қайта уқтирар эди. Бир сўз билан айтганда, мана шулар боис мен ёзувчиликни фақатгина ўзимнинг шахсий ишим, деб билганман ва бу менинг эътиқодимга ҳам мос келар эди».*

Маърузадан яна бир парча келтирамиз: *«Жан Поль Сартр бутун бошли бир китобини биз ким учун ёзамиз деган саволга бағишлаган. Бу савол қанчалик қизиқ бўлса, шунчалик хавфли ҳам, шу боис мен бундай саволлар теграида бошимни қотирмаганим учун тақдиримдан миннатдорман. Дарвоқе, унинг хавфли жиҳати нимада ўзи? Мисол учун, бизнинг вазирамиз жамиятдаги у ёки бу ижтимоий табақа вакили бўлган китобхонга эстетик озуқа беришдангина иборат бўлмай, унга таъсир ўтказиш ҳам деб биладиган бўлсак, энг аввало, ўз услубимизни баҳолашимиз лозим бўлади, ўйлаб кўрайлик, бу услуб озуқа бериш, таъсир кўрсатиш кучига эгами? Бундай шубҳа билан ёзувчи тез орада мувозанатини йўқотиб қўйиши, ўз-ўзига боғлиқ бўлиб қолиши турган гап. Йўқса, у китобхони, ўқувчисига нима кераклиги, у нимани хоҳлашини қайқдан ҳам билсин? Ахир ҳар бир одамдан сўраб чиқилмайди-ку. Хуллас, келинг, шундай савол қўяйлик : ёзувчи ким учун ёзади? Жавоб аниқ: Ўзи учун».*

ЖОН МАКСВЕЛЛ КУТЗЕЕ

Жон Максвелл Кутзее 1940 йилда Африкада, асли голландиялик бўлган кўчманчилар авлодига мансуб оилада таваллуд топган. Кейптаун университетининг математика факультетини тугатиб ишлаш учун Англияга, кейин АҚШга борган ва у ерда адабиёт профессори даражасига эришган. Америкада ўн йил яшаган Кутзее Кейптаунга қайтиб келиб, университетда профессор лавозимида ишлай бошлайди. У бу шаҳарда йигирма йил умргузаронлик қилади.

Узоқ вақт муҳожирликда кун кечирганига қарамай, Кутзее ўз асарларида асосан Жанубий Африка ҳақида ёзган. Унинг асарларида африкаликлар ҳаёти баъзан реал тасаввурларда жонланса, баъзан коинотдаги афсоналар оламида чалкашиб кетгандек таассурот уйғотади. Кутзее ўз замондоши Нодин Гордимердан фарқли ўлароқ, апартеид сиёсатига қарши ашаддий курашчи бўлиб майдонга чиқмади, у узоқдан кузатувчи ижодкор эди.

Унинг таъкидлашича, икки ирқ вакиллари орасидаги манфаатлар тўқнашуви сабабли унинг ватани олд планга чиқди, бу ерда ўша зиддиятлар, можаролар, аламлар ва изтироблар янада ёрқин кўзга ташланади. Империянинг мудофаа қуроллари, воситалари жуда ҳам қақшатқич ва шафқатсиз эди, нафсиламбрини айтганда, жавоб чоралари ва қарама-қаршилиқлар ҳам бир-бирига мос эди.

«Варварларни кутиб» ва «Микаэл К.нинг ҳаёти ва даври» Кутзеенинг энг залворли ҳамда юқори баҳоланган романлари саналади. Ёзувчи уларда инсонга кўрсатилаётган зўравонликни қаттиқ қоралайди.

1994 йилда адибнинг «Санкт-Петербурглик уста» романи чоп этилди. Муаллиф ўз қаҳрамони — ёзувчи Достоевскийни изтироблар, кўз ёшлари ва гам-аламлар гирдобиди тасвирлайди. Асарнинг мукамал фабуласи муаллифга яна бир бор ижод муаммоларига мурожаат қилиш имконини беради. Мудҳиш воқеа роман қаҳрамони Достоевский учун янги санъат асари яратиш материали сифатида хизмат қилади.

Жанубий Африка ирқий камситиш сиёсатидан озод бўлгач, Кутзее «Ориятсизлик» романини эълон қилди. Асарда бош мавзу инсоннинг заифлигидир. Мамлакатда етакчи синф ўзгариши юз бермоқда, бу эса кўпгина талафотлар, жабр-ситама, зўравонликларни олиб келади. Ушбу романда адиб бошқа, яна бир жанжалли муаммога ҳам тегиб ўтган. У университетларга ҳужум қилган. Анъанага кўра, таълим даргоҳлари илм-фан, билим, ақл-идрок ва эркинликнинг макони ҳисобланади,



биноқ Кутзее ташкилот ва муассасалар одамлардан мустақил бўла олмаслигини намойиш этади. Муаллиф профессорларнинг жирканч ва манфур қиёфалари, пасткашликларини очиб ташлайди, улар ўз ҳамкасблараридаги ўқтамлик ва шундан келиб чиқадиган муомала оқибатларидан кўрқиб, уларни ҳайдашади. Ўқитувчилар маънавиятдан дарс берадилар-у, уларнинг ўзлари маънан бузуқ ... Асар шу ҳақида.

Ёзувчининг сўнгги романи «Элизабет Костелло»да ҳам университетлар ва фарбнинг анъанавий таълим тизимига катта эътирозлар бор. Муаллиф ўз қарашларини кексайиб қолган таниқли ёзувчи Элизабет Костелло тилидан баён этади. Роман Элизабетнинг турли мамлакатлар университетларида қилган саккиз маърузасидан таркиб топган. Адиб романда Костеллонинг жамият, ўз синглиси, ўгли, ҳамкасблари ва охир-оқибат Оллоҳ билан муносабатларини акс эттирган.

Бир қатор ҳамкасблари Кутзее романларидан сиёсий хато излашади, уларнинг фикрига кўра, ёзувчи жанубий Африка ҳаётини ғамгин ва абгор қилиб кўрсатган. *Ҳа, тўғри — дейишади улар, — унинг нуқтаи назари рост — оғир эди — бундан ҳам оғир бўлиб бораверади, аммо бундай тасвирлашнинг оқибатларини ҳам ўйлаш керак.*

2003 йилда адабиёт соҳасидаги Нобель мукофоти «асарларида кўп ҳолларда бегона кишининг тасодифий дахлдор одамга айланиши ҳолатларини кўрсатиб бергани учун» Жанубий Африка ёзувчиси Жон Максвелл Кутзеега теги. Бу йилнинг энг катта адабий сенсацияси бўлди. Нафсиламбрини айтганда, Нобель мукофоти кўмитаси яқин ўртада бундай шов-шувли қарор қабул қилмаган эди. Чунки Кутзее кимлардир адабиётда энг орқада юрган ижодкор деб биларди, бошқа томони ҳам бор: у тарки дунё қилган, жамиятдаги воқеалардан узилган, адабий жамоатчиликда қабул қилинган бир қатор шартларга риоя этмайдиган ижодкор эди. Бир қарашда, ҳаммаси тушунарли ва тўғри, ахир ҳақиқий ёзувчи аслида шундай бўлиши керак эмасми, асарлари шов-шув бўлишини, кейин қалам ҳақини ўйлаб эмас, руҳ ва қалб, ҳаёт ва ўлим ҳақида ўйлаб, яна ҳар куни эмас, вақти, илҳом келганида ёзадиган... Шу нуқтаи назардан, кўпгина адабиётчилар Нобель мукофоти кўмитасидан хурсанд бўлишганини яширишмади.

Швеция академиясидагилар Кутзее романларининг яхши композицияга эгаллиги, кўп маъноли диалогларга бойлиги билан ажралиб туришини, уларда ноёб таҳлил борлигини эътироф этадилар. Мана, академия аъзолари яна нима дейишган: «*Унинг ижодида битта рецетт билан ёзилган иккита китобни учратмайсиз*».

Бу сафар голибни академиянинг ўн саккиз нафар доимий аъзоси иштирокида аниқлашди. Бу бир неча кун илгари бўлиб ўтган йиғилиш эди. Қарорни сир сақлашди. 2003 йилнинг 2 октябрь куни голибнинг исми шарифи битилган конвертни Швеция академиясининг доимий котиби Хорас Энгдаль очди.

Кутзее 1999 йилдан буён асосий даъвогарлар орасида бўлиб келган, аммо ҳар сафар уни кимдир четга суриб келган. Унинг 2003 йилдаги асосий рақиблари америкалик ёзувчи Филип Рот ва швед Томан Транстрёмерлар эди. Адонис номи билан машҳур бўлган сириялик шоир Али Ахман Саид эса кучлилар сафида эмасди. Баъзилар америкаликларнинг Ироққа ҳужуми муносабати билан араб оламида пайдо бўлган норозиликларни юмшатиш илинжида академия аъзолари айнан Адонисга тўхталишини тахмин қилишади.

Ҳақиқат эса бошқача эди. Мукофот кимга насиб этишини адабиёт соҳасида аниқ башорат қилиш қийин. Адабий жамоатчиликнинг адиб ижоди хусусидаги фикрига келсак, уларнинг наздида «Петербург кузи» романи Кутзеени «*қора қитъанинг Достоевскийси*»га айлантирди.

Синчиклаб ўрганилса, Кутзеенинг илмий «қиёфаси» унинг кўпгина бадиий асарларида ҳам кўринади. Мисол учун, унинг австралиялик профессор аёлнинг АҚШга сафари ҳақида ҳикоя қилувчи «Элизабет Костелло» романида буни яққол илгаш мумкин.

Кутзее қарийб йигирма йил мобайнида кучли ижодкорлар рўйхатида турди, китоблари эса жавонларнинг тўридан жой олиб келди. Унинг таркидунёчилиги, камгаплиги, ичмаслиги, чекмаслиги, гўшт истеъмол қилмаслиги, жониворлар ҳуқуқи ҳақида китоб ёзгани, ҳеч қачон кулмаслиги, велосипедда сайр қилишни ёқтириши каби ўзига хос, бошқаларга ўхшамайдиган хислатлари журналистларга яхши маълум. У икки марта Букеров мукофоти билан тақдирланган. Англиядан махсус ташриф буюрган репортёрга эса «е-майл» орқали интервью бериб кўяқолган.

ЭЛЬФРИДА ЕЛИНЕК

Эльфрида Елинек 1946 йилнинг 20 октябрь куни Австриянинг Мюрцушлаг шаҳрида тугилган. Келиб чиқишида чех ва яҳудий қони бўлган отаси кимёгар бўлиб, иккинчи жаҳон уруши даврида ҳарбий корхонада ишлаган. Онаси эса, таниқли веналиклар оиласида таваллуд топган.

Вена университетини театр ва санъат тарихи мутахассислиги билан тугатгач, 1971 йилда органчи дипломини олган.

Елинек адабиётга болалигидан меҳр кўйган. У «Чопиқ» асариди замонавий жамият ва маданият учун андоза мақомида бўлган аёлларга нисбатан жинсий зўравонликларни қаттиқ танқид қилади.



Швеция академияси аъзолари ўз маърузаларида Елинек асарлари ҳақида фикр юритар эканлар, унинг матнларига алоҳида баҳо берганлар. «*Бу матнни бир тугал услубга хос деб бўлмайди, — дейилади маърузада, — матнлар назмдан насрга уйғун оқиб ўзгариб туради, сўнг уларда кучли пафосга дуч келасиз, улар яна театр сахнасига кўчади, орасида кинематографияга хослик ҳам бор*».

Унинг юксак баҳо олган «Пианиночи» асарида қаҳрамон — Вена консерваторияси ўқитувчиси Эрикни ички бир зиддиятлар билан қоришиб кетган жинсий истаклар қийнайди. Канн фестивалида Ханек томонидан ушбу асар асосида яратилган фильм бир йўла учта номинация бўйича ғолиб бўлади: Изабель Юппер энг яхши аёл роли учун, Бенуа Мажинель энг яхши эркак образини талқин этгани ва Ханекнинг ўзи Жюрининг энг катта мукофотига лойиқ кўрилган. Бу — кино асарнинг муваффақияти-ку, дейиш мумкин. Бироқ асарнинг кучли жиҳатларини инкор этиб бўлмайди.

Умумий ҳисобда Елинек турли жанрларда қарийб ўттизга яқин асар яратган. 2002 йилда яратилган «Альп устида» пьесалар тўплами ва 2003 йилда эълон қилинган «Ўлим ва қиз» драмалари унинг ҳозирча сўнгги асарлари саналади.

Австриялик ушбу ёзувчининг асарлари сўнгги йилларда турли европа ва бошқа хорижий тилларга жадал таржима қилинапти. Ёзувчи йигирмадан ортиқ адабиёт соҳасидаги юксак мукофот ва танловларни забт этган ижодкордир.

2004 йил 10 декабрь. Айнан шу куни Стокгольмдаги ўша машҳур мовий залга қирол оиласи, шу йилнинг Нобель мукофотида сазовор бўлганлар, таклиф этилган меҳмонлар ва аввал ушбу мукофотга муносиб кўрилганлар йиғилишади. Шу йил адабиёт соҳасида мазкур мукофот австриялик ёзувчи Эльфрида Елинекка берилади.

Кўпчилик ўша машҳур «Пианиночи» фильмини томоша қилган, албатта. Такдирни қарангки, айнан шу фильм баҳона бутун дунё Эльфрида Елинекнинг борлигини билиб қолди. Бунгача у фақат ўзи яшаётган Германиядагина таниқли эди, холос. Бироқ фильм унга катта машҳурлик инъом этди. Чунки фильм бир-бирига зид фикрларга сабаб бўлганди. Ёзувчи бундай муносабатни юмшатиш учун ҳеч нарса қилмади. У илгари ҳам айтганди, кейин ҳам такрорлади: «*фильм унинг таржимаи ҳоли билан боғлиқ асар*». Агар кимки фильм сюжети билан таниш бўлса, бундай фикрни айтиш учун жуда катта журъат кераклигини англайди.

Она ва қиз, эркак ва аёл ўртасидаги қийин, ишқий-агрессив муносабатлар, қаҳрамоннинг инжиқ характери, жинсий алоқалардан роҳатлана олмаслиги, ўзининг тасавуридаги рақибига қиладиган найранглари — мана шуларми таржимаи ҳол асари? Ниҳоятда кам бериладиган интервьюларидан бирида ёзувчи ўз оиласидаги аянчли аҳвол тўғрисида гапириб берган эди: «*Мен ижодкор бўлмаганимда ўзимдан тўкилиб адо бўлар эдим*».

Ёзувчи ҳаётдаги сирли учбурчакни тадқиқ қилади, бу томонлар асар қаҳрамонлари Эрика, унинг онаси ва унга ошиқ бўлган талаба ўртасидаги муносабатлардир. Ушбу учбурчакда одамхўрликдан тортиб зўравонликгача, яна бир томони кучли севгигача бор. Одамнинг тинкасини қуритадиган бундай оғир муносабатлар асарда бутун бўй-басти билан, шафқатсизларча кўрсатиб берилган.

Бош қаҳрамон кундуз кунлари Вена консерваториясида мусиқадан сабоқ беради, кечга бориб эса уятсиз фильмлар намойиш этадиган клубларга қатнайди. Уйда эса кўришга тоқати йўқ онаси кутади. Романда ёзувчи ўз қаҳрамони ҳаётини совуққонлик билан, туйғуларга берилмай ҳикоя қилган бўлса, фильмда бунинг бошқача ифодасига дуч келасиз. Фильм сўнггида Эрик концерт залида унинг муҳлислари концертини кутиб турган бир пайтда ўзига пичоқ уриб кўчага отилади.

Эльфрида Елинек назмда, насрда, драматургияда ижод қилган, шунингдек кўплаб эсселар, радиопьесалар, фильмлар сценарийлари ва опера либреттолари муаллифи ҳамдир, қолаверса у инглиз ва француз тилларидан пьеса ва шеърый асарларни маҳорат билан таржима ҳам қилган серкьерра ва сермаҳсул ижодкор саналади. Нобель мукофоти билан уни «Пианиночи» романи ёки бошқа бирон конкрет асари учун эмас, айнан бутун ижодий фаолияти йиғиндиси учун тақдирлашган.

Швед академиклари бу қарорга шундай изоҳ берганлар: *«роман ва пьесаларидаги ижтимоий клише ва унинг аросатга солувчи кучи абсурд эканлигини экстраординар тил қуввати билан очиб берган мусиқий қуйма оҳанг ва акс-садолари учун»*. Ўзига хос, ажабтовур баҳо!

Елинек сўл қарашлари билан ҳам танилган, у интернет сайтида жамиятнинг сиёсий, адабий ҳаётига оид ўз қарашларини баён этиб боради. У омма ичида жуда кам кўринади, оммавий ахборот воситаларига чиқишлар қилиш, интервьюлар бериш борасида ҳам шундай дейиш мумкин, у мулоқотларни кўпроқ интернет орқали бажаришни маъқул топади.

Ёзувчига бўлган муносабатни унга ушбу юксак мукофот берилиши ҳақидаги хабар Австрияда катта хурсандчилик билан қарши олинмаганидан ҳам билса бўлади. Унинг шахсига ҳам турлича баҳо беришади. Елинекни эслаганда австрияликларнинг кайфияти тундлашади. У осойишталикни бузувчидир. У 1993 йилда шундай фикрни билдирган эди: *«Менинг матнларим афсоналарга чек қўяди. Мен нарсаларга уларнинг асл моҳиятини қайтарсам дейман»*.

ГАРОЛЬД ПИНТЕР

Гарольд Пинтер 1930 йилда Лондонда таваллуд топган. Пинтерлар оиласи асосан тикувчилик билан шуғулланарди. 1948 йилда катта орзулар билан Қиролликнинг драма санъати академиясига ўқишга кирган Гарольдга уни тугатиш насиб этмаган. 50-йиллар бошида у шеърлар ёза бошлади ва Ирланд театр труппаларидан бирида актёрлик қилади.



1957 йилда Бристоль университетиди Гарольднинг илк пьесаси «Тугилган кунлар»нинг премьераси бўлиб ўтади. Унинг драматургликка жиддий даъвогар эканини билдирган иккинчи асари «Кўриқчи» 1960 йилда сахна юзини кўради. Танқидчилар Пинтернинг асарларини жуда топиб таърифлашган: «*қўрқув ва таҳдид комедиялари*». «Коллекция», «Жазманлар», «Чойхўрлик», «Уйга қайтиш», «Эгасиз ер», «Хиёнат», «Тоғлар тили» унинг сара асарларидир.

Пинтернинг қаҳрамонлари асосан ўрта ва паст табақадаги оддий одамлар, воқеалар ётоқхона ёки меҳмонхонада бўлиб ўтади, уларнинг тили сўзлашув услубида кечади. Бироқ, персонажлар муносабати, диалоглар ва воқеалар ривожини олдиндан башорат қилиб бўлмайди, улар одатдагидек, кутилганидек кечмайди, турли талқинларга кенг ўрин берилган. 1959 йилда сахнага олиб чиқилган «Енгил огриқ» пьесасидаги воқеаларни олайлик. Ўрта яшар зиёлининг эътиборини ҳар куни унинг ҳовлисига келиб турадиган гугурт сотувчиси жалб этади. Таъсирланган қаҳрамон сотувчини уйига тақуфт этади. Бироқ у қанчалик тиришмасин, сотувчи билан мулоқотга кириша олмайди. Меҳмонга бошида хушмуомалалик билан муносабатда бўлган хўжайиннинг сабри косаси тўлиб, ичида борини тўкиб солади. Хотини уни уйдан ҳайдаб чиқаради. Хўжайин гугурт сотувчиси билан яшашни маъқул топади.

«Хиёнат» асарида ўзаро ёлгон асосига қурилган севги учбурчаги акс эттирилган. Ёлгон фош этилгач, оила ҳам, ишқий муносабатлар ҳам якун топади.

Пинтер одам руҳиятининг чуқур илдизларини кашф этиш ва очишда нафақат театр билан вобаста ижод қилди, у бир қатор киноқиссалар муаллифи ҳамдир. У Жозеф Лоузининг машҳур кинотрилогиясига сценарий ёзиб берган. «Хизматчи», «Бахтсиз воқеа» ва «Воситачи»дан иборат учлик муваффақиятида Гарольднинг ҳиссаси катта эди, албатта. Майкл Андерсеннинг ўша машҳур сиёсий триллери «Квиллер меморандуми»нинг сценарийси ҳам Пинтерники.

1976 йилда режиссёр Элиа Казан Френсис Скотт Фишжеральд романи асосида фильм ишлайди. Роберт де Ниро, Жанна Моролар бош ролларни талқин этган машҳур «Сўнгги магнат» фильми ҳам Гарольд Пинтер иштирокида яратилган. 1981 йилда Жон Фаулз асари асосида яратилган «Француз лейтенантининг жазмани» фильмига ҳам Гарольд Пинтер сценарий ёзган. 1963 йилда «Кўриқчи» фильми унинг шу номдаги пьесаси асосида яратилган эди. Гарольд нафақат драматург, балки уни киноактёр сифатида ҳам билишади. У яратган бир неча образлар томошабин кўнглидан жой олгани ҳам рост.

1966 йилда Пинтер илк бор катта мукофотга муносиб кўрилди. Унга Британия қироллиги ордени берилди. 1973 йилда Европа адабиёт академияси мукофоти, 1992 йилда Чили давлатининг «Буюк хизматлари учун» ордени, 1997 йилда «Фахрий Мольер» унвони ва яна йигирмага яқин бошқа унвону мукофотлар...

Пинтернинг ҳаётида яна бир саҳифа – унинг ижтимоий-сиёсий фаолиятидир. У ўша пайтда АҚШнинг Никарагуадаги ҳаракатларига қарши чиқди, Марказий ва Жанубий Америкада сўз эркинлигини кўпол равишда бузиш ҳолатларини ўрганиб чиқишга жамоатчилик эътиборини жалб этди. Сербияда НАТО кучларининг портлатишлари бошлангач, у Британияда урушга қарши кайфиятдагиларнинг суянчига айланди, десак муболага бўлмайди. У Британиянинг бу борадаги сиёсатини шармандали жиноят деб атади. Ўшанда у қуйидагича баёнот берган эди: *«Блэр ва Клинтоннинг Косово албанлари билан иш олиб бораётганлари натижа бермаяпти. Бўлаётган воқеалар Европада Американинг зўрлигини ва устунлигини исботлашдан бошқа нарса эмас. Аслида дунё тинчлигига Югославия эмас, айнан Қўшма Штатлар таҳдид солмоқда...»*

2005 йилнинг 13 октябрь кuni 75 ёшга тўлганидан уч кун ўтиб Пинтер адабиёт соҳасидаги Нобель мукофоти билан тақдирланди. Шубҳа йўқки, ушбу сўз санъаткорига юксак мукофотни лозим топар экан, Швеция академияси мутасаддилари унинг адабиёт соҳасидаги хизматларинигина эмас, балки унинг фуқаролик позициясини ҳам эътиборга олишган. Нобель мукофоти кўмитаси Пинтерга мукофотни тақдим этиш борасидаги қарорига шундай асос келтиради: *«У ўз пьесаларида кундалик таъвишлар билан инсон онги ва тасаввурининг маълум бўлмаган қирралари ўртасидаги катта фарқ ва тафовутларни, кўринмас жарликни очиб берган».*


Нобель мукофоти лауреати Гарольд Пинтер 2008 йилнинг 25 декабрида вафот этди. Унинг асарлари эса ижодкорнинг кейинги ҳаёти каби ҳали ҳам одамларни унинг қарашлари, тасаввурлари, ундовларидан огоҳ этади.

Адабиётнинг кучи ҳам шунда эмасми?

ЎРХОН ПАМУҚ

Ўрхон Памуқ туркий ёзувчилар орасида Нобель мукофотига сазовор бўлган ягона адибдир. У 1952 йилда Туркиянинг Истамбул шаҳрида туғилган. Шу шаҳардаги Роберт коллежида рассомликка, Техника университетиде меъморликка ўқиди. Аммо рассом ҳам, меъмор ҳам бўлолмаслигига ишонч ҳосил қилгач, Истамбулдаги Журналистика институтида таҳсил олди.

Умрининг кейинги уч йилини Лондонда ўтказганини ҳисобга олмаганда, адиб умр бўйи Истамбулда яшаб келади.



Ўрхон болагидан адабиётга қизиққан ва ҳаётининг ҳар бир фаслида ижодга ўзида катта эҳтиёж ва муҳаббат сезиб келган ҳам. Бироқ у йигирма ёшга борибгина муттасил ёза бошлади.

1979 йилда Меҳмет Эрўгли билан ҳамкорликда ёзган «Зулмат ва нур» романи «Миллий романлар» танловида биринчи ўринни олди. 1982 йилда бу романни кенгайтириб, қайта ишлаб, «Жавдат бей ва унинг ўгиллари» номи билан чоп эттирди. Бу сафар китоб Ўрхон Камол мукофотига лойиқ деб топилди.

Ёзувчи 1984 йилда эълон қилинган «Сассиз уй» романи учун «Мадарали Новел Приз» мукофоти билан тақдирланди.

Сўнгра Ўрхон Памуқнинг «Оқ қалъа», «Қора китоб», «Янги ҳаёт», «Мени Қизил дейдилар», «Қор» романлари чоп этилди ва уларнинг ҳар бири турли миллий ва халқаро мукофотларга сазовор бўлди.

Памуқнинг номини Туркиядан ташқарида ҳам машҳур бўлишига сабаб бўлган асари унинг тарихий мавзудаги «Оқ қалъа» романи бўлди. «Нью-Йорк Таймс» газетаси «*Шарқда янги юлдуз пайдо бўлди, бу Ўрхон Памуқдир*» деб ёзган эди ўшанда.

«Қора китоб» эса Памуқнинг энг баҳсли, шу билан бирга, машҳурликда «Оқ қалъа» романидан ҳам ўтиб кетган асаридир. 1992 йилда муаллиф «Қора китоб» мотивлари асосида «Янги ҳаёт» фильми учун сценарий ҳам яратди. Фильмга таниқли турк режиссёри Омон Қавир режиссёрлик қилди.

Памуқнинг «Мени Қизил дейдилар» асарининг айнан Туркияда эмас, балки Америкада босилишига адибнинг ўз мамлакатида олиб борилаётган ички сиёсатга хайрихоҳ эмаслиги сабаб бўлади.

Адибга энг катта иқтисодий фойда келтирган ушбу романда империя даврида Истанбулда содир этилган сирли қотиллик ҳақида сўз боради. Ушбу асарда шарқ ва ғарб, ислом дини ва христианлик олами томонидан дунёни идрок этиш ва қабул қилишдаги фарқлар муаммоси кўтарилган, бу эса Туркиянинг бугунги кунда Европа Иттифоқига аъзо бўлишга интилишларига жуда ҳамоҳанг ғоядир.

Адиб 1999 йилда нашр этилган «Бошқача ранглар» номли мақола, кундалик дафтар, суҳбатлар сайланмасида китобхонлар билан ўзининг 25 йиллик насрий тажрибалари, тутган дафтарлари, репортажлари ҳамда «Дераза орти манзаралари» ҳикояси билан ўртоқлашди.

2003 йил 14 июнь куни Ўрхон Памуқга адабиёт соҳасидаги энг нуфузли мукофот – халқаро Дублин мукофоти (ИМПАС) берилди. Бу адабиёт соҳасида бериладиган мукофотлардан энг қимматбахоси эди, чунки унинг пул жамғармаси 100 минг еврони ташкил этади.

1998 йилда Ўрхон Памуқ ўзига «Туркия халқ ёзувчиси» унвони берилаётганида бу мукофотни айнан мамлакатда қурдларга нисбатан олиб борилаётган сиёсатга норозилигини билдириш нуқтаи назаридан рад эгли. Бу эса расмий Анқарага мутлақо маъқул келмади, албатта.

Баҳсли масалалар борасида Памуқнинг шахсий қарашлари, тутган йўли ва позицияси ватандошлари томонидан турлича баҳоланиб келинади. Баъзи туркияликлар Ўрхон Памуқдай ватандоши билан фахрланиб гапирса, яна бошқа бир гуруҳ одамлар уни ватанига хиёнат қилганликда айблайдилар.

2005 йилда Туркия ҳукумати адибни судга берди. Ўша йил февраль ойида Памуқнинг Швейцарияда чиқадиган «Дас Мегежин» нашрига берган интервьюсидаги қуйидаги сўзлари бунга туртки бўлди: *«Туркияда бир миллион нафар армани ва уч юз минг курд ўлдирилди. Бу ҳақда ҳеч ким гапирмайди ва бу ҳақда гапирганим учун мени ёмон кўрадилар».*

Ёзувчининг турли вақтларда турли оммавий ахборот воситаларига берган интервьюларига кўра, ушбу баёнотдан сўнг уни сиқувга олиш авж олди. У Туркиядан бир муддат чиқиб кетишга мажбур бўлди. Айбловларга қарамай, ёзувчи кўп ўтмай ўз ватанига қайтиб келади. Энди жаҳон жамоатчилиги, инсонпарварлик, шахс эркинлиги ва ҳуқуқини ҳимоя қилувчи турли ташкилотлар Туркиянинг сўз эркинлиги борасидаги сиёсатини қоралаб босим ўтказа бошладилар. Туркияда сўз эркинлигига риоя қилинмаётганлиги борасидаги ҳар қандай қараш ушбу мамлакатнинг Европа иттифоқига аъзо бўлиб кириши эҳтимоли мавжуд бўлиб турган пайтда қанчалар салбий акс-садо беришини тасаввур қилиш қийин эмас, албатта.

2005 йил 1 декабрь куни «Халқаро амнистия» номи билан иш юритувчи халқаро ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилоти Туркия жиноят кодексининг 301-моддасига ўзгартириш киритиш талаби билан чиқди. Ушбу модда Туркия ва унинг бирлигини ҳақорат қилгани ва бу борала бўҳтон тарқатгани учун уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилишни назарда тутар эди. Ташкилот Памуқ ва ушбу модда билан айбланаётган яна олти кишининг озод этилишини талаб қилиб чиқди. 13 декабрда эса саккиз нафар ҳозирги замоннинг таниқли бўлган ёзувчилари — Жозе Сарамато, Габриэль Гарсия Маркес, Гюнтер Грасс, Умберто Эко, Карлос Фуэнтес, Хуан Гойтисоло, Жон Апдайк, Марио Варгас Льюсалар Памуқнинг озод этилишини талаб қилиб баёнот билан чиқдилар.

2006 йил 24 январда Истамбул суди машҳур ёзувчи Ўрхон Памуқ устидан олиб борилаётган судлов жараёнини бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилди.

Ёзувчи ўз ҳаёти хавф остида қолгач, ватанидан чиқиб кетишга мажбур бўлди. У оиласи билан АҚШдан кўним топди. Марказий телеканаллардан бирига интервью берар экан, *«Туркиядаги аҳвол ҳозир жуда аянчли. Зиёлилар қамоққа олиниши ва ҳатто ўлдирилиб юборилиши*

мумкинлигини ҳис этиб турадилар. Менинг кўпгина дўстларим, журналист ва ёзувчилар ҳозир ёки қамоқда ёки уларга нисбатан жиноий иш очиб қўйилган», — дея баёнот берди.

Адибнинг бу каби чиқишларига ўз ватандошлари томонидан таҳдид билан жавоб берилган ҳоллар ҳам бўлди. Хусусан, Туркиядаги турк-арман тилида нашр этиладиган «Акос» журналининг бош муҳаррири Гран Динкнинг ўлими билан алоқадор бўлганлардан бири Ёсин Хайол «Памуқ ўзини тўғри тутиши керак, акс ҳолда уни ҳам худди шундай тақдир кутмоқда», — дея тўғридан-тўғри таҳдид ҳам қилган эди.

Хорижлик мухбирнинг саволига жавоб берар экан, адиб шундай дейди: *«Агар менинг ўрнимда бирор курд ёзувчиси бўлганида уни камиди йиғирма йилга қамаб қўйган бўлишарди. Мен эса ўзим қандай хоҳласам ва ўйласам, шундай ёза оламан, чунки мен жуда таниқлиман, мени оламга машҳурлигим қамоқдан сақлаб туради. Баъзи-баъзиди Туркия газеталарида ҳам мақолаларим чиқиб қолади, аммо фақатгина мен уларга бу мақолаларим Британиядаги «Гардиан» нашрида босилиб чиққанини айтганимдан сўнггина босишади. Акс ҳолда кўпгина газеталар менинг мақолаларимни ҳеч қачон босишмаган бўлар эди».*

Ўрхон Памуқнинг бу фикрлари, кишини ёзувчи ким ўзи, унинг жамиятда тутган ўрни, вазифалари нималардан иборат, деган саволларга жавоб излашга ундайди.

Ўрхон Памуқ ҳозирда дунёнинг қарийб қирқдан ортиқ тилларига таржима қилинган еттита роман муаллифи сифатида машҳурдир. Айниқса, адибнинг 2006 йилда Нобель мукофотига сазовор бўлиши унинг машҳурлигини яна оширди, унинг номи дунёнинг барча халқлари тилига тушди.

Ёзувчига ушбу нуфузли мукофот унинг «Истанбул. Хотиралар ва шаҳар» асари учун берилди.

Нобель мукофоти кўмитаси Памуққа ушбу юксак мукофотни қуйидаги изоҳ билан муносиб топади: *«...она шаҳрининг дилгир қалбини истаб, маданиятлар тўқнашуви ва уйғунлашувини белгилаш учун янги белгилар топа олган муаллиф...»*

Аслида ёзувчининг ҳар бир асарида, хусусан унинг юксак мукофотга муносиб кўрилган «Истанбул. Хотиралар ва шаҳар» китобида ҳам шарқ ва ғарбнинг ўзаро алоқалари, зиддиятли ва уйғун жиҳатлар сўзсиз бош мавзу эканлиги Нобель кўмитаси таърифининг нечоғли асосли эканини исботлайди.

Ўрхон Памуқ асарлари она тилимизда ҳам чоп этилган. Жумладан, унинг Нобель мукофотига муносиб кўрилган «Истанбул. Хотиралар ва шаҳар» асари Миразиз Аъзам таржимасида «Жаҳон адабиёти» журналида чоп этилди.

Ижодкорнинг ўзига хослиги, янгича услубни топганию бир-иккита эсда қоладиган асарлари, яхши-ёмонга ёки оқу қорага ажратиши билан белгиланмайди. У албатта, бадий тафаккур имкониятларини кенгай-

тириш учун қотиб қолган эстетик қарашларни, поэтик ифода усулларини янгилашга интилишга мажбур. Бу – сентенция эмас, Ўрхон Памуқ ижодининг эътирофидир.

Умуман, адабиётга, образга, фикрга қараш дастлаб бу ҳақдаги тасаввурни ўзгартиришдан бошланади. Биз кўникиб қолган асарлар ҳам аслида ўз даврининг тасаввурини бузган эди. Аслида адабиёт янгиланмайди. Тасаввур – сўзга, инсонга, фикрга, гўзалликка бўлган тасаввур янгиланади.

Ҳаётда ҳам, адабиётда ҳам ҳеч нарса янги эмас. Ҳар қандай янгилик – эскининг такрори. Адабиёт эмас, адабиётдаги қарашлар янгиланади. Янги қараш янги тасаввурни пайдо қилади.

Туркийлар орасидан биринчи бўлиб Нобель мукофотида сазовор бўлган Ўрхон Памуқ ҳам ўзининг янгича қарашлари билан адабий тасаввурни янгилай олган замонамизнинг бетакрор адибидир.

ДОРИС ЛЕССИНГ

Дорис Лессинг 1919 йилда Эронда тутилган. 1925 йилда Лессинглар оиласи ўша пайтда инглиз мустамлакаси бўлган жанубий Родезияга кўчиб ўтишган. Африканинг овлоқ ўлкаларида ўтказилган болалик йиллари Доррис ижодида битмас-туганмас илҳом манбаи бўлган, десак хато қилмаймиз.

Ёзувчи 1949 йилда бу қитъани тарк этиб, ўн икки яшар ўгли билан Лондонга кўчиб келади. Албатта, унинг ҳаёти жуда огир кечарди. Янги муҳитга кўникиш жуда қийин эди, у айна вақтда бунга тайёр эмасди.

1950 йилда унинг илк романи «Майса қўшиги» эълон қилинган. Роман катта қизиқиш билан кутиб олинади. Кейин у ўзи ўйлаб юрган катта иш – беш қисмли серия устида иш бошлайди. Бирин-кетин «Зулм болалари» деб номланган сериянинг таркибига киритилган бешта роман «Марта Квест», «Қуруқлик билан ўралган», «Тўрт дарвозали шаҳар», «Пўртанадан сўнги мавжланиш» романлари дунё юзини кўради. 1962 йилда Лессингнинг машҳур «Олтин кундалик» асари босмадан чиқади.

Гарчи романни феминизм адабиётига оид деб баҳоласалар-да, муаллиф бу қирра асарнинг бир томонигина эканини айтади. Аслида, унинг моҳиятида жамиятда инсоннинг шахс сифатидаги ҳуқуқи масаласи турибди, дейди у.

Лессинг жами бўлиб элликдан ортиқ йирик асарлар яратган ниҳоятда серқирра ва сермаҳсул ижодкордир. Унинг бир қатор романларига опералар ёзилган, шу билан бирга, унинг «Мистер Доллинжер», «Ҳар



кимники ўзига», «Билл Ньютон ҳақидаги ҳақиқат» ва «Шер билан ўйин» деб номланган пьесалари ҳам муваффақият билан саҳналаштирилган. Дорис Лессингни ҳақли равишда инглиз ёзувчилари ичида энг машҳури, шу билан бирга, энг ғаройиб таржимаи ҳол эгаси сифатида тан олишади. Ҳа, у Эронда туғилди, Жанубий Родезиядаги кичкина фермада улғайди, ўсмирлигида коммунистларга кўшилди, ўттиз ёшида ўн икки ёшлик ўгли билан Англияга кўчиб ўтди. «Майса кўшиғи» деб номланган илк романи уни дунёга машҳур қилди. Лессингнинг «Олтин кундалиги» феминистларнинг энг севимли асарига айланди, унинг анти утопиялари эса замонавий фантастиканинг антологиясига киритилди. Булардан ҳам ортиб умрининг сўнгги йилларида сўл ҳаракат билан шуғулланиши...

Булар айнаи ўша ғаройибликдан далолатдир.

«Мен жуда кўп вақтимни ёлғизликда ўтказар эдим. Овчилар милитинги елкамга осиб ёввойи оламда соатлаб сайр қилар эдим. Биласизми, илонлардан ташқари, ҳеч қачон ҳеч нарсадан қўрққан эмасман. Ғаройиб болалик. Шундай эмасми? — дейди матбуотда эълон қилинган сўхбатда Лессинг ўз болалигини эслаб. — Мен фақат пул топиш учун ёзганман. Менинг шухрат ҳақида ўйлашга вақтим бўлмаган».

Буюк Британияда Лессинг коммунистлар билан, кейин пацифистлар билан яқинлашди, сўнг у феминизм адабиёти билан машғул бўлди. Кейин илмий фантастикага шўнғиди, яна бироз ўтиб сўфизм билан ҳам шуғулланди. Танқидчилар айнаи ана шу ўзгаришлар ортидан етиб улгуришмас эди. Лессинг асарларига баҳо беришганида улар кўпинча кечиккан бўлишарди. Лессинг коммунистларга ишониб хато қилганини эълон қилиб, феминизмга нисбатан ҳам шубҳа билан қарай бошлагач, танқидчиларнинг боши айланиб қолди ва азбаройи ақллари шошганидан, Доррисни тинч қўйишди ҳам.

Ёзувчи ўзининг расмий маълумот олмаганидан хафа бўлмайди, у ўзининг евроцентризм билан эмланмаганидан, бу билан турли ташқи таъсирлардан ҳоли бўлганидан хурсанд. Унинг «Майса кўшиғи» ёки Марта Квест ҳақидаги романлари аслида муросасиз реалистик наср кўринишлари, ўн тўққизинчи аср тарбиясидаги адабиётни янги даврга олиб келиш бўйича тажрибалар эди. 1962 йилга келиб, яъни «Олтин кундалик» эълон қилинганда у ўзини шаклланган адабиётчи сифатида кўрсата олган эди. Бир томондан шотланд руҳшуноси Рональд Ленг асарлари таъсирида ёзилган ушбу роман нозик психологик тажриба, журъатли расмий эксперимент, яъни синов ҳам эди: протагонист аёл бир йўла тўрт кундалик юритади. Уларнинг ҳар бири алоҳида йўналишда — бири Африкада ўтган ўсмирлик даври эсдаликлари, иккинчисида унинг сиёсий қарашлари, учинчисида бўлиб ўтган воқеаларга ҳолис муносабатлар, тўртинчисида эса, унинг ҳақиқий ҳаёти акс этган.


Ҳа, дарвоқе, баъзи маълумотларга қараганда, Лессингнинг айнан фантастик жанрдаги асарлари унинг Нобель мукофотига эришишини

қарийб йигирма йиллар орқага сурган дейишади. Чунки швед академиклари бу жанрга жиддий қарашмас эди.

Лессинг Нобель мукофотига сазовор бўлгани ҳақидаги хушxabарни озгина изтеҳзо билан қарши олди. Ахир Лессинг адабиёт соҳасидаги мукофот деганларининг бир нечта шодасини маржон қилиб тизиб қўйишга улгурган бахтли ижодкор саналади-да.

ЖАН-МАРИ ГЮСТАВ ЛЕКЛЕЗИО

Француз адиби Жан-Мари Гюстав Леклезио 1940 йилда Ниццеда, ҳарбий шифокор оиласида таваллуд топган. Бўлгуси ёзувчининг ота-онаси XVIII асрда Маврикия оролида қолиб кетган эски мустамлакачиларнинг авлодларидан эди. Отаси британиялик ҳарбий врач бўлиб, иккинчи жаҳон уруши даврида Нигерияда хизмат қилган. Уларнинг оиласи Африкага 1948 йилда кўчиб келишган. 1991 йилда у ҳаётдан олинган воқеалар баёни билан боғлиқ романини ёзиб тугатди. Муаллиф бу асарига Нигериядаги Онитша шаҳри номини қўйган. Роман қаҳрамонининг отаси ушбу шаҳарда яшайди, унда Жан-Марининг ёшлиги, унинг болалигиданоқ адабиётга ҳавас қўйгани, узоқ саёхатлари, ажралиб кетган оила ва ҳаётида бўлиб ўтган бошқа ҳодисалар ўз аксини топган.



Жан-Мари оиласидагилар икки тилда — француз ва инглиз тилларида гаплашишарди. Ўсмирлик чоғида Леклезио испан тилини ҳам мукамал ўрганиб олади. У Бристол ва Ницце шаҳарларида ўқийди, кейин Эксан-Прованса университетиде таҳсил олади. Мексика тарихи бўйича докторлик даражасини Франциянинг Перпиньян шаҳрида олади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Леклезионинг адабиёт соҳасидаги иқтидори фан борасидаги интилишларидан кучлироқ эди. Аниқроқ айтганда, у биринчи романи «Жараён»ни 23 ёшга кирган навқирон йигитлигида яратган бўлса, диссертацияни 1983 йилда, оз эмас-кўп эмас роппа-роса йигирма йилдан сўнг ҳимоя қилган. Леклезио ҳали болалигиданоқ ҳаётни ўз кўзи билан кўриш, дунё кезишни орзу қиларди. У ҳақиқатан ҳам дунё кезганлар тоифасига киради. Адиб Жанубий Америка, Африка, жануби-шарқий Осиё ва энг муҳими, нафақат Америка Қўшма Штатлари, балки Таиланд, Япония, Нигерия каби бир қатор мамлакатларда узоқ қолиб, бу ҳудудлардаги ҳаётни муфассал ўрганди. У дунё халқларининг бир-бирига ўхшамаган маданиятларини ўз кўзи билан кўрди, нафсиламбрини айтганда, улар

Европа ҳаётидан тубдан фарқ қилар эди. Аслида ҳам ижодкор бу саёҳатлари, олам кезишлари билан цивилизация номи билан назарда тутиладиган оламнинг юракни эзувчи ва одатий, зерикарли ҳаётидан фарқли ўлароқ, одамларнинг ўзини бошқача ҳис этадиган, эркин ва одми сезадиган, ҳақиқий ва бир бутун ҳаётини излади. Унинг ҳаётида ва ижодий тақдирида ҳам Мексика ва Панаманинг туб аҳолиси ҳаётига кириб борганлиги катта роль ўйнайди. Чунки ҳиндулар қавми орасига кириши, уларнинг Америка аборигенлари мифологиясини акс эттирувчи кундалик майиш ҳаёти ва қадимий эътиқод амаллари билан сингишиб кетиши унга ўз таъсирини ўтказмай қолмади, албатта.

Нобель мукофотига етишгунича Леклезининг энг кўзга кўринган ва машҳур асари «Жараён» бўлиб қолди. Бу асарни Гонкуров мукофотига ҳам тавсия этишган, бироқ охир-оқибатда Ренодо мукофотга муносиб топилган. Роман қаҳрамони Адам Полло Пруст қаҳрамони каби шаҳар бўйлаб санқиб юради, Сартр ва Камю яратган қаҳрамонлардек гамгин ва маънос, ланж ҳаётни кузатади. Леклезининг илк асари катта шон-шуҳрат келтирди. Уни янги романчиларнинг попугини пасайтириб қўядиган гений сифатида таърифлаганларини айтмайсизми. Бироқ бундай бўлмади, чунки Леклезио адабий давраларга қўшилмаган ва бундай қарашлар ҳақида ўйлаб ўтириш ёки қандайдир маълум муваффақиятларидан эсанкираб қолиш ва ҳоказоларга мойил бўлган юлдузлик касаллигига чалинмаган эди. У кўп ўтмай, мутлақо бошқа мавзуларда қалам тебрата бошлади. Уни энди ёш ва ўспирин шаҳарликларнинг қизиқишлари қизиқтирмас ва у бутун борлиги билан Африка ва Марказий Америкадаги келгиндилар ва туб аҳоли ўртасидаги ювиб бўлмас доғлар, йўқотиб бўлмас чегаралар, маданиятларнинг барбод бўлиши, йўқолиши, халқларнинг ўзаро тушунмовчиликлари, бир-бирига бўлган қаҳр-ғазабини ўрганди.

«Тушдаги Мексика ёки тугалланмаган фикр» асарида у Колумбгача бўлган цивилизация ва бу цивилизация вакилларининг испанлар билан учрашувини қаламга олган. Леклезио оқ танли кишиларга нисбатан қаҳр-ғазаб билан ёнмайди, албатта. Уни Жан Жак Руссо Европа маърифатига туҳфа этган меҳрибон ёввойининг бахтсиз тақдирдан йиғловчи феномени сирасига ҳам киритиб бўлмайди. Ёзувчи забт этилганлар ёки мустамлакачиларнинг биронтаси томонини олмайди, у бу мавзуга холислик билан ёндашган. Унинг отаси бир вақтлар Африкада ишлаган кезларида юзлаб одамларни қутқарган. Бу ҳақида кейинчалик Леклезио ўзининг «Африкалик» китобида батафсил ёзган. Бу маънода Леклезио француз антропологи, нафақат Американинг туб жой аҳолиси афсоналари ва урф-одатлари ҳақида бир қанча йирик асарлар ёзган, балки эски ва файзли Европанинг ташқарисидаги майиб бўлган дунё ҳақидаги одамнинг баданидан ўтиб кетадиган даражада таъсирли ёзилган

асарлардан бири бўлмиш «Мунгли тропиклар» нинг ҳам муаллифи Клоди Леви-Строссига яқин келади.

Унинг «Адашаётган юлдуз» романида икки тақдир қаламга олинган. Биринчиси, иккинчи жаҳон урушидан сўнг Исроилга кетаётган яҳудий аёл образи бўлса, иккинчиси фаластинлик, уруш туфайли қочоққа айланган мазлума аёлдир. Қаҳрамонларни уларнинг миллати, туғилган ватани, улардаги маданият ва маънавият ажратиб турса-да, уларни ҳам-аламли тақдирнинг бир хил изтироблари, керак бўлса бу борадаги тажрибалар бирлаштиради. Нью Мексика, Маврикия ва Ницце оралигида умри ўтган Леклезіо ўз эътирофларида «*Менга Франция француз тилидек даражада она ватаним эмас*», дейди. У 2007 йилда француз тилини ўз она тили сифатида эътироф этган муаллифларнинг янги авлодини ҳимоя қилган манифестга биринчилардан бўлиб имзо чеккан ёзувчилардан бўлди. «Ле Монд» рўзномасида эълон қилинган Манифестда Леклезіо ва яна 43 нафар ёзувчи ватандошлари эътиборини бу тилнинг биқик табиатига, унинг кенг қамровга эга бўлмаётганига қаратишади, унинг мамлакатнинг географик ҳудудида ўралашиб қолаётганини таъкидлашади. Агар у инглиз тили каби очиқ бўлсагина, ўз мустамлакаларидаги Салмон Рушдий, Кирон Десаи, Бена Окри ва Надин Гордимер кабиларни ўз орбитасига торта олсагина, уни жаҳонда тан олишларига эришиш мумкинлигига урғу беришади.

Леклезіони дунё адабиётида жуда ҳам машҳур бўлиб кетган, деб бўлмайди. Унинг асарлари жуда кўп тилларга таржима қилиниб, оммалашиб кетгани йўқ. Унинг бир қатор романларигина, мисол учун, рус тилига ўгирилган. «Саҳро», «Бошқа томондан саёҳат» «Тилла балиқ» (араб қизининг бошни айлантириб юборадиган даражадаги саргузаштлари ҳақидаги асар), болалар учун «Самода ҳаёт кечирувчилар» деб номланган тўпламлари рус ўқувчисига етиб келган. Леклезіо қарийб қирқ йиллик ижодий ҳаётида 30 дан ортиқ асар яратган. У адабиётнинг турли жанрларида ижод қилди, романлар, ҳикоялар, маданий эсселар, экзотик мифология таржималари ва ҳикоялари, ўсмирлар учун асарлар ёзди. У энг замонавий ва нозиктаъб француз услубчиларидан ҳам биридир. Французлар Леклезіони ўн-ўн беш йил аввалданоқ Нобель мукофотига лойиқ деб ҳисоблашар эди. Леклезіога *доимий ҳаракат куйчиси, поэтик авантюра ва эҳтиросли экстаз, амалдаги цивилизациядан ташқари ва унинг бўйсунувидаги инсон оламини тадқиқ қилганлиги* учун Нобель мукофоти берилди.

ГЕРТА МЮЛЛЕР

Герта Мюллер 1953 йилнинг 17 август куни Руминиянинг гарбий қисмида жойлашган, тарихий Трансильвания вилоятига қарашли уездлардан биридаги Ницкидоф қишлоғида таваллуд топган. Бу немислар яшайдиган қишлоқдир. Гертанинг отаси СС кўшинларида хизмат қилган офицер эди. 1945 йилда кўпгина руминиялик немислар собиқ СССРга мажбуран



олиб кетилган. Гертанинг онаси ҳам бундан мустасно эмас эди. Оила беш йилни Украинадаги меҳнат лагерида ўтказишга мажбур бўлган.

1982 йилга келибгина у биринчи ҳикоялар тўплами «Ува» китобини нашр эттиришга муваффақ бўлди. 1984 йилда ёзувчининг иккинчи «Гамгин танго» китоби чиқди. 1984 йилда ГФРда «Ува»нинг цензурадан ўтказилмаган варианты босилиб чиққанида немис танқидчилари бу тўпламни жуда илиқ кутиб олдилар. Аммо Мюллер ўз ватанида шуҳратга эриша олгани йўқ ва алал-оқибат, унинг эри 1987

йилга келиб ГФРга кўчиб кетишга муваффақ бўлди.

Германияда Мюллер асарлари тез-тез нашр этилар ва унинг мухлислари ҳам бисёр эди. 1996 йилда энг машҳур «Ёвузлик» романи босилиб чиққанигача ҳам бу мамлакатда унинг олти китоби нашр этилган. Мюллернинг Чаушеску ҳокимият тепасида бўлган йиллардаги немис миллатига мансуб ёшларнинг ҳаётидан ҳикоя қилувчи ушбу романи унга Европада катта шуҳрат келтирди, кўпгина мукофотларга эришишига сабаб бўлди.

«Мен сени бугун учратмасам бўларкан» (1997) ва «Нафас ол, нафас чиқар» (2009) романларида адиб оғир азобларни бошидан кечирган кишиларнинг тақдирларини маҳорат билан тасвирлаб берган.

Швеция академиклари Герта Мюллерга *«Ҳамма нарсадан маҳрум қилинган кишиларнинг ҳаётини поэзиянинг мужассамлиги ва прозанинг очиқлиги билан кўрсатиб бера олгани учун»* адабиёт соҳасидаги Нобель мукофоти бериш ҳақида қарор қабул қилишди.

Герта Мюллернинг 2008 йили «Профиль» журналига берган интервьюси алоҳида диққатга сазовордир. Унда ёзувчи барча насрий асарлари учун хос бўлган мавзулар ва ҳам бевосита Украинадаги ўтказган йиллари хотираларига тўхталган. У Киевга келган ва шу ерда ўзининг янги романининг айрим боблари ҳақида ҳикоя қилиб берган эди.

Мазкур «Нафас олиш аргимчоғи» романи ҳақида тўхталар экан, Герта хоним асарда иккинчи жаҳон уруши вақтида бу ерга депортация қилинган немислар сафида бўлган Оскар Пастиорнинг бошидан ўтказганлари ҳақида ҳикоя қилинганини таъкидлайди. Ўша лагерь Донбассда жойлашган эди. *«Ҳаммаси менинг депортация ҳақида асар ёзишни мақсад қилганим ва амалда депортация қилинган реал одамларни излаб, уларнинг ҳаётидан материал тўплай бошлаганимдан кейин бошланди, — дейди ёзувчи. — Мен бундай одамларни топиб, улар билан суҳбатлашишга ҳаракат қилдим. Аммо бу мен ўйлаганимдан кўра оғирроқ*

масала экан. Депортация ёпиқ мавзу бўлганидан ташқари, бундай тақдир пешонасига битилганларнинг кўпчилиги оддий хизматчи, ишчилар тоифасидаги кишилар ва улар ҳам ўзлари ҳақида гапиришни ёқтиришмас эди. Улар менга гапириб берган нарсалар оддий воқеликлар бўлиб, адабиёт учун, ёзилажак асар учун ҳеч қандай аҳамият касб этмас эди.

Мен Оскар Пастиорнинг ҳам улар орасида бўлганини эшитиб, у билан ярим соат суҳбат қурганимда олган маълумотларим шу пайтгача кўлаб соат ўша оддий кишилар билан ўтказган мулоқотларимдан кўра фойдали бўлганини сездим ва биз бирга ишлашга қарор қилдик».

Гап шунда эдики, мазкур асар уларнинг тенг меҳнати маҳсули эди. Чунки даставвал Пастиор гапириб Герта ёзиб борган бўлса, кейин ёзувчи Оскарнинг ҳикоялари тайёр адабий матн даражасида эканини илғаб, унинг ўзи ёзишини илтимос қилди, бироқ асар якунига етмасидан Пастиор вафот этади. «Унинг шунча ҳиссаси бўла туриб, мен асарга бир ўзимни муаллиф деб айта олмайман, — дейди ёзувчи, — матнни ўзим тугатганим билан роман бизнинг умумий ишимиз ҳосиласидир».

Умуман, Герта хоним адабиётда воқеалардаги деталларнинг реал бўлишини шарт деб ҳисоблайдиганлардан. «Гап бу воқеаларни қандай маҳорат билан ёритиб беришда», дейди у.

Мюллер социализмга нисбатан истехзо билан қарайди. Социализмнинг бош гоёси шундайки, тузумни қўлингдан келганича алдашнинг мумкин, аммо сен уни сени алдаганичалик алдай олмайсан, — дея таърифлайди у.

Гертанинг таржимаи ҳолидан бир ғалати парадокс келиб чиқади, у шарқий Европада туғилиб ўсди ва унинг барча асарлари айнан мана шу заминдаги тузум, бу ердаги тартиблар ва воқеаларга асосланган, аммо унинг барча мукофотлари-ю, эътирофга сазовор бўлишлари ғарбий Европада амалга ошмоқда. Ёзувчининг фикрига кўра, шарқий европалик ўқувчилар аввало ўзларидаги адабий жараёнлар ҳақида бош қотиришлари, диктатура ва тоталитаризм даврида адабиёт соҳасида бой берилган нарсаларнинг ўрнини қоплашлари лозим. Ана шундан кейингина улардан чет муаллифларнинг асарларига муносабат қилишларини кутиш мумкин.

Мюллер кўпгина адабиёт соҳасидаги мукофотларга, хусусан, Берлин ва Бермингем, Франс Кафка ва Генрих фон Клейст мукофотларига сазовор бўлган, у шунингдек Дублин мукофоти билан ҳам тақдирланган.

Дарҳақиқат, йигирмага яқин роман ва қиссалар муаллифи ва бундан ҳам кўпроқ адабиёт соҳасидаги нуфузли мукофотлар соҳиббаси бўлган Мюллернинг асарлари жами, жумладан ёзувчиларнинг кўпчилигига насиб этавермайдиган хитой, турк ва испан тилларини ҳам ҳисобга олганда, йигирмадан ортиқ тилларга таржима қилинган. У аксарият танқидчиларнинг яқдил фикрига кўра, даҳшатли нарсалар ҳақида ҳайратланарли тарзда чиройли, таъсирчан ва ўткир ёзади.

Сўзимиз сўнггида Нобель мукофоти кўмитасининг доимий котиби Питер Энглунднинг мазкур қарор борасида билдирган шов-шувли фикрини ҳам келтириб ўтишни жоиз деб ўйлайман.

Ушбу котиб ўз ваколатига кўра, адабиёт соҳасидаги Нобель мукофоти лауреатини эълон қилади. Унинг ҳулосасича, мукофот кўмитаси аъзолари номзодларга овоз беришда америкалик адабиётчиларга етарли эътибор беришмайди. У бу билан кўмиладагиларни «евроцентризм»да айбламоқда. Энглунд мазкур баёнотини Мюллернинг голиблиги эълон қилинишидан икки кун аввал эълон қилди. Котиб бу билан ўзидан аввалги котибнинг Америка адабиёти муайян даражада чегараланганлиги борасидаги нуқтаи назарига зид фикрламоқда эди.

Энглунд *Нобель кўмитасидагиларнинг ўзлари Швеция академиясига аъзо бўлганликлари учун «адабиётга Европача кўз билан қараш керак», деган нуқтаи назардан ёндашишлари муаммонинг ўзагини ташкил қилди, — дейди. — Дарҳақиқат, кейинги ўн йил мобайнида лауреатларнинг тўққиз нафари европалик экани бу фикрни асослагандек бўлади.*

ВАРГАС ЛЬОСА



2010 йилнинг 7 октябрь кuni адабиёт йўналишидаги Нобель мукофотининг янги соҳиби аниқланди. Швеция академиклари перулик Хорхе Марио Педро Варгас Льосани замонавий адабиётнинг энг донгдор вакили сифатида эътироф этди.

Варгас Льоса 1936 йилнинг 28 март кuni Перунинг Арекип шаҳрида таваллуд топган. У Боливиядаги Кочабамба шаҳрида бобосининг қарамогига ўсади. 1946 йилдан Льосалар Лим шаҳрида яшай бошлайди, Марио шу шаҳарда мактабни тугатади, кейин отасининг қистови билан Леонсио Прадо номидаги ҳарбий билим юртига ўқишга киради. Бу ўқув даргоҳидаги ҳаёт

жонига теккани боис, бир йил ўтмай, билим юртини ташлаб Пьюра шаҳрида нашр этиладиган «La Industria» газетасига ишга жойлашади. 1953 йилда бўлажак адиб Сан-Маркос университетининг филология факультетига ўқишга киради. Бироқ, тез орада Европага йўл олган Варгас Мадрид университетининг стипендиясига сазовор бўлади ҳамда шу дорилфунунда Рубен Дарио ижоди ҳақидаги диссертациясини ёқлашга муваффақ бўлади.

Льоса 1960 йилда Парижга кўчиб келади, бу ерда унга адабий тадқиқотлар олиб бориши учун грант ваъда қилинган эди. Бу вақтда Варгас холаваччаси, ўзидан анчагина катта ёшда бўлган Хулио Уркиди

билан бирга яшарди. Ваъда қилинган грантни ололмаган бўлажак ёзувчи Мадридга қайтишни истамайди, шу шаҳарда қолиб телерадиога ишга кирази ва Хулио Кортасар билан ҳамкорлик қила бошлайди. 1965 йилда Варгас яна бир холаваччаси Патрисиёга уйланади, улар уч фарзанд кўришган. Фарзандларидан бири Алваро Варгас Лёса ҳам отасининг йўлидан бориб ёзувчи ва публицист бўлиб етишган. Адиб 1969–1970 йилларда Англия ва Испанияда бир муддат яшади ва ўқитувчилик қилди, кейин эса ўзини бутунлай адабиёт ишига бағишлади.

Бир қатор мутахассислар Варгас ижодида Флобер ва Толстойдан тортиб Батаягача бўлган Лотин Америкаси ва Европа адабиёти вакиллари ижодининг тажассуми намоён бўлиб туришини таъкидлайдилар. Ёшлигида Кубада Кастро тузумини ёқлаган адиб вақти келиб коммунистик ғоялардан ҳафсаласи пир бўлади. Биографлар бу ўзгаришларни кубалик диссидент Эберто Падильо билан боғлиқ жараёнларга боғлашади, бироқ бошқалардан, мисол учун, Борхесдан фарқли ўлароқ, Варгас Лёса нафақат социалистик диктатура, балки ҳуқуқий авторитаризмга ҳам изчил қарши туради.

1963 йилда эълон қилинган «Шаҳар ва кўппаклар» романи биланоқ у Атлантиканинг ҳар икки ёнидаги мамлакатларнинг интеллектуаллари орасида машҳурлашиб кетиши учун пойдевор яратган эди. Ҳарбий билим юртидаги ҳаётий воқеаларга асосланган ушбу роман собиқ иттифоқ ёшлари орасида энг кўп мутолаа қилинадиган асарга айланади, китобни Леонсио Прадо майдонида намойишкорона ёққанлар ҳам унинг янада оммавийлашиб кетишига сабабчи бўладилар, холос. 1963 йилда роман асосида «Ягуар» фильми яратилган ва у ҳам катта шухрат қозонган. Адибнинг ватани Перу олий ҳарбий кўмондонлигида асар катта шов-шувга сабаб бўлади. Бир қатор генераллар, ҳатто Варгас Лёсани экваторлик муҳожирларнинг сиёсий буюртмасини бажарганликда айбладилар ҳам.

1967 йилда эълон қилинган «Ит боласи» қиссасида муаллиф зўравонлик ижтимоий ҳаётнинг ажралмас бир унсури бўлиб қолаётганини кўрсатар экан, Лотин Америкаси жамиятида оммавий ҳақсизликнинг голиб бўлиб келаётганини очиб ташлайди. Ушбу қиссадан сўнг Варгас Лёсани Хемингуэй билан қиёслаш бошлайдилар.

Адибнинг 1967 йилда нашрдан чиққан «Яшил рангли уй» романи Ромуль Гальгесо номидаги адабий мукофотга лойиқ топилади, шунинг таъкидлаш керакки, овоз беришда Варгас Лёса Хуан Онетти ва Габриэль Гарсиа Маркес каби номзодлардан катта фарқ билан голиб келган.

«Собордаги мулоқот» романидаги воқеалар Лимдаги қовоқхона ичида бўлиб ўтади, унда икки қаҳрамон бор, перулик, юқори мартабали амалдорнинг ўғли Сантьяго ва унинг таниши, ҳайдовчи Амбросио. Сантьяго ҳукуматга қарши махфий фитнада иштирок этган отасининг ҳақиқий тақдирини билишга ҳаракат қилади, бироқ давлат тизимининг ниҳоятда мустаҳкам қаршилигига дуч келади ва Кафканинг қаҳрамони

каби надомат чекиб ўз интилишларидан воз кечади. Бу Лъосанинг диктатура ҳукмронлигининг моҳиятини очиб беришга қаратилган илк уриниши эди.

1971 йилда адиб Маркес ижодига бағишланган диссертациясини ҳимоя қилади. У кейинчалик бир неча бор сиёсат ва адабиёт масалаларида Маркесга қарши чиқади. Лотин Америкаси адабиётининг ушбу икки тирик классикларининг муносабати шу қадар ёмонлашиб кетадики, ҳатто 1976 йилда Лъоса ўзининг бу эски танишига журналистлар гувоҳлигида тарсаки туширади. Фақатгина 2007 йилга келибгина ушбу эски рақибликнинг бироз юмшаши юз беради ва Маркес «Юз йил танҳоликда»нинг академик шарҳ нашрида Варгас Лъосанинг асарларидан ихтибослар келтиришларига ижозат беради.

Адибнинг «Капитан Панталеон ва беминнат хизмат ротаси» романидаги интизоми жуда қаттиқ бўлган исловотхона баёни адибнинг анча илгариги «Яшил рангли уй» романи ва умуман, «хужжатли роман» жанрига нисбатан кинояси эди. «Хулия хола ва бемаъни ёзувчи» қиссасида муаллиф ишқий асарларнинг тили ва архетипларидан фойдаланиб ўзининг Хулия Уркиди билан биринчи никоҳи тарихини бўрттирилган шаклда ўзига хос акс эттирган.

1975 йилда Варгас Лъоса халқаро ПЕН—клуб президенти этиб сайланган. 1978 йилда у Лимга қайтиб келади, аммо у энди дунё мамлакатлари бўйлаб тез-тез сафарларга чиқадиган бўлди. Шу йиллари Лъосанинг тарихий мавзудаги илк асарлари пайдо бўлади. «Қиёматдаги уруш» китобидаги воқеалар ўн тўққизинчи аср охирида Бразилияда бўлиб ўтади, бу пайтда Канудос қишлоғида диний қабила пайдо бўлиб, хусусий мулкни бекор қилади. Қабила бошлиқлари черковдан ажратилади, уларнинг қаршилиги эса ҳарбийлар томонидан шафқатсизлик билан бостирилади. Роман адиб дунёқаршида сўл қанот ва ҳатто коммунистик қарашларнинг либертианликка томон ўзгарганидан далолат берарди. Бразилиянинг ўзида, шунингдек, Кубада роман антисоциалистик ҳақоратнома сифатида совуқ қарши олинади. Варгас Лъоса эса ушбу ромanni ўзининг энг яхши асари деб ҳисоблайди.

«Майта тақдири» романи марказида 1958 йилда Перуда инқилоб қилишга тайёрланган кекса троцкийчи фаолияти туради. Айнан романнинг эълон қилиниши вақтига келиб ундаги воқеалар бўлиб ўтган заминда деҳқонлар ғалаён кўтаришади, бунинг оқибатида, жумладан саккиз журналист ҳалок бўлади ҳамда Учураккай қишлоғи бутунлай вайронага айланади. Лъоса Учураккай қишлоғидаги воқеалар бўйича тузилган парламент комиссияси томонидан бир неча бор сўроққа тутилган. Адиб ушбу воқеаларга бағишлаб «Паломино Молерони ким ўлдирди?» деган қисса ёзади. Умуман, Лъоса комиссиянинг хулосаларидан жиддий ранжийди ва Лотин Америкасида демократия худди сўл радикаллар каби ўнг радикалларнинг ҳам оёғи остида бирдай осонлик билан топталаётганига амин бўлади.

Адиб 1987 йилдан бошлаб сиёсат билан жиддий машгул бўлди. 1990 йилда демократлар партияси уни Перу президентлигига номзод қилиб кўрсатди. У Перу иқтисодиётини Чили мактаби ғоялари руҳида кескин ислоҳ қилиш, эркин бозор муносабатларига ўтиш, бюджет танқислигини кескин камайтириш ва давлат активларини тезлик билан хусусийлаштириш тарафдори бўлиб чиқади. Варгаснинг сиёсий рақиблари унинг «Қиёматдаги уруш» романидаги сўзлардан ихтибос олиб уларни ёзувчининг сайловолди дастури деган маънода радио орқали ўқиб, унга қарши фитналар уюштиришади. Қайд этиш жоизки, китобдаги кўпгина лавҳаларда ҳақиқатан ҳам «Сендеро Луминосо» жангариларининг ҳукумат қўшинлари билан ҳаётий қарама-қаршиликлари ниқобланган шаклда тасвирланган эди.

Биринчи турда 34 фоиз овоз билан ғолиб келган Варгас Льоса иккинчи турда мағлуб бўлади, ҳокимиятга Альберто Фухиморо ўтиради, у мамлакатнинг навбатдаги диктатори бўлди, оқибатда ёзувчи мамлакатни тарк этиб Лондонга келиб жойлашди ва Испания фуқаролигини олди. Сайлов борасидага кўрган-кечирганлари адибнинг «Сувдаги балиқ» романида муфассал акс этган.

Варгас Льоса Лотин Америкасидаги «диктатура афсонаси» мавзусини 2001 йилда олам юзини кўрган «Таканинг байрами» романида давом эттирган. Унда адиб Доминикан Республикаси раҳбари Рафаэль Трухилонинг зўравонлик сиёсати оқибатларини тадқиқ қилади. Бу ёзувчининг «Қиёматдаги уруш»дан кейин китобхонга тақдим этилган энг муфассал ва мукамал асари бўлди. Асар марказида учта воқелик туради: биринчиси доминиканлик муҳожир аёлнинг Трухило ўлдирилгач, орадан ўттиз йил ўтгач ватанига қайтиши ҳақида ҳикоя қилинса, иккинчиси муаллиф ушбу суиқасдни америкача сиёсий триллер услубида тиклашга ҳаракат қилади, учинчиси гап Трухильо ҳаётининг сўнгги йиллари ҳақида боради.

Варгас Льоса ижодида кўп марта танқидга учраган асари 2006 йилда чиққан «Ярамас қизалоқнинг қилмишлари» романи бўлди. Роман моҳиятан Гюстав Флобернинг «Бовари хоним» асарининг замонавийлаштирилган варианты эди.

«Кельтликнинг туши» романида муаллиф XIX асрнинг охири XX аср бошида бўлиб ўтган воқеаларга мурожаат қилади. Каучук плантацияларида меҳнат қилувчи Конго ва Амазониянинг туб аҳолиси тақдири ушбу асарнинг марказида туради.

2008 йилда адиб Хуан Онетти ижодига бағишланган монографиясини эълон қилди.

Варгас Льоса ўз асарларида ҳам ўзининг шахсий кузатувлари ва таассуротлари, ҳам тарихий тадқиқотлар натижаларидан кенг фойдаланади. Льосанинг муаллифлик манерасида модернизм ва постмодернизм, шу билан бирга, Лотин Америкаси адабиётининг фусункор реализми унсурлари яққол намоён бўлиб туради.

Адибнинг ўзи устозлари ва гоёвий йўлбошчилари сифатида, энг аввало, нисбатан унча машҳур бўлмаган Рафаэль Бенавидес, Карлос Окендо, Хосе Мария Аргедас каби перулик ёзувчиларни келтиради. Шу билан бирга Льюса улкан маданий оқимларга ҳам бегона эмас. У Камю, Сартр ва Флоберлар ижодига катта эътибор билан қарайди.

Варгас Льюса Хуан Рульфо, Карлос Фуэнтес, Хорхе Луис Борхес ва Маркес кабилар қаторида Латин Америкаси адабиётининг энг улуғ вакиллари билан бири сифатида эътироф қозонган ёзувчидир. У ХХI асрнинг биринчи ўн йиллигида ушбу адиблар орасида энг фаоли ва тижорат нуқтаи назаридан энг омадлиси ҳам бўлди. Унинг асарлари ўнлаб тилларга таржима қилинган ва такрор-такрор экранлаштирилган, Нобель мукофоти гача бўлган юксак мукофотларга лойиқ топилган.

У Испания қироллик академияси аъзоси, Европа ва Американинг бир қатор университетларининг фахрий докторидир. Варгас Льюса Фахрий легион ордени соҳиби ҳамдир. Швеция академиклари *ҳокимият тузилмасини очиб бергани ҳамда инсонга хос қаршилик, қўзғолон ва мағлубиятнинг ёрқин манзараларини яратгани учун* Варгас Льюсани 2010 йилги адабиёт соҳасидаги Нобель мукофоти билан тақдирлади.



МУНДАРИЖА

Мукофот тарихига бир назар	3
Рене Сюлли-Прюдом	17
Теодор Моммзен	19
Бьёрнстьерне Бьёрнсон	22
Фредерик Мистраль	25
Хосе Эчегарай-и-Эйсагирре	27
Генрик Сенкевич	30
Жозуэ Кардуччи	34
Жозеф Редьярд Киплинг	37
Рудольф Кристоф Эйкен	40
Сельма Оттилиана Ловиза Лагерлеф	42
Пауль Йоханн Людвиг фон Хейзе	45
Морис Метерлинк	47
Герхарт Иоганн Роберт Гауптман	49
Робин Дронат Тагор	52
Ромен Роллан	55
Карл Густав Вернер фон Хейденстам	58
Карл Адольф Гьеллеруп	61
Хенрик Понтоппидан	62
Карл Шпиттеллер	65
Кнут Гамсун	67
Анатоль Франс	71
Хасинто Бенавенте-и-Мартинес	74
Уильям Батлер Йейтс	76
Владислав Станислав Реймонт	79
Жорж Бернар Шоу	82
Грация Деледда	84
Анри Бергсон	87
Сигрид Унсет	90
Томас Манн	92
Синклер Льюис	95
Эрик Аксель Карлфельд	99
Жон Голсуорси	101
Иван Алексеевич Бунин	104
Луижи Пиранделло	107
Южин О'Нил	110

Роже Мартен дю Гар	112
Перл Бак	115
Франс Эмиль Силланпя	118
Йоханнес Вильхелм Йенсен	121
Габриела Мистраль	124
Герман Гессе	127
Андре Жид	130
Томас Стернз Элиот	133
Уильям Фолькнер	135
Бертран Уильям Рассел	139
Пер Лагерквист	142
Франсуа Мориак	145
Уинстон Леонард Спенсер Черчилль	149
Эрнест Миллер Хемингуэй	153
Хальдоур Кильян Лакнесс	158
Хуан Рамон Хименес	160
Альбер Камю	163
Борис Леонидович Пастернак	169
Салваторе Квазидомо	173
Сен-Жон Перс	176
Иво Андрич	179
Жон Стейнбек	182
Йоргос Сеферис	185
Жан-Поль Сартр	188
Михаил Шолохов	192
Шмуэль Йосеф Агнон	195
Нелли Закс	198
Мигель Анхель Астуриас	200
Ясунари Кавабата	202
Сэмюэль Беккет	207
Александр Исаевич Солженицин	210
Пабло Неруда	217
Генрих Бёлль	220
Патрик Уайт	222
Эйвинд Йонсон	224
Харри Мартинсон	226
Эуженио Монтале	228
Сол Беллоу	230
Висенте Алейксандре	234
Исаак Башевис-Зингер	236
Одисеас Элитис	239
Чеслав Милош	241
Элиас Канетти	243
Габриэль Гарсиа Маркес	245
Уильям Голдинг	247
Ярослав Сейферт	249

Клод Симон	251
Воле Шойинка	253
Иосиф Александрович Бродский	256
Нажиб Маҳфуз	259
Камило Хосе Села	261
Октавио Пас	263
Нодин Гордимер	264
Дерек Уолкотт	266
Тони Моррисон	269
Кэнзабуро Оэ	271
Шеймас Хини	274
Вислава Шимборска	276
Дарио Фо	277
Жозе Сарамаго	278
Гюнтер Грасс	280
Гао Синцзянь	283
Видьядхар Сурайпрасад Найпол	286
Имро Кертес	287
Жон Максвелл Кутзее	289
Эльфрида Елинек	291
Гарольд Пинтер	293
Ўрхон Памуқ	295
Дорис Лессинг	299
Жан-Мари Гюстав Леклезьо	301
Герта Мюллер	303
Варгас Льюса	306

Адабий-бадий нашр

Хусан Эрматов

НОБЕЛЬ МУКОФОТИ СОВРИНДОРЛАРИ

Муҳаррир *Аҳмаджон Мелибоев*
Бадий муҳаррир *Ақром Баҳромов*
Техник муҳаррир *Татьяна Смирнова*
Мусахҳиҳ *Фотима Ортиқова*
Компьютерда саҳифаловчи *Акмал Сулаймонов*

Нашр. лиц. № 154. 14.08.09. Босишга 21.02.11 й.да рухсат этилди.
Бичими 60x90 $\frac{1}{16}$. Офсет босма. 19,75 шартли босма тобоқ.
23,0 нашр тобоғи. Адади 3000 нусха.
63 рақамли буюртма. 5—2011 рақамли шартнома.
Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.
100128 Тошкент, Шайхонтоҳур кўчаси, 86.

**Бизнинг интернет манзилимиз: www.iptdgulom.uz
E-mail: iptdgulom@sarkor.uz**

Эрматов, Хусан.

Нобель мукофоти совриндорлари / Х.Эрматов. – Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011. – 316 б.

Ҳар йили буюк кашфиётлар учун бериладиган халқаро Нобель номидаги мукофот ҳақида эшитмаган ва билмаган китобхон бўлмаса керак. Ушбу мукофот физика, кимё, физиология ёки тиббиёт соҳасидаги кашфиётлар, бадий асарлар, халқлар дўстлиги ва тинчликни мустаҳкамлаш йўлида кўрсатган фаолият учун берилади. Ушбу тўпلامга адабиёт йўналиши бўйича Нобель мукофотига сазовар бўлган буюк шоир ва ёзувчиларининг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги маълумотлар киритилган.

ББК 66.77